

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг  
**100** йиллигига  
бағишланади

**Муминов Н.Г.**

**ИНДУСТРИАЛ  
ИҚТИСОДИЁТ**  
фанидан  
**МАЪРУЗАЛАР КУРСИ**

Тошкент – 2018

## **Муминов Н.Г.**

Индустриал иқтисодиёт: Маърузалар курси / Т.: “Tsentr innovatsionnix texnologiy” нашриёти, 2018.- 446 бет.

Маърузалар курсида «Индустриал иқтисодиёт» фанининг предмети ва вазифалари, иқтисодиётнинг энг муҳим, етакчи тармоқлари бўлган саноат ва қурилишнинг миллий иқтисодиётдаги роли, ўрни ва аҳамияти, таркибий муаммолар, бошқариш ва режалаштиришнинг илмий асослари, фан-техника тараққиёти, кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий ва айланма фондлар, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлик, қиймат ва таннарх, фойда ва рентабеллик ҳамда баҳо масалалари ёритилган. Унда бир қатор услубий масалалар ва саноат ва қурилиш соҳаларида юз берадиган иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Маърузалар курси иқтисодиёт йўналишида таҳсил олувчи талабалар, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи докторант ва тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган. Шунингдек, ушбу маъруза матнларидан тармоқлар иқтисодиёти ва инвестиция сиёсати муаммоларига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**МАСЪУЛ  
МУҲАРРИР:** -

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Хашимов П.З.** - Ўзбекистон Миллий университети  
“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси мудирини,  
и.ф.н., доцент

**Хашимова Н.А.** - Тошкент давлат техника университети  
“Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудирини,  
и.ф.д.

© Ўзбекистон Миллий университети

© Муминов Н.Г.

© “Tsentr innovatsionnix texnologiy” нашриёти

## КИРИШ

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юз бераётган ўзгаришларнинг бугунги босқичида таълим соҳасида сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Бу тизим, бутун иқтисодиёт тизими каби янги жиҳатлар, янги йўналишлар, янги ёндашув ва мазмун касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти бугунги кунда фаннинг турли соҳаларида чуқур билимга эга бўлган, мустақил ҳисоб-китоблар юрита оладиган, тўғри хулосалар чиқара оладиган ва истиқболни белгилай оладиган малакали мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш шароитида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал тараққий эттириш асосида жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда иқтисодиётнинг етакчи ва ўзига хос тармоқлардан бўлган саноат ва қурилишнинг мавқеи алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шу жуда муҳим соҳалар иқтисодий асосларининг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти ва моҳиятини тушунадиган, ундаги барча янгиликлар ва ташкилий ўзгаришларни ҳис эта оладиган иқтисодчиларни тайёрлашда “Индустриал иқтисодиёт» фанининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Фаннинг асосий мақсади таҳсил олувчиларда замонавий иқтисодий фикрлашни, мамлакат миллий иқтисодий-ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида саноат мажмуасининг эгаллаган ўрнини тавсифлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги умумлашган тасаввурни шакллантиришдан иборат.

Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устивор йўналишларини яхши тушуниш, капитални янги қурилишга сарфлаш имкониятларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни, ресурслардан оқилона фойдаланиш, бошқарув, тадбиркорлик ва бизнесни билиш бугунги кундаги мутахассислар учун жуда муҳимдир. Шунингдек, улар учун иқтисодиёт бошқарувидаги турли миқёсларда ишлаб чиқилаётган инвестицион ечимлар ва лойиҳаларни танлаб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини билиш жуда муҳимдир.

“Индустриал иқтисодиёт» фани талабаларга нафақат муайян ахборот, маълумотлар, билим ва илм бериши, балки уларни ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларини тўғри танлаб олишга, мураккаб иқтисодий муаммоларнинг ечимини топа билишга ўргатиши керак.

**Курснинг асосий мақсади** - талабаларга саноат ва қурилиш иқтисодиёти соҳасидаги билимларни бериш, саноат ва қурилишнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги алоҳида ўрни, инвестициялаш стратегияси ва тактикаси, саноат ва қурилиш ишлаб чиқаришини

режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, олинган билимлардан хўжалик амалиётида маҳорат билан фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларига ҳам амалда татбиқ эта олишни ўргатишдир.

**Курснинг асосий вазифалари** талабаларга қуйидаги билимларни беришдан иборат:

- иқтисодиётдаги ўзгаришларни ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги роли ва ўрни;
- саноат ва қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг замонавий тизимини, ишлаб чиқариш жараёни қатнашувчиларининг ўзаро муносабатлари;
- инвестиция лойиҳалари ва ечимларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари;
- қурилиш индустриясининг ресурс салоҳиятини ўрганиш ва ундан ресурслар ва вақт омили чекланган шароитларда фойдаланишнинг оқилона йўллари аниқлаш;
- қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари;
- иқтисодиётни бошқаришнинг турли поғоналарида қурилиш ва инвестиция мақсадларини режалаштириш, прогнозлаш, молиялаштириш ва кредитлаш асосларини ўзлаштириш.

## 1-МАВЗУ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Таянч атамалар ва иборалар: индустриал иқтисодиёт, саноат, иқтисодий фанлар тизими, тармоқ иқтисодий фанлари, умумиқтисодий фанлар, макроиқтисодиёт, методология.

**Режа:**

- 1.1. **Фаннинг объекти. Индустриал иқтисодиётнинг таърифи**
- 1.2. **Фаннинг предмети ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги**
- 1.3. **Фаннинг ўрганиш методикаси ва усуллари**
- 1.4. **Фаннинг бозор иқтисоди шароитига, ислохотлар талабига хос ва мос вазифалари**

### 1.1. Фаннинг объекти. Индустриал иқтисодиётнинг таърифи

Ҳар бир фан ўзининг ўрганиш объектига эга бўлади. Шундай объектнинг бўлиши у ёки бу фаннинг дунёга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шартидир. “**Индустриал иқтисодиёт**” фани ҳам ўз объектига эга. Унинг объекти саноат ва қурилиш соҳалари ҳисобланади. Шу боис фанни мазмунан ва таркибан икки қисмга ажратиб ўрганамиз: биринчиси – саноат иқтисодиёти; иккинчиси – қурилиш иқтисодиёти.

**Индустриал жамият** – бу жамиятнинг шундай тури бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ҳамда саноат катта қиймат улушига эгадир<sup>1</sup>. Индустриал жамият саноат инқилоби натижасида юзага келади.

Индустриал тараққиёт кўпроқ завод ва фабрикаларни очиш ва ишга тушуришга ҳаракат қилиш билан тавсифланади. Мамлакатда “фабрика ишлаб чиқариши”ни кенгайтириб бориши учун давлат экологик стандартларга амал қилинишига эътиборсиз бўлади. Саноат корхоналари – асосан энергия сиғими юқори ва ўз фаолияти учун катта моддий харажатларни талаб этади. Бунинг натижасида атмосферага зарарли чиқиндилар чиқарилиши ва сув ҳавзаларини ифлосланиши юзага келади. Ёмон экологик ҳолат – индустриал иқтисодий моделнинг асосий ҳосиласи ҳисобланади.

Индустриал цивилизацияни вужудга келиши саноатда ва бошқа тармоқларда йирик машина ишлаб чиқарилишини яратилиши билан боғлиқ мураккаб жараён<sup>2</sup>. Бунда жами ишлаб чиқариш ҳажминининг асосий улуши саноатга тўғри келади. Шаҳар аҳолисининг улуши ортиб боради. Мамлакат экспортида саноат маҳсулотларининг салмоғи кўп бўлса, импортда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё улуши кўп бўлади. Индустриал иқтисодиётнинг ўзига хос белгилари - меҳнат унумдорлигининг юқорилиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини юқорилиги ҳисобланади.

<sup>1</sup> <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/940018>

<sup>2</sup> <http://gigabaza.ru/doc/789-p3.html>

## 1.2. Фаннинг предмети ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ишлаб чиқариш ва бозорни оқилона ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини, натижалилигини оширмақ учун жамиятнинг умумий иқтисодий қонунларини билиш, хўжаликка раҳбарлик қилишнинг илмий асосларини чуқур эгаллаш зарур.

Иқтисодиёт соҳасида рўй бераётган барча воқеликлардан хабардор бўлиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўғри тушуниш, иқтисодий муаммоларни оқилона ҳал этиш корхоналар, фирмалар, тармоқлар ва комплекслар олдида турган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш учун иқтисодий билимлар билан қуролланмоқ, уларни чуқур эгалламоқ керак. Бундай билимларни бизга иқтисодий фанлар тизими ўргатади (1-схема).

Иқтисодий фанларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи – **Умумиқтисодий фанлар**, яъни иқтисодни яхлит ўрганувчи фанлар. Иккинчи – **Хусусий иқтисодий фанлар**, яъни иқтисоднинг у ёки бу соҳасини, ёхуд корхона (фирма) иқтисодини ўрганувчи фанлар. Биринчи гуруҳга энг аввало “Иқтисодий назария” фани киради. Унинг ўзи ўз номи билан бошқа фанлардан ажралиб туради ва умум иқтисодга назарий жиҳатдан ёндошади, унга хос қонун ва қоидаларни ўрганади.

**Иқтисодиёт назарияси** – инсонларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро алоҳида ўрганувчи фандир. Бу фан кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни бошқариш қонунларини, шунингдек, улардан амалий фаолиятда фойдаланиш йўллариини ўрганади. Лекин иқтисодий назария иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва тармоқлараро комплексларида иқтисодий қонунларнинг намоён бўлиш, рўй бериш шакллариини ва хусусиятларини ўрганмайди. Бу билан аниқ иқтисодий фанлар шуғулланади. Ана шундай фанлардан бири **“Индустриал иқтисодиёт”** фани ҳисобланади. Бу фан жамиятнинг иқтисодий қонунлари ва зарурий қоидалари саноат ва унинг тармоқлари, ҳамда қурилиш соҳасида намоён бўлишини, рўй беришини, тузилмавий ўзгаришларнинг “фалсафасини”, бошқаришнинг илмий асосларини, режалаштириш ва прогнозлашнинг методологияси ва методикасини, фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари, саноат ресурсларининг моҳияти, аҳамияти ва турлари ҳамда улардан фойдаланишни яхшилаш шарт-шароитлари ва саноат ва қурилишга хос қатор муаммоларини ўрганади.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фани бир қатор иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғланган. Улар жумласига Экономикс, Иқтисодий назария, Макро ва Микроиқтисодиёт, Статистика, айниқса Иқтисодий статистика, Меҳнат иқтисоди, Маркетинг, Менежмент, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, Молия-кредит ва Бозор иқтисодиёти ва бошқа бир қатор фанлар киради.



**1-чизма. Иқтисодий фанлар тизими.<sup>3</sup>**

<sup>3</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.11.

**“Индустриал иқтисодиёт”** курси “Корхона иқтисоди” фани билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай боғлиқлик саноат ва унинг алоҳида тармоқларининг моддий-техника ва меҳнат салоҳиятидан тўла-тўқис фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш учун меҳнат жамоасига иқтисодий таъсир кўрсатишнинг янгидан-янги усулларини топишда маҳорат ва ишнинг кўзини билишга ёрдам беради.

Иқтисодий ҳаёт жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганиш даражаси нуқтаи назаридан, одатга кўра, макроиқтисод ва микроиқтисодни фарқлайдилар.

**«Макроиқтисодиёт»** фани иқтисодни бир бутун сифатида қарайди ва умумий (мажмуий) талаб ва таклифнинг, миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулотнинг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этади, ҳукумат бюджет сиёсатининг иқтисодий ўсишига, инфляция ва ишсизлик даражасига таъсирини таҳлил этади. Бошқача айтганда, бу фан макроиқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини ўрганади ва ўргатади.

**«Микроиқтисодиёт»** фани ишлаб чиқариш тармоғи ва корхона, товар ва молия бозорлари, банклар, турли фирмалар, уй хўжалиги каби алоҳида субъектлар ва тузилмаларнинг феъл – атворини тадқиқ этади. У алоҳида товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва уларга баҳо қандай белгиланишини, солиқлар ва бошқа тўловларнинг аҳоли жамғармаларига қандай таъсир этишини ўрганади.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фани «Менежмент» фани билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки саноат бошқарувининг муҳим муаммолари менежмент назарияси ва амалиёти асосида ўз ечимини топиши мумкин.

**«Менежмент»** фани – бу бошқарувчига танловни тўғри амалга ошириш ва таъсирчан қарорни қабул қилишни ўргатувчи фандир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида барча бўғинларда ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Бу фаннинг муҳим муаммоларини ўрганишда иқтисодиётда техника ва технология тараққиётининг йўлларини белгилаб берадиган фанларнинг хулосаларидан ҳам кенг фойдаланиш фоят зарурдир.

Шундай қилиб **“Индустриал иқтисодиёт”** фанининг предмети деганда жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ва зарурий қоидаларининг шу соҳада намоён бўлиш шаклларини, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва буюмлашган меҳнатнинг энг оптимал харажатлари асосида энг яхши натижаларга эришишни таъминлаб берадиган шарт-шароитлар ва омилларни ўрганиш тушунилади.

### **1.3. Фаннинг ўрганиш методологияси ва усуллари**

Илм-фан методологияси дейилганда, уни билиш ва ўрганиш фаолиятининг шакллари ва усуллари мажмуаси тушунилади. Шу фан



бўйича масалани ўртага ташлаш, тадқиқот мавзуси ва илмий назарияни шакллантириш, шунингдек, аниқланган натижанинг ҳақиқийлиги, яъни ўрганилаётган объектга мувофиқлиги жиҳатидан текшириш методологияни қўллашнинг энг муҳим томони ҳисобланади. Демак, **методология** – бу тадқиқот ёки билиш, англаш йўли, воқеликни амалий ва назарий ўзлаштириш усуллари мажмуасидир.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фанининг назарий, методологик асосини саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиш муаммолари бўйича ҳозирги назария, ўзбек эли ва хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг илмий асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидалари, Республика Президентининг фармонлари ташкил этади.

Иқтисодиётнинг етакчи соҳалари бўлган саноат ва қурилишда рўй берадиган барча ҳодиса ва ўзгаришларни тадқиқ этиш анчагина мураккаб жараён дир. У жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга, яъни – ҳақиқатни билишнинг, объектив реалликни тан олишнинг диалектик йўлидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай услубий ёндашиш саноат, қурилиш, унинг тармоқлари ва ирмоқлари ҳамда корхоналарида рўй берадиган ҳодисалар, воқеликлар ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг узлуксиз ҳаракати, тараққиёт ва ўзгариши, миқдор кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга ўтиши, вақт ва фазода ривожланишини англаб олишга ёрдам беради.

Диалектика усули муаммолар ўрганилаётган омиллар, шарт-шароитларнинг намоён бўлиши ва юз бериши, зиддиятларга, қарама-қаршилиқларга бой эканлигини инобатга олишни тақозо этади.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фани ва илмининг барча муаммоларини ўрганишда унга тарихий ёндашиш керак. Айниқса гуманитар фанлар масаласида энг ишонарли нарса – бу асосий тарихий боғланишни унутмаслик дир. Ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай босқичлардан ўтганлиги нуқтаи назаридан қараб ана шу ривожланиш, тараққиёт қандай бўлиб рўй берганлигига эътибор қаратиш зарур.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фанининг энг муҳим муаммоларини ўрганишда қуйидаги бир қатор аниқ усуллардан фойдаланилади. Булар жумласига мушоҳада, абстракт тафаккур, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик усул, статистик усуллар (сифат ва миқдор, индекс, гуруҳлаш, баланслик ва у билан боғлиқ бўлган норматив усул, эҳтимоллар), иқтисодий математик моделлаштириш, оптималлаштириш, мувозанатни аниқлаш, “ақлий ҳужум», тажрибавий усуллар киради.

Бозор иқтисодига ўтиш туфайли саноат тараққиётига муносабат бутунлай ўзгарди, яъни тузилмавий ўзгаришларнинг аҳамияти ҳамда раҳбарлик қилишнинг иқтисодий ва маънавий, психологик роли

сезиларли даражада ошди. Шу сабабли саноат ишлаб чиқаришнинг тараққиёт тенденциясини, ривожланган даврнинг ўзига хос, ўзига мослигини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу омиллар, шарт-шароитлар аҳамиятини ва ролини динамикада ҳисобга олиш керак бўлади.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фанининг барча масалаларини юқорида келтирилган ва бошқа бир қатор усуллар ёрдамида ўрганиш, таҳлил қилиш бу фанни ўрганувчиларнинг ва унинг муаммолари ечимини ҳал этувчиларнинг билиш ва илмий салоҳиятини кучайтиради, ақлий заковатини бойитади.

#### **1.4. Фаннинг бозор иқтисодиёти шароитига ва ислоҳотлар талабига хос ва мос вазифалари**

Ҳар қандай фан каби **“Индустриал иқтисодиёт”** фани ҳам энг аввало, билиш вазифасини бажаради. Унинг асосий вазифаси талабани саноат ва қурилиш соҳасига тааллуқли иқтисодий билим ва кўникма билан қуроллантиришдан иборатдир.

Бу фан, биринчидан, иқтисодиётнинг саноат ва қурилиш соҳаларидаги сир-асрорларини билиб олишга; иккинчидан, бу тармоқ иқтисодиётида қўлланиладиган барча иқтисодий тушунчаларни тавсифлашга, улар реал иқтисодий воқеликнинг илмий инъикоси, ифода этилиши эканлигини билиб олишга ёрдам беради; учинчидан, ишлаб чиқариш санъатини эгаллаш бўйича билим ва кўникма беради. Демак, **“Индустриал иқтисодиёт”**нинг билиш, назарий вазифалари билан унинг амалий вазифалари ҳам мавжуддир. Шу туфайли ҳар бир иқтисодчи мавжуд иқтисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва аҳамиятини яхши тушуниши, уларни тўғри ҳисоблаш ва аниқлашни билиши, улар динамикасида тегишли хулоса чиқариши керак бўлади.

Ҳар қандай билим ҳам, ҳатто жамият ҳаётининг чуқур негизларига кириб борувчи илм ҳам ўз-ўзидан қимматли бўлмай, балки ҳаракат учун қўлланма бўлиб, жамиятни тубдан ўзгартиришнинг амалий мақсадларига хизмат қилганлиги учун қимматлидир. Шу сабабли **“Индустриал иқтисодиёт”** ҳам фундаментал фанлар қаторидан ўрин олиб, иқтисодий тараққиётнинг муҳим қонун-қоидаларидан саноат ва қурилиш соҳаларида фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради.

**“Индустриал иқтисодиёт”** фанининг муҳим вазифаларидан бири – бу методологик вазифадир. **“Индустриал иқтисодиёт”** иқтисодий фанлар мажмуида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки барча иқтисодий методологик масалаларнинг илмий ва амалий талқини, энг аввало, саноат ва қурилиш соҳаларида амалга оширилади. Билимнинг турли тармоқлари чегарасида туташган бир қатор фанлар, хусусан, микро ва макроиқтисод, маркетинг ва менежмент, статистика назарияси, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия ва кредит фанлари индустриал иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ. Бу фанлар тадқиқот ёки билиш, англаш йўлини шакллантириш жараёнида **“Индустриал иқтисодиёт”**

фанининг тажрибасига суянади ва тарихий нуқтаи назардан ёндашади.

Бу фаннинг вазифалари Республикада амалга оширилаётан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг объектив шароитлари, Ўзбекистон Давлати иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва бу ерда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни билан белгиланади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:<sup>4</sup>

- мустақил ва қудратли давлат иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва мақсадини тушунган ҳолда саноат ишлаб чиқариши ҳамда унинг бўғинларида бу сиёсатни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини тўла англаш;

- саноат ишлаб чиқаришининг ва қурилишнинг ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва унинг истиқболини белгилашни фикрлаш;

- саноат ишлаб чиқаришини ва қурилишни ташкил этиш, бошқариш, самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий асосларини аниқлаш бўйича билим ва кўникма бериш;

- саноат ва қурилиш ресурслари, ишлаб чиқариш фондлари ва қувватларидан бекаму кўст, оқилона фойдаланиш;

- фан-техника тараққиётининг иқтисодий аҳамияти ва моҳиятини таҳлил этиш, саноат маҳсулотларининг сифати ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини кучайтириш санъатини эгаллашга ёрдам берадиган билим ва кўникма бериш.

Шу билан бирга бу фаннинг вазифаси саноат соҳасида ташқи иқтисодий фаолият моҳиятини, аҳамияти ва мазмуни ҳамда саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий интеграциянинг ролини тушунтириб беришдан ҳам иборат.

Фаннинг яна бир вазифаси – бу саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар тизими, маҳсулот таннархи, нархларнинг шаклланиши, рентабеллик, саноат ва қурилишни молиялаш ва кредитлаш масалалари тўғрисидаги билим ва кўникмалар билан ўқувчиларни қуроллантиришдир.

### **Қисқача хулосалар**

1. «Индустриал иқтисодиёт» курси иқтисодиёт фанининг муҳим қисми, билим ва кўникма берувчи фан ҳисобланади. У саноат ишлаб чиқариши ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

2. «Индустриал иқтисодиёт» фан сифатида тасвирлаш, тушунтириш ва келажакка тегишли воқеликларни башорат қилишни таъминлайдиган назария ва методолигиани қўллашга асосланади.

3. «Индустриал иқтисодиёт» илмий курс сифатида умум иқтисодий қонунларни чуқурлаштиради, аниқлаштиради ва хусусий

---

<sup>4</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.15.

ҳамда ўзига хос қонуниятларни шакллантиради. У бу қонуниятлар, шунингдек, фундаментал қоидаларни саноат тармоқларининг баъзи бир типик гуруҳларига мувофиқ тарзда ўрганади.

4. «Индустриал иқтисодиёт» талабаларни маълум тармоқнинг корхона (фирма)ларида содир бўладиган воқеаларни режалаштириш, башоратлаш, таҳлил этиш, ҳисоб ва ҳисобот ишларини юритиш бўйича зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

5. «Индустриал иқтисодиёт» илмий курс сифатида мамлакат ичида ва хорижда юз бераётган иқтисодий жараёнларни билишга имкон беради.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. «Индустриал иқтисодиёт» фани нима учун ўқитилади?
2. Бу фаннинг объекти деганда нималарни тушунасиз?
3. Ушбу фан ёрдами билан қандай қонунлар ва қонуниятлар ўрганилади?
4. Ушбу курсни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
5. «Индустриал иқтисодиёт» фани қандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ?
6. Жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш даврида ушбу фан олдида қандай вазифалар турибди?

## **2-МАВЗУ. САНОАТ - МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** саноат, хонаки саноат, иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ёқилғи – энергетика мажмуаси, энергетика, металлургия саноати, пахта тозалаш саноати машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати.

**Режа:**

**2.1. Саноатнинг таърифи ва тавсифи**

**2.2. Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни**

**2.3. Саноат тармоқларининг ривожланиши тарихи**

### **2.1. Саноатнинг таърифи ва тавсифи**

**Саноат** - бу ижтимоий-иқтисодий категориядир. Демак, Саноат объектив реаллик (борлиқ)нинг инъикоси ва юксак умумлашмасидир. Унинг алоҳида тармоқ, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб юзага келиши ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожига билан тарихий жиҳатдан боғлиқдир. Саноат ҳам объектив борлиқнинг муҳим ҳодисалари қаторида маълум давр (вақт ва фазо) да дунёга келган, муайян қонун ва қоидалар асосида ривожланган, маълум миқдор ва сифатларга, зарурият ва имкониятларга эга бўлган ҳамда зиддиятлар қурбони ҳам бўлган.

Ўзбекистон саноати ҳам ўз тараққиёти жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтган. Энг аввало, уй саноати (“Она қорнидаги саноат”), сўнгра, ҳунармандчилик, яъни хонаки саноат, кооперация, мануфактура, фабрика каби шакллари юзага келган. Бу ерда ҳунармандчиликнинг жуда кўп турлари, яъни кулолчилик, дурадгорчилик, тоштарашлик, бинокорлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тўқувчилик ва тикувчилик, темирчилик, мисгарлик ва заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик ва бошқалар кенг тарқалган.

Бу ерда ҳунармандчилик (“Хонаки саноат”) бронза асрида деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Милоднинг дастлабки асрларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида анчагина ҳунармандчилик марказлари ташкил топган. IX-X асрларда ип, мато, гилам бўйича Хива ва Шош, мис ва темирдан аслаҳа, пичоқ тайёрлаш бўйича Фарғона, шойи матолар, шиша маҳсулотлар тайёрлаш бўйича Бухоро дунёга танилган. XII-XIII асрларда ривожланиш пасайиб, Темурийлар давлатининг вужудга келиши билан ҳунармандчилик яна ривож топган. Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик алоҳида аҳамият касб этган. XIX аср охирига келиб, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривож топган. XX аср бошларида эса

ҳунармандчиликнинг асосий қисми артелларга, кейинчалик завод ва фабрикаларга, бадий буюмлар корхоналарига айлантирилган.

XVIII асрнинг 60-70-йилларида Англияда рўй берган Саноат тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда аста-секин мануфактурадан машиналашган индустрияга ўтиш бошланди. Хомашёга бирламчи ишлов берадиган саноат соҳалари (пахта тозалаш, ипак тортиш, вино, консерва, мой заводлари) вужудга келди.

XX асрда Ўзбекистон саноатида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Агар аср бошларида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан 5-10 хили (пахта толаси, хом ипак, ўсимлик мойи, узум виноси, ғишт, ганч ва бошқалар) ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда юзлаб-минглаб турлари тайёрланмоқда.

**Саноат** моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғидир. Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ишчилар сонининг ошиши ва унинг жамиятдаги мавқеи кўтарилишига олиб келади. Мустақиллик даврида жамиятни тарихий жиҳатдан янгилашда ишчиларнинг авангардлик роли тўғрисида гап юритилар экан, фақат ишчилар синфигина меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва истиқлолни ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга ва уни узил-кесил таъминлашга ёрдам бера олади, дейиш мумкин. Ана шу фикрни Ўзбекистон воқеълиги кун сайин тасдиқламоқда. Ўзбекистон ишчиси республика ялпи ижтимоий маҳсулотининг, миллий даромаднинг асосий қисмини бунёд этмоқда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда фаол иштирок этаётир.

Ўзбекистон республикаси ишчилари қиёфасида ҳам барча ривожланган мамлакатлар ишчиларидагидек, онгли индустриал меҳнаткашнинг ва инсонлар муносабатининг юксак нормалари ва умуминсоний тамойилларини, қадриятларини қарор топтирувчи, янги ҳаёт учун илғор курашчи ҳислатлари бир бутун бўлиб мужассамлашган.

**Саноат** тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий-техникавий, маънавий-маърифий даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасининг тинмай ошиб боришидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг билим ва кўникмаси, ишлаб чиқариш малакаси ва маҳорати, маданий ва маърифий савиясини юқори даражага кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишларда ҳам саноатнинг юқори ўрин тутишини кўриш мумкин.

**Саноат** мамлакат мудрофаа қобилиятининг моддий базаси, эл-юртда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим омили, қўшни мамлакатлар мустақиллигини, ҳамкорлиги ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлати мудрофаасини кафолатлашда саноатнинг роли бебаҳодир.

**Саноат** шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдалиниш имкониятлари юзага келади.

**Саноат**, айниқса оғир саноат бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни идустрлаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника базасини қайтадан қуриш ишини ўзбек халқи Президент раҳбарлигида умуман саноат, хусусан, унинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришдан бошлади. Чунки бу соҳалар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори бўлиб ҳисобланар эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг энг олий тури – концентрациянинг юқори даражаси билан кичик бизнес ва тадбиркорликни уйғунлаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари-ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш ҳам саноат соҳасида ҳукмронлик қилади ва яхши самаралар беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – бу рақобат, яъни беллашув, рақиблар кураши ҳам саноат соҳасида ривож топади. Илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш, материалларнинг янги турларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат ва бошқа меҳнат анъаналари ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва келмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва Давлатнинг иқтисодий сиёсати саноатнинг етакчи ўрнини янада оширмоқда. Ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда.

## **2.2. Саноат. Унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни**

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуролилари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат иқтисодиётнинг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуролилари билан таъминлайди. Миллий

иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бекиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеини шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшиланиб боради.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳиятини юқори даражага кўтарилади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражасини ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари – ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток системасини ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қилади.

Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини ўзида тўплаб, мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унинг унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат ва айниқса унинг энг муҳим соҳасини бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосини ҳисобланади. У моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизини ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат мудофаа қобилиятинининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлатининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда саноатнинг роли муҳимдир.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан ҳамкорлигини саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Давлатларнинг табиий, меҳнат ресурсларидан, илм-фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқлидир.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир.



Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли беқиёсдир. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан билиб олиш мумкин.

1 -жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича аҳоли бандлиги ва унинг ўсиш суръати<sup>5</sup>**

	Минг киши ҳисобида				Ўсиш, %да
	1995	2005	2014	2015	
Иқтисодиётда бандлар. Жами	8449	10196	12818	13058,3	154,6
Шу жумладан,					
саноат	1087	1348	1642	1668,2	153,5
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3485	2967	3531	3610,9	103,6
Қурилиш	528	849	1209	1248,5	236,5
Транспорт ва алоқа	348	488	685	710,6	204,2
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот, сотиш ва тайёрлов	705	904	1431	1481	210,1
Уй-жой коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	214	316	465	481,5	225,0
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	487	736	925	925,6	190,1
Таълим, маданият, санъат фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1054	1385	1645	1645,8	156,1
Молия, кредитлаш ва суғурта	40	54	64	65,2	163,0
Бошқа соҳалар	501	1149	1221	1221	243,7

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан қуйидаги ёрдамида ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.34.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг **13** фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шунинг таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, қудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қилади. Бу тармоқнинг янада улкан ривожини саноат кадрлари сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тараққиёти юқори малакали ишчи кадрлар, муҳандис ва техник ходимларни яратди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноатида **1,6** миллионга яқин ходим ишламоқда. Улардан **16%** олий маълумотли мутахассис, **84%** ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардир.<sup>6</sup>

Жамият тараққиётининг муўим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий – техник савияси ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасини тинмай ошиб боришидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – рақобат ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва ривожлана бошлади. Тадбиркорлар, ишбилармонлар беллашувнинг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Республика саноатида ҳам рақобат ўзининг оддий босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиб, чинакам умумий дастакка айланмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлат иқтисодий сиёсатининг етакчилик ролини янада оширмоқда. Олий Мажлиснинг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг аввало, саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва сезиларли самара бермоқда.

**Саноат** табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча иқтисодиёт тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат

---

<sup>6</sup> Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент, 2014. Б.30.

ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчарс боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида **175** тармоқ, **22700** та йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Саноатнинг миллий иқтисоддаги роли ва ўрнини қуйидаги жадвалдан аниқроқ кўриш мумкин.

2- жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари<sup>7</sup> (ҳақиқий баҳода, млрд. сўм)**

	2012	2013	2014	2015
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	97929,3	120861,5	145846,4	171369,0
<i>шу жумладан</i>				
Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати	23456,6	29069,5	34981,6	41531,0
саноатнинг улуши, %да	24,0	24,1	24,0	24,3
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	22797,3	28694,6	35233,3	41670,5
<i>шу жумладан</i>				
саноатда	7794,0	9813,4	13164,5	17041,0
саноатнинг улуши, %да	34,2	34,2	37,4	40,9

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришидаги камайиш, бошқа собиқ иттифоқ давлатларига нисбатан паст бўлиб келди. Бунинг сабаби, иқтисодиётнинг хомашё ва материалларга боғлиқлиги ва шу тариқа собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетишидан сўнг давлат томонидан экспортни тез суръатда қайта йўналтиришга эришилганлигидадир. Ҳозирги даврга қадар иқтисодиётнинг узлуксиз ўсиши давом этмоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

3- жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш<sup>8</sup>**

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Ялпи ички маҳсулотни	7.0	7.5	9.5	9.0	8.1	8.5	8.3	8.2	8.0	8.1

<sup>7</sup> Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.14.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2015. Б.35.

нг йиллик ўзгариши, %										
Саноат ишлаб чиқаришидаги йиллик ўзгариш, %	3.8	6.2	6.6	6.8	4.1	4.2	3.5	4.6	6.5	5.7

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2013-14 йилларда жами саноат ишлаб чиқариши олдинги йилларга нисбатан бир мунча тезроқ ўсди. Айниқса қайта ишлаш саноати қазиб олувчи (ундирувчи) саноатга нисбатан катта суръатлар билан ўсди. Саноат ишлаб чиқаришидаги йиллик ўзгариш 2005 йилда 3.8% %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 5.7 % га етди. (жадвал)

Қуйидаги, 4-жадвалда 2010-2015 йилларда саноат ишлаб чиқариши тармоқларидаги ўзгаришлар кўрсатилган.

4 - жадвал

**Саноат ишлаб чиқариши тармоқларидаги ўзгаришлар<sup>9</sup>**  
(ўсиш индекси, олдинги йил -100)

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
<b>Жами саноат</b>	<b>108,5</b>	<b>106,4</b>	<b>107,9</b>	<b>109,6</b>	<b>108,3</b>	<b>107,9</b>
<i>шу жумладан,</i>						
Қазиб олувчи	103,1	100,5	107,3	97,5	97,4	107,0
Қайта ишловчи	110,1	108,6	108,1	112,7	110,7	108,1
<b>Саноат тармоқлари бўйича</b>						
1. Электрэнергетика	102,7	101,1	103,0	101,3	102,2	105,8
2. Ёнилғи саноати	104,1	100,7	104,8	101,5	98,0	105,8
3. Қора металлургия	107,7	105,8	106,5	102,8	116,5	103,4
4. Рангли металлургия	99,1	102,5	102,6	103,5	102,0	103,4
5. Кимё ва нефть-кимё саноати	117,1	110,4	106,8	104,1	104,5	104,1
6. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	112,8	112,7	113,9	124,2	114,7	92,2
7. Ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш	106,3	112,2	106,5	123,4	111,9	133,0
8. Қурилиш материаллари	105,8	110,9	113,0	115,6	107,8	107,9
9. Енгил саноат	117,9	104,0	112,9	111,9	115,4	115,7
10. Озиқ-овқат саноати	113,1	113,5	105,0	109,3	108,3	117,3

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан қуйидагилар асосида тузилган: Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2014. Б.24-25; Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.25-26.

Бундай ўсишнинг асосий омили давлатнинг ўзи ислохотлар стратегиясини саноатлаштириш сиёсати билан мувофиқлаштириб олиб борганидир. Анна шундай сиёсат олиб борилиши муносабати билан 1993 йилда у МДХ давлатлари орасида ўзининг ривожланишини қайта тиклаган, кейинчалик, 1996 йилда, биринчи бўлиб 1991 йил даражасидан анча ўзган, 1999 йилда эса дастлабки (базавий) ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 15 фоизга ўсган ягона республика бўлиб қолди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг кўрсаткичлари ижобий бўлишининг энг муҳим сабаблари – бу мавжуд саноат тармоқларининг керакли ҳажмда сақлаб қолиб, янги тармоқларни яратиш стратегияси бўлди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати учун реал секторни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Республиканинг ўз-ўзини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсати (нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши), қўшимча қиймат яратувчи (машинасозлик, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш) соҳаларининг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди. Шу билан бирга, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг ривожини ҳам қайд этилди.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Натижада, мустақил иқтисодга хос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва собиқ иттифоқ мамлакатларида қайта ихтисослашувдан пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газини, самолёт ва автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон-руда, олтин қазиб олувчи, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

1995-2013 йилларда саноат маҳсулотининг ишлаб чиқариш ҳажми 3.7 маротаба кўпайди. Бу даврда фақат миқдорий ўзгаришларгина эмас, балки жуда катта сифат ўзгаришлари ҳам содир бўлди.

### **2.3. Саноат тармоқларининг ривожланиши тарихи**

Саноат ишлаб чиқаришининг тарихий ривожланиши ва унинг асосий яқунлари тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида «Уй саноати»нинг ривожини бундан 12-15 минг йил муқаддам мезолит даврида бошланган. Бу даврда жуда оддий меҳнат қуроллари ва буюмлари тайёрланган.

Янги тош асри (неолит, милоддан аввалги 5-минг йилнинг боши) даврида кемачилик, тўқимачилик вужудга келган. Неолит даврининг охирида металлдан қурол ясаш бошланган.

Археологик топилмалардан маълум бўлишича, милоддан аввалги 3-минг йилнинг охиридаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли мисдан қурол ясашни билган.

Қулдорлик тузуми (м.а. 1-минг йиллик ўрталари V аср) даврида меҳнат қуролларининг тараққий этиши, металлга ишлов беришнинг такомиллашуви ҳунармандчиликнинг ўсишига, айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг кучайишига олиб келди.

Феодализм тузумининг бошларида (VI-VIII асрларда) Фарғона билан Сўхдан олтин, мис, темир, Илоқда қўрғошин, кумуш, олтин, Шаҳрисабзда тоштуз қазиб чиқарилган.

IX асрда Самарқанд ўзининг сифатли қоғози ва лампа шишаси билан машҳур бўлган. Шош вилояти кўнчилик маҳсулотлари билан донг таратган. Уша даврда Ўрта Осиёдан Шарқий Европа, Хитой ва бошқа юртларга Буюк Ипак йўли орқали чарм, мато, ипак, жун, кийим-кечак чиқарилган.

X-XIII асрларда юз берган феодал тарқоқлик, қабила ва элатлар ўртасидаги низоларнинг авжига чиқиши туфайли ҳунармандчиликда йирик ўзгаршлар рўй бермаган.

XIV асрнинг 2-ярмида Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатга асос солди. Натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий равишига катта йўл очилган.

XV асрнинг охирига келиб Моварауннаҳрда юзага келган зиддиятлар туфайли Темурийлар давлатининг иқтисодий негизига путур етади ва ривожланиш тўхтаб қолади.

XVI-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг вужудга келиши иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва XIX асрга келиб Туркистонда ҳунармандчиликда ёғоч ва металл ўймакорлиги, идишларга нақш солиш, матоларга гул босиш, қуролларни бадий безаш ривожланади. Бу асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида тараққиёт тезлашиб саноат, айниқса ип-газлама саноати ривож топди.

XX аср бошларида бир қанча пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди. 1925-1926 йилларда электростанциялар қурила бошланди ва биринчи бўлиб Тошкент яқинида қурилган Бўзсув гидроэлектростанцияси 1926 йил 1 майда ишга туширилди.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз ва Асака шаҳарларида иссиқлик электростанциялари қурилиши бошланиб, 1930 йилда уларнинг сони 30 га етди. Ўсиб бораётган энергетика базаси бир қанча янги саноат корхоналари қуришга имконият яратди.

Иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 500 дан ортиқ саноат корхоналари жумладан, «Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ-электрокимё комбинати, Каттақўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Қувасой цемент корхоналари қурилди. Нефть ва рангли нодир металллар қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривож топди.

Уруш бошланиши билан республика иқтисодиёти, жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳарбий мақсадларга қаратилди. Бу ерга немис фашистлари эгаллаб олган ҳудудлардан 100 га яқин саноат корхоналари кўчириб келтирилди ва улар қисқа вақт ичида тўла қувват билан ишлай бошлади. 1941-1945 йиллар давомида Республиканинг индустриал тараққиёти ГЭС лар қуриш билан энергетика базасини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва фронт эҳтиёжларини қондирадиган завод ва фабрикаларни қуриш йўлидан борди. Бу даврда 280 та йирик, ўрта ва кичик корхоналар қурилиб ишга туширилди. Натижада Ўзбекистон Армиянинг саноат арсеналларидан, яъни аслаҳахоналаридан бирига айланди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам саноат тараққиётига эътибор қаратилгани сабабли унинг бир қанча янги тармоқлари ва корхоналар вужудга келди. Тракторсозлик, лифтсозлик, электротехника саноати, газ ишлаб чиқарш, уй рўзғор буюмлари тайёрлаш, йиғма темир бетон ва керамика саноати вужудга келди. Енгил саноатнинг трикотаж, чинни ишлаб чиқариш соҳалари юзага келди. Озиқ-овқат саноатининг таркибий қисмларида анчагина ўзгаришлар рўй берди. 90-йилларга келиб унинг йирик ва ўрта корхоналари 300 дан ортиб кетди.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат миллий иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади ва ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, аҳолининг турмуш-даражаси оширишда унинг аҳамияти беқиёсдир.

2. Ўзбекистон саноати жуда катта тарихий йўлни босиб ўтган ва истиқлол йилларида, XX асрнинг Охирги 10 йилида тубдан ўзгариб, бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ривожлана бошлади. 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган саноат инқирози тугатилиб, 1995 йилдан бошлаб унинг ўсиши суръати кучая бошлади. 2004 йилдаги ўсиш 1991 йилга нисбатан 500 фоизни ташкил этди.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Саноат-миллий иқтисодининг етакчи тармоғи.
2. Саноатнинг асосий хусусиятлари ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан ўзаро боғланиши.

3. Ўзбекистон саноатининг ривожланиш босқичлари ва саноат тармоқларининг тараққиёти.
4. Саноат ва бозор хўжалиги ҳамда унинг хорижий бозорга чиқиш имкониятлари ва йўллари.
5. Саноат ишлаб чиқаришнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги вазифалари.



### **3-МАВЗУ. САНОАТ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАР**

**Таянч атамалар ва иборалар:** структура сиёсати, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ижтимоий меҳнат тақсимоти, миллий иқтисодиёт, саноатининг комплекс тармоқлари.

**Режа:**

**3.1. Структура сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти**

**3.2. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва саноат тармоғининг шаклланиши**

**3.3. Саноат тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар**

**3.4. Ўзбекистон саноатининг тармоқ тузилмаси хусусиятлари**

**3.5. Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси**

#### **3.1. Структура сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти**

Структура сиёсати ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин, структуранинг ўзи нима эканлигини билиб олишимиз зарур.

Структура лотинча, “structura“ сўзидан олинган бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиш, тузилишини билдиради.

Структура сиёсатининг моҳияти соҳаларнинг тузилмавий жиҳатларини белгилаб бериш, йўлга солиб туришдан иборатдир.

Ислоҳотларнинг ўтган даври учун мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг йўналиши ва хусусиятлари доирасида белгиланган миллий иқтисод структурасида прогрессив ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқлараро ва тармоқ ички пропорцияларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларни устувор ривожлантиришни давом эттириш вазифаси муҳим аҳамиятга моликдир.

Давлат стратегиясига мувофиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва жумладан, саноат структурасини режали тарзда такомиллаштириш кўз илғайдиган истиқболда:

- иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноатни баланслаштирилган тарзда ва изчил ривожлантириш;

- экономикани, хусусан, саноатни асосан интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш, моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни истеъмол қилишни рационаллаштиришни, уларни ҳар томонлама тежаш;

- иқтисодиётнинг, жумладан, саноатнинг ижтимоий йўналишини янада кучайтириш, миллий иқтисоднинг аҳоли фаравонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган хилма хил вазифалар томон янада чуқурроқ бурилишини таъминлаш лозим.

Бир бутун қисмларнинг муайян ўзаро алоқаси, бир бирига нисбатан жойлашуви бўлган структуранинг аҳволини пропорциялар

(мутаносибликлар) жуда ҳам аниқ ва конкрет тарзда ифодалайди. Иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини чуқур билиб олиш ва уларни режалар, прогнозлар ва лойиҳаларда татбиқ этиш, ижтимоий ва шахсий истеъмолни, фан-техника тараққиётининг, миллий иқтисоднинг тегишли ишлаб чиқаришлари ва тармоқлари ривож истиқболларини синчковлик билан ҳисобга олиш, режаларни зарур резервлар билан мустаҳкамлаш – ана шуларнинг ҳаммаси режалаштириш технологиясининг энг муҳим таркибий, тузилмавий қисмлари бўлиб, уларга қатъий риоя қилиш вазифаларининг пропорционаллиги, баланслаштирилганлиги, реаллиги, қўйилган мақсадларга эришишдаги ишончлилиги, таъсирчанлигининг шартидир.

Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегиясида иқтисодиёт структурасини такомиллаштириш, унинг тармоқларини ривожлантириш юзасидан муҳим топшириқлар ҳамда бу тармоқларнинг марралари батафсил белгилаб берилган.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитларида иқтисодий ўсиш иқтисодиёт кўламининг ўсиши билангина эмас, балки истеъмолда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам структуравий силжишлар, уларнинг тезлиги ва самарадорлиги билан аниқланади.

Структурани аниқловчи сиёсатни шакллантириш иқтисодиётдаги структуравий ўзгаришларни сифат жаҳатдан баҳолашни аниқлашнинг принципиал хусусияти иқтисодиётнинг ўсиш суръати кўрсаткичларининг деграграция юз бериши муаммосини ҳал этиши зарурлигидир, чунки айти бир суръатнинг ўзи бир неча тармоқларнинг турли ўсиш суръатларида ифодаланиши мумкин, бу бир хил бўлмаган иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келади. Бу муаммо оқибатда у ёки бу соҳага устуворлик (афзаллик) бериш системасини яратишни тақозо этади. Масалан, фан-техника тараққиётида тўлиқ акс этадиган соҳалар ажралиб туради: ёқилғи-энергетика, электроника, машинасозлик, химия. Шунинг учун бу тармоқлар ўсиш суръатлари бўйича саноат ўсишидан юқори туриши керак. Машинасозликнинг тармоқ структурасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериши зарур. Химияда биотехнологияни қўллаб, нозик органик синтез маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиши зарур.

Структуравий ўзгаришларнинг йўналиши, уларнинг жадаллиги ва кўламини аниқлаш муҳим иш. Айти вақтда иқтисодий даражаси бир хил бўлган ёки иқтисодиётдаги структура йўналишлари ўзгариши ўхшаш бўлган мамлакатлар гуруҳи бўйича тармоқлараро комплекслар ва айрим тармоқлар ишлаб чиқариши ва истеъмолининг ривожланишидаги умумий қонуниятларни аниқлаш – бу барча аналитик материаллар истиқболни режалаштиришнинг муҳим замини ҳисобланади.

Шу билан бирга структура йўналишлари ўзаро мувофиқлаштирилиши керак, чунки ривожланиш стратегиясига

мувофиқ тармоқлараро комплекслар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлаштирилиши зарур.

Янги асрнинг дастлабки йилларидаги **тараққиёт стратегияси, жамиятни янгилаш, барча соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги фаолият** 6 та устувор йўналиш воситасидан иборат. Биринчи устувор йўналиш – аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, иккинчи устувор йўналиш – мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада жадаллаштириш, учинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтириш, тўртинчи устувор йўналиш – кадрлар тайёрлаш, **бешинчи устувор йўналиш – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш**, олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг<sup>10</sup> 3.2. бандида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш масалалари қайд этилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари қуйидагиларни амалга ошириш эвазига эришилиши режалаштирилгандир:

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилмаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Ана шу устувор йўналишлардан бири иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда ҳам таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, саноат бошқаруви тузилмасини яхшилашдан тортиб корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан тўла, самарали фойдаланишга, экспортга мосланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнида, айниқса, инвестиция дастурини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатда мўъжизавий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён мамлакатга киритилган

сармояларнинг ҳажми 8 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Хорижий сармояларнинг аксарият қисми (95-96%) иқтисодиётнинг реал ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, 64 фоизи саноатга киритилмоқда. Ана шу инвестициялар асосида янгидан янги корхоналарнинг барча вилоятларда қурилаётганлиги нафақат ҳудудларнинг **саноат тизимини**, балки уларнинг қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Республика иқтисодиётида, шу жумладан, саноатда таркибий ўзгаришларни таъминлаш натижасида давлатнинг қудратини янада орттириш, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртни обод этиш ва халқнинг фаровонлигини юқори даражага кўтариш мумкин бўлади.

### **3.2. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва саноат тармоғининг шаклланиши**

Ижтимоий меҳнат тақсимоти маълум буюм ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва фан-техника тараққиёти натижасидир. Ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши эса ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва кичиклашуви, янги саноат тармоқларининг ташкил топиши ва илгари бунёд этилганларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида сўз борганда, шуни айтиш керакки, у туфайли хўжалик ривожланиши натижасида саноатнинг айрим ва мустақил тармоқлари кўпаяди, бу ривожланиш тенденцияси ҳар бир айрим маҳсулотни чиқаришнигина эмас, ҳатто маҳсулотнинг ҳар бир айрим қисмини ишлаб чиқаришни ҳам ва фақат маҳсулот ишлаб чиқаришнигина эмас, ҳатто маҳсулотни истеъмол қилишга тайёрлашдаги айрим ишларни ҳам саноатнинг алоҳида тармоғига айлантиришдан иборат.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти уч шаклда: умумий, хусусий ва айрим, бирламчи шаклда рўй беради. Иқтисодиётнинг йирик соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқанинг вужудга келиши умумий меҳнат тақсимотининг маҳсулидир. Бу тармоқларнинг ҳар бирида соҳаларнинг мустақил равишда ажралиб чиқиши хусусий меҳнат тақсимоти натижасидир. Бирламчи меҳнат тақсимоти эса ишлаб чиқаришни корхона ичида – цехлар, участкалар ва янги иш жойларни ташкил этиш билан боғлиқдир. Бундай туркумларга ажратиш ва унинг маҳсулини 2-схемадан кўриш мумкин.


Хусусий ва айрим ҳолларда бирламчи меҳнат тақсимотининг таъсири билан Ўзбекистон саноатида ҳам тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар сони узлуксиз кўпайиб бормоқда. 2000 йилнинг охирига келиб республикада саноатнинг 175 га тармоғи ва ишлаб чиқариш соҳалари фаолият кўрсатмоқда.

У ёки бу ишлаб чиқариш фақат маълум техник – иқтисодий асос (замин) яратилгандагина алоҳида саноат тармоғига айланиши мумкин. Бунинг учун энг аввало бир неча турдош корхоналар бўлиши лозим.

Улар аниқ мустақил саноат тармоғига бирлаштириш имкониятини берадиган маълум белгига эга бўлиши керак.

Саноат тармоғи ишлаб чиқариш уюшмалари, комбинатлари ва корхона (фирма)лари йиғиндисидир. Тармоқ ҳосил этиш учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўлишлари керак:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллиги;
- ишлатиладиган хомашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги;
- ишлаб чиқаришнинг техник базаси ва технологик жараёнларининг умумийлиги;
- маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги;
- ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шаклларининг бир бирига ўхшашлиги ва ҳақозолар.



## 2-чизма. Миллий иқтисодиёт, жумладан, саноатнинг тармоқларга бўлиниши.

Саноат ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан асосланган равишда таҳлил этиш ва режалаштириш, унинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқариш учун тармоқларни таснифлаш, яъни маълум гуруҳларга ажратиш лозим.

Саноат тармоқларини гуруҳлашда асосий эътибор тайёрланадиган маҳсулотнинг иқтисодий мазмунига қаратилади. Маҳсулотнинг иқтисодий жиҳатдан бир мақсадга жавоб бериши белгисига қараб, саноат икки йирик гуруҳга бўлинади: Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи (“А” гуруҳ), истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи (“Б” гуруҳ) турларга бўлинади. Маълумки, деярли барча саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш воситалари, ҳам истеъмол буюмлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар

тайёрланади. Шу сабабли режалаштириш ва ҳисоб-китоб юритишда баъзи бир саноат тармоқлари “А” ёки “Б” гуруҳга киритилиши мумкин.

Меҳнат воситаларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатишига қараб саноат қазиб олувчи ва ишлов берувчи тармоқларга бўлинади. Саноатнинг бундай икки қисмга бўлиниши ишлаб чиқариш алоқаларини кўрсатишга, материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларини, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатларни асослаб беришга имкон яратиб беради.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг функционал вазифасига биноан ҳам тармоқларни гуруҳлаш мумкин. Бунда алоҳида гуруҳлар, бир қатор тармоқлар, масалан, ёқилғи ишлаб чиқарувчи – ёқилғи саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи – озиқ- овқат саноатига бирлашиши мумкин.

### **3.3. Саноат тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар**

Тармоқ тузилмаси деганда, унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқлик тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тараққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Тармоқ тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин бўлади:

- ижтимоий меҳнат тақсимоли ва кооперациянинг даражасини;
- мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини;
- саноат ва бутун иқтисодиётнинг илмий-техника салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг вилоятлари саноатининг ривожланиш даражасини;
- саноат тармоғининг “А” гуруҳи билан “Б” гуруҳи ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини;
- ижтимоий меҳнат унумдорлиги ёки ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг даражасини;
- меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Саноат тармоқлари тузилмасини тавсифлаш учун айрим тармоқлар ўртасидаги маълум ишлаб чиқариш алоқадорлигини ифодаловчи миқдорий нисбатларни аниқлаб олиш керак. Бу муаммони ҳал этиш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири тармоқлар ўртасидаги нисбатларни ифодаласа, иккинчиси маълум давр ичидаги тузилмавий ўзгаришларни, учинчиси эса ишлаб чиқариш алоқаларини ифодалайди.

Тармоқ тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- мустақил саноат тармоқларининг сони;
- тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи;

- тармоқ ривожининг суръати;
- тармоқнинг илгарилаб кетиш коэффициенти.

Мустақил саноат тармоқларининг сони мамлакат индустриал тараққиёти, унинг иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти, иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини ифодалайди.

Тармоқнинг ялпи маҳсулот саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши, ишчилар сони ва асосий фондлар қийматидаги салмоғи кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Тармоқнинг ривожланиш суръатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C = \frac{100 * P}{X},$$

бу ерда C – тармоқнинг ривожланиш суръати;

P – тармоқ ривожланишининг режали даражаси;

X – тармоқ ривожининг ҳисобот давридаги даражаси.

Тармоқнинг ривожланиш коэффициенти тармоқлар таркибидаги миқдор ўзгаришларни ифодалайди ва маълум даврдаги саноат тармоқ тузилмасидаги силжишларни кўрсатиб беради. Бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{Tp * c}{Cp * c},$$

бу ерда Tр \* с – тармоқнинг ривожланиш суръати;

Cр \* с – саноатнинг ривожланиш суръати.

Саноат тармоқлари орасидаги юзага келган мутаносибликлар ва уларнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқ тузилмасини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради:

- фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларини иқтисодий тежашни кучайтириш;

- ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг даражаси;

- саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари;

- аҳолининг моддий ва маданий даражаси ўсиши;

- ижтимоий-тарихий шароитлар;

- мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;

- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва унинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Саноат тармоқ тузилмаси ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири илмий-техника тараққиётидир. Фан-техника тараққиёти энг аввало, янги меҳнат воситалари ва



маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технология жараёнларини такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш билан боғлиқдир. Бу эса мавжуд саноат тармоқларидан янгидан янги соҳаларнинг ажралиб чиқишига ва шаклланишига туртки беради. Натижада прогрессив ҳисобланган, яъни автомобилсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва электроника, лазер технологияси тез суръатлар билан ривожланади.

Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти туфайли янги прогрессив хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия турларидан фойдаланиш саноатда ишлаб чиқариш характерини ўзгартиради. Юқори тежамкорликка эга бўлган хомашё, материал, ярим фабрикатлар ва ёқилғи ишлаб чиқарадиган тармоқлар истеъмолчи тармоқларга етказиб боришни кенгайтиришлари натижасида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи нисбатан камаяди. Масалан, сунъий ва синтетик толани ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши тўқимачилик саноатида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланадиган табиий тола сарфини қисқартиради. Натижада маҳсулотнинг материал талаблиги камаяди ва саноат билан қишлоқ хўжалиги, саноатнинг қазиб олувчи тармоғи билан ишлов берувчи тармоғи ўртасидаги нисбат ўзгаради.

Саноат тузилмасининг ўзгаришига ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари – концентрациялаш, ихтисослаштириш ва комбинатлаштириш жуда катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришда кичик корхоналарнинг кўпайиши тармоқ тараққиётини тезлаштиргани ҳолда унинг умумсаноат маҳсулотидagi миқёсини оширишга олиб келади. Ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнини ифодалагани ҳолда айрим маҳсулотлар ёки маҳсулот қисмларини мустақил ишлаб чиқаришга, тайёрлашга, янги саноат тармоқлари ташкил қилинишига сабаб бўлади. Масалан, ихтисослаштиришнинг тараққий этиши натижасида машинасозликда комплектловчи (бутловчи) буюмлар саноати, асбоб-ускуна саноати, приборсозлик, электроника ва бошқа саноат соҳалари ташкил топади.

Кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш тармоқлар ўртасидаги алоқадорликни кенгайтиради ва тармоқ структурасини мураккаблаштиради.

Кишилар моддий ва маънавий фаровонлигининг ўсиши ҳам саноат тармоқлари тузилмасининг ўзгаришига муҳим таъсир кўрсатади. Бу омил таъсири остида енгил ва озиқ-овқат саноатларида чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси ва ассортименти ўзгаради, шунингдек, маданий-маиший буюмлар – телевизор, соат, фотоаппарат, кир ювиш машинаси, мотоцикл, мотороллер ва бошқалар ишлаб чиқарадиган маҳсулот тармоқлар ташкил топади.

Саноат тармоқлари тузилмасига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан яна бири, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни ҳисобланади.

**Ўзбекистон саноатида 1900-2014 йиллар мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқлар тузилмаси динамикаси<sup>11</sup> (яқунига нисбатан фоиз ҳисобида)**

<b>Тармоқ</b>	<b>1900</b>	<b>1940</b>	<b>1991</b>	<b>2000</b>	<b>2005</b>	<b>2010</b>	<b>2011</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>
Бутун саноат	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<i>Шу жумладан:</i>										
Электроэнергетика	-	-	2,8	9,1	11,3	8,1	7,9	7,7	7,1	7,3
Ёқилғи саноати	-	-	3,7	15,0	16,2	19,8	17,3	18,0	15,0	13,3
Қора металлургия	-	-	0,7	1,2	19,4	2,4	2,6	2,6	2,3	11,6
Ранги металлургия	-	-	9,7	10,1		10,9	10,4	10	9	
Кимё ва нефть кимё	-	0,5	4,3	5,5	*	5,1	5,7	5,5	5,4	*
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	0,5	8,8	11,6	9,2	13,0	16,1	16,2	17,5	18,8	19,2
Қурилиш материаллари саноати	0,5	1,8	5,2	5,3	3,6	4,9	5,3	5,5	6,5	6,4
Ўрмон, ёғоч ва қоғоз саноати	-	1,4	1,2	1,4	*	1	1,2	1,3	1,4	*
Енгил саноат	85	58,8	39,9	19,0	16,6	13,3	13,4	12,9	13,2	14,1
Озиқ-овқат саноати	12	25,1	14,7	14,1	8,2	12,8	14,1	13,2	15,7	15,1
Бошқа тармоқлар	2,0	2,1	6,2	9,6	11,7	5,6	5,9	5,8	5,6	13

\* - маълумот йўқ

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2015. Б.200.; Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2014. Б.33.

Ҳозирги даврда иқтисодий интеграцияга кирувчи ҳар бир мамлакатда айрим тармоқлар тараққиёти учун қулай иқтисодий, ижтимоий ва табиий шароитлар борлиги туфайли иқтисодий интеграция дастурлари тузилган. Улардаги саноат ўз мамлакатининг эҳтиёжларинигина эмас, балки бошқа давлатлар эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида саноат тармоқ тузилмасида ғоят муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни 12-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон саноатининг 1900-2014 йиллардаги тармоқ тузилмасининг иқтисодий таҳлили ҳозирги шароитда Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлайдиган тармоқлар ривожининг юқори суръатлар ва кенг кўлами тақозо қилган прогрессив ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради.

### **3.4. Ўзбекистон саноатининг тармоқ тузилмаси хусусиятлари**

ХХТУТ - Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичи, ҳукумат қарорлари асосида ишлаб чиқилгандир. ХХТУТнинг мақсади - халқ хўжалигини бошқаришда ахборотни қайта ишлаш, ҳамда бошқарувнинг ҳар қандай даражасида ҳар қандай вазифани ечиш ва ахборот билан таъминлашдир. ХХТУТ функциялар характерларига биноан тармоқлар бўйича фаолият турларининг гуруҳлари ролини бажаради, бу роль ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида амалга оширилади.

Классификатор ёрдамида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида шаклланадиган иқтисодиёт таркиби ўзлаштирилади, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси, ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожланиш даражаси харктерланади.

ХХТУТ халқ хўжалиги ривожиди тармоқлааро алоқалар ва пропорцияларни илмий таҳлилни тақдим этиш, ижтимоий ишлаб чиқариш натижадорлиги ва ижтимоий меҳнатнинг фойдалилик коэффициентини солиштириш, ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таснифловчи режадаги ва ҳисобот кўрсаткичларини мувофиқлаштириш мақсадида корхоналар ва ташкилотларни тармоқлар бўйича гуруҳлашувини таъминлайди.

Ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланиб шаклланадиган иқтисодиётнинг йирик тармоқларида бир типдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар жамланмасини ташкил этувчи ёки маълум бир ижтимоий функцияларни бажаришга мужассамлашган кўшма муассасаларни бирлаштирувчи майда тармоқчалар пайдо бўлади.

Мустақил балансга эга ташкилот ёки муассаса тармоқнинг таснифий бирлиги ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот бирлиги асосий

фаолият тури характеридан келиб чиқиб иқтисодийнинг у ёки бу тармоғига бириктирилиши мумкин.

Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичи<sup>12</sup>га биноан саноат қуйидаги йирик тармоқларга бўлинади:

- Ёқилғи-энергетика
- Metallургия
- Кимё ва нефт-кимё саноати
- Машинасозлик ва металлга ишлов бериш
- Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ-овқат саноати

Ўз навбатида ушбу тармоқлар таркибида қуйидаги кичик тармоқлар мавжуд:

- Ёқилғи-энергетика
  - электроэнергетика
  - ёқилғи саноати
  - кўмир саноати
- Metallургия
  - қора металлургия
  - рангли металлургия
- Кимё ва нефт-кимё саноати
  - кимё саноати
  - нефт-кимё саноати
- Машинасозлик ва металлга ишлов бериш
  - машинасозлик
  - дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати
  - трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги
  - қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик
  - енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший приборлар ишлаб чиқариш
  - металл конструкция ва буюмлар саноати
  - машина ва ускуналарни таъмирлаш
- Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати
  - Ёғоч тайёрлаш саноати
  - Ёғочни қайта ишлаш саноати
  - Целлюлоза-қоғоз саноати
  - Ўрмон-кимё саноати
- Қурилиш материаллари саноати
  - Цемент саноати
  - Йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялари ҳамда буюмлари саноати

---

<sup>12</sup> [http://cci.uz/pg/okonx\\_uz.php](http://cci.uz/pg/okonx_uz.php)

- Девор материаллари саноати
- Норуда қурилиш материаллар саноати
- Табиий тошни қазиб олиш ва ундан қоплама материаллар тайёрлаш
- Енгил саноат
  - Тўқимачилик саноати
  - Тикувчилик саноати
  - Чарм, мўйна ва пойафзал саноати
- Озиқ-овқат саноати
  - Озиқ-овқат саноати
  - Гўшт ва сут саноати
  - Балиқчилик саноати
  - Микробиология саноати
  - Ун, ёрма ва комбикорм (аралаш озуқа) ишлаб чиқариш саноати

Қуйида ҳар бир тармоқ ичидаги кичик тармоқлар ва уларнинг таркибига кирувчи кичик тармоқчалар ва улар таркибидаги корхоналар функциялари ёритилган:

Тармоқлар	И з о х
<b>ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКА</b>	
Иссиқлик электр станциялари	қаттиқ, суюқ ва газ ёқилғиларида ишлайдиган буғ турбинали, газ турбинали, дизел ва бошқа электр станциялар
Атом электр станциялари	Атом электр станциялари уларга тегишли барча иншоотлари билан биргаликда
Гидроэлектр станциялари	Гидроэлектр станциялари – барча тегишли иншоотлари билан биргаликда
Бошқа электр станциялар	Шамол, қуёш, геотермал ва бошқа электр станциялар
Электр тармоқлари	Мустақил электр тармоқлари (мустақил балансда турувчи электр узатиш линиялари ва энергетика тизимидаги электр тақсимлаш станциялари, бошқа электр тармоқлар)
Иссиқлик тармоқлари	Мустақил Иссиқлик тармоқлари (мустақил балансда турувчи туман энерготизими тармоқлари ва бошқа Иссиқлик тармоқлари)
Мустақил қозонхоналар	Мустақил балансда турувчи туман қозонхоналари ва бошқалар
<b>ЁҚИЛҒИ САНОАТИ</b>	
Нефт қазиб олиш	Нефт ва йўлдош газ қазиб олиш

Тармоқлар	И з о х
саноати	корхоналари, озокерит қазиб олувчи корхоналар
Нефтни қайта ишлаш саноати	Нефтни қайта ишлаш ва нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари
Газ саноати	
Табиий газ қазиб олиш	Табиий газ (ёқилғи) ва газ конденсати қазиб олиш корхоналари
Табиий газни қайта ишлаш	Табиий газ (ёқилғи)ни қайта ишлаш корхоналари, гелий ишлаб чиқариш корхоналари
Нефтга йўлдош газни қайта ишлаш	Нефтга йўлдош газни қайта ишлаш корхоналари (газ-бензин заводлари ҳам шунга киради)
<b>КЎМИР САНОАТИ</b>	
Кўмир қазиб олиш	
Очиқ усулда кўмир қазиб олиш	Очиқ усулда кўмир қазиб олиш корхоналари
Ёпиқ усулда кўмир қазиб олиш	Ёпиқ усулда кўмир қазиб олиш корхоналари
Кўмир бойитиш	Кўмир бойитиш корхоналари
Кўмир брикетлари ишлаб чиқариш	Кўмир брикетларини ишлаб чиқариш корхоналари
Сланец саноати	Сланец қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишлаш корхоналари
<b>ТОРФ САНОАТИ</b>	
Торф қазиб олиш	Торф қазиб олиш корхоналари
Торф брикетлари ишлаб чиқариш	Торф брикетлари ва ярим брикетлар ишлаб чиқариш корхоналари
<b>ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ</b>	
қора металлургия учун руда қазиб олиш ва қайта ишлаш	
қора металл рудаларини ёпиқ усулда қазиб олиш	Темир, марганец ва хромит рудаларини ёпиқ усулда қазиб олиш ва уларни бойитиш корхоналари
қора металл рудаларини очиқ усулда қазиб олиш	Темир, марганец ва хромит рудаларини очиқ усулда қазиб олиш ва уларни бойитиш корхоналари
қора металлургия учун норуда хом ашёсини қазиб олиш ва бойитиш	қора металлургия учун флюс оҳаклар, ўтга чидамли тупроқ, доломит, кварцит, магнезит, қум ва бошқа норуда хом ашёларини қазиб олиш корхоналари

Тармоқлар	И з о х
қора металл ишлаб чиқариш	Чўян, домна ферроқуймалари, пўлат, қора металл прокати, қора металл кукуни ва буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари
қувур ишлаб чиқариш	Пўлат ва чўян қувурлар (босимли сув қувурлари) ва уларга хос фасонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электроферроқуймалар ишлаб чиқариш	Электроферроқуймалар ишлаб чиқариш корхоналари
Кокс химияси саноати	Кокс, кокс гази ва кокс химияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари
Ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Шамотли, динасли, хромомангнетитли ва бошқа ўтга чидамли ғиштлар, бошқа ўтга чидамли буюмлар ҳамда кукунларни ишлаб чиқариш корхоналари
Иккиламчи қора металлни қайта ишлаш	қора металл лом ва чиқиндиларини майдалаш заводлари
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган металл буюмларни ишлаб чиқариш	Пўлат ва оддий симлар, тобланмаган пўлат тасмалар, пўлат арқонлар, сим михлар, маҳкамловчи воситалар (болт ва гайкалар, шуруплар, винтлар ва б.), пайвандловчи электродлар, металл тўрлар, бошқаларни ишлаб чиқариш корхоналари
<b>РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ</b>	
Алюминий саноати	
Хом ашё қазиб олиш ва бойитиш	Боксит ва бошқа таркибида алюминий мавжуд хом ашёни, шунингдек эритувчи шпатни қазиб олиш ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
Алюминий, алюминий оксиди (глинозем) ва фторли тузлар ишлаб чиқариш	Алюминий, алюминий оксиди (глинозем) ва фторли тузлар ишлаб чиқариш корхоналари
Мис саноати	
Руда қазиб олиш ва бойитиш	Руда қазиб олиш ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
Мис ишлаб чиқариш	Соф ва тозаланмаган мис ишлаб чиқариш корхоналари (мис эритиш, олтингургурт-мис ва мис электролит корхоналари)
қўрғошин-рух саноати	

Тармоқлар	И з о х
Руда қазииш ва бойитиш	Руда қазииш ва бойитиш корхоналари
қўрғошин ва рух ишлаб чиқариш	қўрғошин ва рух ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
<b><i>Никел-кобальт саноати</i></b>	
Руда қазииш ва бойитиш	Руда қазииш ва бойитиш корхоналари (олтингурт колчедани, барий ва мишьякни қўшган ҳолда)
Никел ва кобальт ишлаб чиқариш	Никел ва кобальт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
<b><i>Титан-магний саноати</i></b>	
Хом ашё қазииш ва бойитиш	Хом ашё қазииш ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
Титан ва магний ишлаб чиқариш	Титан ва магний ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
Вольфрам-молибден саноати	Вольфрам-молибден рудасини қазииш ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
<b><i>қалай саноати</i></b>	
Руда қазииш ва бойитиш	Руда қазииш ва бойитиш корхоналари
қалай ишлаб чиқариш	қалай ишлаб чиқариш корхоналари
<b><i>Сурма-симоб саноати</i></b>	
Руда қазииш ва бойитиш	Сурма ва симоб рудасини қазииш ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
Сурма ва симоб ишлаб чиқариш	Сурма, симоб ва унинг бирикмаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b><i>Нодир металллар ва ярим ўтказгичлар саноати</i></b>	
Нодир металллар рудасини қазииб олиш ва бойитиш	Нодир металллар рудасини қазииб олиш ва бойитиш, табиий пьезокварцни қазииш билан шуғулланувчи корхоналар
Нодир металллар ишлаб чиқариш	Нодир металллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
Ярим ўтказгич материаллар ишлаб чиқариш	Ярим ўтказгич материаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
<b><i>қимматбаҳо металллар ва олмос саноати</i></b>	
қимматбаҳо металлларни қазииб олиш	Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган руда ва қумларни қазииш ҳамда қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар



Тармоқлар	И з о х
қимматбаҳо металллар ва қўймалар ишлаб чиқариш	қимматбаҳо металллар ва қўймалар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар. Аффинаж заводлари
Олмос қазиб олиш	Таркибида олмос бўлган хом ашёни қазिश ва бойитиш билан шуғулланувчи корхоналар
<b>Рангли металлларга ишлов бериш</b>	
Рангли металллар ва қўймаларга ишлов бериш (енгил металллар прокатисиз)	Рангли металллар ва қўймаларга ишлов бериш билан шуғулланувчи корхоналар
Алюминий, магний ва титан прокати ишлаб чиқариш	Алюминий, магний ва титан прокати ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
Иккиламчи рангли металллар ишлаб чиқариш	Рангли металл чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш ва иккиламчи рангли металлларни эритиб қўйиш билан шуғулланувчи корхоналар
Электрод саноати	Кўмир ва графитли электрод маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар
қаттиқ қотишмалар, қийин эрийдиган ва иссиқликка чидамли металллар саноати	қаттиқ қотишмалар, қийин эрийдиган ва кукунли материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>КИМЁ ВА НЕФТ-КИМЁ САНОАТИ</b>	
<b>КИМЁ САНОАТИ</b>	
Тоғ-кимё саноати	Апатит-нефелин ва фосфорит рудасини, табиий калий тузи, таркибида олтингургурт, бор, мишьяк ва барит мавжуд бўлган табиий рудаларни қазिश ва бойитиш корхоналари
Асосий кимё	
Азот саноати	Сунъий аммиак, азот кислотаси, азотли ўғитлар ҳамда табиий ва кокс газини комплекс қайта ишлаш натижасида олинадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар
Фосфатли ўғитлар ва бошқа ноорганик кимё маҳсулотлари ишлаб	Фосфатли ўғитлар, фосфор ва фосфат тузлари, олтингургурт ва фосфор кислотаси, хром бирикмалари ва бошқа

Тармоқлар	И з о х
чиқариш	ноорганик кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сода саноати	Кальций содаси, натрий бикарбонат, кимёвий усул билан каустик сода ва натрий сульфати ишлаб чиқарувчи корхоналар
Хлор саноати	Электролиз усули билан каустик сода ишлаб чиқарувчи, хлор ишлаб чиқарувчи, хлор-органик синтез маҳсулотлари ва ацетилен асосида органик маҳсулотлар, Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Йод-бром саноати	Йод, бром ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Асосий кимёнинг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Кислород, водород, аргон, криптон, ксенон газларини сиқилган ва суюлтирилган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар. Калийли ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар. Афтоген корхоналари.
Тола ва кимёвий ип саноати	Тола ва кимёвий ип ишлаб чиқарувчи ҳамда кимёвий ипдан корд газламалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сунъий смола ва пластик масса саноати	Сунъий смола ва пластик масса ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус корхоналар
Пластмасса буюмлари, шиша толали материаллар, шишапластиклар ва шишапластик буюмлар саноати	
Пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (грампластинкалар, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар кирмайди)	Пресслаш, қуйиш, пневматик ва вакуум билан шакл бериш асосида турли пластмасса буюмлари, жумладан маданий-маиший ва хўжалик буюмлари, шунингдек пресслаш усули билан қатламли пластиклар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Полимер плёнка, қувур ва листлар ишлаб	Полиолефин, полихлорвинил, полиамид, лавсан, полистирол ва бошқа

Тармоқлар	И з о х
чиқариш	термопластлардан полимер плёнка, қувур ва листлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Узлуксиз шиша тола ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Узлуксиз шиша тола ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар (бир йўналишли шиша тола, шиша ип, шиша жгут, эшилган ва эшилмаган шиша ип, шиша лента, барча турдаги шиша толали газламалар, холстлар, оптик шиша толаси)
Шишапластиклар ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Шишапластиклар ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар («АГ- 4», «Препреги», «Премикс» туридаги пресс материал ва бошқа қуйма ва пресс материаллар, листлар, профиллар, қувурлар, уларни ўраш, кесиш, вакуум шакл бериш ва улаш орқали олинадиган буюмлар)
Грампластинка, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар ишлаб чиқариш	Грампластинка, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Полимер транспорт таралари ишлаб чиқариш	Пластмассадан яшиклар, қоплар, бочка ва лотоклар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Лак-бўёқ саноати	Лак, бўёқ (полиграфия бўёқлари) ва улар учун минерал пигментлар ишлаб чиқариш
Кимёвий реактивлар ва алоҳида соф моддалар саноати	Кимёвий реактивлар ва алоҳида соф моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сунъий бўёқлар саноати	Сунъий бўёқлар, уларга ярим маҳсулотлар, тўқима-ёрдамчи моддалар, каучук, резина ва пластик массалар учун кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кимё-фотография саноати	Кино-фото плёнкалар, фотоқоғозлар, фотожелатин, магнит лентаси ва бошқа фотокимё буюмлари(ҳисоблаш техникаси учун магнитли техник ахборот тарқатувчилар ишлаб чиқариш кирмайди) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Маиший кимё саноати	Газламаларни оқартириш, оҳорлаш

Тармоқлар	И з о х
	воситалари, доғ кетказиш, тозалаш ва сайқал бериш воситалари, чарм ва замш буюмларга фойдаланиладиган воситалар, елим воситалари ва бошқа воситаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Кимё саноатининг бошқа тармоқлари	Бошқа кимё маҳсулотлари (фаоллаштирилган кўмир, карбюратор, кимёвий ютувчилар, кремний-органик бирикмалар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
<b>НЕФТ-КИМЁ САНОАТИ</b>	
Сунъий каучук ишлаб чиқариш	Сунъий каучуклар ва улар учун мономерлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Асосий органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Сунъий спирт, фенол, ацетон, органик кислоталар, алдегидлар, кетонлар, сунъий ювиш воситалари ва унинг ярим маҳсулотлари ҳамда углеводород хом-ашёсидан органик синтез асосида бошқа маҳсулотлар олиш билан шуғулланувчи корхоналар
Техник углерод ишлаб чиқариш	Техник углерод ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шина саноати	
Шина ишлаб чиқариш	Автомобил, трактор, мотоцикл, велосипед ва бошқа машиналар учун шина ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шина таъмирлаш саноати	Шиналарни таъмирлаш корхоналари
Резина-асбест саноати	
Резино-техник буюмлар саноати	Автомобиллар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун енглар, тасмалар, транспортёр тасмаси, пластиналар, деталлар ва бошқа резино-техника буюмлари, резиналашган газламалар ва улардан буюмлар, латекс ва регенератдан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Асбест-техник буюмлар саноати	Паронит, газмол, арқон, асбест листлари, қоғоз, картон, прокладка, филтр матоси, тасма ва бошқа асбест-

Тармоқлар	И з о х
	техник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Резина пойафзал ишлаб чиқариш	Резина пойафзал ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Резинадан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш	Резинадан маданий-маиший (спорт жиҳозлари, ўйинчоқлар ва б.), санитария ва гигиена, тиббий ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи махсус корхоналар
<b>МАШИНАСОЗЛИК ВА МЕТАЛЛГА ИШЛОВ БЕРИШ</b>	
<b>МАШИНАСОЗЛИК</b>	
Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги	
Энергетика машинасозлиги	
Турбинасозлик	Буғ, гидравлик ва газ турбиналари ҳамда турбинага ёрдамчи воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
қозонсозлик	Буғ қозонлари, энергетик атом реакторлари ва қозонхоналарга ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Дизелсозлик	Дизеллар, дизел-генераторлар, темир йўлда юривчи дизел-электр станциялари ва бошқа ички ёнув двигателлари (автомобил, трактор, комбайн ва авиацияга хослари бунга кирмайди) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Металлургия машинасозлиги	Домналар ва пўлат эритиш учун технологик ускуна ва механизмлар ишлаб чиқарувчи, қора металлургия учун прокат ва қувур станлари ишлаб чиқарувчи, агломерацион ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари
Кон-шахта ва кон-руда машинасозлиги	Механизациялашган мустаҳкамловчилар, қазиш комплекс ва агрегатлари, шахта электровозлари, вагонеткалари, шахта кўтарма машиналари, тозалаш ва ўтиш ишлари учун комбайнлар, кўмир қазиш учун қириб олиш ускуналари ва бошқаларни

Тармоқлар	И з о х
	ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кўтариш-транспорт машинасозлиги	
Кранлар ишлаб чиқариш (қурилиш кранларисиз)	Умумий фойдаланиладиган кўприксимон электр кранлар, металлургия учун махсус кранлар, порталли кранлар, контейнер кранлари, темир йўлда юрувчи бир тўсинли кранлар, кран-штабелер, консол кранлар ва кўприксимон қўлда юргизиладиган кранлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
қурилиш кранлари ишлаб чиқариш	Автомобилга, пневмоғилдиракка, занжирли юришга ўрнатилган кранлар, минорали кранлар, кўтарма мачтали кранлар ва юк-пассажир кранлари, конвейерлар, тасмали лебедкалар, қурилиш юклагичлари ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Узлуксиз транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	Умумий фойдаланиладиган лентали стационар конвейерлар, осма юк ташувчи, тортиб боровчи, тиркама, қуйма элтувчи, пластинкасимон, вибрацион, умумий фойдаланишга мўлжалланган винтли, юкловчи қисқичли конвейерлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Лифт ишлаб чиқариш	Йўловчи, юк ва махсус тиббий лифтлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Авто ва электр юклагичлар ишлаб чиқариш	Авто ва электр юклагичлар, автокаралар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бошқа турдаги кўтариш-ташиш, юклаш-тушириш ва омборбоп ускуналар ишлаб чиқариш	Вагон ағдаргич, руда ва кўмирни кўприксимон қайта юклагичлари, санок-тарали юк омборлари ишини механизациялаш ускуналари, электр ва қўлда ишлатиладиган таллар, тирноқ(кошка)лар ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Темирйўл машинасозлиги	Темирйўл транспорти учун локомотивлар ва бошқа ҳаракат составлари (магистралга, маневрга ва саноатга мўлжалланган электровоз ва тепловозлар, юк, йўловчи ташиш ва

Тармоқлар	И з о х
	саноатга мўлжалланган вагонлар ва бошқалар), электр поездлар ва дизел поездлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электротехника саноати	
Электротехник машиналар, ускуналар, аппаратура ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш	Электр двигателлари ва электр генераторлари, электр ўзгартирувчи қурилмалар (трансформаторлар, мотор-генераторлар, куч ўзгартиргичлар), юқори кучланишли ва паст кучланишли электр аппаратуралари, конденсаторлар, электр ускуна ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кабел саноати	Кучли ва кучсиз ток учун кабел ва узатгичлар, ўрамли узатгичлар, шнурлар ва бошқа турдаги кабел маҳсулотлари
Электролампа саноати	Ёритувчи оддий электр лампалари, люминесцентли, симоб-кварцли лампалар ва махсус электр лампалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электроизоляция саноати	Электроизоляция буюмлари (миканит ва слюдинитлар, қатламли электроизоляция матолари, электроизоляция лак-матолар ва б.), электротехник чинни, сопол ва шиша изоляторлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Аккумулятор ва элемент саноати	қўрғошинли ва ишқорли аккумуляторлар, галваник элементлар ва батареялар, электр-кўмир буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электр пайвандлаш ускуналарини ишлаб чиқариш	Пайвандлов қисмлари ва буюмларини тайёрлашда йиғиш-пайвандлаш ишларини бажариш учун автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линияларини, универсал ва электр пайвандлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кимё ва нефт машинасозлиги	
Кимё машинасозлиги	Кимё саноати учун ҳамда бошқа саноат тармоқларидаги кимёвий жараёнлар

Тармоқлар	И з о х
	учун технологик ускуна ва аппаратуралар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Полимер машинасозлиги	Резина, пластмасса ва бошқа полимер материалларни қайта ишловчи ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Нефт қазилуш ва геология-қидирув, бурғулаш ускуналари ишлаб чиқариш	Нефт қазилуш, геология-қидирув, бурғулаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Нефт ва газни қайта ишловчи ускуналар ишлаб чиқариш	Нефт ва газни қайта ишловчи ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Целлюлоза-қоғоз саноати ускуналарини ишлаб чиқариш	Целлюлоза, қоғоз ва картон ишлаб чиқарувчи ускуналар (бу ишлаб чиқариш учун кимёвий ускуналар кирмайди) ҳамда ёғоч омборлари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Компрессор машинасозлиги	Компрессор ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Советгичлар машинасозлиги	Советиш ускуналари(маиший советгичлар кирмайди) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Вакуумли насос ва агрегатлар ишлаб чиқариш	Вакуумли насос ва агрегатлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кислород ва криоген машинасозлиги	Кислород ва криоген ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Металларга газ алангасида ишлов бериш ва буюмларни металлштириш ускуналари ишлаб чиқариш	Металларга газ алангасида ишлов бериш ва буюмларни металлштириш ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Насослар ишлаб чиқариш	Умумсаноатда қўлланиладиган буғ поршенли, марказдан қочма ҳамда узатмали насослар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Саноатбоп қувурли ўтказгич арматураси ишлаб чиқариш	Рангли металллардан, кулранг ва тобланган чўяндан, пўлатдан, нометалл материаллардан саноатбопқувурли ўтказгич арматураси ишлаб чиқарувчи



Тармоқлар	И з о х
	(кемасозлик учун зарур арматура ҳам киради, аммо санитария-техникларсиз) корхоналар. қолипда пайвандланган сурма қопқоқлар(задвижкалар) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Газ тозалаш ва чанг тутиш ускуна ва аппаратуралари ишлаб чиқариш	Газ тозалаш ва чанг тутиш ускуналари, саноат чиқиндиларини тозалаш арматура ва аппаратураларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бўяш ускуналари ишлаб чиқариш	Машинасозлик ва ишлов берилган металл буюмларга лак-бўёқ қопламалари бериш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>ДАСТГОҲСОЗЛИК ВА АСБОБСОЗЛИК САНОАТИ</b>	
Металл қирқувчи дастгоҳлар ишлаб чиқариш	Барча турдаги металл қирқувчи дастгоҳлар, машинасозлик ва металлга ишлов бериш ҳамда дастгоҳсозликда меъёрлашган қисм ва деталларни ишлаб чиқариш учун автомат ва ярим автомат линияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғочни қайта ишловчи ускуналар ишлаб чиқариш	Ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари, ёғоч кесиш ромлари, ёғочни қайта ишлаш саноати учун автоматлашган ва ярим автомат линияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чиқариш	Темирчилик-пресслаш машиналари (пресслар, болғалар, автоматлар, тобловчи машина ва валлар, тўғриловчи ва эгувчи машиналар, қайчилар), металлларга босим остида ишлов берувчи автомат ва ярим автомат линиялар, автоматлаштириш воситалари ва ҳ.к. ишлаб чиқарувчи корхоналар
қуюв ускуналари ишлаб чиқариш	Аралашма тайёрловчи, қолиповчи ва ўзакли, тозаловчи ва чиқарувчи машиналар, автомат ва ярим автомат поток линиялар, қуюв машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Металл ва ёғочга ишлов	Металлга ишлов берувчи асбоблар

Тармоқлар	И з о х
берувчи асбобларни ишлаб чиқариш	(металл қирқув, ўлчов, слесар-монтаж, қисқич), арралар ва ёғочга ишлов берувчи машина-асбоблар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш	Машинасозлик ва металлга ишлов беришга технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сунъий олмос, абразив материаллар ва улардан асбоблар ишлаб чиқариш саноати	Электрокорунд, кремний карбиди, сунъий олмослар, ўта қаттиқ моддалар ва бошқа олмос-абразив материаллар ҳамда улардан асбоблар ишлаб чиқарувчи корхоналар, дефибрер тошлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Механик пайвандлаш ускуналари ишлаб чиқариш	Пайвандлаш конструкцияларини ўрнатиш ва айлантириш учун, пайвандлаш ускуналарини, аппаратлар ва пайвандчиларни силжитиб туриш учун, ишқаланиш асосида пайвандлаш ва пресс пайвандлаш учун механик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тармоқлараро ишлаб чиқариш саноати	
Ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Машинасозлик учун қолиплар ва пайвандлаш конструкциялари, ўровчи куйилмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмлар ишлаб чиқариш	Умуммашинасозликда қўлланиладиган қисм ва деталлар (редукторлар, гидроприводлар ва гидроавтоматика, пневмо-ускуна ва пневмо-аппаратура, мойлаш ускуналари, фильтрлаш ускуналари, тишли ғилдираклар ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар
қора ва рангли металлдан фасонли куймалар тайёрлаш учун қолип материаллари ишлаб чиқариш	қолиповчи қум (жумладан қуруқ бойитилгани), бентонит лойи (жумладан кукун ҳолида), қолиповчи лой (жумладан кукунда), табиий ва сунъий чангсимон шамот ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Приборсозлик (авиация, мудофаа, электрон, кemasозлик саноатлари ва радио саноатининг	

Тармоқлар	И з о х
махсус приборсозлик заводлари)	
Технологик жараёнларни назорат қилиш ва созлаш приборлари ишлаб чиқариш	Ҳароратни, босимни, сийракликни, суюқлик ва газлар даражаси ва ҳаражатини, моддалар таркиби ва хусусиятини, иккиламчи приборларни, созловчи ва ижро этувчи механизмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электр ўлчов приборлари ишлаб чиқариш	Ток фазасини, кучланишини, қаршилиқни, қувватни, частотани ўлчаш учун шитга, лаборатория ҳамда кўчириб юришга мўлжалланган электр ўлчов приборлари ишлаб чиқарувчи корхоналар. Рақамли приборлар ва ўхшаш рақамли ўзгартиргичлар, ўлчов қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Радио ўлчов приборлари ишлаб чиқариш	Токни, кучланишни, қувватни, частотани ўлчовчи радиоўлчов приборлари, ўлчов генераторлари, сигнал ва спектр шаклларини текшириш, параметрларини ўлчаш приборлари, электровакуумли ва яримўтказгичли приборларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Оптик ва оптик-механик приборлар ва аппаратларни ишлаб чиқариш	Контроль-ўлчов, геодезик ва астрономик приборларни ишлаб чиқарувчи, фотоаппаратура, фотокинообъективлар, киноаппаратуралар ишлаб чиқарувчи, моддалар таркиби ва хусусиятларини ўрганишга оид оптик ва оптик-механик приборлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Механик катталиқларни ўлчаш приборларини ишлаб чиқариш	Материалларнинг механик хусусиятларини аниқлаш, куч ва деформацияни ўлчаш учун машина ва приборлар, буюм ва материалларни бузмаган ҳолда назорат қилиш приборлари, виброметрия, ҳаракат параметрларини ўлчов приборлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Вақт приборлари ишлаб чиқариш	Маиший, техник ва махсус мўлжалланган соатлар (бирламчи ва

Тармоқлар	И з о х
	иккиламчи электр соатлари ҳам киради) соат механизмлари, соат саноати учун приборлар, техник ва соат тошлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Инженерлик ва бошқарув меҳнатини механизациялаштириш ва автоматлашти-риш приборлари ишлаб чиқариш	Матнли ҳужжатлар тузиш воситалари (жумладан ёзув машинкалари, авторучкалар, механик қаламлар),ҳужжатлардан нусха олиш ва кўпайтириш воситалари, ҳужжатларни сақлаш ва қидириш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Табиий кузатувлар учун приборлар ишлаб чиқариш	Метеорологик, аэрологик, гидрологик, геофизик ва геологик прибор ва аппаратуралар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тиббиёт, физиология ва биологияга оид приборлар ишлаб чиқариш	Тиббиёт, физиология ва биологияга, бошқа илмий текширишларга оид приборлар ишлаб чиқарувчи корхоналар (жумладан электрокардиографлар, тиббий термометрлар, кўзойнак линзалари ва оправалари)
Ҳисоблаш воситалари саноати	
Ҳисоблаш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш	Ҳисоблаш комплекслари ва машиналари, уларнинг марказий ва периферия қурилмаларини, тармоқлараро алоқа қурилмаларини, ўхшаш ва ўхшаш-рақамли қурилма ва машиналарни, дастурда бошқариладиган қурилмаларни, сервис қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Техник элтувчилар (носител) ишлаб чиқариш	Техник маълумот элтувчилар(носител) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Дастур воситалари ишлаб чиқариш	Дастур воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Автомобил саноати	
Автомобил, автобус, троллейбуслар ҳамда автомобил ва тракторларга тиркама (прицеп)лар ишлаб чиқариш	Барча турдаги автомобиллар (жумладан енгил ва махсус), автобуслар, автотортувчилар (тягач), автомобил ва трактор тиркамалари, трейлерлар, троллейбуслар ишлаб чиқарувчи корхоналар. Кичик литражли автомобил

Тармоқлар	И з о х
	ва қайиқ двигателлари, агрегатлар ва карбюраторлар
Мотоцикл ва велосипед ишлаб чиқариш	Мотоцикллар, мотоаравачалар, мотороллерлар, мопедлар, велосипедлар, мотоцикл ва мотовелосипед двигателлари, уларга зарур агрегатлар, карбюраторлар, қисм ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Автомобил ва тракторлар учун электр ускуналари ва приборлар ишлаб чиқариш	Автомобил, мотоцикл ва тракторлар учун электр ускуналари ва приборлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бошқа ускуна ва асбобларни ишлаб чиқариш	Гаражлар учун ускуналар (ювиш, назорат-синов, оптик ва бошқа стендлар), қўл домкратлари ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Подшипник саноати	Шарикли ва роликли подшипниклар ҳамда уларга деталлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ</b>	
Трактор машинасозлиги	Барча турдаги тракторлар, трактор ва комбайн двигателлари, агрегатлари, қисмлари ҳамда трактор ва двигателлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
қишлоқ хўжалик машинасозлиги	Тупроққа ишлов берувчи ва экиш машиналари (жумладан гўнг сочувчи), ҳосилни йиғиб олиш, қуритиш ва йиғилган донни қайта ишлаш машиналари, техника экинлари учун машиналар, агрегатлар, қисмлар, деталлар, эҳтиёт қисмлар, технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Чорвачилик ва озуқа етиштириш машинасозлиги	Чорвачилик ва паррандачиликни механизациялаштириш, озуқа тайёрлаш, ва озуқа ишлаб чиқариш учун ускуна ва машиналар, қисм, детал ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>ҚУРИЛИШ, ЙЎЛ ВА</b>	

Тармоқлар	И з о х
<b>КОММУНАЛ МАШИНАСОЗЛИК</b>	
Йўл-қурилиш машинасозлиги	
Йўлсозлик ва ер қозиш машинасозлиги	Экскаваторлар, канал қазгичлар, грейдерлар, тупроқ тортгичлар (землесос)лар, булдозерлар, скреперлар, қор юкловчи машиналар, йўл ётқизгичлар, қувур ётқизиш учун махсус машиналар (қувур ташувчи машиналар, қувур ётқизиш машиналари) ишлаб чиқарувчи корхоналар
қурилиш машиналари ишлаб чиқариш	Бетон ва қоришма аралаштирувчи машиналар, қоришма насослари, шағал ювгичлар, шибаловчи машиналар, қурилиш-пардозлаш машиналари, қўлдаги ва механизациялашган қурилиш асбоблари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Қурилиш материаллари саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш	Цемент ва оҳак саноати корхоналари (йиғма темир-бетон буюми заводлари, асбоцемент маҳсулоти заводлари, Иссиқлик изоляцияси матолари заводлари) учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Мелиорация ишлари, ўрмон ва торф саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш	
Ёғоч тайёрлаш саноати ва мелиорация ишлари учун ускуналар ишлаб чиқариш	Ўрмон кесиш, ёғоч ташиш, чиғирларга тахлаш ускуналари, ёғоч терувчилар ва ёғоч оқизишнинг дастлабки тахламларини механизациялаштириш бўйича технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Торф саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш	Торфларни брикетлаш, майдонлар ва қуритиш тармоқларини таъмирлаш, шунингдек торфни фрезерлаш, титиш, тўплаш каби ишлар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Коммунал машинасозлик	
Коммунал хўжалик учун ускуналар ишлаб чиқариш	Ёнғинга қарши курашиш ускуналари (жумладан ўт ўчириш автомобиллари, автомеханик шотилар), шаҳар ва

Тармоқлар	И з о х
	коммунал хўжалик учун машиналар (шаҳарларни санитар тозалаш учун зарур машина ва ускуналар) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Маиший хизмат корхоналари учун ускуналар ишлаб чиқариш	Кимёвий тозалаш ва бўяш корхоналари, кир ювиш, маиший хизматнинг бошқа корхоналари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАШИНАСОЗЛИГИ ҲАМДА МАИШИЙ ПРИБОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ</b>	
Енгил саноат учун ускуналар ишлаб чиқариш	
Тўқимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Тўқимачилик, тўқимачилик-атторлик, кигиз-намат саноати учун технологик ускуналар (жумладан пахта тозалаш, бўяш-пардозлаш ускуналари) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тикувчилик ва тўқимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Тикувчилик ва тўқимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар. Тикувчилик ва тўқимачилик саноати учун игналар ва бошқа деталларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Пойафзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Пойафзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи, ушбу соҳалар учун зарур бўлган игналар ва бошқа деталларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Кимёвий толалар ишлаб чиқариш учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Кимёвий толалар ишлаб чиқариш учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Озиқ-овқат ва омухта ем саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Озиқ-овқат (балиқ ва гўшт-сут саноатини қўшган ҳолда) ва омухта ем саноати учун технологик ускуналар, поток линиялари, тегирмон, элеваторлар ва дон омборлари учун ускуналар ишлаб

Тармоқлар	И з о х
	чиқарувчи корхоналар
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва бошқаларнинг овқатланиш блокларини қўшган ҳолда) учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Полиграфия саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Полиграфия саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Маиший прибор ва машиналар ишлаб чиқариш	
Тикув ва маиший электр машиналари ва приборлари ишлаб чиқариш (маиший совутгич ва музлатгичлар кирмайди)	Тикув ва маиший электр машиналари ва приборлари (кир ювиш машиналари, электр пол артгичлар, чангютгичлар, электр иситиш приборлари ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Маиший совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш	Маиший совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	
Санитар-техник ускуналари ишлаб чиқариш	Иситиш қозонлари, приборлари (радиаторлар, қовурғали қувурлар, иситиш панеллари), иситиш-вентиляция ускуналари (умумий вентиляторлар, калориферлар, газ агрегатлардан ташқари), уйсозлик предметлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Газ ускунаси ва аппаратуралари ишлаб чиқариш	Автоматлашган саноат газ ёқиш қурилмалари, газ калориферлари, рекуператорлар, турли иситгичлар, саноат горелкаларини дамлаш воситалари, мувозанатловчилар, маиший плиталар, газда сув иситиш ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар
Авиация саноати	Авиация техникаси ишлаб чиқарувчи



Тармоқлар	И з о х
	корхоналар
Мудофаа саноати	Мудофаа техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кемасозлик саноати	Барча турдаги кемаларни, спорт кемалари, яхта ва қайиқларни ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар
Радиосаноат	Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган радиоаппаратуралар ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар
Алоқа воситалари саноати	Турли мақсадларга мўлжалланган алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар. Маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган радиоаппаратуралар ишлаб чиқарувчи корхоналар: кенг эшиттирувчи радиоприёмниклар, радиолалар, телевизорлар, магнитофонлар, электрофон ва б.
Электроника саноати	
Электроника саноати (махсус технологик ускуналар ишлаб чиқариш кирмайди)	Электрон техника маҳсулот ва буюмлари (интеграл микросхемалар, вакуумли ва ярим ўтказгичли приборлар, сунъий пьезокварц ва ундан ясалган буюмлар, радиодеталлар ва радиокомпонентлар) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Махсус технологик ускуналар ишлаб чиқариш (назорат-синов ускуналари қўшилган ҳолда)	Электроника саноатининг махсус технологик ускуналарини (жумладан назорат-синов ускуналари) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар ишлаб чиқариш (арава-улов ва ойна саноати ускуналари кирмайди)	Техника ҳавфсизлиги ускуналари, тиббий асбоблар, ветеринария учун аппаратлар ва ускуналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган бошқа ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Монтаж қилинадиган ярим маҳсулотлар, қисм ва деталлар ишлаб чиқариш	қувур тармоқлари учун қисмлар, электромонтаж, санитария-техник ярим маҳсулотлар, шунингдек назорат-ўлчов приборлари ва автоматлаштириш учун монтаж буюмлари ишлаб чиқарувчи

Тармоқлар	И з о х
	корхоналар
Ойна саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқариш	Ойна саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус корхоналар
Улов-арава ишлаб чиқариш	От араваларнинг юриш қисмлари, кузовлари, аравалар, чаналар, юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган барча турдаги улов воситалари (арава-уловлар учун ёғочдан ишланган деталлар кирмайди) ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯ ВА БУЮМЛАР САНОАТИ</b>	
Металл конструкциялар ишлаб чиқариш	
Қурилишга пўлат конструкциялар ишлаб чиқариш	Бино ва иншоотлар, кўприklar, ангарлар, электр узатиш тармоқлари ва бошқа қурилишлар учун пўлат, металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Енгил металл конструкциялари ишлаб чиқариш	Уч ўлчамли фазовий таркибли ва ромли конструкциялар, биноларнинг қоплама ва каркасларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Алюминий ва алюминийли қотишмалардан қурилиш конструкция ва буюмлари ишлаб чиқариш	Алюминий ва алюминийли қотишмалардан қурилиш конструкция ва буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Контейнер ва йиғма бино-хоналар ишлаб чиқариш	Контейнер ҳамда ишлаб чиқаришга, маъмурий бошқарувга, маданий-маиший, уй-жой ва ва жамоатчиликка мўлжалланган йиғма бино, иморат ва хоналар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган металл буюмлар ишлаб чиқариш саноати (қора металлургияда ишлаб чиқарилган металл буюмлар кирмайди)	
Қурилиш металл	қурилиш учун металл буюмлар (темир

Тармоқлар	И з о х
буюмлари ишлаб чиқариш	ва чўян панжара, пиллапоя тутқичи, поғоналар, эшиклар, айвон(навес)лар) ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
қишлоқ хўжалиги ва томорқа асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш	қўлда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги, боғ ва томорқа учун асбоб-ускуналар (белкурак, кирка, кетмон, ўроқ, бешлик, чалғи ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Металл транспорт таралари ишлаб чиқариш	Металлдан яшик, бочка, барабан ва флягалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бошқа металл буюмлар ишлаб чиқариш	Металл банкалар, газ баллонлари, қутича ва бошқа тунука идишлар, этикдўзлик асбоблари, металл полотно ва тўрлар, мебеллар учун сим пружиналар, техник ва хўжалик занжирлари, лангарлар, металл фурнитуралар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган металл буюмлар саноати	
Хўжалик идишлари ва ошхона анжомлари ишлаб чиқариш	Металл хўжалик идишлари (жумладан сут идишлари), ошхона анжомлари, металл қошиқлар, самовар, чойнак, қайнатгичлар ва бошқа сув иситиш приборлари, термослар (электр термослар кирмайди), пичоқ, санчқи ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шахсий фойдаланиладиган предметлар ишлаб чиқариш	қайчи, устара, ҳавфсиз устаралар учун тиғлар (лезвия), соч олиш машинкалари, ва бошқа пичоқбуюмлар, металл кроватлар, болалар аравачалари, металл галантерея, совундонлар, сартарошлик анжомлари ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Жисмоний тарбия ва спорт учун металл инвентарлар ишлаб чиқариш	Жисмоний тарбия ва спорт учун металлдан буюм ва жиҳозлар (қуроллар, балиқ ови анжомлари, овчилик анжомлари, конкилар) ишлаб чиқарувчи, болалар майдончалари учун ускуналар (пиллапоялар, каруселлар, беланчаклар ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар

Тармоқлар	И з о х
<b>МАШИНА ВА УСКУНАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ</b>	
Металл қирқиш ва ёғочни қайта ишлаш дастгоҳларини, темирчилик-пресслаш ва қуйма ускуналарини таъмирлаш	Барча турдаги металл қирқиш ва ёғочга ишлов бериш дастгоҳларини, ёғоч тилиш рамларини, темирчилик-пресслаш ва қуйв ускуналарини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Саноатнинг бошқа ускуна ва приборларини таъмирлаш	Барча саноат тармоқларидаги куч берувчи ва ишлаб чиқариш ускуналарини (металл қирқиш ва ёғочга ишлов бериш дастгоҳларини, ёғоч тилиш рамларини, темирчилик-пресслаш ва қуйв ускуналаридан ташқари) таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Ўлчов приборларини таъмирлаш	Ўлчов приборларини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Темир йўллар ҳаракатдаги таркибини таъмирлаш	Локомотивлар, вагонлар ва бошқа темир йўл ҳаракатдаги таркиби ҳамда йўл машиналарини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Кемаларни таъмирлаш	Денгиз, кўл, дарё кемаларини, кемаларнинг ускуналарини, механизм ва приборларини, масхус кемаларни таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Юк автомобиллари ва автобусларни таъмирлаш	Юк автомобиллари ва автобусларни таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник қарови (аҳоли буюртмаси бўйича таъмирлаш кирмайди)	Енгил автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар ва бошқаларни таъмирлаш ҳамда техник қаровдан ўтказишга ихтисослашган корхоналар
Аҳоли буюртмасига кўра енгил автомо-биллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда техник қаровини ўтказиш	Аҳоли буюртмасига кўра енгил автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар ва бошқаларни таъмирлаш ҳамда техник қаровдан ўтказишга ихтисослашган корхоналар
Тракторлар ва қишлоқ	Тракторлар, қишлоқ хўжалик

Тармоқлар	И з о х
хўжалик машиналарини таъмирлаш	машиналари ва инвентарларини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Йўлсозлик ва қурилиш машиналарини таъмирлаш	Йўлсозлик ва қурилиш машиналарини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Трамвайлар, метро вагонлари ва троллейбусларни таъмирлаш	Трамвайлар, метро вагонлари ва троллейбусларни таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Фуқаро самолётлари, вертолётлари, уларнинг ускуна ва двигателларини таъмирлаш	Фуқаро самолётлари, вертолётлари, уларнинг ускуна ва двигателларини таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Ҳисоблаш техникаларини таъмирлаш ва марказлашган ҳолда хизмат кўрсатиш	Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, фойдаланишга топшириш (ўрнатиш-юрғизиш ишлари) ва уларнинг техник хизмати ҳамда дастурий таъминотини марказлашган ҳолда амалга оширувчи корхоналар
Турли ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш	Савдо ва ёнғинга қарши ускуналарни, бошқа ишлаб чиқаришга оид ускуналарни таъмирлаш, алоқа ускуналари, транспорт воситаларини (юқорида қайд этилганлардан ташқари) ва бошқаларни таъмирлашга ихтисослашган корхоналар
Турли ноишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш	Тиббий ва мактаб ускуналарини, киноустановкалар, коммунал ускуналар ва бошқа маданий-маиший ускуналарни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар
Ишлаб чиқариш-техник, савдо-техник хизматлар ва радиоэлектрон апаратура-ларни, маиший машиналар, приборлар ва металл буюмларни таъмирлаш	Радиоэлектрон апаратураларни, маиший машиналар, приборлар, ва хўжаликбоп металл буюмларни(радиоприёмниклар, телевизорлар, магнитофонлар ва б.) таъмирлаш ва ишлаб-чиқариш техник ҳамда савдо-техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар
<b>ЎРМОН, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА</b>	

Тармоқлар	И з о х
<b>ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ</b>	
<b>Ёғоч тайёрлаш саноати</b>	Ёғоч тайёрлаш саноати, смола ва елим олиш билан шуғулланадиган корхоналар
<b>Ёғочни қайта ишлаш саноати</b>	
Ёғоч тилиш	Ёғоч тилиш ва шпаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Стандарт уйлар ишлаб чиқариш	Маҳаллий қурилиш материалларидан деворли стандарт уйлар учун стандарт ёғоч уйлар ва деталлар тўплами ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғочдан қурилиш деталлари ва плиталар ишлаб чиқариш	қурилиш деталлари (эшик, дераза, паркет ва бошқалар) ёғоч толали, ёғоч қириндили ва ёғоч-цемент плиталар, дурадгорчилик маҳсулотлари ва ёғоч конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғоч контейнерли, тайёр ва йиғма ҳолдаги бино ва уйлар ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш, маъмурий, маданий-маиший, уй-жой ва коммунал мақсадларга мўлжалланган ёғоч контейнерли, тайёр йиғилган ҳолдаги, йиғиладиган бино ва уйларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Фанера ишлаб чиқариш	Барча турдаги фанералар, эгиб елимланган деталлар ва шпон ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғоч тараларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	Ёғоч тараларни (яшик, бочка, сават, коробка ва б.) ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Мебел саноати	
Мебел ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасига кўра ишлаб чиқариш кирмайди)	Мебел (новдадан тўқилганлари ҳам кирди), мебел деталлари, пружинали матрацлар, металл каркасли мебеллар, мактаб ва болалар мебели, кутубхоналар, музей ва дорихоналар учун махсус мебеллар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Мебелни таъмирлаш (аҳоли буюртмасига кўра мебел таъмирлаш кирмайди)	Мебелларни таъмирлаш ва тиклаш билан шуғулланувчи корхоналар
Аҳоли буюртмасига кўра	Аҳоли буюртмасига кўра мебел

Тармоқлар	И з о х
мебел тайёрлаш ва таъмирлаш	тайёрлаш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи махсус корхоналар
Гугурт ишлаб чиқариш	Гугурт ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғочга ишлов беришнинг бошқа соҳалари	Машинасозлик учун ёғоч деталлар ва ғилофлар, ёғоч кукуни, парник учун ромлар, асалари уялари, улов равасозлик деталлари ишлаб чиқарувчи ҳамда ёғочни антисептиклаш(шпал ва бошқа ёғоч материалларига шимдириш) билан шуғулланувчи корхоналар
<b>Целлюлоза-қоғоз саноати</b>	
Целлюлоза, ёғоч массаси, қоғоз ва картон ишлаб чиқариш	Целлюлоза, ярим целлюлоза, ёғоч массаси, қоғоз ва картон, целлюлоза-қоғоз саноатининг бошқа иккиламчи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Қоғоз ва картон идиш(тара)лар ишлаб чиқариш	Барча турдаги қоғоз ва картон идиш(тара)лар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Қоғоз ва картон буюмлар ишлаб чиқариш	қоғоз ва картондан ишлаб чиқаришга мўлжалланган турли буюмлар (калька, пергамент, фибра, пойафзаллар учун картон ва б.), шунингдек гулқоғоз(обой), дафтар, албомлар ва бошқа қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Ўрмон-кимё саноати</b>	Ёғочни қуруқ ҳайдаш корхоналари, канифол заводлари ва ўрмон-кимё ишлаб чиқаришининг йўлдош ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	
<b>Цемент саноати</b>	
Цемент хом ашёсини қазиб олиш	Цемент хом ашёсини қазиб олувчи карьерлар
Цемент ишлаб чиқариш	Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар, майдалаш қурилмалари
<b>Асбоцемент буюмлари ишлаб чиқариш</b>	Асбоцемент листлар (шифер), конструктив элементлар ва деталлар, асбоцемент қувурлар ва бошқа асбоцемент буюмлар ишлаб чиқарувчи

Тармоқлар	И з о х
	корхоналар
<b>Юмшоқ томёпгич ва гидроизоляция матолар саноати</b>	Барча турдаги юмшоқ томёпгичлар (рубериод, пергамин, тол ва б.) ҳамда гидроизоляцияцион матолар(пороизол, изол ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялари ҳамда буюмлари (девор материалларисиз) саноати</b>	Йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялар (арматуралангани ҳам), цементли ҳамда цементсиз бетон буюмлари (девор материаллари кирмайди) ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Девор материаллари саноати</b>	
Девор блоклари ишлаб чиқариш	Уячали ва зич силикатли бетондан йирик блоклар ишлаб чиқарувчи, йирик ва майда деворбоп бетон блоклар, шлакобетон блоклар, табиий тош блоклар (чиғаноқтош, туф ва б.) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ғишт ва сопол черепица ишлаб чиқариш	Пиширилган ва силикатли ғиштлар, сопол блоклар ва панеллар, ғишtdан блок ва панеллар, сопол черепицалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>қурилиш сополчилиги (керамика)</b>	
Сопол хом-ашёсини қазиб олиш	Сопол хом-ашёсини қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш билан шуғулланувчи корхоналар
Қурилишбоп сопол ишлаб чиқариш	Пол учун сопол плиталар ишлаб чиқарувчи, сирланган қоплама плиталар, бинолар фасадини қоплаш учун сопол буюмлар, канализация ва дренаж учун сопол қувурлар, кислотага бардошли сопол буюмлар ва бошқалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
Қурилишбоп ва техник чинни, фаянс ва ярим чинни маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Чинни, фаянс ва ярим чинни хом-ашёсидан қурилиш ва сантехника, маиший-санитария ва техник чинни ва фаянс маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Полимер хом ашёсидан қурилиш материаллари ва буюмлари</b>	Линолеумнинг турли хилларини, уларни ёпиштириш учун мастика, пенополистирол буюмлар вақурилишга



Тармоқлар	И з о х
<b>ишлаб чиқариш</b>	мўлжалланган бошқа полимер маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Норуда қурилиш материаллар саноати</b>	Тош, шағал, қум, қум-шағал аралашмаларини қазиб олиш, майдалаш ва бойитиш корхоналари
<b>Табиий тошни қазиб олиш ва ундан қоплама материаллар тайёрлаш</b>	
Қоплама материаллар учун табиий тошларни қазиб олиш	Табиий тошлар (гранит, мрамор, оҳактош ва б.)ни қазиб олиш карьерлари
Табиий тошдан қопловчи материаллар ишлаб чиқариш	Табиий тошдан қопловчи материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Ғовакли тўлдирувчилар саноати</b>	
Табиий ва сунъий ғовакли тўлдирувчилар учун хом ашё қазиб олиш	Табиий ва сунъий ғовакли тўлдирувчилар ишлаб чиқариш учун хом-ашё қазиб олиш
Ғовакли тўлдирувчиларни сунъийсини ишлаб чиқариш ва табиийсини қайта ишлаш	Сунъий ғовакли тўлдирувчилар: керамзит, аглопорит, шиширилган перлит, шунгизит, чиқиндидан тайёрланган пемзалар, шиширилган вермикулит, дашқол, вулқон чиқиндиларининг майдаланган тошлари ва қумлари, термозитни ишлаб чиқарувчи ва табиийсини қайта ишловчи корхоналар
<b>Оҳакли, гипсли ва маҳаллий боғловчи материаллар ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати</b>	
Оҳакли ва гипсли тошларни қазиб олиш	Оҳакли ва гипсли тошларни ва шағалларни қазиб олувчи корхоналар
Оҳакли, гипс ва маҳаллий боғловчи материалларни ва	Оҳак, гипс, гипсли қуруқ сувоқ материали, гипсбетонли тўсиқ панелларини ва шу кабиларни, оҳак-

Тармоқлар	И з о х
маҳсулотларни ишлаб чиқариш	пуццоланли, оҳак-шағалли цементларни ва маҳаллий боғловчи материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Оҳак ва доломит кукунини ишлаб чиқариш саноати	Оҳак ва доломит кукунини, майдаланган гипс хом ашёси ва озуқабоп бўр ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Иссиқлик изоляцияси материаллари саноати</b>	Минерал момик ва ундан тайёрланган маҳсулотларни, диатом, совелит, вулканит, вермакулит, перлит, оҳактош материалларидан тайёрланган ва бошқа Иссиқлик ва овоз изоляцион буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Асбест (тошпахта) саноати</b>	Асбест (тошпахта) рудасини қазиб олувчи ва асбест (тошпахта) ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Нометалл рудалар саноати</b>	
Нометалл рудаларни қазиб олиш	Каолин, тальк, пегматит ва слюда хом ашёсини қазиб олувчи ва уларни бойитувчи корхоналар
Нометалл рудалардан маҳсулот ишлаб чиқариш	Слюда буюмларини, шипан слюдаси, слюдапласт ва бошқалар, андезит шағали, андезит кукуни ва андезитдан тайёрланган буюмлар, асфальтит, графит ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>қурилиш материаллари саноатининг бошқа тармоқлари</b>	
Товар бетонлари ва қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш	Товар бетонлари ва қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Асфальтбетон ишлаб чиқариш	Асфальтбетон ва бошқа битум-минерал аралашмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш	қум-цементли черепицаларни, қамиш плита, торфли изоляцион буюмларни ва юқорида кўрсатилмаган бошқа қурилиш материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Шиша ва чинни-сопол</b>	

Тармоқлар	И з о х
<b>саноати (табобат учун ойнак ва чинни-сополдан буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналарсиз)</b>	
Шиша саноати	
Шиша саноати учун дастлабки хом ашёни қазиб олиш	Кварц қумларини ва бошқа шиша хом ашёсини қазиб олувчи конлар ва уларни бойитувчи корхоналар
Қурилиш ва техник шиша ишлаб чиқариш	Дераза ойнаси, сайқалланган, меъморий-қурилиш ва техник ойналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар, шишали изоляция материаллар, силикат палахсаси, тошқуйма буюмлари. Шиша трубалар ва блоклар, қурилиш, иссиқдан ҳимоя қилувчи шиша толаси буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шиша идишлар ишлаб чиқариш	Шиша бутилкалар, консерва ва парфюмерия шиша идишларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шиша идишлар ва шишадан хўжалик-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш	Сархил ва хўжалик идишларини, кўзгу, термослар, лампа ва фонар ойнаси, шишали бадий буюмлар, биллур буюмлар ва бошқа хўжалик-рўзғор буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Электротехник ва электровакуум шишаларини ишлаб чиқариш	Электротехник шишаларни ва электроколбаларни (лампа, рентгенли ва бошқа), электроколбаларнинг трубкаларини ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кимё-лаборатория идишларини ишлаб чиқариш	Кимё-лаборатория идишларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Чинни-сопол саноати	
Чинни ва сополдан хўжалик-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш	Чинни ва сополдан хўжалик-рўзғор ва нафис чинни буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кулолчилик хўжалик-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш	Кулолчилик хўжалик-рўзғор идишларини, гулдонларни, сирланган нақшли ва бошқа кулолчилик

Тармоқлар	И з о х
	буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Енгил саноат</b>	
<b>Тўқимачилик саноати</b>	
Пахта тозалаш саноати	Пахта толасини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Зиғирни дастлабки қайта ишлаш	Зиғир толасини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Бошқа луб толаларини дастлабки қайта ишлаш	Каноп, пенька, жут ва бошқа луб толаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Жунни дастлабки қайта ишлаш	Жунни дастлабки қайта ишловчи (ювувчи) корхоналар
Пиллакашлик саноати	Ипак толаси хом ашёсини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ип газлама саноати	Тўқимачилик ва трикотаж саноати учун йигирилган ип, хом ва тайёр ип газламалар, техник газламаларни (бельтинг, узатма қайишлари, ёнғин қўлқоплари ва шу кабилар) қўшган ҳолда, момиқ, пахтали ватин, иплар ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Зиғир саноати	Таралган ва йигирилган зиғир толаларини, ипларини ва хом ҳамда тайёр газламаларини (тўқимачилик дастгоҳида тўқилган донали бумларни қўшган ҳолда), брезент ва бошқа техник ҳамда ўровчи газламалар узатма қайишлари, ёнғин қўлқоплари ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Жун саноати	
Жун саноати (аҳоли буюртмаси бўйича гилам ва гилам буюмларини ишлаб чиқаришни қўшмаган ҳолда)	Тўқимачилик ва трикотаж саноати учун йигирилган жун, жун газламаларни (хом ва техник газламаларни қўшган ҳолда) ва донали буюмларни (адёллар, рўмоллар, гиламлар ва гилам буюмлари ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Аҳоли буюртмаси бўйича гилам ва гилам буюмларини ишлаб	Аҳоли буюртмаси бўйича гилам ва гилам буюмларини ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар

Тармоқлар	И з о х
чиқариш ва таъмирлаш	
Ипакчилик саноати	Йигирилган ва эшилган ипак, шойи иплар, барча турдаги хом ва тайёр шойи газламаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Нотўқима матолар ишлаб чиқариш	Турли хил толалардан нотўқима мато ва момиқларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Пенько-жут саноати	Йигирилган пенька толаси ва газламаси, арқон ва арғамчи, техник, хўжалик ва балиқ ови каноп иплари ва бошқа арғамчи буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тўр тўқиш саноати	Балиқ ови тўрлари ва тўр анжомларини (барча турдаги толалардан) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тўқимачилик атторлик молларини ишлаб чиқариш	
Тўқимачилик атторлик молларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	Пардабоп тўр буюмларини, нақшли тўр, зарбоп жияк буюмлари (тасма, боғичлар ва шу кабилар), ленталар, соябонлар (зонтик), попопчилик буюмлари (шарф, рўмол ва қийиқлар, сўзаналар ва шу каби), галстуклар, эркаклар ва болалар бўйинбоғлари, пиликлар, байроқлар, турли шаклдаги рамзий байроқчалар ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Аҳоли буюртмаси бўйича тўқимачилик атторлик молларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	Аҳоли буюртмаси бўйича пардабоп тўр буюмларини, нақшли тўр, зарбов жияк буюмлари, соябонлар (зонтик) ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Трикотаж саноати	
Трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	Трикотаж полотноларини (газламаларини), техник трикотаж полотноларини қўшган ҳолда, ҳамда бошқа корхоналарга бўяш учун бериладиган пайпоқ буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар (моделлар уйини қўшган ҳолда). Пайпоқ буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар

Тармоқлар	И з о х
Аҳоли буюртмаси бўйича трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш	Аҳоли буюртмаси бўйича трикотаж буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Трикотаж буюмларни таъмирлаш	Трикотаж буюмларини таъмирловчи корхоналар
<b>Кигиз ва намат саноати</b>	
Кигиз ва намат буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	қурилиш учун, техник, эгар-жабдуқ, ўтов, пойафзал таглиги учун кигиз ва наматларини ишлаб чиқарувчи корхоналар. Сайқалловчи намат чамбарак ва бошқалар. Кигиз этикларни, фетрли ва ярим фетрли пайпоқ ва бошқаларни қўшган ҳолда, ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Аҳоли буюртмаси бўйича кигиз ва намат буюмларини ишлаб чиқариш	Аҳоли буюртмаси бўйича кигиз ва намат буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Тикувчилик саноати</b>	
Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	Барча турдаги эркаклар, аёллар ва болалар устки кийимларини (мўйна ва чармдан ташқари), форма кийимларини, коржомаларни, ички кийимларни ва тўшак ҳамда техник тикувчилик буюмларини оммавий ишлаб чиқарувчи корхоналар (моделлар уйларини қўшган ҳолда)
Аҳоли буюртмаси бўйича тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Аҳоли буюртмаси бўйича барча турдаги тикувчилик маҳсулотларини (аёлларнинг шахсий буюмларини қўшган ҳолда) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тикувчилик маҳсулотларини таъмирлаш	Барча турдаги тикувчилик маҳсулотларини таъмирловчи корхоналар
<b>Чарм, мўйна ва пойафзал саноати</b>	
Табиий чарм ишлаб чиқариш	Табиий чарм, замш (бахмал чарм), лайка (майин тери), балиқ териси ва бошқа териларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сунъий чарм ва пленка материалларини ишлаб чиқариш	Пойафзалларнинг устки қисми, тикувчилик ва атторлик буюмлари, жилдлаш ва қоплаш мақсадлари ва

Тармоқлар	И з о х
	бошқа маиший мақсадлардаги буюм учун юмшоқ сунъий чармларни, ҳамда пойафзалларнинг резина таглиги, ички қисмлари учун қаттиқ сунъий чарм ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сунъий мўйна ишлаб чиқариш	Барча турдаги сунъий мўйна, сунъий қоракўлни қўшган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналар
Чарм-атторлик саноати	
Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини ишлаб чиқариш	Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини (жомадонлар, портфеллар, сумкалар, сафар халталари, турли қўлқоплар, кармонлар, ҳамёнлар, камарлар, тасмалар), спорт буюмларини (спорт коптоклари, покришкалари, қўлқоплари ва шу кабилар) ишлаб чиқарувчи корхоналар
Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини таъмирлаш	Табиий ва сунъий чармдан йўл ва атторлик буюмларини таъмирловчи корхоналар
Этар-жабдуқ ишлаб чиқариш	От ва бошқа бошқариладиган ҳайвонлар учун хомут, эгар, жилов, тизгин ва бошқа анжомларни ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Мўйна саноати	
Мўйна ва мўйна буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда)	қўй терисини ва жунини ишлаб чиқариш ва бўяш билан шуғулланувчи (хом ашё-бўяш корхонаси), мўйналарни саралаш, турли мўйнали пўстинлар (шуба, тулуп, бекеш, дох, манто), мўйнали бош кийимлар, ёқалар, қўлқоплар ва бошқа сунъий ва табиий мўйнадан кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхоналар
Аҳоли буюртмаси бўйича мўйна буюмларини тикиш	Аҳоли буюртмаси бўйича мўйна буюмларини тикувчи корхоналар
Мўйна буюмларини таъмирлаш	Мўйна буюмларини таъмирловчи корхоналар
Пойафзал саноати (резина пойафзалларни ишлаб чиқаришдан ташқари)	
Пойафзал ишлаб	Чармли, газмол, аралаш матоли,

Тармоқлар	И з о х
чиқариш (аҳоли буюртмасиниқўшмаган ҳолда)	миллий, ортопедик пойафзаллар ва тагчарми чарм ва чарм ўрнини босувчи материаллардан тайёрланган бошқа турдаги пойафзалларни ишлаб чиқарувчи корхоналар (моделлар уйларини қўшган ҳолда)
Аҳоли буюртмаси бўйича пойафзал тайёрлаш, тикиш	Аҳоли буюртмаси бўйича пойафзал тикувчи корхоналар
Пойафзалларни таъмирлаш	Пойафзалларни таъмирловчи корхоналар
Дағал жун ва чўтка саноати	Дағал жундан тайёрланган ва чўтка буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Кўн-экстракт саноати	Ўсимлик ва сунъий кўнчилик экстракциясини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Тугма ишлаб чиқариш саноати	Тугма ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Енгил саноатнинг бошқа соҳалари</b>	Пойафзал ва атторлик саноати ва бошқа буюмлар учун фурнитура ва металл буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Озиқ-овқат саноати</b>	
<b>Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)</b>	
Шакар саноати	Шакар ва оққанд ишлаб чиқарувчи корхоналар
Нон ишлаб чиқариш саноати	Нон ва нонбулка маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Қандолатчилик саноати	қандолатчилик маҳсулотларини барча турларини: какао кукуни, холва, шарқ ширинликларини, сунъий асал, қиём билан қопланган мевалар ва бошқа ундан тайёрланган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Макарон саноати	Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғ-мой саноати	
Ёғ-мой саноати (совун ва	Ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи,



Тармоқлар	И з о х
ювувчи воситаларни ишлаб чиқаришсиз)	мойларни гидрогенизацияловчи, маргарин маҳсулотларини, ҳайвон ёғларини, майонез, шам ва унинг ёғини ва табиий алифмой ишлаб чиқарувчи корхоналар
Совун ва ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш	Хўжалик совунлари ва бошқа ёғли ювувчи воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Пардоз-андоз буюмлари саноати	Ифор(эфир) мойи ва сунъий хушбўй моддаларни, пардоз андоз буюмларини ва атир совунларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Спирт саноати	Этил спирти хом ашёсини ва тоза спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ликёр-ароқ саноати	Ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати	Вино маҳсулотларини, узум ва шампан виноларини, коньяк ва мева-резаворлар виносини ишлаб чиқарувчи ва қуювчи корхоналар
Пиво ишлаб чиқариш саноати	Пиво ва солод ишлаб чиқарувчи корхоналар
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш	Нон кваси, морс, брага, мева шарботлари, маъданли ва газли сувларни қуйувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи ва алкогольсиз ичимликларни қуруқ концентратини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Хамиртуруш саноати	Нонвойлик ва қандолатчилик хамиртурушларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Крахмал-қиём саноати	Хом ва қуруқ крахмал, крахмал қиёми, декстрин, глюкозалар, мальтоза, гидрол, саго, маккажўхори экстракти ва бошқа крахмал маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Мевасабзавот саноати	
Мевасабзавот саноати (мевасабзавот консерваларини ишлаб чиқаришсиз)	
Мевасабзавот консерваларини ишлаб	Мевасабзавот консерваларини, гўшт-ёғ ва мой-дуккакли консерваларини қўшган

Тармоқлар	И з о х
чиқариш	ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналар
Туз саноати	Ош тузларини қазиб олувчи ва майдаловчи корхоналар
Чой саноати	
Чой баргларини қайта ишлаш	Чой баргларини қайта ишловчи корхоналар
Чой қадоқлаш ва пресслаш	Табиий чойни қадоқловчи ва прессловчи (тахта чойни пресслашни қўшган ҳолда) корхоналар
Тамаки-махорка саноати	
Тамаки ферментацияси	Тамакини ферментация қилувчи корхоналар
Тамаки-махорка маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Папирос, сигарета, тамаки, сигара ва махорка ишлаб чиқарувчи корхоналар
Озиқ-овқат концентратларини ишлаб чиқариш	Озиқ-овқат, соя, маккажўхори, арпа ва бошқа дон маҳсулотларини концентратларини, табиий ва сунъийқаҳва, болалар озуқаси, болалар уни, цикорий, чой ва қаҳва аралашмаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Озиқ-овқат саноатининг бошқа соҳалари	Озиқ-овқат кислотаси, (сутли, лимон, табиий вино, олма ва бошқа), карбонат кислотаси, сирка, қуруқмуз (ях), сахарин ишлаб чиқарувчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқловчи корхоналар
<b>Гўшт ва сут саноати</b>	
Гўшт саноати	
Гўшт саноати (елимжелатин саноатисиз)	Гўшт, колбаса, дудлама ва бошқа гўшт маҳсулотлари, гўшт консерваларини ишлаб чиқарувчи, ҳамда парранда гўштларини қайта ишловчи корхоналар
Елимжелатин саноати	Желатин ва казеин, мездра (теридан олинадиган) ва суяк елимларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёғ-пишлоқ ва сут саноати	
Ёғ-пишлоқ ва сут саноати (сут консерваларини ишлаб чиқаришсиз)	Ҳайвон ёғларини (сариёғ), қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, пишлоқ, шўр пишлоқ (бринза), музқаймоқ, казеин, қуруқ сут ва бошқа сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Сут консерваларини	Сут консерваларини ишлаб чиқарувчи

Тармоқлар	И з о х
ишлаб чиқариш	махсус корхоналар
<b>Балиқчилик саноати</b>	Балиқ, кит ва денгиз жониворларини ва маҳсулотларини овловчи ва мазкур хом ашёларни қайта ишловчи корхоналар: балиқпазлик ва балиқ консервалари комбинатлари ва корхоналари, балиқ саноати музхоналари, балиқ уни ва мой уни заводлари, балиқ овловчи хўжаликлар ва балиқларни ҳаво кемаларида қидирувчи хизматлар
<b>Микробиология саноати</b>	
Озуқали оқсил моддалари саноати	
Углеводород хом ашёсидан озуқали оқсил моддалари ишлаб чиқариш	Углеводород хом ашёсидан озуқали хамиртуруш ишлаб чиқарувчи корхоналар
Гидролиз саноати	Ўсимлик хом ашёсидан озуқали хамиртуруш, этил спирти, фурфурол ва унинг ҳосилаларини, кўпатомли спиртлар ва ёғоч ва қишлоқ хўжалиги ўсимлиги чиқиндиларидан гидролиз усулида олинадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Микробиология саноатининг бошқа тармоқлари	
Аминокислоталарни ва фермент препаратларини ишлаб чиқариш	Аминокислоталарни (лизин ва бошқалар) ва фермент препаратларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Нотиббий мақсаддаги антибиотикларни, озуқали дармондорилар (витамин), премикс, бактериялиўғитлар ва ўсимликларни микробиологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқариш	Нотиббий мақсаддаги антибиотикларни, озуқали дармондорилар (витамин), премикс, бактериялиўғитлар ва ўсимликларни микробиологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Эритувчиларни ишлаб	Озиқ-овқат хом ашёларидан

Тармоқлар	И з о х
чиқариш	эритувчиларни (бутанол, ацетон) ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Ун, ёрма ва комбикорм (аралаш озуқа) ишлаб чиқариш саноати</b>	
Ун ва ёрма ишлаб чиқариш саноати	
Ун ишлаб чиқариш саноати	Ун ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ёрма ишлаб чиқариш саноати	Ёрма ишлаб чиқарувчи корхоналар
Комбикорм (аралаш озуқа) ишлаб чиқариш саноати	Комбикорм (аралаш озуқа) ва дармондорили (витамин) оқсил қўшилмаларни ишлаб чиқарувчи, маккажўхорини дурагай ва сара навларини қайта ишловчи корхоналар
<b>Табобат саноати</b>	
Кимё-дориворлик (фармацевтика) саноати	Сунъий даволовчи кимёвий-доривор препаратларни, ҳамда ўсимлик хом ашёларидан олинган дори-дармонлар, ферментлар, коферментлар, ҳайвон хом ашёларидан олинган эндокрин препаратлар, дармондорилар (витамин), антибиотиклар, қон ўрнини босувчи моддаларни ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Табобат техникаси (анжомлари) саноати	Табобат учун турли анжомлар, асбоблар, ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Шиша, чинни ва пластмассадан табобот буюмлари ишлаб чиқариш	Шиша, чинни ва пластмассадан табобот буюмларини ва тиш даволаш материаллари, ясама тиш материалларини қўшган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналар
<b>Нашриёт саноати</b>	Нашриёт ва матбаа корхоналари, типолитография, литография, рухграфияси корхоналари, китоб ва китоб-журнал, нотали қоғозларни чиқарувчи ва офсет, рангли нашриётлар, ҳарф териш корхоналари, фототерув, фоторепродукция марказлари ва бошқалар
<b>Саноатнинг бошқа</b>	

Тармоқлар	И з о х
<b>соҳалари</b>	
Бадиий буюмлар ишлаб чиқариш	Металл, ёғоч, гипс ва цементдан тайёрланган, ҳамда сангтарошлик ва суяктарошлик бадиий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Муסיқа асбобларини ишлаб чиқариш	Муסיқа асбобларини ва унинг анжомларини ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
<b>Заргарлик саноати</b>	
қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни, ялтироқ тошларни ва қаҳрабо қазиб олиш	қимматбаҳо (олмосдан ташқари) ва ярим қимматбаҳо тошларни, ялтироқ тошларни ва қаҳрабо қазиб олувчи корхоналар
Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш (аҳоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни қўшмаган ҳолда)	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи (аҳоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни қўшмаган ҳолда) корхоналар
Аҳоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	Аҳоли буюртмаси бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи корхоналар
Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	
Кимёвий тозалаш ва бўяш	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозаловчи, бўяб берувчи устахона, фабрика ва комплекс корхоналар
Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни ювиш ва уларга ишлов бериш	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларга ишлов берувчи ва ювиб тозаловчи корхоналар
Фотокино маҳсулотларини ишлаб чиқариш	
Кино нусхалари	Кино нусхаларини кўчирувчи корхоналар

Тармоқлар	И з о х
маҳсулотларини ишлаб чиқариш	
Аҳоли буюртмаси бўйича фотокино маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Аҳоли буюртмаси бўйича иш бажарувчи фотобирлашма, фотокомбинат, фото ишларини амалга оширувчи корхоналар ва фотокинолабораториялар
Ветеринария учун шифобахш дори дармонларни ишлаб чиқариш	Ветеринария учун шифобахш дори дармонларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
Ўйинчоқларни (резина ўйинчоқлардан ташқари) ишлаб чиқариш	Барча турдаги болалар ўйинчоқларини (резина ўйинчоқлардан ташқари) ҳамда арча безакларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
Мукамал тизимли сув иншоотлари	Сув кўтариш мосламалари, сув босимини ҳосил қилувчи қурилмалар, сув тозаловчи иншоот ва сув узатиш тармоқларига эга бўлган сув узатиш корхоналари
Саноатнинг булардан ташқари соҳалари	Чизмачилик ва идора ашёларини, кўргазмали қўлланмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар. Протезларни, пар ва патдан, титилган пўстлоқ (мочало), соч ва ўтлардан тайёрланган буюмларни, тўшаклар (матрас) ишлаб чиқарувчи корхоналар. Юқорида келтирилмаган ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар
<b>Саноатда маҳсулотларни давлат қабули, стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати</b>	Саноатда маҳсулотларнинг давлат қабулини амалга оширувчи ташкилотлар, стандартлаш ва метрология марказлари, стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга оширувчи лабораториялар, стандартлаш ва метрология бўйича идоравий лабораториялар
<b>Саноат-хўжалик бошқаруви</b>	Харажатлари маҳсулот таннархига кирган саноат корхоналарини бошқарувчи муассасалар. Умумреспублика саноат бирлашмалари, трестлари, идоралари ва бошқалар

### **3.5. Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси**

Ўзбекистон саноатининг ҳозирги тараққиёти катта динамиклик билан ажралиб туради, чунки у мустақиллик йилларида, айниқса XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида юқори суръатлар билан ривожлана борди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ўсиш билан бир қаторда, унинг тузилмасида ҳам узлуксиз таркибий ўзгаришлар рўй берди. Кейинги 14 йил мобайнида саноат тузилмаси ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш талаблари ва ҳалқ хўжалигини баланслаштириш заруриятига мос равишда ўзгариб борди. Саноат ишлаб чиқаришининг прогрессивлик, яъни тараққийпарварлик даражаси анчагина ўсди. Бундай ривож фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар – нефть ва газ саноати, машинасозлик, кимё саноатининг устувор ўсишида намоён бўлди. Буни 10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1991 йилда умум саноат маҳсулотнинг 32,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 41 фоизга етди.

Саноат тузилмасининг илғорлиги ҳар қайси комплекс тармоқ ичидаги ўзгариш билан белгиланади. Саноатнинг у ёки бу тармоғининг улуши ўзгармаслиги, ҳаттоки камайиши ҳам мумкин, Лекин бу тармоқ ичидаги қолоқликдан дарак бермайди. Буни Ўзбекистон машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати мисолида кўриш мумкин. Масалан, бу тармоқда 1997 йилда ялпи саноат маҳсулотининг 13,2 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этди, яъни қарийб 1,2 фоизга камайди.

Фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг устувор ривожланиш тенденцияси 2005-2010 йилларда ҳам алоҳида кўзга ташланади. Бу давр ривожланиш дастурида саноат ишлаб чиқаришининг тузилмасини, яъни структурасини такомиллаштириш, ундирувчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг ривожидида балансликни таъминлаш миллий иқтисодиёт ва фан-техника тараққиётини белгилайдиган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кучайтириш кўзда тутилган.

Саноатнинг узоқ истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш, турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор қилиш зарурлигини талаб қилади. Бундай мутаносибликлар тармоқ тузилмасини прогнозлашда инобатга олинади.

Саноат ишлаб чиқариш тузилмасини режалаштириш ва прогнозлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

- бозор иқтисодиёти талаблари, иқтисодиёт ва аҳолининг айрим маҳсулот турларига бўлган талабини қондиришни ҳисобга олган ҳолда умуман саноат ва унинг ҳар қайси тармоғининг ривожланиш суръатини белгилашни;

- илғор ишлаб чиқариш тармоқларини аниқлаш, улар тараққиётини тезлаштириш учун зарур бўлган капитал қўйилмалари ва материалларни биринчи навбатда ажратишни;

- саноат тузилмасида устувор ўзгаришларни кўзда тутиш лозимки, ҳар қайси бундай ўзгаришлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини таъминласин;

- иқтисодиётнинг умумий мутаносиблиги ҳар қайси саноат тармоғи тараққиётининг тенглиги билан боғлашни талаб этади.

Тармоқ таркибининг мамлакат миқёсида қулайлашуви юқори суръатда иқтисодий ривожланишни, аҳолининг турмуш даражасини оширишни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни таъминлайди. Чунки бу ишлаб чиқаришнинг даражаси ва якуний, провард маҳсулотнинг купайишига, умуман ижобий структуравий силжимларга сабаб бўлади. Демак, таркибий ўзгаришнинг ўзи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг қўшимча омили сифатида майдонга чиқади.

Саноат тармоқлари тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида мутаносибликни ўрнатиш;

- ишлаб чиқариш тузилмасининг прогноз ва тенденцияларини ишлаб чиқиш;

- тармоқларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини барқорорлаштириш;

- илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш;

- шахсий ва ижтимоий истеъмолни ўрганиш ҳамда аҳолини юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;

- тармоқларда хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш.

Иқтисодий районлар саноатини зарурий (меҳнат, моддий ва молиявий) ресурслар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш.

Айни вақтда тармоқларнинг ички тузилмасини қайта қуриш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, чет эл корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга йўналтириш вазифаларини ҳал этиш керак бўлади.

Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин келажакда қуйидагиларни амалга ошириш учун имкониятлар яратади:

- мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, оммабоп талабга эга бўлган товарлар ва бошқа ҳаётий зарур воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;



-фан-техника тараққиёти ва саноатнинг илгарилиб борадиган ривожини тежайдиган технологияларни, умуман илғор тармоқларни ривожлантириш;

-республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш ва шу асосда товарлар импортини қисқартириш;

-агросаноат мажмуи самарадорлигини ошириш ва уни қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга ўтказиш ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифати ва товар кўринишини ошириш;

-кичик бизнес корхоналари (фирмалар ва тадбиркорлик, деҳқон, фермер хўжаликлари, «корхона-махалла» типдаги ишлаб чиқариш тузилмалари)ни ривожлантириш асосида янги ишчи ўринларини ҳамда янги соҳаларни яратиш;

-ва ниҳоят, республикада у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тегишли шароит ва минерал-хомашё ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва экспорт устунлигига эришиш учун шароитлар яратади.

2016 йилнинг 24 августида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад давлат бошқаруви органларининг идоралараро ўзаро ҳамкорлигига жаҳонда умумэътироф этилган иқтисодий фаолият турларини таснифлашни жорий қилиш, кичик тадбиркорлик субъектларини таснифлашда ундан фойдаланиш, шунингдек, статистика, солиқ ва молиявий ҳисобот тизимини янада такомиллаштиришдан иборат. Ушбу қарор 2017 йил 1 январдан кучга кирди.<sup>13</sup>

Давлат статистика қўмитаси Европа Иттифоқининг иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичи (КДЕС/NAСЕ) негизида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига (ИФУТ) ўтилмоқда.

Қарорга мувофиқ, давлат бошқаруви органларининг идоралараро ўзаро ҳамкорлигида, статистика, солиқ ва молиявий ҳисобот шаклларида ИФУТдан мажбурий тартибда фойдаланилади. Ушбу ҳужжат асосида кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи тасдиқланган. Бундан ташқари, қарорда давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилотлар турларини аниқлашда Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичига қатъий риоя этишлари кераклиги, ахборот тизимлари ва ресурсларида, шунингдек, ўзаро идоралараро электрон

<sup>13</sup>

<http://www.biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/42413-iqtisodiy-faoliyat-turini-tasniflashning-yangi-tizimi>

ҳамкорликда ИФУТдан фойдаланилишини таъминлашлари қайд этилган.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат жуда кўп тармоқлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири корхоналар йиғиндисидан ташкил топади. Тармоқ ҳосил бўлиши учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўладилар.

2. Саноат тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган миқдорий нисбатлари тармоқ структурасини ташкил этади. У саноат тараққиётида руй берадиган техника ва технология ривожининг даражаси, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда ўзгаради.

3. Турли саноат тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ўзаро маҳсулот алмашиш, тажрибаларни ўрганиш билан тавсифланади.

4. Ишлаб чиқариш тараққиётининг истиқболини аниқлаш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, унинг аҳволини таҳлил этиш мақсадида саноат тармоқлари гуруҳларга ажратилади. Гуруҳларга ажратишнинг энг муҳим тамойили тайёрланадиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллигидир.

5. Саноат тармоқ тузилмасининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: биринчидан фан-техника тараққиёти; иккинчидан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари – концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва кобинатлаштириш ҳамда ҳудудий жойлаштириш.

6. Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин келажакда миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада юқори даражага кўтариш ва саноатнинг экспорт устунлигини таъминлаш учун жуда катта имкониятлар яратиб беради.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Ижтимоий меҳнат тақсимооти ва саноат соҳаларининг шаклланиши.
2. Давлатнинг иқтисодий сиёсати, жумладан, саноат соҳасидаги таркибий ўзгаришларга тегишли сиёсати.
3. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш деганда нималар тушунилади?
4. Тармоқ ва тармоқ тузилмасининг тушунчаси.
5. Тармоқларнинг иқтисодий гуруҳланиши.
6. Тармоқнинг ривожланиш суръатларини ўлчаш усуллари.
7. Тармоқ структураси ва уни белгиловчи омиллар.
8. Ўзбекистон Республикаси саноати тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси.

## 4-МАВЗУ. САНОАТДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

**Таянч атамалар ва иборалар:** бошқарув, менежмент, бошқарув субъекти, бошқарув объекти, бошқарувчи, бошқарув мақсади, бошқарув вазифалари, ташкилотчилик, бошқарув тамойиллари.

**Режа:**

**4.1. Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йуналтирилган жараён сифатида**

**4.2. Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари**

**4.3. Бошқарувнинг замонавий тузилиши**

**4.4. Бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

### 4.1. Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йуналтирилган жараён сифатида

Ҳар қандай ишлаб чиқариш бошқарувнинг муайян тизимсиз оқилона ҳаракат қила олмайди ва ривожланмайди. Шу туфайли ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида жамият ўзига хос ва мос бошқарув тизимини яратади.

**Бошқарув** тушунчаси узоқ ва чуқур тарихий тараққиётга эга. Унинг юзага келиши эса инсоният тараққиётининг энг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Бошқарув фаолиятининг дастлабки даврида инсонлар ўз билим ва тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни бошқарган бўлсалар, аста-секинлик билан техника-технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ва ҳар хил ташкилий шароитлар юзага келиши натижасида фаолиятнинг мазкур тури анча мураккаблашиб борди. Бундай ҳолатни англаш, чуқурроқ ўрганиш ва билиш “Бошқарув фани”нинг вужудга келишига олиб келди.<sup>14</sup>

**Бошқарувнинг** бир қатор назарий ва амалий вазифалари Ф.У. Тейлор томонидан асослаб берилган. У бошқаришга “Нима қилиш кераклигини, уни энг яхши ва қулай усулда амалга оширишни аниқ билиш санъати”, - деб таъриф берган.

Бошқарувнинг маъноси ва моҳияти, аҳамияти ва мазмуни, тамойиллари ва усуллари тўғрисида буюк олимлар, мутафаккирлар, мутахассислар жуда кўп фикр айтган ва ёзиб қолдиришганлар.

**Бошқарув** – бу алоҳида функция бўлиб, турли-туман соҳалар (мамлакат ва унинг ҳудудлари миллий иқтисод ва унинг тармоқлари, корхона ва унинг бўлимлари) да инсонлар устидан раҳбарлик қилиш фаолиятидир.

**Бошқарув** – бу ташкилотнинг мақсадини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, иштиёқни

<sup>14</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.52.

уйғотиш (мотивация) ва назорат қилиш бўйича фаолият тури жараёнидир.

Бошқарув – бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида уюлмаган жамоа (ҳалойиқ ёки тўда) самарали ва аниқ мақсадга йўналтирилган унумли (баракали) гуруҳга айлантирилади.

Бошқарув – бу маълум жараёнга, организм ва жамоага мақсадли таъсир кўрсатишни ўзида ифода этган ижтимоий фаолиятнинг бир туридир.

Бошқарув – бу муайян ахборотга асосланган ва мавжуд дастурга мувофиқ объектнинг ишлашини, яъни фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

Шунингдек, машҳур француз олими Анри Файоль ҳам бошқарувга қуйидагича таъриф беради: “Бошқарув – бу корхона ихтиёридаги барча ресурслардан максимал (энг кўп – А.О.) фойда олган ҳолда уни мақсад сари етаклаш фаолиятидир”. Демак, бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён ҳисобланади.

Макроиқтисодий соҳанинг етакчи тармоғи бўлган саноатни бошқариш зарурияти тўғрисида гапирилганда юқоридаги таърифларни янада кенгайтириш ва мазмунан бойитиш зарурати юзага келади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни, жумладан, унинг энг йирик ва етакчи соҳаси бўлган саноатни бошқаришнинг объектив заруриятини изоҳлаб шуни айтиш керакки, йирик миқёсда амалга ошириладиган, ҳар қандай тўғридан-тўғри қилинаётган меҳнат, ишлаб чиқариш **кўпроқ ёки камроқ даражада** бошқарилишга муҳтождир.

Бошқарув индивид ёки жамоа фаолиятининг алоҳида тури сифатида ҳар қандай ижтимоий жамиятга хос жараёндир. Лекин унинг тавсифи, мақсади, вазифалари, жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир босқичда бу категориянинг асосий муаммолари чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва уларнинг ечими топилади.

Иқтисодиётда бошқаришнинг энг муҳим муаммолари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Бошқарувнинг назарий асослари ва фундаментал қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш: Бунда жамият тараққиётининг янги шароитларида бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

2. Бошқарувни бозор иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятини демократлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштириш;

3. Иқтисодиётни бошқаришнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини аниқлаш;

4. Бошқарув идораларининг ташкилий тузилмасини, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш;

5. Бошқарув идораларини ҳозирги замон техника ва технологияси билан таъминлаш, улар фаолиятида статистик ва

иқтисодий-математик усулларни кенг миқёсда жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида ишлатиладиган ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш;

6. Жамоани бошқаришнинг энг яхши шакл ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш бошқарувида жорий этиш;

7. Саноат ва унинг барча тармоқларини бошқаришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Бошқарув илми (менежмент)да бошқарувнинг икки хил тушунчаси мавжуд бўлиб, уларнинг бирини бошқарувнинг субъекти ва иккинчисини бошқарувнинг объекти ташкил этади.

Бошқарув субъекти – бу жисмоний ёки юридик шахслар бўлиб, ундан амалдаги қонунлар асосида ҳокимият идоралари томонидан берилган ваколатларга мувофиқ ҳуқуқий таъсир юзага келади.

Бошқарув объекти – бу бошқарув субъектининг ҳуқуқий таъсири қаратилган нарсадир. Бунга ишлаб чиқариш ва хўжалик тизимлари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жисмоний ва юридик шахслар кириши мумкин.

Кўриниб турибдики, у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам инсонларни бошқариш инсонларнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Фақат кишилар, уларнинг фаолияти, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлган фаолиятлари бошқарувнинг предмети, яъни ҳозирги замон менежментининг асоси ҳисобланади. Бошқарувнинг субъекти ва объектисиз менежмент фан ва хўжалик тажрибаси сифатида ўз мазмун ва моҳиятини йўқотади.

Албатта, минглаб кишилар ишлайдиган саноат ҳам бу тушунча ва мулоҳазалардан ҳоли эмас. Айниқса саноат ишлаб чиқаришида “субъект” ва “объект” тушунчалари бошқа тармоқларга нисбатан хийла равшанроқ кўринади. Бунда вазирлик, компания ва корпорациялардаги бошқарувчилар корхонадаги бошқарувчиларга, корхонадаги бошқарувчилар эса цех, участка бошқарувчиларига раҳбарлик қиладилар. Кўриниб турибдики, саноатни бошқариш ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қиладиган қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шу туфайли саноатни бошқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Бошқарув жараёни<sup>15</sup> қаерда амалга оширилишидан қатъий назар, цикли (даврий) ва айна вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бошқарув даври мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Демак, унинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- мақсадни шакллантириш (белгилаш);
- мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш;
- қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш;

<sup>15</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.54.

- эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш;
- янги бошқарувли тизимни танлаб олиш ва аниқлаш.

Бу барча цикллар учун энг муҳим бошқармавий тизим ҳисобланади.

Фақат бундай тизим бошқарувнинг негизини ташкил этади. Таъсир этиш самарали бўлиши учун қуйидаги асосий шартларга риоя қилиш зарур:

- бошқаришнинг субъекти ва объекти бошқарувчи ва бошқарилувчи қуйи тизимлар сифатида бир-бири билан сабабли-натижавий боғлиқ бўлиши зарур;

- бошқарувчи қуйи тизимнинг аниқ бошқариш бўйича мақсади бўлиши керак;

- бошқарувчи қуйи тизим бошқарув объектининг аҳволи, унинг фаолияти натижалари, атроф-муҳитнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак;

- бошқарув объекти бошқармавий таъсирларни қабул эта оладиган бўлиши ва уларнинг мазмунига мос келадиган ишларни бажара олиши керак.

Бу шартларга риоя қилиш бошқарувчанликни, яъни бошқарув тизимининг ишчанлигини таъминлайди. Бошқарувнинг объекти қанчалик мураккаб бўлса, бошқарув идорасининг ишчанлик қобилияти ҳам шунчалик юқори бўлиши даркор.

Ҳар қандай бошқарув ўз мақсади ва вазифаларига эга бўлади.

**Мақсад** – бу инсон фаолиятининг аввалдан фикран ўйланган натижасидир. Шунга биноан, бошқарувнинг мақсади деганда, бошқарув субъектининг олдиндан ўйланган, мўлжалланган, эришиш зарур бўлган натижаси тушунилади. Саноатда эса бу кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ўз вақтида сотиш ҳамда мўлжалланган фойдани олишдир.

Ҳар қандай мақсадга маълум талаблар қўйилади. Даставвал, мақсад илмий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Иккинчидан, у аниқ, яхши ифодаланган ва адресли бўлиши зарур. Учинчидан, қўйилган мақсад эришимли бўлиши, яъни унга етишишнинг имкониятлари, шарт ва шароитлари ҳисобга олинган бўлиши керак.

Қўйилган мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажариш керак бўлади. Маълумки, вазифа – бу аввалдан белгиланган, аниқланган, кўрсатилган, бажарилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган иш, нарсадир.

Саноат ишлаб чиқаришида бошқарувнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Келажакни аниқ кўрмоқ (истикболни тўғри башорат қилиш ва унга монанд бўлган фаолият дастурини тузиш);

2. Ташкиллаштирмоқ (саноатнинг ички, моддий ва ижтимоий тузилмасини барпо этиш);

3. Персонални идора қилмоқ (саноат ишлаб чиқариш ходимларини ҳаракатга келтириш);

4. Келишиш (ҳаракат ва тиришқоқликни бир бири билан уйғунлаштириш);

5. Назорат қилиш ва кузатиш (жорий этилган ва берилган буйруқ асосида ҳаракатнинг, яъни фаолиятнинг қандай тарзда бўлаётганини мушоҳада қилиш).

Бошқариш жараёнида олдиндан кўра билиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Барча жараёнларни кузатиб, уларнинг ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш бошқарилиб турилади. Масалан, маҳсулотга бўлган эҳтиёж, нарх-наво, техника ва технологиялар ўзгариши, иш ҳақи ва ижтимоий муҳофазанинг ҳолати ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун вазиятга қараб керакли ўзгаришларни зудлик билан амалга ошириш керак бўлади.

Бошқариш жараёнида режалаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳсулот ҳажмини белгилаганда уни барча ресурслар билан таъминлаш ва уларни етказиб бериш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади. Маълумки, режалар бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир кварталлик, бир йиллик, беш йиллик ва ўн-ўн беш йиллик бўлиши мумкин. Охиргиси концепция, прогноз, яъни башорат тушунчалари билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлади, чунки у энг аввало юзага келади, шаклланади, ривожланади ва такомиллашади. Ана шу ўзгаришларни ташкилотчилик таъминлайди. Ташкилотчилик – моддий техника таъминоти, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш жараёнларидан иборат бўлади. Ташкилотчиликка кунда юз берадиган муаммоларни тез ҳал этиш билан боғлиқ бўлган фаолият ҳам киради.

Мувофиқлаштириш ва назорат ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тармоқлар, корхоналар, цехлар ва участкалар, бўлимлар ҳамда унда ишлайдиган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириб турилгандагина юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади. Барча топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун назорат керак бўлади.

Бошқарув жараёни одатда қуйидагича амалга оширилади:

- бошқариладиган объектнинг ҳолати ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

- объектнинг ҳар хил ҳолатини тахмин қилиш ва муайян вазиятдаги энг яхши ҳолатини белгилаш;

- бошқаришга оид қарор ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқарувчига етказиш;

- берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

Ушбу тартиб доимо, узлуксиз қайтарилиб туради.

Бошқарув жараёни амалга ошиши учун бошқарув идораси ташкил этилади. Бу идора энг камида ўзининг раҳбарига, бухгалтери ва таъминотчисига эга бўлиши керак. Иш кўлами ортиб бориши билан бошқарув аппаратида бошқарувчилар ва ходимлар сони ҳам ортиб бориши мумкин. Лекин, оддий ва жуда содда бошқарув идоралари билан мураккаб объектларни бошқариш мумкин эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мақбул звено ва пиллапоялари ташкил этилади.

#### **4.2.Бошқаришнинг асосий тамойиллари ва усуллари**

**Бошқарув тамойиллари** деганда, раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидалари тушунилади. Улар иқтисодий қонунлар ҳаракати ва бошқариш усуллари билан боғлиқ бўлган воқеликларнинг моҳиятини акс эттиради.

Бошқариш механизмини қуйидагича таърифлаш мумкин:

#### **қонунлар – тамойиллар – усуллар – услублар**

Ушбу механизмнинг энг муҳим элементи қонун ҳисобланади. Шу сабабли у тўғрисида икки оғиз сўз айтиш керак бўлади. Қонун бу объектив борлиқда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари, ҳамма мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабатдир. Масалан, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт қонунлари: талаб ва таклиф қонуни, қиймат қонуни ва бошқалар.

Қонун – бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришида меҳнат қилаётганлар учун ҳам мажбурий бўлган ижтимоий ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий ҳужжат. Масалан, Конституция Ўзбекистон давлатининг асосий қонунидир.

Тамойилларни бошқарув фани назарияси ва амалиётнинг пойдевори дейиш мумкин. Маълумки, пойдевор қанча мукамал ва мустаҳкам бўлса, бошқарув аппарати шунчалик қудратли бўлади.

Бошқарув тамойилларининг шаклланиши чуқур тарихий илдизга эга. Хусусан, Ўзбекистонда бу тамойиллар Амир Темур ҳукмронлиги даврида шакллана ва ривожлана бошлаган. Ўзининг ихчам, тезкор бошқариш девонига эга бўлган Марказий Осиёдаги Ўзбекистондек буюк давлат: илмий, яккахонлик, иерархия (бўйсиниш тартиби), билимдонлик, жавобгарлик, демократия каби тамойиллар асосида бошқарилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболга эришишининг асосий тамойиллари Республика Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида ўз аксини топган (13-жадвал):

13-жадвал



## Бозор иқтисодиётида Ўзбекистонда давлатни бошқариш тамойиллари<sup>16</sup>

№	Тамойиллар	Изоҳ
1.	Демократия тамойили	- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳамда уни амалга ошириш; - барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; - давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; - давлат ва нодавлат иқтисодиётдан сайловчилар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.
2.	Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили	- монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга; - социалистик мусобоқадан эркин, соф рақобатга; - қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга; - давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка асосланган иқтисодиётга ўтиш.
3.	Юксак маънавий тамойил	- мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушуниш, - яъни: - Ўзбекистон давлатининг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш; - ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш; - Юксак ғоялар, янги кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди ва иқтидори, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.
4.	Миллий хафсизликни таъминлаш тамойили	- Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатларини тезлаштириш; - Турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ишларида фаол иштирок этишни таъминлаш.

Ўзбекистоннинг истиқлол йўли биринчи Президент И.А.Каримовнинг бозор муносабатларига ўтиш юзасидан олға сурган беш тамойилига асосланади. Уларнинг моҳияти қуйидагича (14-жадвал).

14-жадвал

### Беш асосий тамойил<sup>17</sup>

<sup>16</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ҳуқуқ қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.57.

<sup>17</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. 42 бет

№	Асосий тамойиллар	Асосий тамойилларнинг моҳияти
1.	Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги	Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирорта мафкурага бўйсундирилиши керак эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур.
2.	Давлат бош ислоҳотчи	Давлат асосий ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиш, жаҳолатпарастлар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.
3.	Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги	Қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истиносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.
4.	Кучли ижтимоий сиёсат юритиш	Аҳолининг демократик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.
5.	Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш	Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар» сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта уйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик шароитларини шакллантириб ва ривожлантириб боришни, унга аста-секин, босқичма-босқич, аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қила бориб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий барқарорликни таъминлаш орқали бозор муносабатларига ўтишни билдиради. Айни вақтда улар кенгаш, ҳамжиҳатлик, маслаҳат билан иш юритишни, шижоат ва таваккалчилик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Бу орада соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги

сўзларини келтириш ўринлидир. «Тажрибамдан кўрилганки, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради».<sup>18</sup>

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлари, корхоналари ва бошқа соҳаларини бошқаришда бир қатор бошқа тамойиллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- яккабошчилик ва бошқарувда ҳамжиҳатлик;
- бошқариш жараёнида режалиликни бозор талаблари билан боғлаб олиб бориш;
- барқарорлик тамойили;
- меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш тамойили;
- илмийлик тамойили;
- тежамкорлик тамойили;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойили.

Раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидаларини амалга ошириш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- ташкилий-маъмурий усуллар;
- иқтисодий усуллар;
- ижтимоий-руҳий усуллар;
- тарбиявий усуллар;
- ҳуқуқий усуллар ва ҳ.к.

**Ташкилий-маъмурий усуллар** тўғрисида сўз юритилганда, аввало, бу усулнинг моҳияти, аҳамияти, шаклларини очиб бериш керак. Сўнгра, бошқаришнинг ҳуқуқий воситалари, ҳуқуқий меъёрларини баён этиш зарур.

Ташкилий-маъмурий усуллар бошқарув усуллари тизимида алоҳида ўрин тутади ва қўйи идораларнинг юқори идораларга бўйсунушига асосланади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бошқариш тизимидаги муносабатларни тартибга солиб туради, жамоалар ичида ва орасида рационал алоқалар таркиб топишига ёрдам беради.

Ташкилий-маъмурий усуллар ёрдамида билан бошқарув аппаратининг муайян тизимини тузиш; бошқарув бўғинларининг функцияларини белгилаш; кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш; буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш; топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш амалга оширилади.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Зеро, ҳар бир муайян жамиятнинг

---

<sup>18</sup> Қаранг, «Темур тузуклари». – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 24 бет

иқтисодий муносабатлари, энг аввало манфаатлар тарзида намоён бўлади. Манфаатлар уч хилда бўлиши мумкин:

- умумжамият манфаатлари;
- жамоа манфаатлари;
- шахсий манфаатлар.

Бу манфаатларни уйғунлаштириш муаммоси бир қатор вазифаларни ҳал этишни, ҳар давр шароитларига мувофиқ келадиган муносабатлар ўрнатишни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги иқтисодий усуллардан кенг фойдаланишга эътибор берилади:

- тармоқлар ва уларнинг бўлинмаларига фаолият юритишларида эркинлик ва мустақиллик беришга;

- барча соҳаларни пировард натижаларга биноан моддий рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини беришга;

- корхона ва хўжаликлар ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг бажарилиш интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини оширишга;

- молия-кредит муносабатларини такомиллаштиришга;

- бозор муносабатлари механизмлари: баҳо ва фойда, солиқ ва бож тўловлари, кредит ва рентабеллик, рақобат ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берилади.

Бу усулда ходимларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини юзага чиқариш орқали уларнинг самарали ишлаши таъминланади. Шу мақсадда кўпинча иш ҳақи тўлаш, мукофотлар бериш, бир йўла катта маблағ билан тақдирлаш каби муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий усуллар бошқаришнинг барча усуллари орасида етакчи ўрин эгаллайди. Бу усулдан оқилона фойдаланиш жиддий режалар қабул қилишга, барча ресурслардан янада унумлироқ фойдаланишга, янги технологияларни жорий этишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва фойдани максималлаштиришга, натижада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Бошқарув тизимининг муҳим усули ҳисобланган ижтимоий-руҳий усулларнинг асосий мақсади жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратишдан иборат.

Саноат ишлаб чиқаришини бошқаришда ҳам бир қатор умумфалсафий усулларни қўллаш мумкин. Саноатни бошқаришнинг сир-асрорларини илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги усуллардан ҳам кенг фойдаланилади:

1. Тизимли ёндашув
2. Комплекс ёндашув
3. Таркибий ёндашув
4. Вазиятли ёндашув
5. Интеграцион ёндашув
6. Моделлаштириш ёндашув
7. Иқтисодий математик ёндашув

8. Кузатиш усули

9. Тажриба усули

Биринчи усулда саноат ишлаб чиқариши яхлит тизим тарзида олиб қаралади. Иккинчи усулда эса саноат бошқа соҳалар, тармоқлар билан ўзаро боғланишда ва алоқадорликда қаралади. Учинчи усулда саноат ишлаб чиқариши таркибий қисмларга, яъни тармоқлар, корхоналар, саноат инфраструктураси ва ҳоказоларга бўлиб ўрганилади. Тўртинчи усулда саноатнинг муайян шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб бошқаришнинг маъқул услуби қўлланилади. Бешинчи усулда саноат юқоридаги усулларни биргаликда қўллаш ёрдамида бошқарилади.

Моделлаштириш ва иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш жараёнида турли чизмалар, хомаки материаллар тайёрланади ва ҳисоблаш техникаси ва компьютер технологияларнинг барча имкониятлари ишга солинади.

Кузатиш усулида саноат ишлаб чиқариши тўғрисидаги маълумотларни режали, башоратли, илмий жиҳатдан намунали уюштирилган асосда тўплаш йўлга қўйилади.

Ва ниҳоят, социологик кузатув усулида саноат ишлаб чиқаришини илмий жиҳатдан асосланган бошқариш мақсадида турли анкетали сўровлар, суҳбатлар, тестлар ва инфоратузилмавий таҳлилларни ўтказиш керак бўлади.

### **4.3. Бошқарувнинг замонавий тузилиши**

Хўжаликка раҳбарликнинг тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқариш жараёнида инсонларга бошқарувнинг тегишли шакллари ва бошқарув идоралари ҳамда унинг ташкилий тузилмалари орқали таъсир этади.

Мамлакат иқтисодиёти ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим масалалари давлат иқтисодий сиёсатини белгилайдиган ва ҳаётга татбиқ этадиган олий идоралар (Президент девони, Олий Мажлис, Вазирлар маҳкамаси) томонидан қараб чиқилади.

Саноатни ривожлантиришнинг қонун билан ҳал этиладиган масалалари (масалан, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг истиқболи ва йиллик режалари, саноат бошқарувининг янги идораларини ташкил этиш) мамлакат давлат ҳокимияти олий идораси – Олий Мажлис томонидан муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Иқтисодиётга, шу жумладан, саноатга кундалик раҳбарликни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва бошқарувчи олий идораси – Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Вазирлар Маҳкамасининг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноатнинг самарали фаолиятга раҳбарликни, саноат ишлаб чиқишга тегишли

бўлган барча қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради<sup>19</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва таркибий ўзгартириш бўйича чоралар кўради;

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, техник, технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурларини, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, энг аввало хусусий мулкни ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини стратегик ва иқтисодий жиҳатдан асосланган миқдорларгача қисқартириш, кенг кўламда хусусийлаштириш асосида шарт-шароитлар яратади, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини ва инвестициялаш шароитларини яратиш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш бўйича чоралар кўради;

давлат бошқаруви усулларини такомиллаштиради, шу жумладан электрон ҳукумат принциплари асосида такомиллаштиради, бозор принципларига асосланган хўжалик бошқаруви ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини рағбатлантиради;

давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини, идораларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика аҳамиятига ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, йирик авариялар ва ҳалокатларнинг, шунингдек табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан чоралар кўради;

ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2003 йил 29 август, 524-II-сон

Ўзбекистон саноати тасарруфида ўнлаб мустақил тармоқлар, минг-минглаб корхона (фирма)лар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бирини ривожлантириш, бир-бирлари билан ўзаро мувофиқлаштириш, уларни республика ҳудудларида жойлаштириш, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш)га бўлган талабни аниқлаш ва бошқа жуда мураккаб, кенг қамровли масалаларни ўз вақтида оқилона ҳал этиш **тармоқ бошқарувини** амалга оширишни тақозо этади. Шу сабабли бир қатор тармоқ идоралари ташкил этилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- вазирликлар ва давлат қўмиталари;
- концернлар ва корпорациялар, уюшма ва ассоциациялар;
- холдинг ва миллий компаниялар;
- корхоналар (фирма)лар ва бошқалар.

Вазирликлар Вазирлар Маҳкамасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўзларига бўйсунувчи барча корхона (фирма)лар ва ташкилотларга раҳбарлик қиладилар. Шу сабабли **Вазирлик** – бу ўзига тегишли тармоқнинг хўжалик тизимида бошқаришнинг энг олий бўғинидир. У қуйидаги фаолиятлар учун жавобгар ҳисобланади:

- тармоқнинг аҳволи, уни янада тараққий эттириш;
- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ва ҳимоялаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва унинг рақобатбардошлиги;
- тайёрланаётган маҳсулотга бўлган ички ва ташқи талабни қондириш;
- ва ниҳоят, ўзига қарашли корхоналарнинг хорижий мамлакатлар билан алоқасини ташкил этиш ва кучайтиришга масъулдир.

Саноатга раҳбарлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у иқтисодиётни бошқаришнинг энг йирик илмий режали-иқтисодий идораси ҳисобланади. Бу ташкилотнинг тузилиши тўғрисида 2002 йилнинг 24 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинган. Бу фармонга мувофиқ Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш юклатилган:

- макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишни таъминлаш;
- кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;
- бой табиий ва минерал-хомашё захираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлидаги структуравий

сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсида интеграциялашувини таъминлаш;

- янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқилона банд этиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмиш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфратузулмани ривожлантиришни таъминлаш;

- мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ривожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлаштиришни таъминлаш.

Миллий иқтисодиётни, шу жумладан, саноатни бошқаришда собиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгашининг роли катта эди. Бу кенгаш саноат ишлаб чиқариши соҳасида фан-техника сиёсатини амалга ошириб келган. Эндиликда бу қўмита ўрнига 2017 йил 30 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори билан вазирлик тузилган. Ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. Бу вазирлик зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган<sup>20</sup>:

- мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи илмий тадқиқотлар ва илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш;
- тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик ва олдиндан режалаштириш;
- аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, унинг фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон Қарори



инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга йўналтирилган инновацияларни жорий этиш;
- ижтимоий ривожланишга, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига инновацияларни жорий этиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш;
- давлат илмий-техник ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда грант асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларини тасдиқлаш;
- мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда ноу-хауларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтиришга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этиш;
- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

Саноат ишлаб чиқаришнинг молиявий масалаларини ҳал этишда Молия вазирлигининг тутган ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Саноат ва унинг тармоқларига қарашли соҳаларда меҳнатни ташкил этиш, ишчи кучини тақсимлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

#### **4.4. Бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

Саноат ишлаб чиқаришига оқилона раҳбарлик қилиш мамлакат иқтисодиётнинг янада тараққий этишига ва мустақамланишига ҳар доим катта таъсир кўрсатиб келди ва келгусида ҳам етарли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам саноатни бошқариш масалалари доимо Республика Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг диққат эътиборида бўлади. Натижада, саноатни бошқариш тизими миллий иқтисодиёт ва саноат олдида турган вазифаларга боғлиқ равишда муттасил ўзгариб туради.

Мустақилликка эришилгандан сўнг бошқарув тизимида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодиётга раҳбарликнинг илмий асослари, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқилди, бошқарувнинг янги тузилмалари, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланди. Лекин, ҳали хўжаликка раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхшилаш борасида ўз ечимини кутаётган топмаган муаммолар кам эмас. Шунинг учун келгусида саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишни

такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти қоидалари ва демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини барпо этиш;

2. Бошқарувни амалга ошириш жараёнида иқтисодиётни мафкурадан тўла ҳоли қилиш, иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш;

3. Хўжаликка раҳбарлик қилишда давлатнинг бош ислоҳотчи бўлишига эришиш. Бозор муносабатларига ўтиш чуқурлаша борган сари давлатнинг бошқарув тизимидаги мавқеъини нодавлат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш тизимларига ўткази бориш;

4. Бошқарув жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларга қурилишини таъминлаш. Қонунларнинг барча бошқарув субъектлари ва объектлари томонидан оғишмай бажарилишига эришиш;

5. Бозор ислоҳотлари босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширилишини инobatга олган ҳолда бошқарув тизимини ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб боришни таъминлаш.

Марказдан туриб раҳбарлик қилишда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши керак бўлади:

- инсон омилини максимал даражада фаоллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини юқори даражага кўтариш, самарали ва сифатли меҳнат қилиш учун шароит ва унга ундовчи мотивларни яратиш; аҳолининг иш билан самарали ва оқилона банд бўлишини таъминлаш ва ижтимоий адолат тамойилини изчил амалга ошириш асосида мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш;

- энг янги, аввало илм-фан асосида тараққий этадиган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадаллик билан ривожлантириш;

- мамлакат ишлаб чиқариш апаратыни техника ва технология жиҳатидан доимо янгилаб туриш, ундан оқилона фойдаланишни тўла таъминлайдиган структура ва инвестиция сиёсатини юритиш;

- республиканинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уни ишлаб чиқариш билан бирлаштириш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини ва ахборот технологияларини жадалроқ ривожлантиришга, хавфсиз ва экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқаришларни яратишга, иқтисодиётни интенсивлашни таъминлайдиган миқёсларда ресурсларни тежашга эришишга қаратилган илмий-техника сиёсатини амалга ошириш;

- бозор иқтисодиётининг барча воситаларидан беками-кўст фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқаришнинг барча сифат кўрсаткичлари янада яхшилашга эътиборни кучайтириш;

- барча вилоятлар ва туманлар манфаатларини акс эттирадиган ва улардан ҳар бирининг миллий иқтисод комплексига қўшадиган

ҳиссасини кўпайтиришга ёрдам берадиган регионал сиёсатни амалга ошириш;

- ҳалқаро меҳнат тақсимотининг, интеграциянинг афзалликларидан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш.

Марказланган раҳбарликнинг янгича қиёфаси, ўзбек моделига хос хусусияти шу билан тавсифланадики, бунда вазифалар маъмурий усуллар билан эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий усуллар билан ҳал этилади, ишлаб чиқариш қатнашчиларининг манфаатларини бирга кўшиб олиб бориш асосида демократик йўл билан амалга оширилади.

Бошқарувнинг сифат жиҳатлари, самарадорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ:

- давлат ва нодавлат идораларининг раҳбарларини тўғри белгилашга;

- тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилинишига;

- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга;

- назоратни ташкил этишга;

- идора ходимлари меҳнатининг техник жиҳатдан қуролланишига.

Буларнинг барчасини шартли бошқарувнинг технологияси деса бўлади.

Айни вақтда, масаланинг бир муҳим жиҳати, яъни ходимларни бошқарув жараёнига тортиш ва уларнинг бу жараёнда манфаатдор сифатида қатнашиши алоҳида аҳамият касб этади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Йирик миқёсда амалга ошириладиган ҳар қандай тўғридан-тўғри қилинаётган меҳнат, амалдаги ишлаб чиқариш у ёки бу даражада бошқарувга муҳтождир. Шу сабабли бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида намоён бўлади.

2. Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари мавжуд бўлиб, улар жамият тараққиётининг турли объектларида турлича бўлиши мумкин.

3. Республика саноатига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегиясига асосланади ва унга мувофиқ амалга оширилади.

4. Саноатни бошқариш идораларининг вазифалари фан-техника ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан тўла-тўқис, самарали фойдаланиш асосида жамият аъзоларининг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат.

5. Бошқарувнинг барча тамойиллари ва усуллари босқичма-босқич амалга ошириш саноат ишлаб чиқариши тараққиётини жадаллаштиришга олиб келади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Бошқарув: моҳияти, аҳамияти, зарурияти, мақсади ва вазифалари.
2. Бошқарувнинг бозор иқтисодиёти шароитига мос ва хос тамойиллари ва усуллари.
3. Саноат бошқарувининг ҳозирги аҳволи.
4. Бошқарувнинг истиқболи ҳамда уни иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтириш.
5. Бошқарувда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ундан кенг фойдаланиш масалалари.

## 5-МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

**Таянч атамалар ва иборалар:** режалаштириш, прогнозлаш, башорат қилиш, меҳнат баланси, синтетик кўрсаткичлар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар,

**Режа:**

**5.1. Режалаштириш ва прогнозлашнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари**

**5.2. Режалаштиришнинг тамойиллари ва усуллари**

**5.3. Бозор иқтисодиёти шароитида режалар тизими**

**5.4. Ишлаб чиқариш режасини тузиб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этиш**

**5.5. Режалаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

### **5.1. Режалаштириш ва прогнозлашнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари**

Техникавий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган жамиятда режалаштириш сингари восита бошқарув жараёнининг кенгайиши, фан-техника тараққиёти ҳамда эҳтиёжларнинг даражаси ва ҳажми жиҳатидан ортиши бошқарув инстанциялари, яъни бир-бирига итоат қиладиган ташкилотлар олдига сиёсат, иқтисодиёт ва алоҳида шахслар, оилалар, маҳаллалар, корхоналар, ҳудудий жамоалар, мамлакатлар, шунингдек, бутун инсоният учун муҳим бўлган муаммоларни қўймоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, келажакнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш учун одамлар жиддий фикр юритишлари ва фаол ҳаракат қилишлари даркор. Бунда исталган мақсадларни ўз вақтида англаш ва уларга эришиш чораларини белгилашнинг маъқул кўринишида кўмаклашадиган лойиҳа, концепциялар, асосий йўналишлар айниқса зарур бўлади. Эҳтиёжларни қондириш учун маблағ қанча кам бўлса, тегишли техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни оқилona бошқаришда кўмаклашадиган воситалар шунчалик таъсирчан бўлиши лозим. Маълум орзу-умидлар билан боғлиқ бўлган бошқарув воситаларидан бири **режалаштиришдир.**

**Режалаштириш** – лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича ахборотни ишлашга асосланган келажакда мақсадга эришиш учун параметрларни аниқловчи тартибга солинган жараён<sup>21</sup>.

Миллий иқтисод ва унинг соҳалари ҳамда бўлимлари иқтисодиётида режалаштиришнинг қатор таърифлари мавжуд бўлиб, улар юқорида келтирилган таърифлардан турли даражада фарқ

<sup>21</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.68.

қилади, Лекин моҳиятан унга ўхшаб кетади. Шундай таърифлардан бир нечасини келтириш мумкин.

**Режалаштириш** – «келажакнинг онгли тафаккури».

**Режалаштириш** (кенг маънода) – «мазмунан бўлажак воқеаларни аниқлаш бўйича қарорлар қабул қилишни тизимли тайёрлаш асосида бошқарув қарорларини шакллантиришдир».

**Режалаштириш** – «олдиндан сезиб қабул қилинган қарор», яъни режалаштириш деганда шундай ечим тушуниладики, у (қарор қабул қилишга мувофиқ келувчи ахборот жараёни билан бир қаторда) вақт жиҳатдан конъюнктурали воқеалар юзага келишидан олдин ишлаб чиқилади.

Режалаштиришни «аслида тафаккурнинг ақлий башорати ва таъкидлар келажак фаолиятини кўзда тутадиган тафаккур жараёни сифатида», - деб таърифлаш мумкин.

**Режалаштириш** – бу вазифани сифатли ва сонли тасвирлаш, натижавий имкониятларни белгилаш ва уларга эришиш йўлларини аниқлашдир.

**Режалаштириш** – келажак муаммоларини билиш ва ҳал этишнинг тизимли, усулий (методик) жараёни.

Ниҳоят, **режалаштириш** – иқтисодийга раҳбарлик қилишнинг ўзагидир. Режалар эса давлат иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий қуролидир.

Режалаштиришнинг аҳамияти шундан иборатки, у иқтисодийни ривожлантиришнинг принципал масалаларига оид давлат ва ҳукумат кўрсатмаларини, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режалари ёрдамида аниқ топшириқларга ва амалий ишларга айлантиради. Узоқ муддатли, яъни уч йиллик, беш йиллик ва ўн йиллик режаларда давлатнинг иқтисодий стратегияси жамланган ҳолда ифодаланади. Йиллик режада, одатда, хўжалик вазифаларини ҳал этишнинг энг самарали тактикаси назарда тутилади.

Режалаштириш фаолиятларда, яъни амалда муайян уйғунлик ва мувофиқликни таъминлайди, ишлаб чиқариш тараққиётининг устувор йўналишларини аниқлайди, рақобат, беллашув шароитида умуман иқтисоднинг, хусусан саноатнинг омон (соғ) қолишига имконият, қулайлик яратади. Айнан режалаштириш туфайли тармоқ идоралари маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқариш, ўз вақтида ресурслар билан таъминлаш вазифасини ҳал этадилар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш каналлари ва усулларини аниқлайдилар. Бундан ташқари, режалаштириш ишлаб чиқариш резервларидан, рақобатнинг афзалликларидан, иқтисодийдаги янги тенденциялар яъни майл ва ғояларни кузатиш имкониятини яратиб беради, фаолиятнинг нозик ва заиф томонлари таъсирини сусайтириш, бўлиши мумкин хатоларнинг олдини олиш ва хавф-хатарни камайтириш имконини беради.

Режалаштириш объектив иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланишни тақозо этади. Режали хўжалик юритиш имконияти ва заруриятининг ўзи ҳар бир жамиятда **иқтисодиётни режали ва мутаносиб ривожлантириш қонунининг** амал қилишини тақозо этади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида нафақат режали ривожланиш қонуни, балки бир қатор бошқа қонунлар, жумладан, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, вақтни тежаш, меҳнатга қараб тақсимлаш қонунлари ҳаракатда бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида умумдавлат стратегиясининг, жумладан, умумдавлат режасининг «фалсафаси» масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бу «фалсафа» Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим соҳалари ва мақсадларини, структура ва инвестиция сиёсати, фан-техника тараққиётининг йўналишларини, илмий, маънавий ва маърифий салоҳиятини кўтариш, мамлакат мудофаа қобилиятини сақлаб туриш вазифаларини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиётининг барча имкониятлари эркин режа асосида амалга оширилади. Демак, режалаштириш қанчалик эркин ва мукамал бўлса, мустақилликнинг афзалликлари, истиқлолнинг самараси шунчалик тўлиқроқ кўзга ташланади, шундагина жамият ўз ижтимоий-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этади. Ана шундагина режалаштириш иқтисодиётнинг барча соҳаларини, жумладан, саноатни ташкилий равишда ва тартибли ривожланишига имкон яратади.

Режалаштириш мутлақо илмий асосда тузилади ва у жамият тараққиётини, жумладан, саноат тараққиётининг амалиётини доимо умумлаштириб боришни, фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланишни талаб қилади. Саноатга режали раҳбарлик қилиш воқеаларни олдиндан кўриш демакдир. Воқеаларни, ҳодисаларни, бўлажак фаолиятни олдиндан кўриш жамият иқтисодий қонунларини билиб олишга асосланади ва жамият моддий ва маънавий ҳаёти ривожининг етилган талабларига суянади.

Иқтисодий қонунларнинг моҳияти, мазмуни ва бошқа томонларини билиб олиш иқтисодий жараёнлар моҳиятини ўқиб олишга, тараққиётнинг илғор тенденцияларини ҳали улар куртак ҳолида бўлганидаёқ аниқлаб олишга, иқтисодий тараққиёт жараёнини илмий асосда олдиндан кўра олишга, уни мустақил, буюк давлат қуриш манфаатлари учун режа асосида йўлга солишга ёрдам беради.

Режалаштириш назариясида режалаштиришнинг турлари, босқичлари, мақсадлари, вазифалари, тизимлари деган тушунчалар мавжуд.

Режалаштиришнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

- муносабатдор катталиклар бўйича режалаштириш;
- мувофиқлаштириш шакллари бўйича режалаштириш;
- мослашув (адаптация) шаклига кўра режалаштириш.

Режалаштириш турларини бир қатор аломатлар бўйича таснифлаш мумкин. Масалан, режалаштиришнинг биринчи энг муҳим тури бўлган муносабатдор катталиклар бўйича режалаштириш турининг аломатларига қуйидагилар киради:

- замон (вақт) кўлами (қисқа муддатли, ўртача муддатли, узоқ муддатли режалаштириш);
- функционал бўлим (ишлаб чиқаришни, сотишни, сақлашни, таъминотни, молияни, инвестицияни режалаштириш);
- бошқарув иерарахияси (раҳбарият иерархияси);
- режалаш иерарахияси (стратегик, яъни олий; тактик, яъни ўрта; оператив, яъни паст даражадаги режалаштириш).

Агар режалаштириш жараёнини бошдан оёқ кўриб чиқилса, унда айрим босқичларни ажратиш мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

- мақсадларни ифодалаш, яъни ишлаб чиқиш;
- муаммоларни қўйиш;
- муқобил вариантларни излаш ва танлаш;
- тахмин қилиш;
- баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш.

Саноатни режалаштиришдан кўзланган олий мақсад саноат ишлаб чиқаришининг фаолияти асосида аввалдан фикран ўйланган бўлғуси натижани аниқлаш ва бу натижага эришиш учун тегишли чоратadbирларни белгилашдан иборат бўлади. Шу сабабли режалаштириш жараёнининг биринчи босқичи мақсадларни ифодалашдан иборат бўлади.

Мақсадларни ифодалашнинг алоҳида вазифалари қуйидагилардан иборат: мақсадларни излаш, мақсадларни аниқлаш, мақсадларни таркиблаш; мақсадларни амалга ошириш, мақсадларни танлаш.

Ушбу назариядан келиб чиқиб, саноат ишлаб чиқаришини режалаштиришнинг асосий вазифаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- энг аввало, мақсадни қўйиш;
- саноат ишлаб чиқаришининг хилма-хил фаолиятини, айниқса иқтисодиёт ва аҳоли учун зарур бўлган юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- зарурий моддий-техник базани шакллантириш;
- молиялаш манбаларини аниқлаш ва ижобий пировард натижага эришиш.

Мустақиллик йилларида режалаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин шуни айтиш керакки, иқтисодиётнинг режали, мутаносиб ривожланиш қонунияти талабларига тўла жавоб берадиган даражага эришилгани йўқ. Яқин ўтмишда режалаштиришда бир талай хатоларга йўл қўйилганини, мураккаб хўжалик



муаммоларини ҳал этишга ўйламай-нетмай таваккалчилик билан қаралганлигини ҳамма яхши билади.

Миллий иқтисод ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат ишлаб чиқаришнинг узоқ даврга мўлжалланган ривожини белгилаш учун бошқарувнинг энг муҳим функцияларидан бири бўлган прогнозлаш алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Шу муносабат билан бу категориянинг моҳияти ва аҳамияти, мазмуни ва турлари, усуллари ва вазифаларини яхши билиш керак.

Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, ижтимоий ҳаёт келажакни олдиндан кўришсиз ва унинг истиқболини башорат қилмасдан мумкин эмас. Шу сабабли кейинги вақтда башорат қилиш иқтисодиётнинг оптимал фаолият кўрсатишининг энг зарурий шартига айланмоқда. Истиқболни бошқарувнинг жуда мураккаб жараёнида башорат қилиш ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлларини олдиндан кўриш вазифасини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида башорат қилиш жамият ривожини, шу жумладан, моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим соҳаси бўлган саноат ривожининг келажакда амалга ошиши мумкин бўлган мақсадларини ва уларга эришишни таъминловчи иқтисодий ресурсларни аниқлаш, иқтисодий ва техникавий сиёсатнинг узоқ ва ўрта муддатли йўналишларининг энг эҳтимолга яқин иқтисодий самарали вариантларини қидириб топиш учун зарур.

Прогноз, яъни башорат деганда реал объектнинг келажакда бўлиши мумкин бўлган аҳволи, уни амалга оширишнинг альтернатив, яъни муқобил (мумкин бўлган қарама-қарши икки ҳолдан бирини танлаб олиш зарурияти) йўлларини ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳаза тушунилади. Қисқача қилиб айтганда, олдиндан қилинган хулосадир.

Прогнозлаш, яъни башорат қилиш деганда келажакни кўриш, мўлжал қилиш ва олдиндан айтиб бериш жараёни тушунилади. Фақат мавжуд далиллар, маълумотлар ва аниқ рақамлар асосида воқеа ёки ҳодисанинг қандай бўлиши, ривожланиши ва оқибатини олдиндан айтиб бериш, яъни башорат қилиш мумкин.

Башорат қилишнинг бир қанча йўллари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийларига иқтисодий ва ижтимоий башорат қилиш киради. Уларни бир-биридан шартли ажратиш мумкин, чунки башорат қилишнинг мақсади ва вазифаси бир ҳодиса ёки воқеанинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатлари билан боғлиқ, бир танганинг икки томонидир.

Башорат қилишнинг мақсади реал объектнинг келажакда фикран ўйланган натижасини таъминлашдан иборат. Ҳодиса ва воқеалар фикрий моделининг натижасига эришиш.

Башорат қилишнинг вазифаси эса бу жараённинг олдида турган мақсадга эришиш учун бир қатор ишларни бажаришдан иборат.

## 5.2. Режалаштириш тамойиллари ва усуллари

Режалаштириш назариясида хўжаликка раҳбарлик қилишнинг маълум фундаментал қоидалари, яъни тамойиллари масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бозор муносабатлари шароитида бундай тамойиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. Илмийлик тамойили;
2. Режаларни маълум мақсадга йўналтириш тамойили;
3. Мутаносиблик ва баланслик тамойили;
4. Комплекслик тамойили;
5. Узлуксизлик тамойили;
6. Барқарорлик тамойили;
7. Тармоқ ва ҳудудий ривожланишнинг уйғунлиги;
8. Иқтисодиёт ва унинг тармоқлари ҳамда корхона (фирма)лар ривожланишининг узвий бирлигини ҳисобга олиш тамойили.

Саноат ва унинг тармоқлари, корхоналари, ташкилотлари фаолиятларини режалаштиришда юқоридаги тамойилларга тўла амал қилинса топшириқларни муваффақиятли бажариш мумкин, иқтисодий ўсиш кучаяди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги албатта, кўтарилади. Юқорида келтирилган тамойилларни амалга ошириш учун бир қатор усуллардан, яъни баланс, мақсадли, норматив, статистик-иқтисодий, кўп вариантли, иқтисодий-математик матрица усулларидадан фойдаланилади.

**Баланс усули** режалаштиришнинг бош усули ҳисобланади. Фақат баланс усулига асосий **пропорцияларни** белгилаш, ресурсларнинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлигини аниқлаш, режаларни реал ва натижали қилиш имконини яратади. Баланслардан истиқбол ва жорий режаларнинг барча бўлимларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Саноат ишлаб чиқаришини режалаштиришда баланс усулидан кенг фойдаланилади, чунки у иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган соҳаларини муайян шароитда аниқ вақт ва маълум фазода яхлит ҳолда, бир бирига боғлиқ техник-иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида акс эттира олади. Баланслар ишлаб чиқаришнинг кўлами ва динамикаси, унинг таркиби ва тузилмаси ҳамда самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни мужассамлаштиради. Уларда саноат тармоғи ва бошқа миллий иқтисодиётнинг тармоқларининг ўзаро муносабатларини кўриш мумкин.

Режалаштиришда балансларнинг қиймат, натура-қиймат, моддий, меҳнат ва молиявий турларидан кенг фойдаланилади.

Анъанавий қиймат баланслари қаторига: ялпи ижтимоий маҳсулот баланси, миллий даромад баланси, асосий фондлар баланси, товар обороти ва ресурслар баланси, ташқи савдо ва тўлов баланслари киритилади.

Балансларнинг энг муҳимларидан бири моддий баланс бўлиб, у маҳсулотларнинг энг муҳим тўпламини қамраб олади. Балансларни

ишлаб чиқиш катта билим ва илм, тажриба, ижобий ёндашувлар талаб қилувчи мураккаб ишдир.

Режалаштириш амалиётида натура ёки моддий балансларнинг қуйидаги уч туридан:

- меҳнат қуролларининг баланслари;
- меҳнат буюмларининг баланслари;
- халқ истеъмоли буюмларининг балансларидан фойдаланиш мумкин.

Моддий баланслар маълум схемалар бўйича ишлаб чиқилиб, унда, бир томондан, маҳсулот ресурслари, иккинчи томондан, унинг айрим қисмлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади (схемага қаранг).

#### 5-чизма. Моддий баланснинг тахминий схемаси<sup>22</sup>

Ресурслар	Ресурсларнинг тақсимоти
1. Режалаштириш даври бошига қолдиқ.	1. Ишлаб чиқариш – эксплуатация истеъмоли
2. Ишлаб чиқариш ҳажми	2. Капитал қурилиш
3. Импорт	эҳтиёжлари
4. Давлат резервларидан келиб тушуши	3. Бозор фондлари
5. Бошқа келиб тушишлар	4. Экспорт
	5. Давлат ресурсларини тўлдириш
	6. Режалаштирилаётган давр охирига маҳсулот қолдиғи
ЖАМИ	ЖАМИ

Балансларнинг яна бир энг муҳим тури – бу меҳнат балансларидир. Бундай балансларда мавжуд меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш йўналишлари акс эттирилади. Меҳнат балансларига меҳнат ресурсларининг йиғма баланси, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ишчи кучи баланси ва ҳ.к.лар киритилади.

Корхона (фирма)ларда ишлаб чиқариш қуввати баланси тузилиб, унда корхонанинг ишлаб чиқариш имконияти, унинг таркибидаги номутаносибликлар мавжудлиги, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш учун зарур бўлган капитал қўйилмалар аниқланади.

Режани техник-иқтисодий жиҳатдан асослашнинг энг муҳим асосларидан бири бу норматив усулдир. Режалаштириш жараёнида иқтисодий нормативларнинг роли беқиёс. Улар ёрдамида режалаштирилаётган давр шароитларини (маҳсулот бериш топшириқлари, нарх, фойдадан бюджетга ажратма, иш ҳақи фондларини ташкил этиш нормативларини) олдиндан билган ҳолда корхоналар жамоалари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юксақроқ суръатларини, унинг самарадорлигини анча оширишни

<sup>22</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.73.

таъминлайдиган режаларни ижодий тарзда, барча имкониятларни ошкора қилишдан чўчимасдан туза оладилар.

Норматив усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда режа кўрсаткичлари режали норма асосида аниқланади. Бу усул ёрдами билан ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни умумлаштиришнинг барча бўғинларидаги баланслари (маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ишчи кучи, моддий ва молиявий баланслари)дан кенг фойдаланишни назарда тутлади.

Режалаштиришда норма ва нормативларнинг уч гуруҳи: иқтисодий, ижтимоий ва технологик гуруҳларидан фойдаланилади.

Иқтисодий нормативлар ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини энг паст мумкин бўлган миқдорини ифодалайди. Масалан, режалаштириш ва прогнозлашда капитал маблағлардан фойдаланишнинг норматив коэффиценти (**Ен**) кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Фараз қилайлик, режалаштиришда унинг миқдори **Ен = 0,15** кесимида белгиланади. Бу миллий иқтисод ривожига сарфланган маблағларнинг ҳар бир сўми 15 тийин билан қайтиши керак. Шундай бўлса, сарфланган капитал маблағ тахминан 7 йилда ўзини тўла қоплайди. Агарда у ҳар йили 15 тийиндан кам тежам келтирса, капитал қўйилмалар (инвестициялар) самарасиз фойдаланилганлигини англатади.

Ижтимоий нормативлар жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжлари муайян даврга қондирилишининг мумкин бўлган даражасини, инсоннинг теvarак-атрофдаги муҳит билан ўзаро алоқаси характерини белгилайди. Айрим маҳсулот турларининг бир киши томонидан истеъмол қилиниши нормаси ижтимоий нормативлар намунасидир. Масалан, бир кишининг бир йилда оёқ кийимига бўлган истеъмол нормаси 3,3 жуфт ҳажмида белгиланган.

Технологик нормативлар чиқарилаётган маҳсулот бирлигига ресурсларининг солиштирма сарфи миқдорини ифодалайди. Масалан, 1кВт соат электроэнергия ишлаб чиқаришга сарфланаётган ёнилғи нормаси, хом пахтадан пахта толасини чиқариш нормаси.

### **5.3. Бозор иқтисодиёти шароитида режалар тизими**

Маълумки, миллий иқтисодиёт, жумладан, саноат иқтисодиётини ривожлантириш учун аниқ топшириқлар, яъни хўжалик вазифалари ва амалий чора-тадбирлар белгиланади. Улар режа шаклида намоён бўлади.

Режа – бу давлат ижтимоий–иқтисодий сиёсатини, жамоа ва шахс ўз ишларини амалга оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шу сабабли режа ва режалаштириш масаласига алоҳида эътибор берилади ва уларнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва вазифаларини чуқур билиш зарурияти юзага келади.

Режа – бу бирор иш, дастур, тадбир ва шу кабиларни амалга оширишнинг олдиндан белгиланган тартиби, лойиҳаси. Кўпинча уни

топшириқ деб ҳам атайдилар.

Ишлаб чиқариш режаси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш режаси ёки ягона иқтисодий комплексининг, яъни мамлакат иқтисодиёти режаси, миллий иқтисодиёт ва унинг реал тармоғи режаси (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳ.к.лар режаси).

Режанинг бир қанча шакллари мавжуд:

- вақти ва муддатига қараб ҳар қандай режа соатлик, кунлик, ҳафталик, ўн кунлик, бир ойлик, бир кварталлик, бир йиллик ва бир неча йиллик бўлиши мумкин.

- режалаштиришнинг мақсади ва вазифасига кўра режа икки турга: оператив режа ва техник-иқтисодий режага бўлинади. Бу режанинг иккинчи тури ўз навбатида икки шаклда, яъни жорий (тактик) режа ва истиқболли (стратегик) режа шаклларида бўлади.

Режа тузиш ва уни рўёбга чиқариш, яъни режа бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш жараёни “Режалаштириш” деб аталади.

“Режалаштириш” атамаси ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш керакки, турли илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, энциклопедия ва луғатларда турлича таърифлар берилган ва улар ўзбек тилига таржима қилинган. Лекин Ўзбекистон ССР энциклопедиясида “Режа” ва “Режалаштириш” терминлари умуман келтирилмаган, унинг ўрнига “План” ва “Планлаштириш” терминлари ишлатилган.

Мустақиллик, истиқлол ва улар туфайли юзага келган кескин ўзгаришлар бу категориянинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини тубдан тадқиқ қилишни талаб этади. Айниқса **марказлашган режалаштиришнинг** тубдан ўзгарганлиги ва тармоқлар, корхоналар катта эркинлик олганликлари муаммолари ўз ечимини топиши керак.

Бозор ва режалаштириш бир бирини тақозо этади ва уларни бир биридан ажратиб бўлмайди. Бу ерда шуни айтиш керакки, мустақилликнинг биринчи йилларида “Режа” ва “Режалаштириш” сўзларидан кўрқа бошлаган эдик. Буни англаган Республика Президенти 1995 йил якунлари ва 1996 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таажубланиб шундай деган эди: “Хорижий мамлакатларда, агар фермер фойда олишга ишонмаса унда умуман ишга қўл урмайди. Бизда-чи? Ҳеч ким иқтисодий таҳлил билан шуғулланмайди, ҳеч ким йил бошида ҳисоб қилмайди”. Бундан кўриниб турибдики, йил бошида режалар аниқланмайди.

Режа ва режалаштириш маълум кўрсаткичлар тизими, яъни топшириқлар мажмуи тариқасида акс эттирилади. Улар режанинг асосий ғояси, мақсади ва вазифаларини ифодалайди ҳамда натижаларини тавсифлайди. Кўрсаткичлар ёрдамида бир қатор

функцияларни баҳолаш, ҳисоб-китоб қилиш ва топшириқларнинг мутаносиблигини таъминлаш мумкин.

Режа тузиш жараёнида қўлланиладиган барча кўрсаткичларнинг белгиланиш тартиби, ишлаб чиқариш ходимларининг хўжалик фаолиятида қўлланиш миқёси ва вазифасига қараб гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Белгиланиш тартибига кўра улар тасдиқланадиган ва ҳисобланадиган кўрсаткичларга бўлинади.

Тасдиқланадиган кўрсаткичлар юқори ташкилот томонидан белгиланади ва тасдиқланади. Ҳисобланадиган кўрсаткичлар эса бошқаришнинг маълум бўғини томонидан мустақил равишда белгиланади.

Қўлланиш миқёсига биноан кўрсаткичлар умумий ва дифференциялашган турларга бўлинади. Умумий кўрсаткичлар саноат тармоғининг барча бўғинлари учун тааллуқли бўлиб, улар иқтисодиёт ва унинг тармоқлари бўйича кўрсаткичларни ўзаро таққослашни таъминлаш мақсадида белгиланади. Дифференциялашган кўрсаткичлар ҳам саноатда амалга ошириладиган кўпгина жараёнларни аниқ ифодалашга ёрдам бериб, уларни такомиллаштиришга олиб келади.

Ишлаб чиқаришнинг хўжалик фаолиятидаги вазифасига қараб, план кўрсаткичларини миқдор ва сифат кўрсаткичларига ажратиш мумкин. Миқдор кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ҳажми, иш ҳақи фонди, хомашёга бўлган эҳтиёжлардан иборат. Сифат кўрсаткичлари моддий ресурслар ва ишчи кучидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

Сифат кўрсаткичлари ўз навбатида синтетик ва техник-иқтисодий кўрсаткичларга бўлинади. Синтетик кўрсаткичлар (масалан, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, маҳсулот бирлигининг таннархи, фойда ёки даромад) корхона фаолиятини ҳар томонлама акс эттиради.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар эса айрим ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Масалан, ускуналардан фойдаланиш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган хомашё, ёқилғи ва электр энергия, кўп меҳнат талаб этадиган жараёнларни механизациялаш, энг мукаммаллашган технологик жараёнларни қўллаш шулар жумласидандир.

Кўрсаткичлар режалаштириш тажрибасида энг кўп ишлатиладиган, белгиланадиган ва ҳисобланадиган, умумий ва хусусий, миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиши мумкин.

Натура кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг моддий буюм нисбатларини, маҳсулотни тайёрловчи ва истеъмол этувчилар орасидаги алоқаларни белгилаб, маҳсулотнинг турлари ёки иш ҳажмининг ўлчов бирликлари (дона, метр, кубометр, тонна, киловатт-соат ва ҳоказолар) ифодаланади.

Товар-пул муносабатлари шароитида қиймат кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг ҳажмини, сарфларини ва молиявий натижаларини аниқлаш учун кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш йўлларида бири – саноатни юқори суръатлар билан ривожлантиришдир. Бунга эришиш учун, даставвал, унинг аҳволини ва имкониятларини билиш лозим. Бунинг учун ҳар хил кўрсаткичлардан фойдаланиш керак бўлади. Бир томондан, қўлланиладиган кўрсаткичлар саноатнинг умумий тараққиётини ифода этса, иккинчидан, саноатнинг ўзининг шарт-шароитларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бундай кўрсаткичларга асосланиб саноатнинг техникавий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлари аниқланади.

Саноат тараққиётини ифодаладиган кўрсаткичлар саноат тармоқларининг корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажмини натурал ўлчов бирлигида, қиймат бирлигида ифода этадиган кўрсаткичларидир.

Саноат маҳсулотларининг ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган натурал birlikлар бўлиб киловатт-соат, тонна, кубометр, квадратметр, декалитр, дона ва бошқалар ҳисобланади.

Бу ўлчовларга таянган ҳолда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг миқдорини аниқлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда 2001 йилда 47,9 млрд. киловатт-соат электр энергия, 7,3 млн. тонна нефть, 57,4 млрд. кубметр газ, 428,3 млн. квадрат метр газлама ва 38,2 млн. дона трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш мўлжалланган эди.

Саноат маҳсулотларининг натурал ўлчов birlikлари орқали барча саноат тармоқларининг ривожланишини солиштириб бўлмайди, чунки бир тармоқнинг маҳсулоти киловатт-соатда ўлчанса, иккинчисиники тоннада, учинчисиники кубметрда ўлчанади ва ҳ.к. Шунинг учун барча саноат тармоқларининг ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини ва бажарадиган ишларини ҳисоблашда ягона ўлчов бирлиги бўлиши лозим. Бу ўлчов бирлиги ҳар томонлама бўлиши керак. Бундай вазифаларни қиймат кўрсаткичлари бажаради. Қиймат кўрсаткичлари баҳолар ёрдамида саноатнинг умумий ривожланишини, ўсиш суръатлари ва унинг структурасини аниқлашга имконият яратади.

Қиймат кўрсаткичларини ишлатишнинг яна бир афзал томони борки, бу ҳар хил тармоқлар иш фаолиятини бир бирига солиштириш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирги даврда саноат режасини тузишда қўлланиладиган қиймат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ялпи ички маҳсулот, товар маҳсулоти, реализация қилинган маҳсулот, норматив соф маҳсулот, соф маҳсулот.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учта катта гуруҳга бўлинади: меҳнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва халқ истеъмол моллари.

Меҳнат буюмларига хомашё, материаллар, ёқилғи, электроэнергия ва бошқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган буюмлар киради. Бу буюмлар саноатни юқори суръатлар билан ва самарали ривожлантириш учун кўп миқдорда талаб қилинади.

Режалаштириш қанчалик мукаммал бўлса, тараққиёт шунчалик муваффақиятли бўлади.

#### **5.4. Ишлаб чиқариш режасини тузиб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этиш**

Намунали методикага кўра саноат тармоғининг жорий ва истиқболли режаси қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш. Бу белгиланган турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ҳамда истеъмолчилар билан узоқ давом этадиган хўжалик алоқалари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспортга мўлжалланган ҳажмини ифодалайди.

2. Фан-техника тараққиётини, ишлаб чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш. Бу бўлимда техника ва технология ҳамда бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари белгиланади.

3. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи, жумладан, иш вақти, асосий ва айланма маблағлар, моддий ресурслар ва капитал маблағлардан фойдаланишга доир кўрсаткичлар режалаштирилади.

4. Норма ва нормативлар. Улар режани асослаш ва ишлаб чиқариш резервларини ҳаракатга келтириш учун зарур бўлган норма ва нормативларни яратиш ҳамда системага солиш масалаларини ўз ичига олади.

5. Капитал қурилиш бўлимида ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа асосий фондларни такомиллаштириш ҳамда турар жой ва бошқа қурилиш объектларини яратиш бўйича кўрсаткичлар назарда тутилади.

6. Асосий моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж. Бунда бирлашма (корхона)нинг асосий материалларга бўлган эҳтиёжи аниқланади, уларни сотиб олиш тартиби белгиланади, ички резервларни сафарбар этиш йўллари мўлжалланади.

7. Меҳнат ва иш ҳақи бўлимида меҳнат унумдорлигини ошириш мўлжалланади, ишловчиларнинг сони, иш ҳақи фондининг миқдори белгиланади, ишчиларга бўлган эҳтиёж ва кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш кўрсаткичлари аниқланади.

8. Таннарх, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги. Бу бўлимда реализация қилинадиган маҳсулотларнинг таннархи, фойда ва рентабеллик режалаштирилади.



9. Иқтисодий рағбатлантириш фондлари. Бу ерда барча рағбатлантириш манбаалари ва улардан кенг фойдаланишнинг аниқ йўналишлари белгиланади.

10. Молия режаси. Бу бўлимда молиявий маблағлар, даромадлар, харажатлар ва ажратмалар, бюджетга тўловлар, бюджетдан олинадиган маблағлар аниқланади.

11. Ижтимоий ривожланиш режаси. Бу ўз таркибига ходимларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг билим ва илмий даражасини, ишлаб чиқариш малакасини кўтариш, жамоа аъзоларининг турар жойи, маиший ҳамда маданий шароитларини яхшилаш каби тадбирларни мўлжаллайди.

12. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Бу бўлимда табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий ва иқтисодий қирралари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқа экологик тадбирлар белгиланади.

Ҳозирги пайтда гап маъмурий буйруқбозлик тизими давридаги режалаштириш тўғрисида эмас, балки бозор иқтисодиётига мос келадиган режа ва режалаштириш тўғрисида бориши керак. Гап асосан у ёки бу соҳа (тармоқ), корхона (фирма)нинг ўз фикри, ғоясини амалга ошириш ва шу асосда фойда (даромад) олишга йўналтирилган режали ташкил этилган тадбирлар, ҳаракатлар тизимидан иборат бўлган Бизнес-режа ҳақида бўлиши керак.

Бизнес-режа замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг муҳим воситасидир. Шу сабабли унинг моҳиятини, аҳамиятини, мазмунини чуқур англаш зарур. Бу масала ҳақида гап борганда энг аввало, бизнес-режа нима учун керак? – деган савол туғилади. Бундай режа энг аввало, банкир ҳамда инвесторларга зарур. Чунки корхона (фирма) ўз лойиҳасини амалга ошириш учун улардан пул маблағлари сўрайди.

Иккинчидан, бизнес-режа корхона (фирма) ходимлари учун керак. Улар ўзларининг мақсад, вазифаларини, истиқболни билишлари зарур.

Учинчидан, энг асосийси ишбилармон, тадбиркор, корхона (фирма) раҳбари ўз ғояларини, уларнинг тўғри ва реаллигини билиши керак.

Бизнес–режани тузишда раҳбарнинг шахсий иштироки жуда зарурдир, шунинг учун ҳам кўпгина хорижий мамлакатлар банклари, инвесторлар ва бошқа муассасалар агар бизнес – режани бошдан оёқ четдан, консультант орқали ишлаб чиқилиб, раҳбар унга фақат имзо чеккани маълум бўлиб қолган тақдирда лойиҳага маблағ беришдан бош тортадилар. Бундай режа, одатда, талабгорсиз қолади.

Бизнес-режада қуйидаги нарсалар ёритиладиган бўлимлар бўлади:

- бизнеснинг мақсади ва асосий ғояси;

- корхона (фирма) ишлаб чиқарадиган маҳсулот (хизмат)нинг ўзига хос хусусияти ва улар билан бозор эҳтиёжини қондириш;
- айрим бозор сегментларида фирманинг хулқ-атвори, стратегиясини белгилаш;
- ташкилий қоида ҳамда ишлаб чиқариш таркибий тузилишини белгилаш (аниқлаш);
- ишнинг молиявий лойиҳасини шакллантириш (шу жумладан, молиялаштириш стратегияси ва инвестициялаш бўйича таклифлар);
- фирманинг ривожланиш истиқболлари бўлимлари.

Бизнес-режани тузиб чиқиш жараёнида қуйидагиларга эришамиз: *биринчидан*, ўзимиз бошлаётган ишни пухта билишга эришамиз; *иккинчидан*, харажатларни биламиз, корхонани яхши бошқаришга эришамиз; *учинчидан*, ўз ғоямизни бошқарилувчига тез етказамиз ва молиявий фаолиятимизни режа асосида олиб боришга эришамиз.

Бизнес-режа жуда кўп бўлимлардан иборат:

1. Резюме (хулоса).
2. Корхона (фирма) ҳақидаги маълумотлар.
3. Товар (маҳсулот ёки хизмат) турлари.
4. Сотув бозори.
5. Маркетинг стратегияси.
6. Ишлаб чиқариш дастури.
7. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
8. Корхонанинг ташкилий-режа шакли.
9. Молиявий режа.
10. Лойиҳанинг рентабеллиги (фойдалилиги, самарадорлиги, натижалилиги).

### **5.5. Режалаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

Давлатнинг иқтисодий стратегиясида бошқарув ва унинг энг муҳим функцияси бўлган режалаштиришни такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у режалаштиришнинг барча даражалари ва соҳаларида қонуний жараён ҳисобланади. Бу эса жамиятда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифалар билан белгиланади.

Саноат ишлаб чиқаришини режалаштиришни такомиллаштириш соҳасида энг аввало, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- режалаштиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлатишга, саноатнинг илғор структурасини шакллантиришга, уни балансли ва мутаносиб ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамда илмий ва техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланишга таъсирини кучайтириш;

- фан-техника тараққиётини жадал ва узлуксиз амалга оширишни оқилона башорат қилишга эришиш;
- башорат қилиш билан истиқболли ва жорий режалаштириш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш. Бу вазифаларни амалга ошириш технологияларидан кенг фойдаланиш;
- режа кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш, уларни пировард натижалар сари йўналтиришни кучайтириш ҳамда меҳнат, моддий, молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, маҳсулотнинг сифати ва уни янгилаш миқёсларини акс эттирадиган кўрсаткичлардан кенг фойдаланиш.

Галдаги энг муҳим вазифалардан бири режалаштиришнинг илмий савиясини, даражасини оширишдир. Режалар илмий тарзда тузиб чиқилиши, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан асослаб берилган ва тўла-тўқис баланслаштирилган бўлиши керак. Аниқроқ қилиб айтганда, миллий иқтисод, жумладан, саноат режаларида кўзда тутилган ишлаб чиқаришни ўстириш, ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш суръатлари ва асосий мутаносибликлар оптимал бўлиши, яъни мавжуд имкониятлардан янги жамиятнинг объектив иқтисодий қонунларига мувофиқ равишда энг яхши, энг самарали фойдаланишни таъмин этиш керак. Ҳозирги жадаллашган фан-техника тараққиёти шароитида режалаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири илм ва техниканинг сўнгги ютуқларини саноат орқали тез суръатларда ўзлаштириб олишни режаларда, айниқса, истиқболли режаларда кўзда тутишдан иборат. Истиқболли режаларнинг ролини ошириш режалаштириш учун илмий ва амалий жиҳатдан асосланган нормативлар системасини вужудга келтиришни талаб этади. Шундагина режалаштиришда таваккалчилик юз беришининг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг натижалчилигини юқори даражага кўтариш бўйича имкониятларни ишга солиш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни шундай режалаштириш керакки, натижада маҳсулот ишлаб чиқариш кўпая борсин, меҳнат унумдорлиги борган сари кўтарилсин, маҳсулотнинг таннархи пасайсин, корхона фойдаси ошиб борсин.

Хўш, бунинг учун нималар қилиш керак?

Бунинг учун энг аввало, инвестициялардан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланмоқ керак.

Режалаштиришни янада такомиллаштириш учун бу жараён билан шуғулланадиган идораларни истеъдодли ва иқтидорли, билимдон, обрўли, ўз ишининг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлаш керак. Фақат шундай мутахассисларгина бу соҳадаги ўзбошимчаликлар ва субъективизмга батамом барҳам бериши мумкин бўлади.

Режа тузиш ишнинг бир қисмигина холос. Унинг бажарилиши ва ошириб бажарилиши ҳар бир раҳбар ва ходимнинг ақл заковати, ташаббускорлиги ва фидокорона меҳнатига боғлиқдир. Агарда жамоа

ва унинг ҳар бир ходими ўз вазифаларини мунтазам, беками-қўст бажариб борса белгиланган режалар албатта, муваффақиятли бажарилади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат ишлаб чиқаришини режалаштириш бошқарув тизимининг ажралмас қисмидир. У ёрдамида миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи – саноатнинг ривожланишига тааллуқли бўлган кўрсаткичлар муайян вақтга белгиланади.

2. Режалаштириш ўзининг тегишли тамойил ва усуллариغا эга ва улар иқтисодиёт назариясида алоҳида ўрин эгаллади.

3. Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун аниқ топшириқлар берилиши керак ва улар режа шаклида акс этади. Саноат режаси 12 бўлимдан иборат.

4. Саноат режасини тузиш энг мураккаб ишлардан бири ҳисобланади. Чунки бунда тараққиётнинг барча томонларини олдиндан кўриш, яъни башорат қилиш ҳамда бу тараққиётни таъминловчи иқтисодий ва техник салоҳиятнинг самарали вариантларини қидириб топиш керак бўлади.

5. Мустақиллик йилларида режалаштиришни такомиллаштириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Лекин иқтисодиётни, жумладан, саноатнинг режали, мутаносиб ривожланишининг бир қатор муаммолари ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ва демократик давлат, бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб берадиган режалаштиришни яратиш зарур.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Режа ва режалаштиришнинг тавсифи, мақсади ва вазифалари.
2. Режалаштиришнинг бозор иқтисодиётига мос тамойиллари ва усуллари.
3. Режалар тизими ва унинг бозор муносабатларига мослиги.
4. Саноат ишлаб чиқариш режасининг бўлимлари ва кўрсаткичлари.
5. Бизнес-режа ва уни тузиш усуллари.
6. Режалаштиришни такомиллаштириш йўллари.

## **6 - МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, меҳнат сиғими, меҳнат унумдорлиги, фонд сиғими, фонд самараси, қиёсий самарадорлик, қиёсий самарадорлик коэффициенти, йиллик иқтисодий самара

**Режа:**

**6.1. Самарадорлик саноат ишлаб чиқаришининг «кўзгуси» сифатида. Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти**

**6.2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезон ва кўрсаткичлари**

**6.3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг омиллари ва йўллари**

**6.1. Самарадорлик саноат ишлаб чиқаришининг "кўзгуси" сифатида. Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти**

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида **ишлаб чиқариш самарадорлигини** тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажакда эса – уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Мустақилликка эришилганлик, қудратли иқтисодий ва илмий-техник салоҳият яратилаётганлик, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўйди. Бинобарин, Республика Президентининг маъруза ва нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва аҳамияти, долзарб муаммолари, иқтисодиётни экстенсив ва интенсив тараққиёт йўлига ўтказиш муносабати билан келиб чиқадиган устувор вазифалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб берилмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи

(узайтирувчи) ва зўр берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам **кўпроқ самара** берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади.

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда.

Самарадорлик сўзи - бу энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий - ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг "кўзгуси" ҳисобланади. Бу "кўзгу"да ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Унинг учун маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ўртасидаги фарқ тармоқ ва корхона фаолиятининг "кўзгуси" бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришдан иборат.

Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) энергетик ресурслар, д) ахборот ресурслари. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг аниқ-равшан йўналишлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатиб берилган.

## **6.2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезони ва кўрсаткичлари. Харажатларнинг умумий ва қиёсий самарадорлиги**

Самарадорлик - бу фойдалилик, натижалиликдир.<sup>23</sup> Маълумки,

<sup>23</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.84.

қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, Самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

$$C = \frac{\text{натижа}}{\text{харажатлар}} = \frac{\text{натижа}}{\text{меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар}}$$

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини фарқлайдилар. Самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш шартли бўлиниш ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларнинг ҳаммаси иқтисодий ва маълум маънода ижтимоий самара деб айтиш мумкин.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, иқтисодий ва ижтимоий тушунчаларнинг сунъий бўлиниши ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин, иқтисод ижтимоий ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодсиз бўлмайди. Демак, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Чунки амалга оширилган ҳар бир иш айни вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради.

**Иқтисодий самарадорлик** ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижаси. Иқтисодий самара материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор, вақтни тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтининг зое кетишини камайтириш, маблағлар оборотини тезлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

**Ижтимоий самарадорлик** шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлигини ифодалайди. У меҳнат ва турмуш шароитларини яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади ва асосий озиқ-овқат, sanoat товарларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш бўйича харажатларнинг ўсиши билан тавсифланади.

Ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида вужудга келаётганини ва бирлашиб бажарилган меҳнат туфайли ишловчилар ўртасидаги муносабатлар таърифланишини назарда тутсак, уларни ижтимоий-иқтисодий самара деб атасак бўлади.

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти унинг мезони ва

кўрсаткичлар тизимида акс этади.

**Мезон масаласи** иқтисодий самарадорлик назариясининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Фалсафий маънода мезон - бу асосий ўлчов, муҳим фарқли белги, асосий нуқтаи назардир. Шулар асосидагина у ёки бу соҳадаги бизнинг билимларимизни объектив ҳақиқатлигини, тўғрилигини ва ишончлилигини аниқлаш, ҳақиқатни англашмовчиликлардан фарқ қилиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Демак, самарани ўлчаганда мезон сифатида жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлигини ошириш қабул этилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий (мутлоқ) самарадорлиги деганда харажатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштирилган ёки таққосланган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман иқтисодиёт бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими, капитал сиғими киради.

Меҳнат сиғими миллий даромад, соф, ялпи, товар маҳсулотнинг ёки натурал шаклда ифодаланган маҳсулот бирлигига сарфланган харажат миқдорини тавсифлайди.

Маҳсулотнинг сермеҳнатлилиги – бу муайян турдаги маҳсулотни (масалан, битта тракторни, костюмни ёки кўйлакни) ишлаб чиқаришга сарф бўлган иш вақти миқдорини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Меҳнат сиғимининг уч тури бўлади: технологик, тўла ва иқтисодиёт меҳнат сиғими. Меҳнат сарфини ҳисобга олиш жиҳатига қараб эса у яна уч турга: режали меҳнат, норматив меҳнат ва ҳақиқий (амалдаги) меҳнат сиғимларига бўлинади.

Меҳнат сиғими бевосита сарф (асосий ходимлар сарф қилган меҳнат) бўйича, тўла сарф (ёрдамчи ходимлар сарф қилган меҳнат) бўйича ҳамда умумий ижтимоий маҳсулот ёки миллий даромад қийматига нисбати билан белгиланади. Айрим комплекслар ва уларнинг тармоқларида, корхоналарда эса моддий сарфлар миқдорининг қийматига нисбатан белгиланади:

$$M_c = \frac{M_x}{T_{Mx}}$$

Кўпинча амалиётда меҳнат сиғимининг бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги (**My**) кўрсаткичидан фойдаланилади:



$$M_y = \frac{T_{Mx}}{M_x}$$

Меҳнат унумдорлиги - бу инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.<sup>24</sup>

Ишлаб чиқаришнинг материал сиғими - бу маҳсулот (иш бажариш, ёки хизмат кўрсатиш) бирлигига кетадиган ва унда ифодаланадиган моддий ресурслар (хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олинadиган бутловчи буюмлар ва ярим фабрикатлар, ёқилғи ва энергия) ялпи сарфини тавсифлаб берувчи кўрсаткичдир. У қуйидаги формула ёрдами билан ифодаланади:

$$M_c = \frac{M_p}{T_{Mx}}$$

Ишлаб чиқаришнинг фонд талаблиги бу маҳсулот бирлигига (натурал ёки қиймат доирасида) тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини тавсифловчи кўрсаткичдир. Фонд сиғими (**Фс**) асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади ва уларнинг ўртача йиллик қийматини (**Ф**) маҳсулот ҳажмига (**Мх**) нисбатини ифодалайди:

$$F_c = \frac{F}{M_x}$$

Бу миқдорнинг тескараси фонд самараси (натижаси) ёки фонд қайтими (**Фк**) деб юритилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$F_k = \frac{M_x}{F}$$

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолашда капитал қўйилмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш фондларини қайта такрор ишлаб чиқаришнинг янги асосий ва оборот фондларини яратиш учун зарур бўлган жамғарма фондлари самарадорлигини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими капитал талаблик ёки капитал сиғими ҳисобланади. Бу кўрсаткич (**Кс**) капитал маблағлар(**К**)нинг ёрдами билан тайёрланган маҳсулотнинг кўпайган қисмига нисбати билан ифодаланади:

$$K_c = \frac{K}{\Delta M_x}$$

Юқорида келтирилган ва бошқа бир қатор табақалаштирилган (дифференцияланган) кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш ва ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди, харажатлар ва ресурслар асосий турларининг қайтариб берилишини тавсифлайди. Лекин, фақат бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига баҳо бериш қийин, чунки улар ўзгаришнинг характери ва динамикасини таққослай олмайди. Ундан ташқари, баъзи бир даврларда улар ҳар хил

<sup>24</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.86.

йўналишда ўзгарадилар. Масалан, саноатда меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан кўпаймоқда.

Иқтисодий самарадорликни режалаштириш ва таҳлил этиш нафақат харажат ва ресурслар асосий турларидан фойдаланиш даражасини таҳлил этишни ўз ичига олиши керак, балки унинг бутунлай ўзгаришини, йиғинди (интеграл) самарадорликни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Мана шу мақсадда иқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи, комплекс кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади ва ишлаб чиқаришнинг оқибат натижалари шу кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилади. Бундай кўрсаткичлар турли харажатлар ва ресурсларнинг даражасини йиғилган турда, ҳар хил омилларнинг таъсирини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқариш - техник вазифани ҳал этишнинг бирор вариантнинг ижтимоий - иқтисодий афзаллигини асослаб бериш, тақдим этилган вариантлардан энг самаралигини танлаб олиш мақсадида аниқланадиган самарадорлик қиёсий самарадорлик деб аталади. Қиёсий самарадорлик икки ва ундан ортиқ вариантларни таққослаш ва шу асосда бир вариантнинг бошқа вариантлардан устунлиги ва унинг оптималлигини аниқлаб беради.

Оптимал вариантни танлаб олиш ҳамда уни асослаб бериш учун кўшимча капитал маблағларнинг қопланиш муддати ёки қиёсий самарадорлик коэффициентини ҳисоблаб чиқиш ва улар миқдорини норматив қиймати билан таққослаш керак бўлади.

Кўшимча капитал маблағларнинг ўзини қоплаш муддати (**B**) кўшимча капитал маблағларнинг (**K<sub>2</sub>-K<sub>1</sub>**) маҳсулот таннархини пасайтиришдан олинган тежам (**T<sub>1</sub>-T<sub>2</sub>**)га нисбати билан аниқланади:

$$B = \frac{K_2 - K_1}{T_1 - T_2}$$

Бу ерда B - қопланиш муддати (йил ҳисобида);

**K<sub>1</sub>** ва **K<sub>2</sub>** вариантларни жорий этиш учун керак бўлган маблағлар миқдори;

**T<sub>1</sub>** ва **T<sub>2</sub>** таққосланадиган вариантларнинг эксплуатация харажатлари.

Кўшимча капитал маблағларнинг қиёсий самарадорлик коэффициенти (**E**) қопланиш муддатининг тескари ифодаси ҳисобланади ва таннархни пасайтиришдан олинган тежамнинг кўшимча капитал маблағлар миқдorigа нисбати билан аниқланади:

$$E = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1} \text{ ёки } \frac{1}{B}$$

Келтирилган харажатлар, уларнинг вазифаси ва уни ҳисоблаш усули. Келтирилган харажатлар капитал маблағларнинг қиёсий-иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, техникавий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш вариантларининг энг яхшисини танлаб олишда қўлланилади. Бирон бир техникавий вазифани ҳал

этишнинг, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари, техникавий ва ташкиллаштиришнинг мумкин бўлган вариантларини, маҳсулот сифатини оширишнинг турли усулларини таққослаганда бошқа шартлари тенг бўлиб қолса, келтирилган харажатлар минимум бўлишини талаб қиладиган вариант энг яхшиси ҳисобланади. Бир неча вариантлардан энг яхшисини танлаб олиш учун қуйидаги келтирилган харажатлар формуласидан фойдаланиш керак.

$$C + E_n \cdot K \rightarrow \min$$

Бу ерда **C** - муайян вариант бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи;

**E<sub>n</sub>** - капитал маблағлар самарадорлигининг норматив коэффиценти;

**K** - бир йўла солинадиган капитал маблағларнинг йиғиндис.

Иқтисодиётда янги техника, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини белгилаш методикасида самарадорликнинг норматив коэффиценти иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари учун **0,15** га тенг қилиб олинган.

Келтирилган харажатларни аниқлаш эски техника ўрнига янгисини яратиш ва қўллаш натижасида ҳосил бўладиган иқтисодий самарани баҳолашга иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади.

Йиллик иқтисодий самара - бу янги техника, технология ва прогрессив маҳсулот турларининг, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич қиёс қилинадиган вариантлар бўйича сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$Й = [(T_1 + E_n \cdot K_1) - (T_2 + E_n \cdot K_2)] \cdot A_2$$

Бу ерда **Й** - йиллик тежам;

**T<sub>1</sub>** - янги техника бўйича тадбирлар жорий қилингунгача бўлган маҳсулот ёки иш бирлигининг таннархи (сўм ҳисобида);

**T<sub>2</sub>** - шунинг ўзи, тадбирлар жорий қилингандан сўнг (сўм ҳисобида);

**K<sub>1</sub>** - тадбирлар жорий қилингунгача маҳсулот бирлигига сарфланган капитал маблағлар миқдори;

**K<sub>2</sub>** - шунинг ўзи, тадбирлар амалга оширилгандан сўнг;

**A** - янги тадбирлар амалга оширилгандан бошлаб тайёрланадиган йиллик маҳсулот ёки ишларнинг натура бирлиги.

**E<sub>n</sub>** - капитал харажатларнинг нормадаги қиёсий самарадорлиги коэффиценти.

У янги капитал қўйилмаларнинг минимал даражадаги иқтисодий самарадорлигини ҳамда бир сўмлик капитал қўйилма бир йилда маҳсулот таннархини неча тийинга камайтира олишни билдиради. Масалан, саноат тармоғи учун белгиланган самарадорлик

коэффициенти нормаси 0,15 бўлса, бу шу тармоқда ҳар бир сўм капитал қўйилмалар маҳсулот таннархининг пасайиши ҳисобига энг ками билан 15 тийинлик тежам, фойда бериши зарур. Самарадорлик коэффициенти "0"дан "1"га қанча тез интилса, самарадорлик шунча юқори, харажатларнинг режа қопланиш муддати эса шунча қисқа бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси хилма-хил, бирига боғлиқ бўлган омиллар таъсирида ташкил топади ва шаклланади. Ҳар бир комплекс, тармоқ ва корхона учун унинг техник-иқтисодий хусусияти сабабли самарадорликни оширишнинг ўзига хос омиллари мавжуд.

### **6.3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг омиллари ва йўллари**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлар мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Омилларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими ҳамда капитал маблағ талабликни камайтириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чоратadbирлар комплексидан иборат. Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилни кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.

Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш ва бу тармоқда

ислохотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги миқдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилнинг роли беқиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг кудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга **ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир**. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

### Қисқача хулосалар

1. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги муҳим категория сифатида, умуман олганда ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини, эришилган натижа билан жонли ва буюмлашган меҳнат ўртасидаги нисбатларни ўрганади.

2. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигининг доимий ошиб бориши объектив зарурат ҳисобланади ва миллий даромаднинг кескин кўпайишига имконият яратиб беради.

3. Самарадорлик умумий назариясида мезон муаммоси, яъни баҳолаш ўлчови, асосий нуқтаи назар масаласи алоҳида ўрин

эгаллайди. Жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлиги ўсиши самарадорликнинг мезони ҳисобланади.

4. Иқтисодий ҳисоблаш ва таҳлил тажрибасида икки хил самарадорликни фарқлайдилар. Биринчи - бу умумий (мутлоқ) самарадорлик, иккинчиси- қиёсий самарадорлик.

5. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигининг даражаси турли хил ўзаро бир бири билан боғлиқ омиллар таъсири остида шаклланади.

#### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Самарадорлик тушунчаси, унинг турлари, мезони ва кўрсаткичлари.
2. Мутлоқ иқтисодий самарадорлик ва уни ҳисоблаш усули.
3. Ишлаб чиқаришнинг қиёсий-иқтисодий самарадорлиги.
4. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар.
5. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари.

## 7-МАВЗУ. САНОАТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

**Таянч атамалар ва иборалар:** фан, техника, технология, фан-техника тараққиёти, фан-техника сиёсати, “ноу-хау”, инновация, лизинг, технополис, венчур, инжиниринг, тендер, ихтиро, кашфиёт, молиявий лизинг, оддий лизинг, электрлаштириш, электронизациялаш, механизациялаш, автоматлаштириш, химиялаштириш, илмий-техникавий тадбирлар.

### Режа:

- 7.1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти
- 7.2. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари
- 7.3. Фан-техника тараққиётининг самарадорлигини баҳолаш

#### 7.1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти

Ҳозирги даврнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – бу миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларда чуқур кескин ўзгаришлар ҳосил қилаётган фан ва техниканинг шиддатли ривожидир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш» комиссиясининг 1997 йил 5 – июнида бўлиб ўтган мажлисида шундай деган эди: «Фан – бу тараққиётни англатади. Илм-фанни ривожлантирмай Ватан келажаги тўғрисида гапириш қийин»<sup>25</sup>.

Фан-техника тараққиёти – бу жуда мураккаб ва кўп қиррали жараёндр. У ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам фан-техника тараққиёти ҳаракатдаги жараён ҳисобланади.

Техника тараққиётининг асосини фан, илмий билимлар ташкил этади. Юқорида айтилганлардан шундай савол туғилиши мумкин: Фан нима?

Фан – бу инсон фаолиятининг маълум соҳаси. У шундай соҳаки, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимлар яратилади ва улар назарий нуқтаи назардан бир йўлга солинади. Фан ижтимоий фикрлаш ва билишнинг шаклларида биридир.

Фан ёки илм – бу ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба асосида фикрланадиган билим ва малакалар мажмуасидир. Унинг асосий вазифаси аввало воқеа ва ҳодисаларни, шу жумладан, техник ва технологик ҳодисаларни тасвирлаш, кейин тушунтириш, олдиндан айтиб бериш, башорат қилишдан иборатдир.

Энди техника ва технология нима деган саволга жавоб топиш керак.

Техника – бу энг тор маънода меҳнат қуроли, меҳнат воситаси. Кенг маънода эса у ишлаб чиқариш воситалари, технология

<sup>25</sup> Каримов И.А., «Халқ сўзи», 6 июнь 1997 йил.

усулларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шаклларининг йиғинсидир. У ишлаб чиқариш кучларининг энг фаол элементи ҳисобланади.

Технология (юнонча “techue” – санъат, маҳорат, уддалаш ва ...логия) – ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулот олиш учун ишлатиладиган хомашё, материал ёки ярим фабрикатларнинг ҳолати, хоссаси ва шакллари ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш усуллари мажмуидир.

Фан-техника тараққиёти жуда мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини ўз ичига қамраб олади.

Фан ва техникани бир биридан фақат шартли ажратиб кўриш мумкин. Аслида эса улар ёнма-ён туради. Шу сабабли “Фан-техника” атамаси кўп ишлатилади.

Фан-техника тараққиётининг асосини илмий билимлар ташкил этади. Илм ва билим асосида янги техника ва технология яратилади, эскилари эса такомиллашади.

**Фан-техника тараққиёти** – бу меҳнат воситаларини, ишлаб чиқаришнинг энг янги хомашёси ва материалларини, ёқилғи ва энергиянинг, технологик жараённинг, бошқаришнинг, меҳнатни техник жиҳатдан қуроллантириш ва юқоридагиларнинг ҳаммасини янгидан яратишни ўз ичига олади.<sup>26</sup> Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишловчиларнинг умумий маълумотини, маҳоратини узлуксиз систематик ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳам фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳозалар умумжамиат миқёсида, иқтисодиёт, унинг тармоқлари, корхона (фирма)ларда ва ташкилотлар миқёсида ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Фан-техника тараққиётининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- тежамкорликни амалга ошириш (вақтни, хомашё ва материалларни, ёқилғи, электр энергияси ва ҳ.к. ларни тежаш);
- ишлаб чиқариш жараёнларини осонлаштириш, меҳнатни энгиллаштириш;
- меҳнатнинг мазмуни ва характерини ўзгартириш;
- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш.

Фан ва техниканинг роли шу қадар каттаки, биронта ижтимоий-иқтисодий вазифа уларнинг ривожланиши ҳисобга олинмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, олимларнинг илмий-амалий тадқиқотларида фан-техника тараққиётининг тавсифловчи ғоят мукамал формулалари таърифлаб берилган.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни қуриш, иқтисодий ўсишни изчил олиб бориш, ишлаб чиқариш тараққиётини

---

<sup>26</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.94.



тезлаштиришни илм-фансиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, ҳамма жойда, ҳамма вақтда фан-техника тараққиёти томон олға силжимоқ керак бўлади.

Ўзбекистон Давлатининг фан-техника сиёсати давлат ва нодавлат ташкилотлари, меҳнаткашлар жамоалари, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва тарбиявий чора-тадбирларининг, ҳаракатларининг тизими бўлиб, булар фанни ривожлантириш учун, унинг ютуқларини янги техника ва технологияда мужассамлаштириш ҳамда ана шу негизда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатидан оғишмай такомиллаштириб бориш учун қулай шароитлар яратишга қаратилгандир. Фан-техника сиёсатининг моҳияти ана шундан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника сиёсати умумдавлат сиёсати сифатидагина самарали амалга оширилиши мумкин бўлиб, унинг бутун таркибий қисмлари, шунингдек, уни амалга оширишда иштирок этувчиларнинг бутун фаолияти стратегик мақсадга бўйсундирилган.

Фан-техника тараққиётининг мазмуни ва мақсадларини давлат иқтисодий сиёсатининг муштарак (умумий) вазифалари, шунингдек, бозор иқтисодиётининг у ёки бу босқичининг аниқ тарихий шароитлари белгилаб беради. Фан-техника ривожини даражасини, бу борада ҳал этиладиган вазифаларни чуқур илмий умумлаштириш асосида давлат фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларини таърифлайди ҳамда уларни амалга ошириш учун оптимал шарт-шароитларни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқади.

Фан-техникани ривожлантириш ҳақида доимо ташаббус кўрсатган Республикаимизнинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг фан арбоблари ва муҳандис-техник ходимларнинг фаолияти туфайли мустақиллик йилларида қудратли фан-техника потенциали яратилди. Ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари, юзлаб лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари тадқиқотлар олиб бормоқдалар, янги техника ва технологияларни яратмоқдалар. Ҳозирги илмий-тадқиқот институтлари энг мукамал техника билан жиҳозланган ва юксак малакали илмий кадрлар қотишмасидан иборатдир.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари тадқиқотлар ёки амалий тажрибалар натижасида олинган ва янги материаллар, маҳсулотлар, жараёнлар, қурилмалар, хизматлар, тизимлар ёки усулларни яратишга йўналтирилган мавжуд билимларга асосланган тизимли равишда амалга ошириладиган ишлар киради. Ишланмалар таркибига конструкторлик, лойиҳавий ва технологик ишлар киради.

Илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмалари билан шуғулланадиган ташкилотлар сони 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 19 тага кўпайди ва 437 тани ташкил этди. Улар томонидан ўз кучи билан бажарилган илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари

ҳажми 2016 йилда 396 млрд. сўмга етди ва 2000 йилга нисбатан 37 баробарга ошди<sup>27</sup>.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан банд бўлган тадқиқотчи мутахасислар сони 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 27,4 фоизга ошди ва 31966 нафарни ташкил этди<sup>28</sup>.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини юқори даражага кўтариш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни янада изчил, янада қатъият билан талаб қилади. Айни чоғда илмий-техника ривожининг ютуқларини ишлаб чиқаришда рўёбга чиқариш механизмини такомиллаштириш ҳозирги босқичда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омили эканлиги давлат сиёсатининг энг муҳим қоидаси ҳисобланади. Ана шу механизмни такомиллаштириш фан-техника тараққиётини ташкил этиш ва бошқариш, режалаштириш ва прогнозлаш, маблағ билан таъминлаш ва рағбатлантириш каби элементларни ўз ичига олади.

## **7.2. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фан-техника тараққиётининг учта асосий йўналишидан фойдаланиш мумкин:<sup>29</sup>

- а) анъанавий йўналиш;
- б) замонавий йўналиш;
- в) истиқболли, устуворлик йўналишлар.

Анъанавий йўналишга электрлаштириш, механизациялаш, қисман автоматлаштириш, химиялаш киради.

Замонавий йўналишга электронизациялаш, комплекс механизациялаш, комплекс автоматлаштириш (роботлаштириш, компьютерлаштириш), атом энергетикасини жадал ривожлантириш, янги материалларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган технологияларни қўллаш, ундан фойдаланишда технологиянинг экологияга салбий таъсирини камайтириш, имкони бўлса бутунлай йўқотиш йўллари киради.

Афзаллик, устувор йўналишларга қуйидагилар киради:

- электронизациялаш, биотехнологияни кенг жорий этиш, иқтисодий информатикани кўпайтириб, ривожлантириб, ишлаб чиқаришни тўла ахборотлаштириш, фундаментал фанлар бўйича изланишларни кучайтириш;

- янги, илғор (прогрессив) технологияларни жорий этиш;

- техника ва технология, электр энергияси ва ёқилғиларнинг, хомашё ва материалларнинг энг янги турларини яратиш;

- мавжуд машина ва механизмларни, асбоб-ускуна ҳамда жиҳозларни модернизациялаш киради.

<sup>27</sup> <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2035-ilm-va-fan>

<sup>28</sup> Ўша жойда

<sup>29</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.95.

**Бозор иқтисодиётига** кириб бориш муносабати билан илм-фан соҳасига жуда кўп атамалар (терминлар), тушунчалар кириб келмоқда. Масалан, “Ноу-хау”, инновация, лизинг, технополис, венчур, инжиниринг, тендер ва ҳ.к.

“Ноу-хау” – бу техник, ташкилий-иқтисодий, тижорат билимлари ва тажрибанинг йиғиндиси бўлиб, алмашиш предмети ҳисобланади. “Ноу-хау” типига ахборот рақобатли ишлаб чиқаришнинг, савдонинг омили сифатида рўй бериши мумкин. “Ноу-хау”нинг энг характерли, тавсифий томони – бу техник билимларнинг янгилигида ва аниқ ишлаб чиқариш ва тижорат вазифаларини бажариш учун фойдалилигидадир. Уни амалга оширишда шартнома тузилади: ҳар хил чизмалар, лойиҳалар, смета (бўладиган кирим-чиқим ҳисоби), техкарталар, методикалар (бирор нарсага ўргатиш усуллари), формулалар (шартли белгилар билан ифодаланган математик миқдорлар), техник маълумотлар ва ҳ.к. таништирилади. Экспортер бу маълумотларни етказиб беради, импортер эса қабул қилиб олади.

**Инновация** – иқтисодиётга маблағ солиш жараёни. Янгиликни жорий этиш: биринчидан, техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар бўлса; иккинчидан эса, илмий-техника тараққиёти ютуқлари натижалари бўлган янги техника ва технология. Ихтирочиликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётлар майдонга келиши инновациянинг муҳим омиллари ҳисобланади.

**Лизинг** – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини узоқ муддатли ижарага олиш; узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар экспортини кредитлаш шакллари билан бири. Лизингнинг асосан молиявий ва оддий тури мавжуд.

**Молиявий лизинг** муайян муддатда ижарага берувчининг капитал харажатларини тўлиқ қоплашга етарли тўловлардан иборат бўлиб, мулк эгасига бир миқдор фойда ҳам беради.

**Оддий лизинг** – ижара даврида ижарага олинган мулк қисман амортизацияланади. Лизинг компанияси асбоб-ускуналар сотиб олиб, уларни ижарачи фирмага одатда бир йилдан 10-15 йилгача ижарага беради. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг асбоб-ускуналарни қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиш (бу ҳолда эгалик ҳуқуқи янги соҳибга ўтади); янги келишув асосида шартнома муддатини чўзиш; моддий бойликларни лизинг компанияларига қайтариш ва бошқалар кўзда тутилиши мумкин. Томонлар лизинг шартномасида кўрсатилган давр мобайнида уни бузишга ҳақи йўқ. Лизинг компаниялари машина ва ускуналар сотиб олиш учун шахсий ва қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар. Давлат одатда, уларга қарз олишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб беради.

**Венчур** – кичик бизнеснинг бир тури. Унинг моҳияти илмий-муҳандислик ишлари, янги техника, технология, товар намуналарини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат ишини ташкил этиш

узуллари ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажаришдан иборат. Бу ишлар билан “Венчур корхоналар” шуғулланади. Улар таркибида тижоратда воситачи бўлган корхоналар ҳам бўлади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида иш кўриб, фан-техника тараққиётига катта ҳисса қўшадилар. Улар венчур молиялаштиришда ҳам фаол қатнашадилар ва молиявий маблағ тўплаб, уни ишга соладилар.

**Инжиниринг** (инжинерлик – маслаҳат хизматлари) – тижоратчилик қоидаларига асосланган инжинирлик – маслаҳат хизматлари; ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини қуриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш. Бу иш билан инжиниринг фирмалари шуғулланади, улар мустақил фирма сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча мижозларга хизмат қилади. Экспорт инжиниринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади. Улар чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмалар бозорида лицензия сотади, техник янгиликларни хорижда жорий этади. Инжиниринг компаниялари даромади кўрсатилган инжиниринг хизматига боғлиқ бўлади. Халқаро инжиниринг хизмати ишнинг техник-ташкилий ва тижорат томонлари кўрсатилган контракт шаклида расмийлаштирилади, моҳияти билан муйян хизматларга буюртманинг бир кўринишидир. Инжиниринг хизматлари бозори – халқаро бозорнинг бир тури, инжиниринг хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилинишидир.

**Тендерлар** – бозорда ёки халқаро бозорда **машина** ва **ускуналарни** харид этиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инжиниринг хизмати кўрсатиш учун конкурс асосида буюртма бериш. Харидор ёки буюртмачи энг аввал конкурс эълон қилиб ҳаммани ўз шартлари билан таништиради. Шунга асосан конкурсда иштирок этувчи фирмалар, консорциумлар ёки корхоналар ўз таклифларини – тендерларини харидор, буюртмачига юборади. Тендерни инжиниринг фирмалари ҳужжатлаштиради.

Фан-техника тараққиётининг муҳим анъанавий йўналишларидан бири ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. **Электрлаштириш** деганда электр энергиясини етарли даражада ишлаб чиқариш, уни керакли жойларга узатиш ва ундан кенг фойдаланиш жараёни тушунилади. Унинг моддий асосини “Электроэнергетика” тармоғи ташкил этади. У электр энергияси ишлаб чиқарадиган жиҳозларни (электростанцияларни), истеъмолчиларга уни етказиб берувчи жиҳозларни (подстанцияларни) ва электр узаткичларни ўз ичига олади.

Электр энергияси ҳар турли станцияларда ишлаб чиқарилади:

- сув билан ишлайдиган электр станциялар (ГЭСлар);
- иссиқлик электростанциялари (ГРЭСлар);
- атом электростанциялари;

- қуёш электростанциялари;
- шамол ва бошқа электростанциялар.

Экспертларнинг далолат беришларича, келгуси юз йилликнинг ўрталарида сайёрамизда энергия ишлаб чиқариш ҳозирги даражадан ўн баравар ортади. Бундай ўсишни қайта тикланмайдиган органик ёқилғи ёрдамида таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли энергетика муаммоси энг жиддий жаҳоншумул муаммолардан бирига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон энергетикаси асосан органик ёқилғидан фойдаланишга асосланади. Умуман энергетика балансида нефть ва газнинг улуши тахминан 50 фоизни, кўмир 35 фоизни ташкил этади ва атиги 15 фоизи атом электростанциялари, гидроэнергетика ва бошқа манбалар улушига тўғри келади. Бироқ инсоннинг энергетика истеъмоли шу қадар тез суръатда ўсмоқдаки, органик ёқилғи каби анъанавий энергетика ресурсларининг захиралари навбатдаги юз йилликдаёқ етарли бўлмай қолади. Шу сабабли инсоният олдида янги энергия манбаларини эгаллашдек долзарб вазифа турибди. Ҳозирги пайтда қуёш, атом (оғир элементларнинг бўлиниши) ва ядро энергетикаси (енгил ядроларни термоядровий синтез қилиш) ана шундай манбалар ҳисобланади.

Ер сатҳига етиб келадиган қуёш энергиясининг умумий миқдори инсоният эҳтиёжларини қондириш учун батамом етарлидир. Бунинг яна бир афзаллиги, анча арзонга тушади.

Олимларнинг ҳисобларига қараганда, XXI асрнинг ўрталарига бориб, бутун дунёда жон бошига электр истеъмол қилиш 3-4 баравар ортади. Буни қандай таъминлаш мумкин? Органик ёқилғини ишлаб чиқаришни камайтириш керакми ёки йўқми? Албатта, бу саволга жавоб топиш керак бўлади. Бу муаммони ҳал этиш олимлар ва мутахассислар олдида катта вазифалар қўяди.

Атом энергетикасининг афзалликлари ва касофати тўғрисида икки оғиз сўз. АЭСларнинг емирилиши жуда мураккаб вазиятни келтириб чиқаради. Авария пайтида радиоактив моддалар ажралиб чиқа бошлаши катта ҳудуднинг радиоактив зарарланишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб АЭСларни барпо этиш хавфсизлик билан боғлиқ бўлган принципиал янги омилни келтириб чиқаради. Бу омил нақадар жиддий эканлигини эса Чернобиль АЭСидаги авария яққол кўрсатди.

Башарти, термоядер энергетикаси мавжуд бўлганда у барча мезонлар бўйича етакчи ўринни эгаллаган бўлур эди. Ҳали у яратилгани йўқ, шунчаки талаб холос. Мураккаб техникавий ва технологик вазифалар ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни электрлаштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилиши туфайли йилдан йилга электр энергияси ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Агар 2000 йилда 46 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2004 йилда 55 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Республикада олимлар ва энергетика саноати мутахассислари “Ўзбекистон электроэнергетикасининг тараққиёт концепциясини” ишлаб чиққанлар. Бу концепцияга биноан 2010 йилда 96 млрд кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бундай ўсишнинг асосий қисми иссиқлик электр энергияси тайёрлаш ҳисобига бўлади.

**Электронизациялаш** деганда ишлаб чиқариш жараёнларида электроникадан кенг фойдаланиш, яъни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ахборотни компьютерларда йиғиш, ўтказиш ва ишлаш тушунилади. Электрониканинг макро ва микро турлари мавжуд бўлиб, улар саноат ишлаб чиқариши бошқарувида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, лаҳзали бизнес борасида жуда қўл келади.

**Механизациялаш** – бу қўл меҳнати машина меҳнати билан алмаштиришдир. У икки хил бўлади: а) кичик механизациялаш; б) комплекс механизациялаш. У ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга замин тайёрлайди.

**Автоматлаштириш** – бу илгари одам бажарадиган, бошқариш ва назорат қилиш вазифалари асбоблар, автоматик қурилмалар зиммасига юкланадиган машинали ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни. Автоматлаштириш жараёнида инсон фақат операторлик вазифасини адо этади. Саноат ишлаб чиқаришини автоматлаштиришдан мақсад – меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг барча ресурсларидан фойдаланишнинг оптимал шароитини яратиш.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг уч тури, яъни қисман (айрим ишлаб чиқариш операцияларинигина автоматлаштирадиган), комплекс ва тўла хиллари мавжуд.

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда устуворлик касб этмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилнинг 30 майида имзоланган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармон алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Республикада компьютерлаштириш ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган. Бу кенгаш зиммасига мазкур соҳани ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденциялар ва мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш, бу борада дастурлар, лойиҳалар, меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан, мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Унда «... реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, турли аҳоли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш ...» белгилаб қўйилган.

Ўзининг ахборот–коммуникациялар технологиялари инфратузилмасини шакллантирган мамлакатларгина глобал иқтисодиётга кириб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар замонавий ишлаб чиқариш ёки ахборот–коммуникациялар технологияларини кенг кўламда қўллашга қарор қилдилар. Чунки улар қўшимча иш жойларини ташкил этиш ва ходимларни қайта тайёрлашда чет эл инвестицияларини жалб этадиган «ядро» бўлиб хизмат қилади.

Саноати ривожланган мамлакатлар ахборот – коммуникациялари бозорини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ушбу технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жаҳон бозори билан кечадиган интеграция жараёнларини тез суръатларда амалга оширишга катта имконият яратиб бермоқда. Ушбу анъаналарни мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда ахборот–коммуникациялар бозори шаклланишининг барча ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари мавжуд. Изчиллик билан ривожланиб бораётган ушбу тармоққа чет эл сармояларини жалб қилиш ва қўшма корхоналар очиш учун барча шарт – шароитлар етарли. Ана шу шарт – шароитлардан саноат ишлаб чиқаришида кенг фойдаланиш унинг самарадорлигини оширишга катта имкониятлар яратиб беради.

**Химиялаштириш** – бу ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида химия фанининг барча ютуқларидан кенг фойдаланиш. Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларига химик материалларни, хомашё ва материалларни қайта ишлашнинг химик усулларини жорий этишдаш иборатдир. Химиялаштириш ёрдами билан олдиндан белгиланган хусусиятли хомашё материалларни тайёрлаш мумкин. Масалан, бўёқ ва лаклар, синтетик каучук, синтетик тола, пластмассалар ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси жуда катта фан-техника салоҳиятига эга. Бу ерда Ўзбекистон ФА ва 400 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассаси ташкилоти бўлиб, уларда фан-техника тараққиётининг фундаментал ва амалий муаммолари тадқиқ қилинади, хусусан, саноат ишлаб чиқаришига унинг илмий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида илмий ва амалий ёрдам кўрсатилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатига хорижий мамлакатларнинг фан ва техника соҳасидаги тажрибаларини олиб келиш ҳамда уларни жорий этиш масаласига жуда катта эътибор берилмоқда. Кенг кўламда глобаллашув жараёни кечаётган бугунги

кунда олимларнинг ютуқлари тижоратлашиб бормоқда ва ҳозирги пайтда дунё бозоридаги энг қиммат маҳсулот турларидан бирига айланмоқда.

### **7.3. Фан-техника тараққиётининг самарадорлигини баҳолаш**

Янги техника ва технологияни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш керак бўлади. Шу сабабли янги техника ва технологияни жорий этиш асосида иқтисодиётда, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида юқори кўрсаткичларга эришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур.

Техник тадбирларнинг асосий гуруҳлари қуйидагилардан иборат:

- машина ва механизмлар, жиҳозлар ва асбобларнинг янги ҳамда такомиллашган турлари ва конструкциялари;
- хомашё, материаллар, ёқилғи ва энергиянинг янги турлари;
- технологик жараёнларнинг янги ва такомиллашган турлари;
- маҳсулотнинг химик ва физик хоссаларини, параметр ва ассортиментларини яхшилаш;
- технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш;
- жиҳозларни модернизациялаш;
- бино ва иншоотларнинг янги типларини яратиш;
- меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги ва такомиллашган усуллари;
- ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари.

Корхоналар, тармоқлар ва тармоқлараро комплексларда ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини кўтариш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш керак бўлади. Бу иш маълум чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига бўлиши мумкин. Чора-тадбирлар албатта самарали бўлиши керак. Уни ҳисобга олмасдан, баҳслашмасдан фан-техника бўйича тадбирларни ишлаб чиқаришга жорий этилмайди.

Фан-техника тараққиёти тадбирлари иқтисодий самарасини ҳисоблаш тартиби расмий ҳужжатлар, яъни методик қўлланмаларда изоҳлаб берилган.

Уларга қуйидагилар киради:

- капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича Намунали методика;
- иқтисодиётда янги техника, ихтирочилик ва рационализаторлик тавсифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси;



- корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари бошқарувининг автоматлаштирилган системасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси;

- бошқарувнинг компьютерлаштирилган тизимининг самарадорлигини аниқлаш методикаси;

- меҳнатни илмий ташкил этиш (МИТ) бўйича тадбир-чораларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси;

- атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган харажатларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун вақтинчалик методика.

Ундан ташқари, тармоқ вазирликлари, илмий текшириш институтлари, лойиҳа ташкилотлари, олий ўқув юртлари ҳам методик материаллар тайёрлаши мумкин.

Техника тараққиёти энг аввало янги техникани яратиш орқали амалга оширилади, рўй беради. Шу сабабли яратилган ва жорий этилаётган техника самарали ёки самарасизлигини билиш керак бўлади. Демак, самарани ўлчаш ва баҳолаш керак.

Янги техниканинг иқтисодий самарадорлиги барча саноат тармоқларида, илмий-текшириш институтларида, лойиҳалаш ташкилотларида тегишли тадбирларни аввалги йиллардаги ўзлаштириш натижаларини ифодаловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

Илмий-техникавий тадбирларнинг кўп йиллик тажрибаларига асосланган турли кўрсаткичлар, жумладан, машина ва техникавий воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида эришиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидагича аниқланади:

$$\dot{Y} = [3_1 \cdot \dot{a} - 3_2 \cdot \dot{I}] \cdot \dot{A}_2 - S$$

Бу ерда:  $3_1$  ва  $3_2$  – мавжуд ва янги техника ёрдамида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатлари (келтирилган харажатлар);

**a** – янги техникавий воситаларнинг сифатини, нисбий афзаллигини ифодаловчи коэффициент бўлиб:

$$a = \frac{Q_2 P_1 + E_H}{Q_1 P_2 + E_H}$$

бу ерда:  $Q_1$  ва  $Q_2$  – мавжуд ва янги техникавий воситалар бирлиги ёрдамида йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$P_1$  ва  $P_2$  – мавжуд ва янги техникавий воситалар қийматидан уларни тиклаш учун ажратмалар салмоғи;

**П** – янги техникадан фойдаланиш даврида эришиладиган самарадорлик. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Pi = \frac{[U_1^1 - U_2^1] - E_H [K_2^1 - K_1^1]}{P_2 + E_H}$$

бу ерда:  $U^1_1$  ва  $U^1_2$  - мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш давридаги жорий харажатлар;

$K^1_1$  ва  $K^1_2$  – мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмалар;

$E_n$  – капитал қўйилмаларининг норма даражасидаги самарадорлик коэффиценти (0,15);

$A_2$  – янги техника жорий этилгандан кейин унинг ёрдами билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми;

$S$  – янги техникани лойиҳалаштириш харажатлари.

Янги техника самарадорлигини ҳисоблаш қиёсий самарадорликни аниқлаш тамойилларига асосланади. Ҳозирги кунда бундай ҳисоб-китоблар иқтисодийда янги техникадан, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси асосида амалга оширилади.

Бу методикага биноан иқтисодий самара қуйидаги формула ёрдами билан ифодаланади:

$$C = (X_1 - X_2) \cdot A_2,$$

бу ерда:  $C$  – йиллик иқтисодий самара, сўм;

$X_1$  ва  $X_2$  – янги техника ёрдами билан тайёрланган маҳсулот бирлигига сарфланган келтирилган харажатлар ( $T + E_n \times K$ );

$A_2$ –ҳисобот йилида янги техника ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми.

Янги техника ва технологиянинг иқтисодий самарадорлигини режалаштириш ва башорат қилишда унинг бир қатор асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга, жумладан фойданинг кўпайиши, меҳнат унумдорлигини ошиши меҳнат, моддий ва капитал сиғимининг пасайиши, маҳсулот таннархининг камайишига таъсир этиши ҳисобга олинади. Масалан, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобига олинadиган режали фойданинг кўпайиши қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Delta \Phi_t = [(B_t - T_t) \cdot A_t - (B_1 - T_1) \cdot A_1]$$

бунда  $\Delta \Phi_t$ - келгуси даврда фойданинг ошиши (сўм ҳисобида);

$B_t$  ва  $T_t$  корхона улгуржи баҳоси ва янги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннари;

$B_1$  ва  $T_1$ –корхона улгуржи баҳоси ва алмаштириладиган маҳсулотнинг янги техникани жорий этилгунгача бўлган йилдаги таннари (сўм ҳисобида);

$A_t$  ва  $A_1$  – келгуси даврда ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот ва янги техникани жорий этишгача бўлган йилдаги алмаштириладиган маҳсулотнинг ҳажми (сўм ҳисобида).

Янги техниканинг самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил этиш унинг ижтимоий натижалари ва оқибатларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Улар жумласига, меҳнат шароитларини яхшилиш, хавфсизлик ва қулайликни таъминлаш, ходимларнинг билими ва илми ҳамда

малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон фаолияти учун энг яхши шароитлар яратиш киради.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноатда илмий-техника базаси – бу унинг илмий салоҳияти ва барча меҳнат воситаларининг мажмуидир. Бу салоҳият энг аввало саноатни, сўнгра, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожини таъминлайди.

2. Саноат соҳасида фан-техника тараққиётини анъанавий йўналишларига ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва электронизациялаш, механизациялаш ва автоматлаштириш, химиялаштириш ва янги (прогрессив) технологияларни жорий этиш киради.

3. Ўзбекистон Республикаси бу борада ўзининг жуда катта салоҳиятига эга. Мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун ана шу салоҳиятдан тўла-тўқис фойдаланиш ва фан-техника тараққиётини янада тезлатиш зарур.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Техника ва технологиянинг тавсифи ва унинг турлари.
3. Фан-техника тараққиётининг йўналишлари:
4. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва электронизациялаш; ишлаб чиқаришни химиялаштириш, янги меҳнат буюмлари, қуроллари, энергия ва ёқилғининг янги турларини яратиш;
5. Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули.
6. Микроиқтисодиёт ва молиявий барқарорликка эришиш – ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти.

## **8-МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИЖТИМОЙ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш, концентрациялаш, оптимал йирикликдаги корхоналар, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, корхоналарнинг ихтисослашуви, буюмлар бўйича ихтисослаштириш, деталли ихтисослаштириш, технологик ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, буюмли (агрегатли) кооперативлаштириш, технологик кооперативлаштириш, тармоқлараро кооперативлаштириш, районлараро кооперативлаштириш, комбинациялаштириш, комбинат, хомашёни тайёр маҳсулот олгунча кетма-кет босқичларда қайта ишлаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш, хомашёни ёппасига қайта ишлаш, хомашёни комплекс қайта ишлашга асосланган комбинатлаштириш

### **Режа:**

**8.1. Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги**

**8.2. Концентрациялаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

**8.3. Ихтисослаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

**8.4. Кооперативлаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

**8.5. Комбинатлаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

### **8.1. Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига уларни умумлаштириш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнлари сезиларли таъсир кўрсатади. Саноатни концентрациялаштириш ва комбинациялаштириш ижтимоий меҳнатни йирик корхоналарда мужассамлаштиришни ифодаласа, ихтисослаштириш ҳамда кооперативлаштириш эса саноат тармоқлари таркибида меҳнат тақсимооти ва уларнинг ҳамкорлигини ифодалайди.

Меҳнат тақсимоотининг ривожланиш даражаси ва уни умумлаштириш жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда муносабатларининг такомиллашишида ўз аксини топади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шакллари мустақиллик туфайли ва миллий иқтисодиётни эркинлаштириш муносабати билан ўз моҳияти ва мазмунини, мақсад ва вазифаларини анчагина ўзгартирди. Айниқса ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, кичик ва ўрта корхоналарнинг пайдо бўлиши муносабати билан улар ўртасида уйғунлашув юзага келди.

Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шаклларига қуйидагилар киради:

- концентрациялаштириш;
- ихтисослаштириш;

- кооперативлаштириш;
- комбинациялаштириш;

**Концентрациялаштириш** - бу бир хил, ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни йириклаштиришдир.<sup>30</sup>

**Ихтисослаштириш** эса - бу алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, корхоналар, тармоқларни конструктив ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки жараёнларни бажаришга мужассамлаштиришдир.

**Кооперативлаштириш** - маълум турдаги маҳсулотни ҳамкорликда тайёрлаш бўйича корхона (фирма)ларнинг биргаликда фаолият кўрсатишидир.

**Комбинациялаштириш** - турли тармоқларга мансуб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки жараёнларни бир корхона миқёсида мужассамлаштиришдир.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида, Президент асарларида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Натижада улар оқилона равишда, саноат сиёсатининг барча талабларига жавоб берадиган йўсинда ривожланиб бормоқда. Бу жараёнларнинг зарурлиги ва уларни такомиллаштириш масалалари миллий иқтисодиёт тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

## **8.2. Концентрациялаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

Ишлаб чиқаришнинг концентрациялаштириш – бу маҳсулот тайёрлаш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишни энг йирик корхоналарда тўплаш жараёнидир. Унинг бир неча турлари мавжуд. Улар агрегат, технологик, ташкилий хўжалик ва корхона (фирма) ларни йириклаштириш шаклларида ифодаланади.

Саноатни концентрациялаштириш агрегат, технологик, ташкилий-хўжалик ва заводларни йириклаштириш шаклларида ифодаланади.

Агрегат шаклида ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш - дастгоҳларнинг қувватини оширишдир, яъни агрегатларнинг унумдорлигини юқори даражага ҳамда маълум хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг умумий қувватида юқори унумдор агрегатлар салмоғини кўпайтиришдир. Бу жараён саноатнинг етакчи, айниқса, электроэнергетика, металлургия, химия, ёқилғи ва қурилиш материаллари тармоқларида сезиларли.

Концентрациялаштиришга технологик жиҳатдан ўхшаш ишлаб чиқаришларнинг қувватини ошириш орқали эришиш мумкин. Масалан, металлургияда - чўян, пўлат эритиш, прокат ишлаб чиқариш, тўқимачиликда – йигириш, тўқиш, бўяш, машинасозликда - қуюв,

<sup>30</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.105.

механик ишлов бериш, йиғув жараёнларининг мужассамлашиши.

Корхоналарни ва уларнинг таркибидаги цех ва участкаларни йириклаштириш ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажмини кўпайтиради, маҳсулот сифатини яхшилади, меҳнат унумдорлигини оширади. Бунга йирик корхоналарни қуриш, ишлаб турган корхоналарни қайта курулантириш, кенгайтириш, бирлашмаларни тузиш йўли билан эришилади.

Иқтисодий районларнинг индустриал ривожланиш даражаси, уларнинг таркибидаги йирик, ўрта ҳамда кичик саноат корхоналарнинг салмоғи бўйича ифодаланади.

Саноатни концентрациялаш масалаларини маълум маҳсулотларга эҳтиёж, уларни ишлаб чиқариш имкониятларини ҳамда эришиладиган иқтисодий натижаларни эътиборга олган ҳолда ҳал этиш тавсия этилади.

Корхоналар ишлаб чиқаришнинг ҳажмига биноан йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади. Улар бир биридан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳажми, асосий фондларнинг қиймати, ходимларнинг сони билан фарқланади.

Йирик, ўрта ва кичик корхоналарни қуриш зарурияти Ўзбекистон Республикасининг моддий-техника базасини яратишда вақт омилининг аҳамияти ниҳоятда юқорилиги билан аниқланади.

Ҳар бир саноат корхонаси ўз афзалликлари ва камчиликлари бўйича бир биридан фарқланади.

Йирик корхоналарнинг афзалликларига кўйидагилар киради:

-юқори унумли техника ва илғор технологияни қўллаш ва ундан фойдаланиш имкониятларининг кўплиги;

-ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш;

-ходимлар меҳнат унумдорлигининг юқорилиги;

-саноатга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган энг янги фан-техника ютуқларини, ўзлаштиришга таъсир кўрсатадиган қувватли конструкторлик, технологик ва илмий-тадқиқот лабораториялари, бюроларини ташкил этиш имкониятлари;

-шартли-доимий харажатларнинг камлиги;

-маҳсулот бирлигига тўғри келадиган асосий ва ёрдамчи хизмат кўрсатиш харажатларининг пастлиги.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик корхоналарнинг ўрни ва роли жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мустақиллик йилларида ўрта ва кичик корхоналарнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилди. Натижада уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга тенг бўлди.

Йирик, ўртача ва кичик корхоналар оқилона ривожлантирилгандагина ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш мумкин. Бу вазифани ҳал этиш ишлаб чиқаришни концентриялаштиришга бевосита боғлиқдир. Бунинг учун корхоналарнинг оптимал йириклигини аниқлаш керак бўлади.

**Оптимал йирикликдаги** корхоналар деб, техника тараққиётининг ҳозирги даврида маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уни истеъмолчиларга етказилишининг минимал даражадаги ижтимоий меҳнат харажатлари эвазига таъминлайдиган корхоналарга айтилади.

Оптимал йирикликдаги корхоналар ўзаро боғланган йирик, ўртача ва кичик ишлаб чиқаришларни ўз ичига олиб, агар уларнинг ҳар бири оқилона ихтисослашган бўлса, йирик корхоналарнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади. Демак, келажакда Ўзбекистонда маданийлашган, тўлақонли, бозор иқтисодини яратиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш жараёни йирик ва ўрта корхоналарни оқилона уйғунлаштиришни тақозо этади.

### **8.3. Ихтисослаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда уни рационал ташкил этиш, жумладан, ихтисослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш (франц. – specialisation, лотинча specialis – айрим, махсус) – ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш хилма-хил маҳсулотларни, уларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини бир биридан ажралиб чиқиши туфайли янгидан янги кўпгина ишлаб чиқариш соҳаларининг вужудга келиш жараёнидир.<sup>31</sup>

Тарихий тараққиёт жараёнида қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа ҳар хил ишлаб чиқаришлар мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан. Бу соҳаларнинг ўз ичида ҳам ажралиб чиқиш содир бўлиши натижасида бирон аломатига кўра бир-бирига яқин корхоналарни бирлаштирувчи ихтисослашган тармоқ вужудга келган.

Алоҳида ихтисослашган тармоқлар ва корхоналар бир хил ёки бир турли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қуйишга эришганлар ҳамда махсус, ўзига хос технология жараёни ва ихтисослашган кадрлар билан ажралиб турган ва туриши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштиришнинг энг биринчи ва элементар шакли саноатнинг бошланғич шакли бўлмиш ҳунармандчилик билан бирга вужудга келди. Меҳнат тақсимооти асосида ривожланаётган товар хўжалиги натурал хўжалиги, ишлаб чиқаришнинг универсализминини емириб ташлади.

**Корхоналарнинг ихтисослашуви** - уларда мукамалроқ техника ва технология, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини қўллашни енгиллаштирувчи турдош маҳсулот ишлаб чиқаришни мужассамлаштириш жараёнидир.

Ихтисослаштириш жараёнининг тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан

<sup>31</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.108.

белгиланади. Ихтисослаштириш, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучининг жуда кенг миқёсда бирлаштирилиши ҳозир иқтисодий зарурият бўлиб қолди. Ҳозирги замон техника тараққиётининг муҳим омиллари – электронизациялаш, комплекс автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва жорий этиш, илғор технологияларни, жумладан, биотехнологияларни вужудга келтириш ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш саноат корхоналарининг ишини энг рационал, оқилона ташкил этиш ҳисобланиб, бинолардан, жиҳоз ва асбоб-укуналардан, материаллардан беками-кўст фойдаланишда, фан ва техниканинг энг охириги ютуқларини жорий этишда, такомиллашган махсус машина ва асбобларни қўллашда, меҳнат унумдоригини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларини тежашда катта самара келтиради.

Корхона бўлимларининг ихтисослашуви - айрим цехлар, участкалар, иш жойларининг айрим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва жараёнларни бажаришга ихтисослашувида ифодаланади.

Саноатда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш жараёнининг қуйидаги шакллари кенг тус олган:

-биринчи, энг оддий ва кенг тарқалган шакли **буюмлар бўйича ихтисослаштириш**. Унинг бундай шакли корхоналарни технологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган ва чекланган миқдордаги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослаштиришдан иборат;

-иккинчи, **деталли ихтисослаштириш**, яъни буюм ёки маҳсулотнинг бир қисмини, узел деталини (масалан, мотор, редуктор, карбюратор, поршень, гильза, кузов, бункер ва ҳ.к.ларни) ишлаб чиқариш;

-учинчи, **технологик ихтисослаштириш**. Бу ихтисослаштиришнинг энг олий шакли бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг маълум операцияларини бажаришни ўзида мужассамлаштиради. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг кенгайиши ихтисослашишнинг доимо ривожланиши ва мукаммаллашувининг зарурлигини ифодалайди. Масалан, машинасозликда буюмлар бўйича ихтисослашиш - маълум ишлаб чиқариш тармоқлари ёки иш турлари (пахта териш, йўл қурилиши) учун машиналар ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви йўналишида ривожланмоқда. Бундай ихтисослашиш конструкторларга айрим тармоқларда машиналарнинг ишлаш шароитларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда мукамалроқ техника яратиш имконини кенгайтиради. Бир корхона миқёсида тугалланган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши унга доимо хизмат қилиб, зарур қисмларни етказиб берувчи ихтисослашган корхоналар ташкил этилишинн тақозо этади. Чунки барча хил маҳсулот ишлаб чиқаришни бир корхонага тўплаш мумкин эмас. Шу туфайли қисмлар ёки маҳсулотнинг бўлакларини



ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этилган. Бу хил қисмлар бўйича ихтисослашган корхоналар кўпроқ машинасозликда кўринади.

Қисмлар ёки маҳсулот бўлақларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган корхона ва тармоқларга шарикоподшипниклар, поршень ишлаб чиқарувчи заводлар, карбюратор заводи, редуктор, асбоб-анжомлар, қўйма, эҳтиёт қисмлар, телевизор трансформаторлари, телевизорга футлярлар, конденсаторлар, юқори босимли насослар, диван-кроватьлар учун оёқлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш мисол бўла олади. Масалан, шарикоподшипниклар, поршенлар, редукторлар, моторлар ва бошқалар тайёрлайдиган турли жараёнларга ташкилий жиҳатдан бўлиниши мумкин.

Корхоналарнинг технологик ихтисослашувига машинасозлик заводлари учун тайёр қисмлар ишлаб чиқарувчи, қуювчи ва темирчи-прессловчи заводлар, тўқимачилик фабрикалари учун ип-йигирув фабрикалари мисол бўла олади.

Ихтисослаш даражасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

-ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотининг шу маҳсулот турининг умумий ҳажмидаги салмоғи;

-ишлаб чиқарилган, технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган ассортиментдаги буюмларнинг гуруҳлари, турлари.

Корхона таркибидаги ихтисослашувни таърифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-дастгоҳлар илғор турларининг ушбу корхона ёки цех дастгоҳларининг умумий миқдоридаги салмоғи;

-поток линияларда ўрнатилган дастгоҳларнинг салмоғи. Масалан, поток усулида ишлаб чиқаришда банд бўлган металл қирқувчи дастгоҳларнинг ҳамма асбоб-ускуналар қийматига нисбати (фоиз ҳисобида);

-корхона ишлаб чиқарадиган турли маҳсулотларда унификациялаштирилган ёки бир шаклга келтирилган деталлар ва қисмлар салмоғи.

Ихтисослашган корхона (фирма)лар ва уларнинг бўлималари сонининг ўсиши ҳам ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви юқори даражада эканлигини кўрсатади.

#### **8.4. Кооперативлаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

Саноатда корхоналар ихтисослашувининг ривожини ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш асосида амалга ошади.

Кооперативлаштириш - бу маълум маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизмат бажаришни биргаликда олиб бориш бўйича тармоқлар ва улар корхоналарининг давомли ишлаб чиқариш алоқалари

шаклларидан бири.<sup>32</sup>

Кооперативлаштиришда маҳсулот етказиб бериш тартиби ишлаб чиқариш жараёнида буюртмачининг маълум ишлаб чиқариш-техникавий топшириқни бажаришини ҳисобга олишини талаб этади. Кооперативлаштириш хомашё, ёқилғи ва стандартлаштирилган яримфабрикатлар ҳамда буюртмаларни етказиб бериш босқичларини қамраган ҳолда моддий-техника таъминотидан фарқланади.

Кооперативлаштириш мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тезлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга имконият яратиб беради.

Саноатнинг ривожланиш даврларида ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришнинг бир қанча самарали шакллари вужудга келди. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- буюмли (агрегатли) кооперативлаштириш;
- технологик кооперативлаштириш;
- тармоқлараро кооперативлаштириш;
- иқтисодий районлараро кооперативлаштириш.

**Буюмли (агрегатли) кооперативлаштириш** - бу машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи бош корхонага турли бутловчи буюм ва деталларни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолиятидан иборат. Масалан, деталлар бўйича кооперативлаштириш усулида ихтисослашган корхоналар бош корхонага шарикоподшипниклар, поршенлар, турли узеллар ва асбоб-ускуналарнинг қисмларини етказиб беришлари мумкин.

**Технологик кооперативлаштириш** – бу бир ва бир неча корхоналар ўртасида алоҳида жараёнларларни бажариш бўйича ҳамкорликдир. Ишлаб чиқаришнинг қайси тармоққа тааллуқлилиги нуқтаи назаридан тармоқ ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперацияси вужудга келади.

**Тармоқлараро кооперативлаштириш** саноат тармоқларининг бир бирига хизмат кўрсатишини ифодалайди. Масалан, саноат ишлаб чиқаришининг машинасозлик тармоғи металлургия саноати билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Кооперация асосида маълум маҳсулотларни тайёрлаши, бир бирига бутловчи буюмлар етказиб бериши ва муайян ишларни бажариб бериш мумкин.

Ўзаро боғлиқ бўлган корхоналарни жойлаштириш нуқтаи назаридан иқтисодий районлар миқёсида ва районлараро кооперативлаштириш кенг тус олиши мумкин.

**Районлараро кооперативлаштириш** турли иқтисодий ҳудудларда жойлашган корхоналар ўртасидаги алоқаларни ифодалайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шаклига баҳо

---

<sup>32</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.110.

бериш учун унинг аҳволини ва имкониятларини билиш лозим. Бунинг учун ҳар хил кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- биринчидан, ушбу корхона билан ҳамкорлик қилувчи корхоналар сони. Бунда етказиб берувчи ва буюртмачи корхоналарнинг сони алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Масалан, автомобиль заводлари юзлаб корхона (фирма)лар билан ҳамкорлик қилсалар, станоксозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш алоқалари атиги бир нечта корхоналар билан чегараланган бўлади.

- иккинчидан, кооперация усулида олинаётган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмларнинг ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот таннархидаги улуши. Масалан, автомобил таннархида ташқаридан кооперативлаштириш йўли билан олинadиган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмларнинг улуши тахминан 40-45 фоизни ташкил этади.

### **8.5. Комбинациялаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари**

Саноатнинг ҳар бир тармоғида катта корхоналар бўлаверади. Лекин иккинчи томондан замонавий саноатга комбинация деган нарса хосдир. Саноатни комбинациялаштириш турли саноат тармоқларининг бир корхонада қўшилишидирки, бу тармоқлар ё хомашёни кетма-кет ишлаб берувчи тармоқлар (масалан, рудадан чўян қуйиш ва чўянни пўлатга айлантириш, сўнгра, эҳтимол, пўлатдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш) ёки бири иккинчисига нисбатан ёрдамчи рол ўйновчи тармоқлар (масалан, чиқиндиларни ёки қўшимча маҳсулотни ишлаш; упаковка буюмлари ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) бўлади.

Комбинат таркибидаги бўлимларнинг техник-иқтисодий бирлиги, ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот миқдори, турлари на сифати бўйича ўзаро мослиги улар ўртасидаги иқтисодий алоқадорликни ифода этади. Бўлинмалар ўртасидаги иқтисодий алоқадорлик эса турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

Комбинатнинг хомашё, энергетика ва транспорт манбалари бирлиги, унинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг умумий коммуникация (сув, буғ, газ, электр билан таъминлаш) тизимлари бирлашганлигини, умумий транспорт хўжалигидан фойдаланишини, дастлабки хомашёларни ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашини, бир-бирларини ярим фабрикат ёки чала маҳсулот билан таъминлашини кўрсатади.

Комбинациялаштирилаётган корхоналарнинг ҳудудий бирлиги ягона технологик тизимни ташкил этувчи бирлаштирилаётган ишлаб чиқаришларнинг узвий технологик боғлиқлигидан келиб чиқади. Бу тизимда узилиш бўлмаслиги учун, комбинатнинг барча ишлаб чиқариш бўлимлари бир майдонда жойлаштирилади. Бу химик-технологик ва термик ишлаб чиқариш жараёнлари (кимёвий, металлургия, нефтехимия, озиқ-овқат ва ҳ.к.) устун бўлган комбинациялаштирилган

корхоналар учун айниқса муҳимдир. Комбинациялаштиришни ривожлантиришнинг асосий шарти ишлаб чиқаришни йириклаштиришдир.

Комбинациялаштириш натижасида хомашёдан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратиладики, бу эса саноатнинг хомашё манбаини кенгайтиради.

Комбинациялаштириш саноат ишлаб чиқаришда жараёнларни узлуксиз олиб бориш, уларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва натижада иш кучини тежаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундай ишлаб чиқариш шароитида бир қатор қурилиш объектлари учун капитал харажатлар, маҳсулот ва хомашёни узоққа ташиш, умумзавад харажатлари қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади, таннархи камайиб, сифати эса анча яхшиланади ва истеъмолчилар талаби тўлароқ қондирилади.

Комбинатлаштиришнинг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

-хомашёни тайёр маҳсулот олгунча кетма-кет босқичларда қайта ишлаш;

-ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш;

-хомашёни ёппасига қайта ишлаш.

**Хомашёни комплекс қайта ишлашга асосланган** комбинатлаштириш энг ривожланган ишлаб чиқариш бўлиб жуда катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки бу шаклда хомашё, материаллар ва чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш мумкин бўлади. Комбинатлаштиришнинг бундай зарурлиги хомашё таркибида турли элементларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, Оҳангарон рудаларининг кўп қисми комплекс, полиметаллик тавсифга эга бўлиб, улардан баъзи бир элементларнинг қиймати мис қийматидан 9-10 баробар юқоридир. Ҳозирги замон техника ва технологияси ердамида у ерда мис билан бирга олтингургурт, қалай, қўрғошим, олтин, селен, телур ва бошқа бир қатор нодир буюмлар олинмоқда.

Алоҳида комбинатнинг ривожланиш даражаси ўша комбинат камраб олган тармоқлар ва ишлаб чиқариш стадияларининг сони билан тавсифланади. Шу сабабли одатда тўла-тўқис ва тўла бўлмаган комбинатларни фарқлайдилар. Масалан, тўла-тўқис тўқимачилик комбинати барча босқичлар (йигириш, тўқиш ва пардозлаш)ни камраб олади. Тўла бўлмаган тўқимачилик комбинати эса ўз ичига бир ёки икки босқични олади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш жуда юқори даражага кўтарилган. У айниқса металлургия, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида кенг тарқалган. Республикада бу тармоқларга тааллуқли жуда йирик, дунё миқёсида тан олинган комбинатлар фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига Навоий комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати бошқаларни киритиш мумкин.

## **Қисқача хулосалар**

1. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш - бу ишлаб чиқаришнинг тобора йирик корхоналарда жамланиш жараёнидир. Ишлаб чиқариш концентрацияси даражаси катта корхоналарнинг бутун тармоқда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги солиштирма оғирлик кўрсаткичлари билан аниқланади.

2. Кўп укладли ва ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналар маҳсулотларининг солиштирма оғирлигини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Катта, ўрта, кичик корхоналарни бирга олиб бориш ижтимоий тараққиётнинг кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини тўғри ечиш учун ёрдам беради.

3. Саноатнинг ихтисослашуви муайян маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ўзига хос ишлаб чиқариш аппарати, технологик жараён ва ихтисослашган кадрлар билан тавсифланувчи тармоқ ва ишлаб чиқаришнинг ажратилиши билан ифодаланади.

4. Ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш - бу муайян бир маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларидир.

5. Комбинатлаш - бу ёки хомашёни қайта ишловчи кетма-кет босқичлардан иборат ёки ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган турли саноат тармоқларининг бир корхонада бирлашишидир. У хомашёни ва материалларни мунтазам босқичларда қайта ишлашни, уларни комплекс равишда ишлатишни таъминлайди ҳамда камчиқимли ва умуман чиқиндисиз технологияларни жорий қилишга имконият туғдиради.

6. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги саноатнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб географик жойлаштирилишига чуқур ўзгаришлар киритди. Саноат ишлаб чиқаришининг жойлаштирилиши кўпукладли иқтисодиёт ва бозор муносабатларига ўтиш қонуниятларига таянган тамойилларга мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

7. Саноатнинг тўғри жойлаштирилиши - бутун ижтимоий ишлаб чиқариш ўсишини тезлаштиришнинг ва республика хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир.

8. Қурилиш райони ва жойини асослашда қурилиш, шунингдек, яратилаётган объектнинг кейинчалик қилинадиган эксплуатациясининг номинал тежамкорлиги ҳисобга олинади.

## **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Саноат ишлаб чиқаришини ижтимоий ташкил этиш шаклининг таркибий қисмлари.
2. Ишлаб чиқариш концентрациясининг моҳияти, мазмуни, шакллари, кўрсаткичлари.
3. Кичик ва ўрта корхоналар концентрацияси ва самарадорлигининг оптимал ҳажмлари.

4. Саноатда ихтисослашув ва кооперация. Уларнинг мазмуни, кўрсаткичлари ва самарадорлиги.

## **9-МАВЗУ. САНОАТДА КАДРЛАР ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** кадрлар сиёсати, кадрлар потенциали, юқори малакали кадрлар, кадрлар (ходимлар), кадрларга бўлган талаб, ишчи ходимлар, муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар, иш бажарувчи кичик ходимлар, «мутахассислик», «ихтисослик», «малака», «Кадрлар тузилмаси», кадрлар таркиби ва структураси, кадрларни танлаш, кадрлар аттестацияси, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, меҳнат, иш ҳақи, меҳнат бозори, меҳнатни нормалаш, иш ҳақининг шакллари ва тизимлари, тариф тизими, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотлари.

### **Режа:**

- 9.1. Кадрлар сиёсати ва унинг саноат тараққиётидаги роли**
- 9.2. Кадрлар, уларнинг таркиби ва структураси**
- 9.3. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш**
- 9.4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**
- 9.5. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш.**

### **9.1. Кадрлар сиёсати ва унинг саноат тараққиётидаги роли**

Саноат тараққиётининг муаммолари умумий мажмуида уни ходимлар билан таъминлаш масаласи, уларнинг манбалари, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш шаклларини ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масалаларини аниқлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шаротида саноат корхона (фирма) ларни кадрлар (ходимлар) билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ходимлар (кадрлар) ўзларининг билими ва илми, меҳнат малакаси, ишлаб чиқариш тажрибаси ва маънавияти билан ишлаб чиқариш кучларининг муҳим унсури ҳисобланади. Улар фан-техника тараққиёти ривожининг, меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулот сифатини оширишнинг ва унинг таннархини пасайтиришнинг ҳамма соҳалари, ҳамма томонларининг самарадорлигини белгилайдилар.

Шу сабабли ҳам «Ҳамма ишларни кадрлар, ҳал қилади» - деган машҳур қоида ҳозирги кунда ҳам асло ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча бу асосий фикр ҳукуматимиз қарорлари ўз исботини топмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришида нафақат меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари (ишлаб чиқариш воситалари), балки кадрлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқарадилар, жорий ва истиқболга тегишли режалаштиришни ва башорат қилишни амалга оширадилар, ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий ресурсларни ҳаракатга келтирадилар. Кадрларнинг билими, илми,

касбий маҳорати қанчалик юқори бўлса, саноат фаолиятининг ишлаб чиқариш – иқтисодий параметрлари шунчалик юксак бўлади. Демак, саноат ишлаб чиқаришининг аҳволи, ҳолати, ривожининг кадрлар потенциали билан белгиланади.

Шу ерда «потенциал» атамасининг маъносини тушунтириб ўтиш керак бўлади, чунки бу тушунча бозор иқтисодиёти шаротитида жуда кўп ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «потенциал» сўзи латинча «*potentia*» сўзидан олинганлиги ва имконият, куч-қудрат, яширин имкониятлар маъноларини билдириши таъкидланган. Одатда бу атамада мавжуд бўлган ва сафарбар этилиши, ҳаракатга келтирилиши, маълум мақсадларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, заҳиралар ва манбалар ҳам изоҳланиши мумкин.

Кадрлар потенциали – бу меҳнат заҳираси ёки имкониятидир. У жамият меҳнат потенциалининг таркибий қисми ҳисобланади. Унда меҳнат ресурсларининг умумий сони ва уларнинг таркиби, маълумот даражаси, профессионал кўникмаси ва ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида меҳнат қилиш қобилияти акс этади.<sup>33</sup>

Саноат ишлаб чиқаришининг муваффақияти пировард натижада раҳбар кадрларнинг етуқлигига, билим ва илмининг даражасига, иш малакаси ҳамда ташкилотчилик қобилиятига, уларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга боғлиқдир.

Давлат кадрлар сиёсатини жамият ҳаётининг барча томонларига раҳбарлик савиясини ошириш билан, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида жамоа ташкилотларининг раҳбарлик ролини кучайтириш билан бевосита боғлайди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари кадрлар билан ишлашни муттасил назорат қилиб борадилар ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар масаласида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ягона йўлини оғишмай ўтказиб борадилар.

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳасида, шу жумладан, саноат тармоғида ҳам натижалилик, самарадорлик кўп жиҳатдан ўрта бўғин кадрларга боғлиқ. Улар раҳбарларнинг энг кўп сонли категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришга ҳаммадан яқинроқ турадилар. Шу боисдан республикада ўрта бўғин кадрларга алоҳида аҳамият берилади.

Кадрлар сиёсатининг мазмуни, уни амалга оширишда амал қилинадиган бир қатор тамойиллар мустақилликка эришилгандан кейин бутунлай ўзгарди. Кадрлар ишининг усуллари, шакллари, бу ишга ёндошишнинг сиёсий ва ташкилий раҳбарлик усуллари ҳақидаги қоидалар қайтадан ишлаб чиқилди.

Маълумки, сиёсат кишилар орқали юритилади. Ҳар қандай ташкилий масалаларни сиёсатдан ажратиш мумкин эмас. Шу сабабли,

---

<sup>33</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.116.



одатда ходимларнинг ишчанлик ва сиёсий хислатларига; ошкораликка ва ходимларни очиқ-ошкора танлашга, раҳбарликнинг давомийлигига риоя қилган ҳолда уларни ўзгартириб туришга; кекса ва ёш кадрларни қўйиб ишлатишга, кадрларга ишонишга ҳамда уларга нисбатан қатъий талабчан бўлишга; давлатнинг асосий вазифалари ва ходимларнинг шахсий қобилиятларига мувофиқ тарзда кадрларни жой-жойига қўйишга; уларнинг ажойиб фазилатлари ва камчиликларини ўрганишга; хўжалик ва сиёсий раҳбарларнинг ғоявий-назарий савиясини муттасил ошириб боришга катта аҳамият берилади.

Кадрлар сиёсатининг долзарб муаммолари Президент асарлари ва нутқларида назарий жиҳатдан чуқур мушоҳада этилган ва ҳар тарафлама асослаб берилган. Кадрлар сиёсати Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади, кўпгина қонун ва қорорларда ўз ифодасини топади.

1997 йилнинг август ойида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди ва таълим тизимининг аниқ стратегияси яратилди. Бу дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Бу стратегик феномен мамлакатимизда таълим тизимини энг замонавий талаб – эҳтиёжлар асосида ўзгартириб юборди. Давримизнинг бу улуғвор хужжати қабул қилингандан бери кадрлар тайёрлаш борасида туб янгиланишлар юз берди. Лекин кейинги вақтда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутахассислар етишмаётганлиги сезилиб қолди. Шу сабабли Республика Президенти ва Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси истиқлол, мустақиллик билан ҳамкорлик қилишга рози бўлган, тайёр турган барча мутахассисларни ишга жалб эта олди. Айтиб ўтиш керакки, бир вақтда ёшлар орасидан раҳбар кадрларни излаш, танлаш, тайёрлаш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд ходимлардан ғоят оқилона фойдаланиш манфаатларини кўзлаб, уларни бир иш соҳасидан бошқа иш соҳасига ҳамда бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга юбориш усулини кенг қўллади.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барча соҳалари учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш борасида жуда катта ишлар қилинди. Миллий иқтисоднинг, жумладан, саноатнинг ҳал қилувчи участкаларига раҳбарлик изланувчан, янгилликка интилувчи, фидойи, тафаккури ўткир, ташкилотчилик қобилияти зўр, ўз ишини яхши биладиган мутахассислар қўлида жамлангандир.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2004 йилда 10 миллионга яқин мутахассис ишлаган бўлса, улардан 3 миллиони олий маълумотли ва 4,5 миллиони ўрта махсус маълумотли кишилар ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётида 2015 йилда 13 миллиондан ошиқ мутахассис ишлаган бўлса, улардан 4,4 миллиони олий маълумотли

ва 5,7 миллиони ўрта махсус маълумотли кишилар ҳисобланади<sup>34</sup>. Ушбу даврда саноатда банд бўлганлар сони 1,7 миллионга яқин мутахассис ишлаган бўлса, улардан 285 минги олий маълумотли ва 730 минги ўрта махсус маълумотли кишилар ҳисобланади<sup>35</sup>

Мамлакатимизда XXI аср кадрлари ўсиб етишмоқда, улар иқтисодий, ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг энг мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодирдирлар.

## 9.2. Кадрлар, уларнинг таркиби ва структураси

**Кадрлар (ходимлар)** – бу муайян касбни эгаллаш бўйича тайёргарликни ўтган, амалий тажриба ва меҳнат кўникмасига эга бўлган ишлаб чиқариш соҳасида иш билан банд бўлган кишилардир.<sup>36</sup>

Кадрларга бўлган талабни аниқлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улардан оқилона фойдаланиш, кадрларнинг меҳнати бўйича режалаштириш ва ҳисобга олиш ва бошқа йўналишлар билан мужассамлаштириш учун ходимларни гуруҳларга ажратиш керак бўлади, яъни таснифлаш зарур.

Саноат ходимлари қуйидагича таснифланади<sup>37</sup>:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган функцияларига биноан персонал олтига категорияга бўлинади: ишчилар (асосий ва ёрдамчи), инженер-техник ходимлар, хизматчилар, кичик хизмат кўрсатувчи персонал, шогирдлар, қоровуллар.

2. Фаолият турининг характерига биноан ходимни у ёки бу категорияга киритишга унинг маълумоти эмас, балки эгаллаб турган лавозими асос бўла олади.

3. Технологик жараёнда ишчиларнинг иштироки принципи бўйича: маҳсулот ишлаб чиқаришда иштироки бўйича ишчилар асосий ва қўшимча ишчиларга бўлинишади, муҳандис-техник ходимлар эса – раҳбарлар, мутахассислар ва техник ижрочиларга бўлинишади.

4. Ишлаш муддати бўйича: доимий, мавсумий ва вақтинчалик ходимларга бўлинишади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча ходимлари икки гуруҳга бўлинади:

1) асосий фаолиятда банд бўлган персонал (саноат-ишлаб чиқариш персонали)

2) асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган персонал ёки бошқа персонал: ушбу категорияга корхона таркибига кирувчи носаноат ташкилотларининг персонали киради.

Ишлаб чиқариш таркиби ўта мураккаб бўлган шароитларда

<sup>34</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўпلام. Давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016, 27, 29, 30, 34 бетлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

<sup>35</sup> Ўша ерда.

<sup>36</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.117.

<sup>37</sup> <https://studlib.info/proizvodstvo/1810835-klassifikaciya-rabotnikov-predpriyatiya/>

меҳнат харажатларини аниқ ҳисобга олиш ва бошқариш имкониятлари чекланган бўлади. Шу сабабдан, ишчи-ходимларни асосий маҳсулот ишлаб чиқаришда иштироки даражасидан келиб чиқиб 5 гуруҳга бўлинади:

1. “А” категорияси - корхона ишлаб чиқаришининг асосий мақсади бўлган маҳсулотни бевосита ишлаб чиқаришда қатнашувчи ишлаб чиқариш ишчилари.

2. “В” категорияси – “А” категорияси ишчиларининг иш жойларига бевосита хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ишчилар. Уларга – созловчилар, назоратчилар, кранчилар, ишларни тақсимловчилар ва бевосита ишлаб чиқариш участкаларида банд бўлган ёрдамчи ишчилар.

3. “Са” категорияси – меҳнат воситалари (инструмент, жиҳозлар, технологик ускуналар)ни яратиш, таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишчилар.

4. “Св” категорияси – “В” категориясидаги ишчиларнинг ишларида банд бўлган ишчилар, лекин “Са” категорияси ишчиларининг иш ўринларига бевосита хизмат кўрсатувчилар.

5. “D” категорияси – умумзаавод хизматлари (лаборатория, алоқа ва бошқ.) ишчилари.

Тармоқ ва корхона фаолиятини режалаштириш ва таҳлил этишда, айниқса меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш, ўртача иш ҳақини аниқлаш, кадрлар қўнимсизлигини аниқлаш учун ходимларнинг ўртача сони кўрсаткичи кўп ишлатилади.

Кадрлар салоҳиятини миқдорий баҳолаш билан биргаликда уларни сифат жиҳатдан ҳам тавсифлаш керак бўлади. Бу жиҳатлар ходимларнинг профессионал ва малакавий фазилатлари билан белгиланади. Бу борада, биринчи ўринда «мутахассислик», «ихтисослик», «малака» деган тушунчалар юзага келади.

**Мутахассислик** – бу маълум бир ёки бир неча турдаги ишларни амалга ошириш учун инсонга зарур бўлган билимлар ва малакалар йиғиндиси. Масалан, иқтисодчи, маркетинг, воситачи, молиячи, бухгалтер, ёки техника соҳасида – муҳандис, механик, энергетик ва ҳ.к.

**Ихтисос** – инсоннинг ҳосил қилган билимлар ва амалий кўникмалари мажмуи. Ихтисос кишига ҳаётнинг моддий ва маънавий соҳасида муайян ишни бажариш имкониятини беради.

**Малака** – бирон бир мутахассислик ва ихтисослик бўйича мураккаб ишни бажариш учун зарур бўлган билим ва илм ҳамда меҳнат кўникмасининг даражасидир. Кадрларнинг малака даражасини баҳолаш учун ўртача коэффициент ва ўртача тариф коэффициенти разряди белгиланади.

Янгидан-янги ишлаб чиқариш соҳалари вужудга келиши, фан ва техниканинг ривожини, иш, шу жумладан, бир технологик жараённинг бошқа жараёнга алмашилиши билан бошқарув, режалаштириш, ташкил этиш, такомиллашуви билан янги мутахассисликлар касб ва

ихтисослар юзага келади, эскирганлари барҳам топади.

Кадрлар илмини ўрганиш назариясида «**Кадрлар тузилмаси**» деган тушунча мавжуд. Масалан, корхона ходимлари умумий сонини 100 фоиз деб олсак, ишчилар 75 фоизни, муҳандис-техник ходимлар 12 фоизни, хизматчилар 8 фоизни, бошқа ходимлар эса 5 фоизни ташкил этиши мумкин. Бу мисолдан кўриниб турибдики, ходимлар категориялари, яъни уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбат уларнинг тузилмасини, яъни структурасини ифодалайди.

Кадрлар таркиби ва структураси фақат корхоналарда эмас, балки тармоқларда ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу тармоқнинг мураккаблилигига, корхона (фирма)нинг катта-кичиклигига, уларнинг техникавий ва технологик жиҳатдан қуролланганлигига, ишчи-хизматчиларнинг билими ва илм даражасига ва меҳнат кўникмасига, соҳанинг ҳамкорлик муносабатлари ривожланганлигига ва бошқа бир қатор хусусиятларга боғлиқ.

### **9.3. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш**

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, улардан оқилона фойдаланиш ва тарбиялаш масаласи кадрлар сиёсатининг, умумий иқтисодиётнинг, шу жумладан, макро- ва микроиқтисодиётнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Кадрларни танлашда, уларни жой-жойига қўйиш, фойдаланиш ва тарбиялаш борасида қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор бериш керак:

- ақл-идрок, дид ва фаросат;
- қатъийлик, матонатлилик, принципиаллик, ўз вазифасига пухталиқ;
- раҳбарлик соҳасини жуда яхши билиш;
- ўз элига, юртига, Ватанига садоқатли бўлиш.

Кадрлар сиёсатининг энг муҳим масалаларидан бири уларни аттестация қилиш масаласидир.

**Кадрлар аттестацияси** – бу ходимларнинг малакасини билим ва кўникмаларининг даражасини, фаолиятининг самарадорлигини, ишдаги, хизматдаги ва бошқа соҳалардаги фазилатлари, эгаллаб турган лавозимига тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлаб олиш бўйича бажариладиган жараён ва иш тартибидир.

Аттестация ишининг аҳамияти нимадан иборат?

Кадрлар аттестацияси ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш, уларни оқилона жой-жойига қўйиш, ходимларни топширилган иш учун жавобгарлигини кучайтиришга қаратилади. Аттестация ходимларни эгаллаб турган лавозимларига қанчалик муносиб эканлигини аниқлашнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади. Кадрлар аттестацияси вақти-вақти билан ҳар йили ёки икки-уч йилда бир марта

ҳам ўтказилиши мумкин.

Республикада бозор иқтисодиёти даврида кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор янги талаблар юзага келди. Улар ичида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий-психологик диагностика;
- кадрларни бошқариш тизимини ахборот билан таъминлаш;
- бандликни бошқариш;
- зарурий бўш лавозимларга номзодлар танлаш;
- кадрлар салоҳияти ва ходимларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил этиш;
- кадрлар маркетингини белгилаш;
- хизмат мартабасини режалаштириш ва назорат килиш;
- ходимларнинг касбий ва психологик мослашуви, кўникиши;
- меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар масалалари;
- меҳнат этикаси ва эстетикаси.

Агар маъмурий – буйруқбозлик тизими шароитида бу мезон ва вазифаларга иккинчи даражали деб қаралган бўлса, бозор муносабатлари шароитида улар биринчи ўринга чиқарилди. Бу мезон ва вазифаларга эътибор бериш саноат тараққиётининг барқарор ва изчил ривожланишига катта имкониятлар яратиб беради.

Бошқарувнинг барча даражаларида инсон ролининг ортиб бориши, иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда кенг қамровли таркибий ўзгаришлар содир бўлиши ва рақобат даражасининг ўсиши кадрларнинг бошқаришга ёндошувини ўзгартиришни тақозо этади. Бундай ёндошувлар қуйидагилардан иборат:

- ходимларнинг самарали ишлашларини, фаолият кўрсатишларини ташкил этиш;
- лавозимлар даражасини оптималлаштириш, зарурий маҳорат ва малакалар тизимини яратиш;
- ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;
- институционал мақсадларга эришиш;
- ўз жамоа ва ўз ходимларининг манфаат ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш.

#### **9.4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Саноатда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг билим ва илм даражасини юқорига кўтариш, касб маҳорати ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқ ва корхоналарда бу борада олиб борилган фаолият натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Саноатда кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар

зарур:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитини шакллантириш ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек, мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этиш учун ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилиши, унинг устувор йўналишлари рўёбга чиқиши, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилиши, мутахассислар алмашиши кенгайиши керак. Бу борадаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши, инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши борасидаги фаолият кучайтирилиши керак.

### **9.5 Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш**

Меҳнат – ҳар бир шахс ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган моддий ва маънавий неъматлар яратиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ қилиш асосида шундай фикрга келиш мумкинки, меҳнат аввало, инсон билан табиат ўртасидаги содир бўладиган шундай жараёнки, унда инсон ўз фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади ва назорат қилади.

Меҳнат жараёнининг оддий жиҳатларига унинг мақсадга мувофиқлиги, меҳнат буюми ва меҳнат воситаларини киритиш қабул қилинган. Меҳнат буюмлари ва ишлаб чиқариш қуроллари жонли меҳнат жараёнига киритилмаса улар ўз ўзидан фаолият кўрсата

олмайди. Жонли меҳнат эса ҳамиша фақат кишиларнинг табиатга муносабатидан иборат бўлибгина қолмай, шу билан бирга, жараён қатнашчилари ўртасидаги муносабатдан иборат.

Меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш шароитида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкилий тизими юзага келади. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда иш берувчилар билан уни амалга оширувчилар, яъни ходимлар манфаатлари эътиборга олинади. Бу ерда шуни таъкидлаш зарурки, бозор муносабатларига ўтишда томонлар меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини ҳал этишда тенг ҳуқуқларига эга бўлишлари лозимлиги шак-шубҳасиздир. Корхона маъмурияти (ёки мулкдорнинг вакили) билан ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий амалий ва бирдан-бир таъсирчан шаклига айланади.

Бозор шароитида, айниқса ўтиш даврида, тақсимлаш муносабатлари, давлатнинг тартибга солиш йўналишлари ва хусусияти ўзгариб боради, маъмуриятчилик андозаларига барҳам берувчи янги бошқарув шакллари пайдо бўлади. Корхоналар даражасини тартибга солиш жараёнларига янги талаблар қўйилади. Давлатнинг аралашуви даромадларни тақсимлаш шарт-шароитлари ва тамойилларига риоя қилишни аниқлаш, таҳлил этиш ва таъминлаш учун зарурдир.

Тақсимлаш муносабатларининг давлат йўли билан тартибга солинишининг асоси меҳнат соҳасидаги қонунлар ва битимлар, солиқ тизимида яқка даромадларнинг ўсиши билан инфляция ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат бўлиши лозим. Давлатнинг иштирокисиз инсонга даромадни кафолатлаб бўлмайди, бу даромад унга корхонанинг иқтисодий фаолиятдан қатъий назар муносиб ҳаёт кечиришни таъминлайди. Давлатнинг функциясига, бундан ташқари, аҳолининг кам таъминланган қатламлари даромадларини оширишни киритиш зарур, бу нарса иш кучини нормал даражада такрор ҳосил қилиш учун, меҳнат ресурсларини мақбул тарзда тақсимлашни таъмин этиш, ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ҳоказолар учун керак бўлади. Давлат иш кучини такрор ҳосил қилиш иштирокчиси бўлганлиги сабабли таклиф этилган иш кучининг кўпроқ қисмини ўзига қабул қилади, унинг тадбиркорлар талабига жавоб беришига интилади.

Иш ҳақининг моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш босқичлари бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда бажарадиган функцияларида намоён бўлади.

1. Такрор ҳосил қилиш функцияси. У ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзолари иш кучини такрор ҳосил қилиш, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўлган ҳаётий неъматлар билан таъминлашдан иборат. Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат

иқтисодий қонун ўз ифодасини топади. Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари, иш ҳақининг иш кучини такрор ҳосил қилишни таъмин этадиган миқдорини қонуний даражада белгилаш билан мустаҳкам боғлиқдир.

2. Рағбатлантирувчи функция. Унинг моҳияти ходимнинг иш ҳақи унинг қуйидаги меҳнат ҳиссасига, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигини белгилашдан иборат бўлиб, бунда кўрсатиб ўтилган боғлиқлик ходимни ўз меҳнати натижаларини доимий равишда яхшилаб боришга қизиқтириши лозим.

3. Ўлчов - тақсимлаш функцияси. Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ходим билан ишлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида тақсимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчовини акс эттириш учун мўлжалланган. Иш ҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир иштирокчисининг меҳнат ҳиссасиги мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.

4. Ресурсларни жойлаштириш функцияси. Мазкур функциянинг ҳозирги вақтдаги аҳамияти жиддий равишда ошиб бормоқда. Унинг моҳияти меҳнат ресурсларини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдан иборатдир. Меҳнат ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви энг кам даражага келтирилган шароитда, меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини шакллантириш фақат ҳар бир ёлланма ходимда ўз меҳнатини сарфлаш жойини танлашда эркинлик бўлган тақдирдагина турмуш даражасини оширишга интилиш, иш топиш мақсадида уни бошқаси билан алмаштиришни тақозо қилади, бу иш эса унинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириши лозим.

5. Аҳолининг тўловга қобилиятли талабини шакллантириш функцияси. Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир, бундай талаб деганда харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб икки асосий омил – жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланади ва бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтилган функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиниши зарур.

1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юксалиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши. Бу тамойил эҳтиёжларнинг ортиши объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ эҳтиёжларнинг янада тўлароқ қондирилиши фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиши имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади. Бироқ бундай имконият ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан меҳнат самарадорлигининг боғланишини тақозо этади. Бундай



боғланишнинг йўқлиги эса, бир томондан, ишлаб топилмаган пулнинг берилишига, демак, инфляцияга, олинган номинал иш ҳақининг таъмин этилишига ва реал иш ҳақининг пасайишига олиб келиши, иккинчи томондан эса, пасайтирилган, меҳнат ҳиссасининг самарадорлигига мос келмайдиган номинал иш ҳақининг тўланишига олиб келиши мумкин. Натижада ходимларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имконияти ва иш ҳақининг кўпайиш имконияти мавжуд бўлмайди.

2. Меҳнат унумдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариларичи суръатларини таъминлаш, (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг истеъмол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши). Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал (энг кўп) даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя қилиниши жамғариш жараёнининг, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхонанинг ривожланиши ҳамда раванқ топишининг зарур шарти ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши товарлар билан таъмин этилмаган пулнинг тўланишига, унинг қадрсизланишига, мамлакат иқтисодиётида турғунлик ҳолатларининг авж олишига олиб келади. Муайян корхона шароитида бу ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш жараёнининг секин аста сусайиб бориши, улардан энг истиқболлиларини ишлаб чиқариш ва сотиб олиш мўлжалининг йўқлиги ҳамда бунинг натижаси сифатида рақобат қилувчи фирмалар ўртасида камроқ сифатли маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишидир.

3. Ходимнинг корхона фаолияти натижаларига кўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш. Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланган. Бунда иш кучини такрор ҳосил қилиш учун зарур бўлган моддий неъматлар миқдоридаги, меҳнатнинг турли шароитларидаги жўғрофий ва иқлим шароитларидаги тафовутлар ҳисобга олинмиши лозим.

4. Баробар (тенг) меҳнат учун баробар ҳақ тўлаш. Бозор шароитида бу тамойилни ишловчининг жинси, ёши, миллий мансублиги ва ҳоказоларга қараб унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситишига йўл қўймасликдир. Буни корхона ёки фирма ичидаги тақсимотда адолат тамойилига риоя этиш деб тушуниш керак. У бир хилдаги меҳнатга бир хил ҳақ тўлаш орқали бир хил баҳолашни назарда тутди.

5. Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиб туриш.

6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш. Меҳнат бозорида ҳам давлат ва хусусий компанияларда ҳам уюлмаган сектордаги иш ҳақи кенг намоён этилган бўлиб, улардаги иш кучи касаба уюшмалари билан қамраб олинмаган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўла-тўқис маъмурият томонидан белгиланади.

Меҳнат бозори – бу шундай бир соҳаки, у ерда пировард натижада меҳнатнинг ҳар хил турларига баҳо бериш таркиб топади. Ҳар бир ходимнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи унинг меҳнат бозоридаги мавқеи билан мустақкам боғлиқ бўлиб, мазкур бозордаги вазият ва бундан ташқари, бандлилик имкониятини ҳам белгилаб беради.

7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги ва қулайлиги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабардор бўлишни таъминлайди. Ходимда иш ҳақи ҳақида тушунарли ва батафсил ахборот мавжуд бўлгандагина у жон-дили билан берилиб меҳнат қилади. Ходимлар қандай ҳолатда иш ҳақининг миқдори, яъни ўз моддий фаровонликлари даражаси ошишини аниқ тасавур қилишлари лозим.

Иш ҳақини ташкил этиш тамойилларини уларни амалга оширишга қаратилган функцияларга мувофиқ таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тамойил фақат битта функция билан эмас, балки бир қанча функциялар билан боғланган. Шундай бўлса ҳам асосий функцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳар бир тамойил биринчи навбатда ана шу функцияни бажаришга қаратилади.

Иш ҳақини ташкил этишнинг қайта қурилиши бозор талабларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати самарадорлиги резервларини аниқлаш ва фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш, ишламасдан пул маблағларига эга бўлиш имкониятларига барҳам бериш;

- меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик ҳолларини бартараф этиш, иш ҳақининг ҳам яқка тартибдаги, ҳам жамоа меҳнати натижаларига бевосита боғлиқлигига эришиш;

- турли тоифадаги ва касб-малакали гуруҳларига мансуб бўлган ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш нисбатларини оптималлаштириш, бунда бажариладиган ишларнинг мураккаблигини, касбларнинг ноёблигини эътиборга оладиган меҳнат шароитлари, шунингдек, пировард натижаларга эришишга интилаётган турли ходимлар гуруҳлари ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутди.

Саноат ишлаб чиқаришида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш соҳасидаги амалий қадамлар ҳақида гапирганда, шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ходимларнинг турли тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини табақалаштириш учун ягона тариф ставкаси (ЯТС)

ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, у бир хил мураккабликдаги иш учун баробар ҳақ тўлаш имконини беради.

Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан тартибга солиш кам таъминланган, оз иш ҳақи оладиган ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар асосида иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди.

Саноат соҳасида иш ҳақини ташкил этишда ягона тариф сеткаси асосида асосий иш ҳақини шакллантириш усулини ёки меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимини танлаш муҳимдир. Ягона тариф сеткаси устувор бўлиб, ундан фойдаланганда ходимлар иш ҳақини янада объективроқ табақалаштиришга эришилади. Бироқ иқтисодий аҳвол доимий равишда ўзгариб туриши сабабли корхоналарда кўпинча тариф ставкаларни ўзгартиришга тўғри келади, бу эса катта меҳнат харажатларига олиб келади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими иш ҳақини корхона ишининг ҳақиқий натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўяди. Иш ҳақини ҳисоблаш эса камроқ меҳнат талаб қилади, Лекин бу фақат кичикроқ корхоналарга тааллуқлидир.

Иш ҳақини ташкил этиш иқтисодий самарадорликнинг мезони сифатида хўжалик ҳисоби даромадининг иш ҳақи фондига нисбатан устувор ўсиши ҳисобланади. Бундай устувор ўсиш таъмин этилмаган ҳолларда сабабларни синчиклаб таҳлил қилиш, фойдани кўпайтиришга қаратилган ёки меҳнатга тўланадиган харажатларни қисқартиришга қаратилган қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ҳозирги шароитда саноатда иш ҳақини тўғри ташкил этишга унинг асосий элементи бўлган меҳнатни нормалаш асосида эришиш мумкин, у меҳнат харажатлари ҳажми билан унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш имконини беради. Меҳнатни нормалашни такомиллаштириш соҳасидаги ишлар нормаларнинг сифатини оширишга ва аввало меҳнатнинг барча турлари ҳамда ходимларнинг барча гуруҳлари учун баравар жиддийлигига, қизғинликни таъминлашга қаратилади. Турли ишлаб чиқариш участкаларида нормаларнинг баравар жиддийлигига, меҳнат жараёнининг айрим элементларига миқдорий аҳамияти бўйича тенг ёки яқин жиддийлик коэффициентларини ўрнатиш ҳисобига, ёки меҳнат интенсивлигининг нормалардаги муайян даражасини ҳисобга олиш йўли билан эришилади. Нормаларнинг баравар жиддийлиги ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида меҳнатнинг бир хилдаги интенсивлигини назарда тутди. Шу муносабат билан биринчи миқдор иш суръатлари ва бандлик вақтини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

$$J=K_c \cdot K_b$$

бу ерда

**J**-меҳнат интенсивлиги,

**K<sub>c</sub>**-иш суръати коэффициенти,

### **КБ-бандлик вақти коэффиценти.**

Иш суръати коэффиценти ҳақиқий иш суръатининг жисмоний жиҳатдан мақбул бўлган нарсага муносабатини, бандлик коэффиценти эса сменадаги ҳақиқий бандлик вақтининг смена узунлиги муайян фоизга тенг бўлган шартли ҳисоблаш даражасига муносабатини билдиради. Агар мазкур иш ўрнидаги меҳнат интенсивлиги нормативдаги интенсивликдан фарқ қилса, у ҳолда уни пасайтириш ёки ошириш, хусусан, меҳнат нормасини ўзгартириш чораларини амалга ошириш керак бўлади.

Мутахассислар ва хизматчилар меҳнатини, шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари меҳнатини нормалашни яхшилаш уларнинг иш билан таъминланиш даражасини, вазифаларнинг оқилона тақсимланишини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва ҳозирги замон техникавий воситаларини жорий этишни таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши лозим. Бошқарувнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш ва тартибга солиш, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва бошқарув ходимлари сонини қисқартириш юзасидан иш олиб бориш зарур. Ҳар бир мутахассисга иш регламентини белгилаб бериш зарур, бу унинг йил давомида кундалик иш билан тўлиқ банд бўлишини таъминлайди. Регламент қоидалари аниқ равшан бўлиши мутахассиснинг мазкур иш ўрнидаги, ушбу лавозимдаги ва тегишли малака категориясидаги ишининг ўзига хос томонларини акс эттириши лозим.

Саноат корхоналарининг янги тузилмасини ва уни бошқариш тизимларини, ходимлар лавозимлари номларини улар ҳақиқатдан бажарадиган функцияларга мувофиқ равишда аниқлаш соҳасидаги ишлар якунида штат жадвалини тузиб чиқиш учун талаб қилинадиган раҳбарлар, мутахассислар олинади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида иш ҳақини ташкил этиш масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини олган корхоналар бунинг учун турли андоза ва ёндашувлардан фойдаланадилар. Бироқ бу соҳадаги хорижий тажриба ҳақидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ватанимизда фирмалар ички андозалари тўғрисидаги маълумотлар банки мавжуд эмас. Бу банк фақат эндигина шаклланиб келмоқда, меҳнат ва иш ҳақини ташкил этиш бўлимнинг ходимлари одатда ўз корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг мақбул андозаларини танлаш учун етарли билимга эга эмаслар. Ана шу сабабларга кўра кўпчилик корхоналар, айниқса, ўрта ва йирик корхоналар анъанавий тариф тизимидан келмоқдалар.

Бундай корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир.

Меҳнатни нормалаш - бу илмий асосланган меҳнат харажатлари ва унинг натижаларини вақт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириқлар

нормаларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари –бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт-шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Тариф тизими турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимлар иш ҳақи даражаси уларнинг малакаси, ишларнинг мураккаблиги, меҳнат шароитлари, корхоналарнинг географик жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади. Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир минтақавий малака коэффициентлари киради.

Тариф ставкалари – разрядлар шкаласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф коэффициенти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф ставкаси биринчи разряддан неча марта кўплигини кўрсатиб туради. Биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенгдир. Разрядлар миқдори ва уларга тегишли тариф коэффициентларининг миқдори корхоналарда тузиладиган жамоа шартномасида белгиланади. Жамоа шартномаси тариф битими асосида ишлаб чиқилади ва ходимлар аҳволининг шартнома шартларига нисбатан ёмонлашувини назарда тутмаслик лозим.

Тариф ставкаси –иш вақти бирлиги ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашнинг пул билан ифодаланган мутлоқ миқдоридир. Биринчи разряд тариф ставкаси ва тариф ставкаси асосида шундан кейинги ҳар бир разряднинг тариф ставкаси ҳисоблаб чиқилади. Биринчи разряд тариф ставкаси корхонанинг жамоа шартномаси билан белгиланади ва бир томондан, унинг молиявий имкониятларига, иккинчи томондан, тармоқ битимида акс эттирилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига боғлиқ бўлади. Бунда у белгиланган энг кам иш ҳақи даражасидан кам бўлмаслиги лозим. Тариф ставкаси ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини белгилаш учун бошланғич миқдор ҳисобланади, бунда корхона меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари ва тизимлари қўлланилишини эътиборга олмайди.

Танланган вақт бирлигига қараб тариф ставкалари соатбай, кунбай ва ойлик маошлардан иборат бўлади. Энг кўп тарқалган соатбай тариф ставкалари бўлиб, улар асосида турли қўшимча ҳақлар ҳисоблаб чиқилади. Кундалик ва ойлик ставкалар соатбай ставкаларни иш сменасидаги соатлар сонига ва ой мобайнидаги ишланган ўртача ойлик соатлар сонига кўпайтириши йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Тариф-малака маълумотлари норматив ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида иш разряди ва ишчининг разряди белгиланади.

Уларда ҳар бир мутахассисликдаги ҳар бир разряд ишчиси назарий ва амалий жиҳатдан билиши лозим бўлган ахборот мавжуд бўлади. Мазкур маълумотномалар уч бўлимдан: «Ишларнинг таъриф-тавсифи», «Билиш керак» ва «Ишларга доир мисоллар» дан ташкил топади. Илгари, 1991 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган «Корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида» ги қонун жорий қилинишига қадар, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фойдаланиш учун мажбурий бўлган тариф-малака маълумотномалари, ҳозирги вақтда тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, фақат улардан фойдаланувчи корхона учунгина норматив ҳужжат ҳисобланади. Малака разряди ишчига одатда цех ёки корхона малака комиссияси томонидан берилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш соҳасидаги анъанавий ёндашувлардан фойдаланувчи корхоналар ходимлар иш ҳақининг миқдорини белгилаш учун тариф сеткалари, тариф ставкалари ва тариф-малака маълумотномаларидан фойдаланадилар. Бундай корхоналарда бошқарув меҳнати ходимлари ҳисобланувчи хизматчилар учун штат-маош тизими татбиқ этилади. Унинг ўзига хос хусусияти штат жадвалининг тузилишидан иборат бўлиб, унда муайян корхонада мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати, ҳар бир лавозим бўйича ходимлар сони ва маош миқдори кўрсатилади.

Корхонанинг аттестация (шаҳодат бериш) комиссияси лавозимларининг малака маълумотномаларидан фойдаланиши асосида аттестация жараёнида хизматчиларга малака тоифаларини беради. Хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси алоҳида тавсифлардан ташкил топади. Ҳар бир малака тавсифи уч бўлимдан иборат: «Лавозим вазифалари», «Билиш керак», «Малака талаблари».

Тариф-малака маълумотномаси сингари хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, корхоналар улардан ихтиёрий равишда фойдаланишлари, унинг бўлимларига тузатишлар ва ўзгаришлар киритишлари мумкин. Хизматчиларини аттестациядан ўтказиб туриш даврийлигини корхона раҳбариятининг ўзи белгилайди.

Маълумки, мустақилликка эришгандан сўнг меҳнатга ҳақ тўлаш борасида анчагина ўзгаришлар юз берди. 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақининг ставка ва маошлари янги тариф коэффицентлари асосида тўлана бошланди. Бундан мақсад меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиш, турли касб ва тоифадаги ходимларнинг иш ҳақларига муайян объектив нисбат белгилаш кўзланган. 1997 йилда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф ставкаси 0 дан 28 гача бўлган разряд даражалари қабул қилинди. Бу даражалар ўртасидаги тариф коэффицентларининг фарқи 1.00 дан 5.83 гачани ташкил этган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги

қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг 0 дан 22 гача бўлган разряд (даража)лари қабул қилинди, унга кўра разрядлар ўртасидаги фарқ 2-2,5 барабар кўпайди. Бошланғич разряднинг 550 сўм миқдори ягона тариф ставкасига асос қилиб олинди. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ходимлар иш ҳақига қўшиладиган район коэффицентлари сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони<sup>38</sup> мувофиқ минимал иш ҳақининг миқдори 172240 сўм этиб тайинланди.

Ҳозирги пайтда иқтисодиёт соҳасида қўлланилатган тариф сеткаси 15-жадвалда келтирилган.

**15-жадвал**

**Ўзбекистонда қўлланилаётган тариф сеткаси<sup>39</sup>**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти	Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти
1	2,476	12	6,115
2	2,725	13	6,503
3	2,998	14	6,893
4	3,297	15	7,292
5	3,612	16	7,697
6	3,941	17	8,106
7	4,284	18	8,522
8	4,640	19	8,943
9	4,997	20	9,371
10	5,362	21	9,804
11	5,733	22	10,240

Кўпгина корхоналар ҳозирги вақтда анъанавий тариф тизими элементлари асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг янги, янада самаралироқ усулларини излаш йўлидан бормоқдалар. Бу ижобий ҳодиса бўлиб, корхоналарга ўзлари қараб чиқадиган масалаларни ҳал қилишда мустақиллик беришнинг натижасидир. Корхонада ишловчи барча ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш учун умумий тариф сеткасидан фойдаланиш анча кенг татбиқ этилмоқда. Одатда ишчиларга бериладиган разрядлар сони

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон Фармони

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2009 йил 21 июль, 206-сон Қарори.

аввалгидек, яъни 6-8 бўлиб қолмоқда. Сеткадаги разрядларнинг энг кўп миқдори ва уларга мос келувчи тариф коэффициентлари муайян корхонада ихтиёрий равишда белгиланиши ва албатта жамоа шартномасида мустақамлаб қўйилиши лозим.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида юқори малакали, бой маънавиятга эга бўлган меҳнаткашлар жамоасини ўзида мужассамлаштиради.

2. Кадрларнинг билим, илм ва малака даражаси мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг энг муҳим элементи, яъни унсури ҳисобланади.

3. Кадрлар билан ишлаш саноат тараққиётини режалаштириш ва башорат қилиш, саноат корхоналарини ташкил этиш ва бошқаришдан иборатдир.

4. Саноат кадрларининг сонини аниқлаш, уларни тайёрлаш ва тақсимлаш, меҳнат топшириқларини саноат ишлаб чиқариши режасининг бошқа бўлимлари билан боғлаш учун кадрларни таснифлаш алоҳида аҳамиятга эга.

5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатида кадрларни таркиби ва тузилмаси миқдорий ва сифат жиҳатдан сезиларли даражада ўзгарди.

6. Саноатнинг изчил ривожланиши кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

7. Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги тамойилини ҳаётга мунтазам равишда, яъни изчиллик билан татбиқ этиш саноат тараққиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли саноат ишлаб чиқаришида меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш ва унинг энг прогрессив усулларини қўллашга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Давлатнинг кадрлар сиёсати: моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
2. Саноат ишлаб чиқариши ва кадрлар. Уларни гуруҳларга бўлиш.
3. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни тарбиялаш.
4. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
5. Кадрлар сонини башорат қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари.
6. Меҳнат атамасининг тушунчаси, моҳияти, аҳамияти.
7. Меҳнатга ҳақ тўлаш тамойиллари ва шакллари.
8. Тариф тизими ва унинг унсурлари.
9. Иш ҳақининг бозор иқтисодиётига мос турлари.
10. Меҳнатга ҳақ тўлашни эркинлаштириш масалалари.



## **10-МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** асосий ишлаб чиқариш фондлари, актив асосий ишлаб чиқариш фондлари, пассив асосий ишлаб чиқариш фондлари, асосий фондлар тузилмаси, жисмоний эскириш, маънавий эскириш, амортизация, амортизация ажратмалари, амортизация фонди, фонд қайтими, фонд сиғими, экстенсив фойдаланиш коэффиценти, интенсив фойдаланиш коэффиценти, ишлаб чиқариш қуввати.

### **Режа:**

**10.1. Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, таркиби ва тузилиши**

**10.2. Асосий фондларни баҳолаш**

**10.3. Асосий фондларнинг эскириши ва амортизацияси**

**10.4. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

**10.5. Ишлаб чиқариш қувватлари ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

### **10.1. Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, таркиби ва тузилиши**

Мамлакатнинг қудрати, иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш шу мамлакат ресурслари, айниқса, асосий ва айланма фондларининг миқдори ва сифати билан белгиланади. Мамлакат ва унинг саноати, бошқа тармоқлари, корхона (фирма)лари қанчалик кўп ресурсларга эга бўлса, у шунчалик қудратли ва ривожланган бўлади. Агар у ана шу ресурслардан тўла-тўқис, оқилона фойдалана олса, албатта буюк давлатга айланади.

Саноат ишлаб чиқариши фаолиятида асосий фондларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки уларсиз бирорта ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат буюмлари, меҳнат қуролилари (меҳнат воситалари) ва инсон меҳнати иштирок этади. Меҳнат буюмларига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, электр қуввати, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к.лар киради. Меҳнат воситаларига машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, юк ташувчи ва узатувчи воситалар, компьютер ва лаборатория анжомлари, бино ва иншоотлар киради.

Меҳнат буюмлари ва воситаларининг биргаликда қиймат шаклида ифодаланиши ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш ролига кўра Асосий ва Айланма фондларга ажратилади. Меҳнат қуролилари асосий фондларни, меҳнат буюмлари эса айланма фондларни ташкил этади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб ишлаб чиқариш жараёнида узоқ давр бевосита ва билвосита қатнашадиган, моддий бойликлар яратишда иштирок этадиган ҳамда табиий шаклини сақлаган ҳолда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга аста-секин, тўзишига қараб ўтказиб борадиган меҳнат воситаларига айтилади<sup>40</sup>. Улар иш бажаришда, хизмат кўрсатишда ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадилар. Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун шароит яратадилар. Меҳнат буюмлари ва тайёр маҳсулотларни сақлаш ва уларни бир ўриндан иккинчи ўринга ташиш каби ишларни бажариш учун хизмат қиладилар.

Асосий фондлар улардан фойдаланиш мақсадига кўра ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашишига қараб, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва қатнашмайдиган фондларга ажратилади.

Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларнинг мақсади моддий бойликлар яратишда иштирок этишга қаратилган бўлса, ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий фондларнинг мақсади ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Саноатнинг асосий фондлари мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисмини ташкил этиб, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида йилдан йилга ошиб бормоқда. 1995-2015 йиллар мобайнида саноатнинг асосий фондлари 576 марта ўсди. Ўзбекистон Республикаси саноатининг жами асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг динамикасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

16- жадвал

**Саноат корхоналарининг асосий фондлари<sup>41</sup>**  
(млрд. сўм)

<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>
32578,6	40500,3	48259,5	55206,5

Жадвалдан кўришиб турибдики, Ўзбекистон саноатининг асосий фондлари жуда тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу ўсиш МДҲ давлатларининг ўртача ўсиш суръатларидан анчагина тез ва сифатлироқдир.

Ҳукуматимиз томонидан жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш масаларига алоҳида эътибор қаратилиб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган<sup>42</sup>. Ушбу

<sup>40</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.132.

<sup>41</sup> Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Статистик тўплам. Тошкент 2016. Б.45.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2016 й.даги “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини

меъерий ҳужжатга биноан “Корхоналарда замонавий ва жаҳон даражасида муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни илдам суръатлар билан ўзлаштириш, мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш, шу асосда саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини ва экспорт салоҳиятининг ўсишини таъминлаш, шунингдек, энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги стандартларининг иқтисодиётга фаол татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида: ...саноат тармоқлари корхоналари технологик жиҳозлари ва технологияларининг техник аудитини ўтказиш ...ва техник аудит натижаларини ўрганиш асосида 2017 — 2020 йиллар даврида саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарини замонавий, жаҳон даражасида синовдан ўтганлари билан алмаштир...”<sup>43</sup> иш назарда тутилгандир.

Асосий фондларни ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни режалаштириш ва башорат қилиш мақсадида уларни гуруҳларга ажратиш керак бўлади.

Ҳозирги кунда асосий фондлар турли таснифга мувофиқ ва ишлаб чиқариш вазифасининг ҳар турлилиги ва табиий-моддий белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Зарур меҳнат шароитларини таъминлайдиган бино ва архитектура-қурилиш объектлари. Биноларга цехларни ишлаб чиқариш корпуслари, деполар, гаражлар, омборхоналар, ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар киради.

2. Иншоотлар – ишлаб чиқариш жараёнининг бажарилишига зарур ва меҳнат буюмларини ўзгариши билан боғланмаган бирорта техник вазифаларга белгиланган муҳандис-қурилиш объектлари (насос станциялар, туннеллар, кўприклар ва ҳ.к.).

3. Ҳар хил энергия, суюқ ва газсимон моддалар узатадиган узатувчи ускуналар.

4. Машиналар ва асбоб-ускуналар; шу жумладан:

- энергияни, суюқ ва газсимон моддаларни ишлаш ва алмаштиришга мўлжалланган куч машиналари ва асбоб-ускуналар (генераторлар ва газогенераторлар, электрогенераторлар, буғ қозонлари, ҳаво компрессорлари);

- ишчи машиналари ва асбоб-ускуналар. Улар меҳнат буюмларига бевосита таъсир ўтказадилар. Буларга дастгоҳлар, пресслар, конвеерлар ва бошқа турли ёрдамчи асбоб-ускуналар: ўлчов ва тўғрилаш асбоб-ускуналари, лаборатория асбоблари, ҳисоблаш машиналари, компьютерлар киритилади.

5. Транспорт воситалари.

6. Ҳар хил асбоблар.

---

камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2692-сон Қарори  
<sup>43</sup> Ўша ерда

7. Ишлаб чиқариш инвентарлари.
8. Хўжалик инвентарлари.
9. Бошқа асосий фондлар.

Меҳнат буюмларига таъсир этиш даражасига қараб асосий ишлаб чиқариш фондлари **актив** ва **пассив** фондларга бўлинади.

**Актив** асосий ишлаб чиқариш фондларига меҳнат буюмлари шаклини ўзгартирувчи, яъни бевосита таъсир этувчи фондлар (машиналар, асбоб-ускуналар, технологик линиялар, ўлчов ва тўғрилаш асбоблари, транспорт воситалари) киради.

**Пассив** асосий ишлаб чиқариш фондларига меҳнат буюмларига билвосита таъсир этувчи, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ўтишига керак шароит яратувчи ишлаб чиқариш фондлари киради (бино ва иншоотлар, ҳ.к.). Асосий фондлар таркибини ўрганишда уларнинг структураси (тузилмаси) масаласига ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Асосий фондларнинг структураси деб, уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг, гуруҳларнинг ҳар биринининг умумий қийматидан нисбатга айтилади. Масалан, 100 млн. сўм бўлса, улардан бинолар 25 фоиз, иншоотлар 15 фоиз, узатувчи қурилмалар 10 фоиз, ишчи машиналар ва жиҳозлар 30%, қолганлари эса 20 фоиз бўлиши мумкин (жадвалга қаранг).

17-жадвал

**Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг турлари ва саноат тармоқлари бўйича таркиби<sup>44</sup> (2015 йил охирига фоизда)**

Саноат тармоқлари	Бинолар	Иншоотлар	Узатиш мосламалари	Машина ва ускуналар	Транспорт воситалари	Бошқа асосий фондлар
Бутун саноат	13,1	22,1	12,9	45,4	5,5	1,1
<i>Шу жумладан</i>						
Электроэнергетика	18,5	8,1	34,9	36,9	1,3	0,2
Ёқилғи	4,5	49,9	16,9	25,0	3,1	0,7
Қора металлургия	13,6	4,9	3,4	74,8	3,1	0,2
Рангли металлургия	10,3	14,9	6,8	53,3	14,4	0,3
Кимё ва нефть-кимё	24,7	12,5	8,8	49,4	3,7	0,9
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	14,2	6,5	0,6	71,6	4,0	3,0

<sup>44</sup> Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.62-64.

Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза- қоғоз	24,1	3,1	2,0	68,6	1,5	0,6
Қурилиш материаллар и	13,2	10,5	2,9	63,7	8,6	1,2
Енгил саноат	28,4	4,5	1,9	61,0	1,8	2,3
Озиқ-овқат	25,4	4,2	2,1	60,0	4,8	3,5
бошқалар	25,9	6,6	2,3	57,7	4,9	2,6

Асосий фондлар тузилмаси қуйидаги турларга ажратилади:<sup>45</sup>

1. Тасвирий тузилма.
2. Технологик тузилма.
3. Тармоқ тузилмаси.
4. Худудий тузилма.
5. Такрор ишлаб чиқариш тузилмаси.

Тасвирий тузилманинг ҳар хил вақтда ўзгаришидан саноатнинг техник даражасини ва асосий фондлардаги капитал сарфлашнинг самарасини тасаввур қилса бўлади.

Асосий фондларнинг структурасига концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, комбинациялаштириш, янги корхоналар қуриш ва модернизациялашга сарфланган капитал маблағларнинг технологик тузилиши, корхоналарнинг худудий жойлашиши, тайёрланадиган маҳсулотнинг хусусияти ва ҳажми таъсир кўрсатади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми қанча кўп бўлса, шунча ишчи машиналар ва асбоб-ускуналарнинг тутган ўрни кўпроқ бўлади.

Технологик тузилиш асосий фондларнинг қисмлари нисбатини кўрсатади (18-жадвал).

18-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси саноатида асосий фондларнинг технологик таркиби<sup>46</sup> (йил охирига фоизда)**

	2012	2013	2014	2015
Бинолар	11,5	13,2	13,0	13,1
Иншоотлар	22,6	22,1	23,3	22,1
Узатиш мосламалари	13,3	13,4	13,3	12,9
Машина ва ускуналар	45,4	44,3	43,7	45,4
Транспорт	5,9	6,0	5,7	5,5

<sup>45</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.134.

<sup>46</sup> Муаллиф томонидан қуйидаги асосида тузилган: Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.62.

воситалари				
Бошқа асосий фондлар	1,3	1,0	1,0	1,1

Тармоқ тузилиши саноат тармоқларидаги асосий фондларнинг таркиби билан ифодаланади (19-жадвал).

19- жадвал

**Асосий фондларнинг тармоқ структураси<sup>47</sup> (фоиз ҳисобида)**

Тармоқлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Электроэнергетика	13,6	12,4	12,8	14,8	14,7	14,6
Ёқилғи саноати	28,9	31,3	30,7	31,2	31,4	31,9
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қоғози	0,7	0,6	0,5	0,5	0,4	0,3
Кимё ва нефть-кимё саноати	5,3	5,0	4,6	4,3	3,9	4,4
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	9,5	8,6	11,2	10,7	10,8	10,4
Қурилиш материаллари саноати	2,9	3,2	2,8	3,3	3,3	3,3
Ёнгил саноат	8,4	7,3	7,1	6,5	5,9	6,0
Озиқ-овқат саноати	4,6	4,1	4,2	4,0	3,7	3,9
Бошқа тармоқлар	26,1	27,5	26,1	24,7	25,9	25,1

Ҳудудий тузилма асосий фондларининг ҳудудий тақсимланиши ва уларнинг нисбати билан белгиланади.

Такрор ишлаб чиқариш структураси янги қурилиш ва қайта қуриш, қайта қуроллантириш ва асосий фондларни кенгайтиришнинг нисбати ва тутган ўрнини ифодалайди.

## 10.2. Асосий фондларни баҳолаш

Амалиётда асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги турлари қўлланилади: 1) дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳо; 2) қийматини қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳо; 3) қолган қиймати орқали белгиланган баҳо; 4) ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлаш баҳоси.

Дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳо (Об) асосий фондларнинг сотиб олинган баҳоси (**Сб**), асосий фондларни олиб

<sup>47</sup> Муаллиф томонидан қуйидагилар асосида тузилган: Ўзбекистон Саноати. Статистик тўпلام. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2014. Б.44.; Ўзбекистон Саноати. Статистик тўпلام. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. Б.46.

келиш учун қилинган транспорт харажатлари (**Хт**) ва монтаж харажатлари (**Хм**)ни ўз ичига олади.

$$Об = Сб + Хт + Хм$$

Бу баҳо корхона (фирма)нинг асосий ишлаб чиқариш фондаларини сотиб олиш ва ишга тушириш учун қилган ҳақиқий харажатларини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона (фирма) балансида ҳисобга олинади. Аммо асосий фондларнинг дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳоси уларнинг ҳажмини ва турли йилларда қуриб ишга туширилган корхона (фирма)лар асосий фондларини таққослашда етарли эмас, шунинг учун асосий фондларни баҳолашда қийматини қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳодан фойдаланилади.

Баҳолашнинг бу усули асосий фондларнинг ҳар хил даврда ишлаб чиқарилган ва олинган баҳоларни ҳозирги янги шароитдаги баҳода ифодалаш имкониятини беради. Бу баҳо бир хил истеъмол қийматга эга бўлган асосий фондларни баҳолашда бир хил қийматларда ифодалаш, корхоналар кўрсаткичларини таққослаш ва фондлар самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш учун имконият яратади. Қийматни қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳо амалдаги асосий фондларнинг жисмоний ҳолати ва маънавий эскиришини ҳисобга олган ҳолда қайта баҳо қўйиш орқали аниқланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта бориб аста-секин ишдан чиқа боради, шунинг учун уларга баҳо белгилашда уларнинг ишдан чиқиш ва ёйилиш қисми ҳисобга олинади. Шу тўғрисида асосий фондларни баҳолашда қолган қиймати орқали белгиланган баҳо ҳам қўлланилади. У икки хил баҳо билан ифодаланади: а) асосий фондларнинг ишдан чиққан (тузилган) қисмини уларнинг дастлабки тўла қийматидан айириб ташлаш орқали аниқланган қиймат; б) асосий фондларнинг ишдан чиққан (тузилган) қисмини уларнинг қайтадан тикланган қийматидан айириб ташлаш орқали аниқланган қиймат.

Асосий фондлар жуда эскириб, яроқсиз ҳолга келган, қайтадан тиклаш, капитал ремонт қилиш ёки модернизация қилиш натижа бермайдиган ҳолларда уларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолларда асосий фондларни ишдан чиқариб ташлаш баҳоси аниқланади. Бу баҳо ишдан чиққан, ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланадиган асосий фондларни (темир-терсак нархида) реализация қилиш баҳосидир.

### **10.3. Асосий фондларнинг эскириши ва амортизацияси**

Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида йиллар ўтиши билан эскиради ва ўз сифатини йўқота боради. Асосий фондлар ишлаб чиқаришда узоқ муддат иштирок этганлиги тўғрисида вақт ўтиши билан жисмоний ва маънавий

жиҳатдан эскиради.

**Жисмоний эскириш** деганда асосий фондларнинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиши натижасида бутунлай ёки қисман тўзиши, емирилиши тушунилади<sup>48</sup>. Маълум вақт ўтгандан кейин ишлаб чиқаришда ишлаб турган меҳнат қуроллари ишга бутунлай ва қисман жисмоний яроқсиз бўлиб қолади, бундай ҳолларда улар янгиси билан алмаштирилади ёки айрим қисмлари капитал ремонт ёки модернизация қилинади. Жисмоний эскириш натижасида асосий фондларнинг қиймати йўқ бўлиб кетмайди, балки тайёрланган маҳсулот қийматига кўчирилади.

Корхоналарда фақатгина амалда ишлаётган машина ва асбоб-ускуналаргина тўзимай, балки бекор турганлари ҳам тўзийди (емирилади). Машина ва асбоб-ускуналарнинг жисмоний эскириш миқдори уларнинг хизмат қилиш муддати ва тўзиш (емирилиш) даражасига нисбатан аниқланади.

Фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши туфайли ишлаб турган машина ва асбоб-ускуналар қийматининг камайтирилиши ҳамда эскиларига нисбатан унумли ва тежамли янги машиналар кашф этилиши, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида ишлатилаётган машиналарнинг жисмоний ейилиш муддати тугамасдан туриб қадрсизланиши – асосий фондларнинг **маънавий эскириши** деб аталади. Маънавий эскириш фондларнинг баҳосини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишни кўп жиҳатдан зарур қилиб қўяди. Эскирган асосий фондларни янгилари билан алмаштириш режали равишда энг кам меҳнат ва маблағ сарф қилиш йўли билан амалга оширилади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида аста-секин эскириб, ўз қийматининг маълум қисмини **амортизация** сифатида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот қийматига оз-оздан кўчириб боради.

**Амортизация** – (лотинча *amortisatio* - қоплаш), асосий капитал (фондлар) амортизацияси – асосий капитал (машина ва механизмлар, жиҳозлар ва ускуналар, бинолар ва иншоотлар)нинг эксплуатация жараёнида эскириши ва айна пайтда улар қийматининг муайян давр давомида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотга ўтиб бориши.<sup>49</sup>

Асосий воситалар моддий ёки жисмонан ва маънан эскиради. Моддий эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш жадаллиги ва унинг корхонада ишлатилган муддатлари билан белгиланади. Маънавий эскириш фан ва техника тараққиёти натижасида меҳнат воситаларининг арзонлашуви ҳамда иқтисодий жиҳатдан мукамал бўлган янги меҳнат воситаларининг яратилиши ва жорий қилиниши билан боғлиқ. Амортизация меъёри асосий фондлар турига, хизмат

<sup>48</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.137.

<sup>49</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. – Т.: «Давлат илмий нашриёти», 2000. – 288 бет



қилиш муддатига кўра табақалаштирилади. Амортизация қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига киритиб борилади. Маҳсулот сотилгач, бу қиймат **амортизация ажратмалари** кўринишида эскирган жиҳозлар ўрнига янгисини сотиб олиш учун зарур бўлган маблағлар суммаси тарзида жамғарилади.

**Амортизация ажратмалари** – маҳсулот таннархига киритиладиган асосий фондлар амортизацияси суммаси; асосий фондларни қисман тиклаш (капитал таъмир ва янгилаш) ва тўлиқ тиклаш (реновация) фондларини яратишга хизмат қилади. Амортизация ажратмалари меъёрлари асосий фондлар қийматига пропорционал равишда ҳисобланиши, яъни тахминий фойдаланиш муддатига текис тақсимланиши ёки камайиб борувчи баланс усулида – жадаллаштирилган тартибда ҳисобланиши мумкин. Жадаллаштирилган тартибда фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация меъёри 2 марта оширилади, иккинчи йили қолдиқ қийматининг 20% ва шу тарзда ажратмалар назарда тутилади. Натижада асосий фондлар қийматининг 2/3 қисми улар хизмат муддатининг ярмидаёқ амортизацияланади. Амортизация меъёрларининг пасайтирилиши асосий фондларнинг янгиланишини секинлаштиради, оширилган меъёрлар маҳсулот таннархини қимматлаштиради. Шу сабабли амортизация ажратмалари давлат томонидан тартибга солинади. Амортизация ажратмалари **таъминланиши керак** бўлган асосий шарт асосий фондлар эскиришини тўлиқ қоплаши ва уларни такрор яратишни таъминлашидир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат амортизация ажратмалари нормативларини белгилаб, жадаллаштирилган амортизация орқали тадбиркорларга солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтиришга имконият яратиб беради. Айти пайтда асосий фондлар қийматини ҳисобдан чиқаришни тезлатиш тадбиркорни асосий фондларнинг маънавий эскириши билан боғлиқ эҳтимоли бўлган зарар кўришдан сақлайди, янги техника ва технологияни тезроқ жорий этишга рағбатлантиради.

Амортизация ажратмалари асосий фондларнинг ўзини ёки унинг баъзи қисмларини янгилаш вақти келгунча шу шаклда маълум фондда жамғарилиб турилади ва бу фондни амортизация фонди деб атайдилар. Демак, амортизация фонди – амортизация ажратмалари ҳисобига шаклландиган махсус фонддир.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган моддий активлар амортизацияси деган тушунча ҳам мавжуд.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмаларининг суммаси (ҳисобланган эскириш);

- лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, жадаллаштириладиган амортизация суммаси.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириш, ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан натижали фойдаланиш муддатидан (бирор хўжалик фаолияти юритувчи субъект муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Натижали фойдаланиш муҳлатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскирган нормаси 5 йилга ҳисобланади.

Маълумки, амортизация ажратмалари белгиланган нормалар бўйича тайёр маҳсулотнинг таннархига киритилади ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H_a = (\Phi_1 - \Phi_m) / (T_a * \Phi_1) * 100\%,$$

Бу ерда:

$\Phi_1$  – асосий фондларнинг дастлабки ёки тиклаш қиймати;

$\Phi_T$  – асосий фондларнинг тугатиш қиймати;

$T_a$  – асосий фондларнинг норматив ишлаш муддати (амортизация вақти).

Амортизация нормасининг даражаси асосий фондларнинг эскирган қисмини тиклаш учун ресурслар ҳажмини аниқлайди. Амортизация нормаси билан асосий фондларнинг айланиш тезлиги белгиланади ва уларни қайта ишлаб чиқариш жараёни жадаллаштирилади.

Асосий фондларнинг тўлиқ тиклашни амортизация ажратмалар жами қуйидаги формулага асосланиб ҳисобланади:

$$A_a = H_a * \Phi,$$

Бу ерда:

$H_a$  – амортизация нормаси;

$\Phi$  – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

#### **10.4. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш, режалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ифодалаш учун жуда кўп кўрсаткичлар керак бўлади. Уларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- улардан фойдаланиш даражасини, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- ишлаб чиқариш фонди билан қуроллантириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- интеграл кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичлар тизимида айниқса, фонд қайтими кўрсаткичи ва

фондорентабеллик кўрсаткичи алоҳида ўрин эгаллайди.

Фонд қайтими – бу бир сўмлик асосий фонд иштирокида қанча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлигини ифодалайди ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Phi_k = Q / \Phi_{ас},$$

Бу ерда,  $\Phi_k$  – фонд қайтими (сўм ҳисобида);

$Q$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (сўм ҳисобида);

$\Phi_{ас}$  – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Фонд сиғими – бу фонд қайтимига тескари кўрсаткич бўлиб, маълум миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча асосий фонд кераклигини ифодалайди ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Phi_c = \Phi_{ас} / Q$$

Меҳнатнинг фонд билан таъминланганлиги ҳар бир ишловчи ҳисобига қанчадан асосий воситалар тўғри келишини билдиради ва у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\Phi_{бт} = \Phi_{ас} / \text{Хйм},$$

Бу ерда,  $\text{Хйм}$  – ходимларнинг йиллик ўртача миқдори (киши ҳисобида).

Асосий фондлардан фойдаланишни ифодалайдиган кўрсаткичлардан яна бири – бу жиҳозлардан фойдаланиш кўрсаткичлари:

а) экстенсив фойдаланиш коэффиценти ( $Kэ$ ). У жиҳозларнинг режали иш вақти фондида ( $T_{жр}$ ) ҳақиқий ишлаган вақти ( $T_{жх}$ ) даражасини кўрсатади:

$$Kэ = T_{жх} / T_{жр},$$

б) интенсив фойдаланиш коэффиценти ( $K_{ин}$ ). У жиҳозларнинг минимум маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин бўлган миқдорига ( $Mч$ ) нисбатан ҳақиқий ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ( $Mх$ ) даражасини кўрсатади:

$$K_{ин} = Mх / Mч.$$

### 10.5. Ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдир. Улардан самарали фойдаланиш масаласи айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янада долзарблашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда улардан ҳар тарафлама унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан қанчалик тўла ва унумли фойдаланилса, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, корхонанинг фойдаси ва самарадорлиги ошади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати вақт бирлиги ичида

белгиланган ассортимент ва номенклатура, мавжуд дастгоҳлар, ишлаб чиқариш майдонларидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини ифодалайди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати натура бирлигида ўлчанади. Масалан, металлургия саноатида ишлаб чиқариш қуввати тоннада, тўқимачилиқда йигирилган ип тоннада, газламалар метрда, автотрактор тармоқларида автомобиллар ва тракторлар доналаб ўлчанади.

Ишлаб чиқариш қуввати корхонанинг техник даражаси, унумдорлиги, кадрлар малакаси, хомашёларнинг сифати ва маҳсулотларнинг ассортиментига қараб ўзгара боради.

Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) мавжуд ускуналар ва агрегатларнинг сонига (таъмирлашдаги ускуналар) режалаштириш даврида янгидан киритилган ускуналар қўшилади, Лекин жисмоний ва табиий шароит таъсирида емирилган ускуналар ҳисобга киритилмайди;

б) корхоналар ва цехларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ҳақидаги маълумот;

в) корхоналарнинг иш режими, яъни сменалар сони (таъмирлашга тўхташ вақтисиз), иш вақти фонди;

г) ускуналар, агрегатларнинг унумдорлик нормаси.

Ишлаб чиқаришда турли ускуналардан фойдаланиш, корхонанинг қуввати асосий технологик жараёнларни бажарадиган етакчи цехлар, бўлинмалар ёки агрегатларнинг қувватларига биноан ҳисобланади.

Турли корхоналар (бирлашмалар)нинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда уларнинг хусусиятлари инобатга олинади ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Q = Dc * Du * Div,$$

бу ерда,

**Q** – корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати;

**Dc** – бир турдаги дастгоҳлар сони;

**Du** – вақт бирлигидаги бир дона дастгоҳнинг унумдорлиги;

**Div** – дастгоҳларнинг ишлаш вақти.

Айрим тармоқларнинг корхона ва цехларида йиғув, қуюв, мебель, консерва ишлаб чиқариш қуввати, майдон бўйича қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$Q = (M : Mn) * (\Phi : Vt),$$

бу ерда,

**M** – корхонанинг ёки цехнинг ишлаб чиқариш майдони (квм);

**Mn** – норма иш жойига тааллуқли ишлаб чиқариш майдони (квм);

**Φ** – иш жойининг йиллик режали иш вақти фонди (соат);

**Vt** – маҳсулотнинг меҳнат талабчанлиги – технологик вақт (соатда).

Йил бошида белгиланган ишлаб чиқариш қуввати – кириш қуввати, йил охиридагиси эса чиқиш қуввати дейилади. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_{ур} = K_{к} + (K_{т} * П_1) / 12 - (K_{ч} * П_2) / 12,$$

бу ерда,

***K<sub>к</sub>*** – кириш (режалаштирилаётган йил бошидаги) қувват;

***K<sub>т</sub>*** – йил давомида ишга туширилган қувват;

***K<sub>ч</sub>*** – чиқиш (йил охиридаги) қувват;

***П<sub>1</sub>*** – режалаштирилаётган даврдаги ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилмаган ойлар сони;

***П<sub>2</sub>*** – режалаштирилаётган даврда, ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилган ойлар сони.

Асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағ сарфламай қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ўсишига ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда республикада улардан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Саноат асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини оширишда корхоналарда технологик ускуналарнинг иш сменасини кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Ускуналардан интенсив фойдаланишни яхшилаш учун корхонанинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, машиналарнинг иш тезлигини ошириш, металл қуйишга, химиявий жараёнларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, кадрлар малакасининг техникавий савиясини ошириш, корхоналарни йириклаштириш, ихтисослаштириш ва ҳамкорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур.

### **Қисқача хулосалар**

1. Ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт бевосита ва билвосита қатнашадиган, моддий бойликлар яратишда иштирок этадиган ҳамда табиий шаклини сақлаган ҳолда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга аста-секин тузишига қараб ўтказиб борадиган меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондлари бўлиб ҳисобланади.

2. Ўзбекистон саноатида илғор техника ва технология, устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида асосий фондлар тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

3. Кўп укладли иқтисодиётга ўтиш муносабати билан асосий фондлар таркибида кўзга кўринарли силжишлар амалга ошди ва ошмоқда. Янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар, ҳисоблаш техникаси ва ишлаб чиқариш инвентарлари салмоғи ошиб бормоқда.

4. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш анчайин долзарб масала бўлганлиги учун ҳам ушбу масалага алоҳида аҳамият берилади.

#### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Асосий фондларнинг моҳияти, аҳамияти, таркиби ва структураси.
2. Кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришда асосий фондларнинг
3. Асосий фондларнинг емирилиши ва амортизацияси
4. Асосий фондларни таъмирлаш ва модернизация қилиш
5. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш кўрсаткичлари ва йўллари.
6. Ишлаб чиқариш қувватлари тушунчаси ва уни аниқлаш усуллари.
7. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш масалалари.

## **11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ХОМАШЁ МАНБАИ ВА УНИ ЖОЙЛАШТИРИШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** хомашё, ёрдамчи материаллар, тайёр маҳсулот, асосий хомашё, ярим фабрикат, саноат хомашёси, қишлоқ хўжалиги хомашёси, минерал хомашёлар, рудали минерал хомашёлар, рудасиз минерал хомашёлар, сунъий материаллар, пластмассалар, синтетик каучук.

### **Режа:**

**11.1. Саноатда хомашё, унинг хусусиятлари ва туркумланиши**

**11.2. Ресурслар тежамкорлигининг стратегияси ва тактикаси**

**11.3. Минерал хомашё ва улардан оқилона фойдаланиш**

### **11.1. Саноатда хомашё, унинг хусусиятлари ва туркумланиши**

Қайта ишловчи барча саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи элементлардан бири хомашёдир, чунки хомашёсиз ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Хомашё деб, қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш учун маълум даражада меҳнат сарфланган ва шу меҳнат натижасида бир қадар ўзгарган меҳнат буюмига айтилади. Хомашё – асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

Асосий хомашё деб, тайёр маҳсулотнинг материал (моддий) асосини ташкил қилувчи меҳнат буюмига айтилади. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи ёки асосий хомашёни қайта ишлашга зарур шароит яратиб берувчи қолган барча меҳнат буюмлари ёрдамчи материаллар деб аталади.

Меҳнат буюмларининг маҳсулот ишлаб чиқаришда қай тарзда қатнашишига қараб улар ҳам хомашё (асосий хомашё), ҳам ёрдамчи материал бўлиши мумкин. Масалан, нефть ёқилғи сифатида ёрдамчи материал бўлса, бензин ёки керосин ишлаб чиқаришда эса хомашёдир.

Хомашё кенг миқёсда истеъмол буюмлари ҳамда ишлаб чиқариш маҳсулотлари олиш учун ишлатиладиган табиий материаллардан иборат бўлиб, у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- миқдори жиҳатидан етарли бўлиши;
- қазиб олиш арзон ва осон бўлиши;
- технологик жараёнлар осон бориши керак.

Ҳар бир хомашё меҳнат буюмларидир, Лекин ҳар бир меҳнат буюми хомашё эмас. Меҳнат буюми меҳнат воситаси билан маълум даражада ўзгаргандан кейингина хомашё бўлади. Ер остидаги фойдали қазилмалар, ёввойи ҳайвонлар, дарахтлар ва ҳоказолар хомашё бўлмай, балки потенциал табиий бойликлардир.

Меҳнат воситаси ёрдамида овланган ҳайвонлар, қазиб олинган маъданлар, кесилган дарахтлар ва бошқалар хомашё ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бир ёки бир неча босқичда қайта ишланган бўлса-ю, лекин тайёр маҳсулот сифатида истеъмол қилина олмаса, у чала маҳсулот, яъни ярим фабрика деб аталади.

Ҳаётда ярим фабрика уни ишлаб чиқарган ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараганда тайёр маҳсулот, истеъмол қилувчи ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараганда хомашё ҳисобланади.

Хомашё ресурсларини хомашёдан фарқ қилмоқ керак. Хомашё ресурсларига мамлакатдаги фойдали қазилмалар конлари, ўрмон майдонлари, уй ҳайвонлари ва шу каби табиий бойликлар кирса, улар қазиб чиқарилган ёки ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфлангандагина улар хомашёга айланиши мумкин.

Хомашё ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементи сифатида саноат ишлаб чиқаришига ва унинг иқтисодига катта таъсир кўрсатади. Саноатнинг қайта ишловчи тармоқларида хомашё ва ёқилғи харажатлари ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлари ҳажмида энг катта салмоққа эгадир. Шунинг учун саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган хомашё ва ёқилғи харажатлари даражасига боғлиқ бўлади. Саноат маҳсулоти таннархида хомашё, ёрдамчи материаллар ва ёқилғи харажатлари бутун саноат бўйича ўртача 70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун хомашёни тежаб ишлатиш саноат маҳсулоти таннархини пасайтиришда, ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланишда ва ишчилар меҳнатининг унумдорлигини оширишда катта рол ўйнайди.

Материал кўп сарфланадиган тармоқларда хомашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий манбаидир. Машина ва ускуналарнинг унумли ишлаши ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун вақтнинг сарфланиш даражаси хомашё сифати ва унинг турига боғлиқ. Саноатдаги хомашёлар хилма-хил бўлиб, улар қуйидаги турларга бўлинадилар:

- саноат хомашёси;
- қишлоқ хўжалиги хомашёси.

Саноат хомашёси турли белгиларга кўра қуйидагича туркумланади:

- келиб чиқишига кўра – табиий ва сунъий;
- агрегат ҳолатига кўра - қаттиқ, суюқ ҳамда газсимон;
- химиявий таркибига кўра – органик ва аорганик;
- ишлатилишига кўра – озуқабоп ва техник турларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалиги хомашёси икки турга, яъни ўсимликлардан олинадиган хомашёлар ва ҳайвонлардан олинадиган хомашёларга бўлинади.



**Минерал хомашёлар.** Ер остидан қазиб олинадиган минерал бирикмалар минерал хомашёлар дейилади<sup>50</sup>. Иқтисодиётда ишлатиладиган минераллар уч турга бўлинади: а) рудали; б) рудасиз; в) ёнувчи минерал хомашёлар. Бу минералларнинг кўпи қаттиқ ҳолда бўлади. Суюқ минерал бойликларга фақат нефть ҳамда туз эритмалари, газ ҳолдагисига эса табиий газ киради.

**Рудали минерал хомашёлар** фойдали жинслар бўлиб, металллар олиш учун асосий манбадир.

**Рудасиз минерал хомашёлар** ҳам тоғ жинслари бўлиб, улар металл олиш учун ишлатилмайди. Бундай минерал хомашёлар ҳеч қандай химиявий қайта ишланмасдан тўғридан-тўғри иқтисодиётда ёки металлсиз ишлаб чиқаришда хомашё сифатида ишлатилади. Рудасиз минераллар шартли равишда қуйидаги турларга бўлинади:

- қурилиш материаллари – тўғридан-тўғри ёки физик-химиявий қайта ишлангандан сўнг қурилиш ишларида ишлатиладиган минерал хомашё;

- индустрия хомашёлари – химиявий қайта ишланмасдан саноатнинг турли тармоқларида ишлатиладиган хомашё.

- химиявий минерал хомашёлар – химиявий қайта ишлаш учун ишлатиладиган минераллар;

- қимматбаҳо ва рудасиз минераллар – табиий ҳолда ёки механик қайта ишлангандан сўнг безак учун ишлатиладиган минераллар.

Ёнувчи минерал хомашёлар ёқилғи сифатида ишлатиладиган фойдали қазилма бойликлардир. Буларга тош ва қўнғир кўмир, торф, ёнувчи сланецлар, нефть ҳамда табиий ёнувчи газлар киради. Ёнувчи газлар, нефть ва кўмир энг арзон ҳамда фойдаланиш учун қулай ёқилғигина бўлмай, балки химия саноатида қимматбаҳо хомашё ҳамдир.

Ўсимлик ва ҳайвонот хомашёларига ёғоч, зиғир, каноп, ёғлар, ўсимлик мойлари, ҳайвонот терилари ва шунга ўхшашлар киради. Булар иқтисодиётда ишлатилишига кўра озуқабоп ва техник хомашёларга бўлинади. Озуқабоп хомашёларга озуқа сифатида ишлатиладиган бирикмалар – ўрмончилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари киради.

Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган техник хомашёларга юқорида кўрсатилган иқтисодиёт тармоқларининг озиқ учун ярамайдиган маҳсулотлари киради. Бундай маҳсулотларни механик ва химиявий қайта ишлаб, улардан турмушда ва саноат ишлаб чиқаришида ишлатиладиган хомашёлар олинади.

Бундай хомашё турларини химиявий қайта ишлаб туриб турли маҳсулотлар олиш мумкин, уларнинг манбалари кўплиги, амалий

---

<sup>50</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.145.

жиҳатдан битмас-туганмас заҳирага эгалиги улар асосида кўпгина янги химиявий корхоналар ташкил этишга имкон беради.

Умуман фан ва техниканинг ниҳоятда тезлик билан ривожланиши янгидан-янги материалларни, шунингдек, янги хомашё материалларини қидириб топиш масаласини қўяди. Бу масала асосан олти йўл билан амалга оширилади:

- иложи борича арзон хомашёларни қидириб топиш ва ишлатиш;

- хомашёдан комплекс фойдаланиш;

- концентрланган хомашё ва маҳсулотлар ишлатиш;

- жуда тоза маҳсулотлар ишлатиш;

- техника мақсадлари учун ишлатиладиган озучабоп хомашёларни ноозучабоп хомашё билан алмаштириш;

- иложи борича маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш.

Ҳозирги вақтда химия ва химиявий технологиянинг ютуқлари муҳим техника хўжалик маҳсулотларини ноозучабоп хомашёлардан олишга имкон беради. Бундай хомашёлар сифатида тошкўмир, торф, сланец, нефть, табиий газлар, ёғоч, ўсимлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чиқиндилари ишлатилмоқда. Масалан, совун ювувчи маҳсулотлар, изоляторлар ишлаб чиқаришда, тўқимачилик саноатида, резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, чарм саноатида, коррозияга қарши курашишда, бетонларни сув ўтказмайдиган қилишда, металлларни силлиқлашда, металлларни қирқишда совутгичлар сифатида ҳар йили бир неча минг тонналаб қимматбаҳо озучабоп мойлар ишлатилади.

Саноатнинг кўпгина тармоқларида кенг миқёсида ишлатиладиган этил спирт ишлаб чиқариш учун ҳам жуда кўп миқдорда юқори сифатли дон ва картошка ишлатилади. Худди шу сингари саноатда ун, крахмал, сут каби маҳсулотлар техника мақсадлари учун ишлатилади. Масалан, казеин-оқсил модда сутда бўлади, казеин елим ишлаб чиқаришда, қоғоз ва чарм саноатида бўёқчиликда ҳамда муқовалар қилишда асосий маҳсулот сифатида ишлатилади. Бу мақсадда казеин ишлаб чиқариш учун ҳар йили бир неча юз минг тонна ёғсизланган сут сарфланади.

Крахмал тўқимачилик саноатида, резина ва химия саноатида, гугурт саноатида, электродлар олишда кенг қўлланилади. Ҳозир саноатда крахмал полиакрилламид ҳамда целлюлозанинг сувда эрувчан эфирлари – карбоксилметил целлюлоза (КМЦ) билан мувофақиятли алмаштирилган. Шу билан бирга КМЦ кўп миқдорда крахмал ўрнида, тўқимачилик, қоғоз ва гугурт саноатида озучабоп ун ўрнида ишлатилмоқда.

Ҳозир этилендан ва ёғочдан олинаётган синтетик этил спирт таркиби ва сифати жиҳатидан озучабоп хомашёлардан олинадиган этил спиртдан фарқ қилмайди ва шу билан бирга анча арзон ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиётнинг кўп тармоқларида бундай

этил спирт кўп ишлатилмоқда. Шунингдек, газ ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан сирка кислота, глицерин ва ёғлар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларни бу йўл билан ишлаб чиқаришда кўп миқдорда озуқабоп хомашёлар тежаб қолинади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи бир мунча арзонлашади.

Саноатни янада ривожлантириш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ва саноат маҳсулотларининг турларини кўпайтириш вазифалари сунъий материаллар ишлаб чиқаришни интенсиф ривожлантиришни тақозо этади.

Сунъий материаллар ишлаб чиқариш ва уни саноатда қўллаш қуйидаги ҳолларда иқтисодий самарадор ҳисобланади:

а) сунъий материал ягона хомашё бўлган тармоқда ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлари билан ва кенг масштабда ривожлантиришга сабаб бўлса;

б) қайта ишловчи тармоқлар техника базасининг мукамаллашувига сабаб бўлса;

в) ушбу материални истеъмол қиладиган тармоқлар маҳсулотининг сифатини яхшилашга ва ассортиментни кенгайтиришга сабаб бўлса;

г) қайта ишлаш тармоқларида технологик жараёнларни жадаллаштиришга ва ускуналарни мукамаллаштиришга сабаб бўлса;

д) тайёр саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ижтимоий харажатларни камайтиришга сабаб бўлса;

е) сунъий материаллардан ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини камайтирса.

Сунъий материаллар ишлаб чиқариш ва қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда вақт омилини, яъни қисқа вақт ичида керакли миқдорда саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришга эришиш мумкинлигини эътиборга олмоқ лозим. Бу соҳада сунъий материаллар беҳад афзалликларга эга, чунки табиий хомашё бўлган пахта, жун, тери ва бошқаларни ишлаб чиқаришга ойлаб вақт кетса, сунъий материалларни ишлаб чиқаришга кунлаб ва соатлаб вақт кифоя қилади.

Сунъий материаллар ишлаб чиқаришга табиий материалларга нисбатан анча кам ижтимоий меҳнат сарф қилинади. Масалан, 1 тонна ювилган жун ишлаб чиқаришга 7000 одам/соат сарфланса, синтетик толага 225-1400 одам/соат сарфланади.

Сунъий материаллар саноатнинг қўшимча хомашё базаси бўлиб хизмат қилади. Сунъий материаллар ишлаб чиқаришда жараёнларни кимёлаштириш, айниқса, органик синтезни ривожлантириш катта рол ўйнайди. Турли тармоқларда кимёвий методларни қўллаш табиатда кўп тарқалган маҳсулотлардан сифати табиий материалларникидан анча устун бўлган жуда кўп янги тур сунъий материаллар ишлаб чиқариш имконини беради.

Замонавий техника синтетик материалларга турлича талаблар қўяди. Синтетик материаллар жуда кўп ўзига хос афзалликларга эга: улар узоқ вақт ўта юқори ва ўта паст температурага, юқори босим ва жуда катта электр кучланишларига чидамли бўлади. Сунъий материаллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантириш саноатни ривожлантириш ва саноат хомашё базасини кенгайтиришнинг асосий йўлларида биридир.

Саноатни ривожлантиришда пластмассалар, синтетик каучук, сунъий ва синтетик толалар, сунъий чармлар ва чарм ўрнини босувчи материаллар, синтетик ювиш воситалари ва озуқа хомашёси ўрнини босувчи сунъий материаллар алоҳида, муҳим рол ўйнамоқда.

**Пластмассалар** – кенг номенклатурага эга бўлган сунъий полимер маҳсулотлар бўлиб, улар сифат жиҳатдан табиий материаллар билан тенглашибгина қолмай, балки кўп ҳолларда улардан устунлик ҳам қилади<sup>51</sup>. Улар юқори мустаҳкамлик, электр ўтказмаслик, энгиллик, қаттиқлик, эгилувчанлик, тиниқлик, каррозияга, кислотага, иссиқликка чидамлилиқ, кам едирувчанлик каби сифатларга эга ва механик ишлашнинг турли усулларига энгил мослашади.

Мамлакатимиз пластмассалар ишлаб чиқариш учун кенг хомашё ресурсларига эга, чунки пластмассалар учун табиий ва нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш ва коксохимия саноати чиқиндилари, ёғочни кимёвий ишлаш маҳсулотлари, энгил ва озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигининг турли хил чиқиндилари хомашё бўлиб хизмат қила олади.

**Синтетик каучук** – резина, резина-техника ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш учун ягона хомашёдир. Синтетик каучук табиий каучукка нисбатан ўн минглаб маротаба тезроқ ишлаб чиқарилади. Табиий каучук бир неча хусусиятга эга бўлса, синтетик каучук беҳисоб хусусиятларга эга. Ҳар бири бир неча маркали бир неча тур каучукларга бўлинади.

Сунъий ва синтетик толалар саноатнинг хомашё базасини кенгайтириш билан бирга, турли техник ва кийим-кечак газламалари, электр изоляция материаллари, кабеллар ва канатлар, балиқ тутиш тўрлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Иқтисодиётда сунъий чарм ўрнини босувчи материаллар катта аҳамиятга эгадир. Чунки пойафзал саноатининг ўсиш суръатларини амалга ошириш учун табиий чарм ресурслари етарли эмас. Сунъий чарм ва чарм ўрнини босувчи материаллардан пойафзалнинг айрим деталларини тайёр ҳолда ишлаб чиқаришнинг мумкинлиги пойафзал саноатини автоматлаштириш, ишлаб чиқариш циклини қисқартириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва натижада пойафзал саноатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.

---

<sup>51</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.148.

## 11.2. Ресурслар тежамкорлигининг стратегияси ва тактикаси

Маълумки, ҳар бир жангда ҳар иккала томон ҳам ўз стратегия ва тактикасидан фойдаланиб, имкон қадар йўқотишларсиз ғалабани қўлга киритишга ҳаракат қилади. Худди шунингдек, иқтисодиётда ҳам стратегия ва тактика қўлланилади.

Маълумки, ҳар бир давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда ресурслар текин эмас, улар ўз мақсадларига эришишда стратегия ва тактикадан фойдаланади. Бундан кўзланган мақсад, ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хомашё харажатларини минималлаштириш ва шу орқали фойдани максималлаштиришдир. Олиб борилган изланишлар, қўлланилган стратегия ва тактиканинг хомашё харажатларини камайитиришдаги сўнгги босқичи ресурслардан фойдаланишнинг алтернатив йўлини танлаш, ресурслар тежамкорлиги эканлигини тавсифлайди.

Ресурсларни танлаш алтернативлиги амалиётда ундан фойдаланган соҳаларда қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

-харажатларнинг камайиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг ошиши;

-алоҳида товарлар ва маҳсулотлар ассортименти билан бозорга кириб бориш ва ўз ўрнини эгаллаш;

-маҳсулот сифатидаги аниқ устунликка эришиш;

-худди иқтисодиётдаги ўрни каби технологияда ҳам лидерлик, яъни пешқадамлик мавқеининг ўсишига эга бўлишга интилиш;

-динамикани ҳисобга олган ҳолда мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ва хўжалик фаолиятидан фойда олиш.

Шунингдек, алтернатив (бир-бирига зид икки йўлдан бирини - ё унисини, ё бунисини танлаб олиш зарурияти) ресурслардан фойдаланиш стратегия ва тактикасининг таркибий қисми ҳисобланиб, ишлаб чиқаришда иқтисодий тежаш ва самарадорликнинг ошишига олиб келади.

Модомики, стратегия ва тактика ҳар қандай ишда, шунингдек, моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш соҳасида ҳам амалга ошириш биринчи навбатда одамларни, амалиётга мўлжалланган ходимларнинг тегишли квалификацияси, билими ва иш малакаси, ресурслардан фойланиш жавобгарлиги, бозор иқтисодиёти шароити ва замонавий фан-техника тадқиқоти ҳақида яхши тушунчалар талаб қилинади.

Олдинги режали иқтисодиёт шароитида ресурслар давлатга қарашли бўлиб, уларни бепул ва қайтариб олмаслик қоидаси асосида ҳудудларга, тармоқларга ва корхоналарга тақсимлаб берилар эди. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароити ресурсларни топиш ва улардан фойдаланишга бўлган талабнинг кўтарилиши ресурслар тежамкорлигини амалга ошириш йўллари излашни тақозо этади.

Собиқ иттифоқда барча ресурслар давлат томонидан бепул

тақсимланганлиги учун ресурслар тежамкорлиги амалиётда эмас, балки ҳужжатларда бажарилган. Ҳозирги кунда бу масала олдинги даврдагидек, “юқори”нинг кўрсатмаси билан эмас, ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бўлган қизиқиши билан ҳал этилмоқда.

Ҳозирги шароитда кўпгина корхоналарнинг асосий масаласи маҳсулотни ишлаб чиқаришда нимани, қанча, ва кимга ишлаб чиқариш эмас, шу билан бир қаторда бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қанча ресурс ва маблағ талаб қилиниши масаласи ҳамдир. Бу ҳар бир корхонага бир томондан мавжуд талабни қондириш, иккинчи томондан эса – ресурслар харажатининг камхарж йўлини ахтаришга ундайди.

Буларнинг барчаси товар ишлаб чиқариш характери билан боғлиқ бўлган ихтисослашганлик, технология, қуролланганлик ва бошқа хусусиятлар корхонанинг ўзига тегишлидир. Булардан ташқари, ҳар бир корхонага характерли бўлган нормалаштириш ва ресурсларнинг пуллилиги – ресурслар тежамкорлигининг муҳим резервидир.

**Хомашёдан рационал фойдаланиш** – саноат хомашё базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим манбаидир. Иқтисодий нуқтаи назардан хомашёдан мақсадга мувофиқ ва рационал фойдаланишда кўп жиҳатдан қайта ишловчи саноат тармоғи ёки корхона учун хомашёни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Хомашё хусусиятини ва сифатли технологик жараённи танлашга ва унинг прогрессивлик даражасига, машиналардан ва вақтдан фойдаланиш даражасига, ишлаб чиқариш циклининг узунлиги ва умуман ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир саноат тармоғида бир неча тур хомашё қўлланилади. Айрим тармоқ учун қайси хомашёни танлаб олиш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар бўйича турли хомашёларни солиштирмоқ зарур: солиштирма капитал харажатлари; меҳнат унумдорлиги; маҳсулот таннархи; маҳсулот сифати; маҳаллий хомашёдан максимал фойдаланиш; камёб бўлмаган хомашёдан фойдаланиш; ишлатилмайдиган чиқиндилардан фойдаланиш мумкинлиги; сунъий материаллардан фойдаланиш мумкинлиги; хомашёнинг прогрессив технология талабларига жавоб бериши; хомашёнинг бўлғуси тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларига жавоб бериши; маълум даврда маълум тармоқда қўллашнинг иқтисодиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлиги; айрим ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари; айрим тармоқлардаги техника тараққиёти.

Қазиб чиқариш тармоқларида ва қишлоқ ҳўжалигида олинадиган хомашё ва материаллар бевосита маҳсулот олиш учун қайта ишлашдан олдин бир марта ишланади. Бундан мақсад, хомашёни унда бўлган кераксиз қўшимчалардан тозалашдир.

Хомашёдан тўлиқ ва ҳар томонлама фойдаланиб, унинг турли қисмларидан турли хил маҳсулотлар олиш учун хомашёдан комплекс фойдаланмоқ керак.

Хомашё ресурсларини кенгайтириш ва тежашнинг яна бир йўли хомашё ва матераиллардан қайта фойдаланишдир. Масалан, едирилган машиналар, бинолар ва эски техникаларнинг металл қисмлари, бузилган биноларнинг ғиштлари, қоғоз материаллари ва бошқалардан саноатда қайта фойдаланиш мумкин.

### **11.3. Минерал хомашё ва ундан оқилона фойдаланиш**

Минерал хомашё – бу конлардан қазиб олинувчи турли фойдали қазилмалардир.

Потенциал ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг иқтисодий самарадор усулларини қўллаш учун конлар заҳирасининг миқдорини иқтисодий жиҳатдан тўғри аниқлаш ва саноат масшабда эксплуатация қилиш навбатини аниқлаш аҳамиятга эгадир.

Заҳираларни ўрганиш ва аниқлаш геология-қидирув ишлари давлат режаси асосида олиб борилади. Саноатнинг минерал хомашёга бўлган талабини режалаштиришда конларнинг ўрганилганлик даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Минерал хомашё заҳираларини қидириш ва саноат эксплуатациясига тайёрлик даражалари бўйича бир неча категорияларга бўлинади.

Фойдали қазилма заҳиралари маълум бир давр учун уларнинг техник-иқтисодий жиҳатидан фойдаланиш мумкинлиги даражасига қараб балансдаги ва балансдан ташқаридаги заҳираларга бўлинади. Балансдаги заҳираларга саноат талабларига ва фойдаланишнинг техник шартларига жавоб берувчи ва ҳозирги кунда уларни қазиб чиқариш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган заҳиралар киради. Балансдан ташқари, заҳирага – таркибда фойдали компонентлари, қазилмалар миқдори кам бўлган ёки эксплуатация шароитлари оғир бўлган ҳамда шу хомашёни саноат усуллари билан қайта ишлаш ҳозирча мумкин бўлмаган заҳиралар киради.

Турли хил фойдали қазилмалар ресурслари мамлакат ҳудудининг турли қисмида жойлашган конларда йиғилгандир. Айрим конлар бир-бирлари билан фойдали қазилмалар заҳиралари; қазилмаларнинг физик-химия хусусиятлари; эксплуатация шароитлари билан фарқ қилади.

Эксплуатация учун кон танлаш конларнинг фақатгина табиий ёки техник хусусиятларигагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё ресурсларига жуда ҳам бой бўлиб, уларнинг умумий баҳоси 3,3 трлн. доллардан зиёдироқдир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам ва бошқа кўпгина минерал ресурсларнинг аниқланган

заҳиралари жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. Бу ерда олтиннинг 30 дан ортиқ конлари қидириб топилган. Унинг асосий заҳиралари Мараказий Қизилқумда Мурунгов олтин кони бутун Евроосиё қитъасида маълум ва машҳур, руда таркибида олтин миқдори юқори ҳисобланади.

Кейинги йилларда Тошкент, Самарқанд вилоятларида янги олтин руда конлари қидириб топилди. Ўзбекистондаги ҳозирча қидириб топилган олтин заҳиралари 4 минг тоннадан ошади.

Кумуш конлари Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларида жойлашган. Республикамизда 30 та уран кони мавжуд. Унинг қидириб топилган заҳираси 50-60 йил давомида фойдаланишга етарли. Уран билан йўлдош рений, скандий ва бошқа металллар учрайди. Шунингдек, мис, қўрғошин, қалай, вольфрам ва литий каби муҳим стратегик нодир ва рангли металлларнинг йирик конлари бор. Республикамизда ҳар йили 8 минг тонна мис ишлаб чиқилади. Амалдаги ишлаб турган конлар мисни яна 40-50 йил, қўрғошин ва қалайни 100 йил мобайнида ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир.

Рангли металллар заҳиралари асосан Олмалиқ кон районида жойлашган. Қалмоққир мис кони ноёб ҳисобланади. Бу коннинг рудасини қайта ишлаш мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилади. Шунингдек, бу саноат районида мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва бошқа катта заҳираларга эга бўлган Дальний кони бор.

Қўрғошин-қалай металлари Олмалиқдаги Қўрғошинкон, Жиззах вилоятидаги Учқулоч ва Сурхондарё вилдоятидаги Хондиза конларидан олинади. Бу конларда яна йўлдош металллар – мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий ҳам учрайди. Ўзбекистонда молибденли формациялар ҳам бор. Чотқол-Қурама тоғлари висмутга бой. Жанубий Фарғона белбоғининг ўзидан 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан сурьма рудаланишлар аниқланган.

Қора металллардан энг кўп тарқалган темир, титан, марганец, магний, хром ва бошқалардир. Темирнинг бир неча конлари ва руда кўринишлари аниқланган. Улар орасида муҳими Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ титан-магний кони ҳисобланади. Марганец конлари Зарафшон, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда мавжуд. Магматик хром Қизилқумда, Фарғонада, айниқса, Томдитов ва Султон Увайсда кўплаб учрайди.

Ўзбекистонда нометалл хомашё – глауконит, дала шпати, волластонит, графит, асбест, тальк, тальк тоши, абразивлар, қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлар конлари кўп. Волластонитнинг 5-га яқин кўриниши ва конлари аниқланган. Графитнинг 30 дан ортиқ руда – рудаланиши ва конлари маълум. Қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлардан топаз, феруза, аметисит, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефрит, лазурит, амазонит,



родонит, агальматалит, мрамор оникси ва бошқаларнинг анча йирик заҳиралари қайд этилган.

Корхона фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва режалаштириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ва уни ташкил этишнинг турли норма ва нормативларини тузишга асосланади. Норма ва нормативлар асосида ишлаб чиқаришга керакли хомашё ва материаллар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар миқдори аниқланади, ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар жойлаштирилади ва ишлаб чиқариш ресурсларининг рационал заҳиралари режалаштирилади. Маҳсулот сифати бўйича қўйиладиган шартлар ҳам нормаларнинг бир тури ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг турли томонларини чегаралаб турувчи норма ва нормативлар йиғиндиси ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимининг нормалаштириш асоси бўлиб хизмат қилади.

Прогрессив техник-иқтисодий норма – маҳсулот бирлиги ёки иш турига сафрланиши мумкин бўлган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг максимал миқдори ёки сарфланаётган ресурс бирлигидан олинishi мумкин бўлган фойдали самаранинг минимал миқдоридир.

Хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи ва энергиялардан фойдаланиш нормалари ўз ичига қўйидаги нормаларни олади:

а) хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи ва энергиянинг маҳсулот ёки иш бирлигига сарфланиш нормалари;

б) хомашё, материаллар ва ёқилғиларни тайёрлаш ва уларни ташиш харажатларининг норма ва нормативлари. Бу нормалар корхонанинг хомашё ва энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва маҳсулот таннархига кирувчи моддий бойликларга қилинадиган харажатларни аниқлашда қўлланилади.

Нормалаштиришнинг вазифаси ҳақиқатда керак бўлган фойдали сарфланадиган хомашё ва материал миқдори ҳамда минимал йўқотиш миқдорини аниқлашдан иборат. Бу уч йўл билан аниқланади: а) тажриба-лаборатория усули; б) техник-аналитик усул; в) ҳисобот-статистик усул.

Бу усуллар орасида техник-аналитик ҳисоблаш усули нормалаштиришнинг асосий усули бўлиб, у нормаларни элементлар бўйича ҳисоблашга асосланади, яъни нормани ташкил қилувчи ҳар бир элементи таҳлил қилишга имкон яратади. Бу усул илғор тажриба, фан ва техника ютуқларини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Ресурсларни тежашда ресурслар пуллилиги муҳим омил ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда 70-йилларда ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан тўғри фойдаланишни ташкил этиш учун тўлов тизими жорий этилди. Аммо ҳозирги кунгача тўлов тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Корхонанинг моддий минерал хомашё компонентларидан тўғри фойдаланиш учун тўлов жорий қилиниши

натижасида корхона рентабеллигидан сезиларли даражада кам миқдорда ҳақ тўламоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқаришнинг барча ва айниқса, кўп материал истеъмол қилувчи тармоқларда моддий харажатларни тежаш катта аҳамиятга эга. Маҳсулот бирлигига кетадиган хомашё ва материаллар миқдорини унинг сифати узоққа чидаши ва ишончли бўлишига зарар етказмасдан камайтириш, бир хил миқдордаги материаллар ва хомашёдан кўпроқ маҳсулот олиш ва тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқаларини такомиллаштириш имконини беради.

Моддий ресурсларни тежаш учун кураш янги техникани жорий қилиш ва технологияни такомиллаштиришга шароит яратади, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш эса ўз навбатида бошқа иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга шароит яратади. Маҳсулот бирлигига сарфланадиган хомашё ва материаллар миқдорининг камайиши ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш демакдир, чунки хомашё ва материаллар таркибидаги моддийлаштирилган меҳнат ҳамда материалларни ташиш, ортиш, тушириш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган “тирик” меҳнат миқдорини камайтириш имконини беради. Шу билан бирга асосий ишчилар сарфлайдиган меҳнат миқдори камаяди, чунки кам материални қайта ишлашга тўғри келади.

Моддий ресурсларни тежаш маҳсулот таннархини камайтиришнинг энг асосий омилларидан биридир. Хўжаликка тўғри раҳбарлик қилишда хомашё ва материаллар сарфлашни чуқур таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Таҳлил ишлаб чиқариш хусусиятига қараб ўзгарувчи моддий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари асосида олиб борилади.

Бошланғич хомашёни биринчи бор қайта ишловчи тармоқларда хомашё бирлигидан тайёр маҳсулот чиқиши кўрсаткичидан фойдаланилади.

Баъзи бир тармоқларда маҳсулот бирлигига сарфланадиган хомашё миқдори кўрсаткичидан фойдаланилади.

Қайта ишловчи бир қатор тармоқларда хомашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициенти аниқланади. У детал, узел ёки маҳсулотнинг соф оғирлигини унга сарфланган материал миқдorigа ёки сарфлаш нормасига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу коэффициент бирга қанча яқин бўлса, шунча яхши, чунки материалдан шунча тўлиқ фойдаланилади.

Материаллардан фойдаланиш даражасини тўғри таҳлил қилиш учун ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий шароитларини кўриб чиқиш керак бўлади.

Моддий ресурслар резервларини ишга солиш манбалари ва йўллари аниқлаш мақсадида таҳлил методи амалга оширилади.

Хомашё ва материалларни тежашнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- машина ва бошқа маҳсулотлар сифати ошгани ҳолда оғирлигининг камайиши;
- ишлаб чиқариш йўқотишлари ва чиқиндиларини ҳар тарафлама камайтириш;
- хомашё ва материаллардан комплекс фойдаланиш;
- хомашёнинг қимматбаҳо камёб турлари ўрнига тежамли, янги материаллар қўллаш;
- хомашёдан қайта фойдаланиш.

Саноат ишлаб чиқаришида хомашё ва материалларни тежашнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- машина ва маҳсулотлар конструкциясини яхшилаш;
- янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш;
- технологик жараёнларни яхшилаш;
- хомашёни комплекс қайта ишлаш усулларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш.

Маълумки, моддий ресурсларни тежаш тадбирларини амалга ошириш қўшимча пул харажатлари билан боғлиқ. Бундай харажатлар икки хил хусусиятга эга:

1. Капитал харажатлари сифатида – материаллар харажатини камайтиришни қоплаш учун зарур бўлган янги ускуналарни ўрнатиш учун.

2. Хомашё ва материаллар сифатини ошириш учун сарфланадиган харажатлар сифатида.

Қўшимча пул харажатлари маҳсулот таннархини камайтиради ва шунинг ҳисобига тежаш имконини беради. Материалларни тежаш, шунингдек, ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Шунинг учун харажатлар самарадорлигини аниқлашда фақатгина хомашёдан олинган тежамгина ҳисобга олинмай, балки ускуна ва иш ҳақидан олинган тежамни ҳам аниқлаш керак бўлади.

Меҳнат буюмларини сарфлаш нормаларини пасайтиришдан олинадиган тежам қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\mathcal{E} = (H_1 - H_2) \cdot P_{\mathcal{C}}$$

Бу ерда  $\mathcal{E}$  – режа бўйича йиллик тежам;

$H_1$  ва  $H_2$  – тадбир жорий қилингунча ва қилингандан кейинги маҳсулот бирлигига материал сарфлаш нормалари;

$P$  – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик миқдори;

$\mathcal{C}$  – маҳсулотга сарфланадиган хомашё ва материаллар баҳоси.

Меҳнат буюми сифатини яхшилашга сарфланган харажатлар самарадорлиги янги материалларни жорий қилингунга қадар ва қилингандан кейин маҳсулот таннархларини солиштириш йўли билан аниқланади.

Истиқлол ва бозор иқтисодиётига кириб бориш мамлакатнинг хомашё ресурсларини кўпайтиришга ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга кенг йўл очиб берди. Республика саноатининг хомашё базаси борасидаги давлатнинг хўжалик сиёсати қайта ишловчи саноат тармоқларининг юқори суръатлар билан тараққий этишини таъминловчи хомашё ресурсларининг жадаллаштирилган ривожланишини таъминлашдан иборат.

Саноат хомашё базаси ривожининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: янги хомашё манбаларини аниқлаш бўйича геологик-қидирув ишларини кенгайтириш, ундирувчи саноат тармоқларини тезлик билан ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат учун етарли даражада маҳсулот етиштиришини ва унинг товардорлик қобилиятини кучайтириш, сунъий материаллар ва унинг босувчи буюмлари турли хилларини яратиш ва ҳ.к.

Хомашё ресурсларидан фойдаланишда тежамкорлик тамойилидан тўла-тўқис фойдаланиш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси ҳисобланади. Бу муаммони ечиш учун тежамкорликнинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш керак бўлади. Хомашёдан оқилона фойдаланиш мақсадида уни қайта ишлаш жараёнида тегишли саноат тармоғи учун мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, хом материалларни дастлабки қайта ишлаш ва бойитиш, хомашёдан комплекс фойдаланиш, материаллардан иккинчи марта фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бунга эришишда фан-техника тараққиёти, айниқса химиялаштириш ва янги технологияларни жорий этиш асосий рол ўйнайди.

Ресурсларни тежаш хўжалик юритувчи субъектларнинг сезиларли даражада ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ресурслардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим.

Кўриб ўтганимиздек, тежамкорликни амалга ошириш ва маҳсулотга материал сарфини камайтиришга эришиш учун аввало хўжалик юритувчи ходимлар ва хизматчилар унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тушуниб олишлари ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида иқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида уни моҳирона қўллай билиши керак.

Ҳукуматимиз томонидан ресурслардан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо мамлакатимиз аҳолиси ва корхоналари томонидан бу ишнинг амалга оширилиши талабга жавоб берадиган даражада эмас. Шу сабабли охириги йилларда республикада ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга катта эътибор берилиб бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди<sup>52</sup> ва ўтган йиллардагидек исрофгарчиликка йўл қўймасликка эришилмоқда.

---

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2016 й.даги “2016 — 2020 йилларда рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаш негизида экспортга

## **Қисқача хулосалар**

1. Ўзбекистон саноати ўзининг жуда катта хомашё базасига эга. Мустақиллик ва бозор иқтисодиётига кириб бориш мамлакатнинг хомашё ресурсларини янада кўпайтиришни ва мавжуд табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни талаб этади.

2. Саноат хомашё базаси ривожининг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: хомашё янги манбааларини аниқлаш бўйича геологик-қидирув ишларини кенгайтириш, ундирувчи саноат тармоқларини тезлик билан ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат учун етарли даражада маҳсулот етиштиришини таъминлаш ва товардорлик қобилиятини кучайтириш, сунъий материалларни турли хилларини яратиш ва ҳ.к.

3. Хомашё ресурсларидан фойдаланишда тежамкорлик тамойилидан тўла-тўқис фойдаланиш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси ҳисобланади. Шу сабабли, хомашёдан оқилона фойдаланиш мақсадида уни қайта ишлаш жараёнида тегишли саноат тармоғи учун мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, хомашё материалларини дастлабки қайта ишлаш ва бойитиш, хомашёдан комплекс фойдаланиш, материаллардан иккинчи марта фойдаланиш бўйича тадбир-чоралар амалга оширилиши зарур. Бу тадбир-чораларни амалга оширишда фан-техника тараққиёти, айниқса химиялаштириш ва янги технологияларни жорий этиш, ташкилотчилик, тежамкорлик ва уни рағбатлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

## **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Хомашё тушунчаси ва уни гурухлаш.
2. Ўзбекистон саноатининг хомашё базаси ва унинг ривожи.
3. Минерал хомашё конларини иқтисодий баҳолаш.
4. Сунъий материаллар ишлаб чиқаришнинг ривожи.
5. Саноат хомашёсидан фойдаланишнинг оқилона усуллари.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида тежамкорлик тамойили ва унинг талаблари.
7. Саноат хомашё базасини мустахкамлашда хорижий ҳамкорликнинг роли.

---

йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2533-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2016 й.даги “2016 — 2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2547-сон Қарори

## 12-МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

**Таянч атамалар ва иборалар:** айланма фондлар, ишлаб чиқариш жамғармалари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, айланма фондларнинг таркибини, моддий ресурслардан комплекс (ҳар тарафлама) фойдаланиш, чиқиндилардан ёки иккиламчи хомашё ва материаллардан фойдаланиш, муомала фондлари, нормаллаштириладиган айланма маблағлар

**Режа:**

**12.1. Айланма фондларнинг моҳияти ва аҳамияти**

**12.2. Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари**

**12.3. Айланма маблағлар ва уларнинг айланишини тезлаштириш**

### 12.1. Айланма фондларнинг моҳияти ва аҳамияти

Саноат соҳасида турли маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида моддий ва молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлар доимо ошиб боради. Саноат корхоналарида асосий фондлар билан бир вақтда меҳнат буюмлари ҳам ҳаракатда бўлади. Шу сабабли уларни айланма фондлар деб айтилади.

**Айланма фондлар** – бу ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиб, ўз шаклини ҳам ўзгартирадиган, бутунлай йўқотиб юборадиган меҳнат буюмларидир.<sup>53</sup>

Айланма фондларга ишлаб чиқариш жамғармалари ва ишлаб чиқаришдаги маблағлар, тугулланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш жамғармалари айланма фондларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу корхоналарга келтирилган, Лекин ишлаб чиқариш жараёнида ҳали фойдаланилмаган меҳнат бумлари, хусусан, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, хўжалик жиҳозлари ва тез емирилувчи буюмлардан иборат.

Айланма фондларнинг яна бир қисмини тугалланмаган ишлаб чиқариш ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнига аллақачон тушган, лекин ишлов бериш тугамаган меҳнат буюмларидир. Буларга корхона ўзи яратган, лекин чала тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришлар киради.

Айланма фондларнинг яна бир қисми келгуси давр харажатлари ҳисобланади. Уларга янги турдаги маҳсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўзлаштириш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, хоналарни ижарага олиш, тоғ-саноат корхоналарига тааллуқли харажатлардан иборатдир. Бу харажатларнинг ҳаммаси

<sup>53</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.158.

тайёр маҳсулотнинг таннархига киритиш эвазига қопланади.

Айланма фондларнинг таркиби турли тармоқларда турлича бўлади. Масалан, умуман саноат бўйича ишлаб чиқариш жамғармаси 64% га яқин бўлса, электроэнергетика ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш соҳасида 56% ни, машинасозликда 54%, кўмир саноатида 33% ни ташкил этади. Айланма фондларнинг таркиби фақат тармоқларда эмас, корхоналарда ҳам бир биридан фарқ қилиши мумкин. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасига, жорий этилаётган технологиянинг усулига, йўлига, корхонани ихтисослаштириш даражасига, ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигига, ишлатиладиган материалларнинг таркибига боғлиқдир. Айланма фондларнинг таркибини иқтисодий таҳлил этиш ва уларнинг таркибига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кучи натижаларини топиш, тармоқлар ва корхона тараққиётини белгилашга катта ёрдам беради. Айланма фондларнинг таркибини аниқлаш, фойдаланишни яхшилаш йўллари белгилаш учун моддий баланслар тузилади. Бу баланслар ҳар бир тармоқ иккинчи тармоққа қандай буюмлар етказиб беришини тавсифлайди.

## **12.2. Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари**

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг асосий бўғини бўлган корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг жуда кўп йўллари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Моддий ресурслардан комплекс (ҳар тарафлама) фойдаланиш;

2. Чиқиндилардан ёки иккиламчи хомашё ва материаллардан фойдаланиш.

Хомашё ва бошқа айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш учун даставвал фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш керак. Эски техникани янги техника билан алмаштириш, айниқса, ҳозирги замонда ривожланган хорижий мамлакатлар технологиясини жорий этиш зарур. Бу борада ҳозирги пайтда республикада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Россия, Германия, АҚШ, Япония, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда саноат корхоналари техник ва технологик жиҳатдан яхшиланмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаштириш кучаймоқда. Баъзи бир машина-механизмлар модернизация қилинмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашмоқда. Бу эса корхоналарда ишловчиларнинг малакасини ошишига таъсир кўрсатмоқда, оқибатда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган меҳнат буюми камаймоқда. Хомашё, ёқилғи, энергетика ресурслари, яъни айланма фондларнинг яхши ишлатилиши туфайли катта самара олиш борасида фақат техникавий

омилларгина катта ўрин тутмасдан, ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам етарли рол ўйнайди.

Айланма фондлардан самарали фойдаланишда хўжалик механизмнинг аҳамияти катта. Хусусан, режалаштириш, баҳолаш, молиялаш, кредитлаш, хўжалик ҳисобини юритиш, бошқариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби хўжалик механизмнинг элементлари ҳам таъсир кўрсатади. Айланма фондлардан оқилона фойдаланиш учун рақобатни жорий этиш керак. Рақобат эса маҳсулотни энг сифатли, энг арзон ва кўплаб ишлаб чиқариш воситасидир. Рақобат бўлиши учун бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўп бўлиши керак.

Айланма фондлардан режавий фойдаланишни ташкил қилишда уларнинг айрим турларини маҳсулот бирлигига сарф этишни илмий асосда нормаллаштириш катта аҳамият касб этади. Бу ишни бажариш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, моддий техника таъминотини ташкил этиш, техника ва технологияни такомиллаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Барча нормалар илмий жиҳатдан асосланган ва ўзларининг хусусиятлари бўйича илғор давр талабига жавоб берадиган бўлишлар зарур.

Моддий ресурсларни сарфлаш нормалари турлича бўлиши мумкин:

1. Фойдаланиш муддатига нормалар, а) истиқболли; б) йиллик ва оператив нормалар.

2. Қўлланиш миқёси бўйича нормалар икки хил: шахсий нормалар ва расмийлашган нормалар бўлади.

3. Нормаллаштирилаётган маблағнинг деталлаштириш даражаси: тайёр маҳсулот ёки унинг айрим қисмлари бўйича ажратилиши мумкин.

4. Материалларни деталлаштириш бўйича йиғма нормалар, йириклашган нормалар бўлиши мумкин.

5. Моддий ресурсларни тўғри, оқилона сарфлашни нормаллаштириш учун уларнинг таркибини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Нормалар таркибида қуйидагилар эътиборга олинади:

- маҳсулот бирлигига сарфланадиган фойдали хомашё ва материалларнинг миқдори.

- зарурий техник чиқинди ва бошқалар. Масалан, кийим тикиш жараёнида қийқимлар чиқади. Нормалар тажриба, лаборатория, техникавий, аналитик, ҳисоб, статистик усуллар билан тузилади. Бу усулларнинг энг муҳими биринчиси ҳисобланади.

### **12.3. Айланма маблағлар ва уларнинг айланишини тезлаштириш**

Саноат корхоналарининг фаолияти асосий ва айланма фондлар ҳамда айланма маблағлар билан узвий боғлиқлиги алоҳида аҳамият




касб этади. Муомаладаги ишлаб чиқариш фондларининг йиғиндиси айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағлар 2 та фондни ўз ичига олади:

1. Айланма фондлар;
2. Муомала фондлари.

Айланма фондлар ўз навбатида ишлаб чиқариш жамғармаси, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва складлар (омбор)лардаги тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади.


Муомала фондларига жўнатишга юкланган маҳсулотлар ва давлат банкидаги пул маблағлари киритилади.

Айланма маблағларнинг таркибини 6-чизмада кўриш мумкин:



**6-чизма.** Айланма маблағлар<sup>54</sup> (саноат ишлаб чиқариши бўйича).

Айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлиб, пул ва ишлаб чиқарилган товар шаклида рўй бериши мумкин. У қуйидаги схема билан ифодаланади:



<sup>54</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.161.

Бунда: **П** – корхонанинг пул шаклидаги маблағлари; ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун (**Ив**) ва иш ҳақи (**Иҳ**), сўм ҳисобида.

**Ич** – ишлаб чиқариш воситаларининг унумли истеъмоли, сўм ҳисобида;

**Т** – ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиниши натижасида ишлаб чиқарилган товарлар қиймати, сўм ҳисобида;

**П<sup>1</sup>** – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш натижасида ҳосил бўлган пул, сўм ҳисобида.

Корхонанинг айланма маблағлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига шароит яратиб берадилар. Айланма маблағлари камайиб кетган корхона (фирма)лар банкротликка юз тутадилар.

Ташкил этилиш усулига қараб айланма маблағлар нормаллаштириладиган ва нормаллаштирилмайдиган маблағларга бўлинади.

Нормаллаштириладиган айланма маблағлар корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун керак бўлган маблағларнинг минимал миқдоридир.

Айланма маблағларнинг айланиш даври 3 қисмдан иборат бўлади:

1. Маблағларнинг ишлаб чиқаришдаги жамғарма шакли;
2. Ишлаб чиқариш жараёнидаги шакли;
3. Тайёр маҳсулот ёки ҳисоб-китоб счётидаги шакли.

Нормаллаштиришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жамғармаларини, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини, тайёр маҳсулот қолдиғини аниқлашдан иборат.

Нормаларга биноан, ишлаб чиқариш жамғармалари режалаштирилади. Уларнинг миқдори корхоналарда камроқ, лекин ишлаб чиқариш жараёнига етарли бўлиши керак.

Ҳар бир корхона айланма маблағларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни ва уларнинг айланишини тезлаштиришни таъминлаши керак. Фақат шундагина у самарали ишлаган бўлади. Айланма маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг доиравий шаклда айланишининг тезлашишидир. Бунга эришилганда ортиқча маблағларнинг бўшашига ва улардан бошқа мақсадларда қўлланишига шароит яратиб берилади.

Айланма маблағларнинг айланиши турли кўрсаткичлар билан белгиланади. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ka = Mcm / Ай.қ,$$

Бунда: **Мсм** – сотилган маҳсулот миқдори, сўм ҳисобида;

**Ай.қ.** – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи, сўм

ҳисобида.

Айлана маблағларнинг 1 та айланиш даврини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$Ad = (A \text{ й.қ} * 360) / Msm$$

Айланма маблағларнинг айланиш даврини ҳисоблашни осонлаштириш учун йилдаги кунлар сонини 360 кун, квартални 90 кун, ойликни 30 кун деб қабул қилинган.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат ишлаб чиқаришида асосий фондлар билан бир вақтнинг ўзида меҳнат буюмлари ҳам ҳаракатда бўлади. Шу сабабли уларни айланма фондлар деб атайдилар. Айланма фондларнинг ашёвий мазмунини асосий ва ёрдамчи материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим фабрикатлар, эҳтиёт қисмлар, кам баҳоли ҳамда тез тўзидиган буюм ва инвентарлар, турли идишлар (таралар) ташкил этади. Айланма фондларга тайёр маҳсулот, йўлдаги маҳсулот ва ҳисобдаги пуллар ҳам киради.

2. Айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш мавжуд хомашё ва материаллар билан ишлаб чиқариш кўламини юқори даражага кўтариш, тармоқлар ўртасида юқори тежамли нисбатларни (пропорцияларни) белгилаш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга имкон яратади. Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш хомашё ва материаллардан, ёқилғи ва электроэнергетикадан оқилона фойдаланишни талаб этади.

3. Моддий ресурсларни тежаш мақсадида кўп омиллардан фойдаланиш мумкин. Ресурсларни тежашнинг асосий ишлаб чиқариш – техник омилларига ишлаб чиқаришнинг техник даражасини узлуксиз ошириш, технологик жараёнларни мукамаллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш, тежамкорликни рағбатлантирувчи дастак ва стимуллардан кенг фойдаланиш киради.

4. Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки у пул маблағларини бўшатишга имконият яратади.

5. Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш циклининг давомийлигини, узоқлигини қисқартириш;
- нормативдан ташқари, ва ошиқча заҳираларни йўқотиш;
- тайёр маҳсулотларни сотишни тезлаштириш ва ҳ.к.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Айланма фондларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни нималардан иборат?

2. Айланма фондлар асосий фондлардан қайси хусусиятлари билан фарқланади?
3. Айланма фондларнинг таркиби ва тузилмаси тўғрисида нималарни биласиз?
4. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Айланма фондлардан самарали фойдаланиш механизми нималарни ўз ичига олади?
6. Айланма маблағлар деганда нималарни тушунасиз? Уларнинг турларини изоҳлаб беринг?
7. Айланма маблағларнинг айланиш тезлигини оширишнинг аҳамияти нималардан иборат?
8. Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш йўлларини изоҳлаб беринг?
9. Бу мавзу бўйича ечими топилмаган қандай муаммолар мавжуд?

## **13-МАВЗУ. САНОАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА УНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** сифат, маҳсулот сифати, мустаҳкамлик кўрсаткичлари, стандартлаштириш ва унификациялаш кўрсаткичлари, эргономик кўрсаткичлар, эстетик кўрсаткичлар, транспортабеллик кўрсаткичлари, патент-ҳуқуқий кўрсаткичлар, экологик кўрсаткичлар, хавфсизлик кўрсаткичлари, буюмнинг баҳоси, иқтисодий оптимал сифат, сифат бирлигининг баҳоси, квалиметрия илми, маҳсулот сифатини аттестация қилиш, маҳсулот сифатини ўлчашни, маҳсулот сифатини назорат қилиш, маҳсулот сифатини бошқариш, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, аттестация, назорат қилиш, стандартлаштириш, сертификат, сертификатлаштириш.

### **Режа:**

**13.1. Сифат тушунчаси ва уни ошириш зарурияти**

**13.2. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари**

**13.3. Маҳсулот сифатини бошқариш ва уни ошириш йўллари**

**13.4. Стандартлаштириш, сертификациялаштириш, аттестация ва назорат қилиш**

### **13.1. Сифат тушунчаси ва уни ошириш зарурияти**

Замонавий бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига бошқача принципал талаблар қўяди. Чунки ҳозирги замонда ҳар қандай фирманинг омон қолиши, унинг товарлар ва хизматлар бозоридаги мустаҳкам мавқеи рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида рақобатбардошлик икки кўрсаткич билан - баҳо ва маҳсулот сифатининг даражаси билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш даврида иккинчи омил биринчи ўринга кўтарилмоқда. Чунки сифат корхонанинг обрўси ва янада гуллаши ҳамда сифатни бошқариш бўйича иш - бу барча ходимлар, раҳбардан тортиб аниқ иш бажарувчи учун альфа ва омегаси, яъни аввали ва охиридир<sup>55</sup>. Шу туфайли давлатнинг иқтисодий, шу жумладан, саноат сиёсатида сифат масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Маҳсулот сифатини ошириш - бу оқибат натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш масаласи ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай маҳсулот энг юқори техникавий – иқтисодий ва эстетик ҳамда бошқа бир қатор талабларга мувофиқ келиши, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар сифат муаммоси ҳал этилмаса, ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириб бўлмайди.

<sup>55</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.165.

Маҳсулот (иш, хизмат) сифати - бу шу маҳсулотнинг ҳар томондан фойдаланишга мукамал эканлигини белгиловчи хусусиятлар йиғиндисидир.

Маҳсулот сифати - бу шу маҳсулотдан маълум мақсадда фойдаланиш учун унинг яроқлилик даражаси, маҳсулотнинг иқтисодиёт эҳтиёжларини, истеъмолчиларнинг талаб ва дидларини қондириш қобилиятидир.

Саноат маҳсулотининг сифати тармоқнинг, корхона(фирма)нинг фаолиятини режалаштиришда ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳолати ифодаланади. Маҳсулот сифати иқтисодий жиҳатдан истеъмол қийматининг ўлчови ва фойдаланиш даражаси кўринишида намоён бўлади.

Маҳсулот сифати иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг муносабатларини, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, режа топшириқларини бажариш ҳамда маҳсулотга баҳо белгилаш бўйича корхонанинг давлат билан муносабатларини ифода этади. Ундан ташқари, маҳсулот сифати сифатли маҳсулот учун моддий рағбатлантириш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилгани учун моддий жавобгарликка тортиш бўйича корхоналар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Маҳсулот сифати техника тараққиётининг суръатларини, меҳнат унумдорлигини ва шу орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини таърифловчи иқтисодий категориядир. Маҳсулот сифатини мунтазам равишда яхшилаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур шарти, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстиришни асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулотнинг миқдори ва сифати ўзаро диалектик боғлиқдир. Юқори сифатли маҳсулот сифатсиз тайёрланган маҳсулотга нисбатан жамият эҳтиёжларини юқорироқ даражада қондиришга қодир. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини кўшимча харажатларсиз ошириш демақдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва миқдорининг ўзаро боғлиқлиги маҳсулот сифатини ошириш, жамият эҳтиёжларини тўла қондиришга имкон беради, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучлари ўсишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Сифатли маҳсулот доимо ўз харидорларига эга. Ҳозирги даврда мазкур талаб қондирилгандагина маҳсулотни дунё бозорига чиқариш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида мамлакатга экспортдан келадиган валюта тушумини кўпайтириш орқали янги техника ва технологиялар сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни сотишга эришган корхона (фирма) эса ўз

ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш имкониятига эга бўлади. Бундай субъектларнинг кўпайиши эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг тараққий этиши эса унинг аҳолисини даромадлари ва демак турмуш даражасининг ҳам юксалишига олиб келади. Натижада сифатли маҳсулот ва юқори даражада кўрсатилган хизматларга талаб кўпаяди. Яъни, сифатли маҳсулот (таклиф) ўзининг сифатли истеъмолчисини (талаб)ни яратади. Пировардида жамиятда янада юқорироқ даражада иқтисодий ўсиш таъминланади.

### **13.2. Маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари**

Саноат ишлаб чиқариши ўз маҳсулотларининг ғоят турлитуманлиги, яъни хилма-хиллиги билан тавсифланади. Бу маҳсулотлар табиий хусусиятларига кўра ҳар хил меъёр ва хилма-хил сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Лекин, маълум саноат маҳсулотларининг муайян гуруҳи учун умумий кўрсаткичлар ишлатилиши, бошқа гуруҳи учун эса ўзига хос кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин.

Маҳсулот сифатига ва унинг техникавий хусусиятларига баҳо бериш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

Истеъмол қилиш хусусиятлари бўйича талабни қондириш кўрсаткичлари. Бундай кўрсаткичлар маҳсулотдан тайинли, белгиланган равишда фойдаланиш натижасида керакли (зарурий) самарани тавсифлайди. Ишлаб чиқариш - техник вазифани бажарувчи маҳсулот учун меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи хизмат қилиши мумкин. У баҳоланаётган маҳсулот ёрдами билан қандай ҳажмдаги маҳсулотни тайёрлаш ёки маълум давр ичида қандай ҳажмдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиши мумкинлигини ифодалаб беради.

Мустаҳкамлик кўрсаткичлари - буюмларнинг бузилмаслиги, яхши сақланиши, таъмирлашга қулайлиги, шунингдек, чидамлилигидир. Машина ва ўлчов асбобларининг сифати уларнинг мустаҳкамлигига ва узоқ ишлаш қобилиятига қараб аниқланади. Ҳар бир буюмнинг мустаҳкамлиги мўлжалланган муддатда, ўз хизмат параметрларини ўзгартирмай, зиммасига юклатилган вазифаларни бошқариш хусусиятидир. Воситанинг, яъни қуролнинг ишлаш муддати - мўлжалланган вақтда, ўзининг ишлаш қобилиятини ўзгартирмаслик хусусиятидир.

Технологик кўрсаткичлар маҳсулотни тайёрлаш ва таъмирлаш жараёнида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун конструктор-технологик ечимларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Айнан техника ва технология ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оммавийлиги, материал харажатларини, маблағлар, меҳнат ва вақтни оқилона тақсимлаш таъминланади.

Стандартлаштириш ва унификациялаш кўрсаткичлари - бу маҳсулотнинг стандартли, унификациялашган ва оригинал, яъни

ажойиб, ажралмас қисмлар билан қондирилганлиги, тўйдирилганлиги, шунингдек, бошқа буюмларга нисбатан унификациялашганлик даражаси. Улар тракторни бошқариш учун керак бўлган кучлар, музлатгичда ручканинг жойлашиши, ҳарорат, намлик, ёруғлик, шовқин, вибрация, нурланиш, ёнувчи маҳсулотларда учар гази ва сув буғининг йиғилиши бўлиши мумкин.

Эргономик кўрсаткичлар инсоннинг буюм билан муносабатини ва бу буюмдан фойдаланишда рўй берадиган гигиеник, физиологик ва руҳий хусусиятлар мажмуини акс эттиради.

Эстетик кўрсаткичлар буюмларнинг бадий-конструкторлик хусусиятларини ифодалайди. Улар буюмнинг товар қиёфаси жонлилигини, шаклининг маъқуллигини, композициянинг бутунлилигини, мукамал бажарилганлилигини ва барқарорлигини тавсифлайдилар.

Транспортабеллик кўрсаткичлари маҳсулотнинг ташиш учун мослашганлигини ифодалайди.

Патент-ҳуқуқий кўрсаткичлар маҳсулотнинг патентли ҳимоясини ва патентли сархиллигини (асиллигини) тавсифлайди ва рақобатбордошлигини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Патент-ҳуқуқий кўрсаткичларни аниқлашда буюмларда янги техник омиллар борлигини, шунингдек, мамлакатда патентлар билан ҳимояланган ечимларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Экологик кўрсаткичлар - бу атроф-муҳитга хавфли таъсир кўрсатиш даражаси, қайсики маҳсулотни эксплуатация қилиш ёки истеъмол қилишда юзага келади<sup>56</sup>. Масалан, зарарли қотишмаларнинг бўлиши, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилишда зарарли қисмлар, газлар ва нурларни чиқариш мумкинлиги.

Хавфсизлик кўрсаткичлари - харидор ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлиги учун маҳсулот хусусиятларини тавсифлайди, яъни маҳсулотни монтаж қилиш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, ташиш, истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлайдилар.

Юқорида қайд қилиб ўтилган кўрсаткичларнинг йиғиндиси маҳсулот сифатини ташкил этади. Буюм мустаҳкам (пишиқ), эстетик жиҳатдан кўзни қамаштирадиган, ўз вазифасини яхши бажарадиган бўлиши лозим. Лекин, шу барча кўрсаткичлардан ташқари, буюмнинг баҳоси ҳам муҳим. Чунки иқтисодий оптимал сифат масаласи баҳо билан чамбарчас боғлиқдир. Харидор буюм сотиб олганда буюм баҳоси у эга бўлган хоссалар тўпламини қоплашини билиш учун уларни доимо таққослайди.

Иқтисодий оптимал сифат деганда, сифат ва харажат нисбати ёки сифат бирлигининг баҳоси тушунилади ва у қуйидаги формула билан ҳисобланади:

---

<sup>56</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.167.



$$K_{opt} = \frac{Bc}{X\varepsilon}$$

бу ерда: **Копт** – иқтисодий оптимал сифат;

**Бс** - буюм сифати;

**Хε** - буюмни сотиб олиш ва эксплуатация қилиш харажатлари, сўм.

Формуланинг махражини аниқлаш мураккаб эмас, чунки у буюмнинг сотиш баҳосини, эксплуатация, таъмирлаш ва утилизация қилиш харажатларини ўз ичига олади. Формула суръатини аниқлаш эса қийинроқ кечади, чунки буюмнинг сифати жуда кўп ва турли - туман кўрсаткичлардан иборат. Бу билан алоҳида фан - квалиметрия илми шуғулланади. У сифатни сон жиҳатдан, яъни бир сўмлик харажатга буюм сифати бирлигининг ўсишини баҳолашнинг етарли даражада маъқул усулини ишлаб чиққан.

Демак, ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида маҳсулотнинг сифати - корхона (фирма) самарадорлигининг, рентабеллигининг муҳим ташкил этувчисидир, шу сабли унга доимо эътибор бермоқ зарур. Сифат билан барча - корхона директоридан тортиб, аниқ иш бажарувчигача шуғулланиши керак.

Сифатни таъминлаш, лойиҳалаш, сақлаш бўйича барча жараёнлар сифатни бошқариш тизимида бирлаштирилган.

### **13.3. Маҳсулот сифатини бошқариш ва уни ошириш йўллари**

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва юксак даражага кўтариш учун уни бошқариш керак бўлади. «Бошқариш» иборасини маҳсулот сифатига оид қўллаганда, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини доимий назорат қилиш, унинг белгиловчи шартлар ва омилларини мақсадга мувофиқ таъсир қилдириш йўллари билан маҳсулот сифатини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг заурур даражада ўрнатилишини, таъминланишини ва сақланишини тушунмоқ керак.

Маҳсулотнинг сифатини бошқариш операциялари муҳандис-техник, ташкилий-технологик, назорат ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборат:

- маҳсулот сифати даражасини белгилаш;
- маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи буюм ва уни ишлаб чиқариш жараёнининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўрганиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва объектга таъсир кўрсатишга тайёрланиш;
- бошқарувга тегишли буйруқларни бериш;

- бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини узоқ муддатларга чамалаш;

- маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ва башорат қилиш;

- маҳсулот сифатини аттестация қилиш;

- маҳсулот лойиҳасини чизиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- маҳсулот сифатини моддий-техника томондан таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;

- маҳсулот сифатини ўлчашни ташкил этиш;

- мутахассисларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш;

- сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини бир текисда олиб бориш;

- ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш, таъмирлашни ташкил этиш;

- маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантириш;

- маҳсулот сифатини назорат қилиш;

- стандартларга, ўлчаш воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш;

- маҳсулот сифатини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш.

Маҳсулотнинг хоссалари, технологик жараёнларнинг ихтисослаштириш хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва усулларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар тузилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлиги техникавий-иқтисодий жиҳатдан асосланади.

Бунинг учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари;

- маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва уларни таҳлил этиш;

- лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик ҳужжатлари, техникавий назорат ва маълумотлар;

- илғор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид тадбирлар мажмуасига қуйидагилар киради:

- маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган асосий тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар;

- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар;

- хомашё ва материаллар сифатини ошириш бўйича таъминловчиларга қўйиладиган талаблар;

- маҳсулот сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаштириш бўйича илмий-текшириш, лойиҳалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириқлар;

- техникавий ҳужжатларни яхшилаш тадбирлари;

- технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлашини кузатиб туриш тадбирлари;

- стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш бўйича тадбирлар.

Ушбу ва бошқа бир қатор тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини тўла-тўқис таъминлаш учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, муайян харажатлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Рақобат корхона (фирма)ларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ва рақобатбардош хизматлар кўрсатишга ундайди.

Рақобатбардошлик нисбий ўлчов бўлиб, унинг хусусияти шундан иборатки, уни рақобат предмети (маҳсулот рақобатбардошлиги)га нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчининг аниқ эҳтиёжларини қондириш ва уни харид қилиш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар даражалари бўйича уни, яъни маҳсулот бошқа шундай товарлардан ажралиб турадиган тавсифлар йиғиндиси тушунилади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги - у бирор бир фирма томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи фирмаларнинг худди шундай товарларига қараганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олиниш «қобилияти»дир.

Рақобатбардошлик айнан бозорда кузатилади ва товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мувофиқ келиши солиштириб ва текшириб кўрилади. Ана шунда товарнинг рақобатбардошлиги реал харидни амалга ошираётган харидор учун жозибадорлик даражасини кўрсатади.

#### **13.4. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, атесстация ва назорат қилиш**

Маҳсулот сифати муаммосига тегишли масалалардан бири стандартлаштиришдир.

Стандартлаштириш - стандартларни белгилаш ва қўллаш жараёни. У нормал ижодий фаолият бўлиб, сифатнинг оптимал кўрсаткичларини, маҳсулотнинг параметрик қаторларини, назорат қилиш, синаш усуллари ва ҳоказоларни ишлаб чиқишни ва қатъий белгилашни ўз ичига олади.

Стандартлаштириш - бу маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий ва норматив асоси ҳисобланади. У барча нормаларни стандарт, инструкция, маҳсулотни асослаш учун керакли шартлар усули каби ҳужжатларда акс эттиради<sup>57</sup>.

Стандартлаштиришнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръати ва даражасига зарурий таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса стандартлаш фан ва техника ҳамда амалий тажрибаларнинг охириги ютуқларига таянади.

Ўзбекистонда стандартлаштириш миллий иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Стандарлашнинг асосий, энг муҳим вазифаси иқтисодиёт, аҳоли, мамлакат мудофааси учун тайёрланадиган маҳсулотларга юқори талаблар белгиловчи норматив-техник ҳужжатлар тизимини яратиш ҳамда ушбу ҳужжатдан тўғри фойдаланишни назорат қилишдан иборат.

Ҳаракатдаги, мавжуд стандартлаштириш тизими қуйидагиларни ишлаб чиқишга ва доимий фаол ҳолатда бўлишига имконият яратади:

- ягона техник тил;
- маҳсулотнинг муҳим техник тавсифининг унификациялашган қаторлари, яъни ўлчам айирмаси (қўйим ва тушиш, кучланиш, тез-тез қайталаниш ва бошқалар);
- умуммашинасозликда ишлатиладиган буюмларнинг типоразмер қаторлари ва намунали конструкциялари (подшипниклар, крепеж, кесувчи асбоблар ва бошқалар);
- техник-иқтисодий ахборотлар классификаторлари тизими;
- материаллар ва моддалар хоссалари тўғрисида аниқ маълумотлар берадиган далилларни.

Ўзбекистон стандартлаш тизими халқаро, регионал ва миллий тизимлар билан уйғунлашиши керак ва қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- сифат ва маҳсулот номенклатураси, хизмат ва жараёнлар, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича истеъмолчилар ва давлат манфаатларини;
- маҳсулотнинг мос келишининг ўзаро алмашуви, яъни бир-бирини алмаштира олишини;

---

<sup>57</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.171.

- инсон ва моддий ресурсларни тежашга кўмаклашиш ҳамда ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни;

- ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва йирик лойиҳаларнинг норматив-техник базасини яратишни;

- ишлаб чиқаришда ва савдода техник тўсиқларни бартараф этишни дунё бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини, халқаро меҳнат тақсимоотида самарали қатнашишини ва ҳ.к.ларни таъминлаши керак.

Стандартлаштириш бир қатор тамойилларга асосланади:

- тармоқланиш - бир хил умумий хусусиятга эга бўлган нарсалар, жараёнлар, муносабатлар, татбиқ этиш мумкин бўлган объектлар доирасини аниқлайди;

- вариантлик - оқилона хилма-хиллик, ранг-барангликни яратиш - стандартлашган объектга кирувчи стандарт элементларнинг оқилона турлари минимумини таъминлайди;

- тизимлик - стандартга тизим элементи сифатида қарайди;

- ўзаро алмашувчанлик - техникага мувофиқ турли вақт-маконнинг турли нуқталарида тайёрланган бир хил деталларни йиғиш ёки алмаштиришни назарда тутди.

Стандарт деганда нима тушунилади?

Стандарт инглизча «standard» сўздан олинган бўлиб, норма, намуна, ўлчам маъносини билдиради. У бошқа объектларни таққослаш учун дастлабки объект деб қабул қилинган намуна, эталон, модель, стандартланган объектга қўйилган ва ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган нормалар, қоидалар, талабларни белгиловчи норматив-техник ҳужжат. Стандарт инсон фаолиятининг барча соҳасига, илм-фанга, техникага, саноат, қишлоқ хўжалигига, қурилишга, транспорт ва алоқага, таълим ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлаш тизими (ДСТ) шаклланди ва у Ўзбекистонда стандартлар тузиш, изохлаш ва тарқатиш жараёнларини тартибга келтирди. Бу борада Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт») олиб бораётган кенг кўламли ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

«Ўзстандарт» агентлиги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотнинг сифат даражасини белгиловчи, кўрсаткичлар рақобатдошлигини таъминловчи, ишлаб чиқарувчиларга етарли миқдорда ахборотлар етказиб берувчи марказдир.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган «Сифат менежменти ва маҳсулотларни синаш» тизими маҳсулот сифат кўрсаткичини баҳолаш билан бирга меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри маълумотга эга бўлиш талабларини ўрнатади.

Ҳозирги кунда Давлат стандартлаш тизими (ДСТ) бешта асосий стандартларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар;

2. Тармоқ стандартлари.

3. Техник шартларни келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

4. Корхонанинг стандартлари. Умумий қоидалар.

5. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Халқаро стандартлаштиришнинг роли, аҳамияти беқиёс даражада кучайди. Чунки, халқаро стандартлаштириш илмий-техника ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта имконият яратади. Улар халқаро алоқаларни кенгайтиришга, мавжудларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Ҳозирги кунда жаҳонда 400 дан ортиқ Халқаро ва регионал (ҳудудий) ташкилотлар мавжуд (2000 йил). Стандартлаштириш соҳасида йирик халқаро ташкилотлар – БМТга қарашли Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭКООН), стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО) ишлаб турибди.

Маҳсулот сифати назарияси ва амалиётида маҳсулотни сертификатлаштириш масаласи муҳим ўрин тутди.

Маҳсулотни сертификатлаштириш, унинг аниқ белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш усулларида бири ҳисобланади.


Маҳсулот ёки бажарилган ишнинг белгиланган талабларга мувофиқлигига оид фаолият учун тегишли ҳужжат берилади. Уни «сертификат» деб атайдилар.

Сертификат латинча «certificatis» сўзидан олинган бўлиб, тасдиқланган деган маънони билдиради. Биринчидан, у бирор фактни тасдиқловчи ҳужжат (масалан, малака оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат); иккинчидан, махсус облигациялар ва акцияларнинг номи; учинчидан, суғурта шартномасида унинг шартлари ёзиладиган ҳужжат; тўртинчидан, махсус идоралар (савдо палатаси, Давлат инспекцияси ва бошқалар) берадиган ва маҳсулот, товар, буюм, мол сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат; бешинчидан, қишлоқ хўжалигида уруғлик навини ва сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат. Сертификат бўлмаган тақдирда уруғлик (оддий) навсиз дон сифатида қабул қилинади.

Республикада сертификатлаш ишларини яхшилаш мақсадида 1993 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлис томонидан «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонун сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек, мажбуриятлар ва жавобгарликларни белгилаб беради. Ушбу қонун 4 та боб ва 23 моддадан иборат бўлиб, уларда Умумий қоидалар, сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар, маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш,

низоларни қараб чиқиш, сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

Мувофиқлигини тасдиқлаш жараёнида бажариладиган операциялар, яъни ҳар бир айрим иш фаолиятларини қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



**7-чизма.** Сертификатлаштириш<sup>58</sup>.

Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган.

### Қисқача хулосалар

1. Маҳсулот сифати саноат ишлаб-чиқариш хўжалик фаолиятининг асосий, энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифати маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари мажмуи

<sup>58</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.174.

бўлиб, унинг иқтисодиёт ва аҳолининг муайян эҳтиёжларига яроқлилигини ифодалайди.

2. Маҳсулот сифати тайёрланган маҳсулотнинг мустақиллиги, қулайлиги, ишончлилиги, чидамлилиги, тежамкорлиги, гўзаллиги ва бошқа бир қатор хусусиятлари билан белгиланади. Шу сабабли маҳсулот сифатини яхшилаш жамиятга жуда катта самара келтиради: маблағларни тежайди, таннархни камайтириш, фойдани кўпайтириш ва шу асосда мамлакат хазинасини тўлдиришга имкон беради.

3. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг рақобатбардошлилигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли Олий Мажлис қонунларида, Президент фармонларида ва ҳукумат қарорларида маҳсулот ва иш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилиб, уларда барча турдаги маҳсулотларнинг техник даражаси, тежамлилиги ва сифати оширилсин дейилади, янги ўзлаштириладиган маҳсулотлар ўзининг сифат ва техник-иқтисодий характеристикалари жиҳатидан жаҳон фан-техника ва технологияси эришган илғор ютуқларга мос бошқа бир қатор кўрсатмалар берилган.

4. Маҳсулот сифати муаммосига тегишли масалалардан бири стандартлаштиришдир. Яна бир муҳим масала – сертификатлаштиришдир. Бу икки фаолият фан-техника, амалий тажрибаларнинг охириги ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқариш ривожига жуда катта таъсир кўрсатади.

5. Маҳсулот сифати оширилишини аттестация қилиш ва рағбатлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Маҳсулот сифатини моддий рағбатлантиришда маҳсулотнинг бир меъёрда ишлаб чиқарилиши кўрсаткич сифатида эътиборга олиниши лозим.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Замонавий бозор иқтисодиёти ва сифат сиёсати.
2. Сифат категориясининг моҳияти ва аҳамияти.
3. Маҳсулот сифати кўрсаткичлари.
4. Сифат, баҳо ва баҳолаш.
5. Маҳсулот сифатини бошқариш.
6. Стандартлаштириш ва стандартлар.
7. Сертификациялаш ва сертификатлар.
8. Сифат ва хорижий тажрибалар.
9. Мустақиллик йилларида маҳсулот сифатини ва унинг рақобатбардошлилигини ошириш борасидаги ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар.



## **14-МАВЗУ. САНОАТДА ТАННАРХ, ФОЙДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕНТАБЕЛЛИГИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** қиймат, товар қиймати, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар, асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси, ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари, маҳсулот таннархи структураси, фойда, ҳақиқий фойда, ўртача фойда, монопол фойда, максимал фойда, сотиш рентабеллиги, асосий фаолият рентабеллиги, хусусий капиталнинг рентабеллиги, асосий капитал (фондлар) рентабеллиги, перманент капитал рентабеллиги, айланма капиталнинг рентабеллиги, қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги, реал асосий капиталнинг рентабеллиги, инвестирилган капитал рентабеллиги.

### **Режа:**

**14.1. Қиймат ва таннарх назарияси, ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришнинг илмий асослари**

**14.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни гуруҳлаш..**

**14.3. Фойда ва уни максималлаштириш**

**14.4. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари**

**14.5. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг манбалари ва омиллари**

### **14.1. Қиймат ва таннарх назарияси, ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришнинг илмий асослари**

Иқтисодиёт назариясида қиймат ва таннарх масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, қиймат тушунчаси борасида бир қатор мунозарали фикрлар мавжуд. Айрим иқтисодчи олимлар товарнинг қийматини унинг натижалчилиги билан боғласалар, айримлари товар қиймати – товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса товарнинг қийматини ушбу товарга бўлган талаб ва таклиф, яъни товарнинг ноёблиги белгилайди, деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, товарнинг қиймати унинг бошқа товарга айирбошлана олиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Нарх (баҳо) ва қиймат тушунчалари орасида деярли фарқ йўқ. Фақатгина нарх (баҳо) – бу товар қийматининг пулдаги ифодасидир холос.

Иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи категориясидан ҳам кенг фойдаланилади. Қиймат ва ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут ишлаб чиқариш субъектининг даромади

ёки фойдаси ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи – маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир<sup>59</sup>.

Саноат олдида турган асосий вазифалардан бири – бу маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришдир. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга имконият яратади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан беками-кўст фойдаланиш бу кўрсаткичларнинг ролини ошириш заруриятини тақозо этади. Шу сабабли таннарх атамасининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва шакллари яхши билиш ҳамда уни пасайтириш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади.

Бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда хомашё ва материаллар, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган юклама харажатлар сарфланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва уни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, яъни фойдани кўпайтиришнинг, мавжуд ресурслар билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқариш сифат кўрсаткичлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва материаллардан фойдаланиш, моддий техника таъминотини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма ўзгаришлар харажатлар даражасида акс этади. Шу сабабли ҳам биз маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари тизимида муҳим ўрин эгаллайди, дея оламиз. Бинобарин, шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни уларнинг иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш муҳим аҳамият касб этади.

#### **14.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни гуруҳлаш**

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва уни ҳосил қилувчи харажатларни туркумлаш мамлакатимизда тегишли меъёрий ҳужжатга мувофиқ<sup>60</sup> амалга оширилади.

<sup>59</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.177.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқарилиб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

#### *1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар.*

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган хом ашё ва материаллар.

2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланадиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа арзонбаҳо ашёларнинг эскириши.

3. Сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, деталлар, инструментлар, инвентарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш

учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади.

5. Табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинadиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун – ёғоч-тахта материаллардан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари.

6. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

7. Хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

8. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

9. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

10. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинadиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

11. Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

12. «Моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан,

хусусан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

*II. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.*

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажариладиган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажариладиган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар.

3. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари, вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, хусусан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимлари доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимларга ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

- доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида

ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотлари айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси.

4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишлаган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш.

5. Ишламаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва кўшимча таътиллар, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва кўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;
- донор ходимларга қонини текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

6. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

*III. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.*

Ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар киради:

1. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

2. Нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

*IV. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси.*

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган

номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

#### *V. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.*

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари *I, II, III, IV* – бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари:

- ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, Ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

- асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Зарурат бўлганда айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар заҳирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу заҳирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Заҳирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарур бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга заҳира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий

харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак: агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

- ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларни техникавий фойдаланиш қоидалари биан назарда тутилган бошқа махсус талаблар билан таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари, қўриқлаш харажатлари бундай қўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

- табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, жумладан, ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган нормалар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

- ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари;

- текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, Хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар, ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

- ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

2. Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

3. Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

4. Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.



5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

7. Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

Маҳсулот таннархи назариясида маҳсулот таннархи структураси деган муҳим тушунча мавжуд. У айрим харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами харажатлар суммасидаги нисбатини кўрсатади. Одатда, структура фоиз ҳисобида ўлчанади.

Таннарх структураси тармоқлар ва корхоналарнинг хусусиятига, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишига боғлиқдир.<sup>61</sup>

Маҳсулот таннархининг структураси ўзгармас миқдор ҳисобланмайди. Саноатнинг ўсиши, техника ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиши, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши, иш ҳақи миқдорининг ўзгариши, истеъмол буюмлари баҳоларининг тартибга тушиши ва транспорт тарифларининг ўзгариши билан маҳсулот таннархи структураси ҳам ўзгаради.

Маҳсулот таннархида қайси гуруҳдаги харажатлар асосий ўрин тутишига қараб, саноат тармоқлари бир-биридан фарқ қилади – кўп меҳнат, кўп материал, кўп энергия, кўп маблағ талаб қиладиган бўлади. Буни **20** - жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

20-жадвал

**Ўзбекистон саноат тармоқлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг структураси (ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар фоиз ҳисобида)**

	Жами харажатлар	Ш у ж у м л а д а н					
		Хомашё ва асосий материаллар	Ёқилғ и	Энерги я	Амортизация	Иш ҳақи ва ундан ажратма	Бошқа харажатлар

<sup>61</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.184.

<b>Умуман саноат</b>							
1995 й.	100	77	1,8	1,4	3,3	10,7	2,1
2003й.	100	77,8	3,4	4,1	8,4	7,0	5,1
<b>Электрэнергетика</b>							
1995 й.	100	-	45,9	0	23	20,6	5,2
2000 й.	100	3,6	60,2	16,0	1,9	10,3	8,0
<b>Газ саноати</b>							
1995 й.	100	-	1,3	13,5	36,2	26,7	17,3
2000 й.	100	39,2	1,3	15,3	9,8	6,4	28,0
<b>Машинасозлик ва метални қайта ишлаш</b>							
1995 й.	100	61,1	0,6	1,5	4,1	26,3	2,9
2000 й.	100	67,0	1,2	1,5	13,9	12,3	4,1
<b>Енгил саноат</b>							
1995 й.	100	89,7	0,2	0,4	0,8	5,4	0,8
2000 й.	100	80,7	1,1	1,9	2,3	8,0	6,0
<b>Озиқ-овқат саноати</b>							
1995 й.	100	89,3	0,8	0,4	1,2	4,7	0,9
2000 й.	100	78,4	2,0	1,5	2,7	7,1	8,3

Иш ҳақи учун қилинадиган харажатлар (меҳнат харажатлари) салмоғи энг катта бўлган ишлаб чиқариш тармоғи кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқ ҳисобланади (кўмир саноати, ёғоч тайёрлаш саноати ва бошқалар).

Хомашё ва материалларга қилинадиган харажатлар салмоғи энг катта бўлган ишлаб чиқариш тармоғи кўп материал талаб қиладиган тармоқ ҳисобланади (енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик).

Харажатларнинг кўп қисми асосий воситалар амортизацияси учун сарфланадиган тармоқлар кўп маблағлар талаб қиладиган тармоқларга киради (масалан, нефть ва газ қазиб чиқариш, гидроэлектростанцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш).

Ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш, таннарх структурасини ва ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда юз берадиган асосий техник-иқтисодий жараёнларни ўрганиш, ишлаб чиқаришдаги чиқимларни камайтиришнинг асосий йўллари белгилашга имкон беради.

### **14.3. Фойда ва уни максималлаштириш**

Саноат ва унинг барча бўғинлари ишини тавсифловчи муҳим сифат кўрсаткичларидан бири фойда ва рентабелликдир. Фойда бозор муносабатларининг муҳим категорияси сифатида иқтисодиётда, маълум функция (вазифа)ларни бажаради:

-ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидан олинган иқтисодий самарани тавсифлайди, чунки у сўнгги молиявий натижани ифодалайди;

-турли даражадаги бюджетларни шакллантиради;

-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва бу борада иқтисодий дастак ва стимул ролини ўйнайди;

-илмий – техникавий, ташкилий ва ижтимоий ишларни амалга оширишга имконият беради.

Фойда саноат, тармоқ ва корхонанинг ҳамма ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Балансдаги фойда ёки фойданинг умумий суммаси – корхона балансидаги мавжуд ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари, хўжаликларнинг молия-хўжалик фаолиятлари натижасида олинган фойда суммасидир<sup>62</sup>. Фойданинг умумий суммаси товар маҳсулотини сотишдан, ишлаб чиқаришдан ташқари, бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан, корхона ёрдамчи хўжаликларининг маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлардан, реализациядан ташқари, фойда ва уй-жой коммунал хўжалиги, ҳар хил жарималар, пеня ва ҳоказолардан ташкил топади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

-маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (**ЯФ**), бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ = ССТ - МИТ,}$$

бу ерда: **ЯФ** – ялпи фойда;

**ССТ** – сотишдан олинган соф тушум;

**МИТ** – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

-асосий фаолиятдан кўрилган фойда – бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва қўшимча асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ = ЯФ - ДХ + БД + БЗ,}$$

бу ерда:

- **АФФ** – асосий фаолиятдан олинган фойда;

- **ДФ** – давр харажатлари;

- **БД** – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

- **БЗ** – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

-хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар) – бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ = АФФ + МД - МХ,}$$

<sup>62</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.186.

бу ерда:

**УФ** – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

**МД** – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

**МХ** – молиявий фаолият харажатлари;

-солиқ тўлагунгача олинган фойда – бу умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда, плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФП - ФЗ,}$$

бу ерда:

**СТФ** – солиқ тўлагунгача олинган фойда:

**ФП** – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда:

**ФЗ** – фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

-йилнинг соф фойдаси – бу солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзи дадаромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташланган холда солиқлар тўлагунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\mathbf{СФ = СТФ - ДС - БС,}$$

**СФ** – соф фойда;

**ДС** – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

**БД** – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Ҳар бир корхона (фирма) яшаши ва равнақ топиши учун фойда олиши керак. Корхона фойдани ўз ривожини таъминловчи биринчи муҳим омил деб билади. Фойдани максималлаштириш билан шуғулланмайдиган корхонанинг яшаб кетиш имконияти кам бўлади. Макроиқтисод соҳасида узоқ муддатга фойдани максималлаштириш масаласига катта эътибор берилиши шундан иборатки, шу асосда фирма фаолияти олдиндан башорат қилинади.

Мулк эгасини ўзи бошқарадиган унчалик катта бўлмаган корхона (фирма)да уларни юритиш билан боғлиқ бўлган ҳамма қарорларда фойдани кўпайтириш асосий ўрин тутаяди. Жуда катта ва йирик корхона (фирма) ларда раҳбар (бошқарувчи)лар кундалик қарорларни қабул қилишда мулк эгалари ҳар доим ҳам бошқарувчилар фаолиятини назорат остида сақлай олмайдилар. Шунинг учун бошқарувчиларда ва корхонага раҳбарлик қилишда маълум даражада эркинликлар бўлиб, фойдани максималлаштириш билан етарли шуғулланмасликлари мумкин. Улар мулк эгаси бўлмаганликлари учун узоқ муддатли манфаат ўрнига қисқа манфаатни афзал кўришлари мумкин. Бошқарувчилар кўпинча фойдани максималлаштириш ўрнига даромадни кўпайтириш ёки акциядорларни қизиқтириш учун дивидендни оширишга ҳаракат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, улар юқори лавозимга эришиш ёки катта мукофотлар олиш мақсадида фойда кейинчалик камайиб кетса ҳам ҳозирги куннинг ўзида оширишга ҳаракат қиладилар. Шу туфайли бундай раҳбарлар ўз лавозимларидан четлаштирилиши ва корхонани бошқа раҳбарларга

топшириш зарурияти юзага келади.

Юқорида келтирилган фойда турларидан ташқари, унинг яна бир қанча турлари мавжуд:

- ҳақиқий фойда;
- ўртача фойда;
- монопол фойда ёки иқтисодий рента;
- максимал фойда.

Ҳақиқий фойда – бу ҳақиқатда ҳисобот маълумотлари, яъни ҳақиқий харажатлар асосида аниқланган фойда ҳисобланади. Бу фойда корхона молиявий фаолиятини ташкил этишда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Ўртача фойда деганда бошқа ҳамма корхоналар каби сарфланган капиталига бир хил фойда олиш ёки бир хил рентабелликка эга бўлиш тушунилади. Ўртача фойда корхона (фирма)нинг фаолият кўрсатаётган соҳада, тармоқда қолишини таъминлайди. Бундай фойданинг юзага келиши бозорнинг узоқ муддатли барқарорликка эришганидан далолат беради. Ўртача фойдани кўпинча иқтисодий фойда деб атайдилар.

Иқтисодий фойда қачон пайдо бўлади? Агар корхона бир маҳсулотни тайёрлаб, сотиб, ҳақиқатда 100 минг сўм фойда олган бўлса-ю, ана шу маблағни бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлаб, уни сотганда 150 минг сўмлик фойда олса, бундай фойдани иқтисодий фойда деб тушуниш керак. Бу ҳолда фойда ижобий тус олади. Ижобий иқтисодий фойда корхонани бирон-бир инвестор фаолият бошлашига рағбатлантирса, ижобий ҳақиқий фойда ишлаб чиқариш ёки фирманинг анча оёққа туриб олганидан дарак беради.

Монопол фойда ёки иқтисодий рента – бу чекланган ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш натижасида содир бўлган фойда ҳисобланади. Масалан, иккита корхона бир хил ерга эга бўлиб, ерни олиш билан боғлиқ харажатлар бир хил бўлиши шароитида биринчи ер транспорт тармоғига яқин бўлганлиги учун маҳсулотни ташишга 10 млн. сўм кам сарф қилиниши мумкин, ана шу 10 млн сўм унинг қўшимча фойдаси ҳисобланади. Иқтисодий рента ишлаб чиқариш омиллари чекланганлигидан келиб чиқади ва у ёки бу ишлаб чиқариш омилига бериш ҳолатини билдирган баҳо билан шу омилнинг энг кам баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Максимал фойда – бу бир бирлик қўшимча маҳсулотни сотишдан олинган даромадни шу бир бирлик қўшимча маҳсулотга қилинган харажат миқдори билан баб-баробар келиши натижасида олинган фойда<sup>63</sup>. Шу ҳолда рентабелликнинг энг юқори даражасига эришилган бўлади. Шунга кўра, фойдани максималлаштириш дегани, энг юқори рентабелликни таъминлаш деганидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат соҳасида ўтказилаётган

<sup>63</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.188.

туб иқтисодий тадбирлар мажмуида фойдани тақсимлаш масалалари муҳим ўрин тутди, зеро уни, адолат юзасидан ва тўғри тақсимлаш жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатдорлигини уйғунлаштириш учун шароит яратади.

#### 14.4. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари

Саноат корхоналарининг муҳим молиявий кўрсаткичларидан бири рентабелликдир. Ишлаб чиқариш рентабеллиги корхона (фирма) иши самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан биридир. У корхонанинг даромад олиш даражисини ифодалайди.

Рентабеллик назариясида унинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, уларга жумласига қуйидагилар киради:

- сотиш рентабеллиги;
- асосий фаолият рентабеллиги;
- хусусий капитал рентабеллиги;
- асосий капитал (фондлар) рентабеллиги;
- перманент капитал рентабеллиги;
- айланма капитал рентабеллиги;
- қарзга олинган капитал рентабеллиги;
- реал асосий капитал рентабеллиги;
- инвестицияланган капитал самарадорлиги.

1. Сотиш рентабеллиги деганда ҳар бир сотилган маҳсулот суммасига қанча харажат қилинганлик даражаси тушунилади. Демак, бу кўрсаткич сотилган маҳсулот қиймати билан ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни таққослаш асосида юзага келади. Бундай коэффициент баҳолаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиш бўйича корхонанинг қобилиятини тавсифлайди.

Сотиш рентабеллигини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$P_c = \frac{\text{сотилган маҳсулот таннархи}}{\text{ҳақиқий сотилган маҳсулот}}$$

2. Асосий фаолият рентабеллиги – бу ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги, натижалчилигидир. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифлайди ва қуйидагича ифодаланади:

$$P_a = \frac{\text{маҳсулотни сотишдан олинган фойда}}{\text{маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш таннархи)}}$$

3. Хусусий капиталнинг рентабеллиги – бу корхона (фирма), тармоқ хусусий капиталининг фойдалилиги ва натижалчилиги. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{хк}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{хусусий харажатларнинг ўртача қиймати}}$$

Бундай коэффициент хусусий капиталдан фойдаланиш даражасини, яъни корхона томонидан хусусий капиталнинг ўртача қийматига қанча соф фойда олинганлигини кўрсатади.

4. Асосий капитал (фондлар) рентабеллиги – бу асосий фондлар ва бошқа оборотдан ташқари активларнинг фойдалилиги. У қуйидагича аниқланади:

$$P_{\text{ак}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{кўп муддатли активларнинг қиймати}}$$

5. Перманент капитал рентабеллиги – бу перманент капиталнинг фойдалилиги, натижалилigidир. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{п}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{перманент капиталнинг ўртача қиймати}}$$

6. Айланма капиталнинг рентабеллиги – бу айланма капиталнинг фойдалилиги, натижалилigidир. У ҳар бир сўмли айланма капиталдан қанчалик фойда олиш мумкинлигини кўрсатади. Уни қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$P_{\text{а}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{айланма капиталнинг ўртача қиймати}}$$

7. Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги – бу қарзга олинган капиталнинг фойдалилиги, унумлилиги. У қуйидагича аниқланади:

$$P_{\text{қ}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Бу коэффициент ҳар бир сўмли қарзга олинган капитал қанча фойда келтирганлигини ифодалайди.

8. Реал асосий капиталнинг рентабеллиги унинг фойдалилигини ифодалайди ва ҳар бир сўмли реал асосий капитал қанча сўм фойда келтирганлигини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$P_{\text{рк}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{реал асосий капитал}}$$

9. Инвестиранган капитал рентабеллиги – бу инвестиция маблағларининг натижалилigidир, фойдалилиги. Бу кўрсаткич инвестиция туфайли олинган маблағларнинг қанчалик самара беришини ифодалайди ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Рик = \frac{\text{солиқларсиз фойда} + \text{тўланган фоизлар суммаси}}{\text{хусусий капитал} + \text{узоқ муддатли қарзли капитал}}$$

Рентабеллик даражаси кўрсаткичининг юқори бўлиши корхона (фирма) ихтиёридаги асосий ва айланма фондлардан оқилона фойдаланилаётганини ва корхона (фирма)нинг маълум миқдорда фойда (даромад) олаётганлигини кўрсатади.

Рентабеллик даражасини кўтариш учун саноатнинг барча тармоқлари ва корхоналари сотилган маҳсулот ҳажмини оширишга, уни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни камайтиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари зарур.

#### **14.5. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг манбалари ва омиллари**

Меҳнат унумдорлигини ошириш, хомашё ва материал, ёқилғи ва электроэнергетика харажатларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш сарфларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ташқари, харажатларни тежаш саноат маҳсулоти таннархини пасайтиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги техника, технология жараёнларини ва ишлаб чиқаришни ўстириш ёки ташкил этишнинг илғор усуллари жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак бўлади. Бу ҳолда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган иш ҳақи қисқаради, аммо ишчининг умумий иш ҳақи эса ортиб боради. Меҳнат унумдорлиги иш ҳақига нисбатан жадал ўсгандагина таннарх пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш моҳияти шундан иборатки, бунда маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган жонли меҳнат улуши камайтирилади, илгари сарфланган меҳнатнинг улуши эса ортади, бироқ маҳсулот бирлиги учун кетадиган меҳнат сарфи қисқаради.

Материал, ёқилғи ва электр энергия харажатларини камайтириш учун уларни тежаб сарфлаш, қимматбаҳо материалларни арзон, Лекин яхши материаллар билан алмаштириш, уларни сотиб олиш ва корхонага келтириш билан боғлиқ бўлган сарфларни қисқартириш керак бўлади.

Хизмат кўрсатиш ва бошқариш учун кетадиган харажатларни қисқартиришга эса тармоқ ва корхоналардаги маъмурий бошқарув аппаратининг сарфларини камайтириш, асбоб-ускуна, бино ва иншоотларни сақлаш, ёритиш, иситиш учун кетадиган маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш орқали эришилади.

Унумсиз харажатларни (жарима тўлаш, пеня ва ҳоказолар) тугатиш маҳсулот таннархини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг



ижтимоий шаклларини такомиллаштиришнинг, ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни корхонанинг ичида уюштиришни яхшилаш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг таъминловчи омиллари бўлиб ҳисобланади. Масалан, техника тараққиёти маҳсулот таннархини пасайтиришнинг барча манбаларига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва электронизациялаш ҳамда комплекс автоматлаштириш, химиялаш маҳсулот тайёрлаш учун сарфланадиган солиштирма харажатларни камайтиради.

Ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш даражасини ҳисоблаш учун энг аввало ундаги резервларни, яъни фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш керак. Улар кўзга ташланадиган, юзаки, жуда мураккаб, кўз илғамайдиган бўлиши мумкин. Фақат чуқур, ҳар тарафлама иқтисодий-техник таҳлилдан кейин уларни аниқлаш, топиш мумкин бўлади.

Резервлар ҳар хил белгиларга қараб гуруҳларга ажратилиши мумкин. Улар энг аввало тўпланиш жойига қараб ички ишлаб чиқариш ва ташқи резервларга ажралади.

Ташқи резервларга тармоқлар бўйича резервлар, регионал (ҳудудий) ва табиий-экологик резервлар киради.

Резервлар сафарбар этилиши муддати бўйича жорий ва истиқболли резервларга ажралади.

Резервларни ишлаб чиқариш жараёнларининг элементлари бўйича ҳам гуруҳларга бўлиш мумкин. Бундай резервларга меҳнат, моддий ва асосий фондлардан фойдаланиш резервлари киради.

Корхона ёки тармоқ фаолиятини таҳлил этиш учун резервларни иккига бўлиб кўриш мумкин:

- ташкилий-техникавий резервлар;
- ижтимоий-иқтисодий резервлар.

Мана шу юқорида келтирилган барча резервлар, яъни фойдаланилмаётган имкониятларни сафарбар этиш, ишга солиш ҳамда шу асосда таннархни кескин пасайтириш учун бир қатор омиллардан кенг фойдаланиш ва уларни ҳисоблаб чиқиш керак. У ишнинг методикаси, усулини “Корхоналар фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш” фанидан ўқиладиган маърузаларда, амалий машғулотларда чуқурроқ ва ҳар томонлама тушунтириб берилади.

Маҳсулот таннархини режалаштириш меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан оқилona фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилгандир. Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
2. Маҳсулот таннархини калькуляция этиш;
3. Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
4. Товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.

Таннарх режаси, икки босқичда ишлаб чиқилади. Биринчи босқичда, энг аввало, ҳисобот йилида режаларнинг бажаралиши таҳлил этилади, маҳсулот таннархини пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш резервлари аниқланади ва аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирлари белгиланади, режа лойиҳаси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса режанинг узил-кесил лойиҳаси ишлаб чиқилади ва бу режа топшириқлари корхона бўлимларига етказилади.

Маҳсулот таннархи ва уни пасайтириш топшириқлари давлат ва корхона режасида юқоридан белгиланмайдиган, аксинча, корхоналарнинг ўзида ҳисоб қилинадиган кўрсаткич ҳисобланади. Шунга қарамай, маҳсулот таннархи саноат кўрсаткичларидан бири бўлиб қолаверади. Чунки саноат маҳсулоти таннархини пасайтириш ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини ошириш резервларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот таннархи қанчалик паст бўлса, албатта, бошқа шарт-шароитлар бир хил бўлган ҳолда (масалан, худди ўша маҳсулотнинг нархи барқарор бўлганда) уни сотишдан келган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Маҳсулот таннархи саноат корхоналари фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга сарфланган маблағлардан ташкил топади. Шу сабабли маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Уни пасайтириш фойда (даромад)нинг ошишига, нархларнинг пасайишига имконият яратиб беради.

2. Фойда (даромад) корхона (фирма) фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. У моддий ишлаб чиқаришда яратилган соф даромаднинг бир қисми бўлиб, давлат бюджети даромадларининг шаклланишида асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқариш рентабеллиги саноат ишлаб чиқариши, унинг тармоқлари ва корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда рентабеллик даражасини аниқлашнинг бир неча усули мавжуд бўлиб, улар корхонанинг хўжалик фаолиятини баҳоловчи восита (инструмент) вазифасини ўтайди.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Таннарх ва қиймат муаммолари.
2. Таннархнинг таркиби, структураси ва уни пасайтириш йўллари.
3. Фойда ва уни максималлаштириш масалалари.
4. Рентабеллик ва уни ҳисоблаш усуллари.

## **15 - МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА БАҲО ВА БАҲОЛАШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** баҳо, баҳо сиёсати, улгуржи баҳолар, чакана баҳолар, харид баҳолари, дунё баҳолари, баҳо функциялари, баҳонинг иқтисодий мазмунини, нуфузли баҳолар, дотацияли баҳолар, давлат баҳолари, мавсумий баҳолар, стандарт баҳолар, прејскурант баҳолар, максимал баҳо, минимал баҳо, объектив баҳо, бозорга кириб олиш нархи, демпинг нарх.

**Режа:**

**15.1. Баҳо – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида**

**15.2. Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари**

**15.3. Баҳонинг турлари ва структураси**

### **15. 1. Баҳо - бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида**

Баҳо бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Оқилона, илмий жиҳатдан асосланган баҳо ва баҳолаш иқтисодиётнинг илмий ва амалий воситаларидан бири ҳисобланади.

Баҳо сиёсати - бу давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий стратегиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, меҳнаткашларнинг ташаббуси ва омилкорлигини ривожлантиришда баҳо белгилаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Баҳони хўжалик механизми ва ўзини ўзи пул билан таъминлашнинг кўтариб турувчи устуни дейиш мумкин. Жамоанинг ва айрим ходимнинг даромадлари, улар иқтисодий манфаатлари нархнинг, яъни баҳонинг тўғри белгиланишига боғлиқдир.<sup>64</sup>

Баҳо бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, у пасайиб кетса, товар бозори касодга учрайди, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Баҳо пул муомаласи ҳолатига, кредитлаш самарадорлиги ва иқтисодиётнинг молиявий соғломлиги билан боғлиқ. Давлатнинг, корхона (фирма) лар ва уларда ишловчиларнинг, умуман аҳолининг ўзаро режали боғланиши баҳо ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий ресурслардан фойдаланиш таъминланади, ялпи ички маҳсулотни ҳисобга олиш ва тақсимлаш амалга оширилади. Баҳони товар қиймати белгилайди, аммо бозор иқтисоди шароитида у аниқ қийматдан юқори ёки кам бўлиши мумкин, бу эса бозордаги ўша маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Товар

<sup>64</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.194.

баҳосининг даражаси, Шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги даражаси ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қувватига ҳам боқлиғ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо ёрдамида корхоналар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий муаммоларидан бири, нима ишлаб чиқариш фойдали эканлигини ҳал этади. Баҳо товар таклифи, аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг ошиб ёки камайиб кетиши тўғрисида корхона эгаларига ахборот берувчи восита ҳамдир. Баҳонинг яна бир вазифаси қиймат ўлчовидир, бунда қилинган харажатлар ва олинган натижа маълум бир нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

Хўжалик юритиш амалиётида эса баҳо муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади. Уларнинг мажмуаси қийматдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисми қийматни яратишда иштирок этмайди. Муайян баҳо шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур.

Баҳолар товар-пул муносабатлари муомаласининг шакли ва реализация қилинадиган маҳсулот турига кўра фарқланади. Аммо баҳонинг турлари бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ягона тизимни ташкил этади. Мазкур тизимнинг муҳим элементлари қуйидагилардир:

а) улгуржи баҳолар. Улар фирмалар ўз маҳсулотларини катта ҳажмда бошқа фирмаларга ёки воситачиларга ва улгуржи савдо ташкилотларига сотаётганлирида қўлланилади. Улгуржи баҳо корхоналарга ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни, зарур фойда олишни таъминлаб бериши зарур;

б) чакана баҳолар. Улардан товарларни бевосита истеъмолчиларга сотишда фойдаланилади. Бу баҳоларга давлат савдоси, хусусий мулк эгалари дўконлари ва бозорда юзага келаётган баҳолар киради. Чакана баҳо даражаси аҳолининг реал даромадлари билан белгиланади.

в) харид баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат томонидан сотиб олинишида ишлатилади.

г) дунё баҳолари халқаро савдо муносабатларида қўлланилади.

Баҳолар товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз вазифалари орқали таъсир этади. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши баҳони ҳосил қилади.

Бозорда сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий муносабат

бўлганидан нархнинг шаклланишида ҳар икки томон иштирок этади. Харидор деганда, биз товар ва хизматларни истеъмол этувчилар – фуқаролар, ишлаб чиқаришни юргизиш учун ресурсларни сотиб олувчи фирмаларни тушунамиз. Баҳоларнинг шаклланишида товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга етгунгача бўлган меҳнат сарфлари иштирок этади. Жамики харажатлар баҳо таркибига киради.


Баҳони шакллантирадиган асосий омиллар эса қуйидагича:

1. Иқтисодий харажат даражаси;
2. Товарларнинг нафлилик даражаси;
3. Товарга бўлган талаб ва унинг таклифи;
4. Рақобат шакллари ва усуллари;
5. Товарни истеъмол қилиш вақти.

Рақобат чекланган бозорларда (соф монополия, монополистик рақобат, олигополия) ишлаб чиқарувчиларнинг ўрни бозор нархларини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Монополия шароитида бозорда бир турдаги маҳсулотлар таклиф қилиниши сабабли баҳо устидан тўлиқ назорат амалга оширилади.

Бу дегани монополист ишлаб чиқарувчиларнинг нарх белгилашдаги ҳукмронлиги, истеъмолчи даромадлари чеклангани бўлиб, тўқнаш келади. Ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги ҳам уларнинг баҳо белгилашдаги мутлақ имкониятини чеклайди.

Баҳонинг шаклланишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



**8-чизма.** Баҳонинг шаклланиши.<sup>65</sup>

<sup>65</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.196.

Олигополия шароитида эса алоҳида ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) бир-бирига боғлиқ бўлганликлари сабабли баҳоларни мустақил белгилашга ботина олмайдилар. Фақат баҳо белгилашда яширинча келишишлари мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида баҳонинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Бу иқтисодиёт ер юзидаги кўпгина давлатларда турли даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг моҳият белгиларини энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин. Унинг ана шундай белгиларидан бири, нархларнинг либераллашуви, нарх-навонинг эркин шаклланишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди. У бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашуви асосида юзага келади. Келишилган нархлар эса бозор муносабатларига хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул эса иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти, пул эмиссияси, қадри-қиммати, инфляция, валюта курси каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказиши, товар ва хизматларни сифати ва нархига қараб танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Кўриб чиққанemizдек, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархнинг роли ва аҳамияти жуда катта.

Баҳо шаклланишида рақобат муҳим ўрин тутди. Рақобатда ютиб чиқиш ёки ютказиш баҳони белгилашга ҳам боғлиқ. Рақобатлашув жараёнида харидор кўп бўлса, юқори нарх ташкил топади. Агар сотувчилар кўп бўлиб, улар рақобатлашишса, паст баҳолар вужудга келади.

Рақобат курашида харажатларни қопламайдиган, бинобарин, зарар келтирадиган ўта паст баҳолар ҳам пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликни оқилона юритиш эса молиявий алоқалар ва қиймат қонунларидан фойдаланишни талаб қилади.

Айрим буюмларнинг баҳосини ўзгартириш эвазига давлат уларга бўлган эҳтиёжни ҳамда уларни харид қилишни бошқаради. Жумладан, инсон соғлиғига путур етказувчи маҳсулотларнинг нархини ошириш эвазига уларни харид қилишини чегаралаш ва аксинча, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини меъёрда ушлаб туриш орқали эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мулоҳазамизга далил бўла олади.

## **15.2. Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари**

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, баҳо - товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Амалий жиҳатдан қаралганда эса, баҳо – муҳим иқтисодий восита, дастак ҳисобланади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўзидаги меҳнат сарфи билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф қилинади, уларнинг мажмуаси қиймат демақдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисм қийматни яратишда иштирок этмайди. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши баҳони ҳосил қилади.

Баҳонинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари яққол кўрсатиб беради. Баҳо нимага тегишли бўлишидан қатъий назар (товар, хизмат, иш кучи, қарз пули нарҳини, бунинг фарқи йўқ) беш асосий функцияни бажаради:

**1. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси.** Бунда баҳо бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

**2. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси.** Баҳо қийматнинг пулдаги ифодаси, чунки бажарилган иш ҳажми, фойда-зарарнинг барчаси баҳо асосида ҳисоб-китоб қилинади.

**3. Иқтисодий регулятор функцияси.** Баҳо бозор иқтисодиётининг асосий воситаларидан биридир. Ундаги ўзгариш бозор ҳолати (конъюктураси)ни билдиради.

**4. Рақобат воситаси функцияси.** Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Баҳо воситасида беллашув рақобатнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун баҳони ўзгартириб турадилар.

**5. Ижтимоий ҳимоя функцияси.** Баҳо айрим аҳоли тоифаларини камбағалликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Одатда аҳолининг ночор ва муҳтож қатламларига товарлар арзонлаштирилган баҳоларда сотилади. Булар ижтимоий дотацияланган баҳолар бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар таъминлайди. Дотацияланган баҳоларни давлат белгилайди.

### **15. 3. Баҳонинг турлари ва структураси**

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, у ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо турли мақсадларда қўлланувчи баҳолар мажмуасидан ташкил топади. Баҳонинг шаклланиш жараёни мураккаб бўлиб, унинг иштирокчилари ғоят

кўпчиликни ташкил этади. Баҳолар турли вазифаларни бажарганлиги сабабли ҳам уларнинг тури кўп.

Баҳоларнинг асосий турларига қуйидагилар киради.<sup>66</sup>

**1. Улгуржи баҳолар.** Товарлар кўтарасига катта миқдорда сотилганда бу баҳолардан фойдаланилади. Бундай баҳони асосан улгуржи савдо-сотик олиб бориладиган савдо марказларида учратиш мумкин.

**2. Чакана баҳолар.** Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда фойдаланилади. Бу баҳо ўз ичига товар улгуржи нархини, чакана савдо ташкилотчиларининг харажати ва фойдасини олади.

**3. Нуфузли баҳолар.** Бу баҳолардан обрў талаб истеъмолчиларга товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда фойдаланилади.

**4. Дотацияли баҳолар.** Бунда товарлар давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган баҳоларда олинади.

**5. Давлат баҳолари.** Бу ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан буюртма берилганда қўлланилади.

**6. Мавсумий баҳолар.** Бу мавсумий ишлаб чиқариладиган товарларга белгиланади.

**7. Миллий ва жаҳон баҳолари.** Алоҳида товарнинг байналмилал харажатлари. Бунда жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ҳисобга олинади.

**8. Стандарт баҳолар.** Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий стандарт нархлар қўлланилади.

**9. Прейскурант баҳолар.** Бу баҳолар сотувчи учун мўлжал баҳо, харидор учун билдиришлик ёки маълумот баҳо ҳисобланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун музокараларга тайёргарлик кўриш мобайнида тадбиркор энг аввало, ўзи учун мақбул бўлган баҳо кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у баҳони учга ажратади. Яъни *maximal* (энг юқори), *minimal* (энг паст) ва объектив баҳо.

Максимал баҳо - (сотувчи нуқтаи назаридан) - бу музокараларни шу баҳодан бошлаш мумкин бўлган кўрсаткичидир.

Минимал баҳо - (қўшилиши мумкин бўлган энг паст баҳо) - бу товар нархининг шундай кўрсаткички, тадбиркор музокаралар давомида ундан тушмасликка ҳаракат қилади.

Объектив баҳо - бу таркибида ўртача сифат кўрсаткичларига эга бўлган у ёки бу товарнинг ўртача баҳосидир.

Баҳонинг иқтисодиётдаги ўрни беқиёс катта бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корхоналар ва фирмалар нарх, белгилашга катта эътибор берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

---

<sup>66</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.198.



- товар сотишни кўпайтириш;
- кўпроқ фойда олиш;
- ўрнини муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Товар сотишни кўпайтиришдан уч натижа кутилади: а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳиссасини ошириш, имкон бўлганда бозорни ўз назоратига олиш; б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойданинг камайишига рози бўлган ҳолда товарларни кўплаб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш; в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотик харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фирмалар махсус нарх қўллайдилар, уни **бозорга кириб олиш нархи** ёки **демпинг нарх** деб аталади.

Бу нарх рақибни синдиришга қаратилганлигидан давлат уни таъқиқлайди, шу сабабли фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмий нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноат ишлаб чиқариши иқтисодиётининг энг муҳим муаммоларидан бири бу тармоқ корхоналарида тайёрланадиган маҳсулоти баҳосини белгилашдир.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо саноат тармоқлари ва корхона (фирма)ларнинг молиявий аҳволига етарли (сезиларли) таъсир этувчи энг муҳим синтетик кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу шу билан тушунтириладики, корхона ва унинг маҳсулоти рақобатбардошлиги билан тижорат ташкилоти фойдасининг миқдори ўртасида чамбарчас боғлиқлик бордир.

3. Маҳсулот баҳоси жуда кўп омилларга боғлиқ: маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқарувчининг таклифи, давлатнинг нарх сиёсати, харажатлар, рақобат ва ҳ.к.

4. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, маҳсулот ҳажмини кенгайтиришда ва унинг сифатини оширишда, истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришда баҳо билан рағбатлантиришнинг роли беқиёсдир.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Баҳо сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.
2. Баҳо ва баҳоланишнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
3. Баҳо функциялари.
4. Баҳонинг турлари.
5. Саноат ишлаб чиқаришида баҳоланиш тизимини яхшилаш йўллари.
6. Хорижий мамлакатларда баҳо ва баҳоланиш.

## **16-МАВЗУ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** саноатни мамлакат ҳудудида оқилона жойлаштириш, ҳудудий меҳнат тақсимоти, саноат ишлаб чиқаришнинг оқилона жойлаштириш, ишлаб чиқаришнинг жойлаштиришнинг фундаментал қоидалари, иқтисодий районлар, концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, комбинатлаштириш, айрим саноат тармоқларини жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар, корхоналарни жойлаштириш ҳудудини танлаш, корхонани жойлаштириш пунктини асослаш, саноатни жойлаштиришдаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлиги

**Режа:**

**16.1. Саноатни жойлаштириш тамойиллари**

**16.2. Саноатни жойлаштириш омиллари**

**16.3. Айрим саноат тармоқларини жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар**

**16.4. Айрим корхоналарни жойлаштиришнинг иқтисодий асослаш усули**

**16.5. Саноатни жойлаштиришдаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлиги**

### **16.1. Саноатни жойлаштириш тамойиллари**

Саноатни мамлакат ҳудудида оқилона жойлаштириш – жамият қурилишининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, республика ва ҳар бир иқтисодий район иқтисодиётни юқори даражага кўтариш ва ривожлантиришнинг зарурий шартидир.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ва унинг энг муҳим элементи бўлган саноатни жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Шу сабабли ҳозирги бозор муносабатларини шакллантиришда, унинг барча тармоқларини жойлаштиришда иқтисодий ислохотни давлат амалга оширишда ва бу унинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда уни амалга ошириш миллий иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолати ва стратегик вазифалари билан белгиланади.

Саноатни жойлаштириш деганда, уни ер шари ҳудудида, шунингдек, айрим мамлакат ёки иқтисодий районларда тақсимланиши тушунилади.<sup>67</sup>

Саноат ишлаб чиқаришнинг жойлаштириш унинг ҳудудий ташкил этиш шаклларини ифодалайди ва у корхона (фирма)ларни маъмурий ва иқтисодий районларда жойлаштиришда намоён бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг бу реал секторини жойлаштириш ҳам бевосита ҳудудий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ. Ижтимоий меҳнат

<sup>67</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.201.

тақсимоти унсури бўлган ҳудудий меҳнат тақсимоти (ҲМТ) соддароқ қилиб айтганда, турли жойларнинг мамлакат ёки вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишидир. Натижада ана шу жойларнинг иқтисодий «башорати» шаклланади ва уларнинг ҳудудий тизимдаги ўрни ўз ифодасини топади.

ҲМТ кенг маънода – бу ишлаб чиқариш соҳаларини (тармоқларини) ҳудуднинг табиий шароити ва бойликлари, аҳолиси, меҳнат ва бошқа ресурслари каби ҳамда минтақа бозорининг ҳажми, аҳолисининг сотиб олиш қобилияти, инфратузилма ва коммуникацион тизимнинг ривожланганлиги даражаси каби омилларга қараб жойлаштирилишини назарда тутаяди.

Саноат ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини юқори суръатларда амалга ошириш, мамлакат табиий бойликларидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш, мамлакат барча иқтисодий ҳудудларини бир текис ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги тафовутни йўқотиш, мамлакат муҳофаа қобилиятини ошириш имконини беради.

Саноатнинг оқилона жойлашиши транспорт ва қишлоқ хўжалигининг жойлашишига ҳамда янги шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлишига, айрим иқтисодий ҳудудларнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашувига олиб келади.

Саноатни иқтисодий ҳудудлар бўйлаб жойлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнига узлуксиз эришиш, тежамкор ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳамда аҳолининг моддий ва маданий фаровонлигининг кўтарилиши саноат ишлаб чиқарилишини жойлаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги мезонидир.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг фундаментал қоидалари, яъни тамойиллари мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш кучларини, хусусан, саноатни мамлакат бўйича оқилона жойлаштириш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- саноат ишлаб чиқаришини авваламбор хомашё, ёқилғи-энергетика манбаларига яқин ва ниҳоят, саноат маҳсулотларини истеъмолчи ҳудудларга тобора яқинроқ жойлаштириш;

- иқтисодий ҳудудлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий ҳудудлар хўжалигининг мажмуали ривожланишини таъминлаш;

- ҳар қайси вилоят ва туманларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштиришга интилиш;

- саноат тармоқларини жойлаштиришда республиканинг муҳофаа стратегиясига асосланиш;

- мамлакатлараро иқтисодий алоқаларда ўзаро тенг манфаатли муносабатларни ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимоти негизда самарадорликка эришиш, жаҳон хўжалигига интеграциялашувни жадаллаштириш;

- саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳудуднинг экологик вазиятини ҳисобга олиш, атроф – муҳитга чиқиндилар чиқаришнинг меъёрий нормаларига асосланиш ва ҳоказо.

Юқорида келтирилганлардан маълумки, саноат ишлаб чиқаришини хомашё манбаига ва истеъмолчи ҳудудларга яқин жойлаштириш саноатни оқилона жойлаштиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг хомашё базасига яқин бўлиши қайта ишлашнинг барча тадрижий босқичларида ушбу ресурсни қайта ишлашдан тортиб, ярим фабрикатдан тайёр маҳсулот олишга қадар, меҳнатнинг энг кам сарфлаш имкониятини назарда тутди. Масалан, электроэнергетика кўпинча сув ёки ёқилғи базасида ривожланади, тўқимачилик саноати хомашё манбаига яқинлаштирилади, озиқ-овқат саноати эса кўпроқ истеъмолчи ҳудудларда жойлаштирилади. Саноатни хомашё ва ёқилғи-энергетика манбаига яқинлаштириш ҳудудларда мавжуд ресурсларни қайта ишлаш соҳасига жалб этиш, корхона (фирма)ларнинг оқилона ўлчамини (размерини) белгилаш имкониятини беради. Хомашё, ёқилғи ва тайёр маҳсулотни узоқ масофага ташишни камайтиради ва шу асосда ижтимоий меҳнатни анчагина тежашга олиб келади.

Саноатнинг хомашё, ёқилғи-энергетика манбалари ва истеъмолчиларга яқин жойлаштирилиши саноат ишлаб чиқаришини мамлакат бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминламайди. Чунки мамлакат бўйлаб ишлаб чиқариш ресурслари нотекис тақсимланган.

Саноатни бир текисда жойлаштириш саноат тараққиётининг бозор иқтисодиёти шароитига мос сифат хусусияти. Лекин унинг барча соҳаларини дуч келган ҳудудга мажбуран жойлаштириш тавсия этилмайди. Ҳудудларнинг саноат ривожланиши орасида бундай тенгликка эришиш кўп ҳолларда бир қатор саноат корхоналарини уларга тегишли шарт-шароитлар йўқ ҳудудларга сунъий равишда жойлаштиришга, ижтимоий меҳнатнинг ортиқча харажатларига олиб келиши мумкин.

Саноатни хомашё ва ёқилғи-энергетика манбаига яқинлаштириш ва ишлаб чиқаришни мамлакат ҳудуди бўйлаб бир текис жойлаштириш интенсив равишда рўй берадиган фан-техника тараққиёти имконият туғдиради. Электронизациялаштиришнинг ҳар тарафлама ривожланиши, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш, янги технологиялардан кенг фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришининг табиий географик муҳитга тобелигини, қарамлигини сусайтиради, саноатни жойлаштириш пунктларини анча эркин (пухта) танлаб олишга моддий-техник шарт-шароитлар яратиб беради. Электронизациялаш ва химиялаштириш ишлаб чиқариш соҳасига

янгидан-янги материалларни, ишлаб чиқариш чиқиндиларини, иккиламчи ресурсларни жалб этади. Хомашёдан мажмуали фойдаланиш турли хилдаги ишлаб чиқаришларни бирлаштиради.

Фан-техника тараққиёти геологик - қидирув ишларини кенгайтиришга, мамлакатнинг турли ҳудудларида минерал хомашёнинг янги конларини очишга имконият туғдиради. Саноатни жойлаштириш режаси, янги корхоналар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари жойлаштириладиган ҳудудлар ва пунктлари танланишининг ҳар томонлама иқтисодий асосланишини талаб қилади.

Саноатни жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигида намоён бўлади. Иқтисодий районлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий районлар хўжалигининг мажмуали ривожланиши саноатни жойлаштиришнинг муҳим тамойили бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий районлар хўжалигининг мажмуали ривожланиши ҳудудларнинг ўзаро меҳнат тақсимоли натижасида ўзига хос ихтисослашувига олиб келади. Айрим иқтисодий районларнинг ихтисослашуви уларда мавжуд бўлган табиий бойликларга ва ушбу бойликлардан иқтисодиёт миқёсида оқилона фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Мамлакат ички ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳар бир ҳудуднинг республика миқёсида айрим бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисослашувини талаб қилади ва шу билан бирга ҳар бир ҳудудда шу ҳудуд талабларини қондирадиган тармоқлар ривожланишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг яна бир муҳим тамойили - мамлакатлараро дўстлик ва ўзаро иқтисодий ёрдам асосида ташкил топган халқаро меҳнат тақсимолидир. Бундай меҳнат тақсимоли ҳар бир мамлакатда оқилона иқтисодиёт таркибини барпо этиш ва ривожланиши учун табиий ва иқтисодий жиҳатдан қулай шароитга эга бўлган саноат тармоқларининг ихтисослашувини таъминлайди.

## **16.2. Саноатни жойлаштириш омиллари**

Юқорида қайд қилинган тамойилларни амалга оширишда корхоналар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари жойлаштириладиган жойларни танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар эътиборга олинади.

Саноатни жойлаштиришга табиий ва техник-технологик, демографик, иқтисодий, экологик омиллар, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, транспорт воситалари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш характери таъсир кўрсатади.

Табиий омилларга: фойдали қазилмалар, гидроэнергетика ва ўрмон бойликларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, табиий сув йўллари ҳамда меҳнат ресурсларининг

жойлашиши киради. Юқоридаги барча омиллар экологик омил билан ҳисоблашишлари шарт. Ҳозирги экологик вазият шуни тақозо этади. Тоғ-кон саноати ва гидроэнергетика тармоқларида табиий шароит корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади ва бу тармоқ корхоналарини жойлаштириш фойдали қазилмалар ва гидравлик ресурслар жойланишига боғлиқ бўлади. Қора металлургия ва кимё саноати корхоналарининг жойлашиши асосан сув ресурсларига боғлиқ.

Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашиши ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа мавжуд. Меҳнат ресурсларининг географик жойлашиши, аввало, кўп меҳнат сарфланадиган саноат тармоқларининг жойлашишига таъсир этади. Шунинг учун аҳоли сийрак бўлган ҳудудларда кўп меҳнат талаб қиладиган саноат тармоқлари (асбобсозлик, радиотехника, енгил саноат) жойлаштирилмайди.

Саноат тармоқларини жойлаштиришда айрим ҳудудлар меҳнат ресурсларининг таркиби ва тузилиши ҳамда малакавий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Масалан, машинасозликнинг (автомобилсозлик, асбобсозлик, аниқ машинасозлик) юқори малака талаб қилувчи тармоқлари шундай малакали кадрлар бор ерда жойлаштирилади, хотин-қизлар меҳнатини талаб қилувчи енгил саноат аҳолининг зич ва аёллар ишчи кучи таклифи юқори бўлган ҳудудларда ривожлантирилади.

Фан-техника тараққиёти ҳамма саноат тармоқларини жойлаштиришнинг асосий омили ҳисобланади. Кимёлаштириш саноатни жойлаштиришга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Кимёвий усулларни қўллаш саноатнинг жойлашишига иқлим таъсирини камайтирмоқда, натижада саноатнинг республика ҳудуди бўйлаб бир текис жойлашувига шароит яратмоқда. Саноатнинг жойлашишига технологик жараёнлар характери ҳам таъсир этади. Биринчидан, ишлаб чиқариш технологияси талаб қилинадиган хомашё ва энергия характери, ишлаб чиқарувчи тайёр маҳсулот тури ва хусусиятлари, хомашё ва тайёр маҳсулотни ташиш шароитларининг ўзгаришига боғлиқ. Иккинчидан, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари жойлаштириладиган корхоналарнинг технологик жараёнини танлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ер ости бойликларини қазиб чиқариш ва хомашё ҳамда ёқилғини бойитиш технологиясининг такомиллашуви тоғ-кон саноатини текис жойлаштириш имконини беради. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва компьютерлаштириш маҳсулотга сарфланадиган меҳнатни камайтиради. Шу туфайли компьютер технологиясига асосланган корхона (фирма)ларни аҳоли сийрак ҳудудларга жойлаштирилса, катта самара олиш мумкин.

Саноатни жойлаштиришда – концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш каби

ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг прогрессив шакллари катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви натижасида корхона истеъмол қилиши учун жуда катта хомашё ва энергетика базасини вужудга келтириш, корхона маҳсулотини истеъмол қилувчи ҳудудни кенгайтириш талаб қилинади.<sup>68</sup> Натижада транспорт харажатлари ошиб кетади, корхоналарни жойлаштириш нуқтаси ва майдонини танлаш масаласи анча қийинлашади. Шу сабабли ҳозирги бозор шароитига ўтишда йирик корхоналарни жойлаштириш ўрнига ўрта ва кичик корхоналарни асослашда транспорт омилини ҳисобга олиш керак бўлади.

Ихтисослаштириш ҳам саноатни жойлаштиришга худди концентрациялаштириш каби таъсир кўрсатади, чунки ихтисослаштириш бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни мужассамлаштиришдан иборатдир. Шунинг учун ихтисослаштириш даражаси ошган сари транспортга талаб ортиб боради. Корхона (фирма)ларни у ёки бу ҳудудга жойлаштиришда бундай харажатларнинг миқдорини албатта, ҳисобга олиш керак.

Корхоналарни кооперативлаштиришнинг саноатни жойлаштиришга таъсирини ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо қилиш мисолида кўриш мумкин. Ҳудудий саноат мажмуи узоқ вақт ўзаро кооперативлашган алоқа қилувчи ҳар хил саноат тармоғига хос бўлган бир қатор корхоналардан иборат. Кооперативлаш омилини ҳисобга олмай туриб жойлаштирилувчи объект ёки мажмуаларнинг иқтисодий самарадорлигини тўғри аниқлаш мумкин эмас.

Ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш саноатни жойлаштиришга турлича таъсир кўрсатади. Комбинатлар – юқори мужассамлашган корхоналар. Шунинг учун уларни жойлаштириш мужассамлаштиришга ўхшашдир.

Республика мудофаа қобилиятини янада юқори даражага кўтариш саноатни жойлаштиришни ташкил этишда албатта эътиборга олинishi керак бўлган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Саноатни жойлаштиришга олдиндан мерос қолган ишлаб чиқаришни жойлаштириш характери ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, дастлаб ташкил этилган ҳунармандчилик марказлари, улар инфраструктурасининг шу ернинг ўзида ёки шу ҳудудга яқин бўлган жойларда барпо этилиши заруратини туғдиради.

### **16.3. Айрим саноат тармоқларини жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар**

Айрим саноат тармоқларининг ўзига хос иқтисодий хусусиятлари ишлаб чиқаришни жойлаштиришга алоқадордир. Шунинг учун айрим тармоқларни жойлаштиришни режалаштириш ва иқтисодий асослашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

---

<sup>68</sup> Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – Б.205.

Электр станцияларини жойлаштиришда минерал ёқилғиларни ташиш мумкин бўлган ҳолда, сув ресурсларини кўчириш мумкин эмаслиги ҳисобга олинади.

Қора металлургия саноати корхоналарини жойлаштиришда унинг хомашё базаси, ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси, корхона тури, тармоқнинг сувга талаби ҳамда йирик металлургия комбинатларининг бошқа тармоқлар жойлашишини ва йирик шаҳарлар пайдо бўлишини эътиборга олиш зарур.

Кимё саноатининг турли тармоқларини жойлаштиришда замонавий кимё технологиясининг ўзига хос хусусиятлари, яъни кимё саноатига тегишли хомашёнинг кўплиги, энергетика ресурслари ҳамда кўп тармоқларнинг чиқиндиларини мажмуали тарзда қайта ишлаш, бир турдаги хомашёдан турли ва бир турдаги маҳсулотларни ҳар хил хомашёдан олиш, синтетик материалларни барча иқтисодий ҳудудларда ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Машинасозлик саноатини жойлаштиришда ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятлари, тармоқнинг металлга бўлган талаби, уларни ташиш масалалари, айрим иқтисодий районлар саноатининг ихтисослашуви, иқтисодий ҳудудларнинг индустриал ривожланиш даражаси, машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, машинасозлик саноати маҳсулотларига барча ҳудудларда талабнинг доимийлиги эътиборга олиш зарур.

Енгил саноат, озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқлари мамлакатнинг барча иқтисодий районлари, бир қатор тармоқлар эса муайян ҳудудларда жойлашади. Булар – тикувчилик, трикотаж, пойафзал, қандолат, ун-ёрма, макарон маҳсулотларидир. Нон ва алкогольсиз ичимликлар саноати эса ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилиши керак.

Юқорида кўрсатилган тармоқлар ва тўқимачилик саноати истеъмол бозори доираси кенг ҳудудларда жойлашади. Бунга сабаб хомашёни тайёр маҳсулотга нисбатан ташиш осонроқ, тайёр маҳсулот ассортименти истеъмол қилувчи маълум ҳудуд аҳолисининг жинсий ва ёш жиҳатдан таркибига, миллий менталитетига боғлиқ бўлишидир. Хомашё базасига яқин жойда эса шакар, ёғ-мой, консерва, спирт, виночилик, пахта тозалаш ва шу каби тармоқлар жойлашади. Шундай қилиб, корхоналарни жойлаштиришни режалаштириш ва иқтисодий асослаш пайтида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий тамойилларига таяниш бутун саноатни жойлаштиришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Натижада ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг ривожига катта таъсир кўрсатади.

#### **16.4. Айрим корхоналарни жойлаштиришни иқтисодий асослаш**



## усули

Саноат корхонасини жойлаштириш ҳудуди ва жойини танлаш янги қуриладиган корхона ҳажми ва ихтисослашишини ҳамда янги қурилаётган корхоналарнинг ишлаб турган, лойиҳаланаётган корхоналар билан алоқаларини аниқлаш саноат корхоналарини фақат тўғри географик жойлаштиришнинг муҳим масалаларигина бўлиб қолмай, балки янги ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишни лойиҳалашнинг ҳам муҳим масаласидир. Лойиҳанинг юқоридаги масалаларига бағишланган қисми қолган барча қисмларининг ишлаши учун манба бўлиб хизмат қилади. Бу қисмда корхонани мазкур жойда қуришнинг мақсадга мувофиқлиги, хомашё, ёқилғи, энергия ва сув манбалари, лойиҳаланаётган корхонанинг қиймати ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади:

### **а) корхоналарни жойлаштириш ҳудудини танлаш;**

Саноат корхонасини қуриш учун танланган ҳудуд (иқтисодий ҳудуд) қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим: ҳудудда хомашё, ёқилғи, асосий ва ёрдамчи маҳсулотлар мавжуд бўлмоғи керак ҳамда лойиҳалаштирилаётган корхона маҳсулотига етарли талаб бўлиши зарур. Бундан ташқари, қурилаётган корхона учун танланган ҳудуд ишлаб чиқариш кучлари мажмуаси ривожланишини ва маҳаллий хомашё, энергетика ресурсларидан тўла фойдаланишни таъминлаши лозим. Танланган ҳудудда қуриладиган корхоналар улар мансуб бўлган тармоқларнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб бир текис жойлашишини таъминланмоғи керак.

### **б) корхонани жойлаштириш пунктини асослаш;**

Янги корхонани жойлаштириш ҳудуди ҳар томонлама иқтисодий асосланиб бўлгач, шу ҳудуд ичида корхона қурилиш ўрни (пункти) белгиланади. Корхонани жойлаштириш пункти тўғри танланганлиги қурилишнинг қанча давом этишига, унинг қиймати ва корхонанинг истиқболда иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Корхонани жойлаштириш пунктини асослашда йирик шаҳарларда саноатнинг ҳаддан ташқари, мужассамлашиб кетишига йўл қўйиб бўлмаслигига, корхоналарни ягона энергетика ва умумий коммуникацияларга эга бўлган ишлаб чиқариш шаклида қуриш мақсадга мувофиқлигига, аҳоли жойларининг ривожланишини ҳамда қабул қилинган санитария-гигиена талаблари ва нормаларига риоя қилиниши зарур.

Танланган қурилиш пункти транспорт харажатлари кам бўлиши учун хомашё манбаига ва истеъмол жойларига максимал яқин бўлмоғи лозим. Пунктни танлашда корхонани қуриш учун майдонни танлаш ва уни иқтисодий баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Майдон горизонтал юзага эга бўлмоғи лозим. Барча бинолар, иншоотлар, корхона, транспорт хўжалигини майдонда рационал жойлаштириш, келажакда кенгайтириш, темир йўл магистралига осон қўшилиш, сув билан осон таъминланиш ва ортиқча сувларни оқизиб юбориш, яқин

оралиқда жойлашган аҳоли пунктига эга бўлган санитария-гигиена талабларига жавоб бериши зарур.

### **16.5. Саноатни жойлаштиришдаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлиги**

Мустақиллик йилларида саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришда йирик ўзгаришлар рўй берди. Айрим ҳудудлар ўртасида янгидан-янги алоқалар ўрнатилди, уларнинг ўзгаришлар давригача бўлган ихтисосланиши тубдан ўзгарди. Саноатда қайта ишлаш учун янги ҳудудларда жойлашган бир қатор фойдали қазилма конлари ишга туширилди. У ерларда кучли саноат мажмуалари ташкил топди. Бу ўзгаришлар юқорида айтиб ўтилган саноатни жойлаштириш тамойиллари Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегияси ва тактикаси асосида рўй берди ва бу ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишига олиб келди.

Саноатни жойлаштиришда рўй берадиган туб ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлиги кўпгина кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобга олинади. Лекин, бу ўзгаришларнинг бир қисмини миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкин эмас, чунки улар силжишларнинг сифат жиҳатидан натижасини кўрсатади. Булар қаторига янги ҳудудларнинг жуда катта фойдали қазилма ресурсларини саноатда фойдаланиш учун ишга тушириш, илгари нисбатан қоқоқ ҳудудларнинг индустриал ва аграр ҳудудларга бўлинишини йўқотиш ва шу кабилар киради.

Саноат жойлашишидаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлигини миқдор жиҳатдан ҳисоблашда биринчи навбатда иқтисодиётга сарфланган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилади.

Саноатни жойлаштиришдаги силжишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг муҳим кўрсаткичларидан яна бири меҳнат унумдорлигининг ошишидир. Республиканинг марказий ҳудудларида жойлашган бир қатор тармоқ корхоналари бошқа ҳудудлардаги корхоналарга нисбатан юқориқоқ меҳнат унумдорлигига эга. Лекин бошқа ҳудудларда қурилаётган корхоналар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этадилар.

Саноатни жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган яна бир кўрсаткич маҳсулот таннархидир. Бошқа ҳудудларда жойлашган корхоналар маҳсулотининг таннархи ривожланган ҳудудлардаги корхоналарникидан бир мунча паст бўлиши мумкин. Лекин бундай йўқотиш мамлакат миқёсида амалга оширилаётган иқтисодий – ижтимоий тараққиёт туфайли барҳам топади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амалга оширилган анчагина силжишлар билан бирга, мустақилликка эришилгунгача мамлакат саноатини жойлаштиришда йўл қўйилган бир қатор камчиликлар ҳали ҳам тўла барҳам топгани йўқ. Ҳудудлар ичра ва

худудлараро кооперативлаштиришда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Буларнинг барчаси саноат маҳсулотларининг асосий турларини хомашё ва ёқилғини ниҳоятда узоқ ва қарама-қарши тарафларга ташиш заруриятини туғдириши натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис бозор иқтисодиётининг кейинги босқичига ўтиш даврида саноатни оқилона жойлаштириш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади.

Саноатни жойлаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш керак:

- республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бозор шароитига мос равишда олиб борилиши, унинг табиий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда кооперативлаштириш афзалликларидан тўла-тўқис фойдаланиш;

- кичик ва ўрта бизнесга тегишли саноат корхоналарини қишлоқларда яратиш, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини олиб кириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- саноат объектларининг қурилиш муддатини қисқартириш ва улардан фойдаланиш харажатларини кескин камайтириш;

- табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шароитларини яратиш ва ҳ.к.

Саноат объектларини жойлаштириш самарадорлигини аниқлашда капитал қўйилманинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг расмий усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усулга биноан саноат корхонасини жойлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан энг қулай лойиҳа-маҳсулот бирлигига сарфланадиган ижтимоий меҳнат камайишини таъминловчи вариант танлаб олинади. У қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$X = T + E_k \cdot K,$$

бу ерда:

**T** – конкрет ҳудуд шароитида тайёрланадиган маҳсулотнинг тўла таннари;

**E<sub>к</sub>** – капитал қўйилманинг норматив қиёсий самарадорлик коэффициенти;

**K** - ишлаб чиқариш қувватини яратиш учун лозим бўлган капитал қўйилма миқдори.

Саноат объектларини жойлаштиришнинг қиёсий самарадорлигини аниқлаш капитал қўйилма ва маҳсулот таннарихини ҳисоблашни ва бошқа шароитларни ҳам батафсил аниқлаш ҳамда ҳар томонлама таққослашни ва барча имкониятларни назарда тутишни тақозо этади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Саноатни оқилона жойлаштириш – ишлаб чиқаришни изчил

ривожлантириш ва мамлакат мудофасини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда эришилган мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш мамлакат саноатини ҳудудлар бўйича географик жойлаштиришга тубдан ўзгартиришлар киритди. Саноатни жойлаштириш Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегияси ва тактикаси, иқтисодиётнинг қонуниятлари билан боғлиқ бўлган тамойиллар асосида амалга оширилмоқда. Саноатни хомашё манбаларига ва маҳсулотни истеъмол қилувчи ҳудудларга яқинлаштириш мамлакат табиий ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, хомашё ва тайёр маҳсулотни ташишда жуда катта тежамкорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш сарфларини камайитиришга имконият туғдирмоқда.

2. Саноатнинг алоҳида тармоқларини жойлаштиришнинг характерини аниқлашда тармоқ хусусиятлари жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот хизмати (иши, вазифаси), истеъмол қилинадиган хомашё материаллари ва уларни қайта ишлаш технологиясининг хусусиятлари, корхонанинг типи, ушбу тармоқнинг иқтисодий район ихтисослашуви ва шаҳарлар ташкил топишига таъсир даражаси ҳисобга олинади.

3. Саноатни жойлаштириш жараёнида, ҳудуд ва объектнинг қурилиш жойини танлашни асослашда корхона қурилишининг ва ушбу объектни келажакда ишлатишнинг ҳам максимал тежамкорлигини назарда тутиш керак бўлади. Айниқса, янгидан яратилаётган корхона учун майдон танлаш иқтисодий жиҳатдан пухта асосланиши керак бўлади.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Саноатни жойлаштиришнинг тамойиллари (фундаментал қоидалари).
3. Саноатни жойлаштиришга таъсир этувчи шарт-шароитлар.
4. Тармоқларни жойлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар.
5. Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришдаги силжишлар ва истиқболдаги вазифалар.

## **17-МАВЗУ. ҚУРИЛИШ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Қурилиш. Тайёр қурилиш маҳсулоти. Тугалланмаган қурилиш. Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши. Консервация. Қайтадан бошлаш. Дастлабки қиймат. Қолдиқ қиймат. Саноат қурилиши. Қишлоқ қурилиши. Уй-жой қурилиши. Маданий-маиший қурилиш. Қурилиш комплекси. Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари. Инвестор. Буюртмачи. Қурилиш эгаси. Пудратчи. Лойиҳаловчи. Пудрат усули. Хўжалик усули. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит”гача) топшириш. Танловлар. Қурилишнинг моддий-техник базаси.

**Режа:**

**17.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли**

**17.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари**

**17.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истиқболлари**

### **17.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли**

**Қурилиш** - асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. У миллий иқтисодиётда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. Қурилиш маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.<sup>69</sup>

Қурилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, Мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоизидан кўпроқ қисми яратилади. Қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади.

Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг

<sup>69</sup> Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қилади, уни ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатлидир, яъни уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ҳатто 10, 20 кундан ҳам кўп вақт талаб қилинади. Шунингдек, қурилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишидан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади.

Ишлаб чиқариш циклига қараб қурилиш маҳсулотининг шакли ва тайёрлиги турлича бўлади.

*Тайёр қурилиш маҳсулоти* - бу қурилган ва буюртмачига белгиланган тартибда топширилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидир (корхоналар, электростанциялар, шахталар, уйлар, мактаблар, шифохоналар ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари). Қурилиш маҳсулоти ўзининг эксплуатация мақсадидан ташқари такрор ишлаб чиқариш функциясини ҳам бажаради ва иқтисодиётнинг асосий фондларини янгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқаришини тайёр қурилиш маҳсулоти билан адаштириб юбормаслик керак. Уларнинг ҳажми қурилиш-монтаж ташкилотларининг ва бутун тармоқ иқтисодиётининг фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

*Тугалланмаган қурилиш* - бу тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган қурилиш объектлари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг муайян бир санадаги ҳолати бўйича олинган ҳажмидир. Тугалланмаган қурилиш таркибида амалга ошириладиган, шунингдек, вақтинча ва батамом тўхтатиб қўйилган қурилишлар ва объектлар бўйича капитал қўйилмалар ҳисобга олинади. Тугалланмаган қурилиш ҳажмларининг ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H_{\dot{y}.o.} = H_{\dot{y}.b.} + Q - B_{ac.ф} - C_{ккз}$$

бу ерда:

$H_{\dot{y}.o.}$  ва  $H_{\dot{y}.b.}$  - тугалланмаган қурилиш, мос равишда ҳисобот даврининг охири ва бошида, қиймат шаклида (смета қийматида);

$Q$  - ҳисобот давридаги капитал қўйилмалар;

$B_{ac.ф}$  - ҳисобот даврида асосий фондларни фойдаланишга топшириш;

$C_{ккз}$  - белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган капитал қўйилмаларнинг қиймати.

*Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши* - тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган объектларда (қурилишларда) пудратчи ташкилот ёки ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш маҳсулотининг қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини тавсифловчи қисми. Тугалланмаган қурилиш ҳажми натура ва пул ифодасида ҳисобга олинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилишнинг ортиқча миқдорлари - бу аслида “узоқ пайдан буён қурилаётган” қурилишлардир. Улар капитал қўйилмаларнинг тартибсиз тақсимланганлиги ва тармоқ иқтисодиётига ҳамда миллий иқтисодиётга жиддий зарар етказди.

Қурилиш тармоғи қурилаётган объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қуйи тармоқларга: саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва бошқаларга бўлинади. Бундай бўлиниш эса ўз навбатида қурилишда ихтисослашувни чуқурлаштириш ва қурилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда у ёки бу тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш учун керак бўлади.

Қурилиши тугалланмаган объектлар капитал маблағ билан таъминланмаган ёки уларнинг қурилишини давом эттириш учун бундан кейин маблағ қўйиш вақтинча ёки узил-кесил мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланганда - қурилиш тиклангунгача бўлган ёки объект янги мулкдорга сотилгунгача бўлган даврда «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида Низом»га<sup>70</sup> кўра консервация қилиниши мумкин.

Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланишни ва уларни қуришни қайтадан бошлаш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

Қабул қилинган асосий атамалар:

*Консервация* - асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, бу давр тамом бўлгач улардан фойдаланилиши ёки қурилишни давом эттирилиши керак;

*Қайтадан бошлаш* - консервация қилинган асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ёки консервация қилинган объектлар қурилишини тугаллаш ишлари бошланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

*Тугалланмаган қурилиш* - қурилиши тугалланмаган объектда сарфланган амалдаги харажатлар;

*Дастлабки қиймат* - асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қурилишни охирига етказиш) ёки сотиб олиш учун амалдаги харажатлар қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш,

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига илова

фойдаланишга топшириш харажатлари ҳамда активлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уларни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар;

*Қолдиқ қиймат* - жамланган амортизация суммаси чиқариб ташланган ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, улар бўйича актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

Қуйидагилар консервация қилиниши мумкин.<sup>71</sup>

Қурилиши тугалланмаган объектлар капитал маблағ билан таъминланмаган ёки уларнинг қурилишини давом эттириш учун бундан кейин маблағ қўйиш вақтинча ёки узил-кесил мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланганда - қурилиш тиклангунгача бўлган ёки объект янги мулкдорга сотилгунгача бўлган даврда;

асосий воситалар - уларнинг техник даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда ёки 3 ой мобайнида улардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаганда - уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш даврида, бироқ 24 ойдан ортиқ эмас.

Фойдаланилмаётган асосий воситаларни консервация қилиш тўғрисидаги қарор аниқ муддат белгиланган ҳолда:

а) табиий монополиячиларга;

замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра олиб борилаётган корхоналарга;

Қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қоидасини амалга ошириш даврида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) ўзларига қарашли корхоналар бўйича - вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ("а" пунктда кўрсатилганлардан ташқари);

в) юқорида кўрсатилмаган корхоналар бўйича - мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

Тугалланмаган қурилишни консервация қилиш тўғрисидаги қарор:

а) қурилиши:

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига мувофиқ, шунингдек

---

<sup>71</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.



Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича;

Қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қоидасини амалга ошириш даврида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) қурилиши:

тармоқ ёки минтақавий дастурлар асосида идоравий мансуб давлат корхоналари ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари ҳисобига;

уларга қарашли корхоналар томонидан олиб борилаётган объектлар бўйича - вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) юқорида кўрсатилмаган объектлар бўйича - мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

Консервация муддати консервация тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан ҳисобланади.

Буюртмачи қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой муддатда пудрат ташкилоти билан консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари учун ҳисоб-китоб қилади, аванс бўйича ҳисоб-китоблар ҳам шулар жумласига киради, асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар етказиб бериш учун тузилган шартномалар бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши муносабати билан пудрат ташкилоти кўрган зарарни ҳамда моддий-техника бойликларини бошқа объектларга ташиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

Буюртмачи томонидан қурилиш учун банкларнинг кредитлари, шунингдек хорижий кредитлар жалб этилган ҳолларда, улар кредит шартномаларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши керак.

Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш муддати тамом бўлгач фойдаланишни ва қуришни қайтадан бошлаш мумкин деб ҳисобланади ҳамда бу тўғрида қўшимча қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

Консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш учун лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш пудрат ташкилоти томонидан қўшимча битим бўйича амалга оширилади.

**Саноат қурилиши** - мавжуд саноат корхоналарини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини қуриш, шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришларини қуришдир. Масалан, машинасозлик ва металлургия заводларини қуриш, нефть, газ, кимё ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарини қуриш. Саноат қурилиши кўп жиҳатдан индустриалаштиришнинг кўлами ва суръатларини, техник тараққиёт даражасини белгилаб беради.

**Қишлоқ қурилиши** - қишлоқ жойларидаги янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини яратиш, уларни қайта таъмирлаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ қурилишлардир. Қишлоқ қурилишига сув хўжалиги, ирригация, мелиоратив ва бошқа қурилиш турлари ҳам киради.

**Уй-жой қурилиши** - янги уй-жойлар, ётоқхоналар, ётоқ корпуслари, болалар уйлари ва қария ҳамда ногиронлар уйлари қуришдир. Аҳолининг жамғармалари ва давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига қуриладиган шахсий уй-жойларни қуриш ҳам уй-жой қурилиши таркибига киради.

**Маданий-маиший қурилиш** - коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, бошқариш органлари тизимларига қарашли янги объектларни қуриш ва амал қилаётганларини таъмирлашдир.

Қурилиш оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир. Аммо қурилиш, иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг фақат энг юксак поғоналаридагина, ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнида вужудга келади.

Сўнги йилларда фан-техника тараққиёти таъсири остида қурилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, улар замирида эса қурилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва бўлақлардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга айланиши ётади.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг характери ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Оғир қўл меҳнати йирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Қурувчи-монтажчиларнинг қурилиш майдонларидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради.

**Қурилиш комплекси** - пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар, қурилиш материаллари, деталлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи

корхоналар мажмуасидир<sup>72</sup>. Қурилиш комплекси таркибига қурилиш фани (меъморчилик, техник, иқтисодий ва бошқалар), қурилишни лойиҳалаштириш, бевосита қурилиш ва унинг моддий-техник базаси киради.

Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари - бу қурилиш бошқармалари, монтаж бошқармалари, қурилиш-монтаж бошқармалари (СМУ - ҚМБ), кўчма механизациялашган колонналар (ПМК - КМК) ёки ихтисослашган механизациялашган колонналар (СПМК - ИМК), уй-жой ва завод қуриш комбинатлари (ДСК, ЗСК – УЖҚК – ЗҚК), пардозлаш ишлари бошқармалари, кўприк қурилиши отрядлари, ишга тушириш-созлаш бошқармалари ва ҳоказолардир. Уларнинг кўпчилигига бошқарувнинг юқори поғонаси сифатида тегишли трестлар бошчилик қилади. Ҳозирги пайтда, ҳукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, хусусий қурилиш фирмалари тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантириш, қурилишни бир-икки поғонали бошқарув тизимига ўтказиш масалалари илгари сурилмоқда

Таъкидлаш жоизки, қурилишнинг қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари баъзан саноатдаги завод ёки фабрикалар бажарадиган ишлаб чиқариш функцияларини бажармоқдалар. Айнан шу ташкилотлар асосий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва шу тариқа капитал қурилиш олдига қўйилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаларини биринчи бўлиб бажарадилар. Шунинг учун қурилишнинг иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатидаги фаолиятининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу бирламчи қурилиш ташкилотларининг фаолиятидаги муваффақиятларга боғлиқдир.

Нафақат қурилиш ташкилотларининг, балки буюртмачилар, лойиҳалаш муассасалари, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолияти ҳам қурилиш маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқдир. Қурилиш ишлаб чиқариши иштирокчиларининг мана шундай кўплиги қурилишнинг фарқ қилувчи жиҳати бўлибгина қолмай, балки баъзан қурилиш ишининг тўлиқ муваффақиятли бўлмаслигига сабаб ҳам бўлиб қолади. Ушбу иштирокчиларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси ўз мажбуриятларини бажармаса, қурилиш ишлаб чиқариши мароминининг бузилишига, объектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг кечикишига, натижада қурилиш суръатларининг пасайишига, миқдорий ва сифат кўрсаткичларнинг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда капитал қурилиш соҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, камчилик ва нуқсонлар фақат қурилиш ташкилотлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги оқибати эмас, балки

---

<sup>72</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

инвестиция жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг турли босқич ва поғоналарида вужудга келаётган салбий ҳолатларнинг таъсиридир.

## 17.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари

Капитал қурилишда инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида одатда бажарадиган вазифаларига кўра инвестор, буюртмачи, қурувчи, пудратчи ва лойиҳаловчилар иштирок этадилар.

**Инвестор** - объект қурилишини молиялаштиришни хусусий ёки қарз маблағлар ҳисобига амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвестор инвестиция натижаларини тасарруф қилиш учун тўлиқ юридик ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, у инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) жалб қилиш шаклини белгилайди, қурилиш контрактларининг шартларини ишлаб чиқади, инвестиция жараёни иштирокчилари билан бўладиган молияв-кредит муносабатларини амалга оширади. Инвестор қурилиш маҳсулотининг буюртмачиси, кредитори, харидори бўлиши, шунингдек, бевосита қурувчи функциясини бажариши ҳам мумкин.

**Буюртмачи** - техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишдан бошлаб объектни фойдаланишга топшириш ёки объектнинг ишлаб чиқариш қувватига чиқишигача бўлган муддатда объект қурилишининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси функцияларини қабул қилган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

**Қурилиш эгаси** - қурилиш бўлаётган ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. У ер эгаси ҳисобланади. Буюртмачи қурилиш эгасидан фарқли равишда ер майдонидан қурилиш учун фақат ижара шартлари асосида фойдаланади.

**Пудратчи** (бош пудратчи) - пудрат шартномаси ёки контракт асосида объект қурилишини амалга ошираётган қурилиш фирмаси. Бош пудратчи қурилиш натижалари учун шартнома шартларига мувофиқ равишда буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар бўлади. У зарур ҳолларда айрим турдаги ишларни бажариш учун қуйи пудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин

**Лойиҳаловчи** - буюртмачи билан тузилган шартнома асосида у ёки бу объектнинг келгусидаги қурилишини лойиҳаловчи лойиҳалаш ташкилоти ёки шунга ўхшаш бошқа муассаса. Лойиҳаловчи лойиҳанинг ва унинг асосидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади. Буюртмачи лойиҳада кўзда тутилган ечимларга риоя қилинишини назорат қилиш учун муаллифлик назорати ўрнатади.<sup>73</sup>

Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни турли шакл ва усулларда

---

<sup>73</sup> Исмамов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

ташқил қилиниши мумкин бўлиб, пудрат усули, хўжалик усули, объектларни “қулф-калит” қилиб топшириш ва сотиш шулар жумласидандир.

**Пудрат усулида** қурилиш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш соҳасидаги барча пудрат ишларининг тахминан 80 фоизи шу усулда амалга оширилади. Уни амалга ошириш учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қилади.

**Хўжалик усулида** - объектлар қурилиши ёки қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишлари хўжалик субъектларининг - корхоналар, ташкилотлар, институтлар ва шу кабиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичикроқ қурилиш объектлари, ҳудудлар ва хоналарни ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари кўпинча шу усулда олиб борилади.

**Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит”гача) топширишда** буюртмачининг функциялари бош пудратчига берилиб, у қурилишни бошидан бошлайди ва объектни буюртмачига ўзил-кесил тугалланган ҳолатда топширади. Қурилишнинг бундай усули уй-жой қурилишида жуда кенг тарқалган.

**Танловлар** - иқтисодиётда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, бунда буюртмачи бирор объектни қуриш ёки лойиҳалаш, асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилаётганлигини очиқ ёки ёпиқ шаклда хабардор қилади ва хоҳловчиларни шу танловда иштироқ этишга таклиф қилади. Бунда махсус ҳужжат тайёрланади ва унда танловнинг асосий ғояси ва шартлари кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар мажмуаси “тендер” деб аталади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан ташқари, қурилишнинг ижтимоий меҳнат тақсимооти нуқтаи назаридан ихтисослашув, концентрация, кооперация каби ташкилий шакллари мавжуд. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу шакллар фақат қурилишда эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, аввало саноатда ҳам қўлланилади. Амалиётдан маълум бўлишича, бу шаклларни моҳирлик билан қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмалардан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, агар ихтисослашув ва кооперация харажатларнинг камайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига имкон берса, концентрация ва комбинирлаш - хом ашё ва материаллардан комплекс фойдаланишга ҳамда қурилиш соҳасида фан-техника тараққиёти кўламидан янада кенгайишига олиб келади.

### **17.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истиқболлари**

Қурилиш моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат

маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, балки бунинг учун у ёки бу турдаги ресурсларни истеъмол қилади ёки фойдаланади ҳам. Мавжуд маълумотларга кўра, қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг 80 фоизи, ёғоч материалларининг тахминан ярми, металл прокатининг 20 фоиздан кўпроғи, машинасозлик саноати маҳсулотларининг 10 фоиздан кўпроқ қисми қурилишда фойдаланилади. Қурилиш харажатлари таркибида транспорт сарф-харажатларининг қиймати 20-25 фоизни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, қурилишга иқтисодиёт тармоқларининг деярли барчаси хизмат кўрсатади.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутаяди. Бу тармоқдаги корхоналар цемент, оҳак, гипс, ғишт, шиша, қоплама ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, турли тўлдирмалар ишлаб чиқаради. 2015 йилда республика саноати корхоналарида 8459,8 минг тн цемент, 1388,7 минг м<sup>3</sup> йиғма темир-бетон конструкция ва буюмлар, 7226 минг м<sup>2</sup> дераза ойнаси, 1322 млн.дона шартли қурилиш ғишти, 6832,6 минг м<sup>2</sup> ички деворларни қоплаш учун мўлжалланган сирланган керамик плиткалар ва бошқа материаллар ишлаб чиқарилган<sup>74</sup>.

Капитал қурилишда айрим турдаги материаллар истеъмолининг солиштирма улуши жуда каттадир. Масалан, тахминан 80% цемент, дераза ойнаси - 50%, ёғоч материаллар - 35-40%, қора металллар прокати - 20%, юмшоқ қоплама материаллар - деярли 70% истеъмол қилинади.

Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан тўла таъминаш кўп жиҳатдан тармоқлараро алоқаларнинг мукамаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг иқтисодиётдаги тақсимоотида акс этади.

Иқтисодиётда буйруқбозлик, марказлашган бошқарув ва режалаштириш тизимидан бозор тизимига ўтилиши, хўжалик субъектларига қурилишни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очиб берди, бунда ҳудудий бошқарув органларининг роли кучайиб бормоқда. Аммо бу қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ўз-ўзидан, стихияли равишда юз беради, дегани эмас. У қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда унинг ресурслар билан тўла таъминлаш илмий тамойилларига мос бўлиши лозим.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир

---

<sup>74</sup> Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Статистик тўплам. Тошкент 2016. Б.120-121.

қиладиган барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим. Бундай усуллар - масаланинг оптимал ечимини топишга имкон берадиган **математик моделлардир**. Улардан бири - чизиқли дастурлаш бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради.

Қурилишнинг моддий-техник базасини оптимал ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини шакллантиришда бошқа омиллар билан бир қаторда хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш пунктлари, корхоналарни жойлаштириш мумкин бўлган пунктлар, шу пунктлардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари, транспорт харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинishi лозим. Бу ҳолатда масалани оптимал ечиш мезони одатда келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардош бўлиши, айти пайтда корхонани яратиш ва жойлаштиришда (бир марталик ва жорий) харажатларнинг имкон қадар кам бўлишидир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қурилиш индустрияси корхоналари ҳамда қурилиш конструкциялари, деталлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашдир.

Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг асосида қуйидагилар ётиши лозим:

- қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган, янги, энг тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бу корхоналарни хом ашё ва материалларни, конструкцияларни ташишнинг ҳамда ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантиришнинг рационал схемаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудида жойлаштиришнинг оптимал вариантларини танлаш;

- ишлаб турган, биринчи навбатда 20-30 йил ва ундан узоқ муддат ишлаб келаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бозор муносабатлари шароитида, қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик юритишдаги мустақиллиги кучайиб бораётган бир пайтда, моддий-техник базани ривожлантириш масалалари ҳам, хўжалик субъектлари ўртасидаги, шунингдек, субъектлар билан капитал қурилиш соҳасида ишловчи ёки унга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги хўжалик алоқларини кучайтириш

масалалари ҳам, аввалги пайтлардагидек вазирлик ва маҳкамалар томонидан эмас, балки, зарур ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кўпроқ қурилиш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ҳал қилинмоқда.

Қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотлари ўзларининг моддий-техник базаларини ривожлантириш орқали ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлабгина қолмай, балки рақобатли муҳитда ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар, фаолиятларининг ҳаёт циклини ўзайтирадилар. Бунда моддий-техник базасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг фақатгина техник ёки моддий таъминотдаги абсолют ўсишидан, ёки иқтисодчилар ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг фонд билан жиҳозланганлигининг ортишидан иборат бўлиб қолмай, балки унинг устиворлик тамойиллари асосида, максимал самарадорликни таъминлаш тамойили асосида амалга оширилади. Гап шундаки, бозор муносабатлари шароитида корхона ресурсларининг ҳар бир тури аввалги режалаштириладиган иқтисодиёт шароитидаги каби Давлат режалаштириш қўмитасининг ёки таъминот қўмитасининг буйруғи асосида эмас, балки хусусий маблағлар ҳисобига эришилади.

### **Қисқа хулосалар**

Қурилиш - моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, техникаси, технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши ҳамда бошқарув тизими билан фарқ қилади.

Қурилишнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қуролларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг узоқлиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши - қурилишнинг иқтисодиёт тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестиция-қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартдир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, заҳираларни топиш ва уларни сафарбар этиш, қурилишнинг капитал сарфларини



ва қурилиш муддатларини камайтириш - инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг муҳим вазифасидир.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. “Қурилиш тармоғи” тушунчасига тўлиқ таъриф беринг. Унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи миқдорий кўрсаткичларини кўрсатиб беринг.
2. Қурилишнинг тўғри ва тескари алоқаларининг табиатини очиб беринг.
3. У ёки бу объектларнинг қурилиши қандай усуллар билан амалга оширилиши мумкин?
4. Қандай субъектлар капитал қурилиш иштирокчилари бўлиши мумкин?
5. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва ривожлантириш тамойилларини баён қилиб беринг.
6. Тугалланмаган қурилиш объекларини қайси ҳолларда консервация қилинади?
7. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қандай омиллар таъсир қилади.
8. Замонавий қурилиш жиҳозлари ва материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг.

## **18-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. Инвестиция ва қурилиш танлов лойиҳаларини экспертиза қилиш. Капитал қурилиш пудрат шартномаси. Ижро ҳужжатлари. Қурилиш майдони. Вақтинчалик иншоотлар. Беркитиладиган ишлар. Шартнома нархини бўлиб чиқиш. Жорий молиялаштириш. Танлов савдолари (тендерлар). Бошланғич нарх. Талабгор. Танлов савдолари предмети. Танлов ҳужжатлари. Оферент. Оферта. Танлов савдолари қатнашчилари. Танлов савдолари шакллари. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари. Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик. Нархларга тузатишлар киритиш ва суғурта. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари.

**Режа:**

**18.1. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг асосий муаммолари**

**18.2. Инвестиция – қурилиш фаолиятида бозор иқтисодиётининг тамойилларини ҳисобга олиш**

**18.3. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари**

**18.4. Қурилишни шартнома асосида ташкил этиш**

**18.5. Капитал қурилишда танлов савдолари**

### **18.1. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг асосий муаммолари**

Мустақиллик йиллари даврида мамлакат жамияти ва иқтисодиёти сезиларли даражада сифат ва миқдор ўзгаришларга эришди. Эришилган натижалар бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели нақадар оқилона ва пухталиқ билан ишлаб чиқилганлигини яққол тасдиқламоқда. Шуниндек, мазкур модел орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирига қарама-қарши тура оладиган Ўзбекистоннинг барча ижтмоий-иқтисодий тизими барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлашга эришиш имкониятлари яратилди.<sup>75</sup>

Шуни таъкидлаш керакки, 1991 йилдан бошлаб ҳозирги даврга қадар қурилиш тармоғида ҳам бошқа тармоқлар қатори кенг ва чуқур миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилди. Ўтказилган таҳлиллар асосида ўтган давр мобайнида қурилиш тармоғи ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

1991-1996 йилларда, мамлакатда инвестицион фаолликнинг

<sup>75</sup> Абдухамидов А.Я. Қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Самарқанд, 2012.

пасайиши қурилиш ишлари ҳажми ва пудрат шартномаларининг камайишига олиб келди. Бу даврларда аксарият қурилиш ташкилотлари раҳбар ходимларининг қўйилган вазифаларни ҳал этишда етарли даражадаги билим ва кўникмаларга эга эмасликлари ҳамда бозор шароитига мослаша олмаганликлари сабабли кадрлар ва ишлаб чиқариш салоҳияти борасида кўп йўқотишларга учради.

1996-2002 йиллар, қурилиш тармоғининг сезиларли даражада юксалиши ва бозор хўжалиги шароитига мослашиши, бозор инфратузилмаси элементларининг пайдо бўлиши ва уларнинг фаоллашуви, чет эл капиталлари иштирокидаги қўшма корхоналар билан биргаликда тадбиркорлик ва кичик корхоналар, айниқса уларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида оммавий равишда ривожланиши билан характерланади.

2002-2005 йиллардан бошлаб ҳозирга даврга қадар, қурилиш тармоғи миқдор ва сифат жиҳатдан миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини тўлиқ қондира бошлади. Маҳаллий қурилиш ташкилотлари рақобатбардошлигининг ўсиши сабабли аксарият мураккаб ва нуфузли объектлар чет эл қурилиш фирмалари иштирокисиз қурила бошланди ҳамда уларнинг муҳандислик ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари юксалди.

Ислоҳотлар фақатгина капитал қурилишда эмас, балки мамлакатнинг қурилиш тармоғига хизмат қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларда ҳам тегишли меъёрий ҳужжатга<sup>76</sup> мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мазкур Фармонга биноан капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар мўлжалланган:

- қурилишда нарх шакллантиришни такомиллаштириш базасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг янги сифат босқичига ҳамда шартномавий, жорий нархларга ўтиш;

- инвестицион жараён қатнашувчилари ўртасидаги хўжалик муносабатларини ўзгартириш;

- динамик, замон талабларига жавоб берувчи ҳудудий-тармоқ тузилмалари, корхоналарни оқилона жойлаштириш ва янги бошқарув механизмларига ўтиш.

- пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаш ва монополиядан чиқариш;

- хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхона ва

---

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ги Фармони

ташкilotларни, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда тендерларни жорий қилиш, қурилишни асосан фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит” билан) топшириш шартлари асосида амалга ошириш;

- инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашларни тайёрлаш даражасини ошириш, уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг моддий-техник базасини янгилаш;

- тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, бир-икки бўғинли бошқарув тизимларига ўтиш;

- қурилиш пудрат ташкilotларида бригада пудратини жорий қилиш, тўловни ишларнинг тугалланган босқичларида амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг меъёрлари ва механизмларини такомиллаштириш;

- қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш.

Бу чоралар қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг 2005 йилга мўлжалланган муайян Дастури билан мустаҳкамланган бўлиб, шу мақсадларда уни амалга ошириш юзасидан махсус ҳудудий ва вертикал комиссиялар ташкил қилинган.

Қуйида объектлар бўйича техник-иқтисодий асослашлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади:

а) лойиҳанинг қийматидан қатъий назар хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинган ҳолда ҳукумат кафолати асосида амалга оширилаётган объектлар;

б) республика инвестиция дастурига киритилган ва ҳар йили давлат бюджети билан бирга тасдиқланадиган объектлар.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашлар ва бошқа керакли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангунга қадар белгиланган тартибда тегишли экспертизадан ўтиши лозим<sup>77</sup>. Инвестиция ва қурилиш лойиҳаларининг танлов асосида танлаб олиниши қурилиш мажмуасини ташкил қилиш ва уни бошқаришдаги энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Булар айниқса қуйидаги ҳолларда кенг қўлланилмоқда:

- лойиҳалаш, инженерлик-тадқиқот ишлари, конструкторлик ишлари ва ҳоказоларда;

---

<sup>77</sup> Абдухамидов А.Я. Қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Самарқанд, 2012.

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини, корхоналарни қуриш ва техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан уларни “қулф-калит” асосида топширишда;

- технологик асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат воситалари тўпламини етказиб беришда;

- лойиҳани бошқариш, маслаҳат хизмати кўрсатиш ва назоратларда.

Танлов(тендер)лар самарасини ошириш ва пудрат бозорида рақобатчиликни кучайтириш мақсадида, бозор махсус қоидалари ва талабларига риоя қилинган ҳолда хорижий лойиҳалаш ва қурилиш компанияларининг қатнашиши кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, экспертларнинг малакаси ва роли кучайиб бормоқда. Экспертлар керакли профессионал маълумотга, тажрибага ва касбий ички сезгирлик (интуиция)га эга бўлишлари лозим. Хорижий амалиётда экспертларнинг хулосаси, одатда, қайта кўриб чиқилмайди ва ҳатто муҳокама ҳам қилинмайди.

Республикада қурилиш бозорининг аҳамияти иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг юқори суръатлари билан аниқланади. 2015 йилда республика иқтисодиётига 41,7 трлн.сўм капитал маблағлар инвестицияланган бўлса, жумладан қурилиш ишлари ҳажми эса 25,4 трлн.сўмга етди (2014 йилга нисбатан 118,8 фоизни ташкил қилади). Қурилиш-монтаж ишларида рўйхатдаги ходимларнинг ўртача сони 2015 йилда 191,8 минг кишини ташкил этиб<sup>78</sup>, уларнинг даромадлари ва турмуш даражаси иқтисодиёт мазкур секторининг самарали фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон қурилиш тармоғи улушига 2015 йилда ЯИМнинг 7,3 фоизи<sup>79</sup> тўғри келади. Бу шундан далолат берадики, мамлакатимиз мазкур кўрсаткич бўйича халқаро стандартлар даражасига яқинлашмоқда.

2015 йилда капитал қўйилмалар тузилмасида марказлашмаган инвестициялар улуши 2012 йил билан таққослаганда 77,7 фоиздан 83,7 фоизга ошди, мос равишда марказлашган инвестициялар улуши эса 22,3 фоиздан 16,3 фоизга камайди. Хорижий инвестиция ва кредитлар эса 2012 йилда 4653,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса 2015 йилда ушбу кўрсаткич 8309,5 млрд.сўмни ташкил этди (асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 19,9%)<sup>80</sup>.

## 1-жадвал

<sup>78</sup> Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. Б.21-23.

<sup>79</sup> Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. Б.44.

<sup>80</sup> Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. Б.24,45.

**Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва қурилиш  
фаолиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари<sup>81</sup>  
(амалдаги нархларда, млрд.сўм)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2015 й.да 2012 й.га нисбатан</b>
Асосий фондларни ишга тшириш	18234,4	23624,5	29770,2	27510,9	1,5 марта
Ўзгариш (ўтган йилга нисбатан), фоизда	100	129,6	126	92,4	
Асосий капиталга инвестициялар	22797,3	28694,6	35233,3	41670,5	1,8 марта
Ўзгариш, фоизда	100	125,8	122,8	118,3	
жумладан объектлар бўйича					
ишлаб чиқариш	15153,0	19101,0	23793,9	27575,7	1,8 марта
ноишлаб чиқариш	7644,3	9593,6	11439,6	14094,8	1,8 марта
Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда	23,3	23,7	24,2	24,3	
Қурилиш ишлари	11753,9	15219,3	20060,4	25423,1	2,2 марта
Ўзгариш, фоизда	100	129,5	131,8	126,7	

Келтирилган маълумотларга кўра асосий фондларни ишга тушириш 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 27510,9 млрд.сўмдан 18234,4 млрд.сўмга, ёки 1,5 мартага кўпайди. Бу асосий фондларни ишга тушириш ёки миллий бойлик ҳажми кўпайишининг жуда юқори суръати ҳисобланади. 2015 йилда инвестициялар ҳам 41670,5 млрд.сўмга, ёки базавий йилга нисбатан 1,8 маротабага ошди. Ушбу жараёнларнинг характерли хусусиятлари шундаки, республикада ишлаб чиқариш объектларини инвестициялашга жиддий эътибор берилётганлиги туфайли уларнинг ҳажми базавий йилга нисбатан 1,8 мартага ошди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши эса барқарор равишда, 23-24 фоиз даражасида бўлмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши инвестициялар кўламининг янада ортиб бориши ва улардан самарали фойдаланиш билан чамбарчарс боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида республика барча соҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида қурилиш мажмуасида ҳам сезиларли даражадаги институционал ўзгаришлар рўй берди.

<sup>81</sup> Муаллиф томонидан қуйидаги асосида тузилган: Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўпلام. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. Б.21-22.

Буларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давомида қурилиш тармоғидаги йирик монополистлар – корпорация, бирлашма ва ассоциациялар босқичма–босқич тугатилди. Қурилиш корхоналарини кенг кўламда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди ва бугунги кунда уларнинг 95 фоиздан ортиғи нодавлат мулк шаклларига эга;

иккинчидан, пудрат ишларини юқори даражали сифат билан бажарилишини таъминламаётган ҳамда кам қувватли, зарар кўриб ишлаётган қурилиш ташкилотлари бир-бирига қўшиб юборилиши ёки банкротлик эълон қилиниб босқичма-босқич тугатилди;

учинчидан, қурилиш ишлари буюртмачилари ва пудратчилари ўртасидаги шартномавий муносабатлар тизими ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

тўртинчидан, 2004 йилдан бошлаб капитал қурилишда ўзаро ҳисоб-китоблар, 1991 йил нархларига асосланган эски тизимдан тўлиқ жорий нархлардаги ҳисоблашларга ўтказилди;

бешинчидан, барча жойларда қурилиш буюртмаларини бажариш учун қурилиш ташкилотларини аниқлашнинг танлов тизими жорий этилди.

Шу билан биргаликда, кўп кўрсаткичлар жиҳатдан, жумладан пудрат қурилиш ишлари сифати бўйича мамлакат корхоналари ташқи бозорларда, айрим ҳолатларда ички бозорда ҳам етарли даражада рақобатбардош эмас. Мамлакатдаги умумий нарх ўсишига нисбатан пудрат қурилиш ишлари нархи тез-тез юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Кўпчилик пудрат қурилиш корхоналари етарли даражада айланма маблағларга эга эмас, ўз фаолияти давомида жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда. Пудрат қурилиш ишлари бозори эса ҳозирча самарали фаолият юргизмаяпти.

Бозор муносабатларига ўтиш капитал қурилишда муносабатлар тизимини тубдан ўзгартиришни талабал қилди. Пудрат қурилиш ишлари ва шу каби исталган бошқа соҳаларда бозор муносабатларини шакллантириш учун рақобат муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Ушбу йўналишда биринчи мантиқий қадам, давлат тасарруфидан ва монополиядан чиқариш жараёнларининг ўтказилиши ҳисобланади.<sup>82</sup>

Пудрат қурилиш ишлари бозорида ислохотлар йўналишининг устунлигини нарх-навонинг тез эркинлаштирилиши ҳамда 1990-йиллар бошларидаги давлат режалаштириш тизимининг тугатилиши ва йирик ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилотлари амалда ҳеч ким томондан назоратга олинмай қолганлиги ҳам таъминлайди.

Бошқа томондан, 1991-1994 йилларда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг кескин камайганлиги ўз навбатида пудрат қурилиш

---

<sup>82</sup> Абдухамидов А.Я. Қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Самарқанд, 2012.

ишлари бозори ҳажмининг қисқаришига, кенг кўламда зарар кўриб ишлайдиган пудрат қурилиш ташкилотлари кўпайишига, хусусан улардаги бошқарув тизимларининг барбод бўлишига, қурилиш техникасини янгилаш ва модернизациялаш жараёнларининг тўхтатилишига олиб келди.

Қурилиш мажмуасидаги ислоҳотлар 1997 йилдан бошланиб, ҳозирга қадар учта босқичда ўтказилди:

биринчи босқич – 1997-2000 йиллар даврида қурилиш пудрат ишлари соҳасидаги йирик монополистик корпорация, бирлашма ва ассоциациялар изчиллик равишда тугатилди. Жумладан, 25 та республика трестлари ва бирлашмалари тугатилиб, бу ўз навбатида пудрат қурилиш ишлари, айниқса фуқаро ва саноат қурилиши соҳасини монополиядан чиқаришга сезиларли даражадаги имкониятларни берди.

иккинчи босқич – 2000-2004 йилларни қамраб олиб, ушбу йилларда кам қувватли зарар кўриб ишлайдиган қурилиш ташкилотлари бир-бирига қўшиб юбориш ёки уларга банкротлик эълон қилиш йўллари билан босқичма–босқич оммавий равишда тугатилди. Масалан, 2004 йилда қурилиш ташкилотлари сони олдинги йил билан таққослаганда республика бўйича 403 тагача қисқартирилди.

учинчи босқич - 2003 йилдан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилингандан бошлаб, капитал қурилишда қурилиш ишлари бозори иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини пудрат ташкилотлари тамойилларига мувофиқ равишда ислоҳ этиш ва ишлар сифатини назоратга олиш ишлари бошланди.

Юқорида қайд этилган мазкур Фармон тармоқда янги принципаллик асосда сифат жиҳатдан туб ўзгаришларни бошлаб берди. Шу билан биргаликда, қурилишда нарх шакллантириш ва шартномавий нархларга ўтиш, шунингдек бошқарувнинг янги тузилмасига ўтиш, бутун занжир бўйича, яъни қурилишга шартнома тузилган пайтдан бошлаб, то лойиҳалаштириш, молиялаштириш ва турли объектлар қурилишининг моддий-техник таъминотигача бўлган жараёнлардаги барча ишлар такомиллаштирилди.

2017 йилда республикада 24 мингга яқин қурилиш-пудрат ва 950 тадан зиёд лойиҳа ташкилотлари, 8 мингта қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Кейинги ўн йилнинг ўзида қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳалари доирасида 196 триллион 6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилгани, марказлаштирилган молиявий манбалар ҳисобидан 20 мингдан зиёд объект, жумладан, 7 минг 440 та



умумтаълим мактаби, 1 минг 824 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 1 минг 951 та болалар спорти иншооти, 949 та шифохона ва 3 минг 708 та ичимлик суви объекти барпо этилгани, чет эл кредитлари эвазига 40 миллиард 3 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари<sup>83</sup> амалга оширилгани сизларнинг бунёдкорлик меҳнатингиз жамиятимизга қандай катта наф келтираётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларда аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўналишда қабул қилган муҳим дастурлар айнан шу соҳа ходимларининг меҳнати, маҳорати туфайли ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда.

Сўнгги ўн йилда 1 минг 308 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 69 минг 557 та ҳар томонлама қулай уй-жойлар барпо этилиб, 83 минг 500 оиланинг яшаш шароити тубдан яхшиланди.

Шундай қилиб, қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этиш бутун соҳанинг барча жабҳаларини, яъни қурилиш-монтаж ва лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналари ва барча қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежларидан тортиб то олий таълим муассасаларини ҳам қамраб олади.

Капитал қурилишни ислоҳ этиш қуйидаги асосий муаммоли йўналишларни ўз ичига олади:

- лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш объектив зарурат эканлиги;

- бозор тамойиллари ва механизмларини асослаш ва амалиётга татбиқ этиш;

- қурилишда доимий равишда лойиҳа, смета ва технологик тартиб-интизомни такомиллаштириб бориш;

- қурилиш материаллари бозорининг тикланиши ва ривожланиши;

## **18.2. Инвестиция – қурилиш фаолиятида бозор иқтисодиётининг тамойилларини ҳисобга олиш**

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан озодлиги;
- қонунларнинг устиворлиги ва уларнинг барча бошқарув поғонларида мажбурий бажарилиши;

- давлат - барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда бош ислохотчи;

- меҳнаткашларнинг, айниқса кам таъминланган оилаларнинг манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоялаш;

- бозорга ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

---

<sup>83</sup> Мирзиёев мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига табрик йўллади. <http://darakchi.uz/uz/31745> (27.12.2017й.да мурожаат қилинган)

Қурилиш, миллий иқтисодиётнинг ўзвий бир қисми сифатида бу тамойиллардан алоҳида фаолият кўрсата олмайди. Бундан ташқари, қурилиш бу тамойилларга мосланиши, уларнинг асосида ҳамда тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг тезлашишига имкон яратиши лозим<sup>84</sup>. Уларнинг ичида энг муҳими қуйидагилардир:

#### 1. Нарх белгилашнинг бозор шакллари тамойиллари

Бугунги кунда нарх белгилашнинг икки шакли мавжуд бўлиб, улар эркин нархлар ва давлат томонидан бошқариладиган нархлардир. Бу иккала нархлар ҳам мамлакатда амал қилаётган нарх белгилаш сиёсатига бўйсунди. Бугунги кунда давлатимиз эркин нарх белгилаш чегараларини имкон қадар кенгроқ очишга, яъни нархларни эркинлаштиришга интилмоқда, бу эса бозор иқтисодиёти механизмига зид келмайди. Нарх белгилашдаги “эркинлик чегараларининг” асосий омилларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

#### 2. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш

Бу тамойилни амалга ошириш ҳар қандай жисмоний ва ҳуқуқий шахсга амалдаги қонунчиликда ман этилмаган исталган турдаги фаолият тури билан шуғулланишга имкон беради. Ўзбекистонда бу бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари билан мустаҳкамланган.

Аммо бу тамойил қурилиш соҳасида бошқа тармоқларга қараганда ҳали анча суст ривожланган, чунки пудрат ишларининг амалдаги бозори шаклланмаган, пудратчи ташкилотлар буюртмачиларнинг маблағларига сурункали равишда боғлиқ, шунингдек, улар хусусий айланма маблағлар билан етарли таъминланмаган, инвестиция жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жуда мураккаб, қурилиш маҳсулотининг “сотувчиси” ва “харидори” ҳали аниқ шаклланиб улгурмаган ва ҳоказо. Шунингдек, давлат қурилиш комплексини аввалги вазирликлар асоратидан чиқаришга барча чоралар билан интилаётганлигига қарамай, қурилишда бу тамойилни ривожлантиришга хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилиш жараёнининг жуда секин кетаётганлиги ҳам ҳалақит бермоқда.

#### 3. Турли мулкчилик шаклларининг, кўпроқ хусусий мулкнинг мавжудлиги.

Бу тамойил аввалги тамойиллар билан ўзвий боғлиқ бўлиб, гўёки улардан келиб чиқади. Бугунги кунда, иқтисодиёт кўп укладли режимда фаолият кўрсатаётган бир пайтда, ушбу тамойилни амалда рўёбга чиқариш учун барча керакли шарт-шароитлар юзага келтирилди. Аввало, бу ерда гап собиқ қурилиш вазирликлари ва маҳкамаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тугатиш

<sup>84</sup> Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

ҳақида боради. Бу қурилиш индустрияси таркибида турли мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларни ташкил қилишга имкон беради.

Шунга қарамай, бу жараён ҳам аввалгиси каби, тадбиркорлик билан боғлиқ бўлиб, нуфузи ҳозирча унчалик юқори бўлмаганлиги, қурилиш фаолиятининг жозибадор эмаслиги сабабли ҳали фаоллашмади. Шунинг учун инвесторлар ҳозирча хусусий қурилиш фирмалардан кўра кўпроқ хусусий дўконлар, офис бинолари ташкил қилишга, харидоргир товарларнинг олди-сотдиси билан шуғулланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, ишга “эски одат” қурилишнинг давлат томонидан бошқарилишини афзал кўриш ҳам ҳалақит бермоқда. Аммо бу тенденция бозор қонунлари ва бозор муносабатлари таъсирида аста-секин йўқолиб бормоқда.

4. Монополиядан чиқариш ва ихчам қурилиш тузилмаларини ташкил қилиш.

Сўнги пайтларгача саноат, қишлоқ хўжалиги, йўл, фуқаро ва уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи қурилиш вазирликлари монопол мавқега эга эдилар. Амалиётдан маълум бўлишича, монополизм бозор муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичлари учун мақбул бўлиши мумкин, аммо кейинчалик унинг ҳукмронлиги турғунликни вужудга келтириб, рақобатга тўсқинлик қила бошлайди. Шунинг учун монополизм билан бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси бўлган рақобат бир жойда мавжуд бўла олмайди.

5. Ички ва ташқи бозорларнинг очиклиги

Бу тамойил саноат корхоналари, савдо соҳаси, қишлоқ хўжалигига кўпроқ хос бўлиб, афсуски, қурилиш ишлаб чиқаришига камроқ даражада тааллуқлидир. Аммо бу қурилиш фақат ички эҳтиёжлар доирасида қолиб кетиб, ташқи бозор учун ёпиқдир, деган фикрни билдирмайди. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг пудрат ташкилотлари чет эллардаги инвестиция-қурилиш жараёнида камроқ иштирок этадилар, хорижий ташкилотлар эса бизнинг қурилиш жараёнимизда фаол қатнашмоқдалар. Шунинг учун дунёнинг кўпгина мамлакатларига хос бўлган бозорнинг очиклиги мамлакатимиздаги қурилиш корхона ва ташкилотларини фақат ички бозорда эмас, балки чет элларда ҳам муносиб ўрин эгаллашга мажбур қилиши керак. Тўғри, бу анчагина мураккаб, фақат етарли миқдордаги ресурсларни эмас, балки маълум даражада ташаббускорлик ва ҳатто ватанпарварликни, фидойиликни талаб қилувчи вазифа, аммо уни бажариш мумкин.

6. Инвестиция-қурилиш фаолияти қатнашчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий шаклларини ривожлантириш ва объектларни асосан “қулф-калит” қилиб топшириш шартларига ўтиш.

Бу тамойил - қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтишининг ҳақиқий асосидир. Афсуски, бугунги кунда шундай вазият юзага келдики, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўтмишда қолди, аммо ўзаро муносабатларнинг бозор шакли ҳали тўлиқ рўёбга чиқмади.

Аммо бу вазият бирор ўзгариш юз беришини кутиб ўтиришга сабаб бўла олмайди. Қурилиш ташкилотлари “юқоридан” буйруқ кутиб ўтирмай, бозор иқтисодиёти тамойилларини, шартномавий муносабатларни ривожлантиришлари, объектларни “қулф-калит” қилиб топширишга ўтишлари лозим, бу эса қурилиш маҳсулоти учун “сотувчи” ва “харидор” тушунчаларини вужудга келтиради.

7. Қурилиш ташкилотининг қурилиш-хўжалик фаолиятининг бутун жараёнини мулк эгаси сифатида тартибга солишдаги мутлоқ ҳуқуқи.

Бу тамойил тўлиқ амалга ошиши учун қурилиш ташкилотлари биринчидан буюртмачиларнинг маблағларига боғлиқ бўлмасликлари керак, иккинчидан, истиқболли қурилиш дастурига эга бўлишлари лозим, учинчидан эса, ўз ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни ўрганишлари ва иш вақтининг ҳам, моддий ресурсларнинг ҳам беҳуда исроф қилинишига йўл қўймасликлари зарур. Амалиётдан кўриниб турибдики, бирор корхона, шу жумладан қурилиш ташкилоти ресурслардан тежамли фойдаланса, камроқ харажатлар билан кўпроқ натижаларга эришса, фақат шундагина мулкка эгалик ҳисси пайдо бўлади. Яъни мулк эгаси - бу ҳамма жойда ва ҳамма нарсада самарадорликка интилувчи (жисмоний ва ҳуқуқий) шахсдир.

Шунинг учун ушбу тамойилнинг амалга оширилиши, ишнинг моддий жиҳатидан ташқари, яна ахлоқий масалаларга, жамият олдидаги бурч ва масъулиятини тўғри тушуниш ҳиссиётига асосланади.

Мулк эгаси - бу боши оққан томонга қараб юрадиган, бор-будини исроф қилиб юборадиган кимса эмас, балки мол-мулкани оқилона ва самарали сарфлайдиган кишидир. Бу гап қурилиш индустриясининг корхона ва ташкилотларига ҳам тааллуқли. Қурилиш ташкилоти ўз мол-мулкига қанчалик яхши ва масъулият билан қараса, унда мулк эгасининг ҳуқуқлари шу қадар юқори бўлади.<sup>85</sup>

Биз юқорида бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш фаолиятининг энг муҳим деб топган еттита тамойилинигина кўриб чиқдик. Аммо қурилиш мажмуасини бозор тизимига ўтказиш учун бошқа бозор тамойиллари ва шарт-шароитлари ҳам керак бўлиб, уларсиз моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат қурилиш эмас, ҳатто бутун иқтисодиёт ҳам бозор иқтисодиёти деган номга лойиқ бўла олмаслиги мумкин. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- пул-кредит тизимини ташкил қилиш ва унинг, шу жумладан конвертланувчи вальютанинг барқарор фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш.

- молиявий ташкилотлар, биржалар, суғурта компаниялари, аудиторлик ва консалтинг муассасалари, телекоммуникациялар

---

<sup>85</sup> Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

тармоғи ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи бозор инфратузилмасининг мавжудлиги;

- бозор шароитларида ишлай олувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ишончли тармоқнинг мавжуд бўлиши;
- меъёрий-услубий ва маълумот материалларини тайёрлаш ва қурилиш ишлаб чиқаришини улар билан таъминлаш;
- оқилона (мақбул) солиқ тизимининг мавжудлиги;
- талаб даражасидаги ҳуқуқий таъминотнинг мавжудлиги;
- нархни шакллантириш тизимини яхшилаш.

Табиийки, қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтишдаги асосий тамойиллари ҳам, қўшимча тамойиллари ҳам қурилиш амалиётининг бой ҳаётий тажрибасининг ўрнини боса олмайди. Назариянинг амалиётдан фарқи ҳам, бугуннинг эртадан фарқи ҳам аслида шудир. Аммо бу тамойиллардан биргаликда фойдаланиш ва янада муҳимроғи, уларни давр талабидан, ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда бойитиш, тўлдириш қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтказилишини тезлаштиради ва шу йўл билан бутун миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

### **18.3. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари**

Кўриб чиқилган масалалар қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бутун миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарагандан мажбурий чора эмас, балки объектив зарурат ва ҳатто давр талабидир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғи “оқсаётган” бўлса, хўжаликни бошқаришда бозорга хос бўлмаган усулларни қўллаётган бўлса, бундай иқтисодиётни бозор иқтисодиёти деб бўлмайди. Иқтисодиётни (тармоқ иқтисодиётини ҳам, миллий иқтисодиётни ҳам) фақат бошқарувнинг барча поғоналарида, ҳамма жойда бозор механизмлари амал қилган тақдирдагина бозор иқтисодиёти деб аташ мумкин. Бунга эришмагунча бозор иқтисодиёти ҳақида жиддий гапириш мумкин эмас.

Афсуски, бугунги кунда қурилиш мажмуасининг аҳволи айтарлик яхши эмас, бу тармоқ илгари ҳам объектларнинг қурилиши ҳаддан ташқари “узоқ вақтга чўзилиши”, битмаган қурилишлар сони кўпайиши, капитал қўйилмаларнинг сон-саноқсиз объектларга тақсимланиб кетгани, йўқотишлар, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар ва бошқалар туфайли ҳар доим ҳам яхши кўрсаткичларга эга бўлавермас эди.

Бугунги кунда эса капитал қурилишни жонлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун бошқача чора-тадбирлар керак бўлмоқда. Шу мақсадларда «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № ПФ-3240) эълон қилинди. Унда асосий йўналишлар сифатида қуйидагилар кўзда тутилган:

1) пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаш ва монополиядан чиқариш;

2) хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхона ва ташкилотларни, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

3) капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда тендерларни жорий қилиш, қурилишни асосан фойдаланишга тайёр ҳолда («қулф-калит»гача) топшириш шартлари асосида амалга ошириш;

4) инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашларни тайёрлаш даражасини ошириш, уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг моддий-техник базасини янгилаш;

5) тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, бир-икки бўғинли бошқарув тизимларига ўтиш;

6) қурилиш пудрат ташкилотларида бригада пудратини жорий қилиш, тўловни ишларнинг тугалланган босқичларида амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг меъёрлари ва механизмларини такомиллаштириш;

7) қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш.

Бу чоралар қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Дастури билан мустаҳкамланган бўлиб, шу мақсадларда уни амалга ошириш юзасидан махсус ҳудудий ва вертикал комиссиялар ташкил қилинган.

Қуйида кўрсатилган объектларнинг техник-иқтисодий асослашлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади:

а) хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинган ҳолда ҳукумат кафолати асосида амалга оширилаётган объектлар, лойиҳанинг қийматидан қатъий назар;

б) республика инвестиция дастурига киритилган, ҳар йили давлат бюджети билан бирга тасдиқланадиган объектлар.

Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари ва бошқа керакли ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлағунга қадар белгиланган тартибда тегишли экспертизадан ўтиши лозим. Инвестиция ва қурилиш лойиҳаларининг

танлов асосида танлаб олиниши қурилиш мажмуасини ташкил қилиш ва уни бошқаришдаги энг муҳим нуқталардан бирига айланиб бормоқда.

У айниқса қуйидаги ҳолларда кенг қўлланилмоқда:

- лойиҳалаш, инженерлик-тадқиқот ишлари, конструкторлик ишлари ва ҳоказо;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини, корхоналарни қуриш ва техник қайта жиҳозлашда, шу жумладан “қулф-калит” қилиб топширишда;
- комплект технологик асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат воситаларини етказиб беришда;
- лойиҳани бошқаришда, маслаҳат хизмати кўрсатишда, назоратда.

Танловларнинг (тендерларнинг) самарасини ошириш мақсадида ва пудрат бозорида рақобатчиликни кучайтириш мақсадида бу бозорда махсус қоидалар ва талабларга риоя қилинган ҳолда хорижий лойиҳалаш ва қурилиш компанияларининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Яъни қурилиш мажмуаси, бутун иқтисодиёт каби, аввалги “ёпиқ” ҳолатини йўқотиб, мамлакатдаги қонунчилик доирасида хорижий инвесторлар учун очиқ бўлиб бормоқда.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилишнинг ва экспертларнинг малакаси, роли кучайиб бормоқда. Экспертлар керакли профессионал маълумотга, тажрибага ва касбий интуицияга эга бўлишлари лозим. Хорижий амалиётда экспертларнинг хулосаси, одатда, қайта кўриб чиқилмайди ва ҳатто муҳокама қилинмайди.

Бизнинг шароитларда экспертлар сифатида бошқарув органларининг мутахассислари, олимлар, тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари, турли соҳадаги раҳбарлар қатнашиши мумкин. Экспертларнинг вазифаси ташаббус-манتيқий таҳлил қилиш ва лойиҳада амалга оширилган ҳисоб-китобларни текшириб кўришдан иборат. Экспертларнинг хулосаси лойиҳавий ишланмалар учун тендерда қатнашишга асос бўла олади.

#### **18.4 Қурилишни шартнома асосида ташкил этиш**

Қурилиш объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда пудрат усулида қуриш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш соҳасидаги барча пудрат ишларининг тахминан 80 фоизи шу усулда амалга оширилади. Уни амалга ошириш учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12

сентябрдаги 395-сонли қарорининг 3-иловасида ишлаб чиқилган ва амалиётга киритилган.

Шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари**<sup>86</sup> - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкцияларни оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

Пудратчи шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорининг 3-иловаси.



объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пудратчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат бўлади:

барча ишларни шартномада ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

Пудратчи шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

**Буюртмачининг мажбуриятлари асосан қуйидагилардан иборат:**

шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб

чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Пудратчи шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

Тўловлар ва ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги шартлар белгиланади:

Буюртмачи пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказиши;

Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи пудратчининг зиммасида бўлади.

Буюртмачи шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устн Респехник назоратни амалга оширади, шунингдек пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг

шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текшириб боради.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

<b>Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ</b>	
№	200__ йил " " _____
Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган _____	
_____ номидан	
(буюртмачининг номи)	
_____ асосида иш кўрувчи	
(устав, низом, ишончнома)	
_____ бир томондан ва	
(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)	
кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган _____	
(юридик шахснинг номи)	
_____ номидан	
(устав, низом, ишончнома)	
асосида иш кўрувчи _____	
(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)	
_____ иккинчи томондан	
(объектнинг номи)	

**Агар пудратчи бажарилгай инвесторлар сонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада**

кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда буюртмачи кафолат суммасини пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга:

ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.

объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **18.5 Капитал қурилишда танлов савдолари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига асосан танлов савдолари (тендерлар) орқали амалга оширилади. Уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини эса ушбу Қарорда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом» белгилайди.

Низом танлов савдоларини ўтказишнинг барча ташкилий босқичларини белгилаб беради ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Умумий қоидалар
- Танлов савдолари қатнашчилари
- Танлов савдолари шакллари
- Талабгорга қўйиладиган малака талаблари
- Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик
- Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби
- Оферталарни тақдим этиш
- Танлов савдоларини ўтказиш ва уларни яқунлаш

- Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби мониторинги
- Нархларга тузатишлар киритиш ва суғурта
- Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари
- Танлов савдолари қатнашчиларининг жавобгарлиги

Танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари орқали амалга оширилади. Марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 6б-иловада қабул қилинган **«Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ»** орқали тартибга солинади.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, танлов савдолари шартлари ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалининг бажарилиши, шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган қурилиши тугалланган объектнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мониторингини олиб бориш;

шартнома асосида қурилишда танлов савдолари мавзунинг дастлабки қийматини белгилаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қурилиш маҳсулотининг, шу жумладан "элементлар қиймати" усули билан, шартномавий жорий нархни аниқлаш бўйича методик тавсияларни, нархларни шакллантиришни янада такомиллаштириш, қурилишни ташкил этиш ва капитал қурилишда янги технологияларни жорий этиш бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашиш;

қурилишда ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари саноатида нархлар шаклланишига таъсир қилувчи омилларни тўплаш, таҳлил қилиш, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириш;

қурилиш ишларига ва тайёр қурилиш маҳсулотига нархлар, юкларни ташишга тарифлар, материалларни ташиш шартлари ва масофаларининг ўзгариши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш;

маҳаллий тайёрловчи заводлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг нархи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

нархларни шакллантириш бўйича янги смета нормативларини яратиш учун бошланғич ахборотларни тўплаш ва дастлабки таҳлил қилиш;

капитал қурилиш, лойиҳалаштириш ва қийматни аниқлаш

юзасидан комплекс масалалар бўйича вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни бажариш.

### **Марказнинг асосий функциялари**

Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

аризалар ва оферталар қабул қилинишини ташкил этади, уларнинг ҳисобга олинишини, сақланишини ва махфийлигини таъминлайди;

буюртмачи билан биргаликда қурилишда танлов савдоларини ўтказиш тартиботини белгилайди;

қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом шартлари ва талабларига риоя қилган ҳолда танлов савдолари мавзуга қўйиладиган танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади;

танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига тақдим этади;

танлов ҳужжатларида белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон бериш учун материалларни тайёрлайди ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

буюртмачи томонидан жалб қилинадиган мустақил экспертлар ёки консультантлар ишини ташкил этади;

талабгорларга танлов ҳужжатларини сотади;

оферталар очилгандан кейин уларни буюртмачига беради;

буюртмачига танлов савдолари яқунлари бўйича буюртмачи ҳисоботини тузишда кўмаклашади;

буюртмачи ва пудратчи томонидан тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб боради ҳамда танлов савдолари ва танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар бажарилиши мониторинги натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ҳар ойлик ҳисоботни тақдим этади;

семинарлар ўтказади, кадрларни танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тасдиқланган тартиботини, танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини амалиётда қўллаш бўйича ўқитади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, қурилиш таннархи пасайтирилишини ва қурилиш ишлаб чиқариши иқтисодий

рағбатлантирилишини таъминловчи қурилишда иқтисодий ишларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасининг Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказига киритади;

капитал қурилишда иқтисодий ва ташкилий ислохотлар амалга оширилиши, қурилиш материаллари, алоҳида ва махсус ишлар нархларининг, қурилиш механизмларини ишлатиш ва қурилиш юklarини ташиш, тайёр қурилиш маҳсулоти харажатлари ўзгариши мониторингини олиб боради;

ўз ваколатлари доирасида инвестиция жараёни қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ёки тегишли органларга киритади;

нархларни шакллантириш бўйича дастурий воситаларни, норматив ҳужжатларнинг электрон вариантларини сотиб олади, тарқатади;

### **Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

Марказ ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳаллий давлат бошқаруви органларидан ва бошқа ташкилотлардан Марказга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни сўраш ва олиш;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш мақсадида қурилишнинг боришини ўрганиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

қонун ҳужжатларини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом талабларини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда буюртмачига хизматларни сотиб олишни тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг лойиҳалаштириш, илмий-тадқиқот ташкилотларини ва бошқа ташкилотларини, олимлар ва мутахассисларни улар меҳнатига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда, белгиланган тартибда ишга жалб қилиш;

қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида "Давархитектқурилиш" қўмитасига таклифлар киритиш.

Марказ ўзига юкланган функционал вазифаларнинг зарур

даражада бажарилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

### **Марказ фаолиятини ташкил этиш**

Марказ фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор амалга оширади.

Марказ директори:

Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишган ҳолда Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Марказ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича барча органларда ва корхоналарда Марказ номидан вакиллик қилади;

Марказ хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

шартнома асосида танлов ҳужжатларини ишлаб чиққанлик, қурилишда танлов савдоларини ташкил этганлик ва ўтказганлик;

нархларни шакллантириш, шартнома асосида савдо мавзуининг дастлабки қийматини аниқлаш масалалари бўйича консалтинг хизматлари кўрсатганлик;

қурилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини амалга оширганлик учун олинадиган даромадлар.

Марказ ҳар ойда "Давархитектқурилиш" қўмитаси таъминоти учун ўз даромадларининг 10 фоизи миқдорида маблағ ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонида ҳамда уни бажариш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қайд этилганидек, эскирган ва замонавий талабларга мувофиқ бўлмаган амалдаги смета нормалари ва қоидалари тизими ва унинг асосида қурилиш смета қийматининг ошиб кетишига олиб келувчи баҳономаларни(расценкаларни) ишлаб чиқиш қурилиш-технология жараёнини ва умуман қурилиш комплексининг самарали ишлашини мақбуллаштириш йўлидаги, пировард натижада қурилишда лойиҳалаштириш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашдаги бош тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан зарур даражадаги назорат ўрнатилмаганлиги ҳозирги вақтда жуда кўплаб яқка тартибдаги ва идоравий смета нормаларининг амалда бўлишига олиб келди, улар кўп ҳолларда "Давархитектқурилиш" қўмитаси



тасдиқлаган смета нормативларига зиддир ҳамда уларнинг ўрнини босмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш, объектлар қурилиши қийматини жорий шартномавий нархларда белгилаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 24.10.2003 й. (№ 463) «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг "қурилиш қийматини 1991 йил нархлари даражасидаги янги смета нормативлари негизида "ресурс усули" асосида аниқлашга ўтиш тўғрисида" 1997 йил 17 июндаги 306-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

### **Қисқача хулосалар**

Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилиш умуммиллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг таркибий қисмидир. Давлат қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларини танлашга имкон беради.

Тармоқ иқтисодиётининг аҳволи ва кўрсаткичлари қурилишда хўжалик юритишнинг тўлиқ бозор механизмларини амалга ошириш бўйича бошқа тармоқлардан анча орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, мулк эгалари синфининг шаклланиши суст, йирик хусусий қурилиш фирмалари йўқ, тадбиркорлик фаолияти ҳали керакли суръат ва кўламга эга бўлгани йўқ, қурилиш ташкилотлари (фирмалари) ўртасида ҳали жиддий рақобат мавжуд эмас.

Бугунги кунда хўжалик юритишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаб чиқариш бўғинларини қайта қуриш лозим: аввалгидек "юқоридан" буйруқ кутиб ўтириш тамойилларидан воз кечиш, ўз-ўзини таъминлаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш зарур.

Қурилишнинг самарадорлигини ошириш ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантиришни, йирик, ўрта ва кичик қурилиш корхоналари ва ташкилотларини оқилона бирлаштиришни кўзда тутди.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилишнинг ташкилий асосини қандай турдаги корхоналар ташкил қилади?
2. Қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг бозор шароитларидаги "феъл-атворини" қайси қонун белгилайди?
3. Қурилишни ташкил қилишнинг асосий босқич ёки фазалари
4. Қурилишдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини айтиб беринг.

5. Пудрат ишлари бозори бошқа турдаги бозорлардан нимаси билан фарқ қилади?
6. Қурилиш мажмуасини монополиядан чиқаришнинг асосий моҳияти нимада?
7. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг асосий вазифалари нималар ҳисобланади?
8. Танлов савдолари нима ва у қандай ташкил этилади?

## **19-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ, ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Инвестиция сиёсати. Хорижий инвестициялар. Инвестиция-қурилиш жараёни. Қурилишни тайёрлаш. Бевосита қурилиш жараёни. Тайёр қурилиш маҳсулотини реализация қилиш. Инвестиция-қурилиш фаолиятини самарали ташкил қилиш. Бошқарув тизимини қайта қуриш. Инвестиция лойиҳаси. Тушунтириш хати. Инвестиция дастури. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби. Дастурни молиялаштириш. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги

**Режа:**

**19.1.Инвестиция-қурилиш жараёни, уни ташкил қилиш ва самарадорлиги.**

**19.2.Инвестиция лойиҳалари ва инвестиция дастурлари ҳамда уларнинг иқтисодийни модернизациялашдаги ўрни.**

**19.3. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби.**

### **19.1. Инвестиция-қурилиш жараёни, уни ташкил қилиш ва самарадорлиги**

Инвестиция-қурилиш жараёни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим элементиدير. Унингсиз такрор ишлаб чиқаришни тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу фақат табиий эскириш жараёнида ишдан чиқаётган меҳнат воситаларини алмаштириш эмас, балки ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш, шу жумладан юқори сифат даражасини, иқтисодий ўсишни ва аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминлашдир.<sup>87</sup>

Инвестициялаш ва қурилишни, инвестиция ва қурилиш жараёнлари каби кўпинча алоҳида ўрганиш мумкин. Аммо инвестиция ресурсларининг 60 фоиздан кўпроқ қисми қурилиш соҳасида фойдаланилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тушунчалар кўпинча айнан қурилиш мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўлланилади.

Инвестиция-қурилиш жараёни ҳам замонда, ҳам маконда амалга оширилади. Умумиқтисодий ва ижтимоий жараённинг таркибий қисми бўлган инвестиция жараёни инвестиция мақсадларининг техник-иқтисодий асослашни ( $T_1$ ), объект ва иншоотларни ўрганиш ва лойиҳалашни ( $T_2$ ), қурилишнинг ўзини ( $T_3$ ) ва объектни фойдаланишга топширишни, уни синаш, текшириш ва экспертлар томонидан баҳолашни ўз ичига олади. Бундан келиб чиққан ҳолда вақтда

---

<sup>87</sup> Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

ўлчанадиган инвестиция жараёни қуйидаги формула орқали аниқланиши мумкин:

$$T_{\text{ин}} = T_1 + T_2 + T_3 + T_4$$

**Қурилиш жараёни** - инвестиция жараёни ҳамда қурилишнинг иқтисодийнинг бир тармоғи сифатида фаолият кўрсатишининг асосий босқичидир. Унинг ташкилий тизими уч босқичдан иборатдир:

- қурилишни тайёрлаш;
- бевосита қурилиш жараёнининг ўзи;
- тайёр қурилиш маҳсулотини реализация қилиш.

**Қурилишни тайёрлаш** қурилиш объектининг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий асослаш (ТИА), объектни лойиҳалаш ва қурилишга инженер-техник тайёргарлик кўришдан иборат. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири ўзининг мақсадли вазифаларига эга.

**Бевосита қурилиш** - бу бино ва иншоотларни қуриб, кўтариш жараёни бўлиб, қурилиш майдончаларида бевосита амалга оширилади. Шунинг учун қурилиш майдончасини “нолдан” қурилиш объектининг тайёрлик ҳолатигача бўлган бевосита қуриш жараёнининг ўзига тенглаштирилади.

**Қурилиш маҳсулотининг реализацияси** - қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш ва уларни белгиланган тартибда буюртмачига (инвесторга) топширишдир. Объектлар буюртмачига ўтказилгач, улар иқтисодий балансда асосий фонд сифатида кўрсатилади.

Қурилиш инвестиция жараёнининг ўзагидир. Объектларни, айниқса саноат-қурилиш объектларини қуришда у жами инвестиция циклининг 50 фоизи ва ундан кўп қисмини эгаллайди. Масалан, амалиётдан маълум бўлишича, ўртача қувватли машинасозлик корхонасини қуришда, турли тадқиқотлар ва асослашларга ўртача 1-1,5 йил кетади, лойиҳа ишлаб чиқишга - 1 йилгача, қурилишга 3-4 йил, фойдаланишга топшириш ва синаб кўришга эса камида ярим йил кетади.

Шундай қилиб, ўртача қувватли корхонани қуришга кетадиган инвестиция жараёнининг муддати тахминан 5-7 йилни ташкил қилади. Бугунги кунда илғор қурилиш техника ва технологиялари, қурувчиларнинг ғайрат-шижоати қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш тизими етарли даражада яхши йўлга қўйилганда объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишга нисбатан қисқароқ муддатлар кетади, натижада инвестиция ресурсларининг самараси энг юқори бўлади. Бунга ўз пайтида Асакада фойдаланишга топширилган автомобил заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси мисол бўла олади.

Бу объектлар қурилган ва ишлаётган бўлса, у ҳолда бугунги куннинг нуқтаи назаридан Қўнград сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати ва Андижон биокимё заводида, Ангрендаги каолин фабрикасининг биринчи навбати, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва

Урганчдаги аэропортларда қурилиш суръатлар билан бормоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент - Андижон - Ўш - қашқар автомобил йўлининг доvon участкаси ҳақида ҳам айнан шундай гапларни айтиш мумкин.

Қурилиш инвестиция жараёнининг ўзаги, асосий босқичи бўлишига қарамай, унинг қолган таркибий қисмлари ҳам инвестиция жараёнининг муддатига ва самарадорлигига маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, муддати чўзилиб кетган инженерлик-геологик тадқиқотлар ва бошқа қурилиш тадқиқотлари, лойиҳа ишланмалари сифатининг пастлиги ва энг ёмони уларнинг эски техник ечимларга мўлжалланганлиги инвестиция жараёнида энг яхши кўрсаткичларга эришишига имкон беради. Бу кўрсаткичлар жараённинг дастлабки босқичида кўзга ташланмаса-да, объектлардан фойдаланиш давомида ёки ўзига ўхшаш илғор аналоглар билан таққослаганда албатта сезилади. Шунинг учун инвестиция жараёнини яхшилашда ҳали лойиҳалаш ва тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ҳам катта имкониятлар мавжуд бўлади. Шу сабабдан, қурувчиларда “Лойиҳа қандай бўлса, объект ҳам шундай бўлади” деган шиор ҳалигача бор бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Инвестиция-қурилиш фаолиятини самарали ташкил қилиш қуйидаги бир қатор вазифаларнинг ҳал қилинишини кўзда тутати:<sup>88</sup>

-инвестиция жараёнининг асосий бўғини сифатида қурилиш фаолиятини ташкил қилишдаги асосий ёндашувлар;

-инвестиция-қурилиш фаолиятини ташкил қилишда бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳисобга олиш;

-инвестициялашда устивор йўналишларни танлаш ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

-қурилишда ерга эгаллик қилиш ва ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

-пудрат танловларини ўтказишни ташкил қилиш;

-инвестиция-қурилиш рискларини бошқариш;

-молиявий ресурсларни шакллантиришни ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш;

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш инвестициялар ҳамда қурилиш ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишгагина эмас, балки мамлакат иқтисодиётини таркибий қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишга ва қулай инвестиция муҳитини яратиш муаммосининг ҳал қилинишига ҳам имкон беради.

Айни пайтда инвестиция-қурилиш фаолиятининг бошқарув тизимини қайта қуриш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб, у қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

---

<sup>88</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

а) марказлашган режалаштиришни бартараф қилиш ва қонунлар, меъёрлар ва стандартлар ёрдамида давлат бошқарувиغا ўтиш;

б) ўзаро муносабатларнинг, шу жумладан давлат бошқарув тузилмалари билан бўладиган муносабатларнинг шартнома (контракт) шакллари ривожлантириш;

в) тармоқларда комплекс бошқарув тизимларини ривожлантириш билан биргаликда ихтисослашган ҳисобга ўтиш ва ташкилий бошқарувнинг янада мустақилроқ тузилмаларини барпо қилиш;

г) инвестиция-қурилиш фаолиятини бошқаришнинг “лойиҳани бошқариш” тизимини кенг жорий қилишга ўтиш;

Инвестиция-қурилиш фаолиятини ташкил қилишда асосий “фигура” - бу инвестор бўлиб, у капитални қўллаш сиёсати ва тактикасини белгилайди. Аммо барибир инвестиция-қурилиш фаолиятининг самарадорлиги аввало қурилиш ишлаб чиқаришини маҳорат билан ташкил қилишга, ресурсларни тежашдан то қурилишга сарфланаётган ҳар бир сўм ёки бошқа пул birlikларининг юқори самара беришига эришишгача бўлган бутун қурилиш жараёнини бошқаришнинг рационал шаклларига боғлиқдир. Бунинг учун муддати чўзилиб кетган қурилишларнинг вужудга келишига, капитал қўйилмаларнинг кўплаб объектларга тақсимланиб кетишига, тугалланмай қолиб кетган объектларнинг пайдо бўлишига ва бошқа ноишлаб чиқариш ҳаражатларига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Айниқса, иш вақтининг бекорга сарф бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас, чунки бекор туриб қолиш ва иш вақтидан самарасиз фойдаланиш - қурилиш муддатининг чўзилишига ва капитал қўйилмалар самарасининг пасайиб кетишига сабаб бўладиган энг муҳим сабабдир.

Афсуски, бугунги кунда қурилиш анчагина “оқсаб қолган” бўлиб, ўзининг ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш функцияларини тўла миқдорда бажара олмаётир. Масалан, 2011–2018 йилларда шаҳарсозлик ҳужжатларини янгилаш бўйича дастур атиги 30–40 фоиз бажарилган ёки жами 1 минг 200 шаҳар ва шаҳарчадан фақат 207 тасининг (17 фоизи) бош режаси мавжуд<sup>89</sup>. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай узилишлар фақат иқтисодийнинг илгариланма ҳаракатини эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳам сўсайтиради.

Қурилишнинг бугунги вазифаси - қурилиш суръатларини кучайтириш, унинг сифатини ошириш, ноишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлашдан иборат. Уни муваффақиятли ҳал қилиш фақат қурувчиларга эмас, балки инвестиция жараёнининг барча иштирокчиларига боғлиқ бўлиб, бу вазифа қанчалик тезроқ ҳал

<sup>89</sup> Президент қурилиш соҳасидаги ислохотларни тезлаштиришга топшириқ берди. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/12/01/qurilish/>. (27.12.2017 й.да мурожаат қилинган)

қилинса, қурилишнинг ва бутун миллий иқтисодиётнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

## **19.2. Инвестиция лойиҳалари ва инвестиция дастурлари ҳамда уларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги ўрни**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳукумати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг фақат ўрта муддатли эмас, балки узоқ муддатли режасини амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Унда иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашдан ташқари, ижтимоий тараққиёт ва халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, иқтисодий қайта тузилмалаш, ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Бу вазифаларни амалга оширишда эса мақсадга йўналтирилган инвестиция сиёсати ҳам, илмий асосланган инвестиция лойиҳалари ва дастурлари ҳам катта роль ўйнайди.

**Инвестиция лойиҳаси** - бу шундай ҳужжатки, унда капитални иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси кўзда тутилган бўлиб, бу чора-тадбирлардан мақсад ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлашдир<sup>90</sup>. Ушбу капитал қўйилмалар қуйидаги мақсадларга сарфланиши мумкин:

- янги қурилишга;
- ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлашга;
- ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва меҳнат воситаларини модернизациялашга;
- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини замонавий талаблар даражасида сақлаб туришга ва ҳоказо.

Инвестиция лойиҳасининг қурилиш лойиҳасидан фарқлай билиш лозим. Маълумки, қурилиш лойиҳасида муайян объектнинг қурилиши билан боғлиқ техник, иқтисодий, ташкилий, конструктив ва бошқа ечимлар кўрсатилган бўлади. Қурилиш лойиҳаси - бу аввало у ёки бу объектнинг қурилиши билан боғлиқ техник-иқтисодий асослаш, тушунтириш хати, чизмалар ва сметаларни ўз ичига олган ҳужжатлар тўпламидир.

Масалан, тушунтириш хатида лойиҳанинг асосий ғояси ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асослаб берилган бўлади. Чизмалар лойиҳаланаётган объект ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилади, қурилиш бевосита шу чизмалар асосида амалга оширилади. Смета қурилишнинг қийматини характерлайди; унинг асосида молиялаштириш линияси очилади ва келгуси пул ҳисоб-китоблари

<sup>90</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

амалга оширилади.

Қурилиш лойиҳаси бошқа турдаги ҳужжатларни, масалан, қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТЛ), ишларни амалга ошириш лойиҳаси (ИАЛ), материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш жадвали ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Яъни қурилиш лойиҳаси - бу кўпроқ қурувчилар - прораблар, катта прораблар, қурилиш участкаси ва бошқармалар бошлиқларининг қўлида бўладиган ҳужжатдир. Молиялаштириш манбалари томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳалари ва қурилишга ажратилган ер майдонлари қанча кўп бўлса, қурилиш учун буюртмалар “портфели” ҳам шунчалик тўлароқ бўлади.

Энди эса инвестиция лойиҳаларига қайтамиз. Айтиб ўтилганлардан ташқари, инвестиция лойиҳалари кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, банк ва умуман молия-кредит тизиминининг фаолиятини яхшилаш, мавжуд инженерлик коммуникацияларини модернизациялаш, экологияни ва атроф-муҳитни соғломлаштириш, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқиши ва келгусида амалга оширилиши мумкин.

Айрим инвестиция лойиҳалари глобал характерга эга бўлиб, алоҳида бир мамлакат манфаатлари доирасидан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Хусусан, “Оролни сақлаб қолиш лойиҳаси” ҳам ҳозирги кунда шундай лойиҳалардан бири бўлиб, унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларидан ташқари прогрессив жамиятлар ва дунёдаги бир неча мамлакатларнинг расмий институтлари ҳам иштирок этмоқда.

Масалан, 2015 йилда Ўзбекистонда чет эл инвестициялари ва кредитларни ўзлаштириш 8309,5 млрд.сўмни<sup>91</sup> ташкил этди.

Кўриниб турибдики, инвестиция лойиҳалари турли миқёсда ва турли мақсадларда ишлаб чиқиши мумкин. Корхоналар иқтисодийнинг асосий бўғини бўлганликлари ҳамда аввал айтиб ўтилганидек, миллий даромаднинг “салмоғини” сезиларли даражада белгилашлари туфайли, инвестиция лойиҳаларини айнан шу бўғин миқёсида ишлаб чиқиш стратегияси алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда корхоналар миқёсидаги инвестиция лойиҳалари, одатда, инвестиция танловига ҳавола этиш учун уларнинг хусусийлаштириш дастурига мос равишда ишлаб чиқилмоқда. Бунда масалан, қурилиш билан боғлиқ бўлган инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш қўлидаги босқичларни ўз ичига олади:

- инвестиция ғоясини шакллантириш;
- инвестиция имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- лойиҳани техник-иқтисодий асослаш;

---

<sup>91</sup> Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. Б.45.



- ер майдони ажратиш, сотиб олиш ёки ижарага олиш;
- контракт ҳужжатларини тайёрлаш;
- лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;
- қурилиш-монтаж ишларини, шу жумладан ишга тушириш ва созлаш ишларини амалга ошириш;
- объектдан фойдаланиш, иқтисодий кўрсаткичлар мониторинги.

Табиийки, бир корхонанинг инвестиция лойиҳаси мазмун жиҳатдан бошқа корхонанинг лойиҳаси билан бир хил бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси маълум бир мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлади ва бинобарин, уларнинг молиялаштириш манбалари ҳам, пировард натижалари ҳам турлича бўлади.

Маълум бир мақсадга қаратилган инвестиция лойиҳалари ёки тақлифлар мажмумаси **инвестиция дастурини** ташкил қилади. Инвестиция дастури ўз кўламига қараб давлат, минтақа ёки тармоқ миқёсида бўлиши мумкин. Бунга 2000-2002 йилларга мўлжалланган давлат инвестициялари дастурини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу дастур ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва иқтисодиётни таркибий қайта қуришда жиддий ўзгаришларни кўзда тутган.

Инвестиция лойиҳалари ва дастурлари қуйидаги мақсадларга хизмат қилади:

- ишлаб чиқариш аппаратини мунтазам янгилаб бориш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- фан-техника тараққиётини тезлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва рақобатбардошлигини яхшилаш;
- иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини бир текисда ривожлантириш;
- саноат учун керакли хом ашё базасини барпо этиш ва минтақалардаги ишлаб чиқариш кучларини тенглаштириш;
- фуқаролик қурилиши, соғлиқни сақлашни, олий ва ўрта мактабни ривожлантириш, уй-жой муаммосини ҳал қилиш;
- бозор механизми ва рақобат талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини юмшатиш;
- табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш ва бошқа мақсадларга эришишга.

2000 йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари ичидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Фарғона кимёвий толалар заводида полиамид ишлаб чиқариш лойиҳаси;
- “Алгоритм” ОТАЖ да мураккаб маиший электрон техникаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси;

- Чирчиқ шаҳрида телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш лойиҳаси;
- Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини ривожлантиришнинг биринчи босқичини тугаллаш лойиҳаси;
- “СамКочАвто” қўшма корхонасида автобуслар ишлаб чиқарадиган заводнинг ишга туширилиши;
- “ЎзКейсТрактор” қўшма корхонасида тракторлар ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг” ХКнинг бир қатор корхоналарида эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш;
- “Кўмир” АЖ да тўйинтирилган (бойитилган) каолин ишлаб чиқариш фабрикасининг фойдаланишга топширилиши;
- “Қабул-Ўзбек Компани” қўшма корхонасида 2405 минг тонна ип газлама ва 9 млн погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ип-йигирув-тўқимачилик фабрикасининг ишга туширилиши;
- “Оникс” АЖ да газ сарфини ҳисобга олувчи асбобларнинг ишлаб чиқарилиши, сув сарфини ҳисобга олиш асбобларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш;
- “Хобос-ТАПО” қўшма корхонасида металл қувурларни ишлаб чиқариш;
- “Чиноз тўқимачи”, “Оқсарой тўқимачи” ва “Қабул Фарғона Ко” ва бошқа фабрикаларнинг ишга туширилиши.

Тўқимачилик тармоғи лойиҳаларининг инвестиция дастурларини, қизилқум фосфорит комбинати, “Навоиазот” ишлаб чиқариш бирлашмалари объектлари қурилиши, Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасида дефолиантлар ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш, Жиззах заводида аккумуляторлар, “Автоойна” қўшма корхонасида автомобил ойналарини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари тугалланмоқда.

2005 йилги инвестиция Дастурига кўра Республика ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишини таъминлаш, иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш, стратегик ижтимоий дастурларни тўлиқ кўламда амалга ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини кенгайтириш мақсадида 2005 йил учун давлат бюджети маблағлари ҳисобига марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобига марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2005 йил учун инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурлари тасдиқланган.

Бундан ташқари ушбу қарорда қуйидагилар белгилаб берилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш

қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида битта ўқувчи ўрнига харажатларни:

намунавий лойиҳаларда ўқув синфлари, ўқув устахоналари ва лабораторияларидан фойдаланишни мақбуллаштириш, ўқув ва ёрдамчи қувватларнинг оқилона юктамаси;

ётоқхоналарни блок методи билан қуришга ўтиш, заруриятга қараб кейинчалик уларнинг қувватини босқичма-босқич кўпайтириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини лойиҳалаштириш ва қуришда қиммат турадиган қурилиш материаллари, шу жумладан пардозлаш материаллари қўллашни тақиқлаш ҳисобига қисқартириш қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда харажатларни қисқартиришга доир юқорида кўрсатиб ўтилган чоратadbирларни ҳисобга олган ҳолда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш учун базавий лойиҳаларнинг амалдаги норматив ҳужжатларини уч ой муддатда қайта кўриб чиқиш юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ваколатли банклар объектлар ва қурилишларни молиялаштиришда тегишли меъёрий ҳужжатларга<sup>92</sup> амал қиладилар.

Қарор моддаларига кўра марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида лойиҳалаш ва эксперт ташкилоти айби билан йўл қўйилган қўшимча ишлар ва харажатлар ҳажми аниқланган тақдирда ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ёки экспертизадан ўтказиш учун тўланган сумманинг ҳаммаси кўрсатиб ўтилган ташкилотлардан давлат бюджети даромадига олиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги **«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»**ги Фармонида кўра мамлакатда инвестиция мухитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни

---

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомга

жалб этиш, шуниндек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар белгиланган.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодий тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шуниндек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади. Бундай имтиёзлар тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган ҳолларда берилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

### **19.3. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби**

Инвестиция дастури республика иқтисодий тармоқлари барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига кўра «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» қабул қилинди ва унда инвестиция дастурини шакллантиришнинг умумий қоидалари, молиялаштириш ва амалга ошириш мониторинги ёритиб берилган.

Инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради.

Шу билан бирга лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили Дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

Дастурни шакллантиришнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини

амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳажмларда, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек лойиҳаларни танлаб олишнинг амалий механизмини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ва фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги) аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни, истеъмол талабини фаоллаштиришни таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда инвестициялаш;

минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошли даражага етказишни таъминлашга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шу жумладан трансконтинентал транспорт йўлакларига интеграциялаш, логистика комплексларини шакллантириш;

таркибий ўзгартиришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини Дастурнинг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни биринчи навбатда ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиётининг айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўнатирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

Дастурда лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиш ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Дастурни ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Дастур йиғма жадваллари билан таҳлилий қисмдан, аниқ дастурдан ва устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштиради.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Инвестиция дастурининг таҳлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, Дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади.

Таҳлилий қисм таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда умуман Дастур, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йиллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ўзгаришига, экспорт ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилаётган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

### **Аниқ дастурни шакллантириш**

Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Аниқ рўйхат қуйидагилардан иборат бўлади:

иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат муҳофаа қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиётининг устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан;

хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остидаги кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.

Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари Дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимламаган ҳолда киритилади.

Қуйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилида уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши;

молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича муфассал ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бўлади.

Ҳар бир лойиҳа (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қуйидагилар бўлади:

белгиланган шаклдаги лойиҳа паспорти;

лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;

аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги муфассал ахборот.

Лойиҳанинг паспорти қуйидагиларни ўз ичига олади:

техник тавсифномани;

атроф муҳитга таъсирни баҳолашни;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониятларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг кўламини;

маҳсулотга талаб ҳажми ва хусусиятини;

ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан;

асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;

инвестиция харажатлари миқдорлари.

Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбуллигидан, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

биринчи босқичда - лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

иккинчи босқичда - лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади.

Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз лойиҳаларни, шунингдек илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб

юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларини киритиш тақиқланади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;  
молиявий ва иқтисодий самарадорлик;

маҳаллий хом ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;

тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги;

лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;

ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

Ҳар бир мезоннинг муҳимлик даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнозига мувофиқ кўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

тармоқ (минтақа)нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари;

экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;

тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг ўзгариши;

таркибий омиллар;

илгари қўйилган инвестициялар самарадорлиги;

асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;

лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Икки босқичда танлаб олиш натижаларига кўра Дастурга киритиладиган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларнинг бир қисми янги лойиҳаларга алмаштирилиши мумкин.

**Қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини шакллантириш**<sup>93</sup>

Буюртмачилар тасдиқланган Инвестиция дастури асосида ваколатли банкларда молиялаштиришни расмийлаштириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхатини аниқлаштирадилар.

<sup>93</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.



Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвесторлар (бююртмачилар) томонидан тасдиқланади.

Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари инвесторлар (бююртмачилар) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Кредит ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки Йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин.

Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тузилади ва Инвестиция дастури тасдиқлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади.

Қурилишнинг титул рўйхати инвестор (бююртмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Қурилишнинг тасдиқланган титул рўйхатида капитал қўйилмалар лимитлари умуман инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун назарда тутилади, бунда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва бошқа харажатлар (пудратчи ва бююртмачи харажатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллар бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

Биринчи молиявий йилда қурилишнинг титул рўйхатида лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ишлари кўрсаткичлари аниқлаштирилишига йўл қўйилмайди.

### **Инвестиция дастурини шакллантириш муддатлари**

Уч йиллик Дастурни шакллантириш жараёни бир йиллик циклга эга бўлади ҳамда янгиланган Дастурни ҳар йилнинг охиригача тайёрлашни таъминловчи иловага мувофиқ қатъий жадвалга таянади.

Инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда бююртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

Дастурни амалга оширишнинг иккинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва Дастурни амалга оширишнинг

биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилда танлов савдоларига тайёрланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

Дастурни амалга оширишнинг учинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йилда тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.

### **Дастурни молиялаштириш**

Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

а) марказлаштирилган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат бюджети маблағлари;

давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;

Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;

Ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар;

б) марказлаштирилмаган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;

тижорат банкларининг, шу жумладан хорижий тижорат банкларининг кредитлари;

жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар маблағлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Марказлаштирилган инвестициялар республика иқтисодиётини таркибий қайта қуришни, республиканинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни амалга ошириш, молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига мумкин бўлмаган ижтимоий муаммоларни ва бошқа муаммоларни ҳал этишни таъминловчи республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида асосий фондларни яратиш ва кўпайтириш учун фойдаланилади.

Марказлаштирилган инвестициялар фақат қуйидаги ишларга ажратилади:

республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига;

сув хўжалиги қурилишига;

аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига.

### **Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги**

Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Дастурининг давлат мониторинги қуйидаги мақсадлар учун амалга оширилади:

инвестиция лойиҳаларини ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларига (техник-иқтисодий асослашлар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;

инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Мониторинг ҳар ойда статистика ҳисоботи ва сўров йўли билан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга Дастурни шакллантиришда фойдаланилади.

### **Қисқача хулосалар**

Асл моҳиятига кўра ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашни кўзда тутувчи инвестиция сиёсати давлат миқёсида ҳам, хўжалик субъектлари миқёсида ҳам амалга оширилади. Айрим тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бугунги кунда кўпгина ҳолларда инвестиция лойиҳалари асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳаларнинг асосланганлиги - уларнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигининг муҳим шартидир. Лойиҳалар давлат илмий-техник ва ишлаб чиқариш дастурлари бўйича ҳам, айрим мустақил

инвесторларнинг ташаббуси билан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини танлаш - инвестиция сиёсатининг, инвестиция лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришнинг бошланғич босқичидир.

Фан-техника тараққиётининг ютуқларига кўпроқ мос келадиган, меҳнат унумдорлигининг ўсишини ва жорий ҳаражатларнинг кам бўлишини таъминлайдиган, камроқ капитал талаб қиладиган ва ўз-ўзини қоплаш муддати қисқароқ бўлган лойиҳалар самарали инвестиция лойиҳалар ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва молиялаштириш учун танлаб олишнинг услубий қоидалари катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқувчилар услубий асосда у ёки бу инвестиция лойиҳасининг жозибадорлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини аниқлашлари ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб олишлари лозим.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Давлатнинг инвестиция сиёсатига хос бўлган хусусиятлари ва уларнинг аввалги инвестиция сиёсатидан фарқи нимада
2. Инвестиция лойиҳаси деганда нима тушунилади?
3. Инвестиция лойиҳасининг мақсадли функцияларини очиб беринг.
4. Инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда қурилишнинг ролини тавсифлаб беринг
5. Инвестиция жараёнининг мамлакат иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга таъсирининг миқдорий кўрсаткичларига мисол келтиринг.
6. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қандай имтиёзлар мавжуд?
7. Инвестиция дастурини шакллантириш тартибини қайси хужжат билан белгиланади?
8. Қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини шакллантириш тартиби қандай?
9. Инвестиция дастурини қандай молиялаштирилади?
10. Инвестиция дастурининг амалга оширилиши мониторинги қайси мақсадлар учун олиб борилади

## **20-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Инвестициялар самарадорлиги. Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси. Инвестициянинг технологик тузилмаси. Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси. Тармоқлараро тузилма. Ҳудудий тузилма. Капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган асосий тамойиллар. Умумий иқтисодий самарадорлик. Қиёсий (солиштирма) иқтисодий самарадорлик. Келтирилган харажатлар. Капитал қўйилмаларнинг самарали йуналтириш.

### **Режа:**

**20.1. Инвестициялар тузилмаси ва уларни инвестицион қарорлар самарадорлигига таъсири**

**20.2. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари**

**20.3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

### **20.1. Инвестициялар тузилмаси ва уларни инвестицион қарорлар самарадорлигига таъсири**

Амалиёт шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш кучларини ва иқтисодиётни тубдан модернизациялашни муваффақиятли ривожланиши учун фақатгина миқдорий эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам қаралиши муҳимдир. Бугунги кунда биз фақатгина қанча миқдордаги инвестицияга эга эканлигимиз эмас, балки ундан қандай фойдаланаётганимиз, уларнинг қопланиши қандай эканлиги муҳимдир. Инвестицияларнинг қопланиши кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг тузилмасига, яъни капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидаги алоҳида харажатларнинг улушига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда инвестицияларнинг тузилмавий шаклланишини қуйидаги турларга ажратадилар.

1. Технологик тузилма.
2. Такрор ишлаб чиқариш тузилмаси.
3. Тармоқлараро тузилма.
4. Ҳудудий тузилма.

**Инвестициянинг технологик тузилмаси** – бу қурилиш-монтаж ишларини бажариш, асбоб-ускуналар, машиналар ва бошқа меҳнат воситаларини сотиб олиш ҳамда лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўзаро фоизлардаги

нисбатидир<sup>94</sup>. Иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлиб шундай тузилма ҳисобланадики, унда қурилиш-монтаж ишларига харажатларнинг улуши камайиб боради ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига кетадиган харажатлар қисми нисбатан тезроқ ўсиб боради. Бироқ технологик тузилма яратилаётган асосий фондларнинг характери ва қурилиш тармоғига сезиларли даражада боғлиқ.

**Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси** янги қурилишларга қилинаётган харажатлар билан, фаолият юритаётган корхонани реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш харажатлари орасидаги, шунингдек, асосий фондларни эскириши сабабли чиқарилишини қоплаш харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ўзида акс эттиради.

Бугун инвестицион сиёсат қайта таъмирлашга, фаолият юритаётган корхоналарни техник таъмирлаш ва кенгайтиришга ажратилаётган харажатларини кўпайтиришга, янги қурилишни улушини эса қисқартиришга сезиларли бурилиш қилмоқда, ваҳоланки, янги қурилишларсиз илмий – техника тараққиётига ва рақобатбардош замонавий кўринишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш қийин.

**Тармоқлараро тузилма** иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ўртасида ва уларни ичида инвестицияларнинг тақсимланишини фоизларда акс эттиради. Масалан, инвестицияларнинг умумий ҳажмидан саноатни қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш индустриясини ривожлантиришга йўналтирилган улушлари - бу тармоқлараро тақсимланиш ва капитал қўйилмалар тузилмаси; саноатга киритилаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидан машинасозлик, кимё, ёқилғи саноати, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга сарфланадиган улушлари – бу инвестицияларнинг тармоқлар ичидаги тузилмаси.

**Ҳудудий тузилма.** Инвестицияни ҳудудий тузилмаси капитал қўйилмаларни вилоятлар, шаҳарлар ва республиканинг районлари бўйича тақсимланишини кўрсатади. У оддатда бюджет имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш кучларини ва районларини истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг инвестицион сиёсати билан аниқланади. Ҳудудларнинг ихтисослашуви характери, унинг меҳнат билан бандлилик даражаси ва бошқа иқтисодий омиллар бу ерда катта ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларини пропорционал ривожланишини таъминлаш ва етакчи тармоқларни кўпроқ ривожлантириш ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини яхшилаш ва аҳолини яшаш даражасини ошириш мақсадида инвестициявий устунлик базасида ва тўлиқ ривожланишини иқтисодий инвестицияни оптимал

---

<sup>94</sup> Исмаатов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.

тузилмаси ва тақсимланишини максимал даражада мақсадга мувофиқлигига эришиш зарур.

Амалиёт шуни кўрсатадики, инвестиция тузилмасини оптималлаш ҳисобига пул маблағларини тенг баҳолилик иқтисодиётига эришиш мумкин. Капитал қўйилмалар чегараланган шароитда иқтисодий юксалиш ва ишлаб чиқариш кучларини келгусида ривожланиши учун катта аҳамият касб этади. Шунинг учун инвестицион қарорларни ва айниқса инвестицияларни самарадорлигини баҳолашда масаланинг бу томони ҳисобдан тушуриб қолдирмаслиги ва инвестицион жарёнларни бошқаришнинг барча даражаларида ишлаб чиқилиши зарур.

## **20.2. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари**

Режалаштиришнинг барча босқичлари ижтимоий ишлаб чиқаришни самарадорлигини ўсиш резервларини аниқлашда ва қурилиш объектларига янги технологияни жорий этиш ҳамда амалдаги ишлаб чиқарувчи фондлардан фойдаланиш анализида капитал қўйилмаларнинг самарадорлигининг ҳисоб китоблари зарурдир.

Капитал қўйилмаларни «самара» ва «самарадорлиги» тушунчаларини ажрата олиш керак. Биринчиси ўзида капитал қўйилмаларни амалга ошириш натижасини акс эттирса, иккинчиси шу натижа билан асосий харажатлар ҳажмини таққослашни акс эттиради. Самара ишлаб чиқаришга оид ва иқтисодий бўлиши мумкин. Биринчисини кўпинча, маҳсулот ишлаб чиқаришининг ошиши билан ёки натурал шаклдаги маҳсулот бирлигига кетган харажатларнинг камайиши билан боғлашади, иккинчиси эса қийматга оид томонини ифодалайди, масалан ялпи маҳсулот ўсиши, даромадлар ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларининг маълум бир миқдорда камайиши - бу иқтисодий самара ҳисобланади.

Самара капитал харажатларнинг миқдори билан, ҳам натурал, ҳам қиймат шаклида таққосланиши мумкин. Самарани натурал шаклда ифодалашда фақатгина бир маҳсулот бирлигига кетган капитал харажатларнинг миқдорини кўрсатиш мумкин. Бу эса уни капитал сифимидир, қиймат кўриниши эса капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган асосий тамойилларга қуйидагилар тегишли:

- Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самараси масаласига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги муаммосининг таркибий қисмидек қаралиши.
- Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлашда ва унинг йўналишини танлашда иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашув.
- Истиқболдаги омилларни ҳисобга олиш.

- Қўйиладиган иқтисодий масаланинг характеридан қатъий назар ҳисоб-китоб методини қўллаш ва самаранинг харажатлар билан бир ўлчовда олиниши.

Капитал қўйилмаларни иқтисодий самаралигини аниқлашдаги энг муҳим талаблардан бири иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашувдир. Капитал қўйилмаларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган қарорлар нафақат ушбу ишлаб чиқариш тармоғи, ташкилот, бирлашма учун самарали бўлиши керак, балки у бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш учун ҳам хизмат қилиши керак.

Капитал қўйилмаларни иқтисодиёт самарадорлиги аввалам бор эришиладиган натижаларга – яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жорий харажатларни камайтириш, фойдани ўсиши орқали эришиладиган самарага боғлиқ бўлади. Иқтисодиёт самарадорлиги шунингдек капитал қўйилмаларни тежашга ҳам боғлиқдир. Самарани ошириш ва капитал қўйилмаларни тежаш органик равишда вақтни тежаш билан боғлиқдир, бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсларини жадаллаштиришни ва қўйилган мақсадга қисқа муддатларда эришишни тавсифлайди. Ривожланаётган бозор ва бозор муносабатлари шароитида вақт омили муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик амалиётида иқтисодий ҳисоб-китоблар ва капитал қўйилмаларни самарадорлигини асослашнинг икки тури қўлланилади: умумий (абсолют) ва қиёсий (солиштирма). Бундай ёндашиш икки масала билан боғлиқ: улардан биттаси нима ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб бериши учун ечилса, иккинчиси эса қандай ишлаб чиқариш керак деган саволга ечим топади. Капитал қўйилмаларга мувофиқ равишда, биринчи ҳолда умумий самарадорликни аниқлаш методларини қўлланилади, иккинчисидан эса қиёсий(солиштирма) методлар қўлланилади.

**Умумий иқтисодий самарадорлик** самаранинг капитал қўйилмаларининг қийматига ёки ишлаб чиқариш фондларининг қийматига нисбати орқали аниқланади, қиёсий (солиштирма) иқтисодий самарадорлик эса, қўйилмаларни қуйишда бир вариантнинг иккинчисидан қанчалик самарали эканлигини таққослаш ва аниқлаш йўли билан ҳисобланади.

Умумий иқтисодиёт самараси миллий даромаднинг ўсиши билан ифодаланади. Мамлакат бўйича капитал қўйилмаларнинг иқтисодиёт самарадорлигининг мезони бўлиб, миллий даромад ўсишининг (солиштирма баҳоларда) ушбу ўсишни юзага келтирган капитал қўйилмаларга нисбати хизмат қилса, бошқарувнинг кейинги даражаларида эса, соф маҳсулотнинг ёки соф меъърий маҳсулотнинг ўсишининг ушбу ўсишни юзага келтирган капитал қўйилмаларга нисбати ҳисобланади.

Бошқаришнинг хўжалик ҳисоби даражасида ва айниқса қурилишга хусусий маблағлар ва банк кредитлари жалб қилинганда



капитал қўйилмаларнинг самараси сифатида даромаднинг ўсиши ҳисобга олинади. Мос равишда хўжалик ҳисоби самарадорлиги унинг капитал қўйилмаларнинг қийматиغا нисбати билан баҳоланади.

Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда самара ва капитал қўйилмаларнинг тўла таққослаш имкониятлари яратилиши керак. Капитал қўйилмалар, таннарх, эксплуатация харажатлари, соф маҳсулот ҳамда қўшимча кўрсаткичларни ҳисоблашда айни пайтда амалда бўлган нархлар, тарифлар, иш ҳақи ставкалари ва бошқа баҳони шакллантирувчи нормативлар қўлланилади.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини таҳлил қилишда қурилиш «лаг»ини, яъни капитал қўйилмаларни киритиш ва самарага эришишгача ўтадиган ўртача вақтни ҳисобга олиш лозим. Иқтисодиёт бўйича ушбу вақт ўртача икки-уч йилни ташкил этиши мумкин.

**Ҳисобларда қабул қилинган, бошланғич маълумотлар ҳамда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қурилиш лагининг катталиги бўлиши мумкин:**<sup>95</sup>

-норматив, яъни қурилиш ва объектларни ўзлаштиришнинг норматив муддатларига асосланган;

-ҳақиқий, яъни қурилишнинг ҳақиқий давомийлиги ва асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришнинг муддатларига асосланган;

-режали, қурилиш ва ўзлаштиришнинг режада кўрсатилган муддатларига асосланган.

Қуйида капитал қўйилмаларнинг умумий ҳамда қиёсий (солиштирма) иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методлари формулаларда келтирилган.

Капитал қўйилмаларининг умумий (абсолют) самарадорлигини қуйидаги тарзда ҳисобланади:

а) республиканинг иқтисодиёти ва унинг тармоқлари, умуман иқтисодиёт бўйича  $\mathcal{E}_{xx}$  – солиштирма баҳоларда йиллик даромад (соф маҳсулот) ўсиши( $\Delta D$ )нинг, капитал қўйилмаларнинг ўсиши( $K$ )га нисбати сифатида аниқланади:

$$\mathcal{E}_{xx} = \Delta D / K$$

$\mathcal{E}_{xx}$  катталиги норматив умумий (абсолют) самарадорлик  $E_n$  билан қиёсланиши лозим, агар  $\mathcal{E}_{xx} > E_n$  бўлса киритилаётган капитал қўйилмалар самарали ҳисобланади;

б) саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо, капитал қурилишларнинг комплекс дастурлари соҳалари, алоҳида техник-иқтисодий муаммолар бўйича умумий (абсолют) самарадорлик кўрсаткичи  $\mathcal{E}_{xxt}$  – соф маҳсулот йиллик ўсишининг( $\Delta CM$ ), ушбу ўсишни юзага келтирган капитал қўйилмалар( $K$ )га нисбати орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_{xxt} = \Delta CM / K$$

<sup>95</sup> Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006

в) хўжалик ҳисобидаги тармоқлар, бирлашмалар, ташкилотлар бўйича  $\mathcal{E}_{\text{хк}}$  – йиллик фойда ўсишининг( $\Delta\Phi$ ), ушбу ўсишни юзага келтирган капитал қўйилмалар( $K$ )га нисбати орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{хк}} = \Delta\Phi / K$$

г) янги қуриладиган корхоналар, цехлар, бошқа алоҳида объект ҳамда тадбирлар бўйича  $\mathcal{E}_{\text{ат}}$  – фойданинг, қурилаётган объект смета қийматига ёки алоҳида тадбир бўйича капитал харажатлар( $K$ )га нисбати орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{ат}} = \Phi / K$$

д) таннархнинг ёки ҳисобланган нархларнинг камайтириш кўрсаткичлари қўлланиладиган ташкилот ва тармоқлар, шунингдек зарар билан ишлаётган корхоналар бўйича  $\mathcal{E}_k$  қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_k = (C_1 - C_2) / K$$

Бу ерда  $C_1$  ва  $C_2$ -капитал қўйилмалар киритишдан олдинги ва кейинги маҳсулот таннархи.

Капитал қўйилмаларининг самарадорлигини аниқлаш капитал қўйилмаларнинг яхши вариантыни танлаш имконини беради. Умумий қилиб айтганда, лойиҳалаштириш ва режалаштиришнинг мохияти бу техник, хўжалик ҳамда режали қарорларни энг яхши вариантыни танлашдир. Бу ерда гап иқтисодиёт тармоқлари, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни жойлаштириш ҳудудлари, қувватларини танлаш, янги қурилишлар ҳамда амалдаги корхоналарни қайта қуриш, қурилиш ва киритилаётган қувватларни ўзлаштириш муддатларини аниқлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва бошқаларини ривожлантириш йуналишлари ҳақида кетаяпти.

Лойиҳанинг турли вариантларини солиштириш шуни кўрсатадики, қатор ҳолатларда энг паст таннархли вариант катта ҳажмли капитални талаб қилади, объектни яратишга кам қўйилма қўйилиши ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг сарфланиши қурилиш муддатларини ўзайтиради.

Бундан жорий харажатларга қўшимча капитал қўйилмаларини тежамкорлик билан жалб этиш зарурияти келиб чиқади.

Солиштирама самарадорликни ҳисоблаш, асосан қўшимча капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашни кўзда тутаяди, бу қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E = (C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2)$$

бу ерда:  $C_1$  ва  $C_2$  – қиёсланаётган вариантларда маҳсулот таннархи;

$K_1$  ва  $K_2$  – қиёсланаётган вариантларда капитал қўйилмалар.

Агар  $E_n$  ўрнатилган нормативга тенг ёки кам бўлса, қўшимча капитал қўйилмалар тежамли ҳисобланади. Бир неча вариантлар ечимларини солиштиришда вариантлар бўйича келтирилган харажатлар( $X_{\text{кел}}$ )ни ҳисоблашдан фойдаланилади:

$$X_{\text{кел}} = C + E_n K \rightarrow \min$$

бу ерда :

- С** - ҳар бир вариант бўйича жорий харажатлар;
- Е<sub>н</sub>** - капитал қўйилмаларнинг норматив коэффиценти;
- К** - шу вариант бўйича капитал қўйилмалар.

Капитал қўйилмаларнинг солиштирилаётган вариантлари, аниқланаётган самарадорлик белгисидан ташқари барча белгилар (маҳсулот ҳажми, таркиби, сифати, тайёрлаш муддати) бўйича, шунингдек ижтимоий таъсир, жумладан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича солиштирама жиҳатга (солиштириш имкониятларига) эга бўлиши керак.

### **20.3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Оммавий ишлаб чиқаришни тезлаштириш ҳамда уни самарадорлигини ошириш капитал қўйилмаларнинг оқилона ва тежамли тақсимлашни, қурилиш давомийлигини қисқартириш, амалга киритилмайдиган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини тезда ўзлаштиришни талаб қилади. Капитал қурилиш миқёсларини ўсиши билан, бунга ажратилмайдиган моддий ресурс ва пул маблағларини тежамли фойдаланиш вазифасининг аҳамиятини оширади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини оширишнинг аниқ йўллари кўп қиррали бўлиб, кўп жиҳатдан уни амалга ошириш мақсадлари, ҳажми, жойи ва вақтига боғлиқдир. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайиши билан ифодланади. Янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш миллий ҳамда жаҳон тажрибалари асосида ташкил этилиши, ҳамда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, балки ишчилар меҳнатини энгилаштириш, унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга йўналтирилиши лозим.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги биринчи даражали омил - вақт бўлиб, объектлар қанчалик тез ишга тушса шунчалик тез ва кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади ва (халқ) аҳоли эҳтиёжи қондирилади ёки аксинча, қурилиш муддатининг ўзайиши капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини пасайтиради. Мисол учун, қурилиш муддатининг 10% га ўзайиши қурилиш монтаж ишларини таннархини 1-2% га оширади. Қурилиш муддатини ҳаддан ташқари ўзайтириш, битказилмаган, чала қурилишлар ҳажмини кенгайтиради, асосий фондларни жорий этиш режаларини бажарилмаслигига олиб келади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги қурилишнинг ташкил этилишига, қурилиш ташкилотларининг фаолиятига боғлиқдир. Қурилиш ишлари қанчалик оқилона самарали ташкил этилса, шунчалик кўп янги корхоналар, уйлар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа объектларни қуриш мумкин.

Капитал қўйилмаларнинг самарали йўналтиришни режалаштириш қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади:

- асосий (яъни муҳим) ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;

- мамлакат ҳудудида иқтисодий асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, табиий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш, иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш, корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперацияни ташкиллаштириш;

- моддий ва меҳнат ресурсларини оқилона йўналтириш, чунки бу воситаларни амалга тезроқ киритишга имкон яратади.

Лойиҳалаштиришда қурилаётган корхоналарнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини, техник даражасини аниқлаш, самарали лойиҳавий қарорлар, қурилишни амалга оширишнинг оқилона ва самарали йўллари белгиланади.

Шуни айтиш лозимки, замонавий лойиҳалаш амалиётида наъмунавий (оммавий) лойиҳалар билан бир қаторда, вақтни ва материалларни тежашга йўналтирилган индивидуал лойиҳаларни яратиш ҳам ривожланиб бормоқда. Технологик тизимни қайта қурилишга тез мослашадиган янги бино ва иншоотлар қурилишни лойиҳалаштириш амалда кўпаймоқда. Саноат корхоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида иссиқлик, энергия ва шовқинга қарши характеристикаларга эга ускуналардан фойдаланилماпти.

Замонавий лойиҳаларда биноларга машина ёки ускуналар учун қути сифатида қарашяпти. Моҳиятан улар капитал қўйилмалар ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи оптимал меҳнат шароитларини ҳамда технологик жараёнларини йўлга қўйишни англатади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўли - бу уларнинг технологик ва такрор ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштиришдир. Ваҳоланки, бу қўшимча воситаларни талаб қилмайди ва асосан лойиҳалаштириш ҳамда режалаштириш босқичларида амалга оширилади.

Маълумки, капитал қўйилмалар қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, ускуналарни, инвентарларни сотиб олиш ва бошқа ишларга-лойиҳа қидирув, қурилиш майдонини тайёрлаш, қурилаётган корхона учун кадрларни тайёрлаш ва х.к. ларга сарфланадиган харажатлардан келиб чиқади.

Фондларнинг актив қисмига ажратилган маблағнинг улуши қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ва капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидан ҳаракатдаги корхоналарни реконструкция қилиш, қайта техник қуроллантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган маблағларнинг улушини ошириш орқали, қисқа муддатларда ва кам харажатлар билан иқтисодий

самарага эришиш мумкин.

### **Қисқа хулосалар**

Капитал қўйилмалар - бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, корхонани техник даражасини ошириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, иқтисодиётни замонавийлаштириш ва ишлаб чиқаришга замонавий меҳнат қуролларини тадбиқ этишда асосий манба ҳисобланади.

Капитал қўйилмаларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш турлари мавжуд. Капитал қўйилмаларнинг ишлаб чиқариш турлари янги иш жойларини жорий қилиш, талаб кўп бўлган товарлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ва бозорга олиб чиқишни таъминлайди.

Иккинчи тури эса ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилаш, ноишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштиришда қўлланилади.

Инвестицияларнинг таркибий тузилмаси улар киритилган соҳа ёки тармоққа қараб фарқ қилади, ҳамда қўйилган объектга қараб «актив» ёки «пассив» характерга эга бўлади.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш турли усуллар билан аниқланади, лекин умуман олганда улар нисбатан фойдалироқ (самарадор) инвестиция вариантларини баҳолашга, аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Замонавий бозор иқтисодиёти ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча даражаларида инвесторларни ўз маблағларидан рационал ва самарали фойдаланишга имкониятларини қидиришга йўналтиради.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. «Инвестиция» ва «Капитал қўйилмалар» тушунчаларини фарқлаб беринг.
2. Капитал қўйилмаларнинг қандай молиявий манбалари мавжуд ва уларнинг фарқи нимада?
3. Сиз капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлашнинг қандай йўллари биласиз?
4. Инвестицияларга нисбатан самарали вариантни танлаш учун қандай услубдан фойдаланиш керак?
5. Қурилиш «лаги» нимани ифодалайди?
6. Инвестициялар тузилмасини яхшилашнинг натижалари нимада кўринади?
7. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг энг замонавий методларидан қайсиларини биласиз?
8. Капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишнинг қандай йўллари биласиз?

## **21-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АЛОҚАЛАРИ ШАКЛЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** қурилиш ишлаб чиқариши концентрацияси, қурилиш ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, қурилиш ишлаб чиқариши кооперацияси, қурилишда комбинациялаштириш, холдинглар ва молия-саноат гуруҳлари, меҳнат жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, қурилиш ташкилотларини йириклаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг йиллик ҳажми, ихтисослаштириш ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакли сифатида, тармоқли ихтисослаштиришни, ихтисослашган қурилиш-монтаж ташкилотлари, хусусий кучлар орқали бажарилган ишларларнинг ихтисослашганлик даражаси, қурилишда кооперациялаш, қурилиш жараёнининг узлуксизлиги, комбинациялаш жараёнини жадаллаштириш, комбинациялашнинг мақсади, комбинациялаш самарадорлиги, уй-жой қурилиши комбинатлари (УЖҚК), очиқ турдаги акционерлик жамияти, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш.

### **Режа:**

- 21.1. Қурилиш ишлаб чиқариши концентрацияси.**
- 21.2. Қурилиш ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш.**
- 21.3. Қурилиш ишлаб чиқариши кооперацияси.**
- 21.4. Қурилишда комбинациялаштириш.**
- 21.5. Холдинглар ва молия – саноат гуруҳлари таркибига кирадиган қурилиш ташкилотлари.**

### **21.1. Қурилиш ишлаб чиқариши концентрацияси**

Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш концентрацияси деганда маблағлар, предметлар ва меҳнат ресурсларининг йирик ишлаб чиқариш бўғинларида бир нуқтага жамланиш жараёнини тушуниш тақозо этилади. Илмий – техник тараққиёт концентрациянинг моддий – техникавий асоси бўлиб майдонга чиқади.

Замонавий ишлаб чиқариш бутун жамият манфаатлари учун концентрация устунликларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Концентрациянинг ижтимоий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқаришда техник даражанинг ошиши оғир қўл меҳнатини бартараф этиш учун шароит яратади, ақлий ва жисмоний меҳнат қиладиган ходимлар ўртасидаги фарқни бартараф қилиш жараёнини тезлаштиради.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакли сифатида концентрация катта иқтисодий самарадорликка эга бўлади. Йирик корхоналар анча юқори даражадаги меҳнат унумдорлигини, яхши сифат ва паст таннархга эга бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Концентрация ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва

комбинациялашуви билан узвий боғлангандир. Ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бир жинсли ишлаб чиқариш концентрациясининг илғор шакли сифатида намоён бўлади. Йирик корхоналарда амалга ошириладиган ишлаб чиқаришнинг комбинациялашуви ишлаб чиқаришни анча юқори илмий - техник даражада ташкил этиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришнинг концентрацияси амал қилаётган корхоналарнинг кўламини уларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш эвазига ошириш; янги йирик корхоналарни яратиш ва янги ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Янги йирик корхоналар ва бирлашмаларнинг яратилиши марказлашган ишлаб чиқариш базасида йириклашган ишлаб чиқариш ячейкаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай экан, бундан корхоналар ўлчамларининг кенгайтирилиши марказлаштиришнинг натижаси эканлиги келиб чиқади, яъни марказлаштиришни концентрацияни амалга оширишнинг шакллари билан бири сифатида кўриб чиқиш қабул қилинган.

Концентрациянинг даражаси кўрсаткичлар тизими билан аниқланади, улардан энг асосийси бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳисобланади. Илмий – техник тараққиёт шароитларида асосий ишлаб чиқариш; жамғармаларининг ҳажми, шу қаторда фаол мўлжаллаштириш, энергия қурилмаларининг қуввати ва шу каби кўрсаткичларнинг аҳамияти янада кучаяди. Концентрация даражасининг характеритикаси учун халқаро миқёсда кенг қиёслаш орқали ишчи – ходимларнинг сонли кўрсаткичи қабул қилинади, лекин бу кўрсаткич концентрация даражасининг динамикасини ҳамма вақт ҳам аниқ кўрсатавермайди, чунки ишчи – ходимларнинг сони ишлаб чиқаришни кенгайтиришда меҳнат жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш натижасида қисқариши мумкин.

Бошқа соҳалардаги сингари, қурилишдаги концентрация ҳам ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Улар яъни бу жиҳатлар қурилиш маҳсулотининг кўчмас мулк эканлиги билан изоҳланадиган қурилиш ишлаб чиқариши спецификаси орқали юзага чиқади. Шунинг учун қурилишда концентрация икки йўналишда: қурилиш ташкилотларини йириклаштириш ва қурилиш объектлари кўламини кенгайтириш ёки битта қурилиш майдонида бажариладиган қурилиш – монтаж ишлари ҳажмини ошириш эвазига ривожлантирилади.

Концентрациянинг бу икки йўналишидан биринчи тури - қурилиш ташкилотларини йириклаштириш анча кенг тарқалган. Иккинчи тури эса ҳудудий бўлиб, бу тур жамланган йирик тугунларга эга бўлган корхоналар ва объектлар (саноат тугунлари, йирик турар – жой массивлари) қурилишида тўлиқ намоён бўлади, яъни бу турнинг кўлланиши анча мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам

қурилиш – монтаж ишларининг йиллик ҳажми қурилишда концентрация даражасини баҳолаш учун асосий кўрсаткич бўлиб қолаверади.

### **21.2. Қурилиш ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш**

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш меҳнатни ижтимоий жиҳатдан ажратиш ва уни оқилона ташкил этишнинг шаклларида бири ҳисобланиб, алоҳида мустақил тармоқларни кенгайтиришнинг объектив жараёнида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир жинслилиги ихтисослаштиришнинг энг асосий ажралиб турадиган белгиси сифатида хизмат қилади. Ҳар бир тармоқ доирасида амалга ошириладиган ихтисослаштириш маҳсулотлар номенклатурасини тартиблаш, ишлаб чиқаришнинг технологик бир жинслилигини ошириш, уни стантартлаштириш орқали олиб борилади.

Ихтисослаштириш техник тараққиётнинг шароитлари ва бир вақтнинг ўзида унинг оқибатлари таъсирида амалга оширилиши мумкин, чунки айнан техник тараққиёт ихтисослашган корхоналар, участкалар, ишлаб чиқаришни ажратиш ва ривожлантириш йўли билан меҳнатни ижтимоий ажратишни чуқурлаштиришга олиб келади. Бундай меъзонлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг алоҳида омили сифатида ихтисослаштириш даражасини тавсифлаб беради. Ихтисослашган корхоналар ва ташкилотлар, қоидага кўра, меҳнат унумдорлиги, ишнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси бўйича анча илгарилаб кетади.

Ихтисослаштириш ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакли сифатида: тармоқли, деталли ва технологик каби учта асосий турга эга бўлади.

Иқтисоднинг ҳар бир тармоғига уларнинг ишлаб чиқаришдаги спецификасига боғлиқ равишда ихтисослаштиришнинг кўрсатилган турларидан ҳаммаси ёки фақат бир қанчаси тегишли бўлиши мумкин.

Қурилишда ихтисослаштиришнинг иккита шакли мавжуд: биринчи шакл *тармоқли*, ёки *объектли* - бу шакл хўжалик жиҳатдан мустақил ихтисослашган ташкилотларнинг яратилишида ўз ифодасини топади, бу ташкилотлар иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари – саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги – ёки саноатнинг алоҳида тармоқлари – металлургия, кимё, нефть ва шу қабилар учун корхоналар ва объектлар қурилишини бажаради; иккинчи шакл *технологик* ёки босқичли – бу шакл қурилиш ва монтаж ишларининг бир жинсли турлари ёки комплексларини бажаришга ихтисослашган хўжалик жиҳатдан мустақил бўлган қурилиш ташкилотларини яратишда ўз ифодасини топади. Бу ташкилотлар масалан, санитар – техник, электромонтаж, жиҳозларни монтаж қилиш ва шу каби ишларни бажаради.



Тармоқли ихтисослаштиришни кенгайтириш халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган яшаш ва маданий – маиший соҳа бўйича қурилишнинг ўсиб бораётган масштаблари билан шарт – шароитланади. Бу эса қурилиш ташкилотлари ўз фаолияти сферасини деталлаштира бориб, маълум бир тармоққа тегишли бўлган корхоналарда, масалан доменли цехлар, элеваторлар, яшаш бинолари, ижтимоий ва маданий вазифаларни бажаришга мўлжалланган объектларга жамланади. Шунингдек, қурилиш ташкилотларини тармоқли ихтисослаштириш, тармоқларнинг спецификасига, ишлаб чиқариш технологиясининг жиҳатларига, бино ва иншоотларнинг конструктив ечимларига, уларни қуриш технологиясига боғлиқ бўлади.

Дастлаб қурилишда тармоқли ихтисослаштириш вужудга келди. Технологик белгилар бўйича ихтисослаштириш эса саноат қурилишида технологик монтаж қилиш ва жиҳозларга тегишли бўлган бошқа ишларни амалга оширадиган ташкилотларнинг ташкил этилиши билан бошланди.

Ҳозирги вақтда ихтисослашган қурилиш – монтаж ташкилотлари турли йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Улар юқори савияли кадрлар ва бу йўналишлар бўйича ихтисослашган моддий – техник базани ўзида мужассамлаштиради.

Қурилишда ихтисослаштиришнинг ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткич ихтисослашган ташкилотлар иш ҳажмининг пудратли қурилиш – монтаж ишлари умумий ҳажмига нисбати билан аниқланади. Бош пудрат бўйича ихтисослаштиришнинг умумий даражаси (ташқи субпудратчи ташкилотлар ва хусусий ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилган иш ҳажмининг бош пудрат бўйича бажарилган иш ҳажмининг нисбати) ва хусусий кучлар орқали бажарилган ишларларнинг ихтисослашганлик даражаси (хусусий ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилган иш ҳажмининг хусусий кучлар орқали бажарилган ишлар ҳажмига нисбати) кўрсаткичлари қабул қилинади.

*Ихтисослаштириш самарадорлигига қуйидаги кўрсатилганлар эвазига эришилади:*

- меҳнатни анча чуқурлашган ҳолда турларга ажратиш ва шу асосда ишчиларнинг савияси ва моҳирлигини ошириш;

- қурилишда ишлаб чиқариш технологияси ва ишларни ташкил этишни такомиллаштириш, ишларни бажаришда механизациялаш даражасини ошириш, қурилиш техникасидан фойдаланишни янада яхшилаш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш;

- қурилиш – монтаж ишлари муддатини қисқартиш, сифатини ошириш ва таннархини пасайтириш.

Бироқ шуни ҳисобга олиш зарурки, тармоқли ва айниқса технологик ихтисослаштириш қурилиш ва монтаж ишларининг ҳажми профил бўйича етарли бўлган тақдирдагина анча самарадор бўлади.

Фақат шундай шароитдагина қурилиш ташкилотлари ва корхоналари турғун фаолият юритиш, юқори меҳнат унумдорлиги ва тегишли ихтисослашган жиҳозлардан ҳамда механизация воситаларидан тўлиқ фойдаланишга эришиши мумкин.

### **21.3. Қурилиш ишлаб чиқариши кооперацияси**

Ихтисослаштиришни ривожлантириш ва чуқурлаштириш билан кооперациялаштириш янада юқори даражада кенгаяди ва чуқурлаша боради.

*Кооперациялаштириш* – бу маълум бир маҳсулотларни биргаликда тайёрлардиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари шаклларида биридир.

Ҳуқуқий давлат шароитларида кооперациялаштириш ўзароалоқадор ташкилотлар ва корхоналар ҳамда тегишли ишлаб чиқариш коллективлари асл моҳиятини тўлиқ акс эттиради. Концентрация, ихтисослаштириш ва комбинациялаштиришнинг ўсиши билан бир қаторда кооперациялаштиришнинг ривожланиши ишлаб чиқаришни умумлаштириш жараёнини кучайтириш ҳақида гувоҳлик беради.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ўртасидаги алоқалар рақобатли характерга эга бўлади. Бир томондан улар манфаатлар умумийлигининг чуқурлашувини акс эттиради, шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши фойдани янада ошириш мақсадида рақобатнинг ўсишига олиб келади.

Ихтисослаштиришнинг ўсиши ташкилотлар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш алоқалари нафақат кооперациялаштириш шаклида кенгайтиришни, балки моддий – техник таъминот шаклида ҳам кенгайтиришни олдинга суради. Кооперациялаштириш маълум мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар бўйича корхоналар ва ташкилотлар орасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини қамраб олади. Таъминот бўйича алоқадорлик (таъминлаш бўйича алоқалар) кооперациялаштириш алоқаларидан фарқли ўлароқ ҳамма ишлаб чиқариш алоқаларини яъни барча материаллар, конструкциялар, жиҳозлар, ёқилғи, энергия ва умуман истеъмолчи фойдаланадиган барча нарсаларни етказиб беришни қамраб олади. Кооперациялаш – бу ишлаб чиқариш бўйича корхоналар алоқаларининг анча мураккаб бўлган шакли бўлиб, уни шакллантириш учун биринчи навбатда таъминот алоқаларидан ҳам муҳимроқ бўлган юқори даражадаги режалаштириш ва ташкил этиш анча зарур бўлади.

Қурилишда кооперациялаш деганда хўжалик жиҳатдан мустақил бўлган, инвестицион жараёнларда иштирок этадиган ташкилотлар ва корхоналар ўртасидаги ташкилий жиҳатдан мустаҳкам бўлган ишлаб чиқариш алоқалари тушунилади. Амалиётда бундай алоқадорлик ёки боғлиқлик ташкилотлар ва корхоналар томонидан қурилиш объектларини бевосита қуриш бўйича бажариладиган ишларни

биргаликда бажариш, шунингдек, жиҳозлар, материалларни биргаликда етказиб бериш ва биргаликда хизматлар кўрсатишни амалга ошириш билан ўзининг ифодасини топади.

Қурилишда кооперациянинг зарур бўлиши корхоналар ёки объектларни тиклаш учун турли ишлаб чиқариш жараёнларининг кўп сонлилиги, қурилишда ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий жиҳатдан мураккаблиги ва умуман бутун инвестицион жараён билан изоҳланади. Шунинг учун объектларни қуришда кўп сонли ташкилотлар ва корхоналар иштирок этади. Кўп ташкилотлар – объектларни тиклашда иштирок этувчиларнинг бир вақтнинг ўзида қурилиш майдонида иш бажариши ҳамда уларнинг технологик ва ташкилий жиҳатдан пухта келишув асосида иш юритишнинг талаб этади. Шу сабабли қурилишда ишлаб чиқаришни кооперациялаш буюртмачи, бош пудратчи ва субпудратчи ҳамда бошқа ташкилотлар ўртасида ишлаб чиқариш – хўжалик ҳамкорлигини яратиш асосида олиб борилади.

Қурилишда ташкил этувчанлик роли бош пудратчига тегишли бўлиб, қурилиш ишлаб чиқаришида иштирок этадиган барча иштирокчиларнинг ишларини координациялаш бош пудратчи томонидан амалга оширилади. Бош пудратчи субпудратчи ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига аралашмасдан туриб, йиллик ва оператив режалар, ишларни ишлаб чиқиш графиги, бошқаришнинг автоматик тизими асосида тегишли қурилиш ва монтаж ишларининг бажарилиш муддатини ва кетма-кетлигини тартиблаштиради.

Ишларнинг келишувга мувофиқ ва ўз муддатида бажарилишига шунингдек, қурилиш иштирокчилари ва жиҳозлар ҳамда материалларни етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида шартлашилган тартиб – интизомни кучайтириш, ҳамда ўз вақтида ва сифатли бажарилган ишларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш йўли билан ҳам эришилади.

Қурилишда кооперациянинг даражаси қурилиш жараёнининг узлуксизлиги ва ритмиклиги ҳамда қурилиш - монтаж ишларини бажарувчи ташкилотларнинг мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланиши, уларнинг моддий – техника базаси ва меҳнат ресурслари билан баҳоланади.

Кооперациянинг энг юқори даражасига комбинациялаш жараёнини жадаллаштириш ва бирлашмаларни яратиш ҳисобига эришилади.

#### **21.4. Қурилишда комбинациялаштириш**

*Комбинациялаштириш* – бу битта корхона доирасида турли ишлаб чиқаришларни технологик ва ташкилий бирлаштиришга асосланган ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклидир. Комбинациялаштириш ижтимоий меҳнатни оқилона ташкил этиш ва уни илмий –техник жиҳатдан олға интиштиришнинг энг муҳим шарт –

шароити деб ҳисобланади.

Моддий ва меҳнат захираларидан унумли фойдаланиш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш *комбинациялашнинг мақсадини* ифодалаб беради.

Комбинациялашнинг иқтисодий самарадорлигига ишлаб чиқариш ва транспорт – маиший харажатларга сарфланадиган жорий маблағларни камайтириш орқали эришилади. Технологияларни такомиллаштириш, алоҳида бажариладиган оралиқ операцияларни тиклаш, ихтисослашган ишлаб чиқаришлар орқали бирлаштириладиган ишлаб чиқариш циклини қисқартириш *иқтисод қилишнинг манбаларини* ташкил этади. Комбинациялаш самарадорлиги тегишли маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган комбинацияланган ва комбинациялаштирилмаган корхоналар фаолияти иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш йўли билан аниқланади.

Ҳар бир соҳа ёки тармоқда амалга ошириладиган комбинациялаш ишлаб чиқариш жараёнлари характери, хом – ашё захиралари, тармоқнинг ривожланганлик даражаси ва бошқа шу каби кўрсаткичлар билан шарт – шароитланадиган тармоққа хос бўлган жиҳатларга эга бўлади.

Саноатда бўлгани сингари, қурилишда ҳам комбинациялаштириш ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бошқа шакллари - концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялаш билан уйғунликда ривожланади ва турли ташкилий шаклларга эга бўлади.

Қурилишда амалга ошириладиган комбинациялашнинг биринчи босқичида комбинациялаштиришнинг шакли фақат ноасосий ишлаб чиқаришга яъни масалан, қурилиш учун материалларни карьерли таъминловчи ва конструкциялар, деталлар, яримфабрикатлар ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирадиган ишлаб чиқариш корхоналари комбинатларига тегишли эди. Бироқ комбинациялашнинг бундай шакли фақат ташкилий характерга эга бўлиб, у технологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосидаги корхоналарни бирлаштирмайди.

Қора, рангли металлургия ва уларнинг фаолияти таъсиридаги саноатнинг бошқа тармоқлари учун корхоналар қурилишини амалга оширадиган қурилиш комбинатлари мавжуд бўлиб, бундай қурилиш комбинатлари ҳам технологик жиҳатдан ўзаро алоқадор (ўзаро боғланган) корхоналарнинг комбинациялашган ишлаб чиқариш функцияларини тўлиқ бажара олмади, улар қурилишни бошқаришнинг структурали буғинини намоён этди холос. Қурилишда комбинациялашнинг энг илғор шакли сифатида 1959 йилда уй-жой қурилишида вужудга келган уй-жой қурилиши комбинатлари (УЖҚК) кенг тарқалди ва ўз мавқеини сақлаб қолди.

УЖҚК эксплуатацияга тайёр ҳолда яқунланган қурилиш маъсулотини яратиш билан ўзаро боғланган жараёнларни

бирлаштиради ва амалга оширади ҳамда завод шароитларида қурилиш конструкциялари ва деталларини комплектли тайёрлайди, уларни қурилиш майдонларига етказиб беради ва бу конструкциялар ҳамда деталларнинг монтажини бу комбинатларнинг ўзлари бажаради, шунингдек, улар махсус қурилиш ишлари ва алоҳида ишларни ҳам ўзлари амалга оширадilar. Бир вақтнинг ўзида УЖҚК зарур бўлган вазиятларда бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан кооперациялашувни амалга оширган.

УЖҚК таркибига илгари хўжасизлик туфайли ва ташкилий жиҳатдан ташлаб қўйилган ташкилотлар ва корхоналарни киритиш, объектлар қурилиши иштирокчиларини бириктириш, ишларнинг якуний натижалари ва объектларнинг сифатли тикланиши учун комбинат коллективининг манфаатларини ва масъулиятини оширади.

Ташкилий жиҳатдан устунликка эга эканлиги билан УЖҚК фаолияти техник – иқтисодий кўрсаткичлари йирик панелли уйлар қурилишини олиб борадиган пудратли ташкилотларнинг аналогик кўрсаткичларидан устун туради.

УЖҚК учун ягона қурилиш баланси характерли бўлиб, унда комбинатнинг қурилиш бўлимлари сифатида - қурилиш конструкциялари, деталлар, яримфабрикатлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи заводлар ёки цехлар ҳам ўз аксини топади. Шундай структурага эга бўлган УЖҚК анча рационалдир, чунки бундай ҳолатда комбинат ягона қурулиш – саноат корхонаси сифатида майдонга чиқади, ва унинг фаолияти кўп меъёردа фойдаланишга тайёр бўлган объектлар кўринишидаги якуний натижаларга эришишга қаратилган бўлади.

Шунингдек, УЖҚК координация функциялари ва қурилиш жараёнида иштирок этиши бўйича ҳам турларга бўлинади.

Баъзи УЖҚКлар кварталли қурилишда трестларда субпудратчи сифатида бош пудратчи томонидан олдиндан тайёрланган пойдеворларга қуриладиган объектларнинг ер усти қисмини қуришда фақат умумқурилиш ишларини амалга ошириш билан фаолият юритади. Махсус (санитар – техник, электромонтаж ва ҳ.к.) ишларни бажариш учун улар бундай вазиятларда субпудрат ҳуқуқига асосан махсус ишларни бажаришга ихтисослаштирилган тегишли ташкилотларни жалб қиладилар.

Бошқа УЖҚКлар эса объект қурулиши учун зарур бўлган ишларнинг бутун комплексини ва уни фойдаланишга топшириш бўйича бош пудратчи функциясини ўз зиммасига олади ва тўлиқ циклдаги қурилишни ҳамда бино ер усти бўйича бажариладиган ҳамма умумқурилиш ва махсус ишларни амалга оширадilar.

Шаҳарнинг алоҳида микрорайонлари ёки кварталларининг қурилиши бўйича бош пудратчи сфатида чиқадиган УЖҚКлар ҳам мавжуддир. Бундай вазиятларда уй – жой қурилиши комбинати маданий – маиший вазифаларни бажаришга мўлжалланган объектлар,

инженерлик тармоқлари, йўл қурилиши, микрорайон кўкаламзолаштирилишини киритган ҳолда бутун яшаш комплексини фойдаланишга топширади.

### **21.5. Холдинглар ва молия – саноат гуруҳлари таркибига кирадиган қурилиш ташкилотлари**

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотларни айрибошлаш ҳамда замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида хизматлар кўрсатиш асосида ўрта ва кичик бизнеснинг йирик ташкилий – хўжалик тузилмалари юзага келади.

Кичик ва ўрта тузилмалар мамлакат иқтисодиётида рақобатбардош муҳитни яратади, ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлиги, мобиллиги ва самардорлигини таъминлайди ҳамда илмий – техник ютуғларни ишлаб чиқади ва улардан фойдаланишни йўлга қўяди.

Йирик ташкилий тузилмалар фаолиятнинг алоҳида соҳалари, алоҳида регионлари ва умуман мамлакат миқёсида ишлаб чиқаришда молиялаштиришни тартиблаш бўйича тизимларни шакллантиришга имкон яратади. Улар бу ишни мустақил равишда олиб боришлари ва унинг амалга оширилишини давлат томонидан шарт – шароитлаши мумкин. Амалиёт тасдиқлайдики, устувор тармоқлар қаторида моддий, молиявий, ишчи кучи ресурсларининг катта ҳажмини концентрациялайдиган йирик хўжаликларнинг яратилишини технологиянинг ўзи иқтисодий жиҳатдан қулай қилиб қўяди. Бундай тармоқларга қуйидагилар тегишлидир: металлургия, энергетика, темир йўл транспорти, алоқа, қурилиш ва бошқа бир – қанча тармоқлар. Хориж амалиёти шундан гувоҳлик берадики, бошқарувнинг йирик ва кичик ташкилий тузилмалари уйғунлашуви номаълум (аниқ бўлмаган) вазиятларда тизимлар ишлаш қобилиятини қўллаб – қувватлаш имконини беради ва бошқа хўжалик субъектлари банкротлашуви билан бу тизимларнинг фойда олувчилар қаторида сақланиб қолишига замин яратади.

Мустақилликка эришгунимизга қадар мамлакат амалиётида секин ўзгаришга қаратилган техника ва технологиялардан, рақобатсиз ишлаб чиқаришга эга бўлган тизимдан, бошқаришнинг аста-секин ўзгарувчан шакл ва методларига асосланган ҳолда таркиб топган бошқарув тузилмаларидан фойдаланиб келинди.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш орқали тадбиркорлик гуруҳлари вужудга келишига замин яратилади, бу гуруҳларда бошқарувнинг йирик, ўрта, кичик тузилмалар ўртасида эгаллик қилиш ҳуқуқлари ва контрактли муносабатлар йўлга қўйилади. Уларда молиявий назорат ўрнатилади ва бир вақтнинг ўзида ишлаш учун анча имтиёзли шароитлар яратилади. Бу эса ишлаб чиқаришда учраб турадиган тўхтаб қолишлар ёки сусткашликларни қисқартиришга олиб келади.

Ҳозирги вақтда аҳамиятли тарздаги инвестицион ресурсларни

кредитларсиз концентрациялашнинг иложи йўқ (ёки кам эҳтимолга эга). Бунинг натижасида саноат тузилмаларининг ташқи молиявий манбалар ва ссудали капиталлар бозорига боғлиқлиги доимий равишда ўсиб бораверади.

Турли тузилмаларларни гуруҳларга бирлаштириш натижасида кўп жиҳатлар бўйича ютуғларга эришиш мумкин, қачонки, агар бу бирлашмада менежмент юқори даражага кўтарилган бўлса. Илмий-ишлаб чиқариш, молиявий ва савдо – сотиқ салоҳиятларининг концентрация қилиниши хўжалик бирлиги гуруҳига кирадиган ҳар бир аъзо ташкилот ва корхона (ёки субъект)нинг анча мақсадли йўналишда фаолият юритишига имкон яратади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг гуруҳларга бирлашиши қуйида кўрсатилган қўшимча устунликларга эришишни таъминлайди:

- тўхтаб қолишлар ёки сусткашликларни анча пасайтиради ёки батомом бартараф этади ва вертикал интеграцияда захираларни самарали тақсимлайди;

- ишлаб чиқаришдаги тўхташларни қисқартиради, операциялар кўлами, молиявий ресурсларни горизонтал интеграция бўйича тақсимлашда мобилликни кенгайтиради;

- ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиниши конъюктуранинг ноҳуш тебранишларини пасайтиришга олиб келади;

- янги турдаги маҳсулотлар ўйлаб топиллиши ва уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш натижасида бу маҳсулотлар сотилиши бўйича ижобий кўрсаткичларга эришиш имконияти яратилади.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиши бир қанча камчиликларга ҳам эгадир, бу камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- монополизмнинг юзага келиш эҳтимоли бор;

- бошқариш функцияларида бюрократизм ва суистеъмоллика йўл қўйилиши мумкин;

- рентабелсиз корхоналарни яширин равишда қўллаб – қувватлаш эҳтимоли бўлиши мумкин;

- вакиллик ва бажарувчи ҳокимият органларида лобировкага йўл қўйилиш эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитларида қурилиш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш қурувчилар олдига қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига олиб келади, муносабатларнинг бундай ўзгариши бозор талабларидан келиб чиқади. Улардан энг асосийлари: барча ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, инвестицияни концентрациялаш, кредит берувчи, ишлаб чиқарувчи ва савдо ташкилотларини битта тузилмага бирлаштириш.

Кўп соҳали ва кооператив бирлашмалар асосан холдинглар ва молия – саноат гуруҳларида ўз аксини топган. Ҳозирги вақтда бундай тузилмалар кўплаб ташкил этилган ва фаолият юритяпти, улар муассислик ҳужжатларига асосан акционерлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, тўлиқ турдаги ўртоқлик жамиятлари деб ҳисобланади, ҳақиқатда эса улар холдинглар ёки молия – саноат гуруҳларидир.

Юридик шахслар бирлашмаларининг маълум бўлган барча ташкилий шакллари ичида холдинглар ўзининг тарқалиши бўйича чегаралангандир. Расмий ҳужжатлар қаторига холдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайдиган иқтисодиёт тармоқларининг рўйхатлари илова қилинади. Шуниндек, холдинглар таркибига хусусийлаштирилиши чегараланган корхоналарнинг ҳам кириши мумкин эмас. Уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти Давлат томонидан назорат қилинади. Холдинглар учун холдинг чегарасидан ташқаридаги ички бозорда нархларни тартиблаш ва корхоналар маҳсулотлари (иш ва хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича чекланишлар киритилган яъни бир сўз билан айтганда таъқиқланган. Лекин холдинглар ихтиёрий асосда ҳам ҳосил қилина бошланди. Улар акциялар пакетлари сотиб олингандан сўнг ва акцияларни сотишнинг иккинчи бозорида сотилгандан кейин тарқатилишида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Холдингнинг асосий ташкилий – ҳуқуқий шакли бу очиқ турдаги акционерлик жамиятидир.

Холдингларни яратишда акционерлик жамиятлари учун киритилган чегаранишларни ҳисобга олиш тақозо этилади. Масалан, акционерлик жамиятини хусусийлаштириш жараёнида ҳосил қилинган акцияларни устав капиталига киритишга йўл қўйилмайди. Шуниндек, шўъба корхоналари ходимлари холдингнинг уставли капиталига акцияларни киритишлари аниқланган. Бу акциялар ўрнига ушбу ходимларга холдинг компаниясининг акциялари берилади. Лекин холдинг акцияларини юридик ва жисмоний шахсларга тақсимлашда чегаранишлар мавжуд эмас.

Қурилиш ташкилотларининг холдинг компанияларида иштирок этишида улар қурилиш ишларини бажаришда буюртмалар олиш бўйича катта имкониятларга эга бўладилар. Айниқса шуниси муҳимки, холдинглар инвестицион ресурсларни концентрациялаш муаммосини муваффақиятли ечадилар, бу муаммони улар нафақат хусусий капитални мобиллаштириш эвазига, балки уларни алмаштириш бўйича мавжуд бўлган катта имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига ҳам ечадилар.

Шулар билан бир бир қаторда, қурилиш ташкилотлари учун холдинг компанияларида кўп соҳали ва кооператив тузилмалар яратилишида юзага келадиган тенденцияларни ҳам ҳисобга олишлари



лозим бўлади. Ҳозирги вақтда молия – саноат гуруҳларини (МСГ) тузишга катта эътибор ажратилляпти.

Молия – саноат гуруҳлари (МСГ) (саноат – молиялаштириш гуруҳлари) аввалом бор, банк ва саноат капиталини интеграциялашнинг муҳим шаклини ўзида намоён этади. Уларнинг таркибига кичик корхоналар, ўрта ва йирик ташкилотлар ҳамда корхоналар ва ҳаттоки трансмиллий компаниялар ҳам киритилади.

МСГ деганда турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган интеграллашган тузилмаларнинг кенг доирасини тушуниш тақоза этилади. Хориж амалиётида МСГ маълум бир ташкилий – ҳуқуқий шаклларда фаолият юритаётган ҳамда пухта шаклга эга бўлган саноат ва молиявий тузилмаларни ўзининг таркибига киритади.

Аммо шуни эътиборга олиш жоизки, бу бирлашмалар ўзларининг катталиги тўғрисида МСГ дейилмайди. Булар концернлар, консорциумлар, трансмиллий компаниялар, корпорациялар, конгломератлардир. “Гуруҳ” атамаси аксарият ҳолларда шартли характерда юритилади. Шунга қарамасдан, шуни эътибога олиш керакки, “гуруҳ” атамаси иқтисодий салоҳиятли тизимлар ва халқаро ишлаб чиқариш, капитал, ишчи кучи, ахборотлар ва билимларнинг халқаро бозорларда эгаллаб турган ўринни белгилаш учун ишлатилади. МСГлар айниқса 1995 йилдан бошлаб жадал суръатлар билан яратила бошланди.

МСГ иштирокчилари томонидан эркин ҳолда ташаббус билан ёки гуруҳнинг битта иштирокчиси томонидан бошқа иштирокчиларнинг акциялар пакетларини ўтказиш тартибида консолидация йўли билан яратилиши мумкин, шунингдек, ҳукумат органлари билан келишув асосида ҳам тузиш мумкин. МСГларни яратишнинг бундай хилма-хиллиги уларда бошқарув тизимини йўлга қўйиш бўйича аниқ талабларнинг ишлаб чиқилиши ва бажарилишини тақозо этади.

МСГларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан назорат қилинади. МСГларни тузишга ва уларнинг фаолиятига тегишли бўлган саволлар албатта Давлат антимонопол сиёсати билан келишилади ва ушбу Комитет томонидан назорат қилинади.

МСГларни рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ариза; шартнома; МСГ таркибига кирганлигини тасдиқловчи юридик шахслар ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган); ташкилий лойиҳа; Антимонопол комитетнинг хулосаси.

МСГда бошқаришнинг асосий жиҳатлари - иштирокчилар ичидан марказий компания таркибини ажратиб олиш. Иштирокчилар марказий компания мажбуриятлари бўйича масъулиятни ўз зиммаларига олишга мажбурдирлар. МСГлари иштирокчиларига маълум имтиёзлар (енгилликлар) ўрнатади. МСГларнинг фаолияти шартнома орқали регламентлаштирилади. МСГ иштирокчилари вакилларининг йиғилишида МСГни бошқарувчилар Кенгаши сайланади, бу Кенгаш

МСГ фаолиятини бошқариш бўйича кўплаб савол ва масалаларни ечади.

Турли ҳуқуқий далолатномалар билан расмий рўйхатдан ўтказилган МСГлар учун қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилади:

- 1) Акцияларнинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш;
- 2) Гуруҳлар иштирокчилари қарзларини ҳисобга олиш;
- 3) Давлат кафолатларини тақдим этиш;
- 4) Имтиёзли кредитлар бериш;
- 5) МСГ иштирокчиларига амортизация муддатини ва амортизация ажратмалари жамғармасини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқини бериш;
- 6) Консолидацияланган мувозанат ҳолатини билиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Бу имтиёзлар айтарлик даражада амалга оширилмаётган бўлсада, лекин улар бошқа ижобий омиллар қаторида ташкилот фаолиятининг бу шаклини ривожлантиришга шарт – шароитлар яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари қурилишда ҳам қимматли қоғозларни инвестициянинг ҳар хил турларига, турли ишларга ва тармоқларга инвестициялаш ҳамда тадбиркорлик бўйича тахминий ҳаракатларни минималлаштириш орқали бир – бирига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш (кўп тармоқли компаниялар яратиш)ни бир вақтнинг ўзида ривожлантириш ва ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ассортиментларини кенгайтириш бўйича ишлаб чиқаришни *диверсификациялаш* юзага келади.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши тўғрисида огоҳлантириш воситаси бўла олмасада, лекин у юзага келадиган оқибатларни енгиллаштиришга хизмат қила олади.

Диверсификация сўзини кенг маънода ишлаб чиқарилиши фирманинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган маҳсулотларнинг янги турлари бозорида ушбу фирма фаолият сфералари сонини кенгайтиришга йўналтирилган маркетинг стратегияси тури сифатида кўриб чиқиш мумкин.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилиш ишлаб чиқариши концентрациясини тушунтириб беринг.
2. Қурилиш ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш деганда нимани тушунаси?
3. Қурилиш тармоғида кооперациялаш ва комбинациялаштиришлар қандай ташкил қилинади?
4. Қурилишда холдинг ташкилотлари қандай ташкил қилинади?
5. Молия-саноат гуруҳлари (МСГ) нима ва улар таркибига қайси ташкилотлар киради?

## **22-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** лойиҳа, қурилажак иншоотнинг архитектуравий-режавий, конструктив-копновкали ва технологик ечимлари, иншоот қурилиши техник имкониятлари, қурилиш таннархини, қурилиш объектининг иқтисодий самарадорлиги, инвестициялаш имкониятлари ва кутилаётган техник-иқтисодий кўрсаткичлар, объект қурилиши инвестициясининг техник-иқтисодий асоси, инвестицияларни техник-иқтисодий асослаш, лойиҳалаш жараёни, лойиҳалар техник даражаси, муаммоли изланишлар, бизнес–режа, маркетинг режаси, ишлаб чиқариш режаси, ташкилий режа, молиялаштириш стратегияси, техник–иқтисодий асос (ТИА), техник топшириқнинг ишлаб чиқилиши, қурилиш учун майдонни танлаш, инженерлик қидирув ишлари, бошқаришнинг автоматик тизими (БАТ), “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш” (ҚИТЭ), экспертиза, ҳажмий-режавий ечимларни такомиллаштириш, биноларни йириклаштириш ва блоклаштириш, ярим ўтувчан ва ўтувчан каналлар, конструкцияларни йириклаштириш ва фазовий конструкцияларга ўтиш, илғор технология асосида ишлаб чиқарилаётган материаллар ва конструкциялар, пардозлаш материаллари.

### **Режа:**

- 22.1. Қурилишда лойиҳалаштириш мақсади ва вазифалари.**
- 22.2. Лойиҳалаш босқичлари ва лойиҳа ҳужжатларининг таркиби.**
- 22.3. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.**
- 22.4. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.**

### **22.1. Қурилишда лойиҳалаштириш мақсади ва вазифалари**

Ҳар бир қурилиш объектини тиклашда аввалом бор, унинг қурилишини амалга оширишнинг техник имкониятлари ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилади. Бу вазифалар, савол ва масалалар “лойиҳа” деб номланувчи махсус ҳужжатда ўз аксини топади.

*Лойиҳа* – бу қуриладиган инженерлик иншооти ёки қуйидаги кўринишда намоён этиладиган саноат ишлаб чиқарилиши ёки фуқаролар учун мўлжалланган объектларни шакллантириш бўйича қуйида келтирилган мақсадлар тизимидир:

- қурилажак иншоотнинг архитектуравий-режавий, конструктив-копновкали ва технологик ечимларининг график материаллари (чизмалари)дир;

- иншоот қурилиши техник имкониятлари, конкрет табиий муҳитда бажариладиган ишларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини асословчи ҳисоблаш-тушунтириш матни;

- қурилиш таннархини аниқлайдиган ва молиявий харажатлар, моддий-техникавий ва меҳнат ресурсларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб берадиган смета–иқтисодий қисм.

Қурилиш объектининг иқтисодий самарадорлиги, унинг ҳаётийлик циклининг характери ва функцияллашувининг давомийлиги, чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи, эксплуатация ва меҳнат қилиш шароитлари аҳамиятли тарзда лойиҳавий ечимларнинг даражасига, яъни бир сўз билан айтганда, лойиҳанинг қандай даражада тайёрланганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай объектни лойиҳалаш одатда бир нечта босқичларда амалга оширилади. Лойиҳалашнинг биринчи босқичида ғоя пайдо бўлгандан сўнг инвестициялаш мақсадлари: объектнинг қандай вазифа бажаришга мўлжалланиши, унинг қуввати, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси, жойлашиш ўрни аниқланади.

Инвестициялаш имкониятлари ва кутилаётган техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришишни баҳолаш олиб борилади.

Биринчи босқичда бажарилган изланишлар (илмий-тадқиқот ишлари) ва ишлар асосида буюртмачи (инвестор) ғояларни амалга ошириш бўйича ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш бўйича қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда буюртмачи қурилиши мумкин бўлган объектнинг берилган районда қурилиши кутилаётганлиги тўғрисидаги объектни жойлаштириш бўйича олдиндан келишишни илтимос қилиш тариқасидаги ариза билан маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларидан ижобий жавоб олингандан кейин буюртмачи *иккинчи босқич* ишлари – объект қурилиши инвестициясининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга киришади. Бу босқичда зарур бўлган инженерлик қидирувлар олиб бориш билан инженерлик айнақса иқтисодий ва смета-молия саволлари анча чуқур ўрганилади. Инвестицияларни техник-иқтисодий асослаш натижалари бўйича қурилишнинг мақсадга мувофиқлиги ва лойиҳалашни-техник лойиҳани (лойиҳани) ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Лойиҳалаш жараёни давомийлиги лойиҳалашдан бошлаб қурилиш бошланишига қадар ўрта ва нисбатан катта объектлар бўйича 5 йилдан 10 йилгача давом этиши мумкин; алоҳида мураккаб ва йирик объектлар бўйича лойиҳалаш-илмий–тадқиқот ишларининг давомийлиги ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бундай муддатда вазият лойиҳани ишлаб чиқишнинг бошида қабул қилинган ўша пайтдаги фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланган инженерлик ечимларнинг объектни фойдаланишга тушириш вақтига келиб шунчаки эскириб қолишига олиб келади. Шу туфайли саноат

корхоналарининг лойиҳаларида фан ва техниканинг энг янги ютуғлари, ишлаб чиқаришнинг илғор технологияси, энг янги юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эга бўлган воситалар (жиҳозлар)дан, қурилмалар, агрегатлар, ишларни комплексли механизациялаш ва автоматлаштиришдан тўлиқ фойдаланиш, ресурсларнинг барча турларидан ва чиқинди чиқармайдиган технологиялардан оқилона фойдаланишни кўзда тутиш тақозо этилади. Шаҳар ва қишлоқларда қуриладиган янги фуқаро-яшаш объектларини лойиҳалашда яшаш учун барча қулайликларни яратиш ва аҳолига максимал хизмат кўрсатишни кўзда тутиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни лойиҳалашда саноат асосидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тез бузиладиган маҳсулотлар (сабзавотлар, мевалар)ни қайта ишлашга асосланган йирик механизациялашган, ихтисослашган комплексларни яратиш вазифаси асосий мақсадлардан бири сифатида намоён бўлади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, турар-жой, жамоат ва фуқаро бинолари лойиҳаларида уларнинг ташқи қиёфасига катта эътибор қаратилади, чунки янги объектни жойлаштириш билан нафақат иқтисодий самара олиниши, балки ижтимоий ва шаҳарсозлик бўйича ҳам самара олиниши лозим. Ердан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор ажратилади.

Лойиҳанинг сифати нафақат илғор техник ечимлар билан, балки смета ҳужжатларининг тўғри бажарилганлиги билан ҳам аниқланади. Лойиҳаланаётган объект техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва қурилишни режалаштириш ҳамда молиялаштириш, қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қурилиш-монтаж ташкилотларида иқтисодий ишларни олиб бориш ва улар ишини назорат қилиш учун қурилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда сметадан фойдаланилади. Қурилишда ишлаб чиқаришнинг бориши ва қурилиш иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан қуриладиган объектларнинг сметали нархини тўғри аниқлашга боғлиқ бўлади.

Лойиҳалар техник даражаси билан қурилиш-монтаж ташкилотларида меҳнат унумдорлиги ўсишининг жадаллиги ҳамда материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарининг иш самарадорлиги шарт –шароитланади.

Лойиҳаларда биноларнинг максимал даражадаги ихчамлиги ва унификацияси кўзда тутилмоғи лозим, лекин бунда уларнинг архитектуравий мазмунига зарар етмаслиги, мавжуд механизация воситаларини ҳисобга олган ҳолда конструкцияларни йириклаштириш, лойиҳавий ечимларнинг технологиклигига, юқори иш унумдорлигига эга бўлган техникалардан фойдаланишга тўсқинлик бўлмаслигига эътибор қаратилиши талаб этилади. Лойиҳаларда қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва режалаштириш учун зарур бўлган барча маълумотлар (ишларнинг ҳажмлари, материаллар, конструкциялар, машиналар, меҳнат ресурслари, транспорт воситаларига бўлган

эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар) акс эттирилмоғи тақозо этилади. Лойиҳада буюмлар, деталлар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Қўлланиладиган йиғма элементларнинг типли ўлчамлари ва маркалари лойиҳаларда минимал берилади. Бу эса заводларда оқимли линияларни ўзгартиришнинг олдини олади. Шундай қилиб, лойиҳалаштириш техникавий тараққиётнинг юксалиши билан биргаликда ривожланади.

Лойиҳалар катта ҳажмдаги изланишлар, график ва ҳисоблаш материалларига эга бўлади. Лойиҳалаштириш жараёнида, айниқса йирик ва мураккаб объектларни лойиҳалаш бўйича модели изланишлар, кўп сонли келишувлар, экспертиза олиб борилади ва тугалланган техник ҳужжатлар тасдиқланади.

Бу босқичларнинг барчаси албатта кўп меҳнат ва вақт талаб қилади, шу сабабли лойиҳалаш ва илмий изланиш ишлари қурилиш ишлаб чиқарилиши ишларидан анча аввалроқ олиб борилмоғи керак. Фақат шундай бўлгандагина қурилиш дастурининг зарурий ва сифатли техник ҳужжатларини ўз вақтида таъминлаш мумкин.

## **22.2. Лойиҳалаш босқичлари ва лойиҳа ҳужжатларининг таркиби**

Йирик мураккаб саноат объектлари ва комплекслари бўйича лойиҳа-илмий изланиш ишлари одатда еттита характерли босқичларда олиб борилади:

- муаммоли изланишлар ёки мавжуд бўлган муаммолар ечимини топиш бўйича олиб бориладиган изланишлар;

- бизнес-режа ишлаб чиқиш;

- инвестицияларни техник-иқтисодий асослаш;

- қурилиш учун қурилиш майдонини танлаш ва тасдиқлаш;

- лойиҳалаш учун топшириқни ишлаб чиқиш ва уни лойиҳалашга тақдим этиш;

- инженерлик қидирув ва изланишларни олиб бориш;

- лойиҳалаштириш.

Лойиҳалаш-илмий изланишларни бажаришга буюртмачи албатта, қоидага кўра, ихтисослашган лойиҳалаш-илмий –текшириш фирмаларини жалб қилади. Ихтисослашган лойиҳалаш-илмий – текшириш фирмаларини танлаш савдолашиш эълонини тарқатиш орқали амалга оширилади.

*Муаммоли изланишлар* – фақат йирик ва мураккаб объектларни лойиҳалашда олиб борилади ва улар бизнес-режани ишлаб чиқиш ҳамда инвестицияларни техник-иқтисодий асослаш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни олишга йўналтирилади.

*Бизнес–режа* – қурилиш объектининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб берадиган ҳужжат, шунингдек, бу ҳужжат тадбиркорлик фаолияти сферасида иштирок этишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини баҳолашда ҳам ишлаб чиқилади. Шулар

билан бир қаторда бу ҳужжат нима ишлаб чиқариш керак, ишлаб чиқариладиган товарнинг рақобатбардошлиги қандай қилиб оширилади, қандай кредитлар зарур бўлади ва уларни қачон олиш керак ҳамда уларни қайтаришнинг имкони борми, товар ишлаб чиқаришни илгари суриш учун қандай шериклар керак бўлади ва шу каби саволларга бериладиган жавобларни ўз ичига олади. Бизнес-режа қурилиш объекти иқтисодий самарадорлиги – ўзини оқлаш муддати, олинадиган даромаднинг миқдори, корхона маҳсулотларини сотиш йўллари тўғрисидаги тасаввурларни ҳам беради.

Бизнес-режа бозор, унинг сиғими, муҳитнинг рақобатлилиқ даражаси, нархларнинг динамикасини ўрганиш натижаларини ўз ичига олади ва бўлажак буюртмачилар ҳамда инвесторлар билан музокаралар олиб боришда асос бўлиб хизмат қилади. У қуриладиган объектнинг рақобатли муҳит шароитларида ҳаётийлигини аниқлаш имконини беради, ишлаб чиқаришнинг қандай қилиб ривожлана олишига оид тавсияларни ўзида мужассам этади, ташқи инвесторлардан молиявий ёрдам олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режа одатда қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

*тақриз*, унда объектнинг қандай вазифани бажаришга мўлжалланганлиги, янгидан яратиладиган корхона нимани ва ниманинг ҳисобига товар ишлаб чиқаришга интилаётганлиги, ишлаб чиқариладиган товар рақобатчиларникидан нимаси билан фарқ қилиши ва нима учун истеъмолчилар айнан шу товарни сотиб олишни истаётганликлари кўрсатилади. Тақризда келгусида амалга ошириладиган ишлардан қандай асосий молиявий натижалар: сотиладиган товарларнинг ҳажмини башорат қилиш, олинадиган фойда, ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағлар, умумий даромад ва фойда олишнинг даражаси ҳамда рентабеллик, шунингдек, банкдан олинган кредитни қайтариш муддати ва шу кабилар берилади.

*Товарлар (ишлар ва хизматлар) тури* – мавжуд бўлган, яъни олдиндан ишлаб чиқарилаётган ва янги товарлар номенклатураси, кўсатиладиган ишлар ва хизматлар, ишларни ишлаб чиқариш технологиясининг устунлиги нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Агар бу қурилиш ёки лойиҳалаш-илмий текшириш ташкилотига тегишли бўлса, у ҳолда бу қурилиш ёки лойиҳалаш-илмий текшириш ташкилоти қандай салоҳиятга эга эканлиги эътиборга олинади.

*Савдо–сотик бозорлари* – савдо-сотик билан шуғулланаётган мавжуд бозорларни таҳлил қилиш, таъсир ўтказиш доирасини кенгайтириш бўйича таклифлар келтирилади. Истеъмолчиларни, уларнинг талаб-эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга маҳсулотларни қандай қилиб етказиш энг муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади. Буюртмачини яхши тушунмасдан туриб, маҳсулотлар, ишлар ва

кўрсатилаётган хизматларнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш анча қийин бўлади.

*Савдо-сотик бозоридаги рақобат* – конъюнктура, рақобатчилар, уларнинг стратегияси ва қурилиш маҳсулотлари бозоридаги тактикаси, ташкилотлар сони, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажариш бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳақидаги маълумотлар таҳлилини ўз ичига олади.

*Маркетинг режаси* маркетинг, нархларни ҳосил қилиш (нархларни белгилаш)нинг мақсад ва стратегиясини, ишлар ва хизматларни тақсимлаш схемасини ўзида мужассам этади, реклама ва жамоатнинг фикрини шакллантиришга оид саволларни ечади.

*Ишлаб чиқариш режаси* бўлажак қурилиш объектининг ишлаб чиқариш қуввати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Агар сўз қурилиш ташкилоти ҳақида юритилаётган бўлса, у ҳолда унда қурилиш ташкилотининг қуввати, унинг асосий ишлаб чиқариш жамғармалари, ташкилот салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бош вазифа-буюртмачиларга ўзини салоҳиятли қилиб кўрсатиш, яъни таклиф этилаётган иш ҳажмларини ташкилот зарур бўлган муддатларда ва талаб этиладиган сифатда бажара олишга қодир эканлигини намоён эта билиш.

*Ташкилий режа* – пудратли фирма ташкилий структураси ва унинг персонали: таркиби, ёши, маълумоти, иш тажрибаси; ишчи кучи, моддий шароитлари, кадрлар сиёсати ва шу каби маълумотларни ўз ичига киритади. Агар сўз қуриладиган объект, корхона ҳақида бораётган бўлса, у ҳолда ҳам худди шундай маълумотлар келтирилади.

*Ҳуқуқий таъминланганлик.* Қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш фирмалари учун уларнинг тузилган санаси кўрсатилади, рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотлар, муассислик ҳужжатлари, фаолият юритишни асословчи гувоҳноманинг рақами (лицензиянинг номери), мулкчилик шакли, бошқа ташкилотлар билан ишлаш тўғрисидаги шартномалар ёки тақризларнинг нусхалари келтирилади.

*Хавф-хатарга бориш (таваккал қилиш) ва суғурталашнинг баҳоланишида* – хавф-хатар даражаси ва берилган корхонада ишлаб чиқаришга иштирок этишининг мақсадга мувофиқлиги аниқланади, қурилиш объектлари, ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини суғурталашга доир саволлар кўриб чиқилади.

*Молиявий режа* – бажарилган ишлар ҳажми, фойда, таннарх, даромадлар ва харажатлар, пул маблағларининг айланиши, молиявий мувозанатни ўз ичига олади.

*Молиялаштириш стратегияси* – қуйидаги маълумотлар: лойиҳани амалга ошириш учун қанча маблағ керак бўлади, кредитни қаердан ва қандай шаклда олиш мумкин, кредитнинг шартлари, сарфланган маблағлар қандай муддатда қопланиши мумкинлигини ўзида мужассамлайди.



Ишлаб чиқилган бизнес-режа натижалари асосида буюртмачи бўлажак қурилиш объектининг берилган районда қурилиши кўзда тутилаётганлиги тўғрисидаги арзнома билан маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилади. Қурилиш кўзда тутилаётган ишлаб чиқариш объектлари тўғрисидаги арзномада корхона тўғрисидаги техник ва технологик маълумотлар, ишчилар ва хизматчиларнинг таркибий сони, корхонанинг хом-ашё ва материаллар, энергия ресурслари, сув, ер ресурсларига бўлган тахминий эҳтиёжи, корхонанинг атроф-муҳит ва экологик вазиятга кўрсатадиган эҳтимолий таъсири тўғрисидаги тушунчалар, ишчи- хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари, уларни турар-жой, маданий ва маиший хизматлар кўрсатадиган объектлар билан таъминлай олиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Қурилиш кўзда тутилаётган объект тўғрисидаги арзнома молиялаштириш манбалари ва тайёр маҳсулотдан фойдаланишга оид маълумотларни ҳам ўзида мужассам этади.

Қурилиш кўзда тутилаётган объект тўғрисидаги арзнома тўғрисида ижобий хулоса олингандан сўнг буюртмачи қурилишга ажратиладиган инвестицияларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослашни ишлаб чиқишга киришади. Инвестицияларни техник–иқтисодий жиҳатдан асослаш хўжаликнинг зарур эканлиги, инвестицияларнинг техник имкониятлари, тижорат, иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи- назардан мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилиш мақсадида олиб борилади.

Қурилиш инвестициялари *техник–иқтисодий асоси (ТИА)* муҳим ҳужжат ҳисобланади, унинг асосида қурилиш кўзда тутилаётган объектни қуриш ва техник лойиҳани ишлаб чиқиш учун принципиал қарорлар қабул қилинади.

Инвестициялар ТИАни ишлаб чиқишда маркетинг, талаб ва эҳтиёжга оид бўлган саволлар бўйича нарх, инфляция, ишбилармонлик фаоллигини ҳисобга олган ҳолда анча чуқур изланишлар олиб борилади, шунингдек, бозор конъюнктурасини олдиндан таҳлил ва башорат қилиш асосида маҳсулотларни сотиш сиёсати анча пухта асослаб берилади, маҳсулотлар савдо-сотиғини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, ташқи бозор учун ҳам шу худди шундай ишлар амалга оширилади ва ҳ.к. Шу билан бир қаторда, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар технологияси ҳам анча чуқур асослаб берилади, бўлажак корхонанинг ресурслар билан таъминланиши юқори даражадаги пухталиқ билан таҳлил қилинади.

Инвестициялар ТИА таркибига қурилиш объектининг жойлашиш ўрнини асослашга доир маълумотлар: транспорт коммуникациялари, инженерлик тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектлари, маҳсулотларни сотиш бозорининг мавжудлиги киради. Бу бўлим ҳажмий-режавий ва конструктив саволлар бўйича принципиал ечимлар: қурилишнинг муддати ва кетма-кетлиги, қурилишни ташкил

этиш ҳамда унинг технологияси бўйича умумий ҳолатлар, энергия газ таъминоти ечимларини ўз ичига олади. Атрофдаги табиий муҳитга кўрсатиладиган таъсир характери баҳоланади, меҳнат ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжлар, асосий техник–иқтисодий кўрсаткичлар ва инвестицияларнинг самарадорлиги аниқланади, буюртмачи томонидан мамлакатда ва хорижда қурилган объектларнинг уларга ўхшаш бўлган объектларга нисбатан техник-иқтисодий кўрсаткичлари қиёсланган ҳолда таҳлил қилинади.

Инвестициялар ТИАни ишлаб чиқишда, қоидага кўра, қурилиш объектининг бир нечта вариантлари кўриб чиқилади. Ҳар бир вариант бўйича нархнинг энг йирик кўрсаткичлари бўйича капитал маблағлар ҳажми (К), маҳсулотнинг таннархи (Т), солмиштирама капитал маблағлар, хом-ашёлар, ёқилғи, электроэнергиянинг солиштирама сарфи, ишлаётган ишчи-ходимларнинг сони, меҳнат унумдорлиги аниқланади.

Инвестициялар ТИА бўлимларининг номлари бизнес–режа бўлимларининг номларига етарли даражада яқин бўлади, лекин улар мазмун-моҳияти бўйича иқтисодий жиҳатдан чуқур ишланиши сингари, инженерлик ечимлари бўйича ҳам бизнес-режа бўлимларидан фарқ қилади. Агар бизнес-режа инвестициялар ТИА ишлаб чиқилгандан кейин ишлаб чиқилган вазиятларда инвестициялар ТИА материаллари бизнес-режани ишлаб чиқиш учун хизмат қилади. Бизнес-режа бундай ҳолатда корхонанинг пул тўлай олиш қодирлиги ва молиявий устуворлигини тасдиқлаш мақсадида шакллантирилади.

Инвестициялар ТИА давлат экспертиза хулосалари ва объект қуриладиган жойнинг ижро ҳокимияти органи томонидан келишилганлиги тўғрисидаги қарор асосида тасдиқланади. Объектнинг жойлашиш ўрнини танлаш қурилиш учун майдон танлаш далолатномаси орқали расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Тасдиқланган инвестициялар ТИА ва майдон танлаш далолатномаси лойиҳалашнинг кейинги босқичи – лойиҳа (техник лойиҳа)га ўтиш имконини беради.

*Техник топшириқнинг ишлаб чиқилиши ва унинг лойиҳалаштиришга тақдим этилишидан кейин лойиҳани ишлаб чиқишга киришилади.* Техник топшириқнинг лойиҳалаштиришга берилиши буюртмачи томонидан амалга оширилади. Лекин буюртмачи топшириқни тузиш учун етарлича савияга эга эмаслиги туфайли уни тузиш учун лойиҳалаш ёки инжиниринг фирмасини жалб этади. Техник топшириқ лойиҳалаш ишлари учун тузилган ҳар қандай шартнома (контракт)нинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

Саноат объектини лойиҳалаш учун тақдим этилган топшириқ қурилиш райони, пункти ва майдони, маҳсулотнинг тавсифи, унинг номенклатураси ва ишлаб чиқариш қуввати, технологик жараёнлар ва жиҳозларга асосланган ихтисослаштириш ва кооперациялаш, хом-ашёлар, сув, ёқилғи, газ ва электр энергияси билан таъминлайдиган

манбалар, оқова сувларни тозалаш ва оқизиб юбориш шароитлари, тайёр маҳсулотларни истеъмол қиладиган районлар, қурилиш муддати ва қувватларни ишга тушириш кетма-кетлиги, капитал маблағларнинг тахминий миқдори, яшаш-фуқаро қурилишининг ҳажми ва уни жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ўрнатилган амалиётга кўра техник лойиҳани ишлаб чиқишга қадар бажарилган лойиҳалаш, қидирув ва текшириш ишларини лойиҳалаш олди босқичи деб ҳисоблаш қабул қилинган. Лойиҳалашнинг бевосита босқичи техник лойиҳани ишлаб чиқиш билан бошланади.

Лойиҳалашга топшириқни тайёрлашда *қурилиш учун майдонни танлаш* лойиҳа буюртмачиси, лойиҳалаш ташкилоти, пудратчи қурилиш ташкилоти, маҳаллий ҳокимият органлари, санитария-эпидемиология хизмати, давлат ёнғин хавфсизлиги назорати, давшаҳартехназорат, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш органлари, темир йўл, алоқа, энергетика, фуқаро мудофаа бошқармаларининг вакилларида ташкил топган комиссия томонидан олиб борилади.

Қурилиш майдони учун қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга яроқсиз бўлган ва аҳоли пунктлари, сув таъминоти, энергия таъминоти манбаларига яқин бўлган ер участкаларини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Майдон санитария талабларини қондирмоғи лозим.

Комиссия майдонни танлаш тўғрисидаги далолатномани тузади, ушбу далолатнома кўзда тутилаётган лойиҳавий ечимлар ҳамда корхонани инженерлик тармоқлари ва коммуникацияларига улаш тўғрисидаги келишувнинг асосий ҳужжати деб ҳисобланилади.

*Лойиҳалаш топшириғини* буюртмачи лойиҳалаш ташкилоти иштирокида тасдиқланган ТИА асосида тузади. Саноат объектини лойиҳалаш учун тақдим этилган топшириқ қурилиш райони, пункти ва майдони, маҳсулотнинг тавсифи, унинг номенклатураси ва ишлаб чиқариш қуввати, технологик жараёнлар ва жиҳозларга асосланган ихтисослаштириш ҳамда кооперациялаш, хом-ашёлар, сув, ёқилғи, газ ва электрэнергия билан таъминлайдиган манбалар, оқова сувларни тозалаш ва оқизиб юбориш шароитлари, тайёр маҳсулотларни истеъмол қиладиган районлар, қурилиш муддути ва қувватларни ишга тушириш кетма-кетлиги, капитал маблағларнинг тахминий миқдори, яшаш-фуқаро қурилишининг ҳажми ва уни жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

*Инженерлик қидирув ишлари* объектни қуришда ва уни эксплуатация қилишда техник жиҳатдан тўғри ҳамда иқтисодий асосланган лойиҳавий ечимларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мақсадида олиб борилади. Инженерлик қидирув ишлари иккита: иқтисодий ва техник тадқиқотлар қисмларига бўлинади. Инженерлик қидирув ишларининг иқтисодий қисми инвестицияларнинг ТИА ни ишлаб чиқиш ва бизнес-режа тузиш

вақтида олиб борилади. Лекин бу изланишларнинг маълум қисмидан лойиҳалаш жараёнида ҳам фойдаланилади. Иқтисодий изланишлар вазифасига қуйидагилар: ишлаб турган корхоналарнинг мавжудлиги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хом-ашё манбалари, ёқилғи-энергия ресурслари, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган инженерлик тармоқлари, темир ва автомобил йўллари, сувнинг уланиш йўллари, меҳнат ресурслари ва яшаш майдони, хом-ашё базасини ривожлантириш, ер фондининг ҳолати ҳақидаги малумотларни тўплаш киради.

Техник тадқиқотлар ёки изланишлар жараёнида бажариладиган ишлар комплексига топографик-геодезик ишлар, инженер-геологик, гидрогеологик ва гидрологик, иқлимий, тупроқ – ва геоботаник, санитар-гигиеник тадқиқотлар, қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш киради. Тадқиқотларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги лойиҳада қабул қилинган ечимларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаб беради.

Лойиҳалаш иккита босқич – техник лойиҳа ва ишчи чизмалар ёки битта босқич – техник-ишчи лойиҳа орқали амалга оширилиши мумкин.

Иккита босқичда мураккаб саноат объектлари, шунингдек, шаҳарларда қуриладиган, бош режага эга бўлмаган яшаш-фуқаро объектлари лойиҳанади. Бошқа барча объектлар битта босқичда лойиҳанади.

Техник лойиҳа қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- 1) умумий тушунтириш матни;
- 2) бош режа ва транспорт;
- 3) технологик ечимлар;
- 4) ишлаб чиқариш ва корхонани бошқариш ҳамда ишчи ва хизматчилар учун шароитлар яратиш ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этиш;
- 5) архитектуравий-қурилиш ечимлари;
- 6) инженерлик жиҳозлари, тармоқлар ва тизимлар;
- 7) қурилишни ташкил этиш;
- 8) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- 9) фуқароларни ҳимоялаш бўйича инженер-техник тадбирлар;
- 10) смета ҳужжатлари;
- 11) инвестицияларнинг самарадорлиги.

*Умумий тушунтириш матнида* объектнинг лойиҳавий қуввати, маҳсулотлар номентклатураси, сифати ва рақобатбардошлиги, объект бўйича ресурсларга бўлган талаб–эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлар, қурилиш майдони жойлашган районнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитлари, бош режа, инженерлик тармоқлари ва коммуникациялари ҳамда инвестицион лойиҳани

амалга оширишнинг бошқа характеристикалари бўйича асосий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар берилади.

2. *Бош режа ва транспорт.* Бош режа, ички майдон ва ташқи транспорт бўйича кўрсаткичлар, ҳудудни кўкаламзорлаштириш бўйича асосий режавий ечимлар, тадбирлар ва бошқа материалларни ўз ичига олади.

3. *Технологик ечимлар* – ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотларни тайёрлаш учун зарур бўлган меҳнат сиғими характеристикалари, маҳсулотлар сифатини назорат қилишни ташкил этиш бўйича таклифлар, технологик жараёнларнинг ёқилғи-энергетик ва моддий баланслари, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқаришни бартараф этиш бўйича техник ечимлар келтирилади ва ҳ.к.

4. *Ишлаб чиқариш, корхонани бошқариш ҳамда ишчи ва хизматчилар учун барча зарур бўлган шароитларни яратишни ташкил этиш ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш* корхонани бошқари ташкилий-функционал тузилмасининг таҳлилини, бошқаришнинг автоматик тизими (БАТ), ишчи ўринлари сони ва жиҳозлар билан таъминланганлиги, ишчи-ходимлар меҳнат қилишлари учун санитария-гигиеник шароитларнинг яратилганлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни ўз таркибига киритади.

5. “Архитектуравий-қурилиш ечимлари” бўлимига қурилиш майдонининг инженер-геологик, гидрогеологик шароитлари тўғрисидаги маълумотлар, архитектуравий-қурилиш ечимларининг ва ишлаб чиқариш шовқинларини ва тебранишларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларнинг асосланиши киради ва ҳ.к.

6. *Инженерлик тармоқлари ва тизимлари, жиҳозлари* бўлимида сув таъминоти, канализация, иситиш тармоғи, шамоллатиш бўйича ечимлар келтирилади ва ҳ.к.

7. “*Қурилишни ташкил этиш*” бўлимида ҚМҚга мувофиқ равишда “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш” (ҚИТЭ) ишлаб чиқилади ва унда объектни тиклаш жараёнида ресурслардан (шу билан бир қаторда вақт ресурсларидан ҳам) фойдаланиш принциплари тавсифланади.

ҚИТЭ таркибий қисмлари-қурилиш бош режаси ва қурилиш календар режасидан иборат бўлади. ҚИТЭда қурилишни материаллар, конструкциялар, яримфабрикатлар, деталлар, буюмлар, қурилиш машиналари ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш манбаларига доир савол ва масалалар ечилади. Бунда бутун қурилиш бўйича қурилиш ишлаб чиқариши ҳажмлари мавжуд бўлган ресурслар билан солиштирилади. Агар корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари етарли бўлмаса, у ҳолда уларни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси объектлар қурилиши календар режаси ва асосий қурилиш-монтаж ишларини ишлаб чиқариш

методларини ўз ичига олади, пудратчи қурилиш ташкилотлар таркиби, уларни бошқариш тизими, қурилишни амалга ошириш жараёнида уларни ривожлантириш йўллари аниқлаб беради.

8. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” бўлимида объектни қуриш жараёнида ҳам кейинги эксплуатация жараёнида ҳам атрофдаги табиий муҳитга кўрсатиладиган зарарли таъсирни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар келтирилади.

9. *Фуқаро мудофаси бўйича инженер-техник тадбирлар* аҳоли ва ҳудудни табиий офатлардан ҳамда техноген характерли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ўз таркибига киритади.

10. “Смета ҳужжатлари” бўлими қурилиш таннархининг жамланган смета ҳисобларини, зарур бўлган ҳолларда сарф-харажатлар жамламасини, объектли ва локалли смета ҳисоблари, алоҳида турдаги сарф-харажатлар ва шу билан биргаликда тадқиқот ишлари ҳамда лойиҳалаш ишлари баҳосини ҳам ўзида мужассам этади. Смета ҳужжатларида қурилишнинг сметавий нархини иккита нарх бўйича: базисли ва олдиндан (ёки башоратли) баҳолаш тавсия этилади. Базисли ва башоратли нархлар асосида буюртмачилар ва пудратчилар қурилиш маҳсулотларига қўйиладиган жамланма (шартномали) нархларни шакллантирадилар.

11. *Инвестициялар самарадорлиги* бўлимида инвестицияларни асослаш вақтида ўрнатилган капитал маблағлар самарадорлигини баҳолаш аниқланади.

Лойиҳа (техник лойиҳа)да, қоидага кўра, қурилишни бажаришга жалб қилиш ва уни амалга ошириш бўйича савдолашиш эълони учун тендерли ҳужжат ишлаб чиқилади.

Техник лойиҳа, қоидага кўра, экспертизадан ўтказилади. Аксарият ҳолларда буюртмачи йирик ва мураккаб объектларни экспертизадан ўтказиш учун тендер эълон қилади. Экспертиза жараёнида ишлаб чиқилган лойиҳанинг лойиҳалаш учун тақдим этилган техник топшириққа мувофиқ келиши текширилади, илғор тараққиёт натижаларидан фойдаланганлик даражаси ва лойиҳавий ечимларнинг янглиги таҳлил қилинади, капитал маблағлар иқтисодий самарадорлигининг тўғри баҳоланганлиги текширилади, қабул қилинган лойиҳавий ечимлар мамлакатдаги ва хориждаги энг яхши лойиҳалар билан солиштирилади. Иншоотнинг хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган масалалар ечимларига алоҳида эътибор қаратилиши тақоза этилади.

Экспертиза яқунлангандан кейин экспертиза хулосаси лойиҳаловчига берилади. Лойиҳачи экспертлар томонидан кўрсатилган камчиликларни ўрганиб чиққандан кейин буюртмачи билан биргаликда лойиҳани тўлдириш ва унга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ундан сўнг лойиҳа тасдиқланади ва

буюртмачи объект қурилиши учун тендер эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилади, шу асосда пудратчи қурилиш ташкилоти аниқланади.

Халқаро амалиёт ва амалдаги тавсияларга мувофиқ объект қурилишига тегишли бўлган ишчи ҳужжатлар буюртмачи томонидан ишлаб чиқилади ёки унинг (буюртмачининг) қарори билан ишчи ҳужжатларнинг контракт асосида тузилиши ихтисослашган лойиҳа-илмий текшириш ташкилотларига топширилади.

Ишчи чизмаларни тузишда техник лойиҳадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларни пасайтирадиган, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиш шароитларига салбий таъсир кўрсатадиган ечимлар ёки иншоотнинг хавфсизлик даражасини пасайтирадиган ечимларни қабул қилиш тақиқланади.

Ишчи чизмалар келишув, экспертиза ва тасдиқлашга топширилмайди. Ишчи чизмалар қуриладиган корхона бош инженери ёки амалдаги корхона капитал қурилиши бошқармасининг бош инженери имзоси билан тўғридан-тўғри ишларни бажаришга тадбиқ этилади.

Ишчи лойиҳаларни тузиш босқичида қурилиш ташкилоти одатда ўзининг хусусий кучлари орқали ишларни ишлаб чиқариш лойиҳасини (ИИЛ) ишлаб чиқади, унда ишларни ишлаб чиқариш методлари ва объектни қуриш учун зарур бўлган ресурслар аниқланади.

Ишларни ишлаб чиқариш муддатлари моддий-техника ресурсларининг ҳажми ва уларнинг ўз вақтида етказилиб берилишига боғлиқ бўлади. Бу саволлар ишларни ишлаб чиқариш ва ресурсларнинг объектга етказилиш графигини тузиш вақтида ечилади. Қурилиш майдонини зарур бўлган материал ресурслари билан минимал равишда таъминлашдан келиб чиққан ҳолда қурилиш материалларини объектга етказиш графиги тузилади.

Объектнинг бош қурилиш режаси ҳам ишларни ишлаб чиқариш ва қуриладиган объектни ресурслар билан таъминлаш сингари ИИЛнинг муҳим таркибий қисмларидан бири деб ҳисобланади, унда қуриладиган бино ва иншоот олдиндан мавжуд бўлган доимий ва инвентар биноларнинг жойлашиш ўрни кўрсатилади. Қурилишнинг бош режаси қурилиш майдони ҳудудидан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш–маиший хоналарининг сони ва уларни жойлаштириш тартиби санитария меъёрларини қониқтириши зарур ва ишчиларнинг қурилиш майдони ҳудуди бўйича ортиқча юришларига йўл қўймаслиги лозим. Инженерлик коммуникациялари трассалари ва йўллар минимал узунликка эга бўлиши керак. Қурилиш машиналарини шундай жойлаштириш тақоза этиладигани (техника хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда), бунда ишлаб чиқаришни оқилона ишланган технология билан таъминлаш талаб этилади.

Лойиҳалаш бир босқичда олиб бориладиганда техник-ишчи лойиҳа форматида тасдиқланадиган қисм ва ишчи чизмалар

ажратилиб кўрсатилади. Тасдиқланадиган қисмининг келишуви ва тасдиқдан ўтказилиш тартиби техник лойиҳани келишиш ҳамда тасдиқлаш процедураларига ўхшаш бўлади.

Ишчи ҳужжатлар локалли сметалар, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж баённомалари, жиҳозлар спецификациялари, ишларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

### **22.3. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

Лойиҳалаш ва инженер-техник жиҳатдан қуриш жараёнида, ташкилий-технологик ёки ҳўжалик ишларини бажаришда қабул қилинадиган ечимлар кўп вариантлик шарт-шароитлари асосида қабул қилинади. Масалан, айнан битта бино ёки иншоотни қуришда турли конструктив-компоновкали ёки ҳажмий-режавий ечимлар, бошқа-бошқа материаллар, механизациянинг ҳар хил воситаларини қўллаш орқали турли методлардан фойдаланиш мумкин. Шунга боғлиқ равишда қуйидаги вазифа юзага чиқади: кўп вариантлар ичидан энг мақбулини танлаш лозим бўлади.

Мақбул вариант одатда кўрилатган вариантларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш, янги лойиҳа кўрсаткичларини эталон ёки қурилган иншоот кўрсаткичларига солиштириш йўли орқали танланади. Шундай ечим ёки вариант қабул қилинадигани, бунда бир хил ишончлик ва бир хил хавфсизликни таъминлайдиган вариантлар ичидан уларни амалга оширишда энг кам сарф-харажатлар талаб қиладигани танлаб олинади.

Ҳар хил ечимларга эга бўлган вариантларни таққослашда иқтисодий самарадорлик мезони сифатида шундай кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиладики, улар бир томондан эксплуатация ва қурилиш жараёнидаги кўрсаткичлар, иккинчи томондан эса - асосий ва қўшимча кўрсаткичларни ҳисобга оладиган тизимларга бўлинади.

Капитал маблағлар ҳажми (ёки солиштирама капитал маблағлар), корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи, қурилиш-монтаж ишлари таннархи (ёки маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажат) асосий кўрсаткичлар сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, охиргисига, яъни қурилиш-монтаж ишларига қурилиш муддати ҳам тегишлидир.

Қўшимча ёки хусусий кўрсаткичларга қуйидагилар: солиштирама меҳнат сиғими, капитал маблағлар умумий ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг солиштирама салмоғи, ҳамжиҳатланганликни белгиловчи коэффицент, қурилиш монтаж ишларининг 1 млн. сўмлик смета маблағига сарфланадиган асосий қурилиш материаллари миқдори (цемент, металл ва ҳ.к.); қурилиш коэффиценти; инженерлик коммуникациялари ва йўллар узунликлари, вертикал режалаш бўйича ер ишлари, инженерлик коммуникацияларини ўрнатиш ва йўл қурилиши ишлари ҳажми, участкани ўзлаштириш (кераксиз ҳар хил қурилишларни бузиш, қуриб қолган ва ноқулай жойлашган



дарахтларни кесиш, дренажлар ковлаш ва шу каби ишлар)га сарфланадиган харажатлар, тикланаётган бинонинг массаси, бино майдони ва ҳажмидан оқилона фойдаланилганлик даражаси, қурилаётган корхонада маҳсулотлар тайёрлашдаги меҳнат сиғими, завод ичида ҳаракатланадиган транспорт воситаларига сарфланадиган харажатлар, инженерлик коммуникациялари ва транспорт иншоотларининг эксплуатацияси бўйича сарфланадиган харажатлар, хом-ашё, ёқилғи ва энергияларнинг солиштирма сарфи, тикланаётган бино ва иншоотнинг хизмат қилиш муддати ҳамда қатор қурилиш ва эксплуатацион кўрсаткичлар киради.

Солиштирма меҳнат сиғими, яъни қурилиш-монтаж ишларининг 1 минг сўмлик сметавий сарфи ( $K_T$ ) ёки объектнинг бирлик ҳажмига сарфланадиган маблағ ( $K_T^1$ ).

Солиштирма меҳнат сиғими  $K_T$  ва  $K_T^1$  қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$K_T = \frac{T_0}{C_{cmp}}; K_T^1 = \frac{T_0}{V},$$

бу ерда  $C_{kmu}$  – объектни қуришда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг сметавий нархи, минг сўмда;  $V$  – қурилаётган объект ҳажми, м<sup>3</sup>;  $T_0$  – объектни қуришда сарфланадиган меҳнат ҳажми, киши-кун.

Ишларни бажаришдаги меҳнат сиғимининг солиштирма кўрсаткичи қурилиш-монтаж ишларини ишлаб чиқаришда сарфланадиган меҳнат ҳажмини ўзида акс эттиради ва қурилаётган объект учун қабул қилинган конструктив ечимларининг технологиклигини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг механизациялашганлик даражасини тавсифлайди.

Капитал маблағлар умумий ҳажмидаги қурилиш-монтаж ишларининг солиштирма салмоғи  $C_{kmu}$  қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$K_{cmp} = \frac{C_{cmp}}{K} \times 100\%.$$

Бу кўрсаткич қурилишнинг индустриализациялашганлик даражасини тавсифлайди.

Қурилиш коэффициенти  $K_k$  қурилиш ер участкасидан фойдаланиш даражасини белгилайди:

$$K_3 = \frac{F_3}{F_0},$$

Бу ерда  $F_k$  ва  $F_{ym}$  мос равишда участканинг қурилаётган ва умумий ҳудудлари.

Бино майдони ( $K_m$ ) ва ҳажмидан ( $K_x$ ) оқилона фойдаланиш даражаси

$$K_{\Pi} = \frac{F}{F_{\Pi}}; \quad K_0 = \frac{V}{F},$$

Бу ерда  $F$  – бинонинг умумий майдони, м<sup>2</sup>;  $F_{\Pi}$  – фойдали (яшаш ёки ишлаб чиқариш майдони), м<sup>2</sup>;  $V$  – бинонинг ҳажми, м<sup>3</sup>.

$K_m$  ва  $K_x$  коэффициентлар мос равишда бинонинг умумий майдони ёки ҳажмининг қандай қисмидан бевосита мўлжалланган вазифа учун фойдаланишни, хоналар (қаватлар) баландлиги қандай даражада тўғри танланганлиги ва ёрдамчи-хўжалик хоналари тўғри лойиҳаланганлигини кўрсатади.

Кўрсаткичлар тизимининг мавжудлиги мураккаб техник ва хўжалик ечимларини ҳар томонлама етарли даражадаги аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Бироқ шу билан бир қаторда бу кўрсаткичлар зиддиятли жиҳатларга ҳам эгадир. Агар бир вариантнинг барча кўрсаткичлари бошқа вариантникидан яхши бўлса, у ҳолда масала жуда оддий бўлади. Лекин афсуски, амалиётда бундай ҳолат, яъни оддийлик камдан-кам бўлади. Шундай ҳолатлар бўладики, масалан, қурилишнинг муддатини қисқартиришга анча қиммат индустриал конструкцияларни қўллаш орқали эришилади, эксплуатацион сарф-харажатларни қисқартиришга эса анча қиммат бўлган материалларни қўллаш, иссиқликнинг изоляциясига сарфланадиган маблағларни ошириш йўли билан эришилади, қурилишга сарфланадиган меҳнат сиғимини қисқартириш учун эса меҳнат унумдорлиги анча юқори бўлган ва анча қиммат турадиган механизмларни қўллашга тўғри келади.

Бир хил бўлган вазиятларда у ёки бу ечимларни баҳолаш учун жорий харажатларнинг фарқини ҳисобга олган ҳолда қўшимча капитал маблағларнинг миқдорини солиштириш ёки таққослаш етарли бўлади. Масалан, вариантларнинг биттаси бўйича капитал маблағларнинг миқдори бошқасиника нисбатан кўп  $K_1 > K_2$ , лекин бошқа вариант бўйича жорий харажатларнинг миқдори (қурилиш маҳсулоти таннархи) иккинчи вариантникига нисбатан паст:  $C_1 < C_2$ , бу эса қурилиш вақтида қилинган ортиқча сарф-харажатларни билдиради, бундай ортиқча сарф-харажатлар эксплуатация жараёнида маҳсулот таннархини пасайтириш орқали эришиладиган иқтисодий кўрсаткичлар билан тартибли равишда бартараф этила борилади, яъни мунтазам равишда компенсацияланади. Иккинчи вариант: қурилиш кам капитал маблағлар эвазига амалга оширилади:  $K_1 < K_2$ , лекин бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг йиллик таннархи юқори бўлади:  $C_1 > C_2$ .

Энг самардор вариантни аниқлашда олиб бориладиган ҳисоблашлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилади: дастлаб кўриб чиқилаётган  $K_1$  ва  $K_2$  вариантлар бўйича капитал маблағларларнинг фарқи аниқланади, бу фарқ биринчи вариант кўрсаткичларини иккинчи вариант кўрсаткичлари билан солиштирилганда олинган биринчи

вариант бўйича қўшимча капитал маблағларни билдиради, сўнгра маҳсулот таннархини пасайтириш миқдори ёки  $C_1$  ва  $C_2$  эксплуатацион харажатлар аниқланади. *Капитал маблағлар ўсишининг таннарх пасайишига кўрсатадиган таъсири бу пасайишнинг уни юзага келтирувчи капитал маблағларга бўлган нисбати билан аниқланади.* Бу нисбатни солиштирама иқтисодий самарадорлик коэффициенти деб аташади ( $E$ ):

$$E = \frac{C_2 - C_1}{K_1 - K_2}.$$

Бу коэффицент қўшимча капитал маблағлар ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот таннархини пасайтириш эвазига эришиладиган иқтисодий самарадорликни англатади. Самарадорлик коэффициенти қийматининг йўл қўйиладиган минимал чегаравий оралиғи сифатида қабул қилинадиган қийматидан паст бўлган ечим самарасиз деб баҳоланади,  $E_m = 0,12$  қиймат самарадорлик коэффицентининг минимал чегаравий оралиқ қиймати сифатида қабул қилинади, Четки Шимол районлари ёки уларга тенглаштирилган районларда лойиҳанаётган ёки қурилаётган объектлар учун  $E_m^w = 0,08$ . Бундай шарт-шароитларда формула қуйидаги кўринишни олади.

$$\frac{C_2 - C_1}{K_1 - K_2} > E_m.$$

#### **22.4. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Лойиҳаланаётган объектнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан эксплуатация шарт-шароити, чиқарилаётган маҳсулот таннархи ҳамда лойиҳа ечимлари қанчалик тўғри қабул қилинганлигига боғлиқ бўлади. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади: ҳажмий-режавий ечимлар, конструктив ечимларни такомиллаштириш, илғор технология асосида олинган материаллар ва конструкцияларни қўллаш ва бошқалар.

*Ҳажмий-режавий ечимларни такомиллаштириш.* Ҳудудда қурилиш объектлари зичлиги (тиғизлиги)нинг ошиши лойиҳавий ечим иқтисодий самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Қурилишнинг паст коэффициентида инженерлик коммуникацияларни тортиб келиш масофаси, йўлларнинг узунлиги ўсиб боради, кўкаламзорлаштиришга, завод ичидаги транспорт ва инженерлик коммуникациялари тармоқларини эксплуатация қилишга сарфланадиган маблағлар ошади.

Объектларни ҳудуд бўйича компактли жойлаштиришга бинолар орасидаги масофаларни қисқартириш орқали эришилади. Саноат корхоналари биноларининг ҳудудга ўзаро биргалиқда жойлаштирилиши завод ичида қўлланадиган транспорт турига боғлиқ

бўлади, айниқса темир йўл транспортдан фойдаланилганда бинолар орасидаги масофа катта бўлади. Бундан темир йўл транспортдан фақат ёқилғи, хом-ашё, қурилиш материалларини ташиш (киритиш) ва тайёр маҳсулотни олиб кетиш учун фойдаланиш зарурияти келиб чиқади.

*Биноларни йириклаштириш ва блоклаштириш* солиштирма капитал маблағларни кескин (сезиларли даражада) қисқартириш ва худудда қурилиш объектлари зичлигини (тиғиз жойлашувини) ошириш имконини беради. Биноларни йириклаштириш жараёни қурилишнинг ҳамма турлари учун характерлидир. Йирик шаҳарларда қуриладиган турар-жой бинолари кўп қаватли бўлиб, катта узунликка (200-500 квартирага) эга бўлади. Қишлоқ хўжалигида 100-180 минг чорва молларига мўлжалланган мажмуалар, йирик паррандачилик фабрикалари ва сут берувчи қорамол фермалари қурилади.

### **Панелли иситиш самарадорлигини аниқлаш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Иситиш тизими</b>	
	<b>радиаторли</b>	<b>панелли</b>
Бажариладиган ишларнинг таннархи, сўм	5208	3759
Қурилмаларни ўрнатиш давомийлиги, кун	30	23
Йиллик ўртача эксплуатацион харажатлар, сўм	2523,8	2534,8
Қурилиш ишлаб чиқариш сферасида ишлаб чиқаришнинг асосий фондларидаги капитал маблағлар, сўм	375	753
Худди шундай қувурлар ва приборлар учун , сўм	2747	1193

Саноатда биноларни цехлар ва ёрдамчи-хўжалик хизмат блокларига блоклаштириш олиб борилади. Алоҳида цехлар ўнлаб гектар майдонни эгаллаши мумкин.

Йириклаштириш жараёнини микрорайонлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун ҳам қўллаш тавсия этилади.

*Ярим ўтувчан ва ўтувчан каналлар* ичига коммуникацияларни биргаликда (қўшма тарзда) ётқизиш орқали инженерлик коммуникациялари тармоқлари узунлигини қисқартиришга ҳамда эксплуатация жараёнида сарфланадиган маблағларни камайтиришга эришиш мумкин.

*Лойиҳалаштиришнинг илғор йўналиши* – бу технологик жараён нуқтаи-назаридан ўзаро боғланган (ҳамда боғланмаган) бир нечта корхоналарни бир гуруҳга бирлаштиришдир. Бунда *саноат тугуни* ҳақида сўз юритилмапти. Саноат тугунига тегишли бўлган корхона турли вазирликларга бўйсунуши мумкин. Корхоналарни таъмирлаш, асбоб-ускуна ва қуйиш цехлари, сув-канализация, транспорт ва энергетика

хўжаликлари, тиббий ва болалар мауссасалари ҳамда башқаларни ўз ичига олган ягона хизмат кўрсатиш базасида бинолар бевосита бири-бирига яқин жойлаштирилади. Саноат тугунларини қуриш алоҳида корхоналарни қуришга қараганда қурилиш майдонини анча қисқартириш имконини беради ва эксплуатация харажатларини 20 фоизга камайтиради.

Бундай саноат тугунига нефткимё ва машинасозлик корхоналаридан ташкил топган Саратов саноат тугунини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу саноат тугуни таркибига “Нитрон” бирлашмаси, резина техника буюмлари заводи, санитар-техник жиҳозлар ишлаб чиқарувчи завод, дизел заводи, қатор кенгайтирилаётган ва мавжуд бўлган заводлар билан бир биргаликда Иссиқлик электр станцияси ҳам киради. Қабул қилинган ечимлар саноат тугуни ҳудудини 14 гектарга қисқартириш, инженерлик коммуникациялари узунлигини 93 км га камайтириш, бино ва иншоотлар сонини 16 тага, ходимлар сонини эса 344 тага қисқартириш имконини берди.

Капитал маблағларни иқтисод қилиш 5 млн. сўмни ташкил этди, йиллик эксплуатацион харажатлар 3 млн. сўмга қисқарди.

Саноат тугунлари бош режаси типли схемасидан фойдаланиш орқали янада каттароқ иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Саноат қурилишида бинолар ҳажмини қисқартириш мақсадида кўприкли кранлар ўрнига *ер усти транспорти қўлланилади*, технологик жиҳозлар очиқ ҳолатда жойлаштирилади, маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларининг антресоллар ва фермалар (қурилиш конструкцияси) орасидаги фазовий кенгликларга жойлаштирилиши лойиҳалаш жараёнида кўзда тутилиши тақоза этилади.

Цех ичидаги транспорт сифатида кўприкли кранларнинг цех ичига жойлаштирилиши юк кўтарувчи конструкцияларни оғирлаштиради, бино баландлиги ва ҳажмини асоссиз равишда оширади.

Массаси 5 тоннадан ошмайдиган юклар билан ишлайдиган ишлаб чиқаришда (цехларда) полда юрадиган ва осма транспорт (электрокаралар, автоюклагичлар, конвейерлар, кран-балкалар) дан фойдаланиш анча мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш цехларида *технологик жиҳозларни бинолар ташқарисига эмас, балки ичкарига очиқ ҳолатда жойлаштириш* учун имкониятлар мавжуд бўлади ёки уларни жойдаги усти ёпиқ жойларга жойлаштириш талаб этилади.

Технологик ўрнатмаларни кимё ва металлургия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда шу кабиларда ёпиқ ва ярим ёпиқ ҳолатда жойлаштириш мумкин. Ҳозирги вақтда ташқарида жойлашган майдонларга жойлаштириш учун зарур бўлган иссиқлик изоляциясига эга бўлган янги герметик жиҳозларнинг намуналари ишлаб чиқарилмоқда. Технологик жиҳозларни очиқ майдонларга

жойлаштиришда қурилишга сарфланадиган маблағлар 4-6% га қисқаради.

Маиший хизмат кўрсатиш хоналарини антресолларга, фермалар орасидаги ва цехлардаги бўш жойларга жойлаштириш орқали каттароқ миқдордаги маблағларни иқтисод қилишга эришиш мумкин. Айниқса кўприкли кранларга эга бўлмаган цехлар учун бундай ечимни қабул қилиш анча мақсадга мувофиқ бўлади (қурилиш сарфи қисқаради, ишчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланади, чунки дам олиш жойлари ҳамда ошхона иш жойларига яқин жойлашади). Маданий-маиший ва маъмурий хоналарни фермалар орасидаги бўш жойларга (очиқ фазовий кенликка) жойлаштириш тепа қисмида фонари бўлмаган кўп ораликли саноат биноларини қуришда анча енгил ечилади. Бинонинг тепа қисмига фонарлар қуриш қурилиш умумий таннархининг 7% ини ташкил этади. Фонарлар ҳар доим ҳам аэрация ва табиий ёруғликни таъминлайвермайди. Томи ясси бўлган ва деворларида ёруғлик ўтказувчи ораликлар (деразалар)га эга бўлмаган фонарсиз кўп ораликли бинолар кенг тарқалмоқда. Уларда ҳаво алмашинуви сунъий вентиляция, ёритиш эса кундузи ёритадиган чироқлар ёрдамида таъминланади. Бундай бинолар нисбатан анча паст таннархга эга бўлади, уларни қуриш учун эса анча кам типли ва маркали конструкциялар талаб қилинади. Қурилиш ишлари ва бинони эксплуатация қилиш сезиларли равишда соддалашади. Меҳнат унумдорлиги ошади, чунки бундай вазиятда иш жойлари сутка давомида ҳар доим бир маромда ёритилиб турилади, ҳавонинг мунтазам равишда алмашилиб туриши меҳнат шароитини яхшилайди.

Колонналар *йурик габаритли тўрларининг* қўлланилиши технологик жиҳозларни рационал жойлаштириш ва ишлаб чиқариш майдонини 10% га иқтисод қилиш имконини беради. Бундай биноларни қуриш майда тўрли биноларни қуришга қараганда 3-4% га қиммат бўлади. Шу билан бир қаторда уларни қуришга сарфланадиган солиштирма сарф-харажатлар 6-7% кам бўлади. Бундай биноларда технологик жараёнларни қайта ташкил этиш анча енгил амалга оширилади, чунки жиҳозларни қайта ўрнатиш ва транспорт оқимини ўзгартириш учун катта имконият (кенг майдон) мавжуд бўлади.

*Конструкцияларни йуриклаштириш ва фазовий конструкцияларга ўтиш орқали* конструктив ечимларни такомиллаштиришга эришиш мумкин. Темирбетон заводларида қолиплаш методини қўллаш орқали мақбул ҳажмдаги конструкциялар тайёрланади. Заводда тайёрланган ясси элементлардан йиғма-қуйма конструкциялар яратилади. Бундай конструкцияларга ҳажмли санитар-техник кабиналар, лифт шахталари, тоннелларнинг шахталари, квартира блоклари, саноат бинолари ёпилмаси металл блокларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қурилишда катта ўлчамли оралик ва том ёпиш плиталари ҳамда девор панелларини қўллаш кенг тарқалмоқда.

Лойиҳачилар бир нечта операцияларни автоматлаштириш билан механизациялашган усулда янги конструкцияларни тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда. Темирбетон конструкцияларда монтаж учун мўлжалланган илгакларни бошқа мосламалар билан алмаштириш олдинга мақсад қилиб қўйилган. Бу эса йилига 0,3 млн. тонна пўлатни иқтисод қилиш имконини беради.

Лойиҳа ечимлари самарадорлигини ошириш йўналишларидан бири бу *тўлиқ йиғиш асосида қурилишни* ривожлантиришдан иборатдир.

Лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан самара келтиришини ва сифатини яхшилашга типли лойиҳаларни кенг қўллаш, унификацияланган конструкциялар ва габаритли схемалардан фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Қурилиш-монтаж ишларининг 80 % дан ортиқроғи объектларда типли проектлар бўйича бажарилади. Айниқса типли лойиҳалар турар-жой биноларини тиклашда ва қишлоқ қурилишида кенг қўлланилади (95% ортиқроғи). Типли лойиҳалар қўлланиши лойиҳада кўрсатилган материаллар ҳажмини камайтиради, бу эса ўз навбатида лойиҳаларни ишлаб чиқиш муддатини қисқартириш учун шарт-шароит яратади, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ишларига сарфланадиган маблағларни 30–40% пасайтиради.

Аҳамиятли тарздаги иқтисодий самарага қурилиш жараёнида эришилади. Типли лойиҳалар бўйича қуриладиган объектларнинг смета нархи индивидуал лойиҳалар бўйича қуриладиган объектларникига нисбатан 10-15%га арзон бўлади. Бу шу билан тушунтириладики, типли лойиҳалар уларни лойиҳалаш институтларида ишлаб чиқиш жараёнида қурувчилар ва лойиҳаловчилар томонидан кенг муҳокама қилинади, уларда қурилиш ишлаб чиқаришида рационал технологияни таъминлайдиган типли ва стандарт деталлар ҳамда конструкциялар қўлланилади. Кўплаб типли лойиҳалар танловлар орқали қабул қилинади. Турар-жой объектларини типли лойиҳалаштириш ўлчамлари бўйича ҳар хил бўлган квартираларни яратиш, уларни режалаштиришни яхшилаш, умумий фойдаланиш майдонлари (дахлиз, ошхона ва санитар тугунларнинг майдонлари)ни ошириш, санитар-техник ва ошхона жиҳозларини такомиллаштириш, квартиралар, бинонинг кириш жойлари зинапоя клеткалари ва лифтларни яхши пардозлашга йўналтирилган.

*Илғор технология асосида ишлаб чиқарилаётган материаллар ва конструкциялар.* Агар қурилиш майдонига корхоналар (заводлар)да масимал даражада пухталиқ билан тайёрланиб келтирилган йиғма конструкциялар ва деталлардан объектлар тикланса иқтисодий самарадорлик аҳамиятли тарзда ошади. Деталларнинг қониқарсиз сифатда тайёрланиши эса қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қўшимча меҳнат сарфини юзага келтиради ва бу эса ишларнинг таннархини оширишга олиб келади.

Пол ва том бўйича ишлар бажариш жараёнида меҳнат сиғимини қисқартириш ва уларнинг сифатини ошириш учун кейинги йилларда том ва оралиқ том ёпмаларининг комплексли плиталари ишлаб чиқарилмоқда.

Конструкция ва деталларнинг заводда тайёрланиш даражасини ошириш қурилишда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларини 4-6%га қисқартириш имконини беради.

Йиғма бетон ва темирбетон конструкцияларни қўллаш билан ишлаб чиқариш ва металл ҳамда ёғочдан тайёрланган конструкциялар ҳажми ортади.

Металл конструкциялар қўлланилиши саноатнинг шундай тармоқларида кенг тарқалганки, бу тармоқларда технологик жараённинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ равишда темирбетон конструкцияларни қўллашга йўл қўйилмаслик талаб этилади, бундай тармоқларга катта динамик юкланганликка эга бўлган металлургия корхоналарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, металл конструкциялардан катта оралиқли биноларни қуришда ҳам кенг қўламда фойдаланилади, бундай биноларда темирбетон конструкцияларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас (авиация саноатидаги йиғиш цехлари, оралиқли кўприкларни қуришда ва ҳ.к.). Металл конструкцияларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга уларни ишлаб чиқариш жараёнида юқори мустаҳкамликка эга бўлган пўлатлардан, эгилган профиллардан, кенг тахтали прокатдан, электрпайвандланадиган қувурлардан фойдаланиш билан эришилади.

Самарадор *енгил металл конструкцияларни* кенг тадбиқ этиш қурилиш объектларини қуриш учун моддий таъминот тузилмасини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқарилган конструкцияларнинг тадбиқ этилиши қурилишда бино ва иншоотларни тўлиқ заводда тайёрланган элементлардан комплекс-механизациялашган ҳолда йиғиш жараёнини ташкил этиш имконини берди.

Бундай конструкциялардан қурилган биноларда монтаж қилиш ишларининг меҳнат сиғими 20-25%га қисқаради, деворлар ва том ёпмалари массаси эса 5-7 марта камаяди.

Бино массасининг камайишига асосан темирбетон плиталар ўрнига антикоррозия қопламасига эга бўлган пўлатдан тайёрланган профилли ёпилмаларни қўллаш орқали эришилади. Алюминли қотишмалардан тайёрланган конструкцияларни деразалар табақалари, витражлар, деворбоп осма панеллар, агрессив муҳитли биноларнинг юк кўтарувчи конструкциялари, қурилиш учун суюқликларни сақлашга мўлжалланган сиғимли идишлар яшаш ва шу кабилар учун қўллаш анча мақсадга мувофиқдир. Транспорт магистралларидан олисда жойлашган қурилиш объектларини тиклашда уларнинг қўлланилиши айниқса катта самара беради.



Қурилишда алюминли қотишмалардан тайёрланган конструкциялар қўлланиши фуқаро ва саноат қурилиши объектлари сифатини яхшилашда кенг истиқболга эгадир ва фасадлар умрбоқийлиги ҳамда уларнинг эстетик сифатини оширишга хизмат қилади.

*Асбоцемент буюмлар* иккинчи жаҳон урушидан олдинги беш йилликдан буён қўлланилиб келинмоқда. Асбоцемент деталлар енгил, сув ўтказмайдиган, оловбардош ва узоқ муддатга чидайдиган бўлиб, улардан буюмлар тайёрлаш учун катта меҳнат сарфи ва кўп маблағ талаб қилинмайди. Асбоцементдан тайёрланган ташқи девор панеллари темирбетондан тайёрланган худди шундай конструкциялардан 5 марта енгилдир.

Асбоцемент саноатининг асосий вазифаси – йирик ўлчамли (узунлиги 3 метр ва ундан юқори бўлган) зичланган ясси ва тўлқинсимон том ёпмалари (шифер) ишлаб чиқариш ҳажмини анча ошириш, асбоцемент панеллар ва плиталар ҳамда рангли асбоцемент том ёпмалари ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборатдир.

Асбоцемент конструкциялар қишлоқ қурилишида ҳам кенг қўлланилмоқда.

*Ёғоч конструкциялар* мамлакатнинг ўрмонли ҳудудларида, юкларни ташишда узоқ қишлоқларда қурилиш объектларини тиклашда, кимёвий агрессив муҳитга эга бўлган саноат биноларини барпо этишда, кўприкли ўтиш жойлар, томоша ва кўргазма заллар, спорт иншоотлари, ёпиқ бозорлар ва павильонларни қуришда кенг қўламда қўлланади.

Фан ва технология тараққиёти замонавий даражаси ёғоч конструкцияларнинг юқори конструктив сифати, уларнинг массасини камайтириш, кимёвий бардошлигини ошириш, умрбоқийлиги (узоқ муддатга чидамлилиги) ва олов бардошлигини таъминлаш имконини беради.

Елимлаб тайёрланадиган ёғоч конструкциялардан фойдаланиш янги имкониятларни очмоқда. Қишлоқ ишлаб чиқариш қурилишида бу конструкциялар аркали, балкали ва рамали конструкциялар, тўсувчи конструкцияларни ўрнатиш учун фойдаланиладиган йиғма панеллар сифатида қўлланилади. Саноат қурилишида оралиғи 12-18 метр бўлган елимлаб тайёрланадиган ва фанераларни елимлаш орқали ясаладиган тўсинлар, 25-30 метр оралиқли аркалар ва фанераларни елимлаш орқали тайёрланадиган панеллар биноларнинг тўсувчи конструкциялари учун самарали қўлланилади. Жамоат бинолари ва спорт-томоша иншоотларини ёпишда катта оралиқли аркали конструкциялардан фойдаланиш юқори самарадор ва кенг истиқболга эгадир. Ёғочдан ишланадиган том ёпмалар темирбетон том ёпмаларидан 5 марта енгилдир. Ёғоч том ёпмалари нархи темирбетон том ёпмалари нархидан 30-40%га арзон бўлади.

*Пардозлаш материаллари.* Кейинги йилларда пардозлаш ишларини индустирлаш соҳасида шахдам қадамлар қўйилди – синтетик материаллар асосидаги ўрамли ва плитка материаллар кенг қўлланилмоқда, ёғоч қипиқларидан тайёрланган ва ёғоч толали плиталар ҳам кенг тадбиқ қилина бошланди.

Плиталар ва ўрамли материалларнинг қурилишга тадбиқ этилиши пардозлаш ишлари сифатини яхшилади ва пардозлаш ишлари характерини тубдан ўзгартирди. Полларни қоплаш, деворларни пардозлаш, пардеворлар учун бу материаллардан фойдаланиш биноларни монтаж қилиш методлари ва монтаждан кейинги ҳамда пардозлаш ишлари орасидаги номувофиқликни бартараф этди.

Ўсиб бораётган ҳажмга эга бўлган йиғма конструкцияларни чиқариш кўплаб қурилаётган объектларда йиғма қурилишга ўтиш, машиналар ёрдамида бино ва иншоотларни тайёр конструкциялардан тиклаш имконини берди. Қурилиш майдонлари аста-секинлик билан конвейерли қурилиш майдонига айланмоқда, уларда заводларда юқори даражада тайёрланган йирик ўлчамли тугунлар ва деталларнинг монтаж қилиниши орқали бинолар ва иншоотлар тикланади. Технологиклиги бўйича қурилиш янада катта мавқеда йирик саноат корхоналари билан узвий боғланишга эга бўлмоқда.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилишда лойиҳалаштириш мақсади ва вазифалари нималардан иборат.
2. Лойиҳалаш босқичлари ва лойиҳалаштириш ҳужжатларини мазмунини тушунтириб беринг.
3. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубларини айтинг.
4. Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат.

## **23-МАВЗУ. ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Бошқарув. Бошқарув субъекти. Бошқарув объекти. Бошқариш жараёни. Бошқариш цикли. Бошқариш таъсири. Бошқарувчанликни нормалаш. Очиқ тизим. Ташқи муҳит. Қурилишда бошқаришнинг асосий масалалари. Қурилишдаги бошқариш вазифалари. Тизим. Бошқариш тизими. «Давархитектқурилиш». Ташкилий тузилма. Хусусий қурилиш фирмалари. Қурилиш фирмаси мулки. Фирма молиявий ресурслари.

**Режа:**

**23.1. Қурилишда бошқаришнинг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари.**

**23.2. Қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими ва органлари.**

**23.3. Пудрат ташкилотлари ва фирмалари - қурилишни бошқаришдаги асосий бўғинлар**

### **23.1. Қурилишда бошқаришнинг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари**

Олдин айтиб ўтилганидек, қурилиш – бу динамик система. Бу системанинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши ҳам ички имкониятлар ва ресурсларга, ҳам ташқи муҳитга боғлиқ. Амалиётда ташқи муҳит ва авваламбор қурилиш ташкилотлари буюртмачилар маблағларига боғлиқлиги тизим сифатида бошқариш самарадорлигига жиддий таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида, кўпинча қурилишда бошқаришнинг мақсад функцияларига жиддий таъсир кўрсатади ва кўп ҳолларда бошқаришнинг олдиндан берилган параметрларига маълум ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Лекин бу билан мақсад функциялари ўзгармайди. Табиийки, мақсад ва вазифаларсиз бошқариш бўлмайди. Бошқариш, доим фан хусусиятларига эга бўлади.

Бундан келиб чиқиб, бошқаришнинг мақсади деганда, нафақат қурилиш балки, бутун жамоа амалиётида, эришилиши зарур бўлган қандайдир идеал, олдиндан берилган натижани тушуниш керак. Қурилишда – бу объектни эксплуатацияга бериш, уни буюртмачи (инвестор)га топшириш ва кўзланган фойдани олиш. Бу мақсад эса биз ҳоҳлаганимиздек осон, тез ва муаммоларсиз ҳал бўлмайди.

Гап шундаки, бу мақсаддан ташқари ишчиларга иш ҳақи, қурилиш материаллари ва қурилмалар ҳаражатларини, солиқларни тўлаш, қурилишнинг юқори сифатини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар ҳам ҳал қилинади. Шунинг учун қурилишда бошқариш кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади.

Ҳар бир мақсадга маълум талаблар қўйилади, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Мақсаднинг илмий ва амалий асосланганлиги;

Мақсаднинг аниқланганлиги, ифодаланганлиги ва йўналтирилганлиги;

Амалга ошириш имкониятлари ва шароитларини ҳисобга олиниши, яъни қўйилган мақсаднинг амалга оширилганлик даражаси.

Амалиётда қўйилган мақсад уни бажариш усуллари сифатида намоён бўладиган масалалар билан аниқлаштирилади. Шунинг учун бошқарув ечимларини аниқлашда мақсад ва масалалар ёнма-ён келади, бир бирини тўлдиради. Ўз моҳиятига кўра эса масала (масалалар) – бу ечилиши керак бўлган масалалар, шунингдек бу ечим учун зарур бўлган шароитлар тўпламидир.

Қурилишда бошқаришнинг асосий масалалари қуйидагилар:

- илмий-техник прогрессини тезлаштириш ва ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий қурилиш амалиётининг замонавий ютуқларини тадбиқ қилиш;
- машина техникаси ва замонавий технологияларни кенг қўллаш ва шу асосда қурилишда қўл меҳнати ҳиссасини қисқартириш;
- қурилаётган биноларнинг индустриал даражасини, улар сифатини ошириш ва қурилиш муддатларини қисқартириш;
- ресурслар тежамкорлигини таъминлаш ва ҳар қандай йўқотиш ва ноишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш;
- капитал қурилишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш.

Бошқаришнинг мақсад ва масалаларидан унинг вазифаларини фарқлаш керак. Бошқариш вазифалари бошқариш меҳнизмининг тақсимланиши жараёнидаги бошқариш фаолияти турларидан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, бошқариш, тизим сифатида, фақат бошқариш вазифалари бажарилган ҳолдагина муваффақиятли амал қилади.

Илмий таснифлашга мувофиқ қурилишдаги бошқариш вазифаларига қуйидагилар киради:

Режалаштириш қурилиш ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсади ва масалалари тизимини аниқлаб олиш;

Прогнозлаштириш - қурилиш амалий фаолияти ва ривожланишининг эҳтимолий мақсадларини аниқлаш;

Тартиблаш - қурилиш саноати корхоналари ва ташкилотлари фаолиятидаги четланишларни йўқотиш жараёни;

Ташкиллаштириш – бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим элементларини асослаш ва танлаб олиш, шунингдек улар орасида мутаносибликни ўрнатиш;

Назорат – фаолиятнинг жорий кўрсаткичлари ва ўрганилган масала ва дастурларнинг мос келиш даражасини аниқлаш;

Ҳисоб ва таҳлил – маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, хулосалар чиқариш ва ишлаб чиқариш тизими фаолиятини баҳолаш.

Ижобий ютуқларни қўллаб-қувватлаш.

Юқоридаги умумий вазифалардан ташқари қурилишда ишлаб чиқариш цикллари, қурилиш жараёнлари, йўналганлиги – фаолият кўрсатиш ва перспектив ривожланишга қаратилган, алоқалар – ички ва ташқи ва бошқа қурилишни бошқаришнинг махсус функциялари умумийларини тўлдиради ва ривожлантиради.

### **23.2. Қурилишни бошқариш замонавий тизими ва органлари**

Тизим – бу бир бутунликни ташкил қиладиган ўзаро боғлиқ бўлган элементларнинг тартибланган комплекси. Бунда тизим унинг элементларида бўлмаган хусусиятларга эга бўлади. Маълумки, қурилиш бу таркибда доимий ўзгаришлар ва бир жойдан бошқа жойга ўтишлар бўлиб турадиган динамик ишлаб чиқариш тизимидир. Қурилишнинг дастурий масалаларини ечиш билан боғлиқликда боровчи бу ўзгаришларни ҳисобга олиш ва уларга тўғри муносабат билдириш ўзида бошқариш жараёнининг ташкилий мазмунини ифодалайди.

Бошқа тармоқларда бўлганидек қурилишда ҳам бошқариш тизими ишлаб чиқаришнинг нормал бориши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча вазифаларни тўлиғича амалга оширган ҳолдагина тизим бўла олади. Бунинг учун у ёки бу вазифаларни бажариш юклатилган бўлимлар ва маъсул шахсларга маълум ваколат ва масъулиятлар берилиши керак. Баъзи бир вазифаларни унитиш ёки тўлиқ амалга оширмаслик, айниқса, масъулиятсизлик бошқаришнинг тизим сифатида самарадорлигининг камайишига олиб келади. Тизим бошқариш объектига самарали таъсир кўрсата олиши учун етарли бошқариш имкониятларига эга бўлиши керак. Шу билан бирга содир бўладиган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат кўрсатишни таъминловчи бошқарув тизими мослашувчанлигини таъминлаш зарур.

Бошқариш тизими ва вазифаларини муваффақиятли бажариши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

- барча вазифаларни тўлиқ, қамраб олиш ва уларнинг босқичлар, бўлимлар ва вазифалар бўйича оптимал тақсимланиши.
- бошқаришнинг ҳар бир босқичида ҳар бир бўлим ва маъсул шахсга уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган ваколатларни ажратиш.
- вазифа ёки масъулиятли бурчларни бажаришни таъминлаш учун қатъий жавобгарликни ўрнатиш;
- бошқарувчанликни таъминлаш.
- яккабошлик ва буйруқ беришнинг аҳамияти принципларига риоя қилиш.
- бошқарув харажатларидаги мутаносиблик, мослашувчанлик, тежамкорлик ва ўз-ўзини ташкил этиш.

Келтирилган талаблар ичида энг асосийси-бу бошқарув тизими тежамкорлиги ва фаолиятчанлигидир. Бу ҳозирги хўжаликнинг бозор

шароитларида ишлаб чиқаришни ходимларнинг минимал миқдори ва бошқарувнинг минимал сарф-харажатларида самарали бошқаришда намоён бўлади. Бунда бошқарув ходимлари ва харажатларини хаддан ташқари ошириб юбориш ҳам, камайтириб юбориш ҳам нотўғри бўлади.

Бошқарув тизимида унинг ташкилий асослари, яъни бир-бирига бўйсиниш ва алоқадорлик вертикаллари ва горизонталлигини яхши тушуниб олиш керак. Олдинги буйруқ-режали иқтисодиёт шароитларида бошқарув тизими иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ва идоралари орқали амалга ошириларди. «СССР Давлат қурилиш»и қурилиш соҳасида ягона илмий-техник ва иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи бош орган эди.

СССРнинг тарқалиб кетиши ва республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ўз давлат мустақиллигига эришиши ва айна вақтда марказлаштирилган режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиши иқтисодиётдаги иқтисодий муносабатлар ва бошқарув тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Бу борада «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № ПФ-3240), «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (12.09.2003 й. № 395) айтиб ўтиш зарур.

Бу ҳужжатларга асосланган равишда «Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (02.12.2003 й. № 538), ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 4-илова) қабул қилинди.

Қурилишнинг иқтисодиёт тармоғи сифатида ривожланиш концепцияси давлатдан архитектура ва қурилиш қўмитасига («Давархитект-қурилиш»), қурилишни бошқаришни эса асосан бир-икки бўғинли асосда олиб бориш кўзда тутилган. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги шароитларда қурилишни бошқариш мижозларга «калитни бериш» яъни объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартлари асосида объектлар қурувчи қурилиш ташкилотлари - қурилиш бошқармалари ва трестлари бўлиб бормоқда.

«Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисобланади:

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат

сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- капитал қурилишда ислоҳотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш;

- капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси, ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси ушбу қарорда белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат ҳайъат тузиш ҳамда ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур қўмита таркибида:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизида Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизида қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг

Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизида ҳўжалик ҳисобидаги қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш топширилади.

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низомлар маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларини юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар тақдим этиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаб борадилар.

Ушбу Қарорда инвестиция лойиҳаларининг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ходимларнинг чекланган умумий сони 13 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари 12 киши.

### **23.3. Пудрат ташкилотлари ва фирмалари - қурилишни бошқаришдаги асосий бўғинлар**

Ҳозирги шароитда қурилишни бошқариш тахминан қуйидаги схема бўйича боради: қурилиш бошқармаси - қурилиш трести - қурилиш бирлашмаси ёки вазирлик. Ҳозирги қурилиш вазирликлари ва идоралари бошқариш саҳнасидан чиқиб кечаётган бир даврда, қурилиш саноатининг асосий бўғинлари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фаолият юритувчи қурилиш трестлари ва фирмалари бўлиб бормоқда.

Умумий пудратчилар ҳисобланувчи трестлар ёки фирмаларга қурилишнинг барча иштирокчилари фаолиятини шунингдек мижозлар ва давлат билан мажбурий тўловлар ёки бошқа, иқтисодий ва ташкилий масалалар бўйича муносабатларни координациялаш каби мажбурият юклатилади. Ҳозирги пайтда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 2 декабр 1998 йилда тасдиқланган «Ҳусусий қурилиш фирмалари ҳақидаги қарор» бўйича



тартибга солиниши керак бўлган хусусий қурилиш фирмаларини ташкил этиш ҳақидаги масала долзарб бўлиб турибди.

Юқорида айтилган қарор бўйича қурилиш фирмаси юридик шахс мақомидаги мустақил фаолият олиб боришга ва Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида ишчилар сонидан қатъий назар ўз ташкилотчиларини (шўъба ташкилотларини) яратиш ва қурилиш комплексининг барча турдаги ишларини бажариш ҳуқуқига эга субъект ҳисобланади.

Фирма, табиийки, тижорат ташкилоти ҳисобланади ва хўжалик шерикчилиги ёки жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган бошқа шаклда тузилиши мумкин. У ўз номидан контракт тузиши, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбуриятлар олиши, судларда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин. Фирма ўз балансига эга бўлади, молиявий ва валюта томондан ўзини тўлиқ қоплаш асосида фаолият кўрсатади.

Қурилиш фирмасининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- қурилиш хизматлари бозори маркетингни ўрганиш;
- бизнес-режани тайёрлаш ва қурилиш талабларини қондириш учун ресурс етказиб берувчилар билан келишувлар тузиш;
- режа ва ҳисоб ҳужжатларини олиб бориш ва ишчилар меҳнатини рағбатлантириш;
- бутун қурилиш маҳсулоти бўйича ва қилинадиган ишларда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш;
- фойда олиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаш.

Фирма ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради ва ривожланиш истиқболларини белгилайди, зарурий фондлар-меҳнат ривожланиш, суғурта ва бошқа ўз ҳоҳишига биноан ташкил қилади.

Қурилиш фирмаси мулки шаклланишининг манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосчиларнинг пул ва материал қўшилмалари;
- маҳсулот, иш ва хизматлар, шунингдек Уставда кўрсатилган бошқа иш турларини сотишдан олинган даромадлар;
- банклар кредитлари ва бошқа заём маблағлари;
- амалдаги қонунчилик томонидан таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Фирма молиявий ресурсларининг шаклланиш манбаси бўлиб фойда, амортизацион чегирмалар, қимматли қоғозларни сотишдан келадиган фойда ва асосчиларнинг таъқиқланмаган бошқа тушумлари ҳисобланади.

### **Қисқа хулосалар**

Бошқариш – вақт ва маконда узлуксиз амалга оширилувчи ва аниқ мақсадларга эришишга қаратилган мақсадли жараён.

Бошқа соҳаларда бўлганидек қурилишда ҳам бошқариш турли-хил вазифаларни бажарувчи субъект ва объект бўлишини кўзда тутди.

Қурилишнинг ўзига хосликлари бошқариш тизимига маълум таъсир кўрсатади ва уни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан ажратиб туради.

Бозор иқтисодиёти ва қурилиш комплексини монополиядан чиқариш қурилишни бошқаришнинг олдинги тизимини сезиларли даражада ўзгартиради, қурилиш вазирликлари ва идораларининг йўқотилишига ва қурилишни бошқаришда бирламчи қурилиш бўғинлари вазифаларининг кучайишига олиб келди.

Бошқариш мослашувчан, кўчувчан, тезкор бўлиши ва қурилиш ишлаб чиқаришнинг энг яхши миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эришишга хизмат қилиши керак.

Ишлаб чиқаришни рационал бошқаришда катта ролни жамоа қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг бошқариш усул ва услублари ўйнайди.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилишда бошқаришнинг мақсади, вазифаларини ёритинг ва унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг?
2. Қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими нимадан иборат?
3. Қурилиш жараёнида пудрат ташкилотлари ва фирмаларининг ўрни нимадан иборат?

## **24-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Илмий-техник тараққиёт. Фан ва техника ютуқлари. Ташаббус. Асосий йўналишлар. Техника-технология. Эволюцион ва революцион шакллар. Илмий-техник тараққиётнинг қурилишдаги асосий йўналишлари. Саноатлаштириш. Янги материал ва конструкцияларни яратиш ва қўллаш. Тайёр материалларини йиғиш. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш. Баҳоловчи кўрсаткичлар. Башоратлаш. Илмий-техник тараққиётни режалаштириш. Техник ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари. Янги кашфиётлар. Рационализаторлик таклифлари. Илмий тадқиқот институтлари. Лойиҳалаш, конструкторлик, технологик ташкилотлар, технологик иқтисодий тадқиқот институтлари. Илмий-техник тараққиётнинг самарадорлиги.

### **Режа:**

**24.1. Илмий-техника тараққиётининг қурилишдаги моҳияти, аҳамияти ва асосий йўналишлари.**

**24.2. Қурилишда илмий-техник тараққиётини башоратлаш ва режалаштириш.**

**24.3. Илмий-техник тараққиётининг қурилишдаги самарадорлигини иқтисодий баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари.**

### **24.1. Илмий-техника тараққиётининг қурилишдаги моҳияти, аҳамияти ва асосий йўналишлари**

Қурилишда илмий-техника тараққиёти - бу замонавий илмий-техник ютуқлар ва ишлаб чиқариш воситалари, технологик жараёнлар меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш усуллари асосида ишлаб чиқаришни узлуксиз такомиллаштириш жараёнидир. Ушбу жараён меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатининг оширилишини ва максимал фойдага эришишни таъминлайди. Илмий-техник тараққиёт ўзининг ривожланишида иккита ўзаро боғлиқ шаклларда: эволюцион ва революцион шаклларда намоён бўлади. Илмий-техник тараққиётнинг эволюцион шакли вазифаси анъанавий технология, жиҳозлар, материал ва конструкцияларни узлуксиз ва доимий равишда мукамаллаштиришдан иборат. Бундай жараён анча муддатгача давом этиши мумкин ва ўзининг биринчи босқичларида етарли миқдорда иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришилишини таъминлайди.

Илмий-техник тараққиётнинг революцион шакли - бу принципал янги, аввал қўлланилмаган меҳнат воситалари ва технологияни яратишдир. Баъзан, илмий-техник тараққиётнинг ушбу шаклини илмий-техник инқилоб деб ҳам аталади. Афсуски илмий-техник

тараққиётнинг ушбу шакли эволюцион илмий-техник тараққиётга нисбатан охирги йилларда кам сезиларли даражададир.

Илмий-техник тараққиёт натижасида меҳнат шароитларини яхшиланиши ва унинг меъёрида сақланиши, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, қўл меҳнати ҳиссани қисқартириш, алоҳида ҳолатларда қўл меҳнатидан умуман фойдаланмаслик, қурилишни давомийлигини қисқартиришларга эришилади. Илмий-техник тараққиёт асосида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва унумдорлигини ошириш имконияти яратилади.

Илмий-техник тараққиётнинг қурилишдаги асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- қурилиш ишлаб чиқаришини саноатлаштириш;
- қурилишда янги материаллар ва конструкцияларни яратиш ҳамда қўллаш;
- қурилиш монтаж ишларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- прогрессив технология ва етакчи усулларни қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишда қўллаш.

Саноатлаштириш - бу кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини қурилиш майдончаларида завод муҳитига кўчириш демакдир. Қурилиш ишлаб чиқаришини саноатлаштиришга типик мисол бўлиб, ўз вақтида ташкил қилинган ва ҳозир ҳам амал қилаётган уй-қурилиш комбинатлари, темур-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи заводлар қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқарадиган комбинатлар ҳисобланади.

Қурилишнинг саноатлаштириш кўрсаткичлари бўлиб бажарадиган қурилиш монтаж ишлари ёки объект қийматининг умумий ҳажмидаги конструкция ва деталлар қийматининг нисбати бўйича аниқланадиган қурилиш объектларининг жамланганлик даражаси ҳисобланади.

Саноатлаштириш қурилишни фаол ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш ва қурилиш муддатини қисқартириш имконини беради. У шунингдек қурилиш ишлаб чиқаришида техниканинг тутган аҳамиятини кўтаришга ва уни нисбатан монтаж жараёнига айлантиришга хизмат қилади. Саноатлаштириш уй-жой қурилиши соҳасида кенг ривожланган.

Янги материал ва конструкцияларни яратиш ва қўллаш - бу қурилишдаги илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишидир. Ҳозирги қурилаётган кўпгина объект ва қурилмалар аввалгиларидан нафақат архитектуравий-режали жиҳатдан, балки ишлатиладиган материал ва конструкциялар билан ҳам фарқ қилади. Улар қаторига пластмасса буюмлари, полиэтилен ёғочлари, сувга чидамли фанералар, шишали пластика, керамик буюмлар, иссиқликни изоляция қилувчи акустик ва бошқа материалларни киритиш мумкин. Алоҳида қурилиш-монтаж ишларида замонавий синтетика материаллари, сантехника ва электротехника ишларида тайёр

материалларни йиғиш ва эксплуатация қилишда қулай бўлган материаллар кенг қўлланилади. Алюминийдан қилинган конструкциялар ва қурилиш буюмлари яхши кўриниш ва мустаҳкамликка эга бўлади.

Бироқ замонавий қурилиш материаллари ва жиҳозларини яратиш жараёни илмий ишлаб чиқариш изланишларини кучайтириш ва аҳамиятини оширишни талаб қилади. Бунга эришиш учун фан, техника ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ривожланиш ўзаро бир нуқтада кесишиши керак. Қурилишга ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур.

Иш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш - бу қурилишда техник тараққиётнинг муҳим йўналишидир. Уни амалиётга тадбиқ этиш ишлаб чиқариш жараёнида машина механизмлар аҳамиятини кучайтириш йўли билан амалга оширилади ва бунинг натижасида янги машина ва механизмларни жорий, этиш мавжуд машина паркларини модернизациялаш, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишларини яхшилаш мумкин бўлади.

Илмий-техник тараққиётнинг ушбу йўналишини асосий баҳоловчи кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Иш механизацияси коэффициенти – қурилиш механизмлар билан бажариладиган иш ҳажмининг умумий бажарилган иш ҳажмига нисбати;

- меҳнатнинг механик қуролланганлик коэффициенти - қурилиш машиналари билан бажарилган иш ҳажмининг умумий бажарилган иш ҳажмига нисбати;

- ишнинг энергетик қуролланганлик коэффициенти — қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар двигателларининг умумий қувватининг йиллик қурилиш монтаж ишлари ҳажмига нисбати. Ушбу кўрсаткич кВт да ўлчанади.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг ривожланган технология ва усулларини амалиётга тадбиқ этиш қурилишини саноатлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бу давлатимизнинг шунингдек чет эл тажрибасидаги ютуқларга асосланган бўлади. Унинг асосий мақсади нафақат капитал қурилиш самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилаш ва кўтариш, балки қурилиш ишлаб чиқаришини саноатга асосланган даражасини ошириш, меҳнат бир хиллигини бартараф этиш ҳамдир.

Илмий-техник тараққиётнинг қурилишдаги ушбу йўналишининг тахминий акс эттирилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

- қурилиш узлуксизлигини ривожлантириш;
- объект ва қурилмаларнинг атрофдагилардан чегаралаш;
- катта ўлчам ва габаритдаги металоқонструкция, ферма ва қоплаш жиҳозларининг дастлабки йиғилиши;

- бригада тартибини ривожлантириш;
- қурилишнинг алоҳида участкаларида ишни ташкил этишнинг вахта усулидан фойдаланиш;
- пайванд-чилангарликнинг замонавий усулларида фойдаланиш;
- илғор технологияни жорий этиш, объект ва қурилмаларни қуришни “ғилдиракдан”дан монтаж қилиш усули ёрдамида ташкил этиш.

Илмий технологияни амалиётга тадбиқ этиш қурилиш ишлаб чиқаришини янги поғонада (ишни ташкил этишнинг индустриал усуллари талабларига мос равишда) кўтариш имкониятини яратиб беради. Бошқача қилиб айтганда технологик янгиликлар - маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш ва қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

#### **24.2. Қурилишда илмий-техник тараққиётни башоратлаш ва режалаштириш**

Миллий иқтисодиёт, тармоқ иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш бўғинларидаги иқтисодиёт бўлишига қарамасдан, эришилган натижаларни баҳоламасдан ва келгусидаги истиқболларни белгилаб олмасдан ўз-ўзидан бошқарилиши мумкин эмас. Уларни барчаси ИТТни башоратлашни ва хусусан режалаштиришни қурилишни бошқаришнинг муҳим масалаларини самарали ҳал қилишда ўз аксини топади.

Башоратлаш - давлат иқтисодиётининг ҳолати ёки унинг алоҳида тармоқлари, йўналишлари ва соҳалари ҳақида илмий тасдиқланган ҳолда олдиндан айтиб бериш, шунингдек иқтисодиётнинг у ёки бу ҳолатига эришишнинг муқобил йўллари, усуллари ва муддатлари тўғрисида мушоҳада юритиш демакдир.

Бошқарув жараёни сифатида башоратлаш иқтисодиёт ривожланишининг истиқболларини баҳолаш ва унинг ҳолатини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Унинг кўп тарқалган шаклларида башоратлашнинг режалаштириш билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминловчи дастур, масалани қўйиш усул ва услублар бўлиб ҳисобланади.

Илмий-техник тараққиётни режалаштириш - бу қурилишда фан ва техника ривожланиши билан боғлиқ бўлган жорий масалаларни ҳал қилишга қаратилган башоратлашнинг таркибий бир қисмидир. У илмий-техник ривожланишнинг давлат дастурлари, шунингдек қурилиш материаллари саноатида бевосита фаолият юритадиган ташкилот ва корхоналар томонидан олиб бориладиган ташкилий-техник тадбирлар билан белгиланадиган масалалар асосида амал оширилади.

Режалаштириш жараёнида қурилиш ишлаб чиқаришининг техник даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, қурилишни ташкил

етишнинг энг яхши лойиҳа намуналари, техник такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтлари, улардаги олимлар ва рационализаторлар томонидан ишлаб чиқилган техник инновациялар, илғор қурилиш ташкилотларининг тажрибалари ўз аксини топмоғи лозим.

Қурилиш соҳасидаги ташкилот ва корхоналарнинг техник ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Самарали қурилиш конструкцияларидан ва янги қурилиш материалларидан фойдаланиш;
2. Қурилиш-монтаж жараёнларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни ривожлантиришнинг кейинги босқичига ўтиш;
3. Қурилиш ишлаб чиқаришининг етакчи технологиясини амалиётга тадбиқ этиш;
4. Кўргазмали қурилишни ташкил этиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотлар ва корхоналарга барча соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, собиқ итифоқ даврида бўлганидек юқоридан кўрсатмалар берилмай, балки техник ривожланиш корхона ва ташкилотларнинг ўз ташаббускорлигидан келиб чиқади. Бу масала қурилиш ташкилотининг бош муҳандиси раҳбарлиги остида ҳал қилинади ва керак бўлганда бунга корхонанинг иқтисодий инструментлари жалб қилинади. Даставвал режа ва дастурнинг асосий йўналишларини белгиловчи тадбирлар рўйхати тузилади, ушбу рўйхатда тадбирларнинг қисқача таснифи ва уларнинг қайси объектларда амалга оширилиши кўрсатилади. Режага киритиладиган ҳар бир тадбир зарур техник иқтисодий ҳисоб китоблар натижасида тасдиқланади, малакали ишчилардан ташкил топган ташаббускор гуруҳ ташкил этилади. Бу ишлаб чиқариш резервларидан максимал даражада фойдаланишни таъминловчи режаларни тизимли равишда такомиллаштириш ва уларга зарур тузатишлар киритиш имкониятини беради.

Янги техника ва ташкилий хўжалик тадбирлари режаларини бажариш жараёнида, қурилиш соҳасидаги янги кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари, шунингдек замонавий фан ва техникадаги ютуқлар ҳисобга олиниши керак.

Илмий-техник тараққиётни режалаштиришда шуни ҳисобга олиш муҳимки турли ғоя, фикр ва янгиликлар пайдо бўлиши мумкин, уларни амалиётга қўллаш эса қурилиш саноатидаги корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари билан амалга оширилади, булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Институтлар — бирламчи тадқиқотларга ихтисослашган ва фаннинг маълум бир соҳасидаги ривожланиш учун жавобгар ташкилот;

Илмий тадқиқот институтлари — иккиламчи тадқиқий ишларга

ихтисослашган ва маълум бир тармоқни ишлаб чиқариш ёки илмий-техник даражасига жавобгар бўлган ташкилот;

Лойиҳалаш, конструкторлик, технологик ташкилотлар, технологик иқтисодий тадқиқот институтлари — конструкторлик технологик лойиҳалаш ёки ташкилий ишлаб чиқаришга ихтисослашган маҳсулот самарадорлиги, технологияси ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва лойиҳаларга жавобгар ҳисобланувчи тармоқли ташкилотлар. Бу ерга у ёки бу институтларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар кирмайди.

Монтаж, ишга тушириш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилий техник институтлар, асосий ишланмаларни яратишга қаратилган махсус лабораториялар, уларни синаш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларга қуйидагилар киради: янгиликларни тарқатиш билан шуғулланувчи илмий-техник ва бошқа институтлар.

Ушбу ташкилотларни шунингдек бўйсундирилганлиги, фаолият миқёслари (тармоқли, тармоқлараро, тармоқлар ости, ҳудудий), ихтисослик бошқалар бўйича туркумлаш мумкин.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммо фаннинг мувафақиятли фаолият юритиши учун шароит яратиш, уни бир меъёда сақлаш, илмий-техник тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидаги ресурслар жамланмасини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Айнан шу мақсадда академик ва ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларининг эркинликларини ошириш, илмий-тадқиқотларни танлов-шартномали тамойил бўйича ташкил этилишига, шунингдек уларни илмий-техник дастурлар асосида молиялаштириш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда фаолият юритиш объекти бўлиб танлов лойиҳаси ҳисобланади, субъекти бўлиб эса уни илгари сурган олимлар гуруҳи ёки илмий-тадқиқот институтлари ҳисобланади. Айни чоғда ташкилот ёки корхоналар ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш лозим, бу биринчидан ихтиро қилинган «велосипед»ни қайта ихтиро қилишнинг олдини олади, иккинчидан эса фан ва техника ривожланишига қаратилган илмий-техник тараққиётнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

### **24.3. Илмий-техник тараққиётнинг қурилишдаги самарадорлигини иқтисодий баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари**

Илмий-техник тараққиёт борасидаги иқтисодий самарадорлик ва иш маҳсулдорлигини баҳолаш фан ва техника ривожланишига, ташкилий-техник ва хўжалик тадбирларини олиб боришга ўз ҳиссасини қўшади. Бунда тармоқ даражасида асосан қуйидагилар муҳим саналади:

- лойиҳаларнинг янгилиги ва истиқболлиги;
- ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва техник иқтисодий кўрсаткичларини оширишда қўшилган амалий улуши;



- иш сифатини туширмаган ҳолда ўз муддатида бажариш;
- илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишдан олинadиган иқтисодий самарадорлик;
- янгиликларнинг мазкур соҳада мавжуд ўзимизнинг ва чет эл ютуқларидан фарқи.

Самарадорликни баҳолаш фан ва техника ривожланишининг режаларини тасдиқлашда, шунингдек қурилиш ташкилотларининг аниқ ташкилий техник тадбирларини кўрсатиб беришда катта рол ўйнайди.

Қурилишда илмий-техник тараққиётнинг самарадорлигини баҳолашнинг энг кўзга кўринган соҳалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш ресурсларини тежалишини таъминловчи янги технологик жараёнларни қўллаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш усуллари.

Бу ерда самарадорликни баҳолаш қуйидаги формула асосида баҳоланади:

$$\mathbf{\Xi = A ((C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2))}$$

бунда: **A** - янги техникадан фойдаланган ҳолда ҳисобот йилида бажарилган иш ҳажми;

**C<sub>1</sub>, C<sub>2</sub>** - таққосланадиган вариантлар бўйича ишнинг таннархи;

**K<sub>1</sub>, K<sub>2</sub>** - худди шу вариантлар бўйича капитал қўйилмалар;

**E<sub>n</sub>** - капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг норматив коэффиценти.

2. Бутун хизмат даврида вақт омилини ҳисобга олган ҳолда эксплуатация қилиш харажатларини тежаб қолиш орқали баҳоланадиган янги машина ва конструкцияларни қўллаш.

Янги қурилиш техникасининг самарадорлиги юқорида кўрсатилган формула бўйича баҳоланади. Бунда янги ва олдин эксплуатация қилинган техниканинг қиймати ҳисобга олинади. Янги ва олдиндан эксплуатация қилинган конструкциянинг узоқ муддатлигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathbf{K_3 = (P_1 + E_n) / (P_2 - E_n)}$$

Бунда: **P<sub>1</sub>, P<sub>2</sub>** - таққосланадиган вариантлар бўйича қурилиш конструкцияларининг бир йил хизмат қилишга мўлжалланган қийматининг улуши.

3. Илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш эвазига қурилишни давом этиш муддатини қисқартириш. Бунда иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{\Xi_y = H (1 - T_2/T_1)}$$

Бунда: **H** — қурилишни давомийлик муддатининг вариантлари бўйича шартли-доимий харажатлар;

**T<sub>1</sub>** ва **T<sub>2</sub>** - таққосланаётган вариантлар бўйича қурилишнинг давомийлик муддати.

Шартли-доимий харажатлар миқдори ўртача «материалларга

харажатлар» моддаси бўйича бир фоиз этиб қабул қилиниши мумкин ёки «машина ва механизмларни эксплуатация қилиш харажатлари» моддаси бўйича 15 %, «давр (устама) харажатлари» моддаси бўйича 50% этиб белгиланиши мумкин.

4. Ҳажмий-режавий ва конструкторлик ечимларини такомиллаштириш. У қуйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$\mathcal{E} = (C_1 - C_2) = E_{nc} (K_1 - K_2) + E_n (\Phi_1 - \Phi_2)$$

бунда:  $C_1$  ва  $C_2$  - йиллик ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлаб чиқариш объектлари) таннархи ёки эксплуатацион харажатлар (ноишлаб чиқариш объектлари);

$E_{nc}$  ва  $E_n$  - қурилиш объектнинг қурилиш самарадорлигининг норматив коэффициентлари;

$K_1$  ва  $K_2$  - таққосланадиган объектлар учун капитал қўйилмалар;

$\Phi_1$ ,  $\Phi_2$  - таққосланадиган объектларни жиҳозлашда қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш фондлари.

Илмий-техник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳар қандай даражада ҳам ягона асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Илмий-техник тараққиёт, фан, ишлаб чиқариш иқтисодий ўсиш омили сифатида жамоанинг меҳнат унумдорлигини оширган ҳолда унинг иқтисодий омили сифатида ҳам роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам фан ва техниканинг иқтисодий самарадорлиги бир вақтда маълум муддат давомида илмий-техник ютуқларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида жамият томонидан эришиладиган меҳнатнинг умумий харажатларини камайтиришга эришишни акс эттиради. Энг асосийси илмий-техник тараққиёт ишлаб чиқариш интенсивлигини ва яратилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини яратиб беради.

#### **Қисқача хулосалар**

Илмий-техник тараққиёт - бу жамият ишлаб чиқариш кучлари даражасини кўрсатиб берувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқларни замонавий ишлаб чиқариш қуроллари билан қуролланганлигини ва меҳнат предметларини ҳамда фаннинг самарадорлигини аниқлаб беради.

Илмий-техник тараққиёт натижаси бўлиб алоҳида тармоқлар, ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг хусусан ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва мамлакатнинг бутун иқтисодий потенциали ҳисобланади.

Илмий-техник тараққиёт ҳар бир тармоқда, шунингдек қурилишда ҳам механизация ва автоматлаштиришнинг аҳамиятини оширишни, қўл меҳнатидан фойдаланишни ва ишлаб чиқаришнинг камчиликларини қисқартиришни, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатдошлиги ва сифат даражасининг оширилишини таъминлайди.

Илмий-техник тараққиёт асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион интилишлари, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқадорлигининг кучайиши, ишчилар малакасини ошириши ва инновацион интилишларнинг инвестицион қўллаб-қувватланиши

ётади. Қурилиш ҳар қандай бошқа тармоқ каби муваффақиятли ривожланади, фан техника ютуқлари асосида юқори самарадорликка эришишни таъминлаб беради, шунингдек ўз навбатида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидаги илмий-техник тараққиётга сезаларли таъсир ўтказади.

Қурилишда илмий-техник тараққиётнинг самарадорлигининг таъминлаш унинг нафақат муҳим йўналишларини белгилаб беради, балки уларга киритилган янги техниканинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини ҳам яратиб беради.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Илмий-техника тараққиётининг қурилишдаги моҳияти
2. Қурилишда илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишлари.
3. Қурилишда илмий-техник тараққиётини башоратлаш.
4. Қурилишда илмий-техник тараққиётини режалаштириш.
5. Илмий-техник тараққиётининг қурилишдаги самарадорлигини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари.

## **25-МАВЗУ. ҚУРИЛИШНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ. ҚУРИЛИШНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Ресурслар тушунчаси. Ишлаб чиқариш салоҳияти. Асосий фондлар. Асосий ишлаб чиқариш фондлари. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Маънавий эскириш. Жисмоний эскириш. Амортизация ажратмалари. Тиклаш қиймати. Қолдиқ қиймат. Ишлаб чиқариш қуввати. Экстенсив кўрсаткичлар. Интенсив кўрсаткичлар. Интеграл кўрсаткичлар. Фонд қайтими. Фонд сифими. Фондларнинг рентабеллиги. Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари. Лизинг. Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш. Айланма фондлар. Муомала фонди. Ишлаб чиқариш заҳиралари. Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар. Транспорт заҳиралари. Жорий заҳира. Суғурта заҳираси. Қарз маблағлари. Айланувчанлик коэффициенти. Бир айланманинг ўртача давомийлиги. Меҳнат ресурслари. Қурилишда меҳнат ресурсларини бошқариш тизими.

### **Режа:**

- 25.1. Бозор шароитида қурилиш моддий–техника таъминоти.**
- 25.2. Моддий-техника ресурслари етказилишини ташкил этиш.**
- 25.3. Моддий-техника ресурслари таъминоти шакллари ва методлари ҳамда уларнинг самарадорлиги.**
- 25.4. Қурилиш моддий-техника таъминотини ташкил этиш тизимида логистика.**
- 25.5. Асосий фондлар - қурилишнинг ишлаб чиқариш ва ресурс асоси сифатида.**
- 25.6. Қурилишнинг айланма фондлари ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.**
- 25.7. Меҳнат ресурслари ва қурилишнинг кадрлар салоҳияти.**
- 25.8. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги моҳияти.**
- 25.9. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ва резервлари.**
- 25.10. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш методлари.**
- 25.11. Меҳнат унумдорлигини баҳолаш.**

### **25.1. Бозор шароитида қурилиш моддий–техника таъминоти**

Бозор шароитларида қурилиш моддий-техника таъминоти тизими саноат ва қурилиш индустрияси, транспорт ва энергетика ташкилотлари, илмий-текшириш, лойиҳа, ўқув ва бошқа муассасалар, хўжаликларнинг тармоқларига қаратилган бўлади. У қурилиш комплексини зарур бўлган моддий-техника ресурслари билан таъминлашга йўналтирилган.

Қурилиш материалларининг товарлар бозоридаги вазиятини умумий ҳолда баҳолаш билан шундай тўхташга келиш мумкинки,

корхоналар ва ташкилотлар қонунда кўрсатилган етарли даражадаги эркин тадбиркорлик фаолиятини тавсифлайдиган шароитларда ишлайдилар: улар бошқариш ва давлат ҳокимияти тузилмаларига нисбатан зарур бўлган хўжалик мустақиллигига эгадирлар, амалда барча ресурсларга эркин ҳолатда ёндашиш имкониятларига эга бўлиб, савдо-сотиқ ва хўжалик юритишда амалга ошириладиган операцияларда контрагентларни танлашда мутлақо эркиндирлар, олинадиган даромадни мустақил равишда тақсимлашлари ва ишлатишлари мумкин (ўзининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда), максимал фойда олиш мақсадида ўзининг фаолият йўналишларини эркин тарзда танлайдилар. Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қуввати ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми умуман олганда бу бозордаги талаб –эҳтиёжларни тўлиқ қондиради. Хўжалик юритишнинг янги тизимига ўтиш туфайли қурилиш тармоғи учун материаллар танқислиги ўтмишда қолиб кетди.

Қурилиш моддий-техника ресурслари ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва табиий ресурсларга бўлинади:

- қурилиш ишлаб чиқаришини талаб этилган сифат ва сонда зарур бўлган ресур турлари билан ўз вақтида таъминлаш;

- ресурслардан фойдаланиш даражасини яхшилаш: меҳнат унумдорлиги ва фонд қайтармаси ошириш, қурилиш жараёни ритмийлигини таъминлаш, айланма маблағлар айланиш вақтини қисқартириш, иккиламчи ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, инвестиция ва бошқа кўрсаткичлар самарадорлигини ошириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамда бино ва иншоотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш учун ўз ташкилотиди ва рақобатчи ташкилотлардаги қурилиш ишлаб чиқаришининг ташкилий-техник ҳолатини ва қурилиш-монтаж ишлари (хизматлари)нинг сифатини таҳлил қилиш.

Қурилиш ташкилотиди юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун қуйида кўрсатилган ишларни доимий равишда бажариш талаб этилади:

1. Бозорда қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари, яримфабрикатлар ва бошқа маҳсулотларни етказиб берувчилар (хизматлар) бўйича маркетинг изланишларини олиб бориш. Етказиб берувчиларни танлаш қуйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда тавсия этилади: етказиб берувчининг лицензия ва ушбу соҳада етарлича тажрибага эга эканлигини аниқлаш, ишлаб чиқаришнинг юқори ташкилий-техник ҳолатдалиги, ишнинг ишончлилиги ва фойда келтирувчанлиги, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг рақобатбардошлигини ошириш, улар нархларининг ҳаммабоплиги, уларни етказиб бериш схемасининг соддалиги ва турғунлиги;

2. Конкрет моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжларни меъёрлаштириш;

3. Моддий-техник ресурслар сарфи меъёрлари ва меъёрий ҳужжатларини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Қурилиш ишлаб чиқаришини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш каналлари ва шакллари излаб топиш.

5. Моддий материаллар балансини (мувозанат, турғунлик ҳолатини) ишлаб чиқиш.

6. Қурилиш ишлаб чиқариши моддий-техника таъминотини режалаштириш.

7. Иш жойларини қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари, яримфабрикатлар ва бошқа материаллар билан таъминлашни ташкил этиш.

8. Моддий-техник ресурслардан фойдаланишни ҳисоблаш ва назорат қилиш.

9. Қурилиш ишлаб чиқаришидаги чиқиндиларни йиғиш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш.

10. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш.

11. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича олиб бориладиган ишларни рағбатлантириш.

Бу функцияларга боғлиқ равишда қурилиш ишлаб чиқариши моддий-техника таъминоти (МТТ)нинг тегишли хизмат кўрсатиш бўлимлари аниқланган.

Уларга қуйидагилар тегишлидир:

- моддий-техника таъминоти хизмати, бу хизмат ишлаб чиқариш жараёни учун хом-ашё, яримфабрикатлар, бутловчи деталларни ўз вақтида етказишни таъминлаш ва тартибга солиш билан шуғулланади. Бундан ташқари таъминот ва сотиш бўлимлари хўжалик шартномалари асосида ўрнатилган хизматларни номенклатура ва ўз муддатида ҳамда белгиланган ҳажмда бажарилшини ҳам таъминлайди;

- материаллар, ёқилғи, хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш ва сақлаш хизмати, бу хизмат омборхона билан таъминланган бўлиб, таъминот ва сотиш тизими моддий-техника базаси деб ҳисобланади;

- тайёр маҳсулотларни комплектлаштириш бўйича ишлаб чиқариш-технологик хизмат айтиқса муҳим аҳамият касб этади, чунки бино ва иншоотларни тиклаш йиғма элементларни календар график бўйича қатъий равишда етказиб беришни талаб этади. Шунинг учун ишлаб чиқариш - технологик комплектлаштириш хизмати қурилиш ташкилоти билан келишилган буюмлар ва конструкцияларни қатъий равишда суткалик ва соатлик график бўйича белгиланган муддатларда маълум миқдорда, номенклатура бўйича етказишни таъминлайди;

- асбоб-ускуна хўжалиги ва технологик жиҳозлар таъминоти хизмати. Бу хизмат бўлими ишлаб чиқаришни асбоб –ускуна,

мосламалар, технологик жиҳозлар, юқори сифатли қолиплар билан таъминлайди. Юқорида кўрсатилганлар билан таъминланганлик илғор технологияни, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашни муваффақиятли тадбиқ этишни олдиндан аниқлаб беради.

- таъмирлаш-механик ишлаб чиқариш хизмати, бу хизмат вазифаси катта ва мураккаб парк жиҳозлари, машиналар ишчи ҳолатини таъмирлаш ва модернизациялаш орқали таъминлашдан иборат. Қурилиш ташкилоти иши натижалари бу хизмат бўлимининг пухта ишлаши билан кенг маънода аниқланади;

- транспорт жараёнлари хизмати, бу бўлим қурилиш майдони ичида ва унинг атрофидаги ташқи майдонда ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда олиб борилиши учун зарур бўлган катта массали юкларни кўчиришни таъминлайди. Айниқса алоҳида жараёнларни ягона ишлаб чиқариш тизимига боғловчи технологик транспорт аниқ ва ритмик ишни талаб этади.

## **25.2. Моддий-техника ресурслари етказилишини ташкил этиш**

Бозор иқтисодиёти шароитларида қурилиш ташкилоти бозор орқали сотиб олиш борасида истеъмолчи сифатида ва сотиш бозори орқали эса ишлаб чиқарувчи сифатида кўплаб корхоналар билан боғланган бўлади. Қурилишни моддий-техник таъминлаш (МТТ) турли етказувчи ташкилот ва корхоналар билан бевосита (тўғридан-тўғри) тузилган шартномалар асосида олиб борилади. Бу етказувчи ташкилотлар моддий-техника таъминоти таркибига киради, бу таъминот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат эҳтиёжлари учун моддий-техник ресурсларини етказиб бериш;

- технологик жиҳозлар, қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари, ярим фабрикатлар билан улгуржи савдо қилиш;

- юқорида кўрсатилган ресурслар билан қурилиш биржалари, савдо-сотиқ уйлари ва воситачи корхоналар орқали савдо –сотиқ қилиш.

Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва ташкилотининг илғор шакллари қурилиш-монтаж ишларини моддий-техник ресурслар билан комплектли ҳолатда ва ўз вақтида таъминлаш шартлари қатъий бажарилишини талаб этади. Ушбу вазифанинг бажарилиши ишлаб чиқариш-технологик комплектлаштириш бошқармаси (ИТКБ) зиммасига юклатилади.

ИТКБ бош вазифаси маътериаллар ва деталларни тайёрлаш (тахт қилиш), яримфабрикатлар ва конструкцияларни тайёрлаш ҳамда уларни комплектли ҳолатда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари графиги бўйича қурилиш майдонига ўз вақтида етказиб беришдан иборатдир. ИТКБ ташкилотларининг шакллари турлича бўлиб, улар объектлар қурилиши спецификаси, уларнинг ҳудудий жойлашуви, иш

турлари ва ҳажмлари ҳамда бошқа конкрет шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. ИТКБ трест топшириғига биноан қурилиш-монтаж ишларининг режалаштирилган ҳажмларини бажариш учун зарур бўлган моддий ресурслар буюртмачиси сифатида ва транспорт таъминоти ташкилотлари билан шартнома асосида муносабатда бўлиш учун майдонга чиқади.

ИТКБ функциясига трест манзилига тушадиган моддий ресурсларни қабул қилиб олиш, уларни жойлаштириш ва сақлаш, типли бўлмаган деталлар ва конструкцияларни тайёрлаш, келиб тушган материалларни юқори даражадаги технологик тайёр ҳолатда сақлаш ва комплектларни қурилиш майдонига ўз вақтида етказиб бериш киради. Ишлаб чиқариш-технологик комплектлаштириш бошқармаси ўз фаолиятини хўжалик шартномалари асосида олиб боради.

### **25.3. Моддий-техника ресурслари таъминоти шакллари ва методлари ҳамда уларнинг самарадорлиги**

Қурилиш ишлаб чиқариши бўйича хизмат кўрсатишга оид бўлган барча ташкилий савол ва масалаларни тизимли ҳамда комплексли ишлаб чиқиш тақоза этилади, чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот – бино ва иншоотлар (хизматлар) рақобатбардошлиги қурилиш майдонига келиб тушадиган конструкциялар, буюмлар ва бошқа материаллар, энергетик ресурслар, технологик жиҳозларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Қурилиш ишлаб чиқариши бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотларга қуйидагилар киради: моддий-техника таъминоти, энергетик, таъмирлаш, транспорт ва омборхона хўжалиги ва сифатни назорат қилишни. Бу жараённинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- моддий-техника ресурслари билан таъминлаш тизимида ва менежмент тизими доирасида қаралаётган ишлаб чиқаришни аниқлаш;

- қаралаётган қурилиш ишлаб чиқариш фаолияти мақсадларини аниқлаш;

- масадларга эришиш бўйича бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ва ишларни шакллантириш;

- моддий-техника ресурслари таъминоти хизмати тузилмасини ишлаб чиқиш ва унинг функцияларини аниқлаш;

- яратилаётган хизмат кўрсатиш бўлими фаолияти омиллари ва кўрсаткичларини аниқлаш;

- менежмент бўйича илғор ёндашувларни қўллаган ҳолда моддий-техника ресурслари билан таъминлаш хизмати ишининг тактик, стратегик ҳамда оператив режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;



- режаларнинг бажарилиш мотивациясини ва назоратини таъминлаш;

- хизмат кўрсатиш бўлими таомонидан бажариладиган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш.

Қурилиш мажмуасида замонавий шароитларда ресурслар билан таъминлашнинг қуйидаги шакллари (методлари) кенг тарқалган:

- товар-хом-ашё биржаси орқали;

- бевосита алоқада бўлиш (тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали);

- аукционлар, танловлар;

- ҳомийлик;

- хусусий ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг конкрет шаклини қурилиш ташкилоти уларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларни олишнинг давомийлиги (муддати), берилган таклифлар сони, ҳамда ресурслар сифати ва нархи ҳамда бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда танлайди. Қурилиш ишлаб чиқаришини ресурслар билан таъминлаш шаклини аниқлашда етказувчининг ишончилиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган конструкциялар, буюмлар ва бошқа материаллар рақобатбардошлик даражасини аниқлаш тақоза этилади. Етказувчилар билан контрактлар (шартномалар) тузишда ушбу шартномалар (контрактлар)да миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, етказиб беришнинг конкрет шакллари, муддатлари, санкциялари ва бошқа талабларни акс эттириш зарурлигини эсда тутиш тақоза этилади.

Моддий-техника таъминоти бу ташкилий алоқалар ва шартномалар асосида ишлаб чиқариш маблағларини етказувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бевосита ёки воситачи орқали тақсимлаш шаклидир. У ишлаб чиқариш жамғармаларидан фойдаланиш, қурилиш-монтаж ишлари ритмийлиги, таннарх, меҳнат унумдорлиги, қурилишнинг давомийлигига ва бошқа кўрсаткичларга бевосита таъсир кўрсатиш билан аҳамиятли тарзда ишлаб чиқаришнинг натижавийлигини олдиндан аниқлаб беради.

#### **25.4. Қурилиш моддий-техника таъминотини ташкил этиш тизимида логистика**

Қурилиш комплексини бутун ҳолатда ва уни ташкил этувчи компонентларни кўриб чиқиш шундай хулоса чиқариш имконини берадики, унга кўра қурилишни ўзаро боғланган ва ўзаро шарт-шароитланган оқимлар жамламасини ўз таркибига киритувчи тизимга киритиш мумкин. Бу оқимларнинг асосийларига қуйидаги: ахборотлар, моддий-техника ҳамда молия ресурслари ва бошқа оқимлар киради.

Маълумки, бино ва иншоотлар қурилиши муддатларини қисқартириш, мақбул бўлган сарф-харажатлар билан уларнинг сифатларини яхшилаш бўйича зарурий натижаларга эришиш учун

биринчи навбатда юқорида кўрсатилган ва бошқа иқтисодий оқимларни мақбуллаштириш ва рационализациялаштириш талаб этилади.

Қурилиш ташкилотлари ҳамда қурилиш индустрияси корхоналарида хусусий ва ўз мақсадларига эришиш йўлида жалб этилган ресурслар ҳаракатининг ўзаро боғланган ҳамда ўзаро шарт-шароитланган жараёнларини иқтисодий оқимлар деб ҳисоблаш мумкин.

Қурилишни тизим сифатида биринчи навбатда қурилишни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш деб қабул қилиш жоиздир. Ҳар қандай бино ва иншоотни қуриш учун, аввалом бор, етарли миқдорда қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари, хом-ашё ҳамда технологик жиҳозлар зарур бўлади, уларнинг аниқ миқдори қурилиш-монтаж ишлари лойиҳасида кўрсатилади. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш жараёни бу ресурсларнинг белгиланган ҳажмда, кўрсатилган муддатда ва тегишли сифатда етказилиб берилишини кўзда тутди. Ватанимиз ва хориждаги турли ишлаб чиқаришлар бўйича тўпланган тажриба шунга ўхшаш масалаларни ечишда логистикадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

Терминологик луғатда логистиканинг қуйидаги маъноси ифодаланган. *Логистика* – хом-ашё ва материалларни ишлаб чиқариш корхонасига еказиш жараёнида ташиш, жойлаштириш ва бошқа моддий ҳамда номоддий операциялар, завод ичида хом-ашё, материаллар, яримфабрикатларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчига манфаатлар ва талабларга мувофиқ етказиб бериш, шунингдек, тегишли ахборотларни узатиш, сақлаш ва қайта ишлашни режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш ҳақидаги фандир.

Бунда асосий изланиш объектлари қуйидагилар бўлади: логистик ушлаб қолишлар, ахборот оқими, логистик тизим, логистик функция, логистик занжир, логистик операциялар, материаллар оқими ва бошқалар. Логистика қатор ўзаро боғланган бўлимларни қамраб олади, жумладан таъминот логистикаси, ишлаб чиқариш логистикаси, савдо-сотиқ логистикаси, транспорт логистикаси ва бошқалар. Логистик тизимлар доирасида қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни башорат қилиш ва заҳиралар ҳолатини назорат қилиш, буюртмаларни йиғиш ва қайта ишлаш, логистик занжирда материал оқими кетма-кетлиги ва бўғинларини аниқлашни ўз таркибига киритган қатор масалалар ва уларнинг комплекслари ечилади.

Қурилиш логистика тизимларини логистик тизимларнинг умумий назарияси матнида кўриб чиқиш тақоза этилади.

Оқимларнинг турларига кўра логистик тизимларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: *материаллар, молиявий, ахборот оқимлари ва меҳнат ресурслари оқимлари.*

Материаллар оқимлари логистик тизимлари ёки бошқача қилиб айтганда материаллар логистик оқимлари қурилиш ташкилотлари ва корхоналар (фирмалар) моддий ресурсларини сотиб олишдан тортиб то тайёр маҳсулот (бинолар ва иншоотлар)ни сотишгача бўлган барча ҳаракатларни бирлаштиради.

Молиявий оқимлар логистик тизими (ёки логистик молиявий тизим) ишлаб чиқариш ва қурилиш маҳсулотини сотиш билан боғлиқ бўлган ҳамма молиявий оқимлар ҳаракатларини бирлаштиради.

Ахборотлар оқимлари логистик тизимлари (ёки ахборотлар логистик тизимлари) қурилиш фирмаси оддий ишлаб чиқариш жараёнларини қандай бирлаштиради, ушбу фирма орқали амалга ошириладиган кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам худди шундай бирлаштиради.

Меҳнат ресурслари оқимларининг логистик тизимлари (ёки меҳнатнинг логистик тизимлари) меҳнат ресурсларини қурилиш фирмасига йўналтиришнинг барча хилма-хиллигини бирлаштиради.

Логистикаларни қурилиш ишлаб чиқариш цикли стадиялари бўйича дифференциялаш билан қуйидаги логистик тизимларни кўриб чиқиш мумкин:

- савдо-сотиқ логистикаси тизимлари, улар моддий-техника ресурсларини сотиб олиш оқимларини ва қурилиш ишлаб чиқариш-технологик комплекциясини, шунингдек, молиявий, ахборотлар ва меҳнат ресурслари билан бирга борадиган оқимларни ташкил қилиш билан шуғулланади;

- тадбиркорлик логистикаси (ёки ишлаб чиқариш логистикаси) тизимлари, улар қурилиш индустрияси корхоналари ва қурилиш фирмаларида қурилиш конструкциялари, буюмлари ва бошқа материалларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурслар оқимини, лойиҳа-конструкторлик, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш ишларини ташкил қилиш билан шуғулланади;

- тақсимлаш логистикаси тизимлари, улар истеъмолчига тақдим этиладиган тайёр қурилиш маҳсулоти, ишлар ва хизматларнинг оқимларини, шунингдек, бу оқимлар билан бирга борадиган молиявий, ахборотлар ва меҳнат оқимларини ташкил қилиш билан шуғулланиди;

- транспорт–омборхона логистикаси тизимлари, улар қурилиш фирмасида юklar оқимини ва омборхона ички оқимларини ташкил қилиш билан шуғулланади.

Қурилиш фирмаси логистика тизимлари синфланишини бошқа белгилар билан ҳам давом эттириш мумкин, масалан, инвестицион жараёнлар босқичи, қурилиш маҳсулоти ҳаётий цикли босқичлари ва шунга ўхшаш оқимлар билан давом эттириш мумкин.

Агар иқтисодий мустақил субъектлар қанчалик кўп сонда логистика занжирига киритилса, логистика тизимларини шакллантириш жараёнлари шунчалик мураккаб кечади. Бу маънода макрологистик тизимлар микрологистик тизимларга нисбатан анча

мураккаб кўринишга эга бўлади. Ташкилий-иқтисодий интеграция характери бўйича макрологистика тизимлари субъектлари вертикаль, горизонталь ва конгломерант тизимларга ажратилади. Логистик фаолият учта асос остида бирлашади: моддий ресурслар бирга борадиган ҳамма техник воситалар ва жиҳозлар жамламаси бўлган *техника*, тизимлардаги моддий ва номоддий оқимлар ҳаракатлари ҳақидаги статистик ва динамик ахборотлар жамламаси бўлган *ахборот*, корхона ва тармоқ *иқтисодиёти*.

Тизимдаги барча моддий ва номоддий оқимларни комплексли бошқариш логистика предметини ташкил этади.

Логистика ишлаб чиқариш соҳасини қандай тарзда қамраб олган бўлса, моддий манфаатлар алмашинуви (моддий-техника таъминоти ва савдо-сотиқ тизими)ни ҳам худди шундай тарзда қамраб олади. У ишлаб чиқариш ва маркетинг, молия ва иқтисодий ҳисоблар ҳамда зарур бўлган ахборотни қайта ишлашни бошқаришнинг ягона тизими фаолиятини яратишга ва назорат қилишга йўналтирилади.

Моддий ресурслардан тугал ҳолатда фойдаланувчи йирик субъектлардан бири сифатида қурилиш комплекси катта миқёсдаги манфаатдорликни кўзлаган ҳолда бу ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали уларни қўллашнинг самарадор шаклларини яратади.

Бу масалалар ечимини ресурсларнинг барча турларига қўллаш мумкин ва бунда бу ечим уларнинг ҳар бирида ўз специкасига эга бўлади.

Қурилиш ишларини бажаришда фойдаланиладиган ва конструкцияларни монтаж қилишга мўлжалланган машина ва жиҳозлар учун сотиб олишнинг лизинг шакли анча қулайдир.

Материаллар, қурилиш конструкциялари ва деталлари учун уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган маблағларни минимиллаштириш мақсадида материаллар оқимини рационациялаштириш биринчи даражали аҳамият касб этади, бу эса ўз навбатида материаллар оқимини шакллантириш ва улар ҳаракатини бошқаришнинг самарадор илмий қуроли сифатида логистикани қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини олдиндан аниқлаб беради.

Қурилиш материаллари бозори ва капитал қурилиш тармоғи ҳозирги вақтда Ўзбекистон хўжалик-иқтисодий комплекси сегментларини ташкил этади, уларда логистик сиёсатни илгари суриш учун етарлича шароитлар яратилган.

Ҳозирги вақтда қурилиш материаллари бозорида бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотлари бозорларига қараганда юқори даражадаги рақобат кузатиляпти.

Қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ишлатилмаётган ишлаб чиқариш қувватларининг катта заҳираларига эга ва уларнинг четки эҳтиёжлар юқори талабларини

қониқтира олиш нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда кўпчилиги тўлиқ ишга туширилса улар хоридорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлади.

Инвестицион жараёнда материаллар оқимининг катта қисми қурилиш комплекси ичида шаклланади ва улар ушбу комплекс бўғинлари ва бўлимлари ҳаракатларига, улар томонидан танладиган рационал ечимлар ҳамда уларнинг кетма-кет амалга оширилишига тўлиқ боғлиқ бўлади.

Қурилишдаги материаллар оқими унинг чегарасидан ташқарида бошланади ва у асосий жамғармаларни яратиш (янгилаш, таъмирлаш) жараёнида бу материаллар оқимидан фойдаланиш вақтида яқунланади. Саноатда эса материаллар оқими берилган ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотлар яратиш билан яқунланмайди, балки унинг ҳаракати айланма жамғармалар элементи сифатида бошқа ишлаб чиқаришга ўтказилади (трансформалаштирилади). Шунинг учун логистикани меҳнат маҳсулотларига қўллаб бўлмайди.

Қурилиш цикли жараёнида пухта ифодаланган бир жинсли бўлмаган маҳсулотга эга бўлиш билан циклнинг ҳар бир стадиясида материаллар таркиби ўзгаради (пойдеворларни қуришда, деворларни тиклашда, том ёпиш ишларини бажаришда, ички пардозлаш ишларини амалга оширишда, инженерлик коммуникацияларини ўтказишда ва ҳ.к.). Шунинг учун қурилиш циклининг ҳар бир босқичи учун унга хос бўлган логистик ечимлар зарур бўлади. Агар саноатда логистик ечим учун маҳсулот йўналтирувчи момент бўлса, қурилишда эса бу қурилиш циклининг босқичи бўлади.

Қурилишда материаллар оқими ишларни ишлаб чиқаришни бир объектдан бошқасига кўчириш билан ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта объектларни тиклашда ишлаб чиқариш кучларини ва воситаларини тақсимлаб тарқатиш билан ўзининг йўналишини узлуксиз равишда ўзгартиради. Бундан келиб чиқадики, ишларни ишлаб чиқарувчи (прораб) айнан бир хил материаллардан фойдаланган ҳолда турли логистик ечимларни қўллайди, бу эса бир-бирига ўхшашган бўлган бир қанча шароитларда уларнинг мос тушушини инкор этмайди.

Рационал логистик ечимларни тузиш, яъни материаллар оқимида иштирок этувчи хўжаликлар фаолияти таркиби ва характерини аниқлаш моддий-техника таъминоти соҳасида самарадор ечимларни қидиришнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Аниқ шароитларда логистик занжирни унга савдо воситачиларини киритган ҳолда узайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса бу Ўзбекистонда айнан қурилишда кенг ривожланган кичик бизнесни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнига кўпроқ тегишлидир.

Ишлаб чиқариш-технологик комплектация бўлимлари логистик занжирнинг оралиқ бўғини сифатида қурилиш учун жуда хосдир.

Хулоса сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жуда муҳимдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қурилиш комплексидаги ўзаро муносабатлар характери ва унинг моддий таъминоти соҳасини ҳам тубдан ўзгартирди. Қурилиш комплекси томонидан қурилиш материалларига бўлган талаблар ва эҳтиёжларнинг ҳолати ва етказувчиларнинг нарх сиёсати қурилиш материаллари бозори конъюктурасининг асосий омилларига айланди. Бозор туридаги иқтисодий шароитларда етказувчилар учун маҳсулотлар сотилишини ташкил этиш, истемолчилар учун эса уларни минимал нархларда харид қилиш бош муаммога айланди.

Қурилиш комплекси (материаллар ресурсларини тугалланган ҳолатда истеъмол қиладиган йирик субъектлар) олдида материаллар ресурсларини харид қилишнинг самарадор шаклларини танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифаси туради. Бу вазифаларни ҳал этишда машиналар ва жиҳозлар бўйича лизингни ривожлантириш, материаллар ва қурилиш конструкциялари бўйича эса материаллар оқимини самарали ташкил этиш катта аҳамият касб этади, буни муваффақиятли амалга ошириш эса ўз навбатида моддий таъминот логистик методларини амалиётга қўллаш билан боғлиқдир.

#### **25.5. Асосий фондлар - қурилишнинг ишлаб чиқариш ва ресурс асоси сифатида.**

Асосий фондлар - ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасида (асосий ишлаб чиқариш фондлари), ҳам ноишлаб чиқариш соҳасида (ноишлаб чиқариш асосий фондлари) банд бўлган материал-моддий қийматлар мажмуасидир. Қурилиш иқтисодиёт тармоқлари учун турли корхоналар, бино ва иншоотларни қуриш давомида мамлакат учун асосий фондларни бунёд этишда иштирок этади, бироқ у ўз навбатида улардан меҳнат ва ишлаб чиқариш қуроллари сифатида фойдаланади. Шунинг учун қурилиш маҳсулоти сифатида ва зарурий ишлаб чиқариш қуроллари сифатидаги асосий фондларни бир-биридан ажратиш лозим.

Асосий ишлаб чиқариш фондларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари;
- ишчи машина ва асбоб-ускуналари;
- машина ва асбоб-ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жиҳозлари.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларга қуйидагилар киради:

- уй-жойлар;
- коммунал хўжалик объектлари;
- маданий-маиший объектлар;
- соғлиқни сақлаш ва маориф объектлари.

Бу ерда гап бутун иқтисодиёт балансида эмас, балки қурилиш балансида турган ноишлаб чиқариш асосий фондлари ҳақида

бормоқда. Агар бундай тафовут бўлмаса, қурилишнинг ноишлаб чиқариш асосий фондлари билан жиҳозланганлиги сунъий равишда ўсиб кетиши мумкин.

Асосий фондлар натура ва пул шаклида (қиймат ифодасида) баҳоланади. Бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар одатда корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг асосий фондлари сифатида кўрсатилади, ваҳоланки бу уларнинг элементлар бўйича, яъни бино ва иншоотлар, ишчи ва қувват машиналарида, транспорт воситаларида ва ҳоказоларда қанча маблағ борлиги бўйича ҳисобга олинишига тўсқинлик қилмайди.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш даражасига ва меҳнат предметларига кўрсатадиган таъсирига қараб икки қисмга бўлинади: актив-ишчи ва қувват машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, асбоблар ва жиҳозлар; пассив - бино ва иншоотлар, яъни ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи ёрдамчи жараёнлар билан банд бўлган иморатлар ва объектлар (идоралар, омборхоналар, лабораториялар, бошқарув аппарати жойлашган бинолар).

Асосий фондларни кўпайтиришни таҳлил қилиш, баҳолаш ва стратегиясини белгилаб олишда уларнинг тузилмаси - асосий фондларнинг айрим гуруҳларининг уларнинг жами қийматидаги улуши - катта аҳамият касб этади. Машина ва асбоб-ускуналарнинг, транспорт воситаларининг жами асосий фондлар қийматидаги улуши қанчалик катта бўлса, (қолган шартлар тенг бўлганда) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, фонд қайтими кўрсаткичи ҳам шу қадар юқори бўлади. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасини яхшилашга ишлаб чиқариш ва фонд қайтимини оширишнинг муҳим шарти деб қаралади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибини қуйидагича яхшилаш мумкин:

- машина паркини техниканинг янги турлари билан тўлдириш йўли билан;
- ишлаб турган машина ва асбоб-ускуналарни модернизациялаш билан;
- ортиқча ва кам фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни тугатиш билан;
- асосий фондларнинг айрим гуруҳлари ўртасида оқилона нисбатларни таъминлаш билан.

Маълумки, асосий фондлар эксплуатация жараёнида мунтазам равишда эскириб, ишдан чиқиб боради. Шу сабабдан асосий фондларга нисбатан жисмоний ва маънавий эскириш тушунчаларини киритамиз.

**Жисмоний эскириш** - асосий фондларнинг эксплуатация жараёнида ёки бекор туриш натижасида ўзининг дастлабки характеристикаларини аста-секин йўқотишидир. Бу нотекис кечувчи

жараён бўлганлиги туфайли, асосий фондлар тўлиқ ёки қисман эскиришга ажратилади. Биринчи ҳолда эскирган асосий фондлар тугатилади ва янгисига алмаштирилади, иккинчи ҳолда эса таъмирлаш йўли билан тикланади.

**Маънавий эскириш** - машина ва асбоб-ускуналар қийматининг уларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ижтимоий зарурий ҳаражатларнинг камайиши таъсирида камайиб бориши (маънавий эскиришнинг биринчи шакли) ёки улар қийматининг янги, илғор ва самарали машина ва асбоб-ускуналар яратилиши натижасида камайишидир (маънавий эскиришнинг иккинчи шакли).

Асосий фондларнинг эскиришини тиклаш корхона ва ташкилотларнинг махсус маблағлари асосида - амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилади. Уларнинг суммаси асосий фондларнинг қийматига, уларнинг хизмат муддатига, таъмирлаш ва модернизациялаш ҳаражатларига боғлиқдир. Бу маблағлар одатда корхонанинг амортизация фондида тўпланиб боради ва фақатгина асосий фондларни тиклаш ва таъмирлаш мақсадларида фойдаланилади.

Йиллик амортизация суммасининг асосий фондлар қийматига нисбати фоизларда ифодаланганда амортизация меъёри деб аталади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H_{ам} = \frac{\Phi_1 - \Phi_n}{T_a * \Phi_1}$$

бу ерда:

$\Phi_1$  - асосий фондларнинг дастлабки қиймати;

$\Phi_n$  - асосий фондларнинг тугатиш қиймати;

$T_a$  - асосий фондларнинг амортизация муддати ёки хизмат муддати, йил.

Дастлабки қиймат - асосий фондларни сотиб олиш пайтидаги ҳаражатлар суммаси (етказиб бериш, ўрнатиш ёки монтаж ҳаражатлари билан бирга).

Тиклаш қиймати - асосий фондларнинг бугунги кундаги инфляция, қайта баҳолаш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган қиймати.

Қолдиқ қиймат - бу асосий фондларнинг дастлабки ёки тиклаш қиймати билан эскириш суммаси ўртасидаги фарқдир.

Асосий фондларни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$A = H_{амор} \times \Phi,$$

бу ерда:  $\Phi$  - асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватига бевосита таъсир кўрсатади. Қурилиш ташкилотларининг фонд билан



жиҳозланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам шу қадар юқори бўлади. Ишлаб чиқариш қуввати - берилган машина ва асбоб-ускуналар, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услубида (ишчилар сони ва ажратилган вақтни ҳисобга олган ҳолда) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг) максимал ҳажми. Буни ҳисобга олган ҳолда қурилиш корхонасининг йиллик, чораклик ва ойлик ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш қувватини ва умуман асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни ҳисоблашда бир қатор кўрсаткичлар қўлланилади. Уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

**экстенсив кўрсаткичлар** - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг вақт бўйича кўрсаткичлари;

**интенсив кўрсаткичлар** - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг унумдорлик (қувват) кўрсаткичлари;

**интеграл кўрсаткичлар** - экстенсив ва интенсив омилларнинг жами таъсирини, яъни экстенсив ва интенсив кўрсаткичларнинг ҳосиласини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичлар асосан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичлари ҳисобланади ва қуйидаги категорияларни ўз ичига олади:

- асбоб-ускуналар ва машиналарнинг бандлик коэффициенти;
- алмашинув коэффициенти;
- асбоб-ускуналарнинг унумдорлиги.

Улар билан бир қаторда амалиётда асосий ишлаб чиқариш фондларидан қайтими кўрсаткичига тескари кўрсаткич;

**Фондларнинг** фойдаланишнинг қиймат кўрсаткичлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Фонд қайтими** - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган миқдори;

**Фонд сиғими** - фонд **рентабеллиги** - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган фойда миқдори.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини баҳолаш ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг фонд билан қуролланганлиги ҳамда унинг яна бир тури - меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг механик қуролланганлиги каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Қурилиш ташкилотлари асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаб боришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг 2003 йил 14 октябрдаги қарорига кўра «Пудратчи қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарини сотиб олишга

йўналтириладиган маблағларга солиқ солиш базасини камайтириш қисмида даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ» қабул қилинди.

Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва пудратчи қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммасига солиқ солинадиган базани камайтириш даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди. Унда қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пудратчи қурилиш ташкилотларини қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари 2006 йилнинг 1 январигача даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

2. Пудратчи қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича аниқланади ва қуйидагиларда ҳисобга олинади:

а) монтаж талаб этиладиган қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналари келиб тушганда - ўрнатишга асбоб-ускуналар ҳисоби счётида, "Ўрнатишга қурилиш асбоб-ускуналари" ҳисобидан ажратилган ҳолда;

б) монтаж талаб этилмайдиган қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналари келиб тушганда - капитал қўйилмалар ҳисоби счётида "қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш" ҳисобидан ажратилган ҳолда.

3. Пудратчи қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари суммаси ҳақ тўланган ва пул тушган санадан қатъи назар ҳисобот даврида даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

4. Солиқ солинадиган базани камайтириш бўйича имтиёзларни қўллашда тегишли ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китобларга қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган маблағлар суммаси кўрсатилган маълумотнома илова қилиниши шарт.

5. Корхоналар солиқ солиш базасини камайтириш бўйича берилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда даромад (фойда) солиғини тўғри ҳисоблаш учун жавобгардирлар.

6. Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси,

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

#### **25.6. Қурилишнинг айланма фондлари ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Қурилиш ташкилотлари бошқа тармоқлардаги корхоналар каби, муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун фақат асосий эмас, балки айланма воситалар ҳам керак бўлиб, улар айланма фондлар ва муомала фондларига авансланган пул маблағларидан иборат. Кўпинча, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлмаса-да, айланма воситалар айланма фондларнинг пуллик ифодаси деб аталади.

Айланма фондлар - бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ фойдаланиладиган айланма воситаларнинг бир қисми бўлиб, шу циклдан сўнг ўзининг дастлабки натурал-моддий шаклини йўқотиб, ўз қийматларини тўлалигича ҳосил бўлаётган маҳсулотга ўтказилади.

Муомала фонди - бу корхона ёки ташкилотнинг пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоблардаги маблағлардир. Демак, корхонанинг айланма воситалари - унинг айланма ва муомала фондлари йиғиндисидир.

Айланма фондлар энг муҳим икки элементдан ташкил топган: ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишлаб чиқариш заҳиралари ва воситаларидан ташкил топган.

**Ишлаб чиқариш заҳиралари** - бу ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга мўлжалланган, аммо ҳали ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинмаган меҳнат предметларидир (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, тайёр маҳсулотлар омборлари ёки полигонларидаги буюмлар ва конструкциялар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар).

**Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар** - бу аввало тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш) ва келгуси давр харажатларидир (вақтинчалик бино ва иншоотлар қуришга, асбоб-ускуналарни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, синовлар ўтказиш ва ҳоказоларга сарфланадиган харажатлар).

Бу харажатларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар бир ҳисобот даврида бир марта амалга оширилади лекин маҳсулотнинг

(хизматларнинг) таннархига эса бўлаклаб киритиб борилади, чунки улар фақат жорий эмас, балки келгусида даврлардаги ишлаб чиқариш билан ҳам боғлиқдир.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматини тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Амалиётдан маълум бўлишича, бу масалага корхона ва ташкилотлар томонидан нотўғри ёндашиш (улар ўз заҳираларини кўпайтиришга интиладилар) уларда керакли айланма воситаларнинг, шу жумладан айланма фондларнинг етишмаслигига, баъзан эса ҳатто мутлақо мавжуд бўлмаслигига олиб келади.

Заҳираларнинг уч хил тури: транспорт, жорий (омбор) ва суғурта (кафолат) заҳиралари мавжуд.

**Транспорт заҳиралари** - тўлов талабномаси тўланган кундан юкнинг корхона омборига келиб тушган кунигача бўлган давр.

**Жорий заҳира** - ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тенг бўлиши керак. Жорий заҳиранинг миқдори ўртача кунлик ҳаражатларга ва хом ашё, материаллар, конструкциялар ва ҳоказоларнинг қанчалик тез-тез етказиб бериб турилишига боғлиқ. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга қанчалик тез-тез келиб турса, жорий заҳира миқдори ҳам шунчалик кам бўлиши керак. Табиийки, бунда ишлаб чиқариш дастури ўзгармас бўлади.

**Суғурта заҳираси** таъминотдаги ва транспорт фаолиятидаги ўзилишларнинг, етказиб бериш муддатлари бузилишининг олдини олиш учун зарур. Суғурта заҳирасининг қиймати жорий (омбордаги) заҳира учун белгиланган айланма воситалар меъёрининг 30-50 фоизи атрофида бўлиши мумкин.

Айланма воситалари шаклланиш манбаларига кўра **хусусий** ва **қарз** воситаларга бўлинади. Айланма воситаларнинг **хусусий манбалари** қаторига корхонанинг фойдасини, унинг низом капиталини, шунингдек, қўшимча ва заҳира капиталини киритиш мумкин бўлиб, улар айниқса корхонани бошқаришнинг акционерлик шакли шароитларида кўпроқ кўзатилиши мумкин.

Барқарор пассивлар, масалан, ишчи ва хизматчилар олдидаги иш ҳақи бўйича минимал кўчувчи қарздорлик, турли фондларга (бандлик, суғурта, нафақа ва бошқа фондлар) ажратмалар бўйича қарздорлик, солиқлар, йиғимлар ва бюджетга тўловлар бўйича ва бошқа қарзлар ҳам айланма воситаларнинг муҳим ички манбалари қаторига киради.

**Қарз маблағлари** - бу четдан, турли молиявий манбалардан жалб қилинадиган ва одатда қайтариш шarti билан маълум бир тўлов (фоиз ставкалари) эвазига олинадиган маблағлардир. Маълум келишилган шартлар асосида жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан қарзга олинган маблағлар ҳам қарз маблағлар таркибига киради.

Бозор шароитларида биринчидан, айланма маблағлар етарлича

бўлиши ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ бўлиши, иккинчидан имкон қадар самарали фойдаланилиши жуда муҳимдир. Ушбу иккинчи ҳолат учун амалиётда икки кўрсаткич - маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти ва бир айланманинг ўртача муддати қўлланилади.

**Айланувчанлик коэффициенти** муайян вақт мобайнидаги айланма маблағлар миқдорини ёки берилган даврдаги айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\text{айл}} = \frac{Q}{OC}$$

бу ерда:

**Q** - сотилган маҳсулот ҳажми (буюртмачига топширилган ишлар ҳажми);

**OC** - айланма маблағларнинг ўртача қиймати.

Айланувчанлик коэффицентининг камайиши корхонанинг айланма воситалари айланишининг секинлашаётганлигидан далолат беради ва аксинча.

**Бир айланманинг ўртача давомийлиги (Д<sub>ўр</sub>)** ҳисобот даври кунларининг айланувчанлик коэффициенти қийматига нисбати бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$D_{\text{ўр}} = \frac{T_p}{K_{\text{айл}}}$$

бу ерда  $T_p$  – ҳисобот даври (360 кун, 180 кун, 90 кун).

Айланма воситаларнинг айланиш давомийлиги қанчалик кичик ёки сотилган маҳсулот ҳажми ўзгармас бўлгандаги айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма воситалар шунчалик камроқ миқдорда талаб қилинади ва аксинча, айланма воситалар қанчалик тез айланиб турса, улардан шунчалик самарали фойдаланилади. Айланма воситаларнинг айланишини жадаллаштириш самараси ресурсларнинг озод бўлиши, улардан фойдаланишнинг яхшиланиши туфайли уларга бўлган эҳтиёжнинг камайишида акс этади.

## **25.7. Меҳнат ресурслари ва қурилишнинг кадрлар салоҳияти**

Меҳнат ресурслари - бу аҳолининг жисмонан ривожланган, ақлий қобилият ва билимларга эга, меҳнатга лаёқатли қисмидир. Одатда уларни аҳолининг иқтисодий фаол қисми деб аталади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми (моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг тахминан 8-10 фоизи) бугунги кунда қурилиш соҳасида ишламоқда. Айнан улар қурилишнинг асосий фондларини ҳам, айланма фондларини ҳам ҳаракатга келтирадилар, иқтисодий ва аҳоли учун керакли объектларни вужудга келтирадилар.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитлари меҳнат ресурсларини маҳорат билан бошқариш ва аввало, кадрларни макроиқтисодий миқёсда ҳам, унинг бирламчи бўғинлари - корхоналар,

ташкilotлар ва бошқа хўжалик субъектлар миқёсида ҳам кадрларни тўғри танлаб, тўғри жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кундаги кадрлар ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини яхши тушуниш билан бирга, иқтисодиёт ва иқтисодий ривожланиш қонунларини, бизнес-стратегияларни, илмий менежмент асосларини, хўжалик юритишнинг ҳуқуқий масалаларини билишлари, ишлаб чиқаришда юзага келадиган вазифаларни тезкор еча олишлари керак.

Ислоҳотлардан аввалги даврда кадрлар билан ишлашнинг таҳлили унда қуйидагича салбий жиҳатлар бўлганлигини кўрсатмоқда:

- касбга йўналтиришнинг, кадрларни яъни ишчиларни ва раҳбарларни (менежерларни) танлаш ва жойлаштиришнинг расмийлиги;

- айрим ишловчиларнинг шахсий сифатларига, уларнинг меҳнат натижаларига ортиқча баҳо бериш ёки етарли баҳоламаслик;

- ишловчининг ўз иш лавозимига мос эмаслиги ёки ишга қабул қилишдаги протекционизм;

- меҳнат натижалари учун жавобгарликнинг сусайиши;

- ўз-ўзини танқид ва ўз-ўзидан норозиликни билмаслик;

- меҳнатга ҳақ тўлашда тенглаштириш, маҳорат ва ташаббускорликка, мустақилликка етарли эътибор бермаслик.

Бугунги кунда қурилишдаги кадрлар сиёсати бошқа тармоқлардаги билан деярли бир хил бўлиб, аввало бозор талаблари ва бозор муносабатларига, қарорлар қабул қилишда мустақилликка асослангандир. Бунда асосий эътибор инсон омилининг кучайтирилишига қаратилади, чунки иқтисодий тараққиётнинг тақдирини завод ва фабрикалар, машиналар, асбоб-ускуналар ёки ишлаб чиқариш заҳиралари эмас, балки аввало инсонлар, ишчилар ҳал қилади. Корхона ёки ташкilotнинг фаолиятини самарали ёки самарасиз қилувчилар ҳам айнан ишчилар, меҳнат жамоасидир.

Шу муносабат билан инсон омилининг қурилишнинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатишидаги асосий жиҳат қуйидагилардан ташкил топган:

- кадрларни танлаш ва илгари суриш;

- кадрларни тайёрлаш ва уларни узлуксиз ўқитиш;

- кадрлар таркибининг барқарорлиги ва ихчамлиги;

- ишчилар меҳнатини моддий ва маънавий баҳолашни такомиллаштириш.

Бу вазифаларни ҳал қилишда қурилиш ташкilotлари (фирмалари) бошқа корхоналар каби кенг фаолият миқёсига эгадирлар. Аммо бу ердаги умумий қоида шундайки, ишлаб чиқаришга маълумоти ва касбий маҳорати билан ажралиб турадиган кишилар керак. Бугунги кунда, талаб ва таклиф кўпинча бир-бирига қарама-қарши турган, энди шаклланиб келаётган меҳнат бозорида айнан ана шундай кишиларга бўлган талаб кучлидир.

Қурилишда меҳнат ресурсларини бошқариш тизими ҳозирги

кунда ўзаро боғлиқ бўлган уч блокни ўз ичига олади:

- 1) корхонанинг меҳнат ресурсларини шакллантириш;
- 2) корхонанинг меҳнат ресурсларини ривожлантириш;
- 3) ҳаётнинг меҳнат даврининг сифатини ошириш.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг ресурслар билан таъминланганлиги - капитал қурилишнинг жорий ва истиқболли дастурларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бозор шароитларида корхона ва ташкилотларнинг ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга бўлган муносабати миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаради.

Ишлаб чиқариш фондлари (асосий ва айланма) ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини характерлайди. Улар меҳнат ресурслари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг бир маромда давом этишини ҳамда сарфланган маблағларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш фондлари ва кадрлар салоҳияти кўп жиҳатдан ҳар бир қурилиш ташкилотининг ва бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини (қувватини) белгилаб беради.

Бозор шароитларида ресурс салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш аввало корхона ва ташкилотларнинг вазифасидир. Давлат хўжалик субъектларининг бу борадаги мустақиллигини рағбатлантиради, ҳолбуки уларни зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаб ҳам туради.

Қурилишдаги муҳим вазифа - бу айланма воситаларнинг айланишини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишдир, бу эса ўз навбатида одамларнинг меҳнатга, ресурслардан тежамли фойдаланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва бошқа шу кабиларга бўлган муносабатларига боғлиқдир.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитларида ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш ташкилоти ўзининг ресурс сиёсатини ишлаб чиқиши лозим бўлиб, бу сиёсат бир томондан, ўзининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, иккинчи томондан эса - ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

## **25.8. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги моҳияти**

Ҳозирги замон шароитларида меҳнатни ташкил этиш ва унинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор ажратмоқ зарур, чунки улар иқтисодий ўсиш ва тараққиётнинг ягона манбаи деб ҳисобланади. Бироқ кейинги йилларда саноат-ишлаб чиқариш салоҳияти, жумладан иш ўринларининг компенсациялашмаган ҳолда йўқолиш жараёни кескин кучайди. 1991 йилдан бошлаб қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларининг йўқолиши янгиларини ишга тушириш сонидан ошиб кетди, янги иш ўринларини яратиш янада қисқармоқда. Бундан ташқари қурилишда биринчи навбатда саноат қурилишининг

камайиши эвазига айниқса жисмоний иш ўринлари сони жадал қисқармоқда, яъни мантиқ жуда оддий: маҳсулотлар сотилишининг чегараланиши машғуллик сони камашийига олиб келади, бунинг оқибатида эса жисмоний иш ўринлари уларнинг зарур бўлмай қолганлиги туфайли қисқаради.

Шуни таъкидлаш жоизки, юзага келган иқтисодий вазиятда меҳнат самарадорлигини ўстириш муаммоси энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қолаверади, лекин уни ечиш билан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуришга муваффақиятли эришиш мумкин. Муаммони ечишнинг мумкин бўлган механизми шундан иборатки, бунда миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган молия-кредит ва экспорт-импорт сиёсатини олиб бориш, жамғарма ва инвестициялашга бўлган реал манфаатларнинг ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш, имкониятлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошириш, мамлакатда тўпланган интеллектуал ва меҳнат салоҳиятига оқилона ёндашиш зарур бўлади.

Юзага келган вазият корхона ишчи-ҳодимлари сингари давлат органлари томонидан ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга йўналтирилган кардинал чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Шу сабабли меҳнат унумдорлиги, унинг ўсиши ҳамма тармоқлар ва айниқса қурилиш учун жуда долзарбдир.

Меҳнат унумдорлигининг алоҳида корхоналар ва бутун жамият ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этиши меҳнат унумдорлиги даражасини кўтариш ва унинг ўсишига ёрдам берадиган резервларни юзага келтиришга таъсир кўрсатадиган асосий омилларни ўрганиш нақадар зарур эканлигидан дарак беради.

*Меҳнат унумдорлиги* – бу ишлаб чиқариш жараёнида сафрланган меҳнат самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичдир. Меҳнат унумдорлигига умумий тушунча бера туриб, айтиш мумкинки, меҳнат унумдорлиги маҳсулот миқдори билан аниқланади, яъни ишчилар томонидан вақт бирлигида яратиладиган истеъмол молларининг миқдори билан ўлчанади.

### **25.9. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ва резервлари**

*Омиллар* – бу ҳаракатлантирувчи куч ва бирон-бир жараён ва ҳодисага таъсир кўрсатувчи сабабдир. Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатиш характери ва даражасига боғлиқ равишда омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: моддий-техник, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, табиий-иқлимий, сиёсий, хусусий.

*Моддий-техник* омиллар янги техника, илғор технологиялар, хом-ашёлар ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш билан боғлангандир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қуйидагиларни амалга ошириш билан эришиш мумкин:

- жиҳозларни модернизациялаш;



- маънавий эскирган жиҳозларни анча унумдор бўлган янги жиҳозларга алмаштириш;

- ишлаб чиқариш механизацияси мавқеини ошириш орқали: қўлда бажариладиган ишларни механизациялаштириш, кичик механизация воситаларини кенг тадбиқ қилиш, участкалар ва цехларда бажариладиган ишларни комплексли механизациялаштириш;

- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;

- янги илғор технологияларни қўллаш;

- хом-ашёлар янги турларидан, прогрессив материаллардан фойдаланиш.

Илмий-техник тараққиётни меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишнинг бош манбаи сифатида кўриб чиқиш тақоза этилади. Ҳозирги замон шароитларида фан-техника тараққиёти ютуғларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш инвестициялар ажратилишини талаб этади, биринчи навбатда амалдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Моддий–техник омилларнинг жуда муҳимлиги, уларнинг моддийлашган меҳнат иқтисодиётини таъминлаши билан изоҳланади.

*Ташкилий-иқтисодий* омиллар меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш мавқеи билан аниқланади. Унга ишлаб чиқариш бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш: бошқарув аппарати тузилмаси, ишлаб чиқаришни бошқариш тизими, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш киради.

*Ижтимоий-психологик* омиллар меҳнат жамоалари аҳиллиги, уларнинг ижтимоий-демографик таркиби, тайёргарлик даражаси, меҳнат фаоллиги, бўлимлар ва бутун корхона бўйича маънавий-руҳий муҳитни шакллантирадиган раҳбарлик қилиш усули билан аниқланади.

*Табиий-иқлимий* омиллар қурилишнинг боришига катта таъсир кўрсадади, чунки қурилиш ишларининг аксарият қисми очиқ осмон остида бажарилади. Бу омилларни қурилиш жараёнини лойиҳалашнинг бошланғич босқичларидаёқ ҳисобга олиш тақоза этилади.

*Сиёсий ва қонуний* омиллар солиққа тортиш, инвестициялаш, лицензиялаш, божхона ва шу каби жараёнларни тартиблаштиради: иқтисодиёт ҳамма тармоқларини, жумладан қурилиш соҳасини ҳам ривожлантириш йўналишини аниқлаб беради.

*Хусусий омил.* Мамлакат иқтисодий механизмида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат натижаларига бўлган мулкчилик шакллари ўзгариши рўй бераётган ҳозирги замон шароитларида қурилиш иқтисодиётида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар тадбиркорлик ва рақобат базасида янги иқтисодий муносабатлар юзага келишига олиб келади, инсонни ишлаб чиқариш воситалари билан билвосита мулоқатда бўлишдан озод этиш (яъни

дастгоҳларни, механизмларни масофадан бошқаришни йўлга қўйиш) учун шароитлар яратилляпти.

Юқорида санаб ўтилган барча омиллар бири-бири билан ўзаро боғлиқлика эга бўлганлиги туфайли уларни комплекс ҳолда ўрганиш тақоза этилади. Бундай ўрганиш шунинг учун зарурки, бунда ҳар бир омилнинг кўрсатадиган таъсири аниқ баҳоланади, чунки уларнинг таъсирлари ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Улардан баъзилари меҳнат унумдорлигининг устивор ўсишини таъминлайди, бошқа омиллар таъсири эса ўзгарувчан бўлади.

Корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш резервлари деганда ишлатилмаётган ишлаб чиқариш ресурслари тушунилади. Одатда Ўзбекистон корхоналарида меҳнат унумдорлигини ўстириш резервлари ички ишлаб чиқариш резервлари, меҳнат сиғимини пасайтириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, моддий ресурсларни тежаш ва меҳнат қуролларини асраб–авайлаб ишлатиш резервларига бўлинади.

Вақт бўйича фойдаланишга кўра меҳнат унумдорлиги резервлари *жорий ва перспектив* резервларга бўлинади.

*Жорий резервлар* яқин келажақда амалга оширилиши мумкин, қоидага кўра улар аҳамиятли тарздаги ягона вақтли маблағларни талаб этмайди. Уларга яхши жиҳозлардан фойдаланиш, яроқсиз жиҳозларни ишлаб чиқариш тизимидан олиб ташлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг рационал ва самарадор тизимларини қўллаш, корхоналарда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва уни меъёрлаштириш киради.

*Перспектив резервлар* одатда ишлаб чиқаришни қайта қуришни, янги технологияларни тадбиқ этишни ва ш.ў.ларни талаб этади, бунинг учун қўшимча капитал маблағлар ва ишларни амалга ошириш учун аҳамиятли тарздаги муддатлар зарур бўлади.

Унумдорликни моҳият жиҳатдан аниқлаш, айнан маҳсулот ҳажмининг уни ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларга бўлган нисбатидан келиб чиққан ҳолда унумдорлик тўртта ҳолатда ошиши мумкин:

- маҳсулот ҳажмининг ошиши, сарф-харажатларнинг эса пасайиши (классик ҳолат);
- маҳсулот ҳажмининг сарф-харажатларга қараганда тез ўсиши;
- маҳсулотнинг ҳажми ўзгаришсиз қолади, сарф-харажатлар эса пасаяди;
- сарф-харажатларнинг пасайишига нисбатан маҳсулот ҳажмининг кам суръатлар билан пасайиши.

Меҳнат унумдорлигини ўстиришни таъминлаш бўйича бошқариш стратегияси танлаш ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

## **25.10. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш методлари**

Турли ташкилотлардаги мавжуд резервларни баҳолаш, меҳнат унумдорлигининг даражасини ўлчаш, ўтган бир қатор йиллар давомида меҳнат унумдорлигининг динамикасини юзага чиқариш учун қурилишда меҳнат унумдорлигини тўғри (объектив) ўлчаш муҳим аҳамият касб этади.

Қурилишда меҳнат унумдорлигининг даражасини иккита асосий кўрсаткич билан аниқлаш мумкин: вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (*унумдорлик*), ва маҳсулот бирлигини тайёрлашга сарфланадиган вақт (*меҳнат сиғими*).

Меҳнат унумдорлиги маҳсулот ҳажми ва сарфланган меҳнат қандай бирликларда ўлчанишига боғлиқ равишда турли усуллар билан аниқланади.

Ўлчаш методлари:

1. маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ҳажми;
  - 1.1. натуравий;
  - 1.2. меъёрий;
  - 1.3. нархли: жамланма, товарли, шартли тоза, соф маҳсулотли.
2. Сарфланган меҳнат (меҳнат сарфи):
  - 2.1. киши-соатлар;
  - 2.2. киши-кунлар;
  - 2.3. персоналнинг ўртача рўйхатли сони.

*Натуравий метод.* Ишлаб чиқаришнинг натуравий методи иш турлари бўйича ишчининг касби бўйича иш унумини натурал кўрсаткичларда аниқлаб беради (терилган ғиштнинг кубометрдаги ҳажми, конструкцияларнинг кубометри, юзаларнинг кватрат метрлари) ёки якуний маҳсулотни битта ишчига тўғри келадиган ҳажмда умумий ўлчам бирликларида ўлчаш (яшаш майдонинг квадрат метрлари, қувур ўтказгичларнинг километри ва ҳ.к.).

Иш турлари бўйича *натуравий кўрсаткичини* (ишчининг натуравий кўрсаткичлардаги иш унумини) натурал кўрсаткичларда (кубометрлар, погонометрлар, кватрат метрлар) да ўлчанган алоҳида иш тури ҳажмининг ушбу иш турини бажарган ишчилар сонига (киши) нисбати орқали аниқлаш мумкин.

Натурал кўрсаткич (ишлаб чиқарилган натуравий миқдор) меҳнат унумдорлигининг энг объектив ва ишончли кўрсаткичи деб ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг натуравий ўлчамлардаги кўрсаткичлари алоҳида биргадалар ва ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш ҳамда таққослаш, уларнинг сонини режалаштириш, профессионал ва савиявий таркибини, турли ташкилотларда бир хил типли объектларни қуришда бир жинсли ишларни бажаришдаги меҳнат унумдорлигини қиёслаш имконини беради. Бироқ унумдорликнинг бундай кўрсаткичлари ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан улар қурилиш ҳар хил жинсли ишларнинг бир нечта турларининг бажарилишида ташкилоти бўйича меҳнат унумдорлигининг умумлашган кўрсаткичини аниқлаш

имкониятини бера олмайди, тугатилмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгаришини ҳисобга олмайди.

*Меъёрий метод.* Меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг меъёрий методи меъёрларда кўрсатилган меҳнат сарфи асосида фактли меҳнат сарфининг аниқ иш ҳажмига нисбатини кўрсатади, яъни ишчилар томонидан ишлаб чиқариш меъёрларининг бажарилиш даражасини тавсифлайди. Меъёрий кўрсаткич ишлар меҳнат сиғимининг меъёр бўйича (киши-кунлар) нисбатини 100% га кўпайтириш орқали ифодалаб беради. Меъёрий метод ёхуд меъёрий вақтнинг қисқариш даражасини, ёки ишлаб чиқариш меъёрининг бажарилиш даражаси (миқдори)ни аниқлаш имконини беради.

*Нархли метод.* Меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг нархли методи энг кўп тарқалган бўлиб, бунда маҳсулот миқдори сметавий нархда ёки шартнома асосида келишилган нархда ҳисобга олинади. Бу методда меҳнат унумдорлигининг даражаси асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, яъни қурилиш ташкилотининг қурилиш-ишлаб чиқариш персонали бўйича битта ишчига тўғри келадиган қурилиш-монтаж ишларининг сметавий нархлари орқали ўлчаниши билан тавсифланади.

Нархли кўрсаткични қурилиш ташкилоти (қурилиш бошқармаси, қурилиш трести) бўйича ҳамда бирлашма, вазирлик миқёсида умумий меҳнат унумдорлигини белгилайдиган кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу кўрсаткичнинг устунлик томонлари – ҳисоблашнинг оддийлиги, турли объектлар, қурилишларда унумдорликнинг даражасини таққослаш имконияти мавжудлиги, ўтган қатор йиллар давомида унумдорликнинг динамикасини аниқлаш, унинг камчиликлари – жонли меҳнат самарадорлигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишларнинг материалли сиғимга, меҳнат қуроллари ва предметларининг динамикасига бўлган таъсири. Ахир қурилиш-монтаж ишлари орқали йиғма темирбетонни монтаж қилишда материаллар сиғими (ҳажми, миқдори) 70-75% га чиқади, ер ишларида эса материаллар сиғими (ҳажми, миқдори) атиги 5-8% ни ташкил этади. Шунинг учун бажарилаётган ишларнинг структурали силжишини ҳисоблашда (ёки ҳисобга, яъни инобатга олишда) муаммо юзага келади.

*Ялли маҳсулот нархи бўйича кўрсаткич.* Бу кўрсаткич асосида кўп йиллар мобайнида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми режалаштирилда ва ҳисобга олинди, бу шуниси билан ажабланарлики, турли корхоналарда ва турли йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қандайдир вақт ҳолати бўйича корхоналарнинг ягона кўтара нархлари билан ҳисобланди. Бу эса турли йилларда нархларнинг ўзгаришини белгилаш имконини берди ва бу мезон бўйича кўрсаткичларни таққослаш (қиёслаш)га эришилди. Бироқ маҳсулот нархи нафақат жонли меҳнат сарфини ўзида акс эттиради, балки олдиндан кооперация бўйича олинган хом-ашё, материаллар,

сотиб олинган ярим фабрикатлар, деталлар ва узелларни ҳам ўзида акс эттирмоғи лозим. Анча қиммат бўлган хом-ашёнинг қайта ишлашга йўналтирилиши ялпи маҳсулот нарhini ошириб юборади ва шунга мос равишда корхона меҳнат унумдорлиги ишчиларининг қандайдир иштирокисиз ҳам ошиб кетади. Ялпи маҳсулот нархига шунингдек, тугалланмаган (якунланмаган) маҳсулот нархининг фарқи ҳам киради. Бу эса корхоналарга ялпи маҳсулот нарhini ошириш имкониятини беради, шу билан бир қаторда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш эвазига меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳам ошади.

*Товарли маҳсулот нархининг кўрсаткичи* тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмлари таъсиридан ҳолидир, лекин бу кўрсаткич ялпи маҳсулот кўрсаткичига тегишли бўлган бошқа камчиликлардан ҳоли эмас.

*Соф маҳсулот кўрсаткичи* – янгидан яратилган нарх корхонанинг маҳсулот яратишдаги ҳиссаси тўғрисида тўлиқ таасуротни беради, чунки унинг қийматиға хом-ашё, материаллар, сотиб олинган яримфабрикатлар ва узелларга сарфланган маблағлар таъсир кўрсатмайди, у амортизация чегирмаларидан озоддир.

$$P = Z + Pr,$$

бу ерда **Z** – корхона ишчиларининг (чегирмаларсиз) тўлиқ маоши; **Pr** – корхонанинг фойдаси.

Соф маҳсулот янгидан яратилган нархни аниқ тавсифлайди, агар қачонки, маҳсулот бозор нархларида айрибошланса (сотилса). Лекин бизнинг шароитда монопол нархларнинг таъсири катта бўлиб, улар янги нархлар қўйилишида корхонанинг реал ҳиссасини аниқ кўрсатмайди ва соф маҳсулот учун нархнинг ўрнатилиши муаммоли ҳолатга айланиб қолади.

*Шартли* – соф маҳсулот кўрсаткичи ўзига тўлиқ иш ҳақини ва фойдани, шунингдек, асосий воситаларнинг амортизация чегирмаларининг йиғиндисини, яъни қилинган меҳнат қисмини ҳам киритади:

$$P = Z + Pr + A,$$

бу ерда **Z** – корхона ҳамма ишчиларининг (чегирмаларсиз) тўлиқ маоши (иш ҳақи); **Pr** – корхонанинг фойдаси; **A** – амортизация чегирмаларининг йиғиндиси.

Бу кўрсаткичнинг ижобий томони шундаки, янгидан яратиладиган нархни тавсифлаш билан у таққослаш имконини беради.

Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришнинг материалли сиғимиға боғлиқ

эмас, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг «қулай» ва «ноқулай» маҳсулотга ажратилиши инкор этилади. Бундан ташқари кооператив етказиб бериш ҳажмининг ҳамда маҳсулотни қайтадан ҳисобга олишнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига кўрсатадиган таъсири бартараф этилади. Улардан охиргиси ишлаб чиқаришни комбинациялаштиришда ва ишлаб чиқариш ҳамда саноат бирлашмаларини яратишда (тузишда) кам бўлмаган муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчашнинг бундай ўлчамидан фойдаланиш амалиёти турли буюмларнинг анча аҳамиятли тарздаги рентабеллиги ва кўтара нарх орқали олинадиган фойдадаги корхона улушларининг катта фарқлари маҳсулот ишлаб чиқаришда корхонанинг реал ҳиссасини таққослашда ва фойдани тегишли миқдорлардаги кўринишда акс эттиришда ишончли натижаларни бермади.

*Меҳнат сарфлари* бажарилган киши-соатлар сони билан анча аниқ ифодаланади. Лекин уларни ҳисоблаш жуда кўп меҳнатни талаб қилади.

Киши-кунлар меҳнат сарфларининг киши-соатларда ўлчангандагига қараганда камроқ бўлган натижани беради, чунки киши-кунлар ички сменали тўхтаб қолишларни ҳисобга олмайди.

Ишчи ходимларнинг ўртача ойлик сони киши-кунларига қараганда кун мобайнидаги тўхталишларни ҳисобга олмайди, шунга қарамасдан айнан ишчи-ходимларнинг ўртача ойлик сонидан йиллик меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда фойдаланилади, чунки бу турли корхоналарнинг, тармоқларнинг ва умуман мамлакат бўйича кўрсаткичларнинг қиёсланишини таъминлайди. Корхона хўжалик фаолиятини ички ишлаб чиқариш бўйича таҳлил қилишда соатли ва кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шундай қилиб, унумдорликни аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат сарфларининг тегишли кўрсаткичлари танланади ва биринчи кўрсаткичлар иккинчи кўрсаткичларга бўлинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат сарфлари кўрсаткичларининг устунлиги ва кмачиликларини таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш жоизки, уларни мумкин бўлган ҳар қандай уйғунлаштириш маълум бир иқтисодий мазмунни касб этади, уларни танлаш эса меҳнат унумдорлиги даражасини ўлчашнинг конкрет масалалари билан аниқланади. Корхонада унумдорликни аниқлашнинг энг кенг қўлланиладиган (универсал) усули йил давомида ўртача рўйхат бўйича шу корхона битта ишчисига тўғри келадиган корхона томонидан бир йилда ишлаб чиқарилган соф маҳсулотнинг миқдорини ҳисоблашдан иборатдир.

Меҳнат унумдорлигининг бошқа кўрсаткичи – меҳнат сиғими - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга тўғри келадиган жонли меҳнат сарфининг йиғиндисини белгилайди.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш бўйича меҳнат сиғимини

аниқлаш учун ҳамма ишлаб чиқаришга сарфланган сарф-харажатларни маълум вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлиш керак бўлади. Меҳнат сиғими кўрсаткичи қаралаётган қурилишга алоқадор бўлмаган бошқа омилларнинг таъсирига учрамайди. Шунинг учун маҳсулот (иш)нинг фактли меҳнат сиғими нархли ишлаб чиқариш кўрсаткичига нисбатан анча тўғри бўлиб, меҳнат унумдорлигининг даражаси ва динамикасини тавсифлаб беради.

Меҳнатни режалаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида алоҳида операциялар, буюмлар, ишларнинг меҳнат сиғими ҳисобланади.

Технологик меҳнат сиғими ( $T_1$ ) асосий ишчи-бажарувчилар ва вақтбай ишлайдиганларнинг меҳнат сарфлари билан аниқланади. У ишлаб чиқариш операциялари, деталлар, тугунлар ва тайёр маҳсулотлар бўйича ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат сиғими ( $T_2$ ) асосий цехларнинг ёрдамчи ишчиларининг ҳамда ёрдамчи цехлар ва бўлимлардаги ишчиларнинг, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатаётган ҳамма ишчиларининг меҳнат сиғимини намоён этади. Уни ҳар бир операция, буюм бўйича ёки буюмнинг технологик меҳнат сиғимига пропорционал ҳисоблаш мумкин.

Ишлаб чиқариш бўйича меҳнат сиғими ( $T_3$ ) технологик ва хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат сиғимлари йиғиндисидан ташкил топади, яъни бу асосий ва ёрдамчи ишчиларнинг иш бирлигини бажаришга сарфлаган меҳнатини ифодалайди.

Бошқариш бўйича меҳнат сиғими ( $T_3$ ) раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар томонидан сарфланган меҳнат йиғиндисидан иборат бўлади. Бундай сарфларнинг бир қисми бевосита буюмларнинг тайёрланиши билан боғлиқ бўлиб, бу буюмларга бевосита тегишли бўлади, меҳнат сарфларининг бошқа қисми эса буюмларнинг тайёрланишига бевосита боғлиқ бўлмайди, ишлаб чиқариш меҳнат сиғимига пропорционал бўлган ҳолатда буюмларнинг тайёрланишига тегишли бўлади.

Энг яхшиси, маҳсулотнинг тўлиқ меҳнат сиғими кўрсаткичидан фойдаланиш жуда қулай бўлиб, бу кўрсаткич барча категориялардаги ишчиларнинг меҳнат сарфлар (киши-соатлар)ини ўз ичига олади ва у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$T = T_1 + T_2 + T_3 + T_4$$

Меҳнат сиғими ҳисоблаш усулига боғлиқ равишда меъёрий, фактли, режали меҳнат сиғимларига ажратилади.

Меҳнат сиғими кўрсаткичлари меҳнат унумдорлигининг даражасини ҳисоблаш, янги конструкциялар, материаллар ва технологик жараёнларни қўллашнинг самарадорлигини ҳамда қурилиш–монтаж ишларининг механизациялашганлигини баҳолаш

учун зурурдир. Меҳнат сиғими кўрсаткичларидан қурилишда меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларни ҳисоблашда фойдаланилади.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш (ўлчаш)нинг методларини ҳар доим такомиллаштириб бориш тақоза этилади, шу билан у ёки бошқа омиллардан масадли йўналишда фойдаланишни ва конкрет иқтисодий мақсадларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат сиғимининг самарадорлиги (натижавийлиги)ни объектив баҳолашга эришиш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида бошқаришнинг замонавий иқтисодий методларида шундай ўлчам бирликларини излаб топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқдаки, улар натижалар ва сарф-харажатларни бир-бирига боғлаш орқали алоҳида ишчиларнинг хўжалик ҳисобидаги манфаатларини ҳисобга олгани каби бутун жамиятнинг ҳам манфаатини ифодаламоғи лозим. Натижа сифатида фойда, даромад тушунилса, сарф сифатида эса меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тушунилади.

*Бошқаришнинг меҳнат унумдорлиги ўсиши омилларидан фойдаланиладиган ташкилий-иқтисодий методлари.* Бозор туридаги иқтисодиётга ўтиш бошқаришнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга қаратилган анънавий ёндашувларини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Ушбу соҳада фан ва амалиёт орқали кўп йиллар давомида нималар тўпланган бўлса, ҳаммасининг ижобий ва салбий томонларини ҳолисона баҳолаш зарурдир. Ишлаб чиқаришни фақат унинг техник-иқтисодий мазмуни жиҳатидан кўриб чиқилишини бутунлай мақсадга мувофиқ деб бўлмайти.

Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий мазмуни ишлаб чиқаришнинг омиллари билан боғлиқликда аниқланади. Технологиялар, техника, материалларнинг ошиб бораётган имкониятлари меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш таъсири остида амалиётга тадбиқ этилади. Меҳнат фақат шундагина самарадор бўладика, қачонки, унинг ташкил этилиши ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг комплекс тарзда ташкил этилиши билан биргаликда амалга оширилса, лекин бу шарт ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш – бу, моҳиятига кўра, меҳнатнинг моддий элементларининг функционаллашувини таъминлаш бўлса, бошқаришни ташкил этиш эса – меҳнат муносабатларининг функционаллашувидир. Комплекс ташкил этилган меҳнат фаолиятини иш жойига, структура бирлигига ва бутун корхонага қўллаш жуда зарурдир: бу меҳнатни ташкил этишнинг тор тушунчасидан технологик фаолиятга ўтиш демакдир.

Ҳозирги вақтда янги ишга тушириладиган объектларнинг ҳаммаси ҳам техник-технологик параметрлар билан узвий боғланган меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишнинг пухта тайёрланган лойиҳаларига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Шу сабабли меҳнатни ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкил этилиш даражаси ҳамда бир хил шароитларда ишлаётган, айнан бир хил жиҳозлар



(дастгоҳлар)да бир хил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхона ишчиларининг сони тез-тез бир-биридан сезиларли равишда фарқ қилиб туради.

Инсон омилини фаоллаштириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш – бу мувозанатлашувчанлик ва ишлаб чиқариш омиллари динамик ривожланишининг ўзаро боғланган муаммоларидир. Ушбу муаммо назарий жиҳатдан яхши ишлаб чиқилмаган.

Ижтимоий омилларнинг ролини кучайтиришни ҳисобга олмасдан туриб меҳнат самарадорлиги муаммосини ечиш мумкин эмас. Фақат шуни инобатга олган вазиятдагина иккита ўзаро боғланган масалаларнинг мақбул ечимларини топиш мумкин бўлади: юқори натижага эга бўлган ишлаб чиқариш ва товарлар ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлиги таъминланади ва шу билан бир вақтнинг ўзида ҳар бир ишчи-ходимга тегишли ижтимоий кафолатларни тақдим этиш йўли билан ишчи–ходимларнинг ишлаб чиқарувчанлигини кенгайтиришга эришиш мумкин. Меҳнатни гуманизациялаштириш инсон меҳнати мазмунини аниқлашда унинг устувор кадр-қиммати тан олинishi, янги технологиялардан фойдаланиш имкониятлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шароитларини белгилаб беради. Улардан охиргиси, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш айниқса қурилиш ишлаб чиқариш соҳасида жуда муҳим аҳамият касб этади. Меҳнатни жуда ҳам тор даражадаги бўлимларга ажратишга мутлақо йўл қўймаслик керак, ишчи–ходимларга меҳнат функцияларини кенгайтириш учун кенг имкониятлар тақдим этиш, касбларни қўшиш, бошқарувда иштирок этишларини, технологияни инсонга ва инсонни технологияга ўзаро адаптациялашни таъминлаш зарур.

Бозор муносабатлари шароитларида юқори профессионал ишчи-ходимларни жалб этишнинг эгилувчан шаклларини таъминлаш тақоза этилади. Ҳар бир ишчи-ходимни нафақат унинг профессионал сифатлари нуқтаи-назаридан, балки уни инсонга хос бўлган индивидуал фазилатлар ва эҳтиёжлар бўйича ҳам баҳолаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, меҳнат фаолиятини ташкил этишни меҳнатнинг ички бозорида шаклланаётган персоналдан ажратиб бўлмайди.

Корхонада меҳнат фаолиятини ташкил этиш юқори ташаббускорлик ва фаоллик даражасига эга бўлган ва ўзининг иши учун ҳар қандай хавф-хатарга юз тутадиган ишчи-ходимлари билан ажралиб турадиган тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлангандир.

### **25.11. Меҳнат унумдорлигини баҳолаш**

Маълумки, иқтисодий ўсиш иккита усул: маълум вақт давомида реал ялпи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг (ЯММИ) ошиши ёки соф миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш (СММИ)

сифатида ва малъум вақт ичида ЯММИ ёки СММИ ни аҳоли жон бошига нисбатан ошириш сифатида аниқланади ва ўлчанади.

Ўз навбатида реал ЯММИ меҳнат сарфлари (киши-соатлар)нинг меҳнат унумдорлигига (битта ишчи-ходимнинг реал соатли иш унуми) кўпайтмаси сифатида аниқланади, яъни :

**ЯММИ = бажарилган киши-соатлар сони х меҳнат унумдорлиги.**

Шундай қилиб, меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш ва ЯММИ ни кенгайтириш ўртасида тўғридан–тўғри боғлиқ мавжуд, демак иқтисодий ўсишда ҳам худди шундай боғлиқнинг борлигига изоҳ бериш жоиз эмас.

Реал ЯММИ нинг ўсишида меҳнат унумдорлиги омилининг аҳамиятини аниқлаш зарурдир. Хориждаги ва мамлакатимиздаги мутахассисларнинг баҳолашига кўра ЯММИ ўсишининг асосий омили – бу меҳнат унумдорлигидир.

Реал ЯММИнинг ўсишига таъсир кўрсатадиган омиллар:

1. Меҳнат сарфларни ошириш.	
2. Меҳнат унумдорлигини ошириш	78
- техник тараққиёт	28
- капитал сарфи	19
- маълумот бериш ва касбга тайёрлаш	14
- ишлаб чиқариш масшоби шарт-шароитланган иқтисод	9
- ресурсларни тақсимлашни яхшилаш	8

Ҳар қандай объектни қуришда ўнлаб, йирик иншоотларни қуришда эса юзлаб илмий-текшириш, лойиҳа-қидирув, қурилиш ва монтаж ташкилотлари, ҳамда асосий технологик жиҳозларни тайёрловчи заводлар, қурилиш-монтаж жиҳозларини ва қурилиш материалларини етказиб берувчилар, банклар ва иқтисоднинг бошқа субъектлари иштирок этадилар. Фақат қурилишда иштирок этувчиларнинг ҳамжиҳатликда бажарадиган ишлари – қурилиш ташкилотининг муваффақиятли фаолият юритишининг гарови бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда корхоналарда айланма маблағларнинг камлиги оқибатида пул тўлаш талабининг пасайганлиги кузатилмоқда, пул тўлай олмаслик инқироzi юзага келмоқда.

Саноат-ишлаб чиқариш салоҳиятининг компенсациялашмаган ҳолатдаги издан чиқиши жараёнлари, шунингдек иш ўринларининг камайиши ҳам кучаймоқда. Бундан ташқари, қурилишда айниқса биринчи навбатда ишлаб чиқариш қурилишининг камайиши туфайли жисмоний иш ўринлари кескин қисқармоқда. Яъни хулоса ажабланарлидир: маҳсулотлар сотилишининг чегараланиши машғуллик сонининг камайишига олиб келади, бунинг ортида эса жисмоний иш ўринларининг керак бўлмай қолиши оқибатида уларнинг камайиши юзага келади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисоднинг ҳозирги ҳолатининг пасайишининг асосий сабабларидан бири – бу алоҳида ишлаб чиқаришда бошқаришнинг ёмонлашуви

Ишлаб чиқариш ва иқтисоднинг ҳозирги ҳолатининг пасайишининг асосий сабабларидан бири – бу алоҳида ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам тармоқли ва тармоқлараро бошқарувда ҳам ҳудудий комплексларни ҳамда умуман бутунлай иқтисодиётда бошқарувнинг ёмонлашувидир. Бошқарувнинг асосий ва бирламчи буғинларидаги раҳбарлик қилувчи ходимлар (корхона, бригада мавқиеда) бозор муносабатларини тадбиқ этишнинг дастлабки вақтидаги янги шароитларда ишлаб чиқаришни бошқаришни уддалай олишмайди ва бунга қодир ҳам эмасдилар. Улар илгари номаълум бўлган ҳамда моддий-техник таъминот, маҳсулотларнинг савдо сотиғи ва уларни айрибошлаш билан боғлиқ бўлган кўплаб мураккаб муаммоларни ечимлари лозим эди. Хусусийлаштириш корхоналарга ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга ўзлари нарх қўйиш, персоналнинг сонини аниқлаш, маошни белгилаш каби имкониятларни беради.

Ҳозирги кунга келиб бошқарув ходимлар маълум бир тажрибага эга бўлишди, шунга қарамасдан алоҳида ишлаб чиқаришда бўлгани каби бутун иқтисодиётни бошқаришда бошқарувнинг даражаси анча пастлиги кўзатилмоқда, бошқарувнинг муҳим параметрларини тиклаш бўйича қатъий чора-тадбирлар талаб этиляпти. Аввалом бор зудлик билан иқтисодни стабиллаштириш ва ўстириш бўйича келишилган бошқа чора-тадбирлар билан биргаликда меҳнат унумдорлигини оширишнинг дастурини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, издан чиққан инфратузилмани хусусан аввало (илгари) саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар учун меъёрлар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган хизматларни кўриб чиқиш зарурдир, бозор муносабатлари шароитларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, уларнинг информацион (ахборот алмашинув), кадрлар билан ва молиявий таъминланишини ва ҳ.к. ларни йўлга қўйиш тақоза этилади.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш аҳамиятли тарздаги моддий сарфлар (маблағлар)ни талаб этади, бироқ бу маблағларсиз иқтисодий ҳолатни стабиллаштириш (мувозанатлаштириш)нинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

Иш унумдорлигининг бузилишга олиб келадиган пасайишини оддий қилиб тушунтириш мумкин, ишлаб чиқаришда рўй бераётган пасайиши машғуллар сонининг тегишли қисқариши билан изоҳланмаяпти, аниқроғи бу пасайиш саноат-ишлаб чиқариш персонали сони билан боғлиқ эканлиги тушунтириб берилмаяпти. Яширинча ёки патентли деб ном олган ишсизларнинг жадал суръатлар билан кўпайиши рўй бермоқда.

Агар реал иш ҳақи камаймаганда эди яширин ишсизларнинг сони

кўпаймаган бўлар эди. МДХ мамлакатларида кўплаб товарларнинг нархи жаҳон даражасига етди.

Арзон меҳнат юқори унумдор бўла олмайди, моддий ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларининг иқтисод қилинишни ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлай олмайди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг деградация қилинишга, келгусида ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Охириги 5 йил давомида иш ҳақи 60% дан кўпроқга пасайди. Бу вақтда товарларнинг нархлари бир неча минг марта ошиб кетди.

Иш ҳақини ошириш ҳақида қабул қилинаётган федерал қонунлар, бир қарашда ушбу муаммони ечишга йўналтирилган, лекин бу муаммо фақатгина янада чуқурлашаётганлигига асос борлиги шубҳадан холи эмас. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этаётган шароитларда бу чора-тадбир инфляциянинг ўсишига олиб келади, охир-оқибат иш ҳақининг пасайишига олиб келмайди.

Охириги йиллардаги тажриба шуни кўрсатадики, аввалом бор бюджет соҳасида иш ҳақи тезроқ пасаймоқда. Иккинчидан, бундай чора-тадбирларнинг энг бош камчилиги шундан иборатки, улардан қутулиб бўлмайди ва моддий сферада тегишли иш ҳақининг ўсишига олиб келади, лекин бу ўсиш яна меҳнат самарадорлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй беради. Моддий ишлаб чиқаришда иш ҳақининг базали мавқеи (даражаси) сезиларли тарзда юқори бўлсада, лекин катта бўлмаган вақт оралиғида таъкидланган диспропорция юзага чиқади, бироқ у янада чўзилган кўринишда рўй беради.

Ҳозирги вақтда иш ҳақини меҳнатга ҳақ тўлашда сарфларнинг меъёрий миқдорлари ошиб кетишига қўйиладиган солиқ шаклида бошқариш механизми (аниқроғи иш ҳақи ўсишининг ушлаб турилиши) нинг мавжудлиги яъни амал қилиши ҳеч қандай манфаатли функцияни бажармайди, фақатгина бюджетга қўшимча солиқ йиғишнинг мутлақо фискалли ролини бажаради холос.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. “Ишлаб чиқариш ресурслари” нима, уларнинг “ишлаб чиқариш захиралари”дан фарқи ёки ўхшаш томонлари нимада?
2. Бозор шароитларида ресурсларни тежаш қандай аҳамиятга эга ва у қурилиш иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
3. Ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳиятини очиб беринг ва улардан қурилишда фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичларга мисол келтиринг.
4. Кадрлар салоҳияти нима ва қурилишда қандай шаклланади?
5. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамиятини ёритиб беринг, кўрсаткичларини айтиб беринг ва қурилишда уни ошириш йўллари кўрсатиб беринг.

6. Қурилишда “меҳнат ресурслари” ва “меҳнат унумдорлиги” тушунчаларининг моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омиллари нималардан иборат?
8. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари нималардан иборат.
9. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва баҳолаш усулларини айтиб беринг.
10. Меҳнат сиғими нима ва қайси кўрсаткичларни ўз ичига олади?
11. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш тармоғининг моддий-техник таъминоти тизимини тушунтириб беринг.
12. Қурилиш моддий-техник ресурслари таркибига нималар киради.
13. Қурилишни моддий-техник ресурслар билан таъминлашнинг шакллари ва усулларини айтиб беринг.
14. Қурилиш моддий-техника таъминотида логистикани ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини гапириб беринг.
15. Логистик тизимлар деганда нимани тушунаси?

## **26-МАВЗУ. ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Режалаштириш. Директив ва индикатив режалар. Режаларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланган усуллари. Қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш тамойиллари. Режалаштиришнинг ташкилий роҳоналари. Капитал қўйилмалар режаси. Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштириш. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ). Қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш-монтаж ташкилотлари қувватини ривожлантириш режаси. Қурилиш ишлаб чиқариши режаси. Техник-иқтисодий ёки йиллик режалаштириш. Оператив-ишлаб чиқариш ёки жорий режалаштириш. Бизнес-режалаштириш. Бизнес-режани ишлаб чиқишдаги талаблар.

### **Режа:**

- 26.1. Қурилишда режалаштиришнинг асосий вазифалари, тамойиллари ва хусусиятлари.**
- 26.2. Капитал қурилишни режалаштиришнинг турлари, мазмуни ва йўналишлари.**
- 26.3. Қурилиш ишлаб чиқаришини ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантиришни режалаштириш.**
- 26.4. Пудратчи ташкилотлар миқёсида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш.**
- 26.5. Қурилиш ишлаб чиқариши ва уни ташкиллаштириш.**
- 26.6. Қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмаси.**

### **26.1. Қурилишда режалаштиришнинг асосий вазифалари, тамойиллари ва хусусиятлари**

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг бирламчи ёки қуйи бўғини деб аталадиган юзлаб тармоқлар ва ўн минглаб турли корхона ва ташкилотларни ўз ичига олади. Ушбу бўғин ва тармоқлар ягона хўжалик организми каби аниқ ва ҳамжиҳатликда ишлаши учун улар ўртасида маълум бир нисбат ва ўзаро муносабатларни барпо этиш лозим. Бу вазифа амалиётда режалаштириш ёрдамида амалга оширилади.

**Режалаштириш** - бу мақсадларни шакллантириш, устивор йўналишларни ҳамда уларга эришиш воситалари ва усулларини аниқлаш жараёнидир. У муайян режаларда рўёбга чиқарилади. Шунинг учун режалаштириш натижаси, у ёки бу ҳатти-ҳаракатларнинг мотивацияланган модели деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Режалар директив ва индикатив бўлади. Директив режаларда тасдиқланган кўрсаткичларнинг бажарилиши мажбурий бўлади. Индикатив режа эса ахборот, йўналиш характерига эга бўлади.

Қурилишни режалаштириш бутун иқтисодиётнинг самарали

фаолият кўрсатишини таъминлаш режимининг таркибий қисмидир. Капитал қурилишни режалаштириш асосида фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, амалдаги корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, уй-жой қурилишини ривожлантириш билан боғлиқ асосий вазифалар ҳал қилинади. Одатда у амалдаги қонуний ҳужжатлар ва иқтисодий бошқарувнинг меъёрий қоидалари асосида, шунингдек, хўжалик юритишнинг у ёки бу босқичида қабул қилинадиган ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилади.

Ҳозирги шароитларда қурилишни режалаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тармоқ ва бутун иқтисодиёт ривожланишининг мутаносиблигини, юқори ва барқарор суръатларини ва шу асосда халқ турмуш фаровонлигининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш;
- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг устивор йўналишларини, ривожланиш тенденцияларини белгилаш, ишлаб чиқариш кучларини оқилона ривожлантириш ва жойлаштириш;
- амалдаги ишлаб чиқариш ва янги қурилишнинг бир бутунлигига эришиш, фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш заҳираларини максимал сафарбар этиш;
- қурилишнинг суръатлари ва кўламини инвестиция имкониятлари билан боғлиқликда тезлаштириш, тугалланмаган қурилиш ҳажмларининг ортиқча ўсишига йўл қўймаслик;
- бир пайтда қуриладиган объектлар сонини, айниқса аҳамияти ва зарурати юқори бўлмаган объектлар сонини камайтириш учун восита ва ҳаракатларни сафарбар қилиш;
- капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажат ва зарарларни тугатиш;
- қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг барча поғоналарида капитал қурилиш режасидаги барча бўлим ва кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

Бу ва бошқа вазифаларни одатда бир зумда ҳал қилиб бўлмайди ёки улар ўз-ўзидан бажарилиб қолмайди. Бундай вазифалар режалаштиришда хатолар, камчиликлар, валютаризм ва бошқа салбий ҳолатлар йўл қўйилган ҳолларда ҳам бажарилмай қолади. Шунинг учун, қурилишни режалаштириш ва ривожлантириш вазифаларини белгилашда режаларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланган усулларида келиб чиқиш муҳимдир. Бу усулларга қуйидагилар киради:

- 1) комплекс ёндашув, бунда қурилишнинг иқтисодиётнинг бир тизими сифатидаги фаолиятининг барча жабҳаларини (илмий, техник, ташкилий, бошқарув ва ҳоказо) ҳисобга олинади;
- 2) иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш

режалари билан ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидаги режалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва узвийлик;

3) капитал қурилиш режасининг ресурс имкониятлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминловчи баланс усули;

4) капитал қурилишнинг соҳавий ва ҳудудий режаларининг ўзаро боғлиқлиги, бу усул нимани, ким томонидан, қаерда ва қайси маблағлар ҳисобига қуришни аниқлашга имкон беради.

Режалаштириш - бу қурилишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш билан боғлиқ узлуксиз жараёнга эмас, балки инвестиция жараёни иштирокчиларининг маълум даражада ижодий, анчагина жиддий ва пухта ўйланган меҳнатидир. У қурилиш ишлаб чиқариши бошқарувининг юқори поғоналарида ҳам, қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари миқёсида ҳам амалга оширилади. Режалаштириш ишлаб чиқаришга қанчалик яқин бўлса, турли иқтисодий ҳисоб-китоблар ва асослашларнинг диапозони ҳам шу қадар кенг бўлади.

Режалаштиришда, қурилиш соҳасида қабул қилинадиган қарорларнинг реаллиги, ҳаётийлигига эришиш жуда муҳимдир. Тажрибадан маълум бўлишича, бунга эришиш учун режалаштириш илмий асосланган ва хўжалик амалиётида синалган маълум бир тамойилларга асосланган бўлиши лозим.

Бугунги кунда қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик субъектларининг ташаббускорлиги ва мустақиллигига асосланган демократик централизм (марказлашув);
- ишлаб чиқиладиган режалар ва инвестиция мақсадларининг илмий асосланганлиги;
- режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- режаларнинг муайян мақсадларга қаратилганлиги ва уларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг материал, моддий ҳамда қиймат жиҳатларининг акс эттирилиши;
- қабул қилинган режаларни амалга ошириш жараёнида таҳлил қилиш, баҳолаш ва мувофиқлаштириш;
- режалаштириш жараёнида замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш (режалаштириш жараёнини автоматлаштириш).

Маълумки, қурилиш бошқа тармоқлардан нафақат ўз маҳсулоти билан, балки бошқарув ва молиялаштириш тизими билан ҳам фарқ қилади. Ишларнинг пудрат асосида олиб борилиши қурилишни ва унинг ишлаб чиқариш бўғинларини буюртмачиларнинг маблағларига боғлиқ қилиб қўяди.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг бундай ўзига хослиги уни режалаштириш жараёнида ҳам, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам акс этади. Шунинг учун қурилишда ишлаб чиқаришни режалаштириш иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда бир



поғона мураккаброқ бўлиб кўпроқ меҳнат талаб қилади. Аммо бу қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришдаги муҳим восита бўлган режалаштиришнинг заруратини ва аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, у режалаштиришни сифат жиҳатдан яна бир поғона юқорига олиб чиқади ва инвестиция жараёни иштирокчиларидан ҳар бир қарорни аввалдан пухта ўйлаб, асослаб қабул қилишни талаб қилади.

## **26.2. Капитал қурилишни режалаштиришнинг турлари, мазмуни ва йўналишлари**

Режалаштириш мақсад ва вазифаларни аввалдан белгилаш жараёни сифатида жорий ёки истиқболли бўлиши мумкин. Агар жорий режалаштириш қурилиш ишлаб чиқаришининг долзарб, кундалик фаолиятда юзага келадиган вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлса, истиқболли режалаштириш устивор йўналишларни прогнозлаш ва аниқлашга мўлжалланган бўлади.

Баъзи олим ва мутахассислар, айниқса бозор ва бозор муносабатларининг тарафдорлари режалаштириш билан бозор иқтисодиёти бир жойда мавжуд бўла олмайди, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки амалиётда, шу жумладан чет эл амалиётида режалаштиришнинг бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам муҳим эканлиги тасдиқламоқда. Бу ерда биргина тафовут бор бўлиб, оқилона хўжалик юритиш воситаси бўлган режалаштиришни назорат рақамлари, лимитлар ва чеклашларга асосланган аввалги маъмурий-буйруқбозлик тузумидаги режалаштириш билан адаштириб юбормаслик керак. Шунинг учун режалаштириш - бу пухта ўйланган ҳисоб-китоб ва асослашларга асосланган қурилишни амалга ошириш ва олдиндан кўриш босқичидир.

Албатта, бозор шароитларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг аввалги бешйиллик режалари, 10-15 ва ундан кўп йиллик прогнозлари ҳозирда йўқ, аммо йиллик режа ва прогнозлар ўзининг аҳамиятини ва ўрнини йўқотмаган. Нафақат қурилиш, балки бошқа тармоқлар ҳам бугунги кунда йиллик ва индикатив режалар асосида фаолият кўрсатиб, ривожланмоқда. Уларсиз нафақат тармоқ, балки бутун миллий иқтисодиётнинг ривожланиш яқунларини таҳлил қилиш ва хулоса қилиш, шу жумладан прогнозлар қилиш мумкин бўлмайди.

Капитал қурилишни режалаштириш бугунги кунда қуйидаги ташкилий поғоналарда амалга оширилади:

- 1) миллий иқтисодиёт миқёсида (давлат режалари);
- 2) тармоқлар миқёсида, шу жумладан қурилиш соҳасида;
- 3) ҳудудлар (минтақалар) миқёсида;
- 4) хўжалик субъектлари миқёсида.

Бундан келиб чиққан ҳолда, капитал қўйилмалар қурилишни молиялаштириш манбаи сифатида ҳозирги пайтда марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларга ажратилади ҳамда кўп жиҳатдан қурилиш дастурларини шакллантириш режаларини ва

уларни амалга ошириш механизмини белгилаб беради.

Капитал қурилиш режаси иқтисодиёт миқёсида қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- 1) капитал қўйилмалар режаси;
- 2) лойиҳа-қидирув ишлари ва лойиҳалаштириш ташкилотлари ишлари режаси;
- 3) қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш ташкилотлари қувватларини ривожлантириш режаси.

Бу йўналишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат миқёсида капитал қурилишнинг умумий тактика ва стратегиясини, қурилишнинг устивор йўналишлари ва рўйхатларини аниқлашга имкон беради. Уларда қурилишнинг номи, смета қиймати, лойиҳа қуввати ва муддатлари кўрсатилади. Титул рўйхатига киритилган объект албатта қурилиши шартдир.

**Капитал қўйилмалар режаси** капитал қурилиш режасининг етакчи бўлимидир. У тармоқлар бўйича ҳам, ҳудудлар бўйича ҳам ишлаб чиқилади ва иқтисодиётнинг мутаносиб ва комплекс ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу режа қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- янги қурилишлар;
- амалдаги корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини ишга тушириш;
- қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми;
- тугалланмаган қурилиш ҳажми.

Бу бўлимлар эса ўз навбатида ишга туширилаётган объект ва иншоотларнинг моҳиятига мос келувчи бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар асосида келгусида капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоб қилинади. Айтиб ўтиш керакки, бу бўлимлар маҳаллий ҳукумат органлари томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланадиган ҳудудий (минтақавий) капитал қурилиш режаларида ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Шу асосда у ёки бу минтақа (вилоят, шаҳар, туман) ўз қурилиш титул рўйхатларини шакллантиради. Бу рўйхатлар керакли лойиҳа-смета ҳужжатлари билан биринчи навбатда таъминланади.

**Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштириш** - капитал қурилишни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмидир. У лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг давлат топшириқлари ва турли инвесторларнинг буюртмалари асосида шаклланадиган тематик иш режалари асосида амалга оширилади. Лойиҳа-тадқиқот ишлари капитал қурилиш учун ажратилган маблағлар ҳисобига, корхона ва ташкилотларнинг асосий фаолияти, бюджет ажратмалари ҳамда буюртмачи сифатидаги кооператив ва жамоат ташкилотларининг

маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг ҳамда лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш режаси қуйидаги бўлимлардан иборатдир:

- 1) лойиҳалаштириш топшириғи;
- 2) тематик режалар;
- 3) лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймат ва натура ифодасидаги ҳажми;
- 4) лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш

Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштиришда лойиҳалаштириш муддатлари, лойиҳа-тадқиқот ишларини ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тасдиқлаш тартиби муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ), аввало бино ва иншоотларни лойиҳалаш муддатларининг меъёрлари муҳим роль ўйнайди.

Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштириш қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- лойиҳаларда илғор технологик ечимлардан фойдаланиш;
- замонавий машина ва асбоб-ускуналарни, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини ўрнатиш имкониятининг ҳисобга олинганлиги;
- ҳажмий-режали ва конструктив ечимларнинг энг яхши вариантлари;
- объектларни замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари асосидан қуриш;
- лойиҳалаштириш ва қурилишнинг хорижий тажрибаси ютуқларининг ҳисобга олинганлиги.

Лойиҳаларда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш бино ва иншоотлар, корхоналар ва бошқа иқтисодиёт объектларини қуриш ва фойдаланишда максимал самара бериши лозим.

**Қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш-монтаж ташкилотлари қувватини ривожлантириш режаси** - умуммиллий капитал қурилиш режасининг муҳим қисмидир. Ушбу режани шакллантириш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан уни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчиси қурилиш ишлаб чиқариши режаси. Унга тармоқлар ва ҳудудлар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг жами ҳажми киради. Иккинчидан, қурилиш-монтаж ташкилотлари қувватини ривожлантириш, бу бозор муносабатлари шароитида қурилиш-монтаж ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб, унда мавжуд имкониятларга асосланиш лозим.

Бу режа уч бўлимдан ташкил топган:

- 1) ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш;
- 2) пудрат асосидаги қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;
- 3) қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини

ривожлантириш.

Агар ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш асосан натурал ўлчов бирликларида амалга ошириш режалаштирилаётган бўлса, у ҳолда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми пуллик ифодада режалаштирилади. Буларнинг ҳар иккови ҳам пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантириш режаларига бевосита таъсир қилади. Қурилиш ишлаб чиқаришининг режаси тегишли ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланган бўлса, уни асосли ва реал деб ҳисоблаш мумкин. Бу қоидадан салгина четлашиш ҳам режалаштирилаётган қурилиш дастурларининг барбод бўлишидан ёки уларнинг реал эмаслигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қурилиш ишлаб чиқариши режаси директив характерга эга бўлмайди ва аввалгидек режалаштириш органлари томонидан тасдиқланмайди. У қурилиш тармоғининг аҳволи ва имкониятларининг концентрацияланган кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Унга асосланган ҳолда қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш қувватларига бўлган қўшимча эҳтиёжлари аниқланади.

### **26.3. Қурилиш ишлаб чиқаришини ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантиришни режалаштириш**

Қурилиш-монтаж ташкилотлари - бу қурилиш бошқармалари, трестлар, монтаж бошқармалари ва трестлари, кўчма ва шу жумладан ихтисослашган кўчма механизациялашган колонналар, ишлов бериш бошқармалари ва трестлари, йўл-қурилиш бошқармалари, кўприк қуриш отрядлари - яъни қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш бўғинлари бўлиб, улар ҳам деярли саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидаги корхоналар бажарган ишлаб чиқариш функцияларини бажарадилар. Бошқача қилиб айтганда, қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳам қурилиш тармоғининг ишлаб чиқариш бўғинлари каби, кўп жиҳатдан қурилиш ишлаб чиқаришининг жорий ва истиқболли дастурларининг режалаштирилиши ва амалга оширилишини белгилаб беради.

Қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштиришнинг асосий вазифалари капитал қурилиш режасида кўзда тутилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга тушириш топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ҳамда қурилишнинг ишлаб чиқариш-техник базасини ўз вақтида ва керакли миқдорда ривожлантириш, шунингдек, қурилиш ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Қурилиш ишлаб чиқариши режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш;
- 2) қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;
- 3) қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини

ривожлантириш.

Бу режа энди аввалги пайтлардагидек “юқоридан” тасдиқланган буйруқ эмас. У кўпроқ аккумулятив характерга эга бўлиб, қурилиш ишлаб чиқаришининг ҳудудлар, йирик ишлаб чиқариш мажмуалари ва миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича соҳавий дастурини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, бу режада бутун республика миқёсида навбатдаги (режадаги) даврда қурилиш фаолиятининг бутун “панорамаси” ўз аксини топади.

Қурилиш ишлаб чиқариш режасида ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга тушириш кўрсаткичлари қурилиш рўйхатлари асосида қабул қилинади. Агар ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари қурилиш рўйхатларида кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда бу кўрсаткичлар қурилишларнинг таркибидаги рўйхатлар ёки имзоланган шартномалар (контрактлар) бўйича қабул қилинади.

Маълумки, ҳар қандай режа тегишли қувватлар ва ресурслар билан таъминланган тақдирдагина ҳаётий бўла олади. Шунинг учун **қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантириш** қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Айниқса қурилиш фаолияти ҳажми ортиши кўзда тутилаётган пайтларда у ўта муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантиришни режалаштириш қурилиш-монтаж ишлари дастурини ишлаб чиқариш ресурслари ва имкониятлари билан мувозанатлашга имкон беради, яъни қурилиш ишлаб чиқаришининг салбий ва ижобий томонларини аниқлашга ва тегишли чоралар кўришга имкон беради.

Ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни режалаштириш икки хил усулда амалга оширилади:

- 1) кенг кўламли - тармоқ ва иқтисодиёт миқёсида;
- 2) аниқлаштирилган (батафсил) - пудратчи ташкилотлар миқёсида.

Агар биринчи ҳолда режалаштириш ишлаб чиқариш қувватларига бўлган умумий эҳтиёжни ҳамда уларни қоплаш манбаларини аниқлашга қаратилган бўлса, иккинчи ҳолда қуйидагилар ҳисобланади:

- амалдаги ва режадаги (лойиҳадаги) қувват;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, унинг келгуси даврдаги қурилиш дастури билан солиштириш;
- ишлаб чиқариш қувватларига ва уларни қоплаш манбаларига бўлган кўшимча эҳтиёж;
- қувватларни ошириш ва улардан фойдаланишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар.

#### **26.4. Пудратчи ташкилотлар миқёсида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш**

Аввал айтиб ўтилганидек, пудрат ташкилотлари - қурилиш

тармоғининг асосий ишлаб чиқариш бўғинларидир. Бугунги бозор шароитларида, қурилиш монополиядан чиқарилиб, қурилиш вазирликлари тугатилиб, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва бошқариш соҳасида қурилиш ташкилотларига кенг ҳуқуқлар ва имкониятлар берилган. Бугунги кунда “юқоридан” тасдиқлаб бериладиган кўрсатмалар, буйруқлар рўйхати энди йўқ, аммо бу юқори ёки бошқа бошқарув органлари томонидан назорат қилинадиган ва айрим ҳолларда талаб қилинадиган кўрсаткичлар мутлақо йўқ дегани эмас.

Бугунги кундаги амалиётда пудрат ташкилотларининг фаолиятида режалаштиришнинг икки хил тури мавжуд:

- 1) техник-иқтисодий ёки йиллик режалаштириш;
- 2) оператив-ишлаб чиқариш ёки жорий режалаштириш.

Режалаштиришнинг биринчи тури ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг йиллик режаси, яъни авваллари қурилишнинг молиявий режаси, яъни “стройфинплан” деб аталган режани ишлаб чиқишдан иборат. Унда пудрат ташкилотларининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги энг муҳим кўрсаткичлар акс эттирилади. қуйида улар санаб ўтилган:

- ишга туширилган қувватлар ва объектлар натурал ўлчов бирликларида;
- корхоналарни бошпудрат бўйича ва ўз кучлари билан бажараётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, пуллик ўлчовда;
- иш ҳақи фонди;
- ишлаб чиқариш харажатлари;
- фойда суммаси;
- бюджетга тўловлар ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- ишчиларнинг сони ва бошқалар.

Оператив-ишлаб чиқаришни режалаштиришда, йиллик режадаги вазифаларни нисбатан қисқароқ иш муддатлари учун аниқлаштирилади. У қурилиш ишлаб чиқаришининг маромини йўлга қўяди, салбий нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини кўради.

Оператив-ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг яна бир муҳим хусусияти унинг қурилиш участкалари бошлиқлари, прораблар, қурилиш ишлаб чиқариши мастерлари ёки бригадирлари билан ишлашга қаратилганлигидир. Оператив режалардаги вазифаларга кўра ойлик, ўн кунлик ва кунлик ишларнинг жадваллари ишлаб чиқилади. Улар қурилиш майдончаларида ишларни бир маромда ташкил қилиш учун ўзига хос ориентир бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришнинг хорижий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, қурилиш ташкилотлари саноат ва бошқа корхоналарнинг тажрибасига кўра тобора **бизнес-режалаштиришдан** кўпроқ фойдаланмоқдалар.

Бизнес-режалаштириш хўжалик фаолиятини бозор талаблари ва керакли ресурслар ва фойда олиш имкониятларига мос равишда олиб боришга имкон беради. Бизнес-режа қурилиш ташкилотларининг (фирмаларининг) ишлаб чиқариш фаолиятини тадбиркорлик фаолияти билан уйғунлаштиришга имкон беради. Шунинг учун уни қурилиш корхонасининг яқин ва узоқ истиқболдаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат сифатида қабул қилиш керак.

Бизнес-режани ишлаб чиқиш қуйидагиларга асосланади:

- ташкилотнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш, унинг кучли ва заиф жиҳатларини ва хатарларини аниқлаш;

- муайян иқтисодий вазифаларни амалга оширишда фойдаланиладиган молиявий, техник-иқтисодий ва ташкилий механизмларни ўрганиш;

- таннарх ва фойдани таҳлил қилиш, барча турдаги харажатларни, солиқларни ва ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи бошқа омилларни ҳисобга олиш;

- бозордаги вазиятларни баҳолаш, потенциал инвесторларни (бюртмачиларни) танлаш, қурилиш ташкилотининг фаолиятини барқарорлаштирувчи асосли ва узоқ муддатли битимлар тузиш.

Бизнес-режанинг таркиби ва унинг тафсилот даражаси ишлаб чиқариш ҳажмларига, қурилаётган объектларнинг характерига, қурилиш ташкилотининг қуввати ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқдир. Бизнес-режанинг асосланганлиги унинг қанчалик реал ва ҳаётийлигини белгилаб беради.

Бизнес-режанинг умумий кўриниши қуйидаги бўлимладан иборат:

- ташкилотнинг имкониятлари (резюме);
- товарларнинг (иш ва хизматларнинг) турлари;
- сотиш бозори;
- рақобат;
- маркетинг режаси;
- ишлаб чиқариш режаси;
- ташкилий режа;
- ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти;
- таваккалчилик (хатарлар)ни баҳолаш ва суғурта;
- молиявий режа;
- молиялаштириш стратегияси.

Бизнес-режанинг аҳамияти шундан иборатки, у қурилиш ташкилотининг, айниқса реал рақобат шароитларидаги барқарорлигини аниқлашга имкон беради, келгуси ривожланиш йўналишини белгилайди ва айни пайтда ташқи инвесторлардан молиявий ёрдам олишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бизнес-режа ички ва ташқи фойдаланиш учун тузилиши мумкин. Аммо кўпинча у бўлғуси ҳомийлар, инвесторлар учун, улар билан инвестициялар ва кредитлар, лицензия шартномалари тўғрисида

битим тузиш учун, яъни мазкур қурилиш корхонаси (ташкilotи, фирмаси) учун бегона бўлган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун ишлаб чиқилади.

Бизнес-режани ишлаб чиқишдан аввал корхонанинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш юзасидан катта ишларни амалга ошириш лозим. Бизнес-режани ишлаб чиқишда қуйидаги талаблар қўйилади:

- корхонадаги вазиятнинг ҳаққоний, реал баҳоланганлиги;
- ишлаб чиқилаётган чора-тадбирларнинг аниқ йўналганлиги;
- бизнес-режанинг ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги;
- селективлик (ахборотнинг танлаб олиниши);
- ахборотнинг очиклиги, етарлилиги, лўнда ва содда баён қилиниши, икки хил маънода тушуниш имкониятининг йўқлиги.

Айтиб ўтилган талаблардан ташқари, бизнес-режа қуйидаги талабларга ҳам жавоб бериши лозим:

- аниқлик ва мантиқий изчиллик;
- далилларнинг ишончлилиги, муайянлиги ва лўндалиги;
- барча моддаларнинг асосланганли ва уларнинг реклама учун жозибадорлиги.

Бизнес-режани фақат тадбиркорлик соҳасидаги янги фаолият турларини асослаш учун эмас, балки қуйидаги ҳоллар учун ҳам тузиш мумкин:

- янгиликларни жорий қилиш;
- корхонанинг янги ва мавжуд маҳсулот билан янги бозорга чиқиши;
- инвесторларни жалб қилиш;
- валюта ёки пул кредити олиш;
- молиявий фаолият режаларини тузиш;
- ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш.

Бир сўз билан айтганда, бизнес-режа - бу чўққига кўтарилмоқчи бўлган альпинистлар учун йўналишлар кўрсатилган ўзига хос ҳарита бўлиб, уларнинг машқларини кадрлар тайёрлаш тизимига, уларнинг асбоб-анжомлари ва кийим-бошларини эса ишлаб чиқариш фондларига ўхшатиш мумкин. Чўққининг забт этилиши альпинистларнинг ўзига ва экспедиция учун қулай бўлган ва гўёки тадбиркорликдаги таваккалчиликнинг модели бўлган об-ҳаво шароитларига боғлиқдир.

Бизнес-режани тузишда корхона раҳбарининг шахсан иштирок этиши жуда муҳимдир. Хорижий тажрибадан маълум бўлишича, барча банклар, инвестиция фирмалари ва уларга тенглаштирилган органлар бизнес-режа бошдан-оёқ четдан таклиф қилинган маслаҳатчи томонидан тайёрланиб, раҳбар томонидан фақат имзоланганлиги маълум бўлиб қолса, маблағ ажратиш сўралган аризаларни кўриб чиқишдан бош тортар эканлар.

Аммо бу маслаҳатчиларнинг хизматларидан мутлақо



фойдаланиш керак дегани эмас, аксинча экспертларни жалб қилиш жуда яхши натижа беради. Гап бу ерда бизнес-режани тузишда корхона (фирма) раҳбарининг, яъни янги бизнес фаолиятини ташкил қилувчи ёки ўз корхонасини ривожлантиришни истаётган кишининг шахсан иштирок этиши жуда муҳимлиги ҳақида бормоқда.

### **26.5. Қурилиш ишлаб чиқариши ва уни ташкиллаштириш**

Қурилиш ишлаб чиқариши – бу асосий хусусий фондларни яратиш ва янгилаш йўли билан кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қурилиш ва монтаж ишлари ҳамда жараёнларининг ўзаро боғланган комплекси. У янги бинолар ва иншоотларни тиклаш (қуриш) ҳамда мавжуд бўлган бинолар ва иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни қамраб олади.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш – объект қурилишини ва ишларнинг алоҳида турларини сифатли бажариш ҳамда самарадорликни таъминлаш учун барча турдаги ресурслар билан таъминлаш, ишларнинг бажарилиш кетма-кетлиги ва уларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши, умумий тартибни ўрнатиш ва таъминлашни бажаришга қаратилган ўзаро боғланган тизимдир.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ШНК 3.01.01-03 “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш” талабларига мувофиқ якуний натижага эришиш – объекти зарур бўлган сифат ва белгиланган муддатда ишга туширишда ҳамма ташкилий, техник ва технологик ечимларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлигини таъминламоғи лозимдир.

Ҳар бир объект қурилиши қурилишни ташкил этиш ва ишларни ишлаб чиқиш технологиялари бўйича олдиндан ишлаб чиқилган ечимни ўз ичига олган ташкил-технологик ҳужжатлар асосида амалга оширилади, бу олдиндан ишлаб чиқилган ечим қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси (ҚТЛ) ва қурилиш ишларини ишлаб чиқиш лойиҳасида (ҚИЧЛ) да қабул қилинган бўлмоғи лозим.

ҚТЛ лойиҳада (ишчи лойиҳада) кўзда тутилган тўлиқ қурилиш ҳажмида ишлаб чиқилади.

*ҚТЛ таркибига қўйидагилар киради:*

- қурилишнинг календар режаси, унда асосий ва ёрдамчи бинолар ва иншоотлар қурилишининг муддатлари ва кетма-кетлиги, технологик узеллар ва ишларнинг босқичлари, капитал маблағларнинг тақсимланиши билан ишга тушириш ва шаҳарсозлик комплекслари, бинолар ва иншоотлар ҳамда қурилиш даврлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари кўрсатилади;

- қурилиш бош режаларида доимий бинолар ва иншоотларнинг жойлашиши, вақтинчалик жумладан кўчувчан (инвентар) бинолар ва иншоотлар, жиҳозлар, конструкциялар, материаллар ва буюмларни ташиш учун доимий вақтинчалик темир ҳамда автомобил йўллари;

- катта юк кўтарувчи кранларнинг юриши учун йўллар; инженерлик тармоқлари, қурилиш майдонини электрэнергияси, сув, иссиқлик, буғ билан таъминлаш манбаларини кўрсатган ҳолда вақтинчалик хизмат кўрсатадиган инженерлик коммуникацияларининг асосий ишлаб турган тармоқларга уланиш жойлари; омборхона жойлари; асосий монтаж кранлари ва бошқа қурилиш машиналари, механизациялашган қурилмалар; бўзилиш керак бўлган мавжуд қурилишлар, бинолар ва иншоотларнинг бўлиниш ўқларини ўрнатиш (маҳкамлаш) белгиларининг жойлашишлари кўрсатилади;

- ташкилий-технологик схемалар, улар орқали ишларнинг технологик кетма-кетлиги кўрсатилган ҳолда бинолар ва иншоотларни тиклашнинг мақбул (оптимал) кетма-кетлиги аниқланади;

- асосий қурилиш, монтаж ва махсус ишлар ҳажмларининг рўйхати (ведомости);

- қурилиш конструкциялари, буюмлари, материаллари ва жиҳозларга бўлган эҳтиёжлар рўйхати;

- асосий қурилиш машиналари ва транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжлар графиги;

- асосий категориялар бўйича қурувчи кадрларга бўлган эҳтиёжлар графиги;

- тушунтириш матни.

ҚТЛ нинг тартиб ва мазмуни лойиҳаланаётган объектнинг мураккаблиги ва спецификасини (ўзига хослигини) ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар ёки уларнинг қисмларини (узелларини) тиклашда ҚИЧЛ таркибига қуйидагилар киради:

- объект бўйича ишларни ишлаб чиқаришнинг календар режаси ёки комплексли тармоқланувчан график, уларда ишларнинг бажарилиши кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилиб, унда ишлар мумкин қадар максимал ҳолда қовуштирилади;

- қурилиш бош режаси, унда қурилиш майдонининг чегаралари ва уни тўсиш турлари; амалдаги вақтинчалик хизмат қиладиган ер ости, ер усти ва ҳаво орқали ўтказилган тармоқлар ва коммуникациялар; доимий ва вақтинчалик хизмат қиладиган йўллар; транспорт воситалари ва механизимларининг ҳаракатланиш схемалари; қурилиш ва юк кўтарувчи машиналарини ўрнатиш жойлари; уларнинг кўчиш йўллари ва ишлаш (ҳаракат) зонаси; доимий, қурилаётган ва вақтинчалик бинолар ва иншоотларнинг жойлашиш ўрни; геодезик бўлувчи асослар хавфли зоналар, ишчи ярусларда (қаватларда) ишлатилаётганларнинг кўтарилиш йўллари ва уларни кўтариб чиқариш ҳолда тушириш воситаларини кўрсатувчи белгиларнинг ўрнатилиш жойлари; шунингдек бинолар ва иншоотларга утиш йўлакларининг кўтарилиши, энергия билан таъминлаш манбалари ва воситалари ҳамда қурилиш майдонини ёритиш воситалари ва манбалари, ерга уланиш контурлари; қурилиш ахлатлари учун

ажратилган жой ва идишлар, материаллар ва конструкцияларни сақлаш учун майдон ва хоналар, конструкцияларни йиғин майдончаси, қурувчиларга санитар-маданий-маиший хизмат кўрсатиш хоналарининг жойлашиши, сув ичиш ўрнатмаларининг ва дам олиш жойлари, ҳамда ўта хавфли ишларни бажариш зоналари кўрсатилади. Ўтурувчан (чўкувчан) грунтларда сув тарқатувчи пунктлар, нам жараёнлар қўлланадиган механизациялашган ўрнатмалар ва вақтинчалик хизмат кўрсатадиган иншоотлар жойнинг рельефли бўйича пасайиб борадиган томонларга жойлаштирилиши, уларнинг атрофидаги майдончалар сувнинг тез оқиб кетишини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилмоғи лозим;

- технологик карталар (схемалар), уларда аҳолида иш турлари сифат операцион назорат қилиш схемаси, ишларни ишлаб чиқиш методларининг баённомаси (матнни), меҳнат сарфлари ва материаллар, машиналар, жиҳозлар, мосламалар ва ишчиларни ҳимоялаш воситалари, шунингдек корхоналарни, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишда демонтаж ишларининг кетма-кет бажарилиши кўрсатилади;

- геодезик ишларни ишлаб чиқариш бўйича ечимлар ўз ичига геодезик қуришлар (тузишлар) ва ўлчамларни бажариш учун белгиларни жойлаштириш схемаларини олади, ҳамда бу ечимларда зарур бўлган аниқлик ва қурилиш-монтаж ишларини геодезик назорат қиладиган техник воситалар кўрсатилади;

- ҚМҚ 3.01.02-00 орқали аниқланган таркибда техника хавфсизлиги бўйича ечимлар;

- қурилиш майдони ва иш жойларини сув, иссиқлик ва энергия таъминоти ва ёруғлик билан ёритиш (жумладан авария ҳолати учун ҳам) учун вақтинчалик тармоқларни ётқизиш бўйича ечимлар, уларда зарур бўлган ҳолларда таъминот манбаларидан тармоқларни тортиб боришни ўз ичига олган ишчи чизмалар кўрсатилади;

- технологик инвентар ва монтаж ускуналарининг рўйхати ҳамда юкларни хавфсиз юклаш, илиш, ошишнинг схемалари;

- қуйидагиларни ўз ичига оладиган тушунтириш матни:

- энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж ва уларни ҳимоялаш (қоплаш, ёпиш) бўйича ечимлар;

- материаллар, буюмлар, конструкциялар ва жиҳозларни қурилиш майдонида, бинолар ва иншоотларда сақлай олишга ва уларнинг ўғирланишини бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар.

Технологик карталар қурилиш жараёнларини илмий ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Улар қурилиш соҳасида тўпланган илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрлар (ҚМҚ, Давлат стандартлари (ДС), инструкциялар) асосида ишлаб чиқилади. Бино ва иншоотларнинг типли конструктив ечимлари асосида жойдаги (маҳаллий) шароитларга боғланган (мослаштирилган) типли технологик карталари ишлаб чиқарилади.

Технологик карта тузилмаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топади.

1. “Қўлланиш соҳаси” бино ва иншоотлар конструктив элементларининг характеристикаларини, жараёнларнинг турлари ва уларнинг таркибини, ишлаб чиқариш шароитларини ўз ичига олади.

2. “Ишларнинг бажарилишини ташкил этиш ва унинг технологияси” асосий деб ҳисобланади ва қуйидагиларни: тайёргарлик ишларининг тугалланганлик талаблари машина ва жиҳозларнинг тавсия этилаётган таркиби, конструктив элементларнинг схемасини ва копмлекс механизациялаштириш ҳамда машина ва жиҳозларни жойлаштириш схемаларини, конструктив қисми элементларини ўрнатиш бўйича технологик схемаларни, материаллар ва конструкцияларни жойлаштириш (ёпиқ ва очиқ омборхоналарда сақлаш) схемасини ўз таркибига киритадиган график материал, ишларни ишлаб чиқиш ва бригадалар таркиблари бўйича тавсияларни ўз таркибига киритади.

3. “Сифатга ва қабул қилишга қўйиладиган талаблар” назорат схемасини ёки ишларнинг сифатини баҳолаш ва назорат қилишни амалга ошириш бўйича кўрсатмаларни (жадвал шаклида) ўз таркибига киритади.

4. “Меҳнатнинг машина вақти сарфининг ва иш ҳақининг калкуляцияси”.

5. “Ишларни ишлаб чиқиш графиги” меҳнат сарфининг калкуляцияси маълумотларидан фойдаланган ҳолда тузилади.

6. “Моддий-техника ресурслари” ёки “Моддий-техник ресурслар”.

7. “Техника хавфсизлиги” техника хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимларини, ҚҚМ га ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган берилган технологик карта жараёнларига тегишли бўлган конкрет чора-тадбирлар ва қоидаларни талаб этади.

8. “Техник-иқтисодий кўрсаткичлар” тайёр яъни тугаллаган маҳсулотнинг қабул қилинган ўлчам бирлигида ишларни ишлаб чиқиш графиги ва меҳнат сарфлари маълумотлари бўйича тузилди.

Бу кўрсаткичлар қуйидагиларни: калкуляциялар йиғиндиси бўйича ишчиларнинг меҳнатининг меъёрий сарфларини, киши-соатларни, калкуляциялар йиғиндиси бўйича машина вақтининг меъёрий сарфлари, машина-соатлар; калкуляциялар йиғиндиси бўйича ишчиларнинг иш ҳақи, сўм; калкуляциялар йиғиндиси бўйича механизаторнинг иш ҳақи, сўм; график бўйича ишнинг давомийлиги, сменалар; сменада бир нафар ишчининг ишлаб чиқариш унумдорлиги, бу якуний тайёр маҳсулот кўрсаткичининг сонли қийматини киши-сменалардаги меъёрий меҳнат сарфига бўлинганлиги билан аниқланади; механизациялашга сарфланадиган харажатлар, сўм; ишчилар иш ҳақи ва механизациялаштиришга сарфланадиган харажатларнинг йиғиндиси (суммаси) билан аниқланиладиган ўзгарувчан сарф-харажатлар, сўм.

Технологик карталар бинолар ва иншоотларнинг маълум типлари

учун ўз вақтида технологик меъёрларни ишлаб чиқиш, қурилиш жараёнларининг кетма-кетлигини, қўлланиладиган механизация воситаларини, бригадалар таркибини ва уларнинг меҳнатини ташкил этиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш жараёнини ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг моҳияти деб ҳисоблаш мумкин. Қурилиш майдонида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнларини қурилиш жараёнлари деб аташади (масалан, иссиқхонани монтаж қилиш, экскаватор ёрдамида котлованни қазиш ва ҳ.к.). қурилиш жараёнларини кетма-кет бажариш натижасида бинолар ва иншоотлар деб аталадиган қурилиш маҳсулоти яратилади. Қурилиш жараёнини ўрганиш орқали уларни технологик белгилари бўйича тайёрлаш, транспорт ва монтажли-ўрнатишга классификациялаш мумкин.

Тайёрлаш жараёнлари: ихтисослаштирилган корхоналарда ва қурилиш майдонлари (объект олдидаги бетон қориш қурилмалари, кўчма битум сиқувчи агрегатлар ва ш.ў.)да қурилиш материалларини, ярим фабрикатлар (қурилиш конструкциялари, қоришмалар ва ҳ.к.) ни тайёрлаш.

Транспорт жараёнлари: қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини қурилиш майдонига етказиш ва уларни бевосита иш жойларига ўзатишдан иборат.

Монтажли-ўрнатиш жараёнлари бевосита қуриладиган объектда амалга оширилади. Улар ўзининг мўлжалланишига (вазифасига) кўра қурилиш маҳсулотини яратувчи асосий жараён (ғишт териш, конструкцияларни монтаж қилиш ва ҳ.к.), тайёрлаш жараёнлари (юзаларни яъни сиртларни бўйлаб тайёрлаш, монтаж олдидан конструкцияларни йиғиш) ва ёрдамчи жараёнлар (оёқ ости кўприкларини ўрнатиш, опалубкалар тайёрлаш ва ҳ.к.).

Технологиясининг спецификациясига боғлиқ равишда монтажли-ўрнатиш ишлари қуйидагиларга етакчи (асосий) ва қўшма жараёнларга бўлинади. Технологик кетма-кетлик ва қурилиш маҳсулотини тайёрлаш муддатини аниқлайдиган жараёнлар етакчи жараёнлар деб аталса, улар билан параллел бажариладиган жараёнларини эса қўшма жараёнлар деб аташ қабул қилинган. Жараёнларни қўшиш қурилиш муддатини қисқартиришга шароит яратади.

Шунингдек қурилиш жараёнлари меҳнатнинг бажарилиш усулига кўра ҳам қуйидагиларга ажратилади: қўлда бажариладиган жараёнлар, механизациялашган жараёнлар, комплекс-механизациялашган ва автоматлаштирилган жараёнлар.

Қурилиш жараёнлари ташкил этилишининг мураккаблик даражаси бўйича оддий ва комплекс (мураккаб) жараёнларга бўлинади.

*Оддий жараён* – технологик боғланган ишчи операциялар йиғиндиси (жамланмаси) бўлиб, улар айнан бир хил ижрочилар томонидан бажарилади (пойдевор блокларини монтаж қилиш, сваялар қоқиш ва ҳ.к.).

*Комплекс жараён* – технологик ва ташкилий жиҳатдан боғлиқ бўлган оддий жараёнлар йиғиндиси (жамланмаси) бўлиб, улар тайёр маҳсулот ягоналиги билан узвий боғлангандир. Масалан, комплекс жараён – бу қуйма (монолит) темирбетон пойдеворни қуриш бу эса ўз навбатида қуйида кўрсатилган оддий жараёнлардан иборат: қолиплар (опалубкалар)ни ўрнатиш, арматураларни монтаж қилиш, бетон қуйиш, бетонни парваришlash.

Қурилиш ишлари – қурилиш жараёнларининг йиғиндиси, бу жараёнларнинг бажарилиши натижасида қурилиш маҳсулотининг маълум бир тури яратилади.

Уларни қўлланиладиган материаллар (ер ишлари, ғишт териш ва ҳ.к.); тикланаётган конструктив элементлар (сваяли, том ёпилмаси ва ҳ.к.); бажарилаётган жараёнлар (монтаж ишлари, транспорт ишлари ва ҳ.к.) бўйича номлаш мумкин. Қурилиш ишлари умум қурилиш ишлари (ер ишлари, сваялар қоқиш, ғишт териш, бетон қуйиш ва бошқалар) ва махсус ишлар (сантехника ишлари, электромонтаж ишлари, технологик жиҳозларни монтаж қилиш ва ҳ.к.) га бўлинади. Умумқурилиш ишлари қурилиш корхоналари (ташкilotлари, фирмалари) томонидан бажарилса махсус ишлар эса ихтисослашган корхоналар (ташкilotлар, фирмалар) томонидан амалга оширилади.

## **26.6. Қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмаси**

Қурилиш ишлаб чиқаришида корхоналар (ташкilotлар, фирмалар)га бирлашган турли жамоалар фаолият юритади. Бунда улар маълум бир ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар орқали бирлашадилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи саноат ишлаб чиқаришига тегишли бўлган барча хусусиятлар қурилишга ҳам тегишлидир. Бироқ у бир қатор ўзига хос жиҳатлар ва хусусиятларга ҳам эга. Ишлаб чиқариш жараёнида қурилиш маҳсулоти кўчмас мулк бўлса, меҳнат қуроллари ва предметлари эса кўчувчан бўлади. Қурилиш очиқ ҳавода, турли иқлимий ва табиий шароитларда, ҳар хил муддатларда олиб борилади (бир неча ойлардан бошлаб то бир неча йиллар давом этади).

Қурилиш унда бажариладиган жараёнлар ташқи омиллар билан боғлиқлиги сабабли бошқа соҳалардан кескин фарқ қилади.

Қурилишда асосий, ёрдамчи ва ташқи ёрдам кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қурилиш корхонаси (ташкilotи, фирма) таркибига кирувчи участкалар, цехлар, хўжаликлар, бўлимлар фаолият юритади.

Улар 1-расмда кўрсатилган корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини ташкilot этади.



**1- расм. Корхона (қурилиш ташкилоти, фирмаси)нинг ишлаб чиқариш тузилмаси**


**Қурилиш корхонаси ташкилий тузилмаси.** Корхона (қурилиш ташкилоти, фирмаси) ташкилий тузилмаси – бу менежмент тизимини яратиш ва унинг фаолиятини координациялаш, берилган дастур (бизнес режа)ни бажариш бўйича бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғунланувчи бўлимлар ва хизматлар йиғиндисидир.

Қурилиш ташкилотларининг замонавий ташкилий тузилмалари бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ) ҳажми ва қурилиш объектларининг ҳудудий жойлашганлигига боғлиқ равишда кўплаб модификацияларга эга. Улар қуйидаги белгилар бўйича туркумланади:

- шартномавий келишувлар (контракт) тавсифи бўйича бош пудратчи ва субпудратчи корхоналар;

- бажариладиган иш турлари бўйича асосий умумқурилиш ишлари (ер ишлари, бетон қуйиш, конструкцияларни монтаж қилиш ва ҳ.к.) ни бажарувчи умумқурилиш корхоналари, бир хил турдаги ёки бир жинсли ишлар комплекси (пардозлаш, том ёпиш, электромонтаж, сантехника) ни бажарувчи ихтисослашган корхоналар.

Шунингдек, қурилиш тури бўйича саноат, яшаш-фуқаро, транспорт, қишлоқ хўжалиги қурилиш бўйича ихтисослашган қурилиш ташкилотлари ҳам фаолият юритади.



**2 - расм. Кичик қурилиш корхонаси (ташкilotи)ни бошқариш тузилмаси**

Фаолият юритиш райони бўйича улар трест-майдонлар, шаҳар типдаги, ҳудудий ташкилотлар сифатида функция юритади.

Трест-майдонлар йирик объектларда битта қурилиш майдони чегарасида қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун яратилади. Уларнинг таркибига қурилиш участкалари киради.


Шаҳар ва ҳудудий типдаги қурилиш ташкилотлари (корхоналари) битта шаҳар ёки регион чегарасида қурилиш ишларини олиб боради.

Уларни ишчилар сонига кўра кичик, ўрта ва йирик ташкилотларга ажратиш мумкин. Кичик қурилиш ташкилотлари ва корхоналарида 100 га яқин, ўрта қурилиш ташкилотлари ва корхоналарида 101-500 нафар, йирикларида эса 501 ва ундан кўп ишчилар меҳнат қилади.


Трестларнинг ташкилий тузилмаси турли моделларга эга бўлади.



Трестга бошқарувчи раҳбарлик қилади ва у ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг натижаларига жавоб беради (масъул ва жавобгар шахс). Трестнинг иш ҳажмларига боғлиқ равишда у биринчи ўринбосаридан ташқари яна 3 нафар ўринбосар ва бош инженерга эга бўлиши мумкин. Бош инженер техник сиёсатининг олиб борилишига ва қурилиш ишлаб чиқаришнинг тўғри ташкил этилишига, фан-техника тараққиёти ютуғларининг амалда тадқиқ этилишига жавоб беради. Трест бошқарувчисининг ўринбосарлари моддий-техника таъминоти, трестдаги иқтисодий ишларга ва ишчиларнинг моддий-маиший таъминоти учун жавобгардирлар.



**3 - расм. Ишларни ишлаб чиқариш участкалари кўринишида бевосита ишлаб чиқарувчилар билан кичик қурилиш корхонаси (ташкилоти, фирмаси)ни бошқариш тузилмаси**



**4 - расм. Кам ишчиларга эга бўлган кичик қурилиш корхонаси**

## **(ташкilotи, фирмаси) ни бошқариш тузилмаси**

Трест бўлимлари тегишли бошқарув функцияларини амалга ошириш билан қурилиш ишлаб чиқариши топшириқларини бажариш учун шароитлар яратиш бўйича ишлар ташкил қилади.

Кичик қурилиш ташкилотлари (корхоналари)ни бошқариш ягона бошқарув ва меҳнат жамоасининг ўз-ўзини бошқариш принципларини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади. Ягона бошқарув корхона (ташкilot, фирма) муассиси томонидан тайинланган директорнинг ташкilotга раҳбарлик қилишига асосланади. Директор билан контракт тузилади, унда директорнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлиги кўрсатилади ҳамда уни моддий жиҳатдан таъминлаш (маоши) шарт-шароитлари аниқланади. Кичик корхона директори иўчи-ходимлар сонини аниқлайди ва штатни тасдиқлайди, тизимни, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини ва ишчи-ходимлар даромадларининг бошқа турларини ўрнатади.

У ташкilotнинг барча савол-масалаларини мустақил равишда ечади, ташкilot мулки ва воситалари, маблағларини бошқаради ва назорат қилади, шартномалар тузади, банкларда ҳисоб рақамлари очади, моддий таъминот ва ташкilot фаолиятини таъминлаш учун бошқа савол-масалаларни ечиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилади.

Кичик корхона (ташкilot)ни бошқариш тузилмаси 2 -расмда кўрсатилган. Бошқарувни (кенгашни) сайлайдиган умумий йиғилиш (мажлис) ўз-ўзини бошқариш органи деб ҳисобланади.

Нисбатан катта бўлмаган қувватга эга бўлган ва фақат ишларни ишлаб чиқариш участкаларини ўз таркибига киритувчи кичик қурилиш корхоналари (ташкilotлари)ни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси содда схема бўйича қурилади (3 -расм).

Кам сонли ишчиларга эга бўлган вазиятларда директор аппарати фақат бош ҳисобчига эга бўлади (4 -расм).

### **Қисқа хулосалар**

Бозор иқтисодиёти, баъзи мутахассислар, айниқса бозор тарафдорлари ўйлаганидек, хўжалик юритишдаги қурилиш ишлаб чиқаришини самарали инвестициялаш ва ташкил қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган аввалдан ўйлаб қўйилган қарорларнинг заруриятини инкор қилмайди, балки аксинча, кучайтиради.

Режалаштириш - капитал қўйилмалар ва қурилишни прогнозлашнинг таркибий қисмидир. Қурилиш индустриясининг қуйи поғонасидаги корхоналар ва ташкilotлар миқёсида у оптимал ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришга нисбатан аввалги буйруқбозлик ёндашуви йўқ, унда амалдаги қонунчиликда тасдиқланган меъёрлардан ташқари аввалдан тасдиқланадиган назорат рақамлари, лимитлар ва қатъий меъёрлар бўлмайди, бу эса

ишлаб чиқиладиган қурилиш дастурларининг илмий асосланганлигини ва реаллигини тақозо қилади.

Қурилишни ва қурилиш ташкилотларини ривожлантириш режаларини техник-иқтисодий асослаш зарурлиги миқдорий ва сифат, натура ва қиймат, ҳажмий ва солиштирма кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлишини тақозо этади.

Қурилиш ташкилотини (фирмасини) иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаси бир неча бўлимларни ўз ичига олади. Уларнинг ичида марказий ва энг муҳими ишлаб чиқариш дастури ёки асосий фондлар ёки ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режаси бўлиб, қиймат ва натурал ифодада ишлаб чиқиладиган.

Янги инвестицион қуйилмалар, “ноу-хау”, қурилишнинг янги турларини ўзлаштириш кўпинча мақсади ёки пировард функциялари билан фарқ қилувчи бизнес-режалар ёки бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилишда режалаштиришнинг мазмуни, турлари ва вазифаларини баён қилиб беринг.
2. Бозор шароитларида режалаштириш ва прогнозлаш функциялари қандай ўзгаради?
3. Қурилиш ташкилотини (фирмасини) ривожлантириш режасининг қандай бўлимлари ва кўрсаткичларини биласиз?
4. Қурилиш корхонасининг фаолияти ва ривожлантириш режасининг асосланганлиги нимадан иборат?
5. Бизнес-режани ишлаб чиқишнинг мазмуни ва тартибини тушунтириб беринг.
6. “Қурилиш ишлаб чиқариши” ва “Қурилишни ташкиллаштириш” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
7. “Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси (ҚТЛ)” ва “қурилиш ишларини ишлаб чиқиш лойиҳаси (ҚИЧЛ)”лари мазмунини тушунтиринг ва уларнинг таркибига нималар киради?
8. Қурилиш жараёнлари ташкил этилишининг мураккаблик даражасига қараб қандай турларга бўлинади? Уларни тушунтириб беринг.
9. Қурилиш корхоналари ишлаб чиқиш ва ташкилий тузилмаларини тушунтиринг.

## **27 - МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИК**

**Таянч атамалар ва иборалар:** Қурилишда баҳо нарх-навони эркинлаштириш сиёсати. Улгуржи ва чакана нарх. Қурилишда баҳони белгилаш тизими. Қурилишнинг смета бўйича қиймати. Бевосита харажатлар (БХ). Устама харажатлар (УХ). Смета фойдаси (Рж). Режадаги таннарх. Ҳақиқий таннарх. Фойда. Смета фойдаси. Режадаги фойда. Ҳақиқий фойда. Баланс фойдаси. Ялпи фойда. Солиққа тортиладиган фойда. Соф фойда. Смета бўйича рентабеллик даражаси. Режадаги рентабеллик даражаси. Ҳақиқий рентабеллик даражаси.

### **Режа:**

**27.1. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари.**

**27.2. Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилашнинг таркиби, тузилиши ва услублари.**

**27.3. Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари.**

**27.4. Рентабеллик ва уни қурилишда ошириш йўллари.**

### **27.1 Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари**

Қурилишда баҳо белгилаш сиёсати умумдавлат баҳолаш сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Нарх ёрдамида давлат ва хўжалик субъектлари, шу жумладан корхоналар ва қурилиш саноати ташкилотлари жамиятнинг зарурий сарф–харажатларини режалаштириш ва бошқаришни амалга оширади, керакли ишлаб чиқариш мутаносибликларига риоя қилади, маҳсулот харажатлари ва олинган натижаларни баҳолайди. Бошқача қилиб айтганда, нарх ёрдамида иқтисодий категория сифатида талаб ва таклиф ўртасидаги мувофиқлик таъминланади, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболли дастурлари белгиланади.

Нархнинг асосий вазифаси - маҳсулот қийматини миқдорий ифодаланишидир. У ялпи ва товар қурилиш маҳсулоти, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, капитал маблағлар ҳажми, иш ҳақи фонди ва бошқаларни белгилаш учун фойдаланилади.

Бозор муносабатлари шароитида нарх ҳеч ким томонидан бошқарилмайди, баъзи одамларга бошқарилувчи – режалаштирилган иқтисод шароитида ҳаракат қилувчи «баҳолаш» органи, Давнарх қўмитасини ташкил қилиш зарурияти ҳақида тез-тез қўмсашни туғдиради деган тассурот пайдо бўлади. Лекин аслини олганда вазият сал бошқачароқ. Давлат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати нарх-навони эркинлаштириш сиёсатини тайинлади ва қуйидаги чораларни биринчи галдаги деб назарга олди:

Баҳо белгилаш усулининг кейинчалик яхшиланиши ва нарх-наво

аҳамиятини бозор регулятори сифатида мустаҳкамлаш.

Улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш курсининг изчил ўтказилиши, эркин (келишилган) нарх бўйича сотилувчи маҳсулотлар (товарлар) доирасининг кенгайиши.

Ҳаётий муҳим озиқ-овқатлар, биринчи навбатда ун ва нон нархини тор доирада давлат томонидан тартибга солишнинг вақтинчалик сақланиши.

Сотиб олиш нархларининг дунё нархлари даражасигача етказиш билан уларни изчил ошиши.

Антимонопол тадбирлар ўтказиш, юқори монопол тузилмаларни нисбатан кичиклаштириш ҳисобига нархларнинг сунъий оширилиб юборилишига йўл қўймаслик бўйича чораларни амалга ошириш, рақобат муҳитини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

Кўрниниб турибдики, баҳо белгилаш механизми нотабиий жараён ёки ўзини-ўзи ташкил қилувчи муҳитдир. Нархлар пул муносабатларининг бутун тизими каби иқтисоднинг ҳам макро, ҳам микро даражасидек хўжаликнинг бошқаришнинг муҳим қуроли бўлган, бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилишни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, маълумки, аҳоли ва корхоналар маблағи, деворбоп материаллар ва бошқа маҳсулотлар ажратиш ҳисобига амалга оширилувчи имтиёзли нархлар бўйича бажарилади.

Лекин қурилиш маҳсулоти қурилишда баҳони белгилашга жиддий таъсир кўрсатувчи бошқа соҳа материалларидан анча фарқ қилади. Уларга жумладан, капитал сифими, индивидуаллик, титул ва титулмас объектлар қуришга бир йўла сарфланадиган харажатлар, уларнинг турлари, вазифалари, қурилишнинг узоқ муддатли маҳаллий ҳамда табиий шароитларга боғлиқлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу хусусиятлар сарф-харажатлардаги барпо этилаётган объектлар ёки уларнинг қисмларининг нархдаги фарқини белгилайди. Шунинг учун ҳар бир объектнинг нархи, лойиҳа смета билан белгиланади. Смета бўйича белгиланган нарх – бу қурилиш маҳсулоти нархидир. Ҳар қандай маҳсулот, жумладан қурилиш маҳсулотининг нархи, истеъмолчилар (харидорлар) учун улар оқилона режалаштирилган ёки нормалланувчи даромадни ҳисобга олиш билан жамиятнинг зарурий сарф-харажатларига асосланган арзон ва мақбул ҳисобланади. Агар нархлар бу қоидаларга тўғри келмаса ва ўз моҳиятидан жамиятнинг зарурий сарф-харажатларидан ошиб кетса, уларни харидорларни қизиқишлари ва имкониятларини чеклаб қўювчи «нархи осмонда» ёки ҳаёлий деб номланади.

Қурилишда баҳони белгилаш тизимини яхшилаш учун биринчи навбатда қуйидагилар зарур:

илмий-техника ютуқларига ва ресурсларни тежаш усулларига асосланган, албатта қурилиш сифатига зарар етказмайдиган

замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш;

қурилиш қийматини смета бўйича тўғри белгилаш;

Униси ҳам, буниси ҳам, булардан ташқари, кўп жиҳатдан ишчиларга, уларнинг малакаси, билим даражаси, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлаб чиқариш соҳасидаги тажриба ҳамда маҳоратга боғлиқ.

## **27.2. Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилаш таркиби, тузилиши ва услублари**

Қурилишнинг смета бўйича қиймати – бу лойиҳаларда асос солинган қарорларга мос ҳолда ўша ёки бошқа объектлар ва иншоотларни кўпайтириш учун зарур пул маблағлар миқдоридир. У сметага оид ҳужжатларни ишлаб чиқариш пайтида инвестор (бюртмачи) топшириғи ёки вазифаси бўйича лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланади. Охиргиси янги қурилиш билан ҳам, амалдаги корхоналар, бинолар ва иншоотларни кенгайтириш ёки қайта қуриш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш зарурияти қоида бўйича, асосан икки ҳолатда пайдо бўлади:

лойиҳа-сметага оид харажатлар билан ишлаш пайтида, яъни белгиланган ҳужжатларнинг таркибий ва асосий қисми сифатида;

лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш вақтида (ТИА).

Умуман смета бўйича қиймат капитал маблағларни аниқлаш, қурилиш учун маблағ ажратишни топиш, қурилиш маҳсулотларига (келишилган) нархни шакллантириш, бажарилган қурилиш - монтаж ишларига ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади. Смета бўйича қийматлардан келиб чиққан ҳолда қурилган корхоналар, бинолар ва иншоотлар бўйича асосий жамғармалар жорий қилинган биланс қиймати белгиланади.

Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш учун асос бўлиб қўйдагилар хизмат қилади.

- лойиҳага тушунтириш хати;
- лойиҳанинг ўзи ва иш ҳужжатлари, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари кўлами, чизмалари ва ведомостлар;
- жиҳозларни таснифлаш;
- ишларни бажариш лойиҳалари (ИБЛ) ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари (ҚТЛ);

- амалдаги смета норматив база;

Ҳисобга олиш ва режалаштириш амалиётидаги қурилишнинг смета бўйича қиймати қуйидаги асосий элементлар бўйича аниқланади.

- қурилиш ишлари;
- жиҳозлар ва монтаж бўйича ишлар (монтаж ишлари);
- машина ва жиҳозларни учун харажатлар

- бошқа харажатлар (лойиҳа - қидирув ва бошқалар);

Пудрат ташкилотлари фаолиятида элементларнинг биринчи икки гуруҳи одатда битта моддага - қурилиш-монтаж ишларига бирикади, улар ўз навбатида қуйидаги қисмлардан ташкил топади: бевосита харажатлар (**БХ**), устама харажатлар (**УХ**) ва режали жамғармалар ёки сметада фойда (**Р<sub>ж</sub>**). Қурилиш маҳсулоти бирлигини аниқлаш ёки қурилиш-монтаж ишларининг ягона смета бўйича қиймати қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$K_{\text{қми}} = \text{БХ} + \text{УХ} + \text{Р}_{\text{ж}}$$

Бевоста харажатлар ўз ичига қуйидагиларни олади: хом-ашё, маҳсулот ва конструкциялар қиймати, ишчиларнинг иш ҳақи, машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари. Уларнинг ҳар бир кўриниши, смета нормалари ва нархлари бўйича ишларнинг кўламини ташкил қилишда бевосита ҳисоб-китоб билан аниқланади.

**Устама харажатлар** – ишлаб чиқаришнинг умумий шартларини, унинг бошқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг йиғиндисидир. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- маъмурий-хўжалик харажатлари;
- қурилиш объектига хизмат кўрсатиш харажатлари;
- қурилиш майдонларидаги ишларни ташкил этиш харажатлари;
- қолган устама харажатлар (мол-мулкни суғурта қилиш, банк кредитлари бўйича тўловлар, реклама бўйича харажатлар ва бошқалар).

Устама харажатларнинг қиймати бевосита харажатларнинг смета бўйича нархига махсус нормалар билан %ларда белгиланади.

**Режали жамғармалар** (сметадаги фойда) - бу пул маблағлари йиғиндиси бўлиб, иш таннархига тегишли бўлмаган ва қурилиш маҳсулоти қиймати (нархи)нинг норматив (кафолатли) қисми ҳисобланувчи қурилиш ташкилотларининг алоҳида (умумий) харажатларини қоплаш учун зарурдир. Унинг қиймати бевосита ва устама харажатларнинг йиғиндисидан %ларда ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган сарф-харажатларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги формулалар билан амалга оширилади:

$$\text{Б}_x = K_{\text{қми}} - \text{УХ} + \text{Р}_{\text{ж}};$$

$$\text{УХ} = ((K_{\text{қми}} - \text{Р}_{\text{ж}})\text{УХ}) / (100 + \text{УХ});$$

$$\text{Р}_{\text{ж}} = (K_{\text{қми}} - \text{УХ}) / 100;$$

Қурилиш маҳсулотларига эркин нархларни шакллантириш шароитида режали жамғармалар нормаси қурилиш машина ва механизмларига хизмат кўрсатувчи ишчи-қурувчилар ҳамда ишчилар меҳнатига тўлов учун маблағнинг аниқ қийматига 50% ёки қурилиш-монтаж ишларининг смета бўйича таннархига 12% ўлчамда белгиланиши мумкин.

$$C_{\text{т}} = K_{\text{қми}} - (K_{\text{қми}} * \text{Р}_{\text{ж}}) / (100 + \text{Р}_{\text{ж}})$$

**Ққми** - қурилиш–монтаж ишларининг (қурилишнинг) смета бўйича қиймати.

**Рж** – режали жамғармалар нормаси, %.

**Смета бўйича таннарх** – бу сметага оид норма ва нархлар бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажаришга кетган харажатлардир. У қурилиш-монтаж ишларини смета бўйича қийматидан режали маблағлар қийматига қараганда камроқ, яъни

$$\text{Ст қ } K_{\text{қми}} - P_{\text{т}},$$

**Р<sub>т</sub>**– режадаги маблағларнинг тўлиқ қиймати.

**Режадаги таннарх** – бу қурилиш монтаж ишларини бажариш учун режалаштирилган сарф-харажатлардир. Режадаги таннарх смета бўйича таннархдан режадаги камайиш қийматича камроқ бўлади. У техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан амалга оширилади ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ва қурилиш маҳсулотини яратишнинг рационал усуллари ташкил этиш ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга кетиши мумкин бўлган харажатларни белгилайди. Ишларнинг режадаги таннархи қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_{\text{т}} \text{ қ } K_{\text{қми}} - P_{\text{ж}} - 3 \text{ Қ Д}$$

**K<sub>қми</sub>** – ишнинг смета бўйича қиймати;

**Р<sub>ж</sub>** – режадаги маблағлар;

**3** – таннархнинг режалаштирилган камайиши;

**Д** – сметадан ташқари ишлар учун тўловлар;

**Ҳақиқий таннарх** – бу қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун кетган ҳақиқий харажатлар йиғиндисидир. Ҳақиқий харажатлар иложи борича камроқ бўлиши учун қурилиш маҳсулотининг сифатига зарар етказмасдан пудратчи ташкилотлар ресурслардан самарали фойдаланишни кўриб чиқувчи ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари, жонли меҳнат ва техникадан унумли фойдаланиш, бекор туриб қолишлар ва талофатларга йўл қўймасликлари керак.

Ҳақиқий таннархни шакллантириш учун қоида бўйича қурилиш корхонаси бухгалтерияси томонидан бажарилган ишларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу ҳисоб-китоб одатда қурилиш тугагунча ўсиб боровчи услуб билан ҳар бир объект бўйича олиб борилади. Бу ерда қурилиш ташкилоти ҳамда буюртмачи ёки унинг вакили томонидан имзоланган бажарилган ишларни қабул қилиш ишлари муқаррар фойда келтириши мумкин. Бажарилган ишлар ҳисоботини амалга ошириш вақтида мутлоқ ножўя ошириб ёзишлар бўлиб, қурилиш қиймати ва таннархини сунъий ўстириш жавобгарликка тортилади.

### 27.3 Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари

Фойда – бу қурилиш корхонаси ишчиларининг қўшимча меҳнати билан топилган соф даромад ёки даромад ва маҳсулотнинг тўла таннархи ўртасидаги фарқдир. У корхона молиявий ва ишлаб чиқариш



бирқарорлигини муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Фойда ҳисобига корхоналар ривожланади, ишчиларни моддий рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилади, умуман хўжалик субъектлари ва давлат эҳтиёжлари қондирилади. Ундан ташқари фойда олиш корхона рақобатбардошлигини муҳим шарти ҳам ҳисобланади.

Инвестицион жараённинг турли босқичларида фойданинг қуйидаги турлари аниқланади:

**Смета фойдаси** – бино, иншоот ва бошқа объектлар лойиҳасида белгиланган фойда;

**Режадаги фойда** – муайян шартлар учун қурилиш ташкилотлари ҳисобига олинган фойда;

**Ҳақиқий фойда** – ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган фойда;

**Смета фойдасини** бошқача қилиб, қурилиш ташкилотининг режадаги жамғармалари, яъни қурилиш лойиҳасида бириктирилган, уни давлат томонидан кафолатланган даромад деб номланади. У қурилиш машиналари ва механизмларига хизмат кўрсатувчи қурувчи ва ишчилар иш ҳақи қийматининг 50%и ёки лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари таннархининг 12%и ҳисобида белгиланган.

Нарх-навони эркинлаштириш шароитида режадаги жамғармалар (сметага оид фойда) даражаси буюртмачи розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Смета фойдаси кафолатли даромад сифатида қурилиш ташкилотига солиқни, банк кредитлари бўйича фоизларни тўлашга, уй-жой-коммунал хўжалик объектларини сақлашга, ишловчиларни рағбатлантиришни амалга оширига ёрдам беради.

**Режадаги фойда** остида қурилиш ташкилоти бизнес режасини (ишлаб чиқариш – иқтисодий режасини) ишлаб чиқиш жараёнида белгиланган фойда тушунилади. Қурилиш ташкилоти имзолаган пудрат шартномалари асосида ўз фойдасини мустақил режалаштиради.

Аълоҳида объектлар бўйича режадаги фойда ( $P_a$ ) қуйидаги формула бўйича: смета фойдаси ёки режали жамғармалар ( $P_{ж}$ ), иш таннархини камайтириш орқали эришилган режали самара ( $\mathcal{E}_p$ ) ва буюртмачидан олинган компенсация ( $K_6$ ) йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

$$P_a = P_{ж} + \mathcal{E}_p + K_6$$

Қурилиш ташкилотининг ўз кучлари билан бажарилган ишларни буюртмачига топширишдан келиб чиқадиган режадаги фойда ( $\Phi_p$ ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\Phi_p = \Phi_{рп} + I_{рт} + \Phi_{рх}$$

$\Phi_{рп}$  – тугалланмаган қурилишдаги амалга оширилмаган фойда;

$I_{рт}$  – режалаштирилган даврдаги ўз кучлари билан бажарилган иш таннархини пасайтиришдан тежаш;

$\Phi_{px}$  - режалаштирилган давр охиридаги тугалланмаган қурилишда амалга оширилмаган фойда;

Умуман қурилиш ташкилоти бўйича режадаги фойда қўшимча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжалик хизматлари кўрсатиш, буюртмачига бажарилган ишлар ва объектларни топширишдан олинган фойда йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

**Ҳақиқий фойда** – бу белгиланган даврда қурилиш ташкилоти ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижасидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_x = N_k - K_{\text{КС}} - T_c$$

Бу ерда:

$N_k$  – келишилган нарх;

$K_{\text{КС}}$  - қўшилган қиймат солиғи;

$T_c$  – бажарилган ишларнинг соф таннархи;

**Баланс фойдаси** қурилиш ташкилоти фаолиятининг ҳамма турлари натижасида олинган фойдани ўз ичига олади. У қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_b = \Phi_x + \Phi_m + \Phi_d - C_d$$

$\Phi_x$  – ҳақиқий фойда;

$\Phi_m$  – мол – мулк (акциялар) сотишдан келган фойда;

$\Phi_d$  – ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотларни сотишдан келадиган фойда;

$C_d$  – сотишдан ташқари даромадлар;

ёки:  $\Phi_b \text{ қ } K_{\text{СК}} - T_c - X_b$

$K_{\text{СК}}$  - қурилишнинг смета бўйича қиймати;

$T_c$  - қурилиш ишларининг соф таннархи;

$X_b$  – сметада кўрсатилмаган буюртмачилар ҳақлари ва имтиёзлари.

**Ялпи фойда** – бу баланслаштирилган ( $\Phi_b$ ) ва ҳисоб-китоб қилинган ( $\Phi_x$ ) фойда йиғиндисидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_y = \Phi_b + \Phi_x$$

Ҳисоб-китоб қилинган фойда ( $\Phi_x$ ), маҳсулотларни паст бозор нархларида сотилиши, молиявий моддий ресурсларнинг бепул олиниши, маҳсулот, иш, хизматларни айирбошлаш вақтида ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу ерда корхона томонидан банк кредити учун фоизлар бўйича тўланадиган маблағ ҳам бўлиши мумкин.

**Солиққа тортиладиган фойда** ҳам худди ялпи фойда каби ҳисобланади, лекин фарқи шундаки, бу ерда бюджетга солиқлар ва бошқа тўловлар назарда тутилади. Солиққа тортиладиган фойда қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_{\text{СТ}} = \Phi_y - M - I - K_{\text{Қ}} - K_{\text{Д}} - J_3$$

$\Phi_y$  – ташкилотнинг ялпи фойдаси;

$M$  – мол-мулкка солиқ;

**И** – ижара ҳақи (агар бу назарда тутилса);  
**ҚҚ** - қимматбоҳо қоғозлар бўйича даромад;  
**ҚД** - қўшимча даромад (ўз хиссаси билан қатнашиш);  
**Ж<sub>з</sub>** - ташкилотнинг заҳира жамғармаси;

**Соф фойда** солиқларни (**С**) тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобланади:

$$\Phi_c = \Phi_{ct} - C$$

Соф фойда бозор шароитида молиявий барқарорлик ва ишга лаёқатлилик бўйича қурилиш ташкилотининг ҳақиқий кучларини акс эттиради. Айнан соф фойда ишлаб чиқаришни юксалтириш, ишловчиларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун асосий шарт ҳисобланади.

#### **27.4. Қурилишда рентабеллик ва уни ошириш йўллари**

Рентабеллик қурилиш ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткич ҳисобланади. Агар қурилиш ташкилоти, қолаверса ҳар қандай корхона ҳам ўз ишлаб чиқариш фаолиятдан фойда олса, уни даромадли ҳисоблаш мумкин. Лекин фойда билан қиёсланганда рентабеллик - бу фоизларда ҳисобланувчи нисбий кўрсаткичдир. Қанчалик маҳсулот ва ишлаб чиқаришга сарф-харажат кам бўлса, шунча кўп фойда, маҳсулотнинг рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Қурилиш маҳсулотини режалаштириш ва ҳисоблаш амалиётида рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

- смета бўйича рентабеллик даражаси;
- режадаги рентабеллик даражаси;
- ҳақиқий рентабеллик даражаси;

**Смета бўйича рентабеллик даражаси** смета фойдаси ёки режали жамғармаларни (**Р<sub>ж</sub>**), қурилишнинг (объект, қурилиш-монтаж ишлари, хизматлари) смета қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_1 = P_{ж} / C * 100\%$$

**Режадаги рентабеллик даражаси** қурилиш ташкилотларининг фаолияти натижалари бўйича истиқболни белгилаш (прогноزلаш) мақсадларига хизмат қилади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_2 \text{ қ} = P_{ж} / H_{к} * 100\%$$

**Р<sub>ж</sub>** – смета фойдаси ёки режали жамғармалар;

**Н<sub>к</sub>** - қурилиш объектига (бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга) келишилган нарх;

**Ҳақиқий рентабеллик** - қурилиш тугатилиши ва бажарилган ишлар бўйича бутун ҳисоб-китоблар ўтказишдан кейин белгиланадиган умумлаштирувчи самара кўрсаткичидир. У ҳақиқий фойданинг (**Φ<sub>х</sub>**) қурилишнинг ҳақиқий қийматига (таннархи) (**Н<sub>к</sub>**) нисбати сифатида, яъни қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_3 = \Phi_x / H_k * 100\%$$

Механизациялашган қурилиш трестлари ва бошқармалари ҳамда ишларни ўз ҳисобидаги машина ва механизмлар парки орқали бажарувчи қурилиш ташкилотлари учун рентабеллик даражаси қуйидаги формула бўйича фойданинг ( $\Phi_6$ ) асосий ишлаб чиқариш фондлари ( $\Phi_{ac}$ ) ва айланма маблағлар ( $\Phi_{айл}$ ) йиғиндисига нисбати орқали аниқланиши мумкин:

$$P_4 = \Phi_6 / (\Phi_{ac} + \Phi_{айл}) * 100\%$$

Ҳозирги вақтда маҳсулот рентабеллиги даражасини ошириш ва фойдалилигини таъминлаш ҳар бир пудратчи ташкилот учун муҳим масала ҳисобланади, устига устак унинг кўп масалалари ўтмишдаги хўжаликни бошқариш амалиётидек давлат маблағи ҳисобидан эмас, балки хусусий ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан ҳал қилинади. Шунинг учун улар нафақат кўп «ишлаб топишга», фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини оширишга ҳаракат қилишлари, балки, тежашни, хусусий ишлаб топилган маблағдан оқилона фойдаланишни билишлари керак.

Фойдани кўпайтириш ва қурилишда рентабелликни ўстиришнинг ҳар хил йўллари орасида энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- баҳони шакллантириш механизми ва фойдани шакллантиришни такомиллаштириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш фондларидан, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш;
- ишлаб чиқаришнинг ўзвийлигини таъминлаш;
- қурилиш муддатларини қисқартириш ва амалда объектларни ишга туширишни тезлаштириш;
- қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларни сифатини яхшилаш;

### Қисқача хулосалар

**Фойда** - қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи яқуний кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич бўйича қурилиш корхонасининг молиявий барқарорлиги ва унинг кейинги ривожланиш имкониятлари белгиланади.

Фойда корхона ёки бутун тармоқни рентабеллик даражаси ва зарар кўришини (фойда йўқ вақтида) аниқлаш имкониятини беради. У ишлаб чиқариш харажатлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ: қанча харажат кам бўлса (маҳсулот сифатига зиён етказмасдан), шунча фойда кўп ва рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Қурилишнинг смета қиймати аввалдан кафолатланган фойда нормасини ҳисобга олувчи қурилиш маҳсулотининг нархи

ҳисобланади. Қурилишнинг смета қийматини камайтириш – лойиҳаловчи, қурувчи ташкилотлар ва инвестицион жараённинг бошқа иштирокчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Смета қиймати капитал маблағларга талабни белгилаш, буюртмачи томонидан молиялаштиришни бошлаш, бажарилган ишларга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида у баҳо белгилашга, инвестицион жараённинг ҳамма босқичларида тежамкорлик режимига амал қилишга, қурилишда ва лойиҳалаштиришда илмий-техникавий тараққиёт ютуқларидан муваффақиятли фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг вазифаси асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватини ўз вақтида ва сифатли ишга тушуриш асосида харажатларни камайтириш, фойдани оширишдир. Рентабеллик кўрсаткичи қурилиш корхонасининг белгиланган самарадорлик натижасида ҳаракат қилишга интилишини акс эттиради.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Қурилишда баҳо белгилаш механизми
2. Қурилишда баҳо белгилаш хусусиятлари.
3. Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилашнинг таркиби.
4. Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш услублари.
5. Қурилишда фойдани ҳисоблаш усуллари.
6. Қурилишда рентабелликни ошириш йўллари.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2003 йил 29 август, 524-II-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2009 йил 21 июль, 206-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2016 й.даги “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2692-сон Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2016 й.даги “2016 — 2020 йилларда рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2533-сон Қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2016 й.даги “2016 — 2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2547-сон Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига илова
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорининг 3-илласи.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ги Фармони
14. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
15. Каримов И.А. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш» комиссиясининг 1997 йил 5 июнида бўлиб ўтган мажлисидаги нутқи, «Халқ сўзи», 6 июнь 1997 йил.
16. Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – 220 бет.
17. «Темур тузуклари». – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 24 бет
18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. – Т.: «Давлат илмий нашриёти», 2000. – 288 бет
19. Исматов Р., Боймирзаев Д., Ходжиев А. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Наманган, 2006.
20. Isoqov M.Yu. Kapital qurilish iqtisodiyoti (ma'ruzalar matni) - T.: TDIU, 2006. - 219 b.
21. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие–Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
22. Абдухамидов А.Я. Қурилиш иқтисодиёти. Маърузалар матни. Самарқанд, 2012.
23. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1998. – 240 бет.
24. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. 144 бет.
25. Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2016. 144 бет.
26. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2015. 344 бет.
27. Ўзбекистон Саноати. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2014. 148 бет;
28. Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. 178 бет.

29. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2016. 139 бет.
30. Мирзиёев мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига табрик йўллади. <http://darakchi.uz/uz/31745> (27.12.2017й.да мурожаат қилинган)
31. Президент қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни тезлаштиришга топшириқ берди. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/12/01/qurilish/>. (27.12.2017 й.да мурожаат қилинган)
32. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/940018>
33. <http://gigabaza.ru/doc/789-p3.html>
34. [http://cci.uz/pg/okonx\\_uz.php](http://cci.uz/pg/okonx_uz.php)
35. <http://www.biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/42413-iqtisodiy-faoliyat-turini-tasniflashning-yangi-tizimi>
36. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2035-ilm-va-fan>
37. <https://studlib.info/proizvodstvo/1810835-klassifikaciya-rabotnikov-predpriyatiya/>



## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>1-МАВЗУ.</b>	<b>ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ</b>	<b>5</b>
1.1.	Фаннинг объекти. Индустириал иқтисодиётнинг таърифи	
1.2.	Фаннинг предмети ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги	
1.3.	Фаннинг ўрганиш методикаси ва усуллари	
1.4.	Фаннинг бозор иқтисоди шароитига, ислохотлар талабига хос ва мос вазифалари	
<b>2-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ - МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ</b>	<b>13</b>
2.1.	Саноатнинг таърифи ва тавсифи	
2.2.	Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожига роли ва ўрни	
2.3.	Саноат тармоқларининг ривожланиши тарихи	
<b>3-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАР</b>	<b>25</b>
3.1.	Структура сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти	
3.2.	Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва саноат тармоқининг шаклланиши	
3.3.	Саноат тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар	
3.4.	Ўзбекистон саноатининг тармоқ тузилмаси хусусиятлари	
3.5.	Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси	
<b>4-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ</b>	<b>83</b>
4.1.	Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида	
4.2.	Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари	
4.3.	Бошқарувнинг замонавий тузилиши	
4.4.	Бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	
<b>5-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ</b>	<b>101</b>
5.1.	Режалаштириш ва прогнозлашнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари	
5.2.	Режалаштиришнинг тамойиллари ва усуллари	
5.3.	Бозор иқтисодиёти шароитида режалар тизими	
5.4.	Ишлаб чиқариш режасини тузиб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этиш	
5.5.	Режалаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	

<b>6 - МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ</b>	117
6.1.	Самарадорлик саноат ишлаб чиқаришининг «кўзгуси» сифатида. Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти	
6.2.	Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезон ва кўрсаткичлари	
6.3.	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг омиллари ва йўллари	
<b>7-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ</b>	127
7.1.	Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти	
7.2.	Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари	
7.3.	Фан-техника тараққиётининг самарадорлигини баҳолаш	
<b>8-МАВЗУ.</b>	<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИЖТИМОЙ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	140
8.1.	Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги	
8.2.	Концентрациялаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари	
8.3.	Ихтисослаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари	
8.4.	Кооперативлаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари	
8.5.	Комбинатлаштириш, унинг шакллари ва кўрсаткичлари	
<b>9-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТДА КАДРЛАР ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ</b>	151
9.1.	Кадрлар сиёсати ва унинг саноат тараққиётидаги роли	
9.2.	Кадрлар, уларнинг таркиби ва структураси	
9.3.	Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш	
9.4.	Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш	
9.5.	Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш.	
<b>10-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ</b>	169
10.1.	Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, таркиби ва тузилиши	
10.2.	Асосий фондларни баҳолаш	
10.3.	Асосий фондларнинг эскириши ва амортизацияси	
10.4.	Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари	
10.5.	Ишлаб чиқариш қувватлари ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари	

<b>11-МАВЗУ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ХОМАШЁ МАНБАИ ВА УНИ ЖОЙЛАШТИРИШ</b>	<b>183</b>
11.1.	Саноатда хомашё, унинг хусусиятлари ва туркумланиши	
11.2.	Ресурслар тежамкорлигининг стратегияси ва тактикаси	
11.3.	Минерал хомашё ва улардан оқилона фойдаланиш	
<b>12-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ ВА МАБЛАҒЛАРИ</b>	<b>198</b>
12.1.	Айланма фондларнинг моҳияти ва аҳамияти	
12.2.	Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари	
12.3.	Айланма маблағлар ва уларнинг айланишини тезлаштириш	
<b>13-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА УНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ</b>	<b>205</b>
13.1.	Сифат тушунчаси ва уни ошириш зарурияти	
13.2.	Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари	
13.3.	Маҳсулот сифатини бошқариш ва уни ошириш йўллари	
13.4.	Стандартлаштириш, сертификациялаштириш, аттестация ва назорат қилиш	
<b>14-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТДА ТАННАРХ, ФОЙДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕНТАБЕЛЛИГИ</b>	<b>217</b>
14.1.	Қиймат ва таннарх назарияси, ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришнинг илмий асослари	
14.2.	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни гуруҳлаш..	
14.3.	Фойда ва уни максималлаштириш	
14.4.	Рентабеллик ва уни ошириш йўллари	
14.5.	Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг манбалари ва омиллари	
<b>15-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА БАҲО ВА БАҲОЛАШ</b>	<b>235</b>
15.1.	Баҳо – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида	
15.2.	Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари	
15.3.	Баҳонинг турлари ва структураси	
<b>16-МАВЗУ.</b>	<b>САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШ</b>	<b>242</b>
16.1.	Саноатни жойлаштириш тамойиллари	
16.2.	Саноатни жойлаштириш омиллари	
16.3.	Айрим саноат тармоқларини жойлаштиришдаги	

	ўзига хос хусусиятлар	
	16.4. Айрим корхоналарни жойлаштиришни иқтисодий асослаш усули	
	16.5. Саноатни жойлаштиришдаги силжишларнинг иқтисодий самарадорлиги	
<b>17-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ</b>	<b>253</b>
	17.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли.	
	17.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари.	
	17.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истиқболлари.	
<b>18-МАВЗУ.</b>	<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ</b>	<b>266</b>
	18.1. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг асосий муаммолари.	
	18.2. Инвестиция – қурилиш фаолиятида бозор иқтисодиётининг тамойилларини ҳисобга олиш.	
	18.3. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.	
	18.4. Қурилишни шартнома асосида ташкил этиш.	
	18.5. Капитал қурилишда танлов савдолари.	
<b>19-МАВЗУ.</b>	<b>ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ, ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ</b>	<b>291</b>
	19.1. Инвестиция - қурилиш жараёни, уни ташкил қилиш ва самарадорлиги.	
	19.2. Инвестиция лойиҳалари ва инвестиция дастурлари ҳамда уларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги ўрни.	
	19.3. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби.	
<b>20-МАВЗУ.</b>	<b>ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ</b>	<b>309</b>
	20.1. Инвестициялар тузилмаси ва уларни инвестицион қарорлар самарадорлигига таъсири.	
	20.2. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари.	
	20.3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.	
<b>21-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АЛОҚАЛАРИ ШАКЛЛАРИ</b>	<b>318</b>
	21.1. Қурилиш ишлаб чиқариши концентрацияси.	
	21.2. Қурилиш ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш.	
	21.3. Қурилиш ишлаб чиқариши кооперацияси.	
	21.4. Қурилишда комбинациялаштириш.	

21.5.	Холдинглар ва молия – саноат гуруҳлари таркибига кирадиган қурилиш ташкилотлари.	
<b>22-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШДА ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	<b>331</b>
22.1.	Қурилишда лойиҳалаштириш мақсади ва вазифалари.	
22.2.	Лойиҳалаш босқичлари ва лойиҳа ҳужжатларининг таркиби.	
22.3.	Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.	
22.4.	Лойиҳа ечимлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.	
<b>23-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ</b>	<b>355</b>
23.1.	Қурилишда бошқаришнинг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари.	
23.2.	Қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими ва органлари.	
23.3.	Пудрат ташкилотлари ва фирмалари - қурилишни бошқаришдаги асосий бўғинлар.	
<b>24-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ</b>	<b>363</b>
24.1.	Илмий-техника тараққиётининг қурилишдаги моҳияти, аҳамияти ва асосий йўналишлари.	
24.2.	Қурилишда илмий-техник тараққиётини башоратлаш ва режалаштириш.	
24.3.	Илмий-техник тараққиётининг қурилишдаги самарадорлигини иқтисодий баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари.	
<b>25-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ. ҚУРИЛИШНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ</b>	<b>372</b>
25.1.	Бозор шароитида қурилиш моддий–техника таъминоти.	
25.2.	Моддий – техника ресурслари етказилишини ташкил этиш.	
25.3.	Моддий – техника ресурслари таъминоти шакллари ва методлари ҳамда уларнинг самарадорлиги.	
25.4.	Қурилиш моддий – техника таъминотини ташкил этиш тизимида логистика.	
25.5.	Асосий фондлар - қурилишнинг ишлаб чиқариш ва ресурс асоси сифатида.	
25.6.	Қурилишнинг айланма фондлари ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан	

	фойдаланиш кўрсаткичлари.	
	25.7. Меҳнат ресурслари ва қурилишнинг кадрлар салоҳияти.	
	25.8. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги моҳияти.	
	25.9. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ва резервлари.	
	25.10. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш методлари.	
	25.11. Меҳнат унумдорлигини баҳолаш.	
<b>26-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ</b>	<b>406</b>
	26.1. Қурилишда режалаштиришнинг асосий вазифалари, тамойиллари ва хусусиятлари.	
	26.2. Капитал қурилишни режалаштиришнинг турлари, мазмуни ва йўналишлари.	
	26.3. Қурилиш ишлаб чиқаришини ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантиришни режалаштириш.	
	26.4. Пудратчи ташкилотлар миқёсида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш.	
	26.5. Қурилиш ишлаб чиқариши ва уни ташкиллаштириш.	
	26.6. Қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмаси.	
<b>27-МАВЗУ.</b>	<b>ҚУРИЛИШДА БАҲОНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИК</b>	<b>427</b>
	27.1. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари.	
	27.2. Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилашнинг таркиби, тузилиши ва услублари.	
	27.3. Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари.	
	27.4. Рентабеллик ва уни қурилишда ошириш йўллари.	
	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>438</b>
	<b>МУНДАРИЖА</b>	<b>441</b>